

АЗИМ ҲОЖИЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИ СИНОНИМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ ВА ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ СТУДЕНТЛАРИ
УЧУН ҚўЛЛАНМА

ЎзССР Олий ва махсус ўрта
таълим вазирлиги тасдиқлаган



«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1974

Махсус редактор
филология фанлари доктори, профессор
Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ



КИРИШ

Синонимлар — талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир. Ана шундай умумий (бирлаштирувчи) маъно билан ўзаро боғланувчи сўзлар группаси синонимик қаторни ташкил этади. Синонимик қатор икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши мумкин: *гул, чечак; бошламоқ, қойил қилмоқ, қойиллатмоқ, ўхшатмоқ, ўринлатмоқ, келиштирмоқ, дўндирмоқ, қиймоқ, эшмоқ, мондаламоқ, ясамоқ.*

Кўп маъноли сўзлар бир эмас, икки ёки ундан ортиқ маъносида ўзаро синонимик қатор ташкил этиши мумкин. Масалан, *айнимоқ, бузилмоқ* сўзлари «соф ҳолатини, истеъмолга яроқлилигини йўқотмоқ, истеъмолга яроқлилиги ёмонлашмоқ» маъноси билан бир синонимик қаторга ва «хулқ-атвори, бирор вазифа, ишдаги хатти-ҳаракати ёмон (салбий) томонга ўзгармоқ» маъноси билан иккинчи синонимик қаторга бирлашади (луғатдаги шу синонимлар учун тузилган мақолага қarang). *Алоҳида, айрим* сўзлари уч маъносида ўзаро синоним бўлади: 1) «ўзига мустақил, бошқалардан холи»; 2) «бошқаларидан фарқли ҳолда, ўзига хос»; 3) «бошқаларига қўшмай, ўзини мустақил ҳолда» (шу синонимлар учун тузилган луғат мақоласига қarang).

Кўп маъноли сўз бир эмас икки ва ундан ортиқ синонимик қаторда бўлиши мумкин. Масалан, *ёқтирмоқ, хоҳламоқ; истамоқ, хоҳламоқ. Бажармоқ, адо этмоқ, битирмоқ, ўринла(т)моқ, дўндирмоқ, ўтамоқ, бажо қилмоқ; битирмоқ, тугатмоқ, тугалламоқ, тамохламоқ, тамом қилмоқ; тугатмоқ, соб қилмоқ, собламоқ, битирмоқ, адо қилмоқ, йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, қуритмоқ.*

Синонимик қатордаги сўзлар ифодаладиган тушунча доираси ўзаро фарқли бўлиши мумкин. Масалан, *ёрдамлашмоқ, ёрдам қилмоқ, кўмаклашмоқ, қарашмоқ, боқишмоқ* сўзлари «ёрдам кўрсатишмоқ», «кўмак бермоқ» маъноси билан бир синонимик қаторни ташкил қилади. Бу синонимик қатордаги *ёрдамлашмоқ* сўзи ифодаладиган тушунча доираси кенг. Бу сўз жисмоний ҳаракат (хизмат) билан ёрдам кўрсатиш, моддий ёрдам кўрсатиш, фикр-мулоҳаза билан ва бошқа тарзда ёрдам кўрсатиш маъносини ифодалай олади (*кўтаришга ёрдамлашмоқ, имтиҳонга ёрдамлашмоқ, тирикчиликка ёрдамлашмоқ ва б.*). *Кўмаклашмоқ, қарашмоқ* сўзлари esa асосан жисмоний ҳаракат билан, баъзи ҳоллардагина бошқа йўл билан ёрдам кўрсатишни ифодалаш учун қўлланади. *Боқишмоқ* феъли esa фақат жисмоний йўл билан ёрдам кўрсатишни ифодалаш учун қўлланади.

81.243.4
43 - 688

ИМ ХОЖИЕВ

ЎЗБЕК
ТИЛИ
СИНОНИМЛАРИНИНГ
ИЗОХЛИ
ЛУФАТИ

АЗИМ ҲОЖИЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИ СИНОНИМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ


УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ ВА ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ СТУДЕНТЛАРИ
УЧУН ҚўЛЛАНМА

ЎзССР Олий ва махсус ўрта
таълим вазирлиги тасдиқлаган



«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЕТИ
Тошкент — 1974

Махсус редактор
филология фанлари доктори, профессор
Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ



X 70 105— № 147
M 353 (06) — 74 250-74

КИРИШ

Синонимлар — талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир. Ана шундай умумий (бирлаштирувчи) маъно билан ўзаро боғланувчи сўзлар группаси синонимик қаторни ташкил этади. Синонимик қатор икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши мумкин: *гул, чечак; бопламоқ, қойил қилмоқ, қойиллатмоқ, ўхшатмоқ, ўринлатмоқ, келиштирмоқ, дўндирмоқ, қиймоқ, эшмоқ, мондаламоқ, ясамоқ.*

Кўп маъноли сўзлар бир эмас, икки ёки ундан ортиқ маъносида ўзаро синонимик қатор ташкил этиши мумкин. Масалан, *айнимоқ, бузилмоқ* сўзлари «соф ҳолатини, истеъмолга яроқлилигини йўқотмоқ, истеъмолга яроқлилиги ёмонлашмоқ» маъноси билан бир синонимик қаторга ва «хулқ-атвори, бирор вазифа, ишдаги хатти-ҳаракати ёмон (салбий) томонга ўзгармоқ» маъноси билан иккинчи синонимик қаторга бирлашади (луғатдаги шу синонимлар учун тузилган мақолага қаранг). *Алоҳида, айрим* сўзлари уч маъносида ўзаро синоним бўлади: 1) «ўзига мустақил, бошқалардан холи»; 2) «бошқаларидан фарқли ҳолда, ўзига хос»; 3) «бошқаларига қўшмай, ўзини мустақил ҳолда» (шу синонимлар учун тузилган луғат мақоласига қаранг).

Кўп маъноли сўз бир эмас икки ва ундан ортиқ синонимик қаторда бўлиши мумкин. Масалан, *ёқтирмоқ, хоҳламоқ; истамоқ, хоҳламоқ, Бажармоқ, адо этмоқ, битирмоқ, ўринла(т)моқ, дўндирмоқ, ўтамоқ, бажо қилмоқ; битирмоқ, тугатмоқ, тугалламоқ, тамомламоқ, тамом қилмоқ; тугатмоқ, соб қилмоқ, собламоқ, битирмоқ, адо қилмоқ, йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, қуритмоқ.*

Синонимик қатордаги сўзлар ифодаладиган тушунча доираси ўзаро фарқли бўлиши мумкин. Масалан, *ёрдамлашмоқ, ёрдам қилмоқ, кўмаклашмоқ, қарашмоқ, боқишмоқ* сўзлари «ёрдам кўрсатишмоқ», «кўмак бермоқ» маъноси билан бир синонимик қаторни ташкил қилади. Бу синонимик қатордаги *ёрдамлашмоқ* сўзи ифодаладиган тушунча доираси кенг. Бу сўз жисмоний ҳаракат (хизмат) билан ёрдам кўрсатиш, моддий ёрдам кўрсатиш, фикр-мулоҳаза билан ва бошқа тарзда ёрдам кўрсатиш маъносини ифодалай олади (*кўтаришга ёрдамлашмоқ, имтиҳонга ёрдамлашмоқ, тирикчиликка ёрдамлашмоқ* ва б.). *Кўмаклашмоқ, қарашмоқ* сўзлари эса асосан жисмоний ҳаракат билан, баъзи ҳоллардагина бошқа йўл билан ёрдам кўрсатишни ифодалаш учун қўлланади. *Боқишмоқ* феъли эса фақат жисмоний йўл билан ёрдам кўрсатишни ифодалаш учун қўлланади.



Синонимик қатордаги сўзлар тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодалаш мумкин. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини нормал даража билан (нейтрал) ифодаласа, баъзилари кучли даражасини кўрсатиши мумкин; айримлари белгини кучсиз даража билан ифодалайди. Масалан, *овора*, *сарсон*, *саргардон* синонимик қаторида *овора* сўзи белгининг кучли-кучсизлигига нисбатан нейтрал ҳолатда. *Сарсон* сўзи белгининг кучлироқ даражасини кўрсатади. *Саргардон* сўзида эса белги даражаси яна ҳам кучлироқ. *Яхши*, *дуруст*, *тузук*, *бинойи* синонимик қаторида *дуруст*, *тузук*, *бинойи* сўзлари белгини яхши сўзидагига нисбатан кучсиз даражада ифодалайди.

Синонимик қатордаги сўзлар эмоционал бўёқдорлигига кўра ўзаро фарқланиши мумкин: эмоционал бўёқли ва эмоционал бўёқсиз сўзлар. Эмоционал бўёқли сўзлар салбий ёки ижобий эмоцияни (муносабатни) ифодалашига кўра икки турга: ижобий эмоционал бўёқли ва салбий эмоционал бўёқли сўзларга бўлинади. Масалан, *юз*, *бет*, *афт*, *башара*, *турқ*, *чеҳра*, *жамол* синонимик қаторида *юз* — нейтрал, *башара*, *турқ* — салбий эмоционал бўёқли, *чеҳра*, *жамол* — ижобий эмоционал бўёқли сўзлардир.

Синонимик қатордаги сўзлар нутқнинг бирор турига, услубига хослиги жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, *совға*, *ҳадя*, *тортиқ*, *армуғон*, *туҳфа* синонимик қаторида *туҳфа* ва *армуғон* сўзлари китобий услубга хос. *Упич*, *бўса*, *муччи* синонимик қаторида *бўса* поэтик услубга хос, *муччи* эса фольклор асарларида учрайди. *Уришмоқ*, *ёқалашмоқ*, *солишмоқ*, *мушталашмоқ*, *сўқишмоқ*, *ташашмоқ* синонимик қаторидаги *солишмоқ*, *сўқишмоқ*, *ташашмоқ* сўзлари оддий сўзлашувга хос.

Синонимик қатордаги сўз ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан эскирган бўлиши мумкин. Масалан, *хурсандлик*, *севинч*, *қувонч*, *шодлик*, *сурур*, *фараҳ*, *бехбудлик* сўзлари эскирган сўзлардир. *Фойда*, *наф*, *манфаат*, *ҳаён* синонимик қаторида *ҳаён* эскирган сўз.

Синонимик қатордаги сўз адабий тилга ёки диалектларга хос бўлиши мумкин. Масалан, *овоз*, *товуш*, *садо*, *сас* синонимик қаторида *сас* сўзи; *қидирмоқ*, *ахтармоқ*, *изламоқ*, *истамоқ* қаторида *истамоқ* сўзи диалектал сўз ҳисобланади.

Синонимик қатордаги сўзлар кўп ёки оз қўлланишига кўра ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, *мақсад*, *ният*, *муддао*, *мурод*, *қасд* синонимик қаторидаги *мақсад* ва *ният* сўзлари қолганларига нисбатан кўп қўлланади. *Бошқа*, *бўлак*, *ўзга* синонимик қаторидаги *бошқа* сўзи қолган икки сўзга нисбатан кўп қўлланади.

Ифодалайдиган тушунча доираси кенг бўлган, белгини нормал даражада ифодалайдиган, эмоционал бўёққа эга бўлмаган, ҳозирги адабий тилга мансуб бўлган сўз синонимик қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кўп қўлланади.

Бу кўрсатиб ўтилганлар синонимик қатордаги сўзларнинг кўз-

га яққол ташланадиган энг муҳим белгиларидир. Синонимлар бир умумий маъно ифодаласалар-да, лекин кўриб ўтилган ва бундан бошқа ўзаро фарқли хусусиятлари сабабли уларнинг ҳар бири тилда (нутқда) ўз қўлланиш ўрнига эга бўлади.

Синонимик қаторнинг чегарасини (бир синонимик қаторга кирувчи сўзлар миқдорини) белгилаш учун аввало шу синонимик қатордаги бош сўзни аниқ белгилаш лозим бўлади. Бош сўз, аввало, синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънони аниқ ифодалайдиган сўз бўлади. Масалан, *бало*, *устга*, *устамон*, *билагон*, *билармон*, *чечан*, *эпчил*, *чаққон*, *уддабурон* сўзларининг ҳаммаси «чаққонлик ва ўринлатиб бажариш маҳоратига эга» деган маънони билдира олади. Шу маънони бу синонимик қатордаги сўзлардан *бало* сўзи жуда аниқ ифодалайди. Бошқаларининг ўзаро синонимлиги ҳам худди шу *бало* сўзига қиёслаш орқали белгиланади.

Бош сўз, одатда, ҳозирги адабий тилга мансублиги, эмоционал бўёқ ва услубга кўра нейтраллиги, кўп қўлланиши билан характерланади. Масалан, *чиройли*, *гўзал*, *ҳусндор*, *ҳуснли*, *хушрўй*, *кўҳлик*, *кўркам*, *барно*, *зебо*, *сулув*, *латофатли*, *соҳибжамол* синонимик қаторида *чиройли* сўзи худди шундай хусусиятга эга бўлган сўздир.

* *
*

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тили учун характерли бўлган синонимик қаторларни ўз ичига олган. Унга фақат лексик синонимларгина киритилган.

Фақат мустақил сўзлар эмас, балки ёрдамчи сўзлар ҳам синоним бўла олади. Луғатга бундай синонимик қаторлардан ҳам киритилди.

Бир ўзакдан синоним аффикслар ёрдамида ясалган қандайдир, аллақандай; *раҳмсиз*, *бераҳм* каби сўзлар ўзаро, шунингдек, бир сўзнинг турли фонетик вариантлари (*гоҳо*, *гойида*, *года* каби) луғатда мустақил синонимик қатор сифатида келтирилмади. Лекин бундай сўзлар бошқа сўзлар билан синоним бўлган тақдирда, шу синонимик қаторда уларнинг фонетик вариантлари ва синоним аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар ҳам келтирилди. Масалан, *гоҳо* сўзи *баъзан*, *унда-бунда*, *ора-сира* каби сўзлар билан синоним бўлгани учун шу синонимик қаторда унинг *гоҳида*, *гойида*, *года* вариантлари ҳам келтирилади.

Луғат синонимик қатордаги бош сўзнинг алифбосига кўра алфавит тартибида тузилган.

Бир сўз бирдан ортиқ синонимик қаторда бош сўз бўладиган бўлса, бу ҳолат рим рақамлари билан кўрсатилди. Масалан:

АЙТМОҚ I, БАЁН ҚИЛМОҚ, ИЗҲОР ҚИЛМОҚ, БИЛДИРМОҚ. «Фикр, мақсадни (бирор гап-сўзни) оғзаки ифода-
вимоқ».

АЙТМОҚ II, ТАКЛИФ ҚИЛМОҚ, ЧАҚИРМОҚ, ЧОРЛАМОҚ. «Келиш, иштирок этиш, ташриф буюришни илтимос қилиб мурожаат этмоқ».

АЙТМОҚ III, ОЛМОҚ. «Ижро этмоқ» (ашула, қўшиқ ҳақида).

Ҳар бир луғат мақоласи қуйидагилардан ташкил топади: 1) синонимик қатор, 2) синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънонинг изоҳи, 3) синонимик қатордаги ҳар бир сўзга хос хусусиятнинг таърифи, 4) синонимик қатор ва ҳар бир синонимга берилган таърифни тасдиқловчи мисол-дигталар. Шейрий асарлардан олинган парчаларда мисралар кетма-кет ёзилди, мисра бошидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланди.

Шуни айтиш керакки, синонимик қатордаги ҳар бир сўзга қарата айтилган фикр-мулоҳаза шу сўзни қўллашда амал қилна-диган қатъий ҳукм деб эмас, балки тавсиялар деб қаралиши лозим. Масалан, *аввал, илгари, олдин, бурун, қадим* сўзлари «ўтган вақтлар(да), ҳозирги вақтга қадар» маъносини билдиради. Булардан *илгари* сўзи *аввал, олдин* сўзларига нисбатан узоқроқ ўтмишни билдиради. *Бурун* сўзи *илгари* сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни, *қадим* сўзи *бурун* сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни билдиради. Лекин бу нисбатан яқин ўтмишни ифодалашда *аввал*, ундан узоқроғини ифодалашда, албатта, *илгари*, ундан ҳам узоғини ифодалашда, албатта, *бурун*, яна ҳам узоғини ифодалашда, албатта, *қадим* сўзи қўлланади деган гап эмас. Ҳар қандай узоқ ўтмишни ифодалашда *аввал, илгари* сўзларидан фойдаланиш мумкин. Лекин *илгари, бурун, қадим* сўзлари кўрсатиб ўтилган хусусиятга эга. Нутқда ҳар бир конкрет ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ана шу сўзлардан мувофиғини қўллаш фикрнинг аниқ ифодаси учун маълум даражада ёрдам беради.

Синонимик қатордаги баъзи сўзлар орасидаги фарқли хусусият жуда сезиларсиз, йўқ даражада бўлади. Бундай ҳолларда уларнинг ўзаро фарқли хусусияти ҳақида ҳозирча қатъий бир гап айтмаслик, фақат улар учун умумий бўлган маънонинг изоҳи билан чегараланиш маъқул кўрилди.

Синонимик қатордаги сўзлар бирдан ортиқ маънода ўзаро синоним бўлса, бу ҳолат араб рақамлари билан кўрсатилди:

АСРАМОҚ, САҚЛАМОҚ. 1. Ёмон таъсир, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ: *Золимнинг зўридан ўзинг асра!*.. (Ойбек). *Лутфинисо... «ёмон кўздан сақласин» учун...* (Ойбек).

2. Йўқ бўлиш ва ш. к. га йўл қўймай эҳтиёт ҳолда тутмоқ: *Елвориб сўрайман, асра қалбингда...* (Уйғун). *Ота, сен кўпдан йўқ... сенинг қалбингни қалбимда сақлайман, сақлайман ҳамон* (Шуҳрат).

3. Бирор мақсад билан тутмоқ: *Узум сақламоқ. Мол сақламоқ.*

А

АБАДИЙ, МАНГУ, УМРБОД, ТОАБАД, ИЛАЛАБАД. Ҳаётнинг ўзи каби доимий, йўқ бўлмайдиган. **Абадий**, мангу сўзлари оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди. **Умрбод** сўзи *абадий*, *мангу* сўзларига тенг маънода ҳам, шунингдек, бир киши умри давомида ўзгармайдиган, йўқ бўлмайдиган маъносида ҳам қўллана олади. **Тоабод** нисбатан эскирган, китобий. **Илалабад** эскирган, китобий. Бу икки сўз асосан поэтик асарларда учрайди.

Шаҳарларнинг номи абадий. Бу номларни қўйган эл-улус (М. Шайхзода). Қаҳрамонлар асло ўлмайдилар. Улар мангу ҳаёт (А. Раҳмат). Биз ватанда яйраб ўсган қувноқ ёш авлод. Бу шодликни партиямиз берди умрбод (И. Муслим). Умрбод шу ерда қолишга келдим (Ҳ. Ғулом). Саодат қуёши Ватан кўкида Тоабод болқисин, яшасин, кулсин! (Шуҳрат). Октябрнинг қуёши Хилпирар илалабад! (М. Шайхзода).

АБАДИЙЛАШТИРМОҚ, МАНГУЛАШТИРМОҚ. Абадийлик хусусиятига эга қилмоқ, мангу яшайдиган қилмоқ. **Мангулаштирмоқ** кам қўлланади.

Аксинча, у (қамоқ) дўстликни кучайтирди, абадийлаштирди (М. Исмоилӣ).

АВАЙЛАМОҚ, АЯМОҚ, ЭҲТИЕТЛАМОҚ, ЭҲТИЕТ ҚИЛМОҚ, АРДОҚЛАМОҚ, ЭЪЗОЗЛАМОҚ, ЭЪЗОЗ ЭТМОҚ, ПАПАЛАМОҚ (ПУПАЛАМОҚ). Эҳтиёт ҳолда тутмоқ, эҳтиётлик билан муносабатда бўлмоқ. **Авайламоқ**, асосан, ташқи таъсирдан, ташқи таъсир натижасида бирор нарса бўлишдан эҳтиёт қилиш маъносида қўлланади. Бу сўзда эҳтиётлаш даражаси **аямоқ**, **эҳтиёт қилмоқ** сўзларидан нисбатан кучлироқ. **Аямоқ** ташқи таъсир натижасида бирор нарса бўлишдан, шунингдек, йўқолиш, сарфланиш кабилардан эҳтиётлаш маъносида ҳам қўлланади. **Эҳтиётламоқ**, **эҳтиёт қилмоқ** сўзларининг маъно хусусияти уларнинг ўзаги («эҳтиёт»)дан англашилиб туради. Булар ташқи таъсир ёки бошқа сабаб билан бирор нарса бўлишдан эҳтиёт ҳолда тутмоқ маъносида қўлланади. **Ардоқламоқ** оддий сўзлашувда камроқ учрайди. Бу сўзда ғамхўрлик, ҳурмат муносабати ҳам акс этади. **Эъвозламоқ**, **эъвоз этмоқ** китобий услубга хос, унда ҳурмат, ғамхўрлик муносабати яна ҳам кучлироқ бўлади. **Папаламоқ** сўзлашув нутқига хос, бунда эркалаш, суйиш муносабати акс этади.

Сени авайлайман. Одамларнинг безгак пашшадай ғингиллашини эшитиб чеҳранг бузилмасин дейман (А. Қаҳҳор). Иш-

қинғни авайла (Қўшиқ). Аяган кўзга чўп тушар (Мақол). Отини аяган от минар, тўнини аяган тўн кияр (Мақол). Уқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қаламни ҳам буғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим (А. Қодирий). Уқитувчи эса узоқ ойлардан бери сабр-тоқат билан ардоқлаб келган умиди ахийри чечак очганидан қувонади (М. Исмоилий). Ҳозир витаминга бой, кишининг минг дардига даво бўладиган хушбўй олма гарқ пишган пайт. Совхозимиз қизлари, боғбонлар ана шу олмаларни эъвозлаб, авайлаб оладилар-да, заха бўлмасин деб махсус яшиқларга жойлаб, шаҳарликларга, Наманган ва Тошкент ишчиларига, Россияга жўнатадилар («Қизил Ўзбекистон»). Нечун ишқ, вафони эъвоз этамиз! — Бор учун оламда қалби кесаклар (Ҳ. Қорабоева). Гулшанга энг асил, энг гўзал гулларни экиб, уни кўз қорачиғидай папалайди (М. Исмоилий). ... Қизларингизни жеркийсиз, сўкасиз, гоий маҳаллар урасиз ҳам. Хўш, нима учун Тўлани юшиқ пахтага ўраб пўпалайсиз? (М. Исмоилий.)

АВВАЛ, ИЛГАРИ, ОЛДИН, БУРУН, ҚАДИМ. 1. Ўтган вақтлар (да), ҳозирги вақтга қадар. **Аввал**, олдин сўзлари контекст ёки бошқа бирор восита ёрдамисиз «ўтмиш» маъносини аниқ ифодалай олмайди. **Илгари**, **бурун**, **қадим** сўзлари эса «ўтмиш» маъносини аниқ ифодалай олади. **Илгари** сўзи, кўпинча, **аввал**, **олдин** сўзларига нисбатан узоқроқ ўтмишни ифодалаш учун қўлланади. **Олдин** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Бурун** сўзи **илгари** сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни билдиради. Лекин **илгари**, **аввал**, **олдин** сўзларига нисбатан кам қўлланади. **Қадим** сўзи **бурун** сўзига нисбатан ҳам узоқ ўтмишни билдиради.

Тирикчилигимиз **аввал** қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай (Ойбек). **Илгари** канал тўғрисида гап бўлганда Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди (А. Қаҳҳор). Урганч шаҳрига **илгари** фақат туя карвонлари билан борилар эди («Тошкент оқшоми»). **Олдин** нима ўтган — бунисидан хабарим йўқ. Елгон бўлса, мана мулла Соли турибди (М. Исмоилий). Айтиб берчи, шунча севганлар Бўлганмикан менча бахтиёр; Айтиб берчи, қайси қиз **бурун** Севиб бўлган умид билан ёр (Ҳ. Олимжон). Шунча таққир, хўрликни **қадим** кўтарган ўлка, энди солмас бошинг узра қора булут кўланка (Ғайратий).

Аввал, **илгари**, **олдин** сўзлари -лар аффиксини олиб, баъзан эгалик аффиксини олиб ҳам қўлланади: Салобати ва жиддияти билан одамни ҳам ўзидай тугиб турадиган бу кенг хонага Ғулумжон **авваллари** ҳам кўп келган эди (М. Исмоилий). — Уялинг! **Илгари** лар бўқоғинг бор деб, кўз очиргани қўймас эдингиз-ку! Неча марта йиғлатгансиз (А. Қаҳҳор).

Қадим сўзи ўрин-пайт келишигидаги **вақт**, **замон** сўзига сифатловчи бўлиб ёки ўзи шу келишиқ аффиксини олиб ҳам қўлланади: *Жилвон рўди қадим замонларда энг катта рўд*

бўлиб, унинг тевараги, ундан суғориладиган ерлар Шоффрикон гуманининг энг обод жойларидан ҳисобланган (С. Айний). Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди (П. Турсун).

2. **Аввал**, **илгари**, **олдин**, **бурун** сўзлари чиқиш келишигидаги сўзини ёки вақт билдирувчи сўзни бошқариб, кўмакчи сўз вазифасида қўлланади ва ҳаракат-ҳодисанинг чиқиш келишигидаги сўз билдирган нарса-ҳодисагача бўлган вақтга оидлигини билдиради. Бунда уларга муқаддам сўзи ҳам синоним бўлади.

Йўлчи чопиққа тушмасдан аввал соч олдириш учун гузарга чиқди (Ойбек). Кўришмасдан илгари Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қўйиб тутди... (Ойбек). Булар асосан ўзларидан олдин сўзга чиққан нотиқларнинг фикрларини янгидан-янги фактлар билан тасдиқлашди (А. Қаҳҳор). Андижон вилоятисидан бир ҳафта бурун отаси оғир касалликдан вафот этди (М. Исмоилий). Ғани Муродов икки йил муқаддам отпуска олиб ва шу билан бирга мактабдан ҳам бўшаб кетган эди (П. Турсун).

АВВАЛГИ, ОЛДИНГИ, ИЛГАРИГИ, БУРУНГИ, ҚАДИМГИ, СОБИҚ. **Аввал** бўлган, ўтган вақтга (ўтмишга) оид, бўлиб ўтган. **Аввалги**, **олдинги** сўзлари кўпроқ яқинда бўлиб ўтган, яқин ўтмишга оид ҳаракат-ҳодисаларга нисбатан қўлланади. **Олдинги** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Илгариги** сўзида ўтмиш **аввалги**, **олдинги** сўзларидагига нисбатан узоқроқ бўлади. **Бурунги** сўзи **илгариги** сўзига нисбатан ҳам узоқроқ ўтмишни билдиради. **Қадимги** сўзида ўтмиш маъноси **бурунги** сўзидагига нисбатан ҳам кучлироқ бўлади. **Собиқ** кўпроқ китобий услубга хос ва бирор ўринда, вазифада бўлиб ўтган шахс ёки нарсаларга нисбатангина қўлланади.

Бобохўжа домла мудирликни топириши билан аввалги аҳволига тушиб қолди. (П. Турсун). Олдинги вақтларда кишилар бунинг сабабига тушунмаган эдилар (Сўзлашувдан). Азаматнинг ёлғиз ўзи! — деб уста Олим илгариги сўзини қайталади (А. Қодирий). Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг (А. Қаҳҳор). Унинг онаси жамоанинг қадимги расмига мувофиқ камбағал қариялардан бир нечасини чақириб, олдиларига бир лаган ош қўйди (П. Турсун). Даромад тақсимотидан кейин Урмонжон бола-чақаси билан кўчиб келди ва Қўғазордаги собиқ водокачка харобасини Бўтабойнинг ёрдами билан ўзига уй қилиб олди (А. Қаҳҳор). Абдурасул Матҳолиқов Олахўжанинг собиқ қароли бўлиб, илгари икковлари ўртасида кўпгина жанжал ҳам бўлган (П. Турсун).

АВВАЛДАН, ИЛГАРИДАН, БУРУНДАН, ҚАДИМДАН, АЗАЛДАН, БОШДАН. Ўтган вақтлардан, ҳозирга қадар ҳам. Бу сўзларда ўтмиш маъноси **илгаридан** сўзида **аввалдан** сўзига нисбатан узоқ. **Бурундан** сўзида **илгаридан** сўзига нисбатан узоқ.

Қ а д и м д а н сўзида эса **бурундан** сўзига нисбатан ҳам узоқ. **Бошдан** сўзида бошланиш вақтга ишора сезилиб туради.

Йўқ, дўстим, аввалдан ҳам бундай ният йўқ эди, айниқса ҳозир, ҳай-ҳай (М. Исмоилий). Бу нарсалар **аввалдан** маълум (Сўзлашувдан). Қисқаси, илгаридан оддий бир тенгдошдек бўлиб келган бир қиз энди Элмурод учун сирли бир кимсага айланиб борар эди (П. Турсун). Бу иш билан **бурундан** шуғулланиб келади (Сўзлашувдан). Аммо оғирлик **бурундан** сармуний бўлган кишининг устидаги қонуний вазифа ҳисобланиб келганидан, кишиларни уйда қабул қилишга Анвар мажбур эди (А. Қодирий). Узбек халқи ер тилиб, ризқ йўлини очиш, кўчат экиб, мева қилдириш иши билан **қадимдан** шуғулланиб келган («Қизил Узбекистон»). Девонбегилар авлодига мансуб бўлган... Шерназарбой Исломуҳжани ич-ичидан ёмон кўрар, **авалдан** адовати бор эди (Ж. Шарипов).

АВВАЛО, АВВАЛАМБОР, АВВАЛАМ, АВВАЛ БОШИ, АВВАЛИ, БОШИ, БОШДА, БИРИНЧИДАН. Бу сўзлар бир-бирига алоқадор нарса-ҳодисаларни баён этишда энг биринчисини, асосийсини таъкидлаб кўрсатади. **Аввалам, аввали, боши, бошда** сўзлари бу маънода кам қўлланади. Қолганларининг ўзаро фарқи уларнинг ўзаги аниқланган маънодан сезилиб туради.

Аввало, менинг уйим йўқ. Ундан кейин, мени муборакбод қилиб турган танишларим ҳам йўқ (А. Қодирий). **Аввало**, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик (А. Қаҳҳор). **Авваламбор**, куртак отмасин эди, отдими, энди фақат гуллайди, барқ уриб яшнайди, аммо сўлмайди ҳеч қачон! (Ж. Абдуллахонов.) **Аввалам**, менинг ўзим аҳмоқман (Шуҳрат). Бўтабой ўрнидан туриб чолга қўлини шоп қилди: «Бир сўз айтмаган бўлсангиз ҳам, **аввал боши** сиз айтдингиз» (А. Қаҳҳор). **Аввали**, бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма. Бўридан қўрқиб керак (А. Қаҳҳор). Ман санга икки оғиз гапирай, **биринчидан**, пулни қадрини бил, лўлининг эшагини суғор пулини ол. Санга ярашади, негаки, камбағалсан (Ойбек).

АВЛИЕ, ВАЛИ, КАРОМАТЧИ. Башорат, каромат қила оладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган одам (диндор, эътиқодли кишилар назарида). **Авлиё**, вали сўзларида илоҳий томон асосий ўринда бўлади. Булардан **вали** сўзи шу маънода кам қўлланади. **Кароматчи** сўзининг маъноси унинг ўзагидан сезилиб туради. Бунда илоҳий томон назарда тутилмаслиги ҳам мумкин.

Мен шундай **авлиёманки**, агар тош ёки дарахтни чақирсам, олдимга дарров келади («Латифалар»). Биз **авлиёмизм**ми? Қаерда эканини айтиш жуда мушкул (Ойбек). У [Абду-салом] жавоб берди:— Ғойибдан хабар берувчилар икки турли

бўладилар: бири — **вали**, иккинчиси **коҳин** [фолбин] (С. Айний). Лениннинг ...доҳиёна башорати ва у бошлаб юборган буюк ишлар моҳиятини тушуниб етолмаган буржуа мафкурачилари, ғоявий душманларимиз, турли ранг ва ниқобдаги кароматчилар: «Бу — қуруқ тахмин, асоссиз фараз, амалга ошмайдиган режа»,— деб аюҳаннос солдилар («Совет Узбекистони»).

АВЛОД, БЎҒИН. Бир давр кишиларининг насли. **Бўгин** бу маънода айрим сўз бирикмалари таркибидагина қўлланади.

Инсониятнинг асл орзусини рўёбга чиқараётган кишилар билан келажак **авлодлар** фахрланадилар («Қизил Узбекистон»). Партия бутун тарбиявий ишларда ёш **авлоднинг** ўсиб камолга етишига алоҳида аҳамият бериб келяпти («Қизил Узбекистон»). Ёш **бўгинни** меҳнатсеварлик, коллективизм, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз! («Қизил Узбекистон»).

АВТОР, МУАЛЛИФ. Бадий, илмий, адабий асарни яратган, ниманидир ихтиро қилган киши. **Муаллиф** — оз қўлланади.

Мактуб автори ўзининг камхатлиги, дараксиз кетганлиги сабабларини айтиб, энди тез-тез хат ёзиб туришга ваъда қилган, хат кутаман деган ва колхоздаги ишларни сўраган (И Раҳим). **Автор талқинчи**, **Едгор мулоҳазакор**, **босиқ**, **ориятли**, **ақлли одам** (Э. Баҳодиров). Укам — СССР **Езувчилари союзининг аъзоси**, бир неча китоб **муаллифи** («Гулистон»).

АГАР, МАБОДО, БАШАРТИ, БОРДИЮ, МАГАР. Эргаш гап таркибида шарт маъносини кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. Шу вазифада **агар**, **мабодо**, **бордию** сўзлари оғзаки ва ёзма нутқда кўп қўлланади. **Мабодо**, **бордию** сўзлари ҳаракат-ҳодиса эҳтимолдан узоқроқ бўлган ҳолларда шу маънони таъкидлаш учун қўлланади. **Башарти** кўпроқ китобий услубга хос. **Магар** эскирган, китобий.

Агар кўчада бўлмаса эди, **Йўлчи** шу онда бу **ўзгал**, **тоза юракли**... қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди (Ойбек). **Мизғимоқчи** бўлсанг **мабодо**, бошларингга мен болиш қўйсам, сен ухласанг осуда ва жим, **Дийдорингга** мен қараб тўйсам (Уйғун). **Башарти** дадамиз хуфтонни ўқимай келиб қолса, **бунинг** ҳийласи осон... (А. Қодирий). **Бордию** сузган сизгир қозини қи бўлса-чи?— деб у киши яна сўради («Латифалар»). **Магар** истиқбол шу экан, келинг, биз ҳам кирайлик, қизнинг тилини, дилини, тилак-истакларини билайлик (М. Исмоилий).

АГЕНТ, АЙҒОҚЧИ, ЖОСУС, ШПИОН. Бирор давлат разведкасининг махфий ходими. **Агент**, **айғоқчи** бирор давлат разведкасининг ўз ичида иш олиб борувчи махфий ходими маъносида ҳам, шунингдек, бошқа давлатларда иш олиб борувчи ходими маъносида ҳам қўлланади. **Жосус**, **шпион** ўзга давлатда, ўзга давлат манфаати учун иш олиб борувчи махфий ходимни билдиради.

...**Гитлерчиларнинг** ...**контрразведкаси** ҳам саросимага тушиб,

Берлинда пайдо бўлган агентни қидира бошлайдилар («Совет Ўзбекистони»). ...ғоят эҳтиёткорлик билан ишлар, чунки агентлар ва... сўз овловчилар қишлоқларда оз эмас (Ойбек). Қуришовда қолдик деб душман айғоқчилари саросимага тушиб қолдилар («Совет Ўзбекистони»). СССР давлат хавфсизлиги органлари айғоқчиларнинг ҳақиқий башарасини халқ олдида очиб ташлаш борасида бебаҳо роль ўйнади («Совет Ўзбекистони»). Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайдиб юришибди (Ж. Шарипов). ...ўзининг айтишига кўра, аллақайси йили, аллаким тўғрисида «тегишли жойга» маълумот берган, натижада ўша одам жосус бўлиб чиққан (А. Қаҳҳор). Владимир Ильич менга ўзининг бир неча бор жосуслардан қандай қилиб қочиб қутулганини айтиб берган эди («В. И. Ленин ҳақида хотиралар»).

АГРЕССИВ, ТАЖОВУЗКОРЛИК, БОСҚИНЧИЛИК. Агрессияга асосланган, босқинчиликдан (тажовузкорликдан) иборат бўлган.

Совет Иттифоқининг бошқа давлатларга нисбатан агрессивия ниятлари йўқ («Қизил Ўзбекистон»). Уйғун янги уруш оловини ёқувчиларнинг тажовузкорлик кирдикорларини тинчлик символи кабутига бўлган муносабатидан очиб ташлайди («Ўзб. сов. а-ти», 10-синф). Туниснинг чегаралари олдида қардош Жазоир халқига қарши мустамлакачиларнинг босқинчилик уруши давом этаётганлигини яхши биламиз («Қизил Ўзбекистон»).

АГРЕССИЯ, ТАЖОВУЗКОРЛИК, ТАЖОВУЗ, БОСҚИНЧИЛИК. Ўзга давлат ерларини босиб олиш, уни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат. Агрессия термин сифатида ҳам, ёзма нутқда ҳам кенг қўлланади. Қолган сўзларнинг маъно нозиклигидаги фарқи уларнинг ўзагидан сезилиб туради. Бу маънода оддий сўзлашувда **босқинчилик** сўзи бошқаларига нисбатан кўп қўлланади.

Совет халқи... бевосита ёки билвосита агрессия қилишни хаёлига ҳам келтирмайди, чунки агрессия бизнинг социалистик тузумимизга ётдир («Қизил Ўзбекистон»). Тажовузкорлик, босқинчилик империалистларнинг қон-қонига сингиб кетган (А. Абдунабиев, С. Султонов). Империализмнинг ҳар қандай хуружлари, исёнлари, суиқасдлари, тажовузлари бу руҳни ўлдиролмайди («Қизил Ўзбекистон»). Босқинчилик, талончилик урушлари неча минг йиллар мобайнида инсоният бошига зўр вайронгарчилик келтирувчи тўфон бўлиб келди («Қизил Ўзбекистон»).

АГРЕССОР, БОСҚИНЧИ, ТАЖОВУЗКОР. Агрессия билан, босқинчилик билан шуғулланувчи. Агрессор сўзи термин сифатида, ёзма нутқда қўлланади. Сўзлашувда эса **босқинчи** кенг қўлланади. **Тажовузкор** — пассив сўз.

Аммо ҳозирги вақтда тинчлик кучлари шу қадар ўсганки, улар **агрессорларни** жиловлай оладилар («Қизил Ўзбекис-

тон»). Халқ қасосчиларининг муқаддас бурчи шу! Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча биз ундан ўч оламиз (И. Раҳим). ...Ленинча ғоя... империалист тажовузкорларнинг кирдикорларини фотиб, уларни тобора яккалаб қўймоқда («Қизил Ўзбекистон»).

АДОЛАТ, ОДИЛЛИК. Холис ва ҳаққоний хатти-ҳаракат, ҳолат. Адолат асосан қонун-қонда ва умум ишидаги хатти-ҳаракатга нисбатан қўлланади. **Одиллик**, аксинча, оддий муносабатлардаги холис ва одилона хатти-ҳаракат маъносини ифодалашда кўпроқ қўлланади. Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир (Ойбек). Институт маъмурияти имтиҳонларнинг юксак савияда одиллик ва ҳаққонийлик билан ўтказилиши учун ҳамма чораларни кўрган («Совет Ўзбекистони»).

АДОЛАТЛИ, ОДИЛ. Одилликка асосланган, холис ва одилона иш тутадиган. Бу икки сўз орасидаги фарқ адолат ва **одиллик** сўзлари орасидаги фарққа ўхшайди.

Ҳозир сизнинг адолатли ҳукмингиздан бир нарсани сўрайми... (А. Қодирий). Мен болаларни жуда севаман. Чунки улар пок, адолатли ва талабчан (Т. Обидов). Улар [мўйсафидлар] ўтмишимиз билан ҳозиримизни ақл тарозисидан таққослаб кўриб, одил хулосаларни яққол айтиб бера оладилар («Қизил Ўзбекистон»). Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қўл остидаги бой, мулла, арбоб ва оқсоқоллар ҳам одил бўладилар (С. Айний).

АДОЛАТСИЗЛИК, ҲАҚСИЗЛИК, БЕДОДЛИК. Адолатга, ҳаққониятга зид хатти-ҳаракат, ҳолат. **Адолатсизлик, ҳақсизлик** сўзларининг маъно жиҳатдан нозик фарқи адолат, ҳақ сўзларининг маъносидан келиб чиқади. **Бедодлик** китобий услубга хос.

Элмурод ўйланиб, ташқарига чиқди. Ҳақсизлик, адолатсизлик унинг ичини ўртай бошлади (П. Турсун). Ҳолбуки Хатиб домла ҳақсизликка қарши бошқача пухта тадбирларни кўради (А. Қодирий). Лекин ўқитувчи ҳаммасига — ҳамма хўрлик, ҳамма бедодликка чидаб келди (М. Исмоилий).

АЕВ, ШАФҚАТ, РАҲМ, ОМОН. Аяш, раҳм ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули муносабат. **Шафқат** кўпроқ китобий услубга, ёзма нутқга хос. **Раҳм** сўзида ачинаш муносабати кучлироқ. **Омон** кам қўлланади.

Қиттак ҳам аёв кутмас Эрта кун ҳакамидан (Миртемир.) Азим тажонг сабабига ўзи ҳам тушунмаган бир итоат билан Ғуломжонга қаради. Энди унинг раҳм билмас юзида қонсизанган жаллод кўзлари эмас, ҳурмат учқунлари чақнаган шафқат кўзлари бор эди (М. Исмоилий). «Темир, тузумни ҳақла, ўзимни оқла», — деб турган киши: «Мен сендан омон тилармидим, қўлга туширибсан, керак бўлса, ўштимни е», — деб қолди (Н. Сафаров). Ёв жасади билан майдонлар тўлди, лекин зарра йўқ омон, Аямасдан урдилар ёмон (Ойбек).

АЁВСИЗ, БЕАЁВ, ШАФҚАТСИЗ, БЕОМОН, ОМОНСИЗ. Шафқат қилмай, аёв бермай, омон бермай, шафқат қилмай бажарилган (олиб борилган). **Аёвсиз** кенг тушунчага эга ва у ҳаракат, шунингдек, предмет белгисини ифодалашда қўлланади. **Аёвсиз, шафқатсиз** кичик ҳодисалардан тортиб, энг даҳшатли ҳолатлардаги аёв бермай қилинган ҳаракатларга нисбатан қўлланаверади. **Беомон, омонсиз** уруш-жанг ва шу каби даҳшатли ҳоллардаги аёвсиз ҳаракатни ифодалайди, нисбатан оз қўлланади.

Аёвсиз туширилган икки-уч муштдан кейин Қудратнинг бурнидан қон кетди, лекин кўзидан ёш кетмади (М. Исмоилий). Муротали иш ёқмасларга беаёв эди, ҳатто Фафур дўсти бўлса ҳам, унинг ялқовлигини сира-сира кечирмасди (Ш. Рашидов). Ким у, нима у севги билан масъуд, севги билан хушнуд дилларни шафқатсиз нимталаган, қон тизғитиб тимдалаган? (М. Исмоилий.) Молдай беомон сўйилганлар эсда турсин! (Миртемир.) Мирзакаримбой Йўлчига далда бериш учун... ўлим ҳар кимнинг бошида омонсиз қиличини тутиб турганлиги, не-не пайғамбарлар, не-не азиз-авлиёларни ўлим олиб кетганлиги ҳақида гапирди (Ойбек).

Аёл, хотин, хотин-қиз, хотин-халаж. Эркакка қарама-қарши жинсдаги одам. **Аёл** турмуш қурган, катта ёшдаги хотин маъносида қўлланади. «Умуман турмушга чиққан ва чиқмаган турли ёшдаги эркакка қарама-қарши жинсдаги одамлар» маъносида бу сўз -лар аффикси билан қўлланади. **Хотин** бу ердаги маъносида оддий сўзлашувга хос бўлиб, катта ёшдаги турмуш қурган аёлни билдиради. **Хотин-қиз** жуфт сўзида турмушга чиққан ва чиқмаганлар умумлаштирилади ва шу нарса аниқ акс этиб туради. **Хотин-халаж** оддий сўзлашувга хос бўлиб, асосан, турли ёшдаги турмуш қурган аёлларни ифодалайди.

Аёллар кўприк бошида чапак чалиб, тиззаларини уриб чинқиришди: «Дод золимларнинг дастидан! Оқ подшонинг тахти куйсин! Қораси ўчсин!» (Ойбек). ...биласан, хотин аҳли молга ўч бўлади (Ойбек). Маҳкамга бу жуда ёқиб тушди: тўғри-да, эркаклар билан хотин-қизларнинг ҳаққи-ҳуқуқи тенг бўлгандан кейин, бирининг иккинчиси олдидаги масъулияти ҳам тенг бўлиши керак (П. Қодиров). Эй, қўйсангиз-чи ўша хотин-халажингизни! Иккитаси бир ерда бўлса — бозор, учтаси йиғилса — ярмарка бўлади («Саодат»).

Ажабланиш, таажжуб, таажжубланиш. Ҳайрон бўладиган, ажабланиш (ҳайронлик) ҳисси уйғотадиган.

Қўли гул боғбоннинг маҳорати билан бир дарахтнинг турли шохларида турлича мева етишиши ажабланиш эмас («Совет Ўзбекистони»). Бири дейди: «Бу таажжуб ҳол, Чечакларнинг қурибди шўри» (Уйғун). Майиз тайёрлаш ҷеҳида яна бир таажжубланиш воқеанинг гувоҳи бўлдим («Муштум»).

Ажабланиш, таажжубланиш, ҳайрон бўлмоқ, ҳайратланиш. Тушунолмайд, билолмай ҳайрон ҳолатда бўлмоқ. **Ажабланиш** сўзида ҳайронликка нисбатан қизиқиш кучлироқ бўлади. **Ҳайрон бўлмоқ** сўзида эса, аксинча, ҳайронлик ҳолати кучли бўлади. **Ҳайратланиш** сўзида белги даражаси яна ҳам кучлироқ бўлади.

«Қаердан пайдо бўлиб қолдинг?» — деб сўради кампир ажабланиб (Х. Сейтов). Уйнинг остонасида ётган одамни кўриб қопчиқ кўтарган қиз ҳайрон бўлмади ҳам (К. Икромов). Иқин-яқинларгача ҳам кексалар отлиқ ёки пиёда узоқроқ бир қишлоққа борар бўлса, фалакнинг гардиши мунча кенг экан деб ҳайратланишлар («Совет Ўзбекистони»).

Ажин, тириш, буриш (иқ). Юз ва пешанада бўлувчи ботиқ йўл-йўл чизиқлар (излар). **Тириш**, айнақса **буриш (иқ)** оз қўлланади.

Юзининг қоплаган ажинмас, тўғри. Йиллардан-йилларга ўтган йўллардир... (Шуҳрат). Қўрққаниданми ё қаттиқ ўйга толганиданми. [Тўланинг] юзи жиддийлашди, ...пешанасида тиришлар пайдо бўлди (М. Исмоилий). Кампир елкасини учуриб йиғлар, кўз ёшлари юзининг буришлари устидан симобдек юмалаб тушиб кетаётган эди (А. Муҳиддин). [Шокир ота] эти сунга ёпишган, чувак юзи ва пешанаси чуқур чизиқлар, буришиқлар билан қуюқ қопланган камсоқол кекса эди (Ойбек).

Ажратмоқ I, айирмоқ. Тўдасидан, бутун ҳолидан алоҳида қилмоқ.

Сўнг энкайиб, маҳсиларни секин-секин санади-да, беш жуфтини ажратиб нарироққа сурди (Ойбек). Боққа олиб кетиши лозим бўлган буюмларни бир ёққа айирди (Ойбек).

Ажратмоқ II, айирмоқ, фарқламоқ, фарқ қилмоқ. **Фарқ-айирмани** белгиламоқ, фарқ-айирмани билмоқ. **Фарқламоқ, фарқ қилмоқ** кам қўлланади.

Бай-бай... мен еган қаймоқларни ариқ қилиб оқизсангиз, ҳеч қандай тўғон туриш бермайди. Шунинг учун қаймоқнинг яхши-ёмонини дарров ажратаман (А. Қаҳҳор). Ясама кароматчининг [эшоннинг] иситма билан ошқозон касалини айирма олмаслигини қаёқдан билсин («Муштум»). Ҳе, афсус, афсус... янглишибсиз... оқни қорадан фарқ қилмоқ керак... (Х. Фулом).

Азамат, полвон, кучли. Катта куч-қувватга эга. **Азамат** ва **кучли** сўзи кишининг бутун ўзига нисбатан ҳам, унинг гавдаси, тана аъзоларига нисбатан ҳам қўлланади. **Полвон** шахснинг ўзига нисбатан қўлланади.

Йўлчи ҳам бутун азамат гавдасини силкиб кулади (Ойбек). Унинг катта ўғли Султон ўн олтига қадам қўйди. Баданини чўяндан қуйганга ўхшайди азаматнинг (Х. Фулом). «Тўнкани бир полвон ёради, бир донишманд ёради» дегандек, Тожибойни

Дўсмаатов бўйин эгдиролмаса, ким унга бас келади (П. Турсун). Кўзларини чиройли сузиб эски кийимда, лекин кучли, мармур, желишган Йўлчиға тикилди [Гуландом] (Ойбек).

АЗИЗ, ҚАДРОН, ҚАДРЛИ, ҚИММАТЛИ. Кадр-қиммат билан бўладиган муносабатни, кўнгилга яқин муносабатни ифодалайди. **Азиз** — мурожаат этилаётган шахсни билдирувчи сўз билан ҳам, бундай сўзсиз ҳам қўлланади. Кейинги ҳолда, албатта, эгалик қўшимчаси билан (**азизим**) қўлланади. **Қадрдон** — мурожаат этилаётган шахсни билдирувчи сўз билан ёки бундай сўзсиз ҳам, шунингдек, эгалик қўшимчаси билан ёки усиз ҳам қўллана олади. **Қадрли, қимматли** сўзлари фақат мурожаат этилаётган шахсни билдирувчи сўз билан қўлланади.

Азиз оғайним!.. **Аскин, дўстим, одам танийдиган бўлиб қолдим (А. Қаҳҳор).** **Азизим!** Қизингизнинг бахтини бировларнинг остонасидан қидирманг (**А. Қаҳҳор**). «Самарқандда кўргангизмизга жуда ўхшаб кетади, қадрдон», — деди Юсуф тоға (**К. Икромов**). **Йўлчибой!**.. **Вой қадрдоним, жигарим (Ойбек).** **Қадрли дўстлар, азиз пахтакорлар, шаҳарлик мадакорлар!** «Оқ олтин» карвони маррага етиб қолди («Совет Ўзбекистони»).

АЗОБ, АЗИЯТ, ЖАБР, ЖАФО, ОЗОР, ЗАҲМАТ, АЛАМ, ИЗТИРОБ, УҚУБАТ, СИТАМ. Руҳий ёки жисмоний қийноқ. **Азоб** кенг тушунчага эга, у руҳий ва жисмоний қийноқ маъносига ҳам, ўзга томонидан бўладиган, шунингдек, бирор нарсадан бўладиган қийноқ маъносига ҳам қўлланаверади. **Азият** асосан ёзма нутқда ва ўқимишли, катта ёшдаги кишилар нутқда қўлланади. **Жабр** сўзида белги даражаси **азоб** сўзидан нисбатан кучдан ва бу сўз асосан инсон томонидан бўладиган азоб маъносига қўлланади. **Жафо** мустақил сўз ҳолида нисбатан кам қўлланади. Кўпинча, **жабр** сўзи билан жуфт сўз ҳолида (**жабр-жафо**) ёки қилмоқ феъли билан бирга қўлланади. **Озор** сўзида белги даражаси **азоб, жабр** сўзларига нисбатан кучсизроқ. Бу сўз ҳам мустақил ҳолда жуда кам қўлланади. **Заҳмат** меҳнат билан боғлиқ бўлган азобни билдиради. **Алам** бу маънода кам қўлланади. **Изтироб** асосан, руҳий азоб маъносига қўлланади ва унда белги даражаси **азоб** сўзидан нисбатан кучлироқ. Оддий сўзлашувда деярли қўлланимайди. **Уқубат, ситам** сўзлари яқка ҳолда жуда кам ишлатилади. **Уқубат** сўзи кўпинча азоб сўзи билан, **ситам** сўзи **жабр** сўзи билан жуфт сўз ҳолида қўлланади.

Бир томон — айрилиқ кулфати, бир томон — меҳнат машаққати, яна бир томон — очлик азоби (**Ҳ. Фулом**). Кимсаной кундош азоби га бир йилча чидади-ю, охири бўлмади. Қўлида йўлчаси Ҳошимжон билан қайтиб келди (**А. Қаҳҳор**). Онасидан ажралгандан бери кун бўйи қанча азият чекди, қанча кўз ёши тўкди (**П. Турсун**). Ундок бўлса, бу ерга келишидан сизга азиятдан ўзга нима хушлик бор? (**А. Қаҳҳор**.) Зулмга, жабрга

чидай олмадим, чин сўз шу (**Ойбек**). Ахир бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз? Кимга? (**Ҳ. Ҳакимзода**.) Аввалги отам эмас: сўлишибди, қуришибди, қарибди, ранглари саргайибди. Менга етказган озори уни шу кўйга солган-да (**М. Исмоилий**). Бу йил колхозчилар кетмон заҳматини кўрмадилар (**«Қизил Ўзбекистон»**). Қуллик билан яшардик, тортардик алам. Меҳнат қилган хор эди, кўрмасдик роҳат (**Ғайратий**). Ҳаёт ҳар қачонгидан кўра кўркам ва ёрқин эди, дунёда айрилиқ, қайғу, алам, уруш, қон, иэтироб, ўлим йўқ эди (**Шуҳрат**). Ғуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди (**М. Исмоилий**). Қашшоқликни, турмушдаги азобу-уқубатларни шу вақтгача ота-бободан мерос ёки соддача кўргулик деб ўйлар эди (**Ойбек**). Зиндондаги ширин-шарбатдан очликдаги ситам, гурбат яхши эмасми? (**Ҳ. Ҳакимзода**.) Тушди сени деб бошимга жабру ситам ҳадсиз азоб (**Ҳ. Ҳакимзода**).

АЗОБЛИ, ЖАФОЛИ, УҚУБАТЛИ, ЗАҲМАТЛИ, АЛАМЛИ, ИЗТИРОБЛИ, АЧЧИҚ, СИТАМЛИ. Руҳий ёки жисмоний қийнайдиган, азобдан (аламдан) иборат. Буларнинг азобли сўздан бошқаси оддий сўзлашувда жуда кам қўлланади. Нозик маъно фарқлари уларнинг ўзак қисмидан келиб чиқади.

Нусратулла кейинги вақтларда бу азобли ўйлардан вақтинча бўлса ҳам қутулишининг бирдан-бир йўлини топиб олган (**А. Мухтор**). **Шоир** ўзбек халқининг тарихий кишилари образини, бой ва ўлжал табиатини, жафоли ўтмишини, бугунги фаровон турмушини тасвирлайди («Қизил Ўзбекистон»). **Уқубатли** оғир меҳнатнинг кўпгина касблари бизга керак бўлмай қолганига кўп вақт бўлди («Қизил Ўзбекистон»). **Капитализм** давридаги оғир, жаҳматли меҳнат социализм даврида роҳат-фароғат манбаи бўлиб қолди («Қизил Ўзбекистон»). **Шерикларимиз** ҳам уруш вақтининг аламли кунларини ўйлабми, жим қолишди (**Ойдин**). **Узоқ** ва иэтиробли айрилиқда жафо чека-чека севгилисиз ёнига олам гўла қувонч билан қайтган шўрлик ошиқ ёрини вафосизликда, ғаним хасмида кўриб қандай ҳолатга тушса, юраги қанчалик қон бўлиб эзилса, Ғуломжон ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди (**М. Исмоилий**). Оқди шундай кўз ёш селларим, Утди шундай аччиқ йилларим (**Ғайратий**). Она-бола ўз ҳасратлари, аччиқ нолалари билан қолди (**М. Исмоилий**). Севгининг ширин онлари, ширин ҳаловати сингари, ситамли алами, шафқатсиз кулфаги ҳам бўлади (**М. Жўра**).

АЙБ, ГУНОҲ, ЖИНОЯТ, ЁЗИҚ. Расм-одат нормаларига, қонун-қоидага қарама-қарши хатти-ҳаракат. **Гуноҳ** маънони айб сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди. **Жиноят** қонун-қоидага хилоф хатти-ҳаракат маъносига қўлланади. **Ёзиқ** эскирган.

У Ойқизнинг ёнига келди-да, айбига иқдор бўлган гуноҳ-

көрдөк маъюслик билан гапирди (Ш. Рашидов). Бўлиснинг Развоқ ўз сўзида баён қилган уч айби актда ўнлаб, юзлаб далиллар билан исботланган (Х. Фулом). Бир бечорага тухмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб жим ўтирсанг, гуноҳ бўлмайдингми? (М. Исмоилий.) Бундай ишни кечиктириш жиноят (Ш. Рашидов). *Езиғимиз худо берган беш-олти мол бўлса, олсин-қўйсин-да* (П. Турсун).

АЙБДОР, АЙБЛИ, ГУНОҲКОР. Айбли иш (гуноҳ иш) қилган, айби (гуноҳи) бор.

Бу мажлисининг қаҳрамони бўлган комсомолец Ҳасан айбдордай ерга қараб ўтирган бўлса ҳам, ўз кўнглида нималар ўтганини ҳеч кимга билдирмасликка уринмоқда эди (С. Айний). Чолнинг юрак яраларини очишда ўзини айбли санаган Йўлчининг кўкраги оғир туйғулар билан тўлди (Ойбек). *Жавоб бериб кўрчи, номард табиат, Бунчалик ўзгални нечун яратдинг?! Узинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад, Нечун яратдинг-у ўтларга отдинг?* (Х. Олимжон.)

АЙБСИЗ, ГУНОҲСИЗ, БЕГУНОҲ. Айби (гуноҳи) йўқ, айбли (гуноҳли) иш қилмаган

Кечаси эшиги тасодифан очиқ қолгани учун партизанлар билан алоқада айбланиб отилган айбсиз чолнинг мазорини... кўрсатдилар (Ойбек). Юртнинг ободлиги гуноҳсиз қипчоқнинг қизил қонига қараб қолган бўлса — майли, ўлдирсинлар! (А. Қодирий.) Бу икки бегуноҳнинг қамалишларига ҳам ўша ярамас сабаб бўлди (А. Қодирий.)

АЙЁР, МУҒОМБИР, ХИЙЛАГАР, ҚУВ, УСТОМОН, МАККОР, ДОҒУЛИ, МЎЛТОНИ, ҚИЛВИР(И), ШАЙТОН, ТУЛКИ, ТУЛЛАК, ҚИРРИҚ, ХИРПА, МАСТОН. Алдаб, чалғитиб, ҳар қандай ишни ўз фойдасига ҳал қиладиган, макр-хийлага уста. **Айёр, қув, муғомбир** сўзлари одамга ва айрим бошқа жониворларга нисбатан ҳам қўллана олади. Қолганлари эса бу маънода фақат одамга нисбатан қўлланади. **Устомон, хийлагар** сўзларининг маъноси унинг ўзагидан англашилиб туради. **Муғомбир** сўзида белги даражаси айёр сўзидагига нисбатан бир оз кучсиз. **Қув** сўзида белги даражаси кучлироқ. **Доғули, мўлтони, қилвир(и), маккор** сўзларида ҳам белги даражаси кучли, лекин бу сўзлар нисбатан кам қўлланади. **Шайтон, тулки, туллак, қирриқ, хирпа** сўзлари «иш кўрган айёр» маъносида қўлланади. **Мастон** сўзи фольклор асарларида ва айрим шеваларда учрайди.

Тулкани алдаб соғурлар, Турфа айёрдир тўрам («Муштум»). *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам: ҳамма бойлар каби айёр, муғомбир, пухта-пишиқ* (Ойбек). *Бир эртақда тулки хийлага одамнинг қилмишларини кўриб айёрликдан воз кечиб юборарди* («Муштум»). *Биз худди бекдек сезгир, қув бўлишимиз керак...* (Х. Фулом). *Тавба, бундай устомонни кўрган эмасман* (Ойбек). *Душманнинг маккор ва кўрқинчли*

иягини ойнадай равшан кўрсатган харитадан хўрсиниб бошини олан (Ойбек). *Бунақа доғулилар ишни бошлаб юради* (Саид Аҳмад). *Авалли шуки, ҳеч кимим йўқ, ёлғиз бошим дегандир, иш уювси, илоннинг ёғини еган мўлтони онаси борлигини ташрирдир* (А. Қаҳҳор). *Ҳа-ҳа, жуда қилвирсан, илоннинг ёғини егансан* (Яшин). *Яна у Мирзакаримбой хонадонига бошлиқ бўлиб кеккайсин... бойликнинг нишабини ўз томонига тўғрилашди!* *У жуда шайтон хотин* (Ойбек). *Чол соқолини тимискилади: «Эҳтиёт бўлинг у [Қўқонбой] жуда тулки одам, каттароқ шикоят етказмасин»,— деди* (Мирмуҳсин). *Ўзи ҳам иш кўрган туллак эмасми, энди бу оғир ҳолатдан усталик билан чиқиб келиш йўлларига ёпишади* (А. Қодирий). *Ҳайдаров эса раҳбар кишиларга хос фазилатлардан тамоман маҳрум, қирриқ киши* («Таниш башаралар»). *Ернинг тагида илон қимирласа биламан! Ўзласизми, ўша эски, хирпа Боймат бунинг ҳам чорасини аллақачон топиб қўйган!* (Яшин.) *Эрдан айёр, хотиндан кўп масхона, Сирингни ёлғизим асло билдирма* («Равшан»).

АЙЕРОНА, МУҒОМБИРОНА, МАККОРОНА. Айёрларга хос, айёрлик билан: *Улуғвор гавдали, серсоқол, кўзойнак остидан айёрона кулиб қаровчи бир киши сўз олди* (Ойбек). *Муса муғомбирона кулди-да Элмуроднинг елкасига уриб қўйди* (П. Турсун). *Мастура кўзларини маккорона ўйнатиб жавоб берди* (Ойбек).

АЙИРБОШЛАМОҚ, АЙИРБОШ ҚИЛМОҚ, АЛМАШМОҚ, АЛМАШТИРМОҚ, АЛИШМОҚ. Бошма-бошига ёки бирор шарт билан бирор нарсага олиш ҳисобига ўзиникини бермоқ. **Айирбошламоқ, айирбош қилмоқ** асосан, конкрет нарса-предметларни алишиш маъносида қўлланади. Қолганлари конкрет ва мавҳум нарсаларга нисбатан қўллана олади. **Алмаштирмоқ** кам учрайди.

Сотишга ва айирбошлагга ярайдиган нарсалар ҳам соб бўлди (П. Турсун). *Муҳаббат севгини, ор-номусни товлamacчи бир савдогарга сотди, виждонни латта-луттага айирбош қилди* (Н. Сафаров). [Моҳира ойм] *Олдирган кийимлик Хушрўйга ёқмасе, дарров ярамаганини айтиб, алмаштириб беришга дадасини мажбур этар ва кўнглидагини ҳосил қилиб тинчир эди* (А. Қодирий). *Чин дўстдан айрилма, алмашма зарга...* (О. Холдор). *Алишмам якка холингни* (Қўшиқ).

АЙИРМОҚ, АЖРАТМОҚ, ЖУДО ҚИЛМОҚ, МАҲРУМ ҚИЛМОҚ. Бировни яқин кишидан, нарсасидан узоқлаштирмоқ, яна бўлган нарсасини йўқ қилмоқ. **Ажратмоқ** бу маънода кам қўлланади. **Жудо қилмоқ, асосан, оилавий ёки дўстлик муносабатидаги кишидан, уй, ватан кабилардан айириш маъносида қўлланади ва унда, асосан, узоқлаштириш билан айириш назарда тутилади.** **Маҳрум қилмоқ** эга бўлган нарса-предметдан айириш маъносида қўлланади.

Қуш эдим, қаногимни қайирдилар, гул эдим, булбулимдан айирдилар (Х. Ҳакимзода). Икки ёрни бир-биридан ажратувчи бу фалакнинг тардиши эмас, ота-онанинг орзуси (А. Қодирий). «Хафа бўлма, болам,— деди ўша қақилдоқ хотин [Умидага],— ўғай аканг қилмишларидан хабардормиз. Сени биздан, бизни сендан жудо қилди (Мирмуҳсин). Мурад кулди:

— Кўрдингизми, ўрганмаганлар! Бу кишини ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳаддим сирмайди (А. Қаҳҳор).

АЙЛАНАЙ, АЙЛАНСИН, УРГИЛАЙ, УРГИЛСИН, ГИРГИТТОН, ҚОҚИНДИҚ, САДАҚА. Бу сўзлар эркалаш-суйиш ва илтимос, ялиниш муржаатини билдиради. Айланай ва ўргилай мамнунлик, хурсандлик ифодаси учун ҳам қўлланади.

Ленин йўли нузли йўл. Айланай қуёшимдан (Қўшиқдан). Вой, Тўлажонимдан айланай! Вой, шундай чиройли шеърлар ёзган ўғилжонимдан ўргилай! (М. Исмоилий.) Каримча ҳам колхозчиларнинг Келтирарди ошу-нонини — Қувонарди кампир онаси, Ургилай деб, қоқиб жонини (Уйғун). Вой онагинанг ўргилсин, Норқўзи таърифлагандан ҳам сулув экансан! Вой бўйларингдан онагинанг гиргиттон! (Х. Ғулом.) Бориб кела қол, гиргиттон (М. Исмоилий). Вой, катта қиз бўлиб қопсанку, қоқиндиқ... (Яшин).

АЙЛАНИШМОҚ, ИЛАКИШМОҚ, ОСИЛМОҚ. Бирор кимсанинг илинжида юрмоқ. Илакишмоқ, осилмоқ салбий бўёққа эга. Осилмоқ кўпроқ оддий сўзлашувда учрайди.

Унинг [Шарофатнинг] назарида бу тахминлардан ҳақиқатга яқинроғи Сидиқжоннинг «шу жувон ўлгур» Канизакка айланishi б қолганлиги эди (А. Қаҳҳор). «Тиш солдириш баҳоняси билан [Ҳакимжон] бир жувонга илакишиб қолди»,— деди Зумрад («Ўзбекистон маданияти»). Зулайхо, очигини айтишим керак. Менда кўнгли бўлса, Давронни «нари тур» десин. Кейин бу Ашур ҳам менга ҳадеб осилавермайди (П. Қодиров).

АЙЛАНМОҚ, САЙР ЭТМОҚ, КЕЗМОҚ. Томоша, ҳордиқ учун кезмоқ. Сайр этмоқ кўпроқ бадий услубга хос.

Бас, юринг, ҳавода айланамиз... Джон Коттон, маъмур ва хотини дарахтларга, гулларга, хиёбонларга, булуғларга томоша қила-қила секин-секин пастига тушиб сайр эта кетдилар (Ойбек). Сен ҳеч келмадинг, дардим сезмадинг. Чаманлар ичра Бирга кезмадинг (Ойбек).

АЙНИ, АВЖИ, РОСА, ЖУДА, ЭНГ. Бу сўзлар ҳаракат-ҳолат, нарса-ҳодиса даражасининг мукамал моментини билдиради. Авжи, айни мукамалликнинг нормал ҳолатига нисбатан ҳам, ундан юқори ҳолатига нисбатан ҳам қўллана олади. Роса, жуда, энг сўзлари мукамалликни кучайтириб ифодалашда қўлланади.

Айни ёз палласи бўлгани учун, ҳароратнинг эъридан ҳамма жон териға ботган (Ж. Абдуллахонов). Баҳор кечикиб кетди, ер авжи тобига келиб, чигит экамиз деб турилганда устма-уст ёгин-

ирчилиги бўлади («Қизил Ўзбекистон»). Бу ўртоғим немисча билар экан, ҳовир жуда мавриди келганга ўхшаб қолди (А. Қаҳҳор). Унинг қўллаган ёшлик чоғимда, Сен очилдинг кўнгли боғимда (Х. Олимжон).

АЙНИМОҚ, БУЗИЛМОҚ. 1. Соф (нормал) ҳолатини, истеъмолга яроқлигини йўқотмоқ, истеъмолга яроқлиги ёмонлашган Айнимоқ истеъмолга лаёқат даражаси бир оз ёмонлашган ҳолат учун ҳам, бутунлай лаёқатсиз ҳолат учун ҳам қўллана олади. Бузиламоқ, асосан, истеъмолга яроқсиз ҳолга келганликни ифодалайди, лекин шу маънода ҳам айнимоқ сўзига нисбатан кам қўлланади. Яроқсизлик даражаси бошқа воситалар ёрдамида аниқ ифодаланаверади: сал айнибди, айниб кетибди каби.

Йўқ,— деди онаси,— чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан (Ойдин). «Дарҳақиқат, ачиган қатиқ,— деди Камолжон ва яна ялаб кўрди.— йўқ, бузилган қаймоқдир» (А. Қаҳҳор).

2. Хулақ-атвори, бирор вазифа, ишдаги хатти-ҳаракати ёмон (салбий) томонга ўзгармоқ. Айнимоқ хулақ-атвор ёки бирор иш-вазифада ижобий фазилатнинг йўқолишини ифодалай олади. Бунда салбий томонга ўзгариш жуда сезиларсиз даражада ёки кучли даражада бўлиши мумкин. Бузиламоқ асосан хулақ-атвордаги ёмон томонга ўзгаришни ифодалайди ва бунда салбий ўзгариш сезиларли, кучли даражада бўлади.

Вақтида Сиз билан фахрланганмиз. Аммо кейинги йилларда айниб қолдингиз, димогингиз кўтарилиб кетди... (Уйғун). Суяр ёринг айниган бўлса, Колхозчилар тарбия қилар, Кўпчилигини сўзи, юзи билан Ўз айбини тушунар, билар (Уйғун). Бир қаричликдан дуторни севаман. Бир қўшни келинчакдан ўргангач эдим. «Кўп чалаверма, бузилиб кетасан»,— дерди онам боқини, айтгани келди. Лекин айб дуторда эмас (Ойбек). «Шошма, Нури,— сабрсизланиб шивирлади онаси, Гулнорни Йўлчиға бериниса бўлмасмикан? Бари бир иккови ўйнашиб қўйипти. Расми, қиз бузилса, уни ўз ўйнашига беришади» (Ойбек).

АЙНИҚСА, ХУСУСАН, АЛАЛХУСУС. Бошқаларига нисбатан (бу сўзлар ўзаро бирор жиҳатдан муносабати бўлган нарса-ҳодисалардан бирини ажратиш, шунисини таъкидлаб кўрсатади. Хусусан оддий сўзлашувда нисбатан кам қўлланади. Айниқса сўзида ажратиш, таъкид кучлироқ бўлади. Алаалхусус эскирган, китобий.

[Йўлчи] Ерматни, айниқса Гулсумбибини ўйлаб, уларга ачинди (Ойбек). Хусусан тонлар гўзал бўлади бу паллада... (Х. Ғулом). ...биласан, хотин аҳли молга ўч бўлади, алаалхусус сандиқлаги молни ер-қўкка ишонмайди (Ойбек).

АЙРИЛИҚ, ЖУДОЛИК, ҲИЖРОН, ҲАЖР, ФИРОҚ. Айрилиш натижасида учраша олмайдиган, кўриша олмайдиган ҳолат (севги-муҳаббат ёки бошқа муносабат билан боғланган шахс-

лар ҳақида). **Жудолик** маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди, бунда айрилиқли ҳолат масофа ва вақт жиҳатидан узоқ бўлади. **Ҳижрон, ҳажр, фироқ** китобий.

Узоқ изтиробли айрилиқда жафо чека-чека севгилиси ёнига олам тўла қувонч билан қайтган шўрлик ошиқ ёрени вафосизликда, ганим хасмида кўриб қандай ҳолатга тушса... **Ғуломжон** ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди (*М. Исмоилий*). **Кўз олдида жудолик** аламига чидаёлмай бетоб бўлиб қолган аяси келар, сени шу ниятда боқувдимми, деб таъна қилаётгандай бўлар эди (*С. Зуннунова*). **Узоқ муддатли ҳижрон** кунларидан кейинги висол соатлари қандай яхши, қандай лаззатли (*Саид Аҳмад*). **Агар Ҳаётнинг тилини қизлик ибоси боғлаб қўйган бўлмаса...** ҳажр ўтида кўйиб-ёнганларини, согиниб-саргайганларини айтиб берар эди. (*М. Исмоилий*). **Бир ой ўн кундан буён фироқ ўтида қовриламман.** Қанотим йўқки, бойнинг зиндонидан чиқиб, ёнингизга борсам... (*Ойбек*).

АЙРИЛМОҚ, АЖРА(Л)МОҚ. Муносабатни узмоқ, алоҳида (муस्ताқил) бўлмоқ.

Номуси, орияти бор йиғитлар Ери деб туққанидан айриларми («*Муштум*»). **Тўдадан ажрасанг, тўрга тушасан** (*Мақол*). **Элмурод кўнлида:** «Сиз ичи қоралардан тезроқ ажралиб кетганимиз маъқул!» деган фикр билан уларнинг юзларига жиддий қаради (*П. Турсун*).

АЙТАРЛИ, УНЧАЛИК, УНЧА. Айтадиган даражада, айтса бўладиган даражада. Бу сўзлар қатнашган гапнинг кесими ҳамма вақт бўлишсиз формада бўлади ва белгининг айтадиган (айтса бўладиган) даражада эмаслиги ифодаланади:

Агроном билан улар орасида айтарли англашилмовчилик туғилмаса ҳам, бироқ яноқ жойнинг жўяги устида бир оз жанжал бўлиб кечади (*А. Қодирий*). **Гап унчалик** куллили бўлмаса ҳам, кўпчилик гуриллаб кулиб юборди (*П. Турсун*). **Кун унча соевуқ эмас, лекия осмонни қоп-қора булутлар қоплаган..** (*П. Турсун*).

АЙТГАНДАЙ, АЙТМОҚЧИ, АЙТГАНЧА, ДАРВОҚЕ, РОСТДАН, ҲА Айтилаётган гап сўзловчининг ёдига келиб қолган гап эканини билдиради.

Айтгандай, мен сизга кўрсатган қопчиқни ечиш олдида қози сандиқдан олиб чиқиб кетди (*Ҳ. Ҳакимзода*). «**Айтмоқчи,**— деди **Тешабой** бирдан жонланиб,— **Ғуломқорини** тушира қолсангиз қслай бўлади» (*М. Исмоилий*). **Дарвоқе,** қишлоқ ҳаётида катта ўзгаришлар қилишга пайт келмадими? (*П. Турсун*). **Ростдан, бугун** Саккизинчи **Март-а,** жой берсаммикин?! («*Муштум*».) **Эртасига** от оғриб қолса бўладими! **Ҳа,** домлага нима дедим? (*Ойбек*.) **Колхоз мукофот берди.** **Ҳа,** айтгандай, райондан ҳар қайсимизга бир кўйлақликдан атлас юборишди (*А. Қаҳор*).

АЙТИШМОҚ, ЖАНЖАЛЛАШМОҚ, КОЙИШМОҚ, МОЖАРОЛАШМОҚ, УРИШМОҚ, ҒИЖИЛЛАШМОҚ, ҚИЗАРИШМОҚ, ТИКЛАШМОҚ, ОЛИШМОҚ, СЎКИШМОҚ. Бир-биринга танбех, койиш библирувчи сўзлар айтмоқ, сан-манга бормоқ. **Айтишмоқ** сўзида (айтишишда) жанжал, можаронинг даражаси ҳар қил (кучсиз ёки кучли) бўлиши мумкин. Шунингдек, **айтишмоқ** сўзи койиш, ҳақорат содир бўлган ҳолатда ҳам, содир бўлган ҳолатда ҳам қўлланаверади. **Жанжаллашмоқ, можаролашмоқ** сўзларининг маъносидаги нозик фарқ уларнинг ўзагидан келиб чиқади. **Койишмоқ** кам қўлланади ва бунда ҳақоратли, койиш сўзлари ишлатилган бўлади **Уришмоқ, олишмоқ, тиклашмоқ** сўзларида «сан-манга бориш» кучли даражада бўлади. **Ғижиллашмоқ** кўпроқ оғзаки нутққа хос. **Қизаришмоқ** кам қўлланади. **Сўкишмоқ** асосан ҳақоратли, беадаб сўзлар билан айтишиш маъносида қўлланади.

Уртароқда айтишиб ўтирган икки бола тўсатдан бир-бири билан муштлаша кетди... (*Ҳ. Ғулом*). **Мирзакаримбой...** ўйлаб қолди: «**Бегона қурсин, сўзга қулоқ осмайди, унча бер, мунча бер деб жанжаллашади**» (*Ойбек*). **Бир кун можаролашиб турганимизда** бу киши келиб қолдилар (*Ҳ. Нуъмон*). **Кумуш** яна тинчий олмади: «**Бизнинг уришиб қолишимиз учун Карим Сандиқчининг ҳам даҳли бор!**» — деди (*А. Қодирий*). «**Чол ўлмагур билан** жиндай ғижиллашдик-да, нима бўларди...» — деди кампир (*Ойбек*). **У одамларнинг кийим-бошига қараб, дурустроқ пул чиқадиган бўлса, ётқизар, камбағал қашшоқлар билан биттанга, ярим танга устида ғижиллашиб ўтиришни** истамас эди (*П. Турсун*). **Икковининг ҳам тори таранг, сал нарсага қизаришиб қолади.** («*Муштум*»). **Ислохўжа Шерназарбой билан қизаришиб олди** (*Ж. Шарипов*). **Аниқ таклифинг, реал талабинг бўлмагандан кейин, олишининг фойдаси йўқ** (*А. Мухтор*). «**Нега кетказишди?**» — деб сўрасам.— **Мудир билан уришиб қолувдим,— дейди...** — Энди, тоғажон, охирги илтимосим. **Шундай ишга ўтказиб қўйингки, ўша мен билан сўкишган мудир ҳар кўрганида уялиб юрсин** (*Оқилжон Ҳусанов*).

АЙТМАСЛИК, ЯШИРМОҚ, БЕКИТМОҚ. Сир тутмоқ, пинҳон сақламоқ.

Лекин воқеани айтмасликнинг иложи йўқ эди (*Ойбек*). «**Аллақаёққа бориб, ҳозир келдингиз-ку. Нега яширасиз?**» — деди **Гулнор** (*Ойбек*). **Қудрат Меҳридан** бекитиш иложини тополмади ва воқеани айта қолди (*Ҳ. Назир*).

АЙТМОҚ I, БАЁН ҚИЛМОҚ, ИЗҲОР ЭТМОҚ, БИЛДИРМОҚ. Фикр-мақсадни оғзаки ифода этмоқ. **Айтмоқ** кенг тушунчага эга. У шу синонимик қатордаги ҳар бир сўз ўрнида қўллана олади. **Баён қилмоқ** кўпроқ китобий услубга хос. Бу сўз бир-икки сўз билан айтиладиган фикр-мулоҳазани эмас, балки каттароқ воқеа-ҳодисаларни айтиб бериш (ифода этиш) маъносида қўллана-

ди. Изҳор этмоқ ҳам кўпроқ китобий услубга хос бўлиб, сўзловчининг ўз кечинмаларини, кўнглидаги гапларини айтиш маъносини билдиради. **Билдирмоқ** бу маънода маълум бирикмалар доирасидагина қўлланади.

«*Чавоғлагувчини айтмадимид?*» — «Тил бўлса айтадида», — деди Раҳмат (А. Қодирий). Қалбимдан сўрадим: «Мени баъзилар — *Хуш кўрмас, сабабин сен баён қилчид?*» (М. Бобоев). Чиндан ҳам муҳаббат шумид дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кўнглиларини тил билан *изҳор этмайдилар*, имо-ишора ва баъзан қочирқиқ гаплар жуда яхши восита эмиш (*Шуҳрат*)... Жаббор Ҳакимов, Малик Файзуллаев каби... студентлар сўзга чиқиб, горькийликлар ташаббусига жавобан Тошкент ва Сирдарё область хўжаликларига бориб меҳнат қилиш истагини билдиришди («*Ёш ленинчи*»).

АЙТМОҚ II, ТАКЛИФ ҚИЛМОҚ, ЧАҚИРМОҚ, ЧОРЛАМОҚ. Келиш, иштирок этиш, ташриф буюришни илтимос қилиб мурожаат этмоқ. **Айтмоқ, таклиф қилмоқ** бирор йиғин, маърака ва ш. к. га ташриф буюришни илтимос қилиб илгаридан мурожаат этиб қўйиш, шунингдек, бундай йиғин, зиёфат кабилар давом этаётган вақтнинг ўзида бўладиган таклиф мурожаати маъносидан ҳам қўллана олади. **Чорламоқ** бу маънода диалектал сўз. **Чақирмоқ** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Чақирмоқ, чорламоқ**, асосан, йиғин, зиёфат кабиларга олдиндан бўладиган илтимос мурожаатини билдириш учун қўлланади.

Мен сизни айтганчи чиққан эдим (Яшин). Тўйга келин томонидан элликка яқин, куёв томонидан саккиз киши айтилган экан, иккала томондан ҳаммаси бўлиб ўн бир киши келибди (А. Қаҳҳор). Адолат шу кунни кечгача маҳалла айланиб, хотинларни жума кунни бўладиган зиёфатга таклиф қилиб чиқди (С. Зуннунова). Азим бойвачча ҳар жума боғига меҳмон чақиради (Саид Аҳмад). Қурбон ота кўзига бўйроқ кўринган ҳар бир одамни ишга солиб, ҳашарга чақириб, ёзги бинонинг олди ва атрофида гуллар эди, катта-кичик супалар қилди (А. Қаҳҳор). Йиғлашинга канизлар беқарорди(р), Юринг, сизни ой бувишим чорлайди («Эрдали ва Шерали»). Ширин суҳбатингизга ташна бўлганимдан чорлаган эдим (Ойбек).

АЙТМОҚ III, ОЛМОҚ. Ижро этмоқ (ашула ҳақида). **Олмоқ** оддий сўзлашувга хос ва у куйни ижро этишга нисбатан ҳам қўлланади.

Али бор овози ила ҳамма ҳунарини ишлатиб, ғазал туғалунча ашулани айтиб борди (А. Қодирий). Зеби «Отмағай тонг»ни жуда оларкан (Саид Аҳмад). Келин-куёв тушган машина клубга яқинлашганда созандалар «Хоразм лазгисининг авжини қайтақайта олар, Сорахон моҳир раққосалардай сийнасини титратиб, қайроқ тортарди (Ҳ. Фулом).

АКА, ОҒА. 1. Туғишган болаларнинг қаторида ёш жиҳатдан

катта бўлган ўғил (ёши кичигига нисбатан). Бу маънода **ога** — диалектал сўз.

Аяксининг дарагини эшитиб юзига табассум ёйилган Унсун яна яшиб Гулнорга қаради (Ойбек). Анварнинг бу ҳолати балки шундан бахтсизлигидан, ота-она бағрида яйрамаганликдан туғилгандир десак, унинг икки оғаси бундай эмас эдилар (А. Қодирий).

2. Ёш жиҳатдан катта эр кишига ҳурмат билан мурожаатда қўлланади. Бу маънода ҳам оддий сўзлашувда асосан ака қўлланади.

«*Бизни кечирасиз, бек ака!* — деб Раҳмат уэр айтди. — Вақтинга келиб, сизни тинчсизладик». Отабек уларга юқоридан жой кўрсатар экан, ёқимли бир вазиятда: «*Тинчсизламадинлар, билъақс, қувонтирдингизлар*», — деди (А. Қодирий). Йўқ, оғалар, темирни қизигида сўқиб қолиш керак! (А. Қодирий.)

АКС, ТЕСКАРИ, ҚАРШИ, ҚАРАМА-ҚАРШИ, ЗИД, ЧАППА. Бирор жиҳатдан бир-бирини инкор этадиган, бир-бирига тўғри келмайдиган ҳолатли. **Чаппа** кўпроқ диалектал характерга эга. **Қарши, қарама-қарши, зид** ўз хусусияти билан бир-бирига жуда яқин туради. **Зид** адабий нутқда кўпроқ қўлланади. **Акс** асосан қаратқич келишигидаги сўз билан қўлланади. **Тескари, қарши, қарама-қарши, зид** қаратқич ёки жўналиш келишигидаги сўзлар билан қўллана олади.

Пўр-е, ...Бўлис бунинг аксини айтган эди-ку (Ҳ. Фулом). Сен уларнинг тескариси (Ибохон). У [Сидиқжон] ҳозир жуваннинг ҳукмида бўлиб, унинг хоҳишига қарши ҳеч нарса деймас эди. — Нима десангиз шу-да, қоламиз, — деди (А. Қаҳҳор). Демак, бу қарама-қарши икки фикрнинг қайси бири тўғри эканини фақат тажриба қилиб билиш мумкин (А. Қаҳҳор). Бизнинг тузумимиз, ахлоқимиз, қонунчилигимиз, капиталистик тузум, унинг чиркин ахлоқи ва ёвуз қонунларига мутлақо зиддир («Қизил Ўзбекистон»). Лекин у бугунги оддий кийимида Хидир берган баҳонинг чаппаси бўлиб чиқди (Б. Кербобоев).

АКТЁР, АРТИСТ. Спектакль ва кинофильмларда роль ўйнавчи. **Актёр** ана шу хизматни касб қилиб олган шахсни билдиради. **Артист** — кенгроқ тушунчага эга бўлиб, актёр маъносидан ҳам кўп қўлланади (айниқса, оғзаки нутқда).

Ҳамза номидаги академик театр коллективи ўз спектакллари-нинг ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан юксаклиги, актёрларнинг маҳорати билан Москва томошабинини қувонтирди («Қизил Ўзбекистон»). Узук детал Мансур, Навоий, Абулмалик ва Турдибой образларини яратган артистлар учун ҳам катта материал берди («Шарқ юлдузи»).

АКТИВ, ФАОЛ, Фаолият, ишчанлик кўрсатувчи. Бу сўзлар предметнинг ва кўпинча ҳаракатнинг белгисини кўрсатиб келади. Коммунизм қурилишининг актив иштирокчилари. Фарғона область комсомол ташкилотлари босмачиликка қарши айнақса ака-

ти в курашдилар (А. Раҳмат). Мана шу қора бола катталарга ёрдам берди, пол ҳайдади, орамизда яшириниб юрган колхоз душманини фош қилишда ф о л и ш т и р о к э т д и (А. Тожмуротов).

АКТИВЛАШМОҚ, ФАОЛЛАШМОҚ. Ишчанлик, активлик даражасини, фаолиятини оширомоқ. **Активлашмоқ** киши ва жонли-жонсиз нарсаларнинг ҳаракатига нисбатан қўллана олади. **Фаоллашмоқ** жуда кам, шунда ҳам инсон ҳаракатига нисбатан қўлланади.

Партиямизнинг XX ва XXI съездларидан кейин мамлакатда ғоявий ҳаёт анча а к т и в л а ш д и («Қизил Ўзбекистон»). Иккинчидан, чоллар кутилмаган даражада а к т и в л а ш и б к е т д и л а р (И. Раҳим). Бўлим район Совети депутатлари ва доимий комиссиялар ишларининг ф о л л а ш и ш и г а айниқса катта эътибор бермоқда («Қизил Ўзбекистон»).

АКТУАЛ, ҲАЕТИЙ. Бажарилиши шу куннинг талаби нуқтан назаридан зарурий бўлган; ҳаёт-фаолиятда энг асосий бўлган.

Институт коллективи олиб бораётган илмий ишларнинг барчаси ҳам моҳият эътибори билан жуда муҳим ва а к т у а л д и р («Ўзбекистон маданияти»). Уруш ва тинчлик проблемаси замонамизнинг энг муҳим ва ҳаётий проблемасидир («Қизил Ўзбекистон»). Форумда бутун дунё жамоатчилигини қизиқтираётган жуда кўп ҳаётий масалалар муҳокама қилинди («Совет Ўзбекистони»).

АЛАЙ-БАЛАЙ, У-БУ, ГИНГ-ПИНГ, ФИРИНГ-ПИРИНГ. Бирор гап-сўз.

А л а й - б а л а й д е с а м, т у т и б о л и б у р и ш ҳ а м т аъбида бор (Ҳ. Шамс). Шундоқ бўлгандан кейин, майли, хурсандчилигини қилсин. У-б у дейдиган одамнинг оғзига уриш керак. Ким нима деса, мен ҳамма вақт оғзига ураман (А. Қаҳҳор). Агар шу топда г и н г - п и н г д е с а м, ўзим зарар кўраман (Ҳ. Ҳакимзода). Ғулом ака серхархаша хотинининг ф и р и н г - п и р и н г и г а ўрганиб қолганидан унча-мунчасини терисига сиғдирмайди (Ж. Абдуллахонов). Пулсизга ф и р и н г - п и р и н г, пулликка ҳиринг-ҳиринг («Муштум»).

АЛАМ, ДАРД. Жисмоний ёки руҳий азоб. **Алам** — ташқи таъсир, ташқи зарбдан бўладиган жисмоний азоб, касалликдан бўладиган жисмоний азоб, шунингдек, руҳий азоб маъносини ифодалай олади. **Дард** сўзи руҳий азоб ва касалликдан бўладиган азоб маъносида қўллана олади.

Комил калтак а л а м и д а н ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган боладан яна сўради (Ҳ. Ғулом). Биз у вақтларда севги нима, севиш, севилиш нима — буларнинг д а р д в а алами, ...нималигини ҳам билмас эдик. Баданимда пайдо бўлган жон ачитувчи а л а м г а қарамасдан мен ҳам ўзимни кулгидан тута олмадим (С. Айний). О, элдан-элларга учган элчи қуш, Шунчалар дард борми кичик дилингда! (Шуҳрат.)

АЛАНГА, ЕЛҚИН. Ут (олов)нинг ҳавога кўтарилувчи ва ёруғани тарқатувчи қисми.

Ш а м а л а н г а с и ҳ а р т о м о н д а н э с и б т у р г а н ш а б а д а д а т е б р а н а р э д и (А. Қаҳҳор). Шох ўтиннинг ўчоқни тўлдириб ловуллаётгани е л қ и н и қ о р а й г а н кўчага шуъла сочмоқда (П. Турсун).

АЛБАТТА, ШУБҲАСИЗ, МУҚАРРАР, СУЗСИЗ, АНИҚ, ТАЙИН, ШАКСИЗ, БЕШАК, БЕГУМОН. Фикрнинг чинлигини, бирор нарсаси-ҳодисага шубҳасиз ишончини ифодалайди. **Муқаррар, шаксиз, бешак, бегумон** кўпроқ ёзма нутққа хос. **Шаксиз, бешак, бегумон, тайин** кам учрайди. **Албатта, шубҳасиз, муқаррар** сўзлари гапнинг боши, ўртаси ёки охирида қўлланиши мумкин. **Сўзсиз** ўзи боғланган гап бўлагидан олдин келади.

Бола ўсади, улғаяди, яшаётган муҳити, олаётган тәрбияси унга а л б а т т а т аъсир этади («Уқитувчилар газетаси»). Унинг [Элмуроднинг] хаёлидан бирин-кетин ўтаётган фикрлар оқимидан шубҳалаётган мияси чарчаб курсига ўтирди. «Нега бундай бўлади? Тожибой билан Гулсум ўртасида ш у б ҳ а с и з б и р га п ў т г а н» (П. Турсун). Ҳар икки томоннинг ишини кўрган одам м у қ а р р а р а р: «Булар ким тез қазирга ўйнашган-ов!» — деб ўйлайди (М. Немолий). Студия талабалари уни [Маннон Уйғурни] с е в а р, ҳар бир гапига эътибор бериб қулоқ солар, айтганини с ў з с и з б а ж а р а р э д и л а р (Ҳ. Носирова). Бу шамолдан кейин қор ёғиши а н и қ (Ҳ. Сеитов). Зўрга дучор бўлган т а й и н ўлади, Аждаҳо ҳам Шакарбекдан сўради («Ширин билан Шакар»). Яшар экан модда ва ҳаёт, Ш а к с и з м е н ҳ а м доим барҳаёт (Уйғур). «Иморат жуда пишиқ. — деди уй эгаси Эшонхонни олдида тўхтатиб. — бойга б е ш а к ёқади» (Ойбек). Канизларга дучор бўлган бўйингдан, Бизлар ҳам борамиз дарров б е г у м о н («Далли»).

АЛДАМОҚ, ЛАҚИЛЛАТМОҚ, АВРАМОҚ. Ёлғон-яшиқ билан бирор нарсага кўндирмоқ, ишонтирмоқ. **Алдамоқ, лақиллатмоқ** бирор мақсадга эришиш учун ёлғон-яшиқ билан кўндириш маъносини ҳам қўлланади. **Аврамоқ** бирор мақсад йўлида алдаб, лақиллатиб кўндириш маъносини билдиради. **Аврамоқ** оддий алдаш ёки лақиллатиш бўлмай, усталик, айёрлик билан бўлган алдашни билдиради.

А л д а г а н и бола яхши (Мақол). «Ашулачининг овозини машинага кўчиради, айрим-айрим лаганча қилиб... Кейин шу машинанинг қулогини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб, ашула, дугор, тамбур вонгиллайверади. Худди жонли одамдай». — «Қишлоқи деб мени л а қ и л л а т м о қ ч и м и с и з?» — қошини чимирди Йўлчи (Ойбек). Боққол бу сўзларни эшитмагандай аврайверди: «Мен сизнинг фойдангизни ўйлайман... Қовунни тушириб оламан шу ерда» (Ойбек).

АЛДАМЧИ, ФИРИБГАР, ҚАЛЛОБ, ТОВЛАМАЧИ, АФЕРИСТ. Алдаш, авраш билан ўз манфаатига ишловчи. **Ал-**

дамчи кўпроқ оддий нарсаларда алдаш билан шуғулланувчини ифодалаш учун ишлатилади. **Фирибгар** ўз ишида фириб, ҳийланайранг ишлатишга жуда уста бўлган шахсни ифодалайди. **Қаллоб**, асосан, қалбаки иш билан шуғулланувчини билдиради. **Товламачи** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Аферист** кейинги вақтларда оғзаки нутқда кўп қўлланыпти.

Буларнинг кайфлари шунчалик чоғ эдики, кўрган киши яхши бир баракадан боши осмонга етган алдамчи савдогар деб ўйлар...эди (М. Исмоилий). Биз ўз ҳалол меҳнатимиз билан кун кўр-япмиз. Хўш, ифвогар, қаллоб, ғийбатчи сен бўлмай ким?! (М. Уринхўжаев.) ...ўша сиз сўраган Рустамов Умид — она безори, ота безори, ярамас йигит. ...Киши кўзига китоб ўқигани билан, асли ўзи товламачи, фирибгар,— деди сариқ аёл Ҳафизага (Мирмуҳсин). Муҳаббат севгини, ор-номусни товламачи бир савдогарга сотди, виждонни латта-лутгага айрибош қилди (Н. Сафаров). Вой, ер ютгур! Сизни [Қосимжон] аферист деганмиш қўшиларига (М. Бобоев).

АЛДОҚЧИ, АЛДАМЧИ, ЕЛҒОНЧИ, ВАЪДАСИЗ. Ваъдасининг устидан чиқмайдиган, айтган гапини бажармайдиган. Ваъдасиз сўзида ана шу маъно аниқ ифодаланади. Қолган сўзларнинг хусусияти уларнинг ўзак қисмидан акс этиб туради.

Бойларнинг сўзига сира учши керак эмас. Уларнинг бари алдоқчи (Ойбек). Алдамчи! — «Бу алдашлар алдаш эмас, сиз ҳали қараб туринг, қочқоқ!» (А. Қодирий.) Ойсулув Сувонжонга тик қаради. «Елғончи!» дерди унинг кўзлари. Сувонжоннинг «Дўндирдимми?» дегандек жилмайиб туриши Ойсулувга таъсир этди. У ўзини туголмай кулиб юборди (С. Анорбоев). ... ўзини асир этган шахло кўзлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар, гўёки вафосиз, ваъдасиз деб қичқирурлар эди (А. Қодирий).

АЛЖИМОҚ, АЛЖИРАМОҚ, ВАЛДИРАМОҚ, САННАМОҚ. Бемаъни, бўлмаган гап-сўз айтмоқ, беҳуда, тутуриқсиз гап қилмоқ. Алжишда, одатда, бемаъни, қўпол, ҳақоратли сўзлар ишлатилади. Саннашда, валдирашда бундай сўзларнинг бўлиши шарт эмас. Валдирамоқ, саннамоқ оддий нутққа хос.

Бора-бора Қорача Ҳожиб алжиб кетди, ҳазиллари қўпол-лашди (М. Осим). Шундай бўлса ҳам, кўпинча ўйламай гапирадиган Мадамин айниқса ҳозир ҳар нарсани алжираши мумкин эди (П. Турсун). Тантубойваччининг юраги зир этиб кетди. Асабийланиб, ўзгарган товуш билан бобиллади:— Алжирама, Аҳмад, тўғри сўзла (Ойбек). Оғзим бор деб ҳар нарсани валдирай-в еради ми одам деган... (Х. Сеитов). Шомағдиевнинг қилиги маълум: жаҳли чиқиб бир саннаб кетса, унинг чакагини босиш асов туяни чўктиришдек машаққат (А. Муҳиддин).

АЛЛАНЕЧУК, АЛЛАҚАНДАЙ, ҚАНДАЙДИР, ГАЛАТИ, БИР ХИЛ. Ноаниқ бир тарздаги, нимаинги, белги ифодаси аниқ бўлмаган. Алланечук, аллақандай, қандайдир кенг тушунчага

га. Бир хил, асосан, кишининг руҳий ҳолатига нисбатан қўлланади. **Ғалаати** сўзида ноаниқлик даражаси кучлироқ бўлади ва кўп ҳолларда бу сўзда ажабланиб (ажаблантириш) ҳолати ҳам акс этган.

Шу кечаси кўнглимда пайдо бўлган алланечук бир гашилик тиллаи вақтгача уйқу бермади... (У. Назаров). У ўйларди, ўйлаган сари қошлари: чимирилиб, юзлари аллақандай бўлиб кетарди («Совет Узебекистони»). Қандайдир бир хаёл ичида ўтирувчи бу йигит — Тошкентнинг машҳур аёнларидан бўлган Юсуфбек ҳажининг ўғли Отабек (А. Қодирий). Қудрат ғалаати бўлиб кетди, лекин ўзини йўқотмади — у ҳам хаҳолаб кулди (М. Исмоилий). Эрталабдан бери кўнглим бир хил, юрагим гурс-гурс уради (Н. Фозилов).

АЛОҚА, ДАХЛ, ТААЛЛУҚ. Бирор шахс ёки нарсага муносабатан ҳолат. Тааллуқ кам қўлланади. Бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам кўрсатилган маънода эгаллик қўшимчаси билан қўлланади.

Бу гапларнинг менга алоқаси йўқ (П. Қодиров). Мавлон билан Наврўз ўз иссиқ жойларини ташлаб, шундай совуқ ҳавода ўзларига ҳеч дахл бўлмаган колхознинг пахтасини ғайрат билан теритган ёшларнинг ишларидан ҳайрон қолмоқда (С. Айний). Асад қори... сўнги киноянинг ҳам ўзига таллуқи йўқдай, без бўлиб ўтираверди (М. Исмоилий).

АЛОҚАДОР, ДАХЛДОР, ТЕГИШЛИ, ОИД, ТААЛЛУҚ-ЛИ. Алоқаси бор, дахли бор. Алоқадор, дахлдор сўзларида бу маъно шу сўзларнинг ўзагидан англашилиб туради. **Тегинли** сўзи бу маънода кам қўлланади. **Оид**, тааллуқли кўпроқ китобий услубга хос.

Хотин бундан бошқа, ишқу муҳаббатга алоқадор бир гап кутган экан шекилли, бўйишиди (Саид Аҳмад). Тўлаган шунда ҳам бинокорликка дахлдор савол берди (А. Қаҳҳор). Уни ҳеч нарса билмайдиган гўдак қатори кўришар, ҳатто Қудратнинг ўзига тегинли нарсани ҳам аввал ўзларича келишиб олишгандан сўнги унга айтишор эди (Ҳ. Назир). Қисм мудофаа линиясига борганига қадар орада ўтган шу икки ой ичида Аҳмаджон уруш илмига, ҳарбий техникага оид кўп нарсалар ўрганди (А. Қаҳҳор). Аксинча, Элмуродга ўргатилган бу «адаб» Сайфуллага ҳам, Мас-турага ҳам таллуқли эмасди (П. Турсун).

АЛОҲИДА, АЙРИМ. 1. Ўзига мустақил, бошқаларидан холи. Нури алоҳида хонада ўз ўртоқлари — обрўли оилаларнинг қизлари билан ўтирар эди (Ойбек). Тантубойвачча кўпдан таниш ҳовлига — атрофи айри-майри эшикли хоналар билан ўралган ҳовлига кирди (Ойбек).

2. Бошқаларидан фарқли ҳолда, ўзига хос. Бу маънода айрим кам қўлланади.

Паст гўзаларга алоҳида эътибор берилмоқда («Қизил Узебекистон»). Утмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида

ўрин эгаллаб келганлар (Т. Обидов). Зокир ота жуда тажрибали пахтакор, қўли гул одам. Унга айрим эътибор қилиш, шубҳасиз, яхши (А. Қаҳҳор).

3. Бошқаларига қўшмай, ўзини мустақил ҳолда.

Яхшилар! Мен боя музокарага чиқиб, правление ва унинг раиси Бўтабойнинг ишларидаги камчиликларни танқид қилганимда мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди, лекин бу масала алоҳида қўйилганлиги учун қистирмадим (А. Қаҳҳор). Бу масалани айрим ҳал қиламиз (П. Турсун).

АМАЛ ҚИЛМОҚ, РИОЯ ҚИЛМОҚ. Бирор қонда, кўрсатма ва ш. к. асосида иш тутмоқ. **Риоя қилмоқ** бу маънода нисбатан кам қўлланади. Унда бирор қонда, кўрсатмага «бўйсунтиш», «итоат этиш» оттенкаси сезилиб туради.

«Сабр туби — олтин» мақолига амал қилиб, арқонни узун ташлаб қўйган эдик. Охири сабр косамиз тўлиб-тошиб кетди («Муштум»). Бироқ бу маҳалланинг шумтака эркак болалари «келинчимчилаш» деган эски одатга жуда риоя қилишар экан (Ойбек).

АНИҚ, ОЧИҚ, ЯҚҚОЛ, РАВШАН, ЕРҚИН, ОЙДИН, АЕН. Эшитиш, кўриш, тушуниш жиҳатдан яхши, тўла ифодали. **Аниқ** эшитиш, тушуниш ва кўриш жиҳатдан яхши маъносини ифодалаш учун қўлланаверади. **Очиқ** тушуниш жиҳатдан яхши маъносини билдиради. **Яққол** кўпроқ кўриш ва эшитиш жиҳатдан бўлган белгига нисбатан қўлланади. **Равшан** сўзида белги даражаси кучли ва у ифоданинг эшитиш, кўриш ва тушуниш жиҳатдан тўлалигини билдириш учун қўллана олади. Лекин бу сўз нисбатан кам учрайди. **Ерқин** ёзма нутққа хос бўлиб, кўриниш ва тушуниш белгисига нисбатан қўлланади. **Ойдин** ифоданинг тушуниш жиҳатдан яхши эканини кучлироқ оттенка билан ифодалайди. Бу сўз **очиқ** сўзи билан жуфт сўз ҳолида (**очиқ-ойдин**) ҳам қўлланади.

Бир зумдан кейин ҳамқишлоқларининг гавғоси аниқ эшитилди (Ойбек). ... хона шу қадар қоронғи тортиб кетганки, икки стол наридаги одамни аниқ кўриб бўлмайди (Ҳ. Фулом). Унинг қизчаларига меҳрибон бўлиб қолганини она аниқ сезиб турарди (А. Мухтор). Колхозчилар, айниқса Эшонхўжа ака меҳмонларнинг ҳар бир саволига тўлиқ, аниқ жавоб беришга ҳаракат қиларди («Муштум»). Энди айтсам-айтмасам бари бир: сиздан, гарчи очиқ бўлмасс ҳам, тегишли жавобни олгандай бўлдим. Раҳмат (П. Турсун). Ғилдиракларнинг тарақлаши қизил вагонда жуда яққол эшитилар ва поездининг бир текис тебраниши билан бирга музыка тактидай ашулага ёрдам берарди (П. Қодиров). Унинг бутун гавдасида оғир машаққат, изтироб, йўқчилик ва бошқа кулфатлар билан тўла бир умрнинг изларини жуда яққол кўриш мумкин эди (Ойбек). Ойдинда уларнинг паранжили иккита хотин эканлиги равшан кўриниб турар эди (М. Исмоилий). «Масала равшан, ўртоқлар, — Ботирали ўрнидан турди. — Комиссия тузишимиз

кўряк» (Ҳ. Фулом). Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси. У галабанинг ёрқин нишони (И. Раҳим). Абдулла Навбатнинг ёрқин ва жанговар образи коммунистик жамият қураётган йиларимиз учун ибрат бўларликдир (А. Раҳмат). Сиз тикилган иш белбор ечилмай битади. Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам, менга айдин (Ҳ. Ҳакимзода). Иккаласи ҳам бир-бирини шубҳасиз таниган, иккаласига ҳам ҳамма нарса ойдин эди (А. Мухтор). «Авбар қизларга» шеъридаги шарафли меҳнат таронасининг инсонга чексиз меҳр-муҳаббат ҳисси билан бирикиб кетганлиги шунга гуманизмининг ҳақиқий моҳиятини аён белгилайди («Тошкент оқшоми»).

АНҚАЙМОҚ, АНГРАЙМОҚ, АҒРАЙМОҚ. Нима қилишини билмай, ҳайрон ҳолда бўлмоқ, ажабланган, маҳлиё бўлган ҳолда қараб қолмоқ.

Бир нафас аниқ айиб, Жондор вагончини кига жўнади (Ойбек). Шунинг учун анграйиб ё тортиниб турмади — уй эгасининг тактифи билан ўтира қолди (М. Исмоилий). Болалар унинг ҳикоясига оғивларини очиб, аниқ айиб қулоқ солишар эди (Саид Аҳмад). Қора Аҳмад ишонмаган каби ағрайиб, бир минут тараддулда қолди (Ойбек).

АНҚОВ, МЕРОВ, ОВСАР, КАЛВАК, ГУЛ, ПАНДАВОҚИ, ЛАКАЛОВ, ЛАК-ПАК, ГАЛВАРС. Зеҳни нормал даражадан паст (эпиракнинг акси). **Меров** сўзида белги даражаси аниқ сўзидаги нисбатан кучли. **Овсар** сўзида **меров** сўзидаги нисбатан кучли. **Калвак, ангров** жуда кам қўлланади. **Пандавақи, лакалов, лак-пак** сўзлари оддий сўзлашувга хос.

Кекса эшон эса ўз тажрибасидан чиқарган лўнда хулосасини аниқ ой отинойига чайнаб бермоқда (П. Турсун). Аҳмаджон ёшлигидан кўйга яқин силлиққина бола бўлса ҳам, оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган меровроқ эди («Муштум»). Нима, бизникида озиқ-овқат йўқ деб ўйладингизми? Содда десам, соддага ўхшамайсиз, овсар десам — овсарга (А. Қодирий). Бу калвак ўглингиз марғилонликнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир (А. Қодирий). Тўйчи дер: «Ўтирмайин аниқ ов янгли, гўл янгли» (Миртемир). Мени, нима, қулоғинг қани деса, бурнини кўрсатадиган пандавоқилардан деб ўйлайсизми? (М. Исмоилий.) Иш билмаслик, лакаловликнинг хусусият дафтарчасининг биринчи саҳифаларидан жой олди («Қизил Ўзбекистон»). Анқов — тумшуги остидаги нарсани олиб кетса ҳам, аниқайиб турадиган галаврс («Муштум»).

АПИЛ-ТАПИЛ, НАРИДАН-БЕРИ, ШОША-ПИША. Шошган ҳолда ва тезлик билан. **Апил-тапил** сўзида тезлик билан бирга шошиш ва ҳаракатнинг объект устида тўла бажарилмаслиги акс этади. **Наридан-бери** сўзида ҳаракатнинг тўла даражада бўлмаслиги асосий ўринда туради, тезлик ва шошиш эса кучсиз даражада акс этади. **Шоша-пиша** сўзида тезлик билан шошилиш ҳолат

асосий ўринда бўлади. Бунда ҳаракат тўла даражада бажарилган ёки наридан-бери бажарилган бўлиши мумкин.

Ҳожи... чўчиб кўзини очди-да, апил-тапил сочларини тузатди (А. Мухтор). Уйга келиб, наридан-бери овқатландик-да, қопчиқларимизни елкага осиб йўлга тушдик (У. Умарбеков). Чол йигит билан хайрлашишни ҳам унутиб, шоса-пиша уйга қараб жўнади (Ҳ. Аҳмар). Шу пайт мотор таппа ўчиб қолди. Машинист шоса-пиша моторни очди (Ш. Фуломов).

АРАВАКАШ, КАРВОН. Касби арава минниш (ҳайдаш) бўлган киши. **Карвон** бу маънода оддий сўзлашувда қўлланади.

Аравакаш елкасини гунчакка тираб итарса ҳам, от, тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмасди. Кўмаклашув учун Йўлчи югуриб борди (Ойбек). Оти ҳуркиб кетган карвонлардан бири ўқрайиб сўради («Латифалар»).

АРАЛАШМОҚ, ҚУШИЛМОҚ, ҚОТИШМОҚ, СУҚИЛМОҚ. Иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш. к. га бош қўшмоқ. **Аралашмоқ**, **қўшилмоқ** сўзлари кенг тушунчага эга, улар турли типдаги иш-ҳаракатга бош қўшиш маъносида қўллана олади. **Қотишмоқ** гап-сўз, кулги кабиларга қўшилиш маъносида қўллана олади. Лекин шу маънода ҳам **аралашмоқ**, **қўшилмоқ** сўзларига нисбатан кам ишлатилади. **Суқилмоқ** салбий бўёққа эга.

«Хўш, мулла Ҳомид, энди бугунги ҳангомалардан сўзлашайлик,— деди бек.— Поччангиз ила жиянингизнинг бу ишга аралашиб қолганлари ёмон бўлди-да! (А. Қодирий.) Ўзининг руҳсиз товуши билан Ойша буви ҳам гапга аралашди (А. Қодирий). Чой вақтида ва ундан кейин ҳам Эсон билан Шарифнинг суҳбатига Саидий қўшила олмади (А. Қаҳҳор). Уктамбой билан Холмирза ака қаттиқ куладилар, ҳатто кичкина маҳдум ҳам кулгига қотишади (А. Қодирий). На чора, ҳатто рози бўлишга ҳам тайёр турганда кампир яна гапга суқилди (Саид Аҳмад).

АРАНГ, ЗУРҒА, ЗУРҒАТДАН, БАЗҶР, ЗУРБА-ЗУР, УЛИБ-ТИРИЛИБ.

Қийинчилик билан, зўр келган ҳолда. **Аранг** ва **зўрға** сўзлари **базўр** сўзига нисбатан кенг қўлланади. **Зўрғатдан** оддий сўзлашувга хос. **Зўр-базўр** ва **ўлиб-тирилиб** сўзларида белги даражаси кучли.

Шаҳодат аранг ўрнидан туриб, авайлаб боласини кўтарди-ю, уйдан чиқиб кетди («Муштум»). У стол орқасидан семиз гавдасини зўрға кўтариб ўрнидан турди (Ш. Рашидов). Зўрғатдан судралар дуч келган ёққа, Уринмас ҳаттоки тезроқ учмоққа («Муштум»). У ўрнидан турди, мажолсиз оёқлари билан базўр юриб эшикнинг занжирини туширди (Ойбек). «Мен йўлаб юборишдан ўзимни зўрба зўр тутиб, мақоланинг охирини ўқидим»,— деди Ҳалима (Ҳ. Носирова). «Сув келтирган хор-зор-у, кўза синдирган азиз дегандай, меҳнаткаш шўринг қургур ўлиб-

тирилиб қазиган ариқ суви хонасаллот бойларнинг еридан ортмасди».— деди Қаршибой ота («Ўзбекистон маданияти»).

АРЗИМАГАН, АРЗИМАС, АНЧАЙИН. Қадри, қиймати унчалик бўлмаган, нормал баҳога, қадрга арзимайдиган. **Арзимаган**, **арзимас** қиймат жиҳатидан, шунингдек аҳамият, қадр жиҳатдан паст бўлган белгини ифодалаш учун қўлланаверади. **Анчайин**, асосан, оддий сўзлашувга хос бўлиб, аҳамият, қадр жиҳатдан паст бўлган белгини ифодалайди.

Тўй баҳонаси билан мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очиб қилиб қўйсак (Ҳ. Ҳакимзода). Арзимаган нарсага овора бўлиб ишдан қолибсиз-да... (М. Исмоилий). Усталарга арзимас ҳақ тўланар эди (Ж. Шарипов). «Бунинг олдида янги тўн-у чўнтакдаги бир тутам шалдирик қороз жуда майда, жуда ҳам арзимас бир орзу бўлиб қолди (А. Қаҳҳор). Улар (кундошлар) арзир-арзимас нарса устида минут сайин талашиб-тортишар эдилар (Ойбек). Анчайин салқиндан ёқамни кўтариб, қўлларимни чўнтакка солдим-да, секин мазор бўйлаб кета бошладим (У. Назаров). Анчайин бир гап қулоғига чалинса борми, дарҳол ваҳимали «миш-миш»ларни тўқийди-ю, баъзи кишиларга «қўл қўй» деб хиралик қилгани қилган (А. Муҳиддин).

АРЗИМАГАНГА, АРЗИМАСГА, САЛГА, САЛДАН, САЛГА, БУЛАР-БУЛМАСГА, УНАР-УНМАСГА. Бирор хатти-ҳаракат, иш учун асос бўла олмайдиган, шунга арзимайдиган. Булардан **арзимаганга**, **арзимасга**, **салга** сўзлари кўпроқ -га аффиксиз нарса сўзи билан бирга қўлланади. Бунда нарса сўзи -га қўшимчали бўлади.

Шунинг учун сиз Ҳакимбойваччага йўлиқиб, унга ялинсангиз, Йўлчибойнинг арзимаган нарсага қамалганини, ёт ерда ёппа-ёлғиз қолганингизни айтиб берсангиз... (Ойбек). Арзимас нарсага ўзингизни койитаверманг... йигитларимиз унчалик ландоовур эмас... («Муштум»). У ҳам сал нарсага зарда, фироқ қиладиган бўлиб қолди («Муштум»). Ушанда кичкинагина, салдан-салга йиғлайверардингиз (Ж. Абдуллахонов). Урмонлар бўлар-бўлмасга кесиб юборилаётган жойлар кам дейсизми («Совет Ўзбекистони»). Бўлар-бўлмасга ҳиринглайвермас, қизиқ гаплар билан ҳамкасбларини кулдирар эди («Муштум»). Киши уна-рун-масга диққат бўлиб, ҳар нарсани ўзига олавермайди (Шуҳрат).

АРИМОҚ, КЕТМОҚ, УЗИЛМОҚ. Борлиги кетмоқ, йўққа айланмоқ. **Аримоқ** конкрет ва мавҳум нарсаларга нисбатан қўллана олади. Шунингдек бирор шахс ёки предметдаги нарсанинг йўқ бўлиши ва давом этиб, ўзаро ўрин алмашиб турадиган нарса-ҳодисаларнинг йўқ бўлиши маъносида ҳам қўлланади. **Кетмоқ**, асосан, шахс ёки предметдаги (унга ўрнашган) нарсанинг йўқ бўлиши маъносида қўлланади. **Узилмоқ** давом этиб, ўзаро ўрин алмашиб

турадиган конкрет нарсаларнинг йўққа айланиши маъносида қўлланади.

Хаводан булут а р и м а я п т и. «Болаларимни кўришим билан дардим ҳам а р и д и, ҳордигим ҳам ёзилди»,— деди Роҳатбиби (Х. Фулом). Бахт, баҳор ва тинчлик кўйчиларимиз, Дўстлик кўйиқлари тилдан а р и м а с (Уйғун). Келди-кетди бўлиб, Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учрашолмади... Ниҳоят уйдан меҳмонларнинг оёғи у з и л д и (Саид Аҳмад). Дард к е т г а н д а у й қ у к е л а р (Мақол).

АРМИЯ, ҚУШИН, ЛАШКАР. Давлат қуроли кучларининг жами ёки унинг бир қисми (бўлаги). Армия, асосан, барча қуроли кучлар маъносида қўлланади. Қўшин, асосан, армиянинг маълум қисми маъносида қўлланади. Лашкар эскирган.

Урушининг иккинчи йили отаси а р м и я г а к е т д и - ю, қўлида ҳунари йўқ она икки бола билан қолди (П. Қодиров). Бахтимизга сизларни учратиб қолдик. Бўлмаса қ ў ш и н н и қ и д и р и б т о п г у н ч а ф и г о н и м и з ч и қ а р э д и (И. Раҳим). Интизомли л а ш к а р е н г и л м а с (Мақол).

АРЧИМОҚ, АРТМОҚ. Сабзавот, мева кабиларнинг пўстини, қобигини олмоқ, пўст (қобиқ)дан холи қилмоқ.

Жувон Сидиқжондан пичоқ сўраб олиб, иккита бодринг а р ч и д и (А. Қаҳҳор). Қайси қўлинг гуллагур бу картошкани а р т д и... ярмини пўчоққа чиқариб юборибди-ку! («Муштум».)

АРГИМЧОҚ, ҲАЙИНЧАК. Икки ён арқонининг (ёки шу базифадаги бошқа нарсанинг) учи дарахт ёки тепадаги бирор нарсага бойлаб осилган, болалар ўтириб учиб ўйнайдиган нарса.

У [Ж. Халилова] худди а р г и м ч о қ д а н й и қ и л и б к е т а д и г а н - д е к, а р г а м ч и н и маҳкам ушлаб олди (М. Исмоилий). Узун-узун а р г а м ч и Ҳ а й и н ч а к к а ё р - ё р, Чаккаи кўйлак ярашади Келинчакка ёр-ёр («Кўйиқлар»).

АСАБИЙ, ТАЖАНГ. Салга тутоқадиган; асаби қўзғаган ҳолатли. Асабий, сўзида белги даражаси кучли.

Муштумини қисди, титради чол, Оловланди хира кўзлари. Ғазабланди тўлиб, а с а б и й б и р т у с д а Лабларидан учди сўзлари (Уйғун). Салдан кейин Сергей отряди ҳам етиб келди. Сергей т а ж а н г э д и (Х. Фулом).

АСАЛ, БОЛ. Баъзи ўсимликлар гулидаги нектардан арилар йиғиб тайёрлайдиган ширинлик.

А с а л т о т г а н д а қ а й с и ч а м а н н и н г г у л и д а н й и г и л г а н и н и ҳам билмайсиз (А. Эшон). Б о л т у т г а н б а р м о г и н я л а р (Мақол).

АСАР, АСОРАТ, НИШОН, ИЗ. Бирор нарсадан қолган, ундан дарак берувчи белги. Асорат салбий нарса-ҳодисадан қолган белги маъносини билдиради. Нишон, асосан, конкрет нарсаларга нисбатан қўлланади. Из бу маънода кам учрайди.

Ернинг унумдорлиги, экинларнинг ҳосили ошади. Очлик-

ночорликдан а с а р ҳам қолмайди (Х. Фулом). Агар касаллик бошланиши биланоқ врачга мурожаат қилинса, беморнинг тузалиши тезлашади ҳамда касалликнинг а с о р а т и қолмаслиги мумкин («Қизил Ўзбекистон»). Кечаги ёмғирдан н и ш о н ҳам қолмаган, хушбўй шабада, дилхуш манзара, оромижон табиат... (И. Раҳим). Илчини бир нафас тинчсизлатган ҳалиги хаёллардан энди и з ҳам йўқ (Ойбек).

АСИЛ, САРА, САРХИЛ, ХИЛ, МУМТОЗ, ЗУПТА, ПОШ-ШАХОН. Қиммати, фазилати ва бошқа хусусияти жиҳатидан энг юқори даражали, энг яхши. Асил, сара, хил шахс ёки нарса-предметларга нисбатан қўллана олади. Лекин жуда оз учрайди. Сархил фақат нарса-предметларга нисбатан қўлланади. Сара, сархил доналаб саналадиган нарса-предметларга нисбатан қўлланади. Сархил асосан саралаб (хиллаб) ажратилиши мумкин бўлган нарсаларга нисбатан қўлланади ва унда саралаш (хиллаш) оттенкаси сезилиб туради. Мумтоз китобий услубга хос, шахсга нисбатан қўлланади. Пошшахон оддий сўзлашувга хос. Зупта кам қўлланади.

Одамнинг а с и л и ҳар қандай вазиятда — яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ўзини йўқотмайди (М. Исмоилий). Олтин қадимдан металлларнинг а с и л и бўлиб келган («Совет Ўзбекистони»). Мана ўштининг а с и л и («Совет Ўзбекистони»). Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлик уйларда ўтиришади. Овқатларнинг с а р а с и у л а р г а т о р т и л а д и (Ойбек). Тоғнинг ёввойи табиат мевасини шаҳарга олиб тушиб, шаҳар боғларининг с а р х и л гулларини тоғу тошга ёйса бўлади (Шухрат). Улкамда етишди х и л йиғитлар, Ғайратли, зийрак, дадил йиғитлар (Ҳабибий). Гўзаллардан ўзгалдир, хўбларнинг хўби, м у м т о з и Қилур мафтун, агар бир кўрса ҳар ким, ишваю нози (Ҳабибий). Қуришиб қоптими з у п т а йиғитлар Биз ўсган Гуржистон ўлкаси ичра? (Шухрат.) Уйлаб кўрсам, саркотиб одамга шундан боп совға йўқ экан. Ручканинг п о ш ш а х о н и, пероси олтиндан (Н. Сафаров).

АСИЛЗОДА, ОҚСУЯК, АРИСТОКРАТ, ЗОДАГОН. Юқори табақага мансуб шахс (феодализм ва капитализм жамиятида).

Испания а с и л з о д а л а р и... мериносни чет элларга чиқармоққа ҳеч қўймас эдилар («Қизил Ўзбекистон»). Элмурод чақнаган кўзлари билан унга Латифийга тикилиб деди: «Кечирасиз, мен «оқсуяк-асилзодалар» номидан гапирганим йўқ. Мен асл меҳнаткаш фарзандлари номидан гапирдим (П. Турсун). Анна муҳаббатини онига бўйсундирганда ҳам, меҳнатсиз ҳаёт кечираётган а р и с т о к р а т хонимнинг онига бўйсундирар эди (П. Қодиров). Париждаги з о д а г о н қизлари ўқийдиган мактабга юборилган Таманно француз йиғитини севиб қолиб, бир дугонасининг отаси орқали Ҳожига билдирди (Шухрат).

АСИР I, БАНДИ, ТУТҚУН, АРИСТОН. Душман (рақиб) томонидан қўлга туширилган, эрдан маҳрум қилинган шахс. Банди

шу маънода эскирган сўз. Тутқун сўзи ҳам бу маънода эскирган ва жуда кам қўлланади. **Аристон** сўзлашув нутқига хос, эскирган.

Полковник бу гапни кулиб айтган бўлса ҳам, **Аҳмаджон** бир вақтлар а с и р немисни куйдирмоқчи бўлгани ва уни капитан қутқазгани ёдига тушиб, изоҳ бера бошлади (**А. Қаҳҳор**). **Бандиларни** Бухорога олиб бориш учун тайёрланган отлиқлар миршаб билан бирга, қочқинларни қўлга тушириш учун чўл томонга от суриб кетдилар (**С. Айний**). Ким курашда уни мот қилса агар, **Бўлармиш**, **Водариг**, унинг тутқуни (**Т. Тўла**). **Қўрқманг**, уста, мен сиздан аристонларни қандай қочиртирганлигингни суриштирмоқчи эмасман (**М. Исмоилий**).

АСИР II, ҚУЛ. Бирор шахс ёки нарсага бутунлай берилган, унинг ўта шайдоси.

Мана шу кундан бошлаб **Йўлчи** шу қизнинг а с и р и, мафтунни бўлди (**Ойбек**). «...Бу калвак ўғлингни марғилонликнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир...» (**А. Қодирий**). «Кучер аҳли ҳам тирикликда уйқуга қонадими, ука?! Сен ҳам от қулига ўхшайсан-а?»—**Бўлмасамчи**,— деди кулиб **Йўлчи**,— от энг яхши ҳайвон, жуда суяман» (**Ойбек**).

АСИРЛИК, АСОРАТ, ТУТҚУНЛИК, ҚУЛЛИК. Озодликдан, эрдан маҳрум этилган ҳолат. **Асорат** ёзма нутққа хос. **Аспирлик, тутқунлик, қуллик** сўзлари уларнинг ўзак қисми ифодаладиган маънода ўзига хослик билан фарқланади.

Аммо а с и р л и к даҳшатли ўлимдан ҳам кучлироқ эди. У бор кучини тўплаб, чуқурликдан тепаликка тирмашиб, тепаликдан пастикка эмалаб, судралиб, олдинга сурила берди (**И. Раҳим**). **Барибир**, инсонни зулм, асоратда Сақламоқ мумкинмас, бу шундай кунки, **Адолат** ғолибдир онгда, ҳаётда **Башарият** бахтга интилар (**М. Бобоев**). **Тутқунликдан**, фалокат чуқури ёқасидан севикли йигит томонидан қутқазилган **Гулнорнинг** қушдек учиси келар, лекин бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди. **Бунинг** устига кафши монелик қилар эди (**Ойбек**). **Халқимиз** ўзини қулликка солдириб қўйдиган халқ эмас, **Қизил Армиямиз** бор (**И. Раҳим**).

АСКЕТ, ЗОҲИД, ГУШАНИШИН. Ҳаёт лаззатларидан воз кечувчи, тарки дунёчи.

Муллаваччаларга зоҳидлар, сўфилар ва алданган деҳқон муридлар ёрдам берардилар («Совет Ўзбекистони»). **Қусемухаммаднинг** гўшанишин бўлиб тўшакда ётиши қулаган минорага ўхшарди (**Мирмуҳсин**).

АСКЕТИЗМ, ЗОҲИДЛИК, ГУШАНИШИНЛИК. Ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, тарки дунёчилик. **Аскетизм** термин сифатида ва ҳозирги матбуотда кенг қўлланади. **Зоҳидлик, гўшанишинлик** эскирган.

Идеалистик философия худони тан олишга, ҳаётни инкор қилишга, зоҳидликка олиб боради («**В. И. Ленин** ҳақида

зоҳиралар»). Нега мен зоҳидлик қилиб боёқиш жувоннинг яратилган қўлини ҳавода қолдирдим (**Т. Жалолов**). Ҳатто баъзи кунлари хўжрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга гўшанишинликка яқинлашиб борар эди (**А. Қодирий**).

АСЛ(И), ТАГ(И). Келиб чиқиш жойи, авлод-аждоди.

А с л и хўжандлик тожик бўлиб, Қамишкапага қачондир кўчиб келган... ўзи кўп хушчақчақ, ҳазилкаш одам эди (**П. Турсун**). **Тагинги** з бувайдаликмиде? (**А. Қаҳҳор**). **Тагими** з камбағал. **Отганининг** касби ҳаммолик эди (**П. Турсун**).

АСЛИДА, АСЛИ, БОШДА. Пайдо бўлиш (юзага келиш) вақтида. **Аслида**, асли сўзларида нарса-ҳодисанинг яратилиш (туғилиш) вақти таъкидланмайди. **Бошда** сўзида эса дастлабки (бош) вақт оттенкаси бор.

А с л и д а пешонам шўр бўлса, мен нима ҳам қила олар эдим? (**М. Исмоилий**). **У а с л и** жуда бардошли қиз эканми ёки фақат **Очил** борида шундай қиладими — ўтирган жойида безовталаниш, ўринсиз ҳаракатлар қилиш сира ҳам йўқ эди (**П. Қодиров**). **Ёки бошда** онанг ўзи Қора туққанми? (**Шухрат**).

АСОСЛАНМОҚ, СУЯНМОҚ, ТАЯНМОҚ. Ҳаракат-фаолиятда асосга олмоқ, асосида иш кўрмоқ. **Суянмоқ, таянмоқ** оғзаки нутқда, оддий сўзлашувда кенг қўлланади. **Асосланмоқ** кўпроқ адабий тил учун характерли.

Бутун дунёда марксистлар ишчилар ташкилотларига асосланадилар (**Ленин**). **Агроном** маслаҳати ва тажрибакорларга суюниб ўзим ҳам синов ўтказган эдим (**Н. Сафаров**). **Иштиликка таянсанг**, зафарларга бурканаверар экансиз, ғалабалар сенга ёр бўлаверар экан («Тошкент ҳақиқати»). **Ҳеч қандай раҳбар**, ҳатто энг талантли раҳбар ҳам бир ўзи омманинг иштирокисиз ва унинг ташаббусига таянмай туриб корхона ёки муассаса олдида турган вазифаларни бажара олиши мумкин эмас («Қизил Ўзбекистон»).

АСРАМОҚ, САҚЛАМОҚ. 1. **Ёмон таъсирдан**, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ.

Шокир ота: «**Золимнинг** зулмидан ўзинг а с р а!»— деб **Йўлчи** учун қайғуради (**Ойбек**). **Лутфинисо**... «ёмон кўздан сақла с и н» учун исиріқ тутаттирар, гоҳ қизини қучиб йиғлар... эди (**Ойбек**).

2. **Йўқ бўлиш** ва ш. к. га йўл қўймай эҳтиёт ҳолда тутмоқ.

Елвориб сўрайман, а с р а қалбингда, **Сўлдирмагил** чечакларимон (**Уйғун**). **Ота**, сен кўпдан йўқ... **Сенинг** қалбингни **Қалбимда** сақлайман, сақлайман ҳамон (**Шухрат**). **Ҳозир** намни тўла сақлаб қолиш чоралари кўрилаётир («Совет Ўзбекистони»).

3. **Бирор мақсад билан** узоқ вақт ушлаб турмоқ (узум асрамоқ, мол сақламоқ).

Ишқибозларнинг аксариятида бундай қушларни сақлашга хоҳиш бўлмайди («Тошкент ҳақиқати»).

АСТОЙДИЛ, ЖИДДИЙ, РОСТАКАМ(ИГА), ЧИНАКАМ(ИГА). Алоҳида диққат билан, ҳазил-ҳузусиз, ёлгон-яширсиз, чини(рости) билан.

«Қўйворинг, Норбой ака, совқотай дедим!»— Гулойим шундай деди-ю, астойдил юлқинмади (Х. Сеитов). Бойвачча мана шу режани амалга ошириш учун жиддий киришмоқчи бўлган паллада, онаси ўлиб, яна баҳорга қадар сабр қилишга мажбур бўлган эди (Ойбек). ... безона ўғга ростакамига жанг қилишга тўғри келмоқда («Совет Ўзбекистони»). Ташиқлотчилик савиясини яхшилаш, омманинг социалистик мусобақасига чинакамига бошчилик қилиш керак («Қизил Ўзбекистон»).

АТАЙЛАБ, АТАЙ, АТАЙИН, АТАЙДАН, ЖҮРТТАГА, ЖҮРТТА, МАХСУС, АЗЗА-БАЗЗА. Бирор мақсад билан сингли равишда. **Жўрттага, жўртта** сўзлари, кўпинча, аслида шундай бўлмаслиги лозим бўлган хатти-ҳаракатнинг субъект томонидан билиб туриб шундай қилганлиги маъносида қўлланади. **Атайлаб, атай, атайин, атайдан** сўзларида бундай қарама-қарши ҳолағ бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Улар шу иккала ҳолатда ҳам кенг қўлланаверади. **Махсус** бу маънода кам қўлланади ва бунда хатти-ҳаракатнинг бирор нарса учун мўлжалланганлиги (қаратилганлиги) алоҳида таъкидланади. **Азза-базза** ўз хусусиятига кўра **махсус** сўзига яқин туради, лекин у кўпроқ оддий сўзлашувга хос.

Бу кўйлак атайлаб галстук тақмаслик учун чиқарилгандай ёқасининг қулоқлари, ҳатто орқа томонда бўладиган учбурчак қулоғи ҳам тузмаланиб қўйилган (П. Қодиров). Хотин ёш келинчаклардай хоҳишини сездирмай, атайлаб эринчоқлик билан тахмондан тўшакларни ола бошлади (Саид Аҳмад). Кекса Андрей ота — МТС инженер. Айтди у бизни атай Кутганини кўпдан бери (Ю. Ҳамдам). Немислар ҳалиги икки болани ҳам, бу хотинни ҳам атайин чала ўлик қилиб, миналаштириб кетган эди (А. Қаҳҳор). Атайдан узоқ-узоқ жойлардан ўзига тўқ, бадавлат кишиларнинг хотинлари келиб, янги-янги нусхалардан буюриб кетадилар (Ойдин). Қоратой билан Уроз йигитни авайлаб кўтариб, ушланиб қолмаслик учун жўрттага халқ ичига шўнғиди (Ойбек). Чироқнинг сарғиш шўъласида унинг ранги кетган, кўз остлари ичига ботган, уйғоқ бўлса ҳам, ўзини жўрттага уйқуга солиб ётгандай кўринди (А. Қаҳҳор). Сен билан ўчакишмоқчи бўлса, жўртта қитигинга тегади (А. Қодирий). [Мамат Холисхонга:] ...Мен жойинида учратган соатдаёқ бажараман. Бу ханжарни махсус сенинг учун ҳозирлаганман (Ҳ. Ҳақимзода). Омоновдек одам сизни табриклаш учун азза-базза трест ўринбосари кабинетидан чиқиб келармиди? (Б. Раҳмонов.)

АТИГИ БОР-ЙУҒИ, БОРИ, БУЛГАНИ, НИҲОЯТИ, ШАҚАТ(ГИНА). Йиғиштириб келганда, ҳаммаси бўлиб.

Утилмоқчи бўлган йил сонсиз, Утилган йил атиги саккиз. Атиги бизни қилолди, қаранг «Байналминал» куйи сафарбар (М. Шайхзода). Участка қуриш амакинги бўлмайди!.. Бор-йўғи келгудек келадиган эски ошхонанинг томини қайта ёпиш учун нари бери бери келдим (Т. Алимов). Э, вап одам экансиз. Мўмин шилниқ сизга от билан туя сўймайди. Ниҳояти икки ошам тиш, бир пиёла чой... (П. Турсун). Ёнбағирдаги дарахтзорда фидрат битта уй оқаришиб турар, дарахтлар сукут қилиб, «Яна чина бўлар экан» деб қулоқ солиб тургандай туйилар эди (А. Қаҳҳор).

АТРОФ, ТЕВАРАК, ГИРД, ТЕГРА, ҲАР ТОМОН, ҲАР ТАРАФ, ҲАР ЕН, АЙЛАНА, ҚУРШОВ, УНГУ СЎЛ, СОҒУ СЎЛ, СУЛУ СОҒ. Ҳамма томон, барча тараф. Гирд ва тегра эсирган. Атроф ва теварак сўзлари бирор нарса, жойнинг ҳамма томонларининг туташ ҳолдаги бутунлиги маъносида ҳам, унинг маънаум бир нуқтадан олинган турли томони (барча томони) маъносида ҳам қўлланади: **Атрофига** гул экдик. **Атрофдан** (теваракдан) одамлар кела бошлади. Узаро жуда яқин бу икки сўздан **теварак** сўзи кам қўлланади. **Ҳар томон, ҳар тараф,** ҳар йн сўзлари, асосан, маълум бир нуқтага (жойга) нисбатан бўлган турли томон маъносида қўлланади. **Айлана** бу маънода жуда кам ва шунда ҳам кенгроқ ҳажмдаги жой-маконнинг атрофи маъносидагина қўллана олади. **Қуршов** сўздан ўраб олган атроф маъноси акс этади. **Унгу сўл, сўлу соғ, соғу сўл** фольклор ва поэтик асарларда учрайди. **Айлана** ва **қуршов** доим эгалик аффикси билан қўлланади.

Сидиқжон шитоб билан дарахт бутар экан, Канизакни излаб атрофига кўз ташлади (А. Қаҳҳор). Яна теваракдан одамлар тўхтовсиз равишда бу ерга келмоқда эди (Ойбек). Мард Ҳасанининг гирдини Қамраб олаёттибди. Ажаллиси шу ерда, Қўрини, ўлаёттибди («Равшан»). Ҳозир бизга ўрда ичига кириш мумкин бўлмагани учун қўрғоннинг ташқари теграсида айланиб турайлик... (А. Қодирий). Мана шу йиллари, гарчи ҳукумат ёрдам берган бўлса ҳам, капсанчиларнинг яна бир қисми ҳар томонга кўчиб кетди (А. Қаҳҳор). Бир ватаннинг ўғлиманки ҳар тараф сул, лола, боғ (Ғ. Ғуллом). Сойликдан келётган немис самолётларини кимдир пулемётга тутар, мотоциклчиларнинг кўпи йиқилган, қолгани мотоциклларини ташлаб, киргани ковак тополмай, ўзини ҳор ёнга урар эди (А. Қаҳҳор). Чибич кўлнинг айлачиси даладир, Шакар ҳали катта эмас, боладир («Ширин билан Шакар»). **Айланинг** Коллектив бир меҳнатнинг... (Миртемир). **Боғу** роғдир қишлоқ атрофи, Мева-чева, чечаклар, цулар... **Чаманзордир** боғнинг қуришови, Чаҳ-чаҳ урар қувноқ булбуллар... (М. Шайхзода). «Кел-е,— деди,— тоққа

чиқиб қарайин, Баланд тоғда ўнги сўлни қарайин» (Фольклор). Чунки булар сенинг қўлингда Ардоқланиб вояга етган. Юрагингда соғу сўлингда Болалардай эркалик этган (Уйғун). Лекин ҳеч бир гап кирмас Оксана қулоғига. Чопади, олмас нафас, Боқмас сўлу соғига (Х. Олимжон).

АТРОФЛИЧА, ҲАР ТОМОНЛАМА, ҲАР ТАРАФЛАМА, БАТАФСИЛ, МУФАССАЛ, МУКАММАЛ, ТУЛА, ТУЛИҚ, ТУЛА-ТУКИС. Бутун тафсилоти билан, ҳар жиҳатини ҳисобга олиб. **Атрофлича**, ҳар томонлама, ҳар тарафлама сўзларида нарса-ҳодисанинг томони (жиҳати) оттенкаси акс этиб туради. **Батафсил**, муфассал сўзларида «тафсилот» тушунчаси акс этади ва бу сўзлар бирор нарсанинг таъриф-тавсифи, баёнига нисбатан қўлланади. **Муфассал** кўпроқ китобий услубга хос. **Мукаммал**, тўла, тўлиқ, тўла-тўкис сўзларида «томон» («жиҳат»), «тафсилот» оттенкалари аниқ акс этиб турмайди. Бу оттенкалар контекстда реаллашади.

Ҳаётга чуқур, кенг, атрофлича қараш, ундан кейин фикрлаш ва ўйлаш керак (Ойбек). Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди (Ойбек). Биз ҳақиқий аҳвол билан ҳам ҳар томонлама танишдик («Муштум»). Унинг «Рус халқи ҳаётининг композициялари»да рус халқининг ҳаёти ҳар тарафлама ва кенг равишда кўрсатиб берилди («Қизил Ўзбекистон»). Сидиқжон бола-чақасини ташлаб чиқиб кетишига нималар сабаб ва нималар туртки бўлганини... батафсил гапириб берди (А. Қаҳҳор). Абдишукурнинг тили қичиб, ... мактаб тўғрисида муфассал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекин сўзни Ҳакимбойвачча илиб кетди (Ойбек). Уни яхши танийман ва мукамал характеристика бера оламан (А. Мухтор). ... Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севги эртагини кампирдан тўла эшитди (Ойбек). Мажлисда ҳамма масала ечилгандай, Аҳмедовдан сўралмаган ва тўлиқ жавоб олинмаган савол қолмагандай бўлган эди... (А. Қаҳҳор). Мен ушбу хатда Сатторовнинг антиқа тажрибасини тўла-тўкис таърифлаб бера олмадим («Муштум»).

АТТАНГ, АФСУС, ЭСИЗ, ТААССУФ, ДАРИҒ, (ВО) ҲАСРАТО. Ачиниш, пушаймон ҳиссини билдиради. Булардан аттанг, афсус, эсиз адабий тилда ҳам, оддий сўзлашувда ҳам қўлланади. Эсиз сўзи нисбатан кам қўлланади ва унда белги даражаси кучсизроқ. **Таассуф** бу маънода китобий услубга хос, кўпинча кичиклама билан қўлланади. **Дариғ, (во) ҳасрато** кўпроқ фольклор асарларида учрайди.

Ҳе, аттанг! Гулни гулга қўшмай, гулни сассиқ алафга қўшиб қўйибман! (Х. Ҳакимзода.) Ҳа, афсус, афсус..., янглишибсиз... (Х. Гулом). Кимки ёшлик чоғида бир касб эгаллаш истамас, Сўнги умр афсусидан юз минг пушаймон келтирар (С. Абдулла). Чойингни хўп ичдим, умримда ҳеч ҳам Бундайин

зуни қилди ичмовдим, эсимиз... Дўстлигим ҳурмати, эртага келсам, Яна бир чой дамлаб берасанми, қиз? (Шухрат.) Фақат, таассуфки, вафодор ўзал, Сўнги сўзларингда гина бор бир ва (Уйғун). Сабил бўлди анжомим ҳам байдоғим, Қариганда, дариғ, куйди димоғим... Олиб кенглар иккигина ўдагим, Ва ҳасрато, ўчар бўлди чироғим («Эрли ва Шерали»).

АФЗАЛ, ОРТИҚ, УСТУН, ЮҚОРИ, АЪЛО. Сифати, фазилати ва ш. к. жиҳати ўта яхши. **Афзал** сифат, фазилат, қадр-қиммат жиҳатдан бўлган белгини баҳолашда қўлланиб, миқдорий ва катти-ҳаракат кабилардаги ортиқликка нисбатан деярли қўлланилмайди. **Ортиқ**, **устун** сифат, миқдор, катти-ҳаракат жиҳатдан бўлган юқориликни ифодалайди. **Юқори** қадр, қиммат жиҳатдан бўлган белгига нисбатан қўлланади. **Аъло** маъно хусусиятига кўра афзал сўзига яқин туради, лекин бу сўзда белги даражаси кучлироқ.

Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз... учун тилладан афзалдир (Ойбек). Тинчлик ва шодликни яратувчи халқ Сизнинг қўлингиздан кийинса ўзал. Сизнинг юрагингиз фахр-ла тўлса, Азизлар, бахт бундан бўлурми афзал? (Зулфия.) Китоб саҳифасидати катта қора ҳарфларни овоз билан бир-бирига уриштириб бир маъно чиқариш қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳар қандай завқдан ортиқ эди (П. Турсун). Баъзи жиҳатдан, масалан, илдамликда бу йигитни ўзидан устун кўрди. Бошқаларнинг ишини камситишни яхши кўрган бу «ўзбилармон» одам бу гал жиндай ён беришга мажбур бўлди (Ойбек). Йўлчи Тантубойвачча томон бир қадам юрди. Лаблари титраса-да, ўзини совуққонликка солиб сўзлашга тиришди: «Балли бу насиҳатга! Йигитнинг юраги, номуси, одамгарчилиги пулдан азиз, пулдан юқори эмасми? Пулдорларга эгилиш пасткашлик эмасми?» (Ойбек) ... кетаётиб: «Тугишгандан тутунган аъло бўлади, болам. Мени унутма», — дедингиз («Ўзбекистон маданияти»).

АФЗАЛЛИК, ОРТИҚЛИК, УСТУНЛИК, МАЗИЯТ. Афзал (устун) белгига эгаллик. **Мазият** эскирган.

Социалистик хўжалик системасининг афзалликлари туфайли бизнинг мамлакатимиз... энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга қараганда таққослаб бўлмайдиган юксак суръатларга эришди («Қизил Ўзбекистон»). Шу икки уйнинг орасига ўтирган кошинкор ва нақшин чорхари айвон бу ҳовлининг биринчи мартаба кўзга чалинадиган ортиқликларидандир (А. Қодирий). Социализм халқ оmmasига билим олиш йўлини, маданият йўлини очиб бермоқда, унинг капитализм олдидаги буюк устунликларидан бири ҳам ана шундадир («Қизил Ўзбекистон»). Қизини ер-кўкка ишонмаган, унинг бутун нуқсонларини бир мазият билган онаси... (Ойбек).

АЧИНАРЛИ, АЯНЧЛИ, АЯНЧ, ЗАБУН. Ачиниш ҳисси уйғотадиган. **Аянчли** сўзида белги даражаси кучли. **Аянчли, аянч**

сўзлари оддий сўзлашувда нисбатан кам қўлланади. **Забун** — эскирган, китобий.

Бурчакда ётган бола, уйқусирабми ё совуқдан уйғонибми, ачинарли товуши билан «дада» деди (Ойбек). Йўлчи араванинг нимаси шикастланганини пайқамай, ҳайрон бўлиб турар экан, араванинг тагидан деҳқоннинг аянчли товуши эшитилди (Ойбек). **Ғулумжон... шумшираб турган Матқовулнинг аянч аҳволига қараб юраги эзилди (М. Исмоилий).** **Аҳмад Хусайн қўлдан баттар ожиз, забун, ҳамшиша тақдирга итоаткор, ғирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди (Ойбек).**

АЧИНМОҚ, АФСУСЛАНМОҚ, АФСУС ҚИЛМОҚ, КУЙМОҚ, КУЙИНМОҚ, УКИНМОҚ. Ачиниш ҳис-сезгисини туймоқ. **Куймоқ, куйинмоқ** сўзларида белги даражаси кучли.

Қудрат икки ҳафтадан бери кўчага чиқолмай, анча янгиликдан четда қолганига ич-ичидан ачинди ва «митти» билан ҳозир Булоқ — ҳовузга борадиган бўлди (Ҳ. Назир). У билан боғлангандан бери бошига тушган ташвишларни бир-бир кўз олдига келтириб, шу тирмизакнинг қўлига тушганига минг марта афсусланди (Ҳ. Ғулум). ...**Ермат** оиласининг боққа кўчиб кетганини эшитиб афсус қилди (Ойбек). **Мен** куюман боламга, **Болам** куюр боласига (Мақол). **Ҳақиқат** бўғилган машғум замонда **Ёқанг** чок-чок этиб изладинг бахтни. **Халқнинг** елкасида кўриб куйиндинг **Қон** ҳиди бурқсиган лаънати тахтни (Э. Раҳим). **Шошмасдан** аҳволининг оғирлигини, ўғлининг ўз қилмишидан ўкинганини айтиб, унинг гуноҳини кечирмоқларини илтимос қил (Ойбек).

АЧЧИҚЛАНМОҚ, ҒАЗАБЛАНМОҚ, ҚАҲРЛАНМОҚ. Аччиғи (газаби) келмоқ, жаҳли чиқмоқ. **Қаҳрланмоқ, ғазабланмоқ** сўзларида белги даражаси жуда кучли.

Сафар аканинг астойдил аччиқланганини сезган имом орага тушиди (А. Қодирий). У эрта-кеч ўз-ўзини койиди, ўзининг соддадиллиги, инонувчанлигидан аччиқланди... (Ойбек). «Бу қандай одам? Бу нима қилиқ?» — деб ғазабланди ўзича **Элмурод!** (П. Турсун.) **Ҳоким** пича қаҳрланиб турди, кейин қўлини силтаб ясовулни қайтарди (М. Исмоилий).

АШАДДИЙ, УТАКЕТГАН. Энг ўта даражали, бориб турган.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари — ҳосилнинг ашаддий душмани («Қизил Узбекистон»). ...У — маккор душман, ўтакетган аксилнқилобчи, хоин, қотил (Ҳ. Ғулум).

АШУЛА, ҚУШИҚ. Куйга солинган, куй билан ижро қилинадиган шеър. Қўшиқ халқ томонидан яратилган ва куйга солинган ашулаларга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Кўп ҳолларда ашула, қўшиқ сўзларининг бири ўрнида иккинчисини қўллайтириш мумкин бўлса-да (ашула айтмоқ, қўшиқ айтмоқ), айрим бирикмалар доирасида улардан бири ишлатилади (ашула ва рақс ансамбли.

Ашула байрами). Шунингдек қўшиқ сўзи шеърятда ўзига хос шартли оттенкада қўлланади. Бундай ўринда ҳам ашула сўзини ишлатиш мумкин бўлмайди.

Ашуланинг куйи, айтувчининг тоза жарангли овози Йўлчининг юрагига баҳор латофати каби тўқинди (Ойбек). Шундан кейин **Сидиқжон** боғда юрган чоғларида қўшиқ айтадиган бўлди. Бу қўшиқлар қизда ўзи ҳам нима эканини билмайдиган қизлар уйғотар эди (А. Қаҳҳор). **Бугун** ҳар бир ғунча лаблардан **Бахт қўшиғи** учмоқда янграқ (Ғайратий).

АШУЛАЧИ, ХОНАНДА, ҚУШИҚЧИ. Ашула айтувчи, касб-ишула (қўшиқ) айтиш бўлган шахс. **Хонанда** адабий тилга хос бўлиб, оддий сўзлашувда қўлланмайди, асосан, яқка ижрочи ҳақиқатан борганда ишлатилади. **Қўшиқчи** кўпроқ оддий сўзлашувга мос.

«Тузукми, бек ака?» — «Яхши ашулачи экансиз» (А. Қодирий). **Баҳордаги** чирой, **нурдаги** жилва, **Гўдак** табассуми, **дилрабо** ноъи, **Дарёдаги** қудрат, **бардаги** шабнам, **Хонанда** қўшиғи, **бастакор** сози (Уйғун). **Қўшиқчининг** олдига **Яқин** келиб чўкди тиз. Эшитди **Темирохун** **Қалбига** солиб бир из (Ғайратий).

АШҚОЛ-ДАШҚОЛ, ЛАШ-ЛУШ, ЛАҚ-ЛУҚ, ҚАҚИР-ҚУҚУР, МАЙДА-ЧУЙДА. Рўзгор ёки бошқа касб-корликда керак бўладиган нарса-буюмлар.

Ермат ўртадан пулни йиғиб олиб, кафтига қисди: «Қолган аямат биздан бўлсин, дарров ашқол-дашқолни тайёрлайман» (Ойбек). [Ориф ота билан Маҳкам ака] икковлари одаялга йўрланган катта туғунни кўтаришди. **Тожихоннинг** уйига олиб киришди. **Ховли** юзида турган **лаш-лушлар** ёнига бўҳчани қўйишди (Р. Файзий). У хизматкорларга буюрди: «Қани, чайла олдидаги мана шу **лақ-луққа** ўт қўйинлар-чи» («Еш ленинчи»). ...бечора халқ турли-туман балоларга дуч келиб, ёв қирғинига учраб, ўт-қон кечиб, ота-она, ўғил-қизларидан жуда **қақир-қуқурларидан** ажралиб, оч-яланғоч сафарга юрганлар (Ойбек). Ҳеч... ҳеч ташвишланманг, айвонда стол-стуллар бор. **Фақат** мана бу **майда-чуйдаларни** чиқарсак, бўлди (Ойдин).

АҚАЛЛИ, ЛОАҚАЛ, ЖИЛЛАҚУРСА, ЖИЛЛА БУЛМАСА. Жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаса. **Жиллақурса** оддий сўзлашувга мос.

Узбек ойим сўзланиб кирди: «Нега мунча шошмоқ, ёв қувладими, ақалли бир ой бўлсин... **Марғилон** деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмиш-да, бир ойгина турмай кет эмиш!» (А. Қодирий). **Замира** оиланинг арзандаси эди, қашшоқликдан боши чиқмаган оила **лоақал** **Замира** муҳтожлик кўрмай ўссин деб уни **Ҳошим** бобо олдига юборган эди (Л. Батъ). **Жиллақурса** жуводиз билан қарашай дедим (Ойбек). **Вой** болагинам,

қайқа борасан, ахир? Абдурахим аканг келсин жилла бўлмас (С. Кароматов).

АҚЛ, ЭС, МИЯ, БОШ, КАЛЛА. Кишининг фикрлаш, билиш қобилияти. **Эс, миЯ, бош,** калла кўпроқ оддий сўзлашувга хос.

Юсуфбек ҳожининг... кейиндан юз кўрсатадиган кўнгилсиз ишларга ақли етса ҳам, аммо бир мулоҳаза юзасидан истиқболнинг қоронғи ишларини ҳозир унча мулоҳаза қилиб кўрмади (А. Қодирий). **Эсинг** борида эл тани, Кучинг борида ер тани (Мақол). **Сен** замонни тушунасанми, ўйлаб қара, агар шу хом қовоқда миЯнг бўлса, йиғлама, касофат... (Ойбек). Саид Жалолхон кетди. **Йўлда** унинг бошига яна бир фикр келди (А. Қаҳҳор). ...тутилиб қолмас-а, калласи жойида; тегирмонга тушса бутун чиқадиғанлардан у. Лекин овқатдан қийналади-да, мендан баттар чақасиз эди (Ойбек).

АҚЛЛИ, ЭСЛИ, МИЯЛИ, КАЛЛАЛИ, ОҚИЛ. Фикрлаш, билиш қобилияти яхши, ақли жойида. **Эсли** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Мияли** кўпинча ақлнинг нормал даражадан кучлилигини ифодалайди. Бу сўз ҳам кўпроқ оддий сўзлашувда қўлланади. **Каллали** оддий сўзлашувга хос.

Сиз ақлли йигитсиз, сизга ўргатиш қийин, лекин айтаман, дадангизнинг орзусини қониқтириш — сизга фарз (Ойбек). **Заргаров** кўп болалар шунақа эканлиги ва **Суяр эсли** бола бўлгани учун бу хилдаги қусурларини йўқотиш қийин эмаслигини айтиб, ранжиган отанинг кўнглини кўтарган бўлди (А. Қаҳҳор). **Шу «онги ўсмаган»,** шу «қишлоқилар» чиқиб қолди чоғи оқил, баланд дид... (М. Бобоев).

АҒ(А)НАМОҚ, ЮМАЛАМОҚ (ДУМАЛАМОҚ). Етган (ётиқ) ҳолда ерга тегиб айланиб ҳаракатланмоқ. **Ағ(а)**наш онгли равишда, ўз билгича бажарилади. **Юмалаш (думалаш)** ихтиёрдан ташқари ҳам бўлади.

Унинг кийимлари жуда эски ва тупроққа ағанаган каби чанг-чунг эди. Лекин ўзи қишлоқча содда дали-ғули йигит кўринди (Ойбек). **Мастон** унинг қўлидаги тугунчасини олди-да, **Турғун**ойни олдинга ўтказди, чунки унинг ҳар қадамда йиқилишига, йиқилганда то адрнинг этагигача юмалаб кетишига кўзи етар эди (А. Қаҳҳор). **Кўл** суви илиқ бўлса-да, **Кўзи**бойнинг ранги қув ўчиб кетди. У хийла кўрққан ва **думалаб** тушаётганда тиззаси қирилган эди (Х. Назир).

АҲВОЛ, ҲОЛАТ, ҲОЛ, КЕПАТА. Кайфиятнинг, ташқи кўринишнинг аниқ бир моментдаги ифодаси. **Ҳол** нисбатан кам қўлланади. **Кепата** диалектал хусусиятга эга.

У [Жўраҳон] шу аҳволида кеча Ғуломжон олдиға жон олиш қасдида келган жононга сира ўхшамасди (М. Исмоилий). **Аҳволин**ни қара, тагин сен ҳаммомга тушган боласан (Ойдин). Бу ҳолда **Ўзбек** ойим ич-этини еб, ютган лўқмасини ҳам билмас эди (А. Қодирий). «Ма, бугун кийиб тур, ҳоким

кепатагини кўриб, кўнгли айнимасин» (М. Исмоилий). **Иш-тананда** оғриқдан чиройи аянч бир кепатага келиб, буришиб кетади, оғзи қуруқшаб, сув ичгиси кела беради (А. Мухтор).

АҲМОҚ, ТЕНТАК, ГҲСХҲР. Ақли паст, фикрлаш қобилияти нормал эмас. **Тентак** сўзида белги даражаси анча кучсиз. **Аҳмоқ** сўзини, койиш сифатида ҳам қўлланади. **Гўсхўр** алданиб, лақиллаб бировга «емиш» бўлувчи маъносида қўлланади.

Аммо сен аҳмоқсан, кўрангга қараб оёқ узатишини, қарсикни қўлдан чиқишини билмайсан (А. Қодирий). **Тентак** тўрини бермас (Мақол). «Ийи,— дедим.— Онаси соғ-у, боласи тентак бўлса, унда қандоқ бўлади, бувижон?» (П. Турсун). **Сен** энди тушингни ачангга сўйла, **Йўқ** бунда ялинчоқ, **гўсхўр** ни кўрқоқ (Шухрат).

Б

БАДАН I, ТАН(А), ВУЖУД, БОРЛИҚ. Киши жисми, киши жисми яхлитлигича. **Вужуд, борлиқ** сўзлари асосан эғалик қўшимчалари билан қўлланади (вужудим, борлиғим). **Борлиқ** кўпроқ китобий тилга хос.

..Физкультура киши баданини қандай тартибга солса, эстетик тарбия ҳам киши қалбини шундай тартибга соладики... («Уқитувчилар газетаси»). **Ҳали** танасига иссиқ ҳам ўтгани йўқ эди, «Тўйма!»— деб ташқаридан тўранинг товуши келди (Ойдин). **Икки** оғиз ҳақиқатни сизларга етказиш учун гўштимни танимдан ранда билан шилиб ташланса... ҳам, менинг орқамда қолганлар севинади (А. Қаҳҳор). **Мен** сени биламан: кулишини ўйзал, Қаҳҳақа бобида танҳосан ўзинг. **Сен** кулсанг, тилга ҳам киради ғазал, Кулади ву-ж-у-д-и-н-г, юрагинг, кўзинг! (Шухрат.) **Борлиғим,** қалбимдаги қоним дедим, севдим сени (Уйғун).

БАДАН II, ТАН(А), ЭТ. Киши жисмининг сирт қисми. **Эт** кам қўлланади.

Акаси қоронғу бир ҳужрада ётар, юз ва баданлари кўкириб, ишииб кетган эди (С. Зуннунова). Бу гапни эшитиб **Элмуроднинг** тани жимирлаб кетди (П. Турсун). Бу ҳазил ва айниқ-са кули аввал хунук, одамнинг этини жимирлатадиган даражада хунук эшитилди... (А. Қаҳҳор).

БАДНОМ, УЯТЛИ, ШАРМАНДА, ШАРМСОР. Ёмон иш билан ёмон отлиқ бўлган. **Бадном** асосан бўл ёки қил феъллари билан қўлланади. **Уятли** кўпроқ оддий сўзлашувга хос ва бунда белги даражаси бир оз кучсиз. **Шарманда, шармсор** сўзларида, асосанча, белги даражаси кучли. **Шармсор** оддий сўзлашувда жуда кам қўлланади.

...Ражабов Рафиқ Холиқовни ба дном қилиш, уни обрўсизлантириш пайига тушиди («Совет Ўзбекистони»). Келишга келди-ю, ўзи пушаймонда қолди. Биров кўриб қолса, нима дейди? Узи ба дном бўлиши устига беғуноҳ Ҳаётни шарманда қилади-ми? (М. Исмоилий.) Хатнинг ўзи-ку қиммат эмаску-я, лекин бировнинг омонатини йўқотиб, бошқа бировга уятли бўлиш ҳар нарсадан ҳам оғир-да,— деди Жобир Норбувиға (Ҳ. Шамс). Эл орасида мани шарманда қилма, ёлғиз қизимсан... (Ойбек). Юрт кулса ҳам энди майлига, Зарба гали сандадур бу бор. Мен мубтало бўлган балода Сени мақтар, мен ман шармсор (Ҳ. Олимжон).

БАЖАРМОҚ, АДО ЭТМОҚ, БИТИРМОҚ, УРИНЛА(Т)-МОҚ, ДҮНДИРМОҚ, УТАМОҚ, БАЖО ҚИЛМОҚ. Иш-вазифа, топшириқни амалга оширмақ, бажо келтирмақ. **Бажармоқ**, адо этмоқ иш-вазифа, топшириқни ижро қилиш ва якунига етказиш маъносида қўлланаверади. **Адо этмоқ** кўпроқ китобий услубга хос. **Битирмоқ**, **ўринала(т)моқ**, **дўндирмоқ**, **бажо қилмоқ** асосан иш-вазифани якунига етказиш маъносида ишлатилади. **Уринала(т)моқ** кам қўлланади. **Дўндирмоқ** кўпроқ оддий сўзлашувга хос ва унда белги даражаси кучли. **Бажо қилмоқ** нисбатан эскирган, кам қўлланади. **Утамоқ** бурч-вазифани адо этиш маъносида қўлланади.

Ҳозир кўклам экин кампаниясига пухта таралдуд кўриб олган деҳқон уруғ ерга қадалаётган паллада қийналмайди, ишни сифатли бажаради («Совет Ўзбекистони»). Саккизинчи беш йилликда 83 мингдан ортиқ ишчи ўз зиммасига олган шахсий мажбуриятини муваффақиятли адо этди. Кўпгина корхоналар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди («Совет Ўзбекистони»). Менга нега энди раҳмат бўлсин? Меҳнатни сиз қилдингиз, катта ишни кўнгилдагидек битириб келдингиз (Ҳ. Сеитов). КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат армуғони ҳозирлаш учун курашиб, зиммамиздаги барча топшириқларни муддатидан олдин ўриналадик («Совет Ўзбекистони»). Кунига икки киши уч ярим-тўрт норма дўндиряпмиз. Йўғе, бажаряпмиз (Ш. Тошматов). Муҳаббат сўз билан изҳор этилмас. Сўз бу вазифани ўташдан йироқ (Уйғун). Ҳар ишни партия топширса, биз бажо қиламиз (Ҳабибий). Шартимни бажо қилсанг, бир...хотин бор. Дарров қози домлага маъқул қилман-у, оламан-бераман (Ҳ. Ҳакимзада).

БАЙРОҚ, АЛАМ, ЯЛОВ. Узун таёқ учига ўрнатилиб давлат, ҳарбий қисмларнинг расмий эмблемаси чизилган ёки ҳеч қандай шакли (расми) бўлмаган, ранги бир хил ёки турли хил бўлган мато парчаси. **Алам**, **ялов** эскирган.

Узоқ адрнинг орқасидан кўтарилган каттакон ойнанинг дастлабки шуъласи тўғоннинг тепасида пирпираб турган байроққа тушиди (А. Қаҳҳор). Памир тоғларида қизил аламни ҳилпиллатиш иши турадир. Тожикистон халқи бу ишга киришган...

(«Қизил Ўзбекистон»). Ҳилпиллаган ол яловлар! Салом, мининг томирларим туپрогим (М. Шайхзода).

БАЛАНД, ЮҚОРИ. 1. Ер сатҳидан узоқ масофада. **Баланд** ер сатҳидан жуда юқоридаги жой (нуқта)ни ифодалаш учун ҳам қўллана олади. **Юқори** асосан ер сатҳидан узоқлиги унча ортиқ бўлмаган жойни ифодалашда қўлланади.

Баландда, юлдузли кўкда қаёққадир самолётлар учиб ўтди (Ойбек). Ой уфқдан салгина юқорида хира нур сочмоқда, ҳамми ёқ жимжит (А. Қаҳҳор).

2. Куч даражаси нормал ҳолатдан ортиқ. Бу маънода **юқори** сўзн нисбатан кам қўлланади.

Иситмаси баланд, **босинқираяпти** (М. Исмоилий). **Йўлчи** баланд товуш билан уларга мурожаат қилиб тўхтади (Ойбек). **Қутидор** танчага бориб ўтирмади-да, айвон пешонасидан туриб кўйидаги хатни юқори товуш билан ўқиб чиқди (А. Қодирий).

БАЛАНДЛАМОҚ, ЮҚОРИЛАМОҚ, КЎТАРИЛМОҚ, УРЛАМОҚ. Баланд (юқори) томон йўналмоқ. **Баландламоқ**, **юқорилламоқ** сўзларида шу маъно аниқ сезилиб (ифодаланиб) туради. **Кўтариламоқ** умуман пастки нуқтадан тиккага қараб йўналишни билдиради. Баланд (юқори) томонга қараб йўналиш маъноси эса маълум сўз ёки бошқа воситалар ёрдамида реаллашади. **Урламоқ** кам қўлланади.

Пойларлар [каптарнинг тури] томдан кўтарилган ҳамоно боши билан айланиб тик баландлайдилар («Тошкент ҳақиқати»). [Ингитали] Осма кўприкдан ўтди, сўқмоқдан энди юқорилаётганида тўсатдан ҳайкалдек қотиб қолди (С. Кароматов). **Пойларлар** қанотларини йиғиб пастлашадилар-да, тома бир-икки метр қолганда яна ўйнаганча тик кўтариладилар («Тошкент ҳақиқати»). **Узоқдан** чиққан зангори тутун осмонга ўрлаб, теварак-атрофга кўрпадек ёйилар эди (Ҳ. Ҳулом).

БАЛАНДПАРВОЗ, ДАБДАБАЛИ, ТАМТАРОҚЛИ. Ҳавойи (бежама) гаплар билан меъеридан оширилган.

Баландпарвоз сўзларингиз кўнглимга зиғир ёғидай урди (Ш. Рашидов). Зокир бюро тайёрлаётганини, бир қатор персонал ишлар кўрилажагини мумкин қадар дабдабали қилиб айтди (П. Қодиоров). Мақолага жуда дабдабали сарлавҳа қўйилган эди (Ш. Рашидов). Баландпарвоз, дабдабали услубни Ленин ёмон кўрарди. Муболағали, тамтароқли гапларни кўп ишлатишни ёқтирмасди («Қизил Ўзбекистон»).

БАЛЛИ, БАРАКАЛЛА, ОФАРИН, ЯША, ЯШАВОР, ҚОНИЛ, ТАСАННО, УЛМАНГ, ТАҲСИН, САЛЛАМНО. Мақтов-маъқуллашни билдиради. **Тасанно**, **таҳсин**, **салламно** — китобий услубга хос. **Улманг** — оддий сўзлашувга хос.

Унинг фикрини маъқулловчи овозлар эшитилди: «Балли! — Отангизга раҳмат!» (П. Турсун.) **Йўлчи** қайтарувчи кишига кўзини ёмон олайтирди, хотинга далда берди: «Баракалла, она,

юринг тезроқ, сира тап тортманг!» (Ойбек.) Ана бу гапингизга о фарин! Энди мен кетай бўлмасам... (А. Қаҳҳор). Яшанг, ўғлим, кам бўлманг (А. Қаҳҳор). «Яша в о р!»— Тўла ўртоғининг юпун пальто тагидон суяги туртиб чиққан елкасига попиллатиб урди (М. Исмоилий). «Қой и л!»— Комил ўтирган ерида чапак чалиб юборди (Х. Гулом).— Тақсир, сиз,— мулла Мадрахим кулимсираб, чордона қуриб олди,— ернинг тагида илон қимирлаганини биласиз-а. Т а с а н н о! (Ш. Тошматов.) У л м а н г, жуда тadbирли одамсиз-да! (Яшин.) Ана шунинг ўзигина олимнинг кўп йиллик меҳнатига муносиб таҳсин ва офарин эди («Ўзбекистон маданияти»). Пахтаворимни кўриб ҳам, ишлари аъло десин, Бу муҳаммасни ўқиб, Уйғунга с а л л о м н о десин (Уйғун).

БАЛО I, ФАЛОКАТ, ОФАТ. Гам-гусса, ортиқча ташвиш-азоб бўлувчи нарса. **Фалокат, офат** «бало, мусибат»дан кўра уни юзага келтирувчи нарса (ҳолат) маъносида кўп қўлланади. **Офат** тенг миқёсдаги ва ортиқ даражадаги мусибатни (балони) билдиради. **Еки** жондан севган ўғилчангни Тошқин сувлар олиб қочдими? **Е бошқа** бир **бало** юз берди-да, **Ҳасрат-алам** қучоқ очдими?.. (Уйғун.) Онахоннинг юраги бир **фалокат**ни сезгандай бўлди-ю, оёқлари беихтиёр олдинга юрди (А. Мухтор). Майдонда ул санам деб, душманга бўлдим **офат**, **Бўстони** гулга тўлган **фасли баҳора** айгинг (Уйғун).

БАЛО II, УСТА, УСТАМОН, БИЛАҒОН, БИЛАРМОН, ЧЕЧАН, ЭПЧИЛ, ЧАҚҒОН, УДДАБУРОН. Уринлатиб бажарадиган, маҳорат ва чаққонликка эга. **Бало** кўпроқ оддий сўзлашувга хос, у ақлий, жисмоний иш-ҳаракат бажаришда юқори маҳоратга эгалликни ифодалаш учун қўллана олади. **Уста** ақл, малака талаб этадиган ҳаракатларга нисбатан қўлланади. **Устамон** қувлик, айёрлик оттенкасига эга. **Билармон, билагон** сўзларининг хусусияти уларнинг ўзагидан англашиб туради. **Билармон** салбий бўёққа эга. **Чечан, чаққон, эпчил** тез ва осон бажариш маҳоратига эгалликни билдиради. **Уддабурон** асосан иш-вазифани ижро этиш маҳоратига эгалликни ифодалаш учун қўлланади.

«Жўртгага кўрингансан, ёш бўлсанг ҳам, **балосан**...»— тескари қараб, лабини буриштирди Нури (Ойбек). «Сайфиддин Умаров Ўрта Осийе университетига физматга ўқийди. Эсингдами, математикага **бало** эди»,— деди Комила (Ойбек). Узун экан оёғи, Худди чолнинг таёғи. Қаноти ола экан, сайрашга **бало** экан (Уйғун). ...аскияга жуда **уста** экан, оламда дard нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик (А. Қаҳҳор). Ҳа, қизлар шунақа гапга **уста** бўлади (Н. Сафаров). **Кассир Б. Чўтматов** ҳам текин нарсаларнинг мазасига тушунгандан бери, анча **уста** мон бўлиб қолди («Муштум»). Сен жуда **бिलाгон**, ҳаддан ташқари **бिलाгон** бўлиб кетибсан (С. Зуннунова). **Дўс-матнинг** усти-боши қанақа-ю, қиёфаси қанақалигини тасвирлашга **Бувинисо** жуда **чечан** бўлиб қолди (П. Турсун). **Разведкага**

гина тешигидан ўтадиган **эпчил**, дарёдан ҳатлайдиган **чаққон** киши керак (Шухрат). Мен дўстларга сира ишонмайман. **Маслаҳатга** ҳаммаси **чаққон**. Нега десанг, **маслаҳатгўйлик** осон нарсалар! Тили қимирлайди, холос (Ойбек). Онахоннинг идоралиги ишлари, одамларга муомаласи, ҳар бир масалани ақл билан ҳал қилиши, умуман унинг **уддабуронлиги** Абатни қойил қолтиради (Х. Сеитов).

БАЛОҒАТ, ВОЯ, КАМОЛ, КАМОЛОТ, ЕТУКЛИК. Жисмоний, ақлий тараққиётнинг юқори даражаси. **Балоғат, воя** асосан етмоқ феъли билан қўлланади. **Камол, камолот** китобий услубга хос.

Шу йўл билан **бордик** — етдик муродга, **Шеъримиз** касб этди **балоғат, камол!** (Уйғун.) **Кекса** ўқитувчининг гапидан таъсирланган **Элмурод** индамай туролмади. **Юрагига** тўпланиб қолган **ўз туйғуларини** очиб солди: «Биз сизларнинг тарбиянгизда **ўлақликдан** **вояга** етдик» (П. Турсун). Бу менинг меҳримдир, **ташаккуримдир** **Камолга** етказган она тупроққа! (Шухрат.) **Сен** унинг хуснини, **камолатини**, **Шу** байрам тонгида кезсанг, **кўрасан** (Шухрат). Унинг одобида, унинг хулқида, **Инсоний камолот** мавжуд, **барқарор** (Уйғун). Академиянинг янги йирик илмий марказлари **вужудга** келди, **ривожланди** ва **етуклик даражасига** етди, **илмий тадқиқот** муассасалари анча кўпайди, **уларнинг географияси** кенгайди («Совет Ўзбекистони»).

БАРГ, ЯПРОҚ. Дарахт ва бошқа ўсимликларда ҳаводан озиқланиш, газ алмаштириш учун хизмат қилувчи турли шаклдаги юпқа орган. **Барг** сўзи ҳар қандай дарахт ва ўсимликнинг япроғига нисбатан қўлланаверади. **Япроқ** сўзи кўпроқ поэтик услубда қўлланади. Бу сўз қовоқ, тамаки ва шу каби баъзи ўсимликларнинг баргини ифодалаш учун деярли қўлланмайди.

Шамол зўрайиб, **дарахтларни** силкиган **сари, барглари**ни осмонга **пириллатиб** учирган **сари** биз **севинамиз** (Ойбек). **Мана, баҳор** келиб, **гуллар** ҳам **барг** ёзди («Муштум»). **Қуёшнинг нури** **ўйнар** **Ҳар дарахт япроғида** (Ю. Ҳамдам).

БАРИ БИР, ФАРҚСИЗ, БЕФАРҚ, АҲАМИЯТСИЗ. Ҳеч қандай аҳамияти (фарқи) йўқ. «Менда ихтиёр йўқ, ойижон!— деди **Кумуш**.— Сизлар нимани маъқул кўрсаларингиз, менга **барибир**» (А. Қодирий). Аммо хатимни ўқимасангиз-да ва **марҳумингиз** учун **гортган оҳингиз** ўтида **кўйдирсангиз-да**, менинг учун **фарқсиздир** (А. Қодирий). **Жонларидан** тўйган кишилардек, **ўлиш** ё **қолиш** **бефарқдек** **безрайиб** турган **халқ орасида** **жонланиш** бошланди (М. Исмоилий).

БАС, БУЛДИ, ТАМОМ, ЕТАР(ЛИ), КИФОЯ, БУЛГАНИ. Бу сўзлар **бошқа(си)** талаб этилмасликни, айтилган, воқе бўлганининг ўзи талаб даражасида эканини билдиради.

«**Бас**,— дединг етганда **кўча бошига**,— **Шу ердан қайт**»,— **дейсан** менга **ҳар сафар** (Шухрат). ...**гармсел** бир эдим — **бас**»

барча гиёҳларни қовжиратмай қўймайди (Х. Сеитов). Бу срда иш кўрсатиш мумкин эмас, фақат қочинининг йўли топилса, бас (Ғайратий). Отабекнинг бу сўзларидан кейин понсодбоши «Энди бўлар» дегандек қилиб қўшбегига қаради (А. Қодирий). Мингбоши ...Жуман Писмиққа қараб: «Бўлди, гувоҳлик манзур!»— деди (М. Исмоилий). Шундан қўрқдими — тамом ўлимдан қўрққани бўлади. Улимдан қўрққан киши қахрамон бўлолмайди (А. Қаҳҳор). Сог-саломат кўрсам-у сени, Бир дақиқа суҳбатлашсам, бас. Ёрим десанг, кифоя менга, кифоя дир бир оғиз сўзинг (Уйғун). Унинг учун қандай бўлса ҳам тирикчилиги беозор ўтиб турса, бўлган и... (Х. Шамс). Ишқилиб директор яна бир туш кўриб, дакан хўрозга дуч келмаса, бўлгани («Муштум»).

БАХТ, ИҚБОЛ, ТОЛЕ, САОДАТ. Турмушдан мамнунлик ҳолати, турмушдан мамнун этувчи нарса. **Иқбол** асосан бадий услубга хос. **Тол** «бахт», «иқбол» маъносига нисбатан «омад» маъноси кўп қўлланади. **Саодат** кўпроқ китобий услубга хос, яқка сўз ҳолида кам қўлланади.

Шундай қилиб, Сидиқжон худди зўр бахтга эришган ёки ўшандай бахтнинг бўсағасида тургандай, терисига сиғмай... эски ҳаётини эслагиси ҳам келмай юрар эди (А. Қаҳҳор). Меҳнат билан топади иқбол, Ишчи иши кўрмайди завола (Е. Мирзо). Толемдан ўриглайки, курс очилди (Ғ. Ғулом). Улар толелари юришиганидан қувониб, гап эшитмаслик учун ҳеч қаёққа алангламай, тўппа-тўғри чол кўрсатган бостирма тагига бордилар (П. Турсун). Жанг айламоқда ёри қўрғаб саодатини, Гулшанда бахт майидан мастона ёра айтинг (Уйғун).

БАХТЛИ, БАХТИЕР, САОДАТЛИ, ТОЛЕЛИ, МАСЪУД. Бахт ёр бўлган, бахти кулаган. **Саодатли** китобий. **Масъуд** эскирган, китобий. Мен заводдан қайтганда оқшом Ором олар болишида бошинг, Бахтли кўзим, мен ўйлаб боқсам, Икки баҳор кўрибди ёшинг (Е. Мирзо). Меҳнатимдан бахтиёрман, тинч фаровон рўзгор, Истагим истакдан ортиқроқ муяссардир менга (С. Абдулла). Бу бино Кумушнинг ўзи уйи бўлиб, бу уй ичида Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар ва шу дақиқада ҳам унинг ҳаёт тираги бўлган Кумушбиби ўтирар эди (А. Қодирий). Денгиз дерди: «Қирғоқ йиқилсин, Тўлқинларим ўйнасин овоз», Кишанлардан ҳоли ва масъуд Замонларни айлар эди ёд (Уйғун).

БАХТСИЗ, БЕБАХТ, БАДБАХТ, ТОЛЕСИЗ, ШҮРПЕШАНА. Бахти кулмаган, турмушдан ёлчимаган, бахти қора. **Бадбахт** бу маънода кам қўлланади. **Шўрпешана** оддий сўзлашувга хос.

Ўйли бир неча сўз билан ўзининг бахтсиз севгисини кампирга айтишга эҳтиёж сезди (Ойбек). Бебахтнинг ошига пашша ҳам, кана ҳам, сўна ҳам, қолаверса, шалолаб олиб мана

шунга аяроил ҳам, мункарнакир ҳам тушаверади (Х. Ҳакимзода). Энди қайтиб келмас сен кутган жаллод, Юзларингни тирна, солларингни юл! Еқа чок эт, солгил дод устига дод, Бадабахт пешананга ёзилгани шул! (Уйғун.) У [Норбуви] бўйи-бастги чўзилиб турмуш қурди-ю, бошига бахтсизлик ёғилди: Эрдан толесиз эмас эди у. Йўқ, аксинча, унинг бахтини қора қилган нарса ўзининг чиройи бўлди (Х. Шамс). Тўққиз боланинг шўрпешана онаси, Матқовулнинг хотини... эски пўстак солиб олиб, чарх йиғириб ўтирарди (М. Исмоилий).

БАЪЗАН, ГОҲО, ГОҲИДА, ГОЙИДА, ГОДА, АҲЕНДА, УНДА-БУНДА, ОРА-СИРА, ОРА-ЧОРА, УҚТИН-УҚТИН, ҲАР ЗАМОН(ДА), БИРДА-ЯРИМ, ДАПҚИР-ДАПҚИР. Ҳамма вақт эмас, айрим вақтлар(да). **Аҳенда, унда-бунда, ҳар замонда** сўзларида вақт оралиғи бошқа сўзлардагига нисбатан узок бўлади.

«Хўжайинларникига бориб турсанми?»— «Баъзан бориб турсанми» (Ойбек). Ҳожи бўлса, ҳар беш дақиқада ичкари томонга қўлоқ солиб тўхтар, гоҳо даричадан Ҳасаналини чақириб, «Тинчликми»,— деб сўрар эди (А. Қодирий). Буларга гап тушунтиролмаб, гоҳида куйиб кетаман, отам (П. Турсун). Армон билан билмагани билдириб, Отам гоода чопиб, гоода елдириб, Айрабодда кўп душманни ўлдириб, Кўп молини ўлжа қилган: бедовсан («Далли»). Бу икки улфат аҳенда мана шундай дилкашлик қилганларида суҳбат бошдан-оёқ икки мавзудан четга чиқмас эди (А. Қаҳҳор). Жангчилар унда-бунда учраган армон меваларидан тоғиниб, гўё сайр қилгандек, аста борардилар (Ойбек). Кўп йилдан буён ора-сира бориб тураман (У. Юсупов). Ора-чора гўдакнинг йиғлаган говуши ҳам эшитилар эди (А. Қодирий). Латернинг ғарби-шимолий томони,— ўқтин-ўқтин учраб қоладиган тепаликларни ҳисобга олмаганда, кўз ичмас яйлов (Шуҳрат). Мастоно соқол қириб, ўзига оро бераркан, ўқтин-ўқтин хотинининг қилаётган ишини кузатиб турарди (Ғайратий). ...оғир табиатли секретарь қандайдир чучуқроқ тилда сўзлар, ҳар замонда лабининг бир чеккасида хиёл кулиб ҳам қўярди (Ж. Абдуллахонов). Бир тўпи — сизирлар-у тоналар, уларнинг орасида бирда-ярим яйдоқ эшаклар ва ўттиклар ҳам учрайди (П. Қодиров). Ҳаялламай дапқир-дапқир келиб тур, қизим (Яшин). У энди ичида дапқир-дапқир: «Нима қилдим мен, ўлганим яхши»,— деб қўяр...— эди (Х. Шамс).

БАЪЗИ, БАЪЗИ БИР, АЙРИМ, БИР ХИЛ. Ҳамма эмас, шунинг миқдордаги камчилик. **Айрим** нисбатан кам қўлланади. **Бир хил** оддий сўзлашувга хос.

Аёлларнинг йиғи ва хитоблари, золимларни қарғашлари, йиғитларнинг мардона овозлари баъзи кишиларни чўчитиб, олаваарак қилди (Ойбек). Мирзакаримбой ўз олдида қўл қовуш-

тириб келган, дуруст кийинган баъзи бир одамларга қўпол муомала қилар, уларни койир, баъзан ранглари бўз қилиб қўяр эди (Ойбек). Район газетаси ишининг бориши ва айрим колхоз, бригада, ҳатто айрим одамларнинг қандай ишлаётгани тўғрисида тез-тез ёзиб турар эди (А. Қаҳҳор). Баъзи бир хил гўзаларнинг кўсаги олчадек бўлса, бир хиллариники нақ тухумдек келади («Фан ва турмуш»).

БАҲС, ТОРТИШУВ, МУНОЗАРА, МУБОҲАСА. Бирор нарса, ҳолатни ёқлаш, маъқуллаш мақсадида ўтказиладиган муҳокама. **Баҳс, тортишув** сўзларида фикр-мулоҳаза айтишувчилар икки ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. **Мунозара, мубоҳаса** китобий. **Мубоҳаса** жуда кам қўлланади. **Мунозара** сўзида фикр-мулоҳаза айтишувчилар кўп бўлади.

Пахта хусусида уларнинг баҳси, Сўзлашар бу йилги тўқин ҳосилдан (Ҳ. Салоҳ). Уч қизнинг тортишувидан биринкетин бугун шийпон уйғонди. Қизлар бир-биридан суриштириб, ким нима деганини... билиб олишди (И. Раҳим). Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиқ кетди (А. Қаҳҳор). **Мунозара** бирмунча жиддийлашди. **Мубоҳаса** ҳатто домланинг обрўйига тўқинадиган бўлди (А. Қодирий).

БАҲСЛАШМОҚ, ТОРТИШМОҚ, МУНОЗАРАЛАШМОҚ, МУНОЗАРА ҚИЛМОҚ, ТАЛАШМОҚ. Баҳс (мунозара)да қатнашмоқ, ҳар хил фикр-мулоҳазалардан бирини ёқлаб муҳокама юритмоқ. **Мунозаралашмоқ, мунозара қилмоқ** бирор масала, тема юзасидан (одатда, кўпроқ шахс иштирокида) бўладиган мунозарани билдиради. **Мунозаралашмоқ** кам қўлланади. **Талашмоқ** оддий сўзлашувга хос. **Еш заминдор билан баҳслашиб, халқ гояларини, манфаатларини ҳимоя қилгани учун ўзи хурсанд эди (Ойбек).** Эшон билан Рамазон қори ҳатто шу гаплар устида бир оз тортишиб ҳам қоладилар (П. Турсун). **Деворга орқасини бериб ёнма-ён турган ўрта ёшдаги икки аёл нима ҳақдадир талашмоқда эдилар (Н. Сафаров).**

БЕВА, ТУЛ, ЕСИР. Эри ўлган ва бошқа кишининг никоҳига ўтмаган аёл. **Бева** сўзи хотини ўлган ва бошқа билан никоҳ қурмаган эркакни ҳам билдиради. **Есир** сўзи бева ва тул сўзларига нисбатан жуда кам қўлланади. У кўпроқ етим сўзи билан бирга жуфт сўз (етим-есир) ҳолида қўлланади. **Хотиним шол бўлиб қолган, бева қизим қўлимда, эрини Холхўжа қўрбоши отворган (Саид Аҳмад).** Домла бундан уч йил бурун бева қолиб, унга гоҳ сингилиси, гоҳ узатган қизи қараб юрар эди (А. Қаҳҳор). **Афандининг хотини ўлиб, бир тул хотинга уйланди («Латифалар»).** Бу етим ўғил бўлиб, есир онанинг қўлида қолаверди («Муродхон»).

БЕГОНА, ЁТ, УЗГА, БИРОВ, КИШИ, НОТАНИШ, ҒАЙИР, АҒЁР. Қариндошлик, касб-ҳунар ва бошқа жиҳатдан бир гуруҳдаги, бирликдаги кишилардан четдаги, унга муносабати йўқ шахс, ўз одами бўлмаган шахс. **Узга** китобий услубга хос. **Киши**

оддий сўзлашувда, кўпроқ аёллар нутқида қўлланади. **Ғайир, ағёр** эскирган, китобий.

Кўз қорасидек ҳамиша сақлайин бегонадан (Ҳабибий). Қалар билмас қариндошдан қадринг билган ёт яхши (Мақол). **Узгага боқса кўзим, кўр бўлсин, оқсин гавҳари, Косаси тупроқ вила тўлсин, кўмилган яхшироқ (Ҳабибий).** Чунки Гулнор онанинг назарида ҳам энди «кишининг моли», Йўлчи «биров» (Ойбек). **Яхши совға олибсиз; ҳай, киши кўради (Яшин).** Мен уни биладман, ўғал, лобар қиз, Гоҳида чиқасан китоблар сўраб, Гоҳида учратиб кўчада ёлғиз, Нотаниш кишидек ўтасан қараб (Шўхрат). **Ушбу ерлар бизга ғайир ерлари, Йигитни қўлласин қомил пирлари («Далли»).** Жаноби домла кўчанинг ағёрдан қолган эканлигига қаноат ҳосил қилгондан кейин ичкарига суқилдилар («Муштум»).

БЕЖИРИМ, ХУШБИЧИМ. Тузилиши, бичими жажжи ва келанган.

Тўланинг энгидаги мактаб формаси... бир маҳаллардагидек гижим, кир эмас, балки худди шу бугун игнадан чиққандай тоза, бежирим (М. Исмоилий). Улар айтарлик кўп ва баланд учолмайдилар, фақат ташқи кўринишининг бежирим ва гўзаллиги тўғрисида қимматлидир («Тошкент ҳақиқати»). **Аҳолига кўп ва хушбичим пойабзаллар етказиб бериш учун курашаётган қорзона меҳнаткашлари химия мўъжизаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этмоқдалар («Қизил Ўзбекистон»).** Шарифжон чиройли, хушбичим, ҳавас қилса арзигудек йигит (Х. Тўхтабосан).

БЕЗАК, ЗИЙНАТ, ҲАШАМ. Безатиш, ясатиш буюм-нарсаларини. **Зийнат** сўзи **безак** сўзига нисбатан кам қўлланади. **Ҳашам** сўзида «дабдабалик», кучайтириш оттенкаси бор.

...**безак** учун у ер-бу ерга қўйилган катта-кичик чиройли хитой вазаларни латта билан яхшилаб артди (Ойбек). **Аммажон, кўрққанмдан қиммат-қиммат олтин, қумуш, маржон, сирга — мана шундай зийнатлари мни олдим, холос (Ҳ. Ҳакимзода).** Юзлаб улкан биоларнинг ички ҳашами, беаги у ишлаб чиқарилган буюмларга муштоқ («Муштум»).

БЕЗА(Т)МОҚ, ЯСАТМОҚ. Зеб, нақш ва ш. к. кўз қувонтирадиган нарсалар билан кўркам (чиройли) қилмоқ.

Клубни бевамиш қизил алвонлар, Бурчақда Лениннинг мармар ҳайкали (Ойбек). Фуод афанди уни [Ҳожиё ҳолани] боқар, ичирар, кийинтирар, безатар, ...лекин пул олмас эди. (М. Исмоилий). «Мен ҳам шундоқ деб ўйлаган эдим,— деди Сидиқжон хийла қизариб,— лекин Канизак ҳеч кўнмади: «Кўйинг, ўша уйга олиб бормайлик»,— деб, сизнинг уйингизни ясаган и кетди» (А. Қаҳҳор).

БЕЗОВТА, БЕТОҚАТ, БЕТИНЧ, НОТИНЧ, ҲАЛАК, БЕСАРАНЖОМ. Тинчи бузилган, тоқатсиз ҳолатда. **Бетинч,**

Бетоқат сўзларнинг маъно хусусияти уларнинг ўзгидан англашилиб туради. **Бетоқат** рухий ёки жисмоний азоб (қийноқ) таъсиридаги бетинч ҳолатни билдиради. **Бетинч, нотинч** кенг тушунчага эга. У шахс, жонли нарса, шунингдек жонсиз предметларнинг ҳолатига нисбатан қўлланаверади. **Халак** асосан одамнинг ҳолатига нисбатан, лекин шунда ҳам нисбатан кам қўлланади. **Бесаранжом** асосан одамнинг, кам даражада нарса-предметларнинг ҳолатига нисбатан қўлланади.

Назоқат безовта, хавотирланиб ўқтин-ўқтин ичкарига қулоқ солган бўлади («Муштум»). Максим қишлоқда табиблик қилиб юрган вақтларида бундай **безовта** бетобларни кўп кўрган (И. Раҳим). Эл бетинч, одамларнинг юзлари ғамгин, суҳбатлари серташвиш эди (П. Турсун). Йўлчи аланглаб қаради: чойхонада ҳамма тик туради, қўллар қовуштирилган, кўзлар қўрқувли, нотинч. (Ойбек). Эрталаб нонуштангизни, кечқурун овқатингизни тайёрлайман деб жоним ҳалак (Б. Раҳмонов). Мўйлов **бесаранжом** кўзларини жовдиратиб, дарров гапиролмади (Саид Аҳмад). Мулла Абдураҳмон...манглайидаги терини артиб, **бесаранжом** аҳли мажлисга қараб чиқди (А. Қодирий).

БЕЗОВТАЛАНМОҚ, БЕЗОВТА БЎЛМОҚ, БЕТОҚАТ-ЛАНМОҚ, ТОҚАТСИЗЛАНМОҚ, БЕТОҚАТ БЎЛМОҚ, БЕТИНЧЛАНМОҚ, ТИНЧСИЗЛАНМОҚ, БЕТИНЧ БЎЛМОҚ. Тинчи бузилган ҳолатда бўлмоқ. Бу сўзларнинг маъно позиклигидаги фарқи уларнинг ўзак-негиз қисмидан аниқ сезилади.

Раис безовталаниб қолди, чунки райондан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишнинг бориши қандайлиги тўғрисида маълумот сўралаётган эди («Муштум»). «Наҳотки улар шунчалик маккор!»— деб кўнглидан ўтказди хотин ва ётоқ эшигидан қитирлаган овоз эшитиб, **бетинчланди** (Шуҳрат). **Латиф бетинчсизланди**:— Сабабини сўзланг... (А. Қодирий). **Латиф бетоқат бўлиб** ўрнидан кўзғалиб қўйди (О. Ёқубов). **Трамвай ҳа деганда келавермади, Валико тез-тез соатига қараб бетинч бўла бошлади** (И. Қаландаров). Қон ва ўлик ҳидини сезган от пишқириб, **безовта бўлди** (Ойбек). **Жамолбой лабларини ялаб, бетоқатланиб гапирди**: «**Дуруст, дўндиқ-қина экан**» (Ойбек). «**Вой шарманда ўлсин!**...— **Лутфинисо бетоқат бўлиб гапирди**» (Ойбек). **Комил келиб қолади деб тобора тоқатсизланиб, чўғ босиб олган киши оҳволига тушган бек...** (Ҳ. Ғулом). **Салимбойвачча ичини илон чаққандек тоқатсизланди** (Ойбек).

БЕИХТИЁР, ИХТИЁРСИЗ, БЕХОСДАН, БИЛМАСДАН. Ғайри ихтиёрий равишда, ихтиёрдан ташқари ҳолда.

Очил: «**Беихтиёр** иш қилганнинг жазоси шу. Қопга солиб, даштга обориб, бир қудуққа ташлаб келинглар!»— деб меҳмонхонага кириб кетди (Ф. Йўлдош). «**Ойимлар ҳам урушда бедарак**

йўқолиб акамнинг дардида куйиб кул бўлдилар»,— деди икки ёрси **ўйга толиб** («Тошкент ҳақиқати»). **Низомиддиновнинг ранги бўзарди**, «**Чол нима деб алжияпти, билиб айтяптими, беҳосдан гапириб қўйдими**, бу гап Бектемировнинг қулоғига чалиндими» деган ўй ялт этиб хаёлидан ўтди (Саид Аҳмад).

БЕКАМ-КЎСТ, КАМ-КЎСТСИЗ, ТЎЛА(ТЎЛИҚ), ТЎЛА-ТУКИС, ТУКИС, БУТ, БАДАСТУР, МУКАММАЛ. Ҳеч қандай камчилиги йўқ, камчиликдан (етишмовчиликдан) холи.

Маҳкамбой ака ўртада туриб Комилга Абдужабборхўжадан етмиш сўлаквой қарз олиб берди. **Нағижада Исоқ отанинг барча лавимандаси бека-м-кўст ўтди** (М. Осим). **Адиблар, шоирлар, драматурглар... замонамиз қаҳрамонларининг бекаму кўст образларини яратишлари керак** («Қизил Ўзбекистон»). «**Тўла жавоб бердингиз, қониқдик, ука**»,— деди Қамбарали ака (А. Қаҳҳар). **Хона тиш давосига оид асбоблар билан тўлиқ эди** (М. Исмоилий). **Рисолат ҳамон таъзиянинг расм-русумларини тўла-тўкис қиламан деб рўзғорда борини барбод бермоқда** (Саид Аҳмад). **Биз бу ишни ҳозирдаёқ тўла тугалладик** («Қизил Ўзбекистон»). **Сен билан тантана, қурултой, обрў, Сен билан қизларнинг сепи бут, кўркам** (Шуҳрат). Кейин Жаннатнинг оҳволини **бадасту** сўради (Шуҳрат). **Қадрдоним, ҳаётим сенсиз Бўлмас экан тўкис, мукаммал!** (М. Бобоев.)

БЕКИНМОҚ, ЯШИРИНМОҚ, ПИСМОҚ, БИҚИНМОҚ. Учинини панага, кўринмайдиган ҳолатга олмоқ. **Бекинмоқ** асосан инсонга нисбатан қўлланади. **Яширинмоқ** инсондан ташқари, жонли ва жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади. **Биқинмоқ, писмоқ** сўзларни қад-қоматни (ўзини) настга олиб яширинишни билдиради.

Шербек ичкарига сирганиб тушиди-да, девор тагига бекина қолди (С. Анорбоев). **Оқопда яшириниб ётган бир фашист автоматдан ёғдириб, Ҳайдарни ярадор қилади** (Ш. Рашидов). **Инсон унинг метин бағрида яширинган хазиналарга қўл солган** (Саид Аҳмад). **Унга шундай «мусулмонобод» кунларни ваъда қилган Холхўжа кўрбоши тоғ орасига писиб, қафасга тушган бўридек бўлиб қолди** (Саид Аҳмад). **Содиқ темир йўл кўприги тагида биқиниб ётибди** (Н. Сафаров).

БЕКОР, БЕИШ, ИШСИЗ, БУШ. Иш юмушдан холи, иши йўқ, **Беиш, ишсиз** асосан иш билан таъминланмаган ҳолатни билдиради.

Уззу кун уйда бекор, зерикканидан, **Ҳожига айтиб, биринчи дастмоя билан гузардан боққоллик дўкони очган эди** (А. Қодирий). **Ҳарбий хизматлардан бўш қолганлар ҳам беиш ўтирмас эдилар** (М. Муҳамедов). **Халқда пул йўқ. Халқнинг аксари ишсиз** (Ойбек). **Маълумингиз кечалари бўш бўлман,...** отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар, ижобат этишдан ўзга чорам йўқ (А. Қодирий).

БЕКОРГА, БЕКОР, УРИНСИЗ, НОУРИН, АСОССИЗ, БЕЖИЗ. Асос-сабаби бўлмаган ҳолда, важ-сабабсиз. **Бекор, бекор-**

га сўзларида «фойда, манфаат» оттенкаси бор. **Уринсиз, ноўрин, асоссиз** сўзларида «асос, сабаб» оттенкаси бор. **Бежиз** — асосан «эмас» инкори ёки инкор формасидаги бошқа бир сўз билан қўлланади ва «бир нарсаси бордир» деган маънога ишора қилади.

Аниқроқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмон отлик бўлиб қолмасин (Саид Аҳмад). Вали ака... бекор хафа бўласиз, ўзингиз ўйлаб кўринг ахир (М. Исмоилий). «Бўлмасенинг барча ҳаракатларим ўринсиз экан-да» — «Уринсиз!» — «Нега ўринсиз бўлар экан!» (А. Қодирий.) «Раис ўз сўзларида шундай ноўрин, ноҳақ гапларни айтдиларки, бунга индамай қўя бериш ноҳақликка бўйсунмиш бўлар эди, — деди Элмурод» (П. Турсун). Лекин у асоссиз гумонсирашлар ҳам оғир хатоларга олиб келганини унутма олмасди... (П. Қодиров.) Бироқ Самадов ҳар гал ҳам асоссиз ишдан бўшатирилганлиги учун мактабга қайтиб келаверади («Муштум»). Содиқ Исмоилов — болалар руҳини яхши биладиган туғма педагог. «Тошни қўлига олиб уқаласа, мум қилади», — дейишади. Ким билади, балки бу гап бежиз айтилмагандир (М. Исмоилий).

БЕКОРЧИ, БУЛМАГУР, ЕЛҒОН. Асос-ҳақиқати йўқ. **Бекорчи**, **бўлмагур** асос-ҳақиқати йўқликни «бефойда, кераксиз» оттенкаси билан ифодалайди. «Бўлмагурда салбий бўёқ кучлироқ, **Елғон** ҳақиқатнинг акси маъносини алоҳида таъкидлайди.

Мени Ҳайитбойга соганингиз ростми ё бекорчи гапми? (Х. Сеитов.) ...ўз устига қўйилган бўлмагур айбларни оёйишталик билан, асосли равишда фош қилиб ташлади («Қизил Ўзбекистон»). «Нима қипмиз, тақсир? Кимни ишдан совитибмиз? Қайси ноинсоф топиб келди сизга бу ёлғон гапни?» — деди Алим бува хуноб бўлиб (М. Исмоилий).

БЕЛАМОҚ (БЕЛАШТИРМОҚ), ҚОРМОҚ (ҚОРИШТИРМОҚ), БУЛҒАМОҚ. Лой, мой каби юқадиган нарсалар билан ҳаммаёғини чапимоқ. **Белаштирмоқ** сўзида белги даражаси кучли. **Қормоқ, қориштирмоқ** нарса-предметни яхлитлигинча бирор нарсага белашни билдиради. **Қориштирмоқ** кам қўлланади. **Булғамоқ** бирор нарсага ботириб белаштиришни билдиради.

Қушлар учиб келади. Шамол ғир-ғир елади. Қуёш гуллар юзини Шуғлаларга беледи (Уйғун). Ор-номусингни лойга беладинг, доғи ўлгунча кетмайдиган бўлди (Ш. Рашидов). Муҳаббат қиз назокатини, йигит гурурини тупроққа белаштирди (Н. Сафаров). Мен қизиллар билан ҳар фронтда Бирга юрдим қурол кўтариб, Меҳнаткашлар учун уруш қилдик, Душманларни тупроққа қориб... (Уйғун). Рағно айвон лабида қўлини керосинга булғаб, лампа ёқиш ҳаракатида эди (Х. Назир).

БЕЛГИ, НИШОН, НИШОНА, АЛОМАТ, ТАНИҚ, ИФОДА. Кўрсатиш, ажратиш олиш, таниб олиш учун хизмат қиладиган нарса. **Белги** кенг тушунчага эга, у кўпроқ бирор нарсанинг ифода-

си маъносида қўлланади. **Нишон** бирор нарсдан намуна маъносида, шунингдек бўлиб ўтган нарса-ҳодисалардан белги маъносида қўлланади. **Нишона** асосан кейин юзага чиқадиган нарса-ҳодисалардан хабар берувчи белги, аломат маъносида қўлланади. **Таниқ** ҳам кам қўлланади.

Адолат унинг Гулнор эканлигини дарров сезди. Думалоқ қора кўзларида яширинган алам-ҳасрат белгисини Адолат дарров пайқаб олди (С. Зуннунова). Тўрагоннинг энди хил қилари бошлаган юзида қаршилиқ белгилари йўқ эди (М. Исмоилий). Рағно табассум билан жавоб берди ва унда бир оз қизариниш белгиси бор эди (А. Қодирий). ...бу ўрдек қоронғи трактларингизни чироқ ёқиб қидирса, ишқ-муҳаббатдан қилча нишон тополмайди-ю, яна сизлар ишқ-муҳаббат деб лоф-қоф урасиз! (Х. Ҳакимзода.) Кечаги ёмғирдан нишон қолмаган (Н. Раҳим). «Нормат аканг эккан анор бу, болам, — деди кампир. — Қўшалоқ тугиб пишяпти... Яхшиликдан нишона бу, Адолат» (Н. Раҳим). Энди унинг юзида руҳий безовталиқни ифодалайдиган ётсиниш аломатлари кўринмайди (П. Турсун). Еш фақат ҳижроннинг ифодасимас, Висол чоғида ҳам керак бўлур ёш (Уйғун).

БЕМАЛОЛ, БАМАЙЛИХОТИР, БАФУРЖА, БАҲУЗУР. Шошиличсиз, хотиржам ҳолда, ташвиш, галвадан ҳоли ҳолда. **Бамайлихотир** сўзида «хавотирланмаслик, хотиржамлик» оттенкаси бор. **Бафуржа** сўзида «шошмаслик» оттенкаси бор. **Баҳузур** сўзида «малоалсизлик, ёзилиш» оттенкаси бор.

Майли, ҳеч хавотир олмай бемалол маслаҳатлаша беринглар, чироқларим (П. Турсун). Боя аччиққина хўрда қилиб қўювдим, ичиб олди. Иншооллоҳ, эртага туриб кетар, бамайлихотир ётаверинг (М. Исмоилий). Эртага албатта бизникига боринг, бафуржа гаплашамиз (Саид Аҳмад). Баҳузур ўтириб гаплашаверинглар. Далада ёз палласида ёйилиб ўтириш — роҳат (Ойбек).

БЕМАҲАЛ I, БЕВАҚТ. Кеч тун пайти.

Бемаҳал бўлиб қолганидан ўша ерда тунаб қоладиган бўлдилар (Саид Аҳмад). Бир кун у атайлаб бевақт келди (А. Қаҳҳор).

БЕМАҲАЛ II, БЕВАҚТ, БЕМАВРИД. Номақбул, кераксиз вақтда. **Бемаврид** сўзида ўз вақтида эмаслик маъноси ҳам таъкидланади.

Дехқонлар билишадики, бемаҳал (ёққан) ёмғир гўзага ишра тушириб юборади (Х. Назир). Бевақт келиб, сизларни йўлдан тўхтатдими? (А. Қодирий.) Урмонжон Қурбон отанинг бу ишини бемаслаҳат — бемаврид бошлаганига аввал хафа бўлди... (А. Қаҳҳор.)

БЕПАРВО, ПАРВОСИЗ, БЕҒАМ, ЭЪТИБОРСИЗ, БЕ-ЭЪТИБОР, ЛОҚАЙД. Совуққонлик, эътиборсизлик билан қарай-

диган, эътибор бермайдиган. **Парвосиз, беътибор** кам қўлланади. **Лоқайд** сўзида «бефарқ муносабат» оттенкаси бор.

Бир қанча колхоз ва совхозларда минерал ўғитларга **бепарво** қараш ҳолларига йўл қўйилди («Тошкент ҳақиқати»). **Душманинг** сичқонча бўлса ҳам, **бепарво бўлма** (Мақол). У одатдагидек **бепарвороқ** кийинган, **галстуги бўш**, **шими гижимроқ...** (А. Мухтор.) **Владимир Ильич** ходимларга нисбатан... **парвосиз бўлишни қаттиқ қоралаган эди** («Совет Ўзбекистони»). **Холмат беғам**, одатдагидек салмоқлаб қадам ташлаб айвонга ўтиб кетаверди. Ариқча сувида юзини юваётган **Нормат** шошилиб артинди-да, **Эргашга** пешвоз чиқди (И. Раҳим). **Мен бу диссертация деб худбин бўлиб кетдим, сенга эътиборси э бўла бошладим** (А. Мухтор). **Биз партиямиз қоидаларини бузаётган кишиларга лоқайд қараб туришимиз мумкинми?** («Совет Ўзбекистони».)

БЕПОЕН, ПОЁНСИЗ, ЧЕКСИЗ. Охири, чегараси йўқ.

Россия, Россия, азамат ўлка! Эй, осмон сингари бепоеён Ватан! (Х. Олимжон.) **Икромжоннинг бағрини куйдираётган алам бу поёнсиэ тўқайларга, ой нури ожиз ёритиб турган сўнгисиз чўлларга сиғмасди** (Саид Аҳмад). **Шу ишқ билан кетасан, ўғлим, Тоғлар ошиб чексиэ қирларга** (Ғайратий).

БЕРК БЕКИК, ЕПИҚ. Беркилган, нарса билан тўсилган ҳолатда, беркилган (ёпилган) ҳолатдаги (очикнинг акси).

Дарчаси берк бўлганидан, уй ичи қоронғироқ эди, ҳеч ким кўринмади, Йўлчи умидсиз ва ҳаяжонли говуш билан «Гулнор!»— деб қичқирди (Ойбек). **Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнавон, бўёқли эшиклари ва деразалари бекик, қалин пардалар билан қопланган** (Ойбек). **Уйларнинг эшиклари, деразалари тақа-тақ ёпиқ** (Ойбек).

БЕРМОҚ, БАХШ ЭТМОҚ, АТО ҚИЛМОҚ, БАҒИШЛАМОҚ. Йўқ нарсани таъмин этмоқ, йўқ нарсасига муяссар этмоқ. **Бермоқ** кенг тушунчага эга, инсон ёки бошқа жонли-жонсиз нарсаларга нисбатан қўллана олади. **Бахш этмоқ** бадний услубга хос. **Ато қилмоқ** табиат, «худо томонидан» бўладиган ҳаракатга нисбатан қўлланади. **Бағишламоқ** китобий услубга хос бўлиб, нарса-ҳодисалар томонидан мавҳум куч, илҳом каби нарсалар билан таъмин этиш ҳаракатини билдиради.

Партия ҳурлик берди, Дўстлик ҳам бирлик берди, Ешучари ҳаммага Бахтни умрлик берди («Қўшиқлар»). **Табиатан серзавқ ва ҳар нарсага қизиқувчи бўлган Содиқ учун ҳар ҳунар бир завқ бахш этар, кўнглини кўтарар, соғлигини сақларди** (Шуҳрат). **Биламан, Октябрь ёлқини Олтин тахтларни ёндирган. Саодат бахш этиб, севинч-ла Миллионлар кўнглини қондирган** (Уйғун). **Агар шевр бахш этолса завқ, Фикрингизни ўраса нурга, Қалбингизга тўлдиролса шавқ, Қувонардим бутун умрга** (Уйғун). **Саҳий табиат инсонга кўриш, эшитиш, ис билиш, таъм**

билиш, сезиш аъзолари ато этганки, буларнинг ҳар қайсиси инсон учун ташқи дунё билан алоқа қилиш дарчаси ҳисобланади («Фан ва турмуш»). **Олтмишдан ошган Хидир ота Халиловнинг ҳиммати ёшларга ғайрат, кексаларга қувват бағишлади** («Миритум»). **Соф, яшил табиат юракларга куч бағишлади** (А. Қолирий).

БЕТАЙИН, ТАЙИНСИЗ, СУБУТСИЗ, БЕСУБУТ, БЕҚАРОР, ҚАРОРСИЗ, БЕБУРД, ТУТУРУҚСИЗ, ЎЗГАРУВЧАН, САБОТСИЗ, АЙНИМАЧОҚ (АЙНАМАЧИ). Бир гапда, бир айпада турмайдиган, бурди йўқ, тутуруғи йўқ. **Бетайин, тайинсиз, субутсиэ, бесубут, тутуруқсиз** гап-ваъдада изчил турмайдиган харақатини билдиради. **Тайинсиз, бесубут** кам қўлланади. **Беқарор, қарорсиз** бу маънода кам қўлланади. **Бебурд** асосан сўз-ваъдасига амал қилмайдиган харақатини билдиради. **Ўзгарувчан, айнимачоқ (айнамачи)** сўзларининг хусусияти уларнинг ўзак-негизидан сезилиб туради. **Айнимачоқ (айнамачи)** оддий сўзлашувга хос. **Саботсиз** китобий услубга хос.

Елгон!.. Мен... Нуридай бетайин, беномус эмасман (Ойбек). **Олимжон содда ва оқ кўнгли йиғит, сўзлари вазмин ҳам маъноли**. **У Анварга ўхшаган субутсиз эмас** (Т. Расулов). **Бу туруқларнинг бузғунчи группаларнинг иштирокчилари...иззат талаб мансабпарастлар, сиёсий бесубутлар ва шу сингари кишилардир** («Қизил Ўзбекистон»). **Замира отасининг бағри тоғи, беқарор одам эканини сезиб, жуда кўнгли чўкиб қайтди** (И. Қодиров). **«Энг муҳими — Сардоровнинг ўзимга муносабатини охиригача аниқлаб, раиснинг Сардоровнинг ноғорасига ўйнаган бебурд одамлигини яхшироқ билиб олдим»,— деди Камол** (Х. Назир). **Ваъда қилсанг, устидан чиқ сўзингнинг, Халқ ичида бебурд қилма ўзингни** (Ҳабибий). **Поччаев ўзбошимча суҳбатларда сиёсий жиҳатдан тутуруқсиз фикрлар айтилармиш, деб эшитганиди** (А. Мухтор). **Пролетариат иккиланувчи, саботсизларни ўз кетидан эргаштириб бормоғи лозим** (В. И. Ленин).

БЕТАШВИШ, БЕҒАМ, ҒАМСИЗ, ҚАЙҒУСИЗ, БЕДАРД. Ғам-ташвиши йўқ, ғам-ташвишдан ҳоли. **Бедард** кам қўлланади.

Беташвиш, бепарво ўтса боболар, Ўзи келармиди бу бахт, ичкилоб! (Шукрулло.) **Беғам, беташвиш дўстлар ширин уйқуда эдилар. Элмурод уларнинг уйқусини бузмаслик учун аста каравотига борди** (П. Турсун). **Оппоқ кўнглингизга бало солмас дов, Умрингиз йўллари ғамсиз, ғуссасиз!** (Миртемир.) **Билмадим сен бахтни не деб ўйлайсан, Балки яшаш дерсан бедард, бепарво!** (Шукрулло.)

БЕТМА-БЕТ, ЮЗМА-ЮЗ, РУПАРА, РУБАРУ, БАҚАМТИ. Қарама-қарши томондан бир-бирига юзланган ҳолатда, юзи (оад томони) бир-бирига қараган ҳолатда. **Рўпара** асосан «бўл» феъли билан қўлланади. **Рўбару** кўпроқ ёзма нутқда учрайди. **Бақамти** кўпроқ катта ёшдагилар нутқида учрайди.

Фариштадек соф ҳолда қолмоқчи бўлган Ҳамиднинг бу ҳол сирини очар, юзидаги ниқобини олишга, рақиблар ила юзмаюз келишга мажбур этар эди (А. Қодирий). [Отабек] Душман билан бетма-бет учрашмоқ кунли белгиланганликдан ўзининг бу кунли кутилмаган муваффақияти тўғрисида ҳеч бир таажжубланмас, фақат душанба кун кечаси билан мянса машғул эди (А. Қодирий). Ҳолдан тойган маҳбўслар тепага чиқиб, талвасада уймалашиб қичқиришаётган одамларга рўпара бўлишди (А. Мухтор). Шафоат хола қўлидаги оқ сурпни зарда билан силкиб, қозикқа осди-да, рўбарў ўтириб, сўзлай бошлади (Н. Сафаров). Тўла сўнги кунларда отасига рўпара келишдан ўзини иложи борича олиб қочиб юрди (М. Исмоилий). Навоий юрагида бор гапларини...— ҳаммасини худди мана шу бугун, ниҳоят улар бақамти суҳбатлашиш имконига эга бўлган чоғларида айтмоқликка аҳд қилганди (Л. Батъ).

БЕФАҲМ, ФАҲМСИЗ, БЕФАРОСАТ, ФАРОСАТСИЗ, БЕТАМИЗ, ҲАФТАФАҲМ. Нарса-ҳодисанинг моҳиятига тушуниш қобилияти йўқ, фаҳм-фаросати йўқ; фаҳм-фаросат билан иш қилмайдиган. **Ҳафтафаҳм** оддий сўзлашувга хос.

Бундан чиқдики, бизнинг одамларимиз бефаҳм кишилар эмас, балки зийрак шогирдлар экан! («Қизил Ўзбекистон»). Уқиган кўринади-ку, уқмаган кўринади. Дид эмиш, сенда дид нима қилади, бефаросат! («Муштум»). Бунга ошхона, ресторан, шифохона ва шунга ўхшаш умумовқатланадиган жойлардаги фаросатсиз ходимларгина эмас, айрим нон заводлари ҳам сабаб бўлмоқдалар («Муштум»). Бекор турган машинани ҳашарчилар кўрганда: «Раисингиз бетажиз».— дер («Муштум»). Ҳафтафаҳм бир одам келиб, ўринбосарим ҳузурда пора бериб кетди («Муштум»).

БЕЧОРА, ШҮРЛИК, БОЁҚИШ, ҲКСИЗ, НОТАВОН, ОЖИЗ, АФТОДА. Ачиниш, таассуф уйғотувчи ҳолатли, ночор ҳолатли. **Шўрлик** сўзида белги даражаси кучлироқ. **Боёқиш** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Ожиз, нотавон** сўзида иложсизлик оттенкаси кучлироқ. **Ҳксиз** кам қўлланади. **Афтода** эскирган.

Айниқса онаси бечорани айтинг. Йиғлайвериб касал бўлиб қолса-я?! (С. Зуннунова.) Ҳа, шошма, аввал ўзим кириб хабар қилай, қўққисдан кириб борсак, юрак-пураги чиқиб кетмасин шўрликнинг (М. Исмоилий). Энанг беш-ўн танга пул сўраб юборди. Бўлса, чиқариб бер, боёқишлар чайнаб турсин (Ойбек). Бу қандай зўравонлик! Қўл-оёғимизда кишан! Ҳксиз она! Бахтсиз Иқболой Миршаддан калтак еди-я! (Н. Сафаров.) Ҳай болам, жиноят йўлидан қайт! Касал, нотавон отангни қақшатма! (Яшин.) «Охирги нафас чиққунча сув деб ётди боёқиш,— ҳасратда давом этди нотавон чол,— юрак-бағрим қон бўлди» (Ж. Абдуллахонов). Узи ҳам ожиз, ҳам паноҳсиз бир хотин бўлса, арз-додини ҳеч ким эшитмаса, оҳу зорига ҳеч ким раҳм

қилмас! (Н. Исмоилий.) Утапнинг қистови билан ошга қолган Ҳуравой ота ҳамон ўй суриб ўтирган афтода қизига деди (Х. Гулом).

БЕҚИЁС, МИСЛСИЗ. Қиёс қилиб бўлмайдиган даражада. Инвала сўз ҳам асосан ёзма нутққа хос. **Беқиёс** сўзида «қиёслаш» отенкаси доим акс этиб туради. **Мислсиз** сўзида эса бу ҳолат бўлмаганлиги ҳам мумкин.

Улкан химиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бўлган хизмати беқиёс катта («Қизил Ўзбекистон»). У [Ориф ака] учратган одамларнинг ҳаммаси шер ўмровли азамат эмас, бир-бирига сира ўхшамайди, ҳар бири бир бошқача олам, лекин ҳар бири алоҳида мислсиз хазина (А. Мухтор).

БЕГУБОР, ТОЗА, СОФ, МУСАФФО. Чанг-ғубордан ҳоли (асосан ҳаво, табиат манзаралари ҳақида). **Мусаффо** китобий ўсаубга хос.

Гурлан-у шовотликлар, тинглангиз достонингиз, Янграган кўйларга тўлсин беғубор осмонингиз («Қизил Ўзбекистон»). Ипак сочим йўнаб эсар Майин шабада. Тўймай йўнар шўх қушчалар Тоёна ҳавода (Ғайратий). Тонг ели, соф ҳаво билан бирга, яшиқ олдидаги ёш терак, тол япроқларининг шилдираган ва Шўх-сўйининг шовиллаган овозини келтирмоқда (Х. Назир). Отларнинг тўғқлари остидан чанг-тўзон кўтарилмоқда, аммо эрталабки ҳаво салқин ва мусаффо (Л. Батъ).

БЕҲУДА, БЕКОР, БЕКОРЧИ, ФОЙДАСИЗ, БЕФОЙДА, ЗОЕ, БЕНАФ, МАЪНОСИЗ, ОРТИҚЧА. Наф-манфаати йўқ, фойдаси (кераклиги) йўқ. **Бекор, бекорчи** оддий сўзлашувда кўп қўлланади. **Зое** фақат маълум сўзлар (кетмоқ, ўтмоқ кабилар) билан қўлланади. **Бенаф** жуда кам қўлланади. **Ортиқча** сўзида тўлабдан ташқарилик, кераксизлик оттенкаси доим акс этади.

Обдан чиниққан йиғит; унга берилган овқат беҳуда кетмайди (Ойбек). Ажабо, Ҳасан сўфи билан Алим бувани ҳам куз япроқларидек қалтираётган, одамлар меҳнати бекор кетмайди деб кўйдирётган, ташвишлар, ваҳималар ўчоғида қовураётган нарсанина ўша ташналик, яна ўша муҳтожлик эмасмикин? (М. Исмоилий.) Нега керак бекорчи ҳасрат!? Нега керак фойдасиз гаплар. Утган ўтиб кетди туш каби — Ҳам севинчли, ҳам оғир дамлар (Уйғун). Офтоб ойим бўғилиб, фойдасиз тортишиб ўтиришини тўрқ қилди (А. Қодирий). Ашур улар ниятини тушунди дарҳол: Волимдан нажот қуттиш — бефойда, маҳол (Ғайратий). Ваган-порвар ишчи, колхозчи... механизаторларимизнинг фидокорона меҳнатлари зое кетмади («Муштум»). Мулла Рашид Тўрамнинг тўғларига урмоқ учун ҳарчанд уринсалар ҳам, бўйларни калта эмасми, ҳаракатлари бенаф кетаверди (Ҳ. Тўхтабоев). Алишер юришларда кўпинча аввалгидек Султон билан бирга бўлар, бироқ маъносиз қон тўкишдан бошқа нарсани кўрмасди (Л. Батъ). Ҳасанали эндиги ўтиришини ортиқча топиб, ўрнидан турди, ҳужра-

сига кирар экан, бошини чайқаб ўзича сўзланди:— Бек ошиқ! (А. Қодирий.)

БИРДАН-БИР, ЯГОНА, ЯККАЮ-ЯГОНА, ЁЛГИЗ, ТАН-ХО. Фақат битта, бўлгани шу, бошқаси йўқ. **Бирдан-бир, ёлғиз** фақат якка шахс ёки нарсани таъкидлаб, унда қиёслаш оттенкаси бўлмаслиги мумкин. **Ягона, яккаю-ягона, танҳо** сўзларида қиёслаш оттенкаси бўлади.

Кексайиб қолган отанинг қанотига кирган бирдан-бир кўмакдош (Х. Нуъмон). Бу саодат толенинг унга бахш этган ягона севинчи бўлиб қолди (И. Иброҳимов). Биродарлардан бири бултур яккаю-ягона қизини кувёга узатмоқчи бўлиб ҳовлисининг остонасига гул экди, уйларни ремонт қилди («Муштум»). «Ойи, дадамга ялининг, шошмасин,— ёлвориб гапирди Гулнор,— ёлғиз қизининг орзусига қулоқ солсин» (Ойбек). Онам чўпон қизи экан, ҳуснда танҳо. Бу тоғдамас, балки жаҳон юзинда танҳо (Шухрат).

БИРОВ, КИМДИР, АЛЛАКИМ. Кимлиги номаълум, қандайдир бир шахс.

...ўша кунни эрталаб биров автобусда йиглаб кетаётган бир болани кўриб, менинг укамга ўхшатибди-ю, шундан ҳалигидай гап тарқалибди... (А. Қаҳҳор.) Атиргул тўсатдан силкинди-да, кимдир энгашиб анорзорга қочди (И. Раҳим). Аллаким қаердадир кўрганга тақлид қилиб, бинокорлик бригадасининг бошлиғи Тўлаган аканинг ёрдами билан почтаҳона ташкил қилди (А. Қаҳҳор).

БИРПАС, БИР ОЗ, ОЗГИНА, АНДАК, САЛ, ПИЧА. Қисқа вақт, унча кўп бўлмаган фурсат. Шу маъно бирпас сўзида доим аниқ акс этиб туради. Қолган сўзларда бу маъно контекстда, бошқа сўзлар билан ишлатишда аниқ ифодаланади. **Андак, сал, пича** оддий сўзлашувга хос.

Узим ҳам сизни бир айтиб келаман, бирпас гапиришиб ўтирамиз, деб юрган эдим (А. Қаҳҳор). Анвар унга бир оз қараб тургач, сўзида давом этди (А. Қодирий). Йўлчи ўрнидан турди, ариқда юз-қўлини ювиб, ташқари саҳнда бир оз кезди (Ойбек). Хатиб домланинг озгина фурсатда ўнлаб молга эга бўлганлиги ҳаммага маълум (А. Қодирий). Қани ўтир, Андак кина вақтинини оламан (У. Юсупов). Сидиқжон сал юргандан кейин йўл бўйидаги каттакон тўнкада ўтирган хотинни кўрди. Хотин аравани кўриб, ўрнидан турди (А. Қаҳҳор). «Дилшодбек, сиз дадангиз билан Қудрат акам ёнида пича ўтириб турсангиз, мен гиз этиб бувим билан кўришиб чиқсам»,— деди Даврон (М. Исмоилий).

БИТИРМОҚ, ТУГАТМОҚ, ТУГАЛЛАМОҚ, ТАМОМЛАМОҚ, ТАМОМ ҚИЛМОҚ, АДО ҚИЛМОҚ. Якунига етказмоқ. **Битирмоқ** бирор нарсани бутунлай тамом қилиш (йўқ қилиш) ёки белгили якунига етказиш маъносида, шунингдек иш-ҳаракат билан бирор нарсанинг тугал-битган ҳолатини юзага келтириш маъноси-

да қўллана олади (институтни битирмоқ, уйни битирмоқ). Лекин ҳамма нарса-предметни тамом қилиш, охиригача етказиш маъносида, асосан, шу ҳаракатнинг бажарилиш усулини билдирувчи сўз билан қўлланади (еб битирмоқ). **Тугатмоқ, тугалламоқ, тамомламоқ, тамом қилмоқ** иш-ҳаракатнинг *бирор объект устида тўла бажарилиши, белгили якунига етказилиши маъносини билдиради (чойни тугатмоқ, институтни тугатмоқ...).

Пигим-теримни бўлганимиздан кейин бошласак, совуқ тушмай битирамиз (А. Қаҳҳор). Асрорқулнинг ўша ўғли Ёдгорбой аскарликни битириб келганда, Ҳайдар отанинг жиянига бўлишамиз деб туришган эди... (А. Қаҳҳор.) «Бизда ҳам ўқишни тугатиб, уйланиш одат бўлиб қолди»,— деди Йўлдош (Шухрат). (Отабек) чойни наридан-бери тугатиб, Ҳасанали кетидан гузарга чиқди (А. Қодирий). Унингчини тугаллаган йигит-қизларнинг мактабни битириш маросимига ҳозирлик кўрилар эди (Ш. Рашидов). Бу ишни яхши эплагач, Тошкентга, уч йиллик кўярлар тайёрлаш мактабига ўқишга юборишди. Уни тамомлаб келиб, қўшни Гулистон колхозига аввал агроном, кейин партком секретари бўлди («Совет Ўзбекистони»). Етти киши бўлиб, тўрт кунти олдик. Омадимиз келган эканми ё қурт тутини соғиниб қолган эканмизми, бирам бўлиб берди, қани энди териб тамом қиласак? (А. Қаҳҳор.) Аҳмедов капсанчиларни колхоз тузишга чақириб сўзини тамом қилди (А. Қаҳҳор). Сўзни адо қилди мендай қаландар («Ширин билан Шакар»).

БОЙ, БАДАВЛАТ, ДАВЛАТМАНД, ЗАНГИН. Мол-дунёси, давлати кўп, бойлиги кўп. **Бой** — кенг тушунчага эга: шахсдан ташқари, хўжалик, давлатларга нисбатан ҳам қўлланади (бой одам, бой хўжалик, бой мамлакат). Қолган сўзлар фақат шахсларга нисбатан қўлланади. **Зангин** — жуда кам ишлатилади.

Ҳаммаси: «Меросингни ол, бойда ер кўп эди, пул кўп эди»,— дейишади. Қандай оламан, буни ўргатгудай одам йўқ (Ойбек). Аммо бойман, гадо эмасман, Ҳаёт менга кўрсатди ҳимнат. Бойлигим бор сизга аталган. Бойлигим бор олтидан қиммат (Уйғун). Элмурод Дўсमतов, лой ва тор кўчада нотаниш ўспирин орқасидан одимлар экан, очиқ ва ёпиқ кул ранг эшиклар, орагира бадавлат кишиларга хос баланд дарвозалар унинг кўзидан ўтар эди (П. Турсун). Содда қишлоқ йигити такаллуфни билмасча ҳам, одоб-таъзим хусусида опаси анча-мунча гапларни ўқтириб юборгани учун, давлатманд қариндошининг ҳузуринда оқатдан тортинини маъқул кўрди (Ойбек). Сен борсанки, эрта бутундан кўркам, Зафарларнинг зангин манзарасида (Миртемир). Нолис қуояпти мени... Тинчлик... осойишталик сари халқни қуратиш чақиряпман, зангинларга ёқмайди бу гаплар (Ойбек).

БОПЛАМОҚ, ҚОЙИЛ ҚИЛМОҚ, ҚОЙИЛЛАТМОҚ, УХШАТМОҚ, УРИНЛАТМОҚ, КЕЛИШТИРМОҚ, ҚОТИРМОҚ, ДУНДИРМОҚ, ҚИЙМОҚ, ЭШМОҚ, МОНДАЛАМОҚ,

ЯСАМОҚ. Ижросини ўрнига қўймоқ. **Бопламоқ, қойил қилмоқ, қойиллатмоқ, ўхшатмоқ, ўринлатмоқ, келиштирмоқ, қиймоқ, эшмоқ, ясамоқ** сўзларида белги даражаси нормал ҳолатдан ҳамма вақт юқори бўлади. **Дўндирмоқ** — ижронинг нормал ҳолатини ҳам, юқори даражасини ҳам ифодалаши мумкин. **Бопламоқ, қойил қилмоқ, қойиллатмоқ, ўхшатмоқ, ўринлатмоқ, келиштирмоқ, дўндирмоқ** оддий иш-ҳаракатларга нисбатан ҳам, шунингдек бажарилиши усталик, маҳорат талаб этадиган ҳаракатга нисбатан ҳам қўллана олади. **Қиймоқ, эшмоқ** кўпроқ оддий сўзлашувга хос, булар бажарилиши усталик, маҳорат талаб этадиган ҳаракатларга нисбатан қўлланади ва бу сўзларда белги даражаси анча юқори бўлади. **Келиштирмоқ** — нисбатан кам қўлланади. **Мондаламоқ** — диалектал.

Булар бу йил ишни боплади, қадамни узун-узун қўйишса арзийди (Ойбек). Сидиқжоннинг ёнида ўтирган киши хўплаган чойни пуркаб юборди, узоқ йўталгандан сўнг, ҳамон ўзини кулгидан тўхтата олмай: «Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейди-қўйяди»,— деди ва қойил қилганига ишониб ҳаммадан баландроқ қаҳқаҳа урди (А. Қаҳҳор). Уни қаерга юборманг, ишни қойиллатгади («Совет Ўзбекистони»). Дуруст одам бўлсайди у, судга чақирардим ё ўзини чақириб, ўхшатиб сўкардим (Ойбек). [Бек] сўз давомида негадир хир-хир кулади, аёлни калака қилиш мақсадида луқмалар ташлайди. Одамлар баъзан аския, ҳазилга эмас, унинг ўзига, унинг аҳволига кулишса, «Жуда ўринлатдим»,— деб керилади (А. Қаҳҳор). «Мен шу тўғрида газетага бир мақола ёзсамми деб ҳам ўйлаган эдим,— деди Заргаров,— лекин келиштиролмасман деб қунт қилмадим» (А. Қаҳҳор). Уч жойга қотириб уй-жой қурдим, катта тўй қилиб, ўғлим Поёнжонни уйлантирдим («Муштум»). Аммо, мен сизга айтсам, ўз ишингизни дўндириб юраверинг, майда-чуйда ишларга аралашманг! (Х. Фулом.) [Гулхайри] Ашулани тоза қийди-да, қурмагур. Сайрдан қайтишяпти шекилли (Ж. Абдуллахонов). У суҳбатни шунақа эшиб ташладикки, бечора қиз «Излаганим сиз, Аъзамжон ака!»— деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди (Шухрат). Нусрат ҳам аста, шошилмай бир байтчи мондалаб, ёнидаги Йўлдошалига узатди (С. Абдулла).

БОР, МАВЖУД. Воқе ҳолатда (йўқнинг акси). Бор сўзи мавжуд сўзига нисбатан кенг маъноли ва кўп қўлланади. Мавжуд китобий услубга хос.

Одамзод шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам, пайқайди, лекин йўқ нарса аста-секин пайдо бўлса, пайқамайди (А. Қаҳҳор). Қурилиш ташкилотлари... мавжуд ишчи кучларидан ва техника воситаларидан максимал фойдаланиш тадбирларини амалга оширмадилар («Қизил Ўзбекистон»).

БОСИЛМОҚ, ТУХТАМОҚ, ТИНМОҚ, ҚОЛМОҚ, ҚУЙМОҚ. Ҳаракатини, амалини йўқотмоқ. **Босилмоқ** конкрет ва мав-

ҳум ҳодисаларга нисбатан, ҳар хил даражага (кучли-кучсиз, юқори-паст...) эга бўлган ҳаракат-ҳолатларга нисбатан қўлланади. **Тўхтамоқ, тинмоқ** умуман давомли ҳаракат-ҳодисанинг йўққа айланишини билдиради. Буларда ҳаракатнинг кучли-кучсиз даражаси таъкидланмайди. **Қолмоқ, қуймоқ** бу маънода жуда кам қўлланади.

Шамол дам кўтарилиб, дам босилар эди (А. Қодирий). Тонг ёришганда жанг бир оз босилди (А. Қаҳҳор). Шундан сўнг орадаги гап-сўз тўхтагандек бўлди (А. Қодирий). Тўртинчи кун деганда гармсел тинди (А. Мухтор). Барибир бу оташ бир кун сўнар: Жаллоддек бераҳм ҳаёт қонун! Қайнашдан тўхтагур қалбим қонини, Фикримда ўй тинар, кўзларимдан нур! (Шухрат.)

БОСИНҚИРАМОҚ, АЛАҲЛАМОҚ, АЛАҲСИРАМОҚ. Тушда қўрқиб безовта бўлмоқ, беҳушликда ёки уйқу аралаш гапирмоқ.

Босинқираяпсизми? Тинч ётинг! (Н. Сафаров.) Воҳид худди туш кўриб босинқирагандай, кўзларини очиб чуқур нафас олди (О. Еқубов). Мен энди алаҳламайман, босинқирашларим ҳам қоляпти, яхши бўлиб қолдим (А. Мухтор). Касаллик [грипп] кучайганда кўнил айнийди, бемор алаҳсирайди («Совет Ўзбекистони»). Бир нечаси инграр, икки-учтаси оғриқ ва ҳароратнинг зўридан алаҳсираар, алланималарни деб жавради (Ойбек).

БОТИНМОҚ, ЖУРЪАТ ЭТМОҚ, ЖАСОРАТ ҚИЛМОҚ, ҲАД ҚИЛМОҚ, ЮРАК ҚИЛМОҚ. Юраги дов бермоқ. **Ҳад қилмоқ, юрак қилмоқ** кам қўлланади.

Уктам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнлига қўл солмоқчи бўлди-ю, яна ботинмади (Ойбек). Тўғриси айтсам, юборишга журъат қилолмадим (А. Тоғжумуротов). Бундай жавоб шеърлардан талайгина ёзиб қўйди, аммо бирор кимсага кўрсатишга ҳали журъат этмас эди (Л. Батъ). «Мен сизни танидим... танидим. Сиз худди ўша! Чойхонада отам билан гаплашган одамсиз...»— дегиси келди-ю, лекин жасорат қилолмади (П. Турсун). Шундай экан, ана шу ислоҳот мутасаддиси сен бўлишинг керак. Нега шунга ҳад қилолмаяпсан? (Ж. Абдуллахонов.) Айниқса шомдан кейин бу ерлардан ўтишга ҳар ким ҳам юрак қилолмайди (Ж. Абдуллахонов).

БОТИР, ЖАСУР, ДОВ ЮРАК, ЮРАКЛИ, ҚУРҚМАС, ШИЖОАТЛИ, МАРД, ЁВҚУР. Юрак-шижоати зўр, юрак-шижоат билан ҳаракат қиладиган. **Ботир, мард, шижоатли** сўзларида қайтмаслик, шижоат белгилари бирлашган бўлади. **Мард** сўзида танглик оттенкаси бор. **Жасур, дов юрак, юракли, қўрқмас** сўзларида қўрқмаслик белгиси асосий ўринда. **Жасур** кўпроқ китобий услубга хос. **Ёвқур** — эскирган.

У бўйнини чўзиб, қайноқ, асабий, газабли оммани, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботир халқни кўздан кечирди (Ойбек). Мардлик майдонида бел синаш учун Жасур ўзбек халқининг ўғли отланди (Ғ. Ғулом). Эй қаҳрамон, до в юрак, жасур, улуг халқ, Қудратингдан йўқ бўлди хўрлик, асорат (Ғайратий). Шаҳарнинг юракли йигитлари Хадрага қараб чопадилар (А. Қодирий). Оқсоқол опа ҳақиқатан ҳам жуда шижоатли, серғайрат бир жувон (Саид Аҳмад). Унсин... ўйлайди: «Нега шунча бахтсиз? Шундай чиройли, шундай келишган, шундай ақлли кўнгли очиқ ва шундай мард йигитни нега бунча қийнайдилар!» (Ойбек.) Аламзада душман бу азамат, ёвқуру большевикни ўлдирди (К. Яшин).

БОШ, КАЛЛА. Кишининг танасидан, бўйнидан юқори қисми, ҳайвон, қушларнинг танасидан олдинги ёки юқори қисми. **Калла** кўп ҳолларда салбий оттенкада қўлланади.

Тобут кетидан бораётган кишидек бошини эгиб Суннатнинг орқасидан кетди (Шухрат). Ингичка, узун оёқларини чаққон босиб, чиройли бошини озод кўтариб келаётган қашқа саман бирдан пахса девор томонга бурилди (М. Исмоилий). «Бир оғиз гап бор».— деди Соли совуқ калласини бўйин томири узилиб кетгудек эгиб (М. Исмоилий). Ҳеч бир тўй-томоша, ҳеч қандай маърака оқсоқолсиз ўтмасди. Биронтаси эчки сўйгудек бўлса, калласини энг аввал оқсоқол олдига қўймай иложи йўқ (П. Турсун).

БОШЛАМОҚ, КИРИШМОҚ, ТУТИНМОҚ. Бирор ишга ун-намоқ. **Бошламоқ** шахс ва жонли-жонсиз нарсаларнинг ҳаракатига нисбатан қўллана олади. **Киришмоқ** шахс ҳаракатига нисбатан қўлланади. **Тутинмоқ** асосан яқка шахснинг ҳаракатига нисбатан қўлланади.

Уста Олим Шокирбекни юқорига чиқишга қистаса ҳам, у кавушини ечмай эскича ўтираверди. Ундан-бундан сўзлашиб чой ичишга бошладилар (А. Қодирий). Ҳалигача бошқарманнинг бир қатор колхоз ва совхозлари бу муҳим ишга киришганларини йўқ («Тошкент ҳақиқати»). Бадриддин маҳдум ижирганиб, юзи буришди. Хонтахта ёнидаги духоба кўрпачага ўтириб, тоқчадан Сўфи Оллоёр куллиётини олди, мутолаага тутинди (Ҳ. Ғулом). Тўла пичоқни олиб, рогаткасини жони-жаҳди билан йўнишига тутинди (М. Исмоилий).

БОШЛИҚ, РАҲБАР, ЙЎЛБОШЧИ, ИШБОШИ, БОШЧИ, КАТТА, КАТТАКОН, УЛУҒ, РАҲНАМО, САРДОР, ПЕШВО, САРВАР, САРКАРДА, ХУЖАЙИН, КАЛАМПО. Гурппа, коллектив, хўжалик ва ш. к. лар иш-ҳаракатида бош бўлувчи, масъул шахс. **Бошлиқ** катта коллектив, хўжаликка раҳбар шахс маъносида ҳам, шунингдек уч-тўрт кишидан иборат кичик гурппанинг жуда қисқа муддатли ишига бошчи шахс маъносида ҳам қўллана олади. Лекин катта хўжалик (муассаса) иш-фаолиятининг

раҳбари маъносида кўпроқ оддий сўзлашувга хос бўлади. **Раҳбар** асосан давлат идораларининг бошчилари маъносида қўлланади. **Йўлбошчи** сўзида бошловчилик, етакчилик қилиш оттенкаси бор. **Ишбоши** нисбатан эскирган. **Бошчи** кам қўлланади. **Катта, каттакон, улуг** оддий сўзлашувга хос. **Раҳнамо** китобий услубга хос, маъно хусусияти жиҳатидан «йўлбошчи» сўзига яқин туради. **Пешво, сарвар** эскирган, китобий. **Сардор, саркарда** кам даражада, асосан, образли ифодаalarda қўлланади. **Хўжайин** оддий сўзлашувга хос, бир оз салбий бўёққа эга. **Калампо** оддий сўзлашувга хос, кам қўлланади, салбий бўёғи кучли.

Бинокорлар бу бригадага бошлиқ қилиб... Ўзган Расуловни танлашди («Тошкент оқишони»). Аммо шаҳар коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бошқармасининг раҳбарлари бундан заррача таъвишланмаётганлари йўқ («Муштум»). Савдо-сотиқни ривожлантиришни кўзлаган Исламхўжа ёш миллий буржуа вакиллариининг йўлбошчиси эди (Ж. Шарипов). Агар ишбоши унинг ишга нега кеч келгани... тўғрисида жиддий сўрар экан, шу зиддиятни юмшатиш учун бузоқ бўлиб маърашга ҳам тайёр (А. Қаҳҳор). Шу вақтда бир неча амалдор бож олмоқчи бўлиб, карвонсаройга келиб қолди. Карвонларнинг бошчиси амалдорларнинг каттасини сўради («Фольклор»). Ҳозир ҳамманинг оғзида Ленин. У большевойларнинг энг каттаси (К. Икромов). Демак, сув чиқади. Қандай қилиб чиқариш эса одамларнинг ихтиёрида. Фақат каттаконлар йўл қўйиб берса бўлгани (М. Исмоилий). «Бу ерда улугларнинг гапини назарга илмайдиган ўзбошимчалар чиқиб қолди...».— деди Тожибой (П. Турсун). Партия раҳнамомиз, раҳбар ва етакчимиз, Ленин ана шу улуг партиянинг тузувчиси («Қизил Ўзбекистон»). Оламари қилиб шармисор, Фашизмни дорга ослан у, Горький йлмас! Чин сўзга сардор, Жангда, ишда биз билан мангу (Ойбек). Шаҳар хотин-қизлари орасида Жўраҳон вакил деб ном чиқарган очиқ хотиннинг келиши бўлса, айниқса, шарият пешволарининг ваҳимасини оширди (А. Мухтор). Ленин ҳар қадамда йлкамизга ёр, Ҳар кичик ҳам улуг Зафарда сарвар (Миртемир). Кўпчиликнинг меҳрибон, қалбдош саркардалари бўлган бизнинг колхоз раисларимиз ўзларига билдирилган ишончини ҳамшиша юксак тутадилар («Совет Ўзбекистони»). ...Хўжайин бўлгандан кейин, киши ўз хўжалигининг кам-кўсти, унинг ривожини тўғрисида ўйлайди, жон куйдиради (А. Қаҳҳор). Қарасам, иш пачава! Кўзни чирт юмдим-у, кўз таниш калампола рни ишга солдим. Мана, кўриб турибсан, сувдан қуруқ чиқиб, кўнглим тусаган тарафга от суриб юрибман (Ямин Қурбон).

БОШҚА I, БЎЛАК, ЎЗГА. Шуниси эмас, униси эмас; фикр юритилаётгани, назарда тутилгани эмас. Бу сўзлар шу маъносида сифатловчи бўлиб келади. **Бўлак** сўзи бошқа сўзига нисбатан кам қўлланади. **Ўзга** сўзи бўлак сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Бошқа аёллар сингари қўзғолонга дадил қатнашиб, соат бир-иккида уйга қайтган кампир қизга кўрган воқеаларини сўзлаб-сўзлаб битиролмас эди (Ойбек). Меҳмонлар жуда чарчаган эди... шунинг учун бошқа жойларни кўришни бўлак мавридга қолдириб, тўғри правлениега қараб кетишди (А. Қаҳҳор). Ашула ниҳоясига етди. Лекин бир зумдан сўнг яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда... (Ойбек).

БОШҚА II, БУЛАК, ЎЗГА, ОРТИҚ, ТАШҚАРИ. Айтилганини (назарда тутилганини) ҳисобга олмаганда, шунинг устига яна. Бу сўзлар шу маъносида чиқиш келишигидаги сўз билан ишлатилади. **Бўлак, ортиқ, ўзга** кўпроқ оғзаки нутққа хос, кам қўлланади.

Тога, бошқа иложимиз йўқ эди. Мана сизда нарса бор экан, сотибсиз, бизда бир парча ердан бошқа кўзга илинарлик ҳеч нарса йўқ эди (Ойбек). Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ (Мақол). Унинг янги муаллимага ғамхўрлик қилиб келганини Элмуроддан бўлак ҳамма ўтирганлар дарров фаҳмлади (П. Турсун). Бошпанасиз, нажотсиз егим ўғил ва қизлар бировларнинг зулми ва исканжасига, хўрлашига ноилож чидар, яшамоқ учун бундан ўзга чоралари йўқ эди (П. Турсун). Ортиқ ҳеч нарса сўрамасдан, стол ёнига борди-да, китоб-дафтарларини йиғиштира бошлади (С. Зуннунова). Аммо «ёмон» тузланди, шармандаси чиқиб кетди, ортиқнинг деёлмай қолди (Х. Шамс).

БОШҚАРМОҚ, ИДОРА ҚИЛМОҚ, СУРАМОҚ. Хўжалик, муассаса иш фаолиятини юритмоқ. **Идора қилмоқ** ёзма нутққа хос, кам қўлланади. **Сўрамоқ** эскирган, бу сўзда «хўжайинлик, эгалик» оттенкаси ҳам бор.

Гапга чечан, эски имлода кўп хушхат ва ҳар қандай хат ишларини бошқарадиган қишлоқ советининг котиби бўлмиш бу кишини одамлар анча ҳурмат билан Мулла Алимқул деб аташарди (П. Турсун). У [Ойимхон] вазмин ҳаракатлари, ақлли ва салмоқдор сўзлари билан зални тўлдирган жамоатни идора қилар ва ўзи ҳам нафас сайин ўсаётганга ўхшар эди (П. Турсун). Дарёнинг у томонида ҳамма элларни овул совети сўраётганмиш (А. Мухтор).

БОШҚАТДАН, ҚАЙТА, ҚАЙТАДАН, ЯНГИДАН, ЯНА, ТАКРОР. Бошқа марта. **Яна, такрор** сўзлари бирор иш-ҳаракатнинг оддий қайтариғини билдиради. **Бошқатдан, қайта, қайтадан, янгидан** сўзларида ҳаракатнинг такрорланиши бўлса ҳам, лекин бунда аввалги ҳаракатнинг натижасида рўй берган хато ёки камчиликни тузатиш, тўғрилаш, уни яхшилаш оттенкасидаги такрор бўлади.

Шу дарча чолингиз бор вақтида ҳам қийишқ эди. Шунинг тўғрилаб ўрнатиш учун пул керакмиди? Йўқ, пул керак эмас, кўчириб олиб бошқатдан ўрнатилса, бўладиган гап эди (А. Қаҳҳор). Ўрта бўйли, хушқомат, вужудидан ёшлик кучи ва ғайрати

ёғилиб турган қоп-қора жувон отда олма еб йўл бўйида турар, Акромжон ўз отининг айилини қайта боғламоқда эди (А. Қаҳҳор). Агар қайтадан дурустроқ ўқисангиз хўп-хўп, бўлмаса йўлланмага қўл қўядиган анойи йўқ («Муштум»). Ғўзани зарарли ҳашаротлардан сақлаш тадбирлари янгидан кўриб чиқилди («Қизил Ўзбекистон»). Йўлчи дўппини олиб, чироқда томоша қилиб, яна кийди (Ойбек). Егингарчилик кўп бўлиб, ер бети қатқалоқ бўлганда, такрор бороналаш керак («Қизил Ўзбекистон»).

БОШҚАЧА, БУЛАКЧА, ЎЗГАЧА, АЙРИЧА. Бошқаларидан, аввалгиларидан, одатдагидан бирор жиҳати ёки бутунлай фарқли. **Ўзгача** оддий сўзлашувдан кўра кўпроқ китобий услубга хос. **Бўлакча** оддий сўзлашувга хос, кам қўлланади. **Айрича** сўзида «алоҳидалик» оттенкаси кучлироқ, жуда кам қўлланади.

Ҳа, болаларимизнинг диди энди бошқача («Ўқитувчилар газетаси»). «Ҳа, кўчат керак эди»,— деди у ва кўз олдида қипқизил олмалар пишиб ётадиган ҳовлиси бошқача бўлиб жонланди (Х. Ғулом). Саҳар туриб, далага бордим, Бошқача дидар кумуш далалар (Уйғун). Шунинг учун ҳам унинг бугунги хўмрайиши бўлакча экан-да («Тошкент ҳақиқати»). «Пул бандалари билан ўзгача қандай муомала қилиш мумкин?»— деди Муҳаммад Жамол куюниб (Ойбек). Бутун умри қилч жаранги остида ўтган кишига тинч ҳаёт нашъаси ўзгача лаззат бахш этар эди (Л. Батъ). Ҳамза Ҳакимзоданинг асарлари ўзбек совет театри учун айрича аҳамиятга эга бўлди («Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»).

БУЙРУҚ, АМР, ФАРМОН. Бирор ишни бажаришга ундовчи ёки қонда-тартибга бўйсунитиш талаб қилувчи кўрсатма. **Буйруқ** оддий иш-вазифани бажариш топшириғи маъносида, шунингдек расмий, умумий тусдаги топшириқ маъносида қўллана олади. **Амр** нисбатан эскирган. **Фармон** асосан юқори ташкилот, органларнинг расмий ёзма буйруғини билдиради.

...воқеани тунқотарга сўзлаб, тунқотар хонга йўлиқиб, хоннинг буйруғи билан ёнларига ясовулар олиб келсалар, ошиқ-маъшуқ йўқ... (А. Қодирий). Мана бирдан генерал Соколовнинг буйруғи билан ўрмон ичидан йигирмага яқин совет танклари қаттиқ сурон билан юриб чиқди (Ойбек). У отга минар экан эшик ичидан кўринган Ҳомид «Тезроқ!» деган амрни берди. Содиқ ҳам Отабек изича отини ҳайдаб юборди... (А. Қодирий). Бироқ у тартибни бузишга журъат этмади ва Султоннинг фармони олар экан, одат бўйича Музаффар билан бирга тиз чўкиб таъзим қилди (Л. Батъ).

БУЛОҚ, ЧАШМА. Ер тагидан отилиб ёки оқиб чиқиб турувчи сув, шундай сув чиқиб турувчи жой. **Чашма** кўпроқ бадий услубга хос.

Махсум эса эндидаги тирикча камзулини ечиб, чўққининг шундай биқинидан қайнаб чиқаётган булоқда ювинди

Бошқа аёллар сингари қўзғолонга дадил қатнашиб, соат бир-иккида уйга қайтган кампир қизга кўрган воқеаларини сўзлаб-сўзлаб битиролмас эди (Ойбек). Меҳмонлар жуда чарчаган эди..., шунинг учун бошқа жойларни кўришни бўлак мавридга қолдириб, тўғри правлениега қараб кетишди (А. Қаҳҳор). Ашула ниҳоясига етди. Лекин бир зумдан сўнг яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда... (Ойбек).

БОШҚА II, БУЛАК, ЎЗГА, ОРТИҚ, ТАШҚАРИ. Айтилганини (назарда тутилганини) ҳисобга олмаганда, шунинг устига яна. Бу сўзлар шу маъносида чиқиш келишигидаги сўз билан ишлатилади. **Бўлак, ортиқ, ўзга** кўпроқ оғзаки нутққа хос, кам қўлланади.

Тога, бошқа иложимиз йўқ эди. Мана сизда нарса бор экан, сотибсиз, бизда бир парча ердан бошқа кўзга илинарлик ҳеч нарса йўқ эди (Ойбек). Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ (Мақол). Унинг янги муаллимага ғамхўрлик қилиб келганини Элмуроддан бўлак ҳамма ўтирганлар дарров фаҳмлади (П. Турсун). Бошпанасиз, нажотсиз етим ўғил ва қизлар бировларнинг зулми ва исканжасига, хўрлашига ноилож чидар, яшамок учун бундан ўзга чоралари йўқ эди (П. Турсун). Ортиқ ҳеч нарса сўрамасдан, стол ёнига борди-да, китоб-дафтарларини йиғиштира бошлади (С. Зуннунова). Аммо «ёмон» тузланди, шармандаси чиқиб кетди, ортиқнинг деёлмай қолди (Х. Шамс).

БОШҚАРМОҚ, ИДОРА ҚИЛМОҚ, СУРАМОҚ. Хўжалик, муассаса иш фаолиятини юритмоқ. **Идора қилмоқ** ёзма нутққа хос, кам қўлланади. **Сўрамоқ** эскирган, бу сўзда «хўжайинлик, эгалик» оттенкаси ҳам бор.

Гапга чечан, эски имлода кўп хушхат ва ҳар қандай хат ишларини бошқарадиган қишлоқ советининг котибни бўлмиш бу кишини одамлар анча ҳурмат билан Мулла Алимқул деб аташарди (П. Турсун). У [Ойимхон] вазмин ҳаракатлари, ақлли ва салмоқдор сўзлари билан зални тўлдирган жамоатни идора қилар ва ўзи ҳам нафас сайин ўсаётганга ўхшар эди (П. Турсун). Дарёнинг у томонида ҳамма элларни овул совети сўраётганмиш (А. Мухтор).

БОШҚАТДАН, ҚАЙТА, ҚАЙТАДАН, ЯНГИДАН, ЯНА, ТАКРОР. Бошқа марта. Яна, такрор сўзлари бирор иш-ҳаракатнинг оддий қайтариғини билдиради. **Бошқатдан, қайта, қайтадан, янгидан** сўзларида ҳаракатнинг такрорланиши бўлса ҳам, лекин бунда аввалги ҳаракатнинг натижасида рўй берган хато ёки камчиликни тузатиш, тўғрилаш, уни яхшилаш оттенкасидаги такрор бўлади.

Шу дарча чолингиз бор вақтида ҳам қийишқ эди. Шунинг тўғрилаб ўрнатиш учун пул керакмиди? Йўқ, пул керак эмас, кўчириб олиб бошқатдан ўрнатилса, бўладиган гап эди (А. Қаҳҳор). Урта бўйли, хушқомат, вужудидан ёшлик кучи ва ғайрати

ёғилиб турган қоп-қора жувон отда олма еб йўл бўйида турар, Акромжон ўз отининг айлини қайта боғламоқда эди (А. Қаҳҳор). Агар қайтадан дурустроқ ўқисангиз хўп-хўп, бўлмаса йўлланмага қўл қўядиган анойи йўқ («Муштум»). Ғўзани зарарли ҳашаротлардан сақлаш тадбирлари янгидан кўриб чиқилди («Қизил Ўзбекистон»). Йўлчи дўппини олиб, чироқда томоша қилиб, яна кийди (Ойбек). Егингарчилик кўп бўлиб, ер бети қатқалоқ бўлганда, такрор бороналаш керак («Қизил Ўзбекистон»).

БОШҚАЧА, БУЛАКЧА, ЎЗГАЧА, АЙРИЧА. Бошқаларидан, аввалгиларидан, одатдагидан бирор жиҳати ёки бутунлай фарқли. **Ўзгача** оддий сўзлашувдан кўра кўпроқ китобий услубга хос. **Бўлакча** оддий сўзлашувга хос, кам қўлланади. **Айрича** сўзида «алоҳидалик» оттенкаси кучлироқ, жуда кам қўлланади.

Ҳа, болаларимизнинг диди энди бошқача («Ўқитувчилар газетаси»). «Ҳа, кўчат керак эди»,— деди у ва кўз олдида қипқизил олмалар пишиб ётадиган ҳовлиси бошқача бўлиб жонланди (Х. Ғулом). Саҳар туриб, далага бордим, Бошқача дидар кумуш далалар (Уйғун). Шунинг учун ҳам унинг бугунги хўрайиши бўлакча экан-да («Тошкент ҳақиқати»). «Пул бандалари билан ўзгача қандай муомала қилиш мумкин?»— деди Муҳаммад Жамол куюниб (Ойбек). Бутун умри қилич жаранги остида ўтган кишига тинч ҳаёт нашъаси ўзгача лаззат бахш этар эди (Л. Батъ). Ҳамза Ҳакимзоданинг асарлари ўзбек совет театри учун айрича аҳамиятга эга бўлди («Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»).

БУЙРУҚ, АМР, ФАРМОН. Бирор ишни бажаришга ундовчи ёки қонда-тартибга бўйсуннишни талаб қилувчи кўрсатма. **Буйруқ** оддий иш-вазифани бажариш топшириғи маъносида, шунингдек расмий, умумий тусдаги топшириқ маъносида қўллана олади. **Амр** нисбатан эскирган. **Фармон** асосан юқори ташкилот, органларнинг расмий ёзма буйруғини билдиради.

...воқеани тунқотарга сўзлаб, тунқотар хонга йўлиқиб, хоннинг буйруғи билан ёнларига ясовулар олиб келсалар, ошиқ-маъшуқ йўқ... (А. Қодирий). Мана бирдан генерал Соколовнинг буйруғи билан ўрмон ичидан йигирмага яқин совет танклари қаттиқ сурон билан юриб чиқди (Ойбек). У отга минар экан эшик ичидан кўринган Ҳомид «Тезроқ!» деган амрни берди. Содиқ ҳам Отабек изича отини ҳайдаб юборди... (А. Қодирий). Бироқ у тартибни бузишга журъат этмади ва Султоннинг фармони олар экан, одат бўйича Музаффар билан бирга тиз чўкиб таъзим қилди (Л. Батъ).

БУЛОҚ, ЧАШМА. Ер тагидан отилиб ёки оқиб чиқиб турувчи сув, шундай сув чиқиб турувчи жой. **Чашма** кўпроқ бадний услубга хос.

Махсум эса эғнидаги тиринка камзулини ечиб, чўққининг шундай биқинидан қайнаб чиқаётган булоқда ювинди

(С. Анорбоев). Бир неча ўн километр паст-баланд адрларни босиб ўтгандан кейин дарахтлар орасидаги чашмага етиб борди («Қизил Узбекистон»).

БУЛҒА(Т)МОҚ, ИФЛОС ҚИЛМОҚ, ИВИРСИТМОҚ. Ифлос, нопок нарсалар билан тозалигини йўқ қилмоқ. **Булғатмоқ, ифлос қилмоқ** нарса-предметларга ва уй-жой кабиларга нисбатан қўлланаверади. **Ивирситмоқ** уй-жой ёки умуман ер юзасига нисбатан қўлланади.

Оёғи ёмон тўр булғар, Таёғи ёмон эл булғар (Миртемир). Нега олдинга юрасиз? Орқага юриш керак. Ювган жойингизни ўзингиз ифлос қилиб кетяписиз (Муштум). Қудрат кўча айланиб келиб уйига кирса, ҳеч зор йўқ, фақат товуқлар ҳовли билан битта бўлиб экинларни пайҳон қилиб, ҳаммаёғни ивирситиб юрибди (Х. Назир).

БУРУН, ТУМШУҚ. Ҳид билиш органи ва унинг юздаги ташқи қисми. **Бурун** асосан одамга нисбатан, кам даражада ҳайвонларга нисбатан қўлланади. **Тумшуқ** сўзи, аксинча, асосан ҳайвон ва паррандаларга нисбатан, кам даражада одамга нисбатан қўлланади. Одамга нисбатан қўлланганда ҳурматсизлик, менсимаслик, нафрат ифодаланади.

Йўлчи гўё унинг кетишини кутиб турган каби, тезда уйга кирди. Уйда тутун йўқолган бўлса-да, аччиқ ҳид дарров унинг бурнига урилди (Ойбек). Кампир уйда жаврар, қизини қарғар эди: «Э, ўл италоқ! Дайди итнинг тумшугини ёғ қилмай ўл!» (А. Қаҳҳор.) У бир кўнгли бориб муттаҳам қозининг тумшугига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди (М. Исмоилий).

БУТУНЛАЙ, БУТКУЛ, БАТАМОМ, ТАМОМИЛА, ТАМОМАН, ТАМОМ, МУТЛАҚ(О), ПАҚҚОС, БИРАТУЛА, КУШОД. Узил-кесил ҳолда, бутун борича, ҳеч қолдиқсиз. **Буткул** кўпроқ сўзлашув нутқиға хос. **Батамом, тамомила, тамоман** кўпроқ китобий услубга хос. **Паққос** сўзлашув нутқиға хос, маълум бирикмалар доирасида қўлланади. **Биратула** бу маънода кам қўлланади. **Кушод** сўзлашув нутқиға хос, кам қўлланади.

Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди (Ойбек). Шу мудҳиш туйғу уни дамани ичига ютиб, отишмаларнинг буткул тугашини кутишга мажбур қилди (Х. Фулом). Ҳали бола — Сиёсий онгсиз, Оламлардан буткул хабарсиз (М. Шайхзода). Отхонага кўмилган шולי, ниҳоят буткул ташиб чиқилди (Х. Фулом). Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан суюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб бўлган (А. Қаҳҳор). Ўт ўчирувчилар етиб келгунча уй тамомила ёниб битган эди («Қизил Узбекистон»). Умумий аҳвол Рамазон қорига таъсир қилмай қолмади. Унинг ташқи қиёфаси тамоман ўзгарди (П. Турсун). Отабек энди тамом ўзини босиб олган, эндиги юрак уриши фақат

ҳалиги фаришта томонга ошиқибгина эди (А. Қодирий). Ҳақиқатан ўқув йили тугашида Марҳамат Қудратга ёш табиатшунослар тўғараги тузишда кўмаклашгин, деган эди. Чунки биология ўқитувчиси Олимов ёрдамчиликка Қудратни танлаган экан. Қудрат эса мутлақо унутиб юборганди буни... (Х. Назир). Энди ёдимга тушди, маккажўхорини паққос унутган эканмиз («Муштум»). Очиқроқ гапирсам, гапнинг хулласи шундай: анови қиз, қўлидан келса, илдизимга болта уриб, мендан биратўла қутулмоқчи (Х. Сеитов). Баччағарнинг қилиб юрган ишидан кушод бехабар эканмиз-да (Ж. Абдуллахонов).

БУЮМ, НАРСА, МОЛ, МАТО(Х). Тирикчилик-рўзгорда керакак (қўлланадиган) предмет **Буюм** тирикчилик-рўзгорда ишлатиладиган асбоб-ускуна, кийим-кечак кабиларнинг умумий номи сифатида қўлланаверади. **Нарса** конкрет ҳолларда, маълум сўзлар билан шу маънони аниқ «фодалайди. **Мол** асосан бирор мақсад учун тўпланган, асраб қўйилган буюмни билдиради. **Мато(х)** салбий бўёққа эга, кам қўлланади.

Уша совуқ тонгда тоға-жиан тўртта хонадонга кириб, буюмларни тарқатишди ва анча-мунча янгиликлар эшитишди (К. Икромов). Тоға, бошқа иложимиз йўқ эди. Мана сизда нарсаси бор экан, сотибсиз, бизда бир парча ердан бошқа кўзга илнарлик ҳеч нарса йўқ эди (Ойбек). Унинг ҳужраси моллар ила тўлган ва Отабекдан бошқа алоҳида ҳужрада туриши ҳам шу молларни сақлаб ётиш учун эди (А. Қодирий). Йўқ, чойнак топилмайдиган мато эмас, қизим, олиб кетаверинг (М. Исмоилий). Жон ота, матоҳларини олиб бориб беринг, агар мени қизим десангиз, олиб бориб беринг... (Х. Сеитов).

БУЮРМОҚ, АМР ЭТМОҚ Истак-талабини бажариш ҳақида кўрсатма бермоқ, буйруқ бермоқ. **Амр этмоқ** эскирган.

Мингбоши мишабга буюрди: «Тургиз икковини!» (М. Исмоилий.) ...бу қаҳрамон ва ҳур жувон амр этса, балодан ҳам кайтмайди (Ш. Тошматов).

БУЙИН, ГАРДАН. Танани бош билан бирлаштирувчи қисм. **Бўйин** сўзи **гардан** сўзига нисбатан кенг қўлланади. **Гардан** сўзи кўпроқ танани бош билан бирлаштирувчи қисмининг орқа томонига нисбатан қўлланади.

Қошларида ўсма, кўзларида сурма, икки чаккада гажак... Бўйини дока билан боғлаб олибди (А. Қаҳҳор). Полвон ўрнидан турди, нима қилишни билмай, гоҳ пешанасини уқалар, гоҳ гадарданини қашир эди (Саид Аҳмад).

БУЙСУНМОҚ, ИТОАТ ҚИЛМОҚ Буйруқ, топшириқ, йўл-йўриққа юрмоқ, айтганини қилмоқ. **Итоат қилмоқ** китобий услубга хос.

Эсини таниганидан бошлаб, Нурининг буйруқларига сўзсиз бўйсуниб келган Гулнор ҳеч нима ўйламасдан ўрнидан турди (Ойбек).

БЎЛМАҒУР, БЕМАЪНИ, НОМАЪҚУЛ, НОЖУЯ, НОБОП, НОДУРУСТ, ТУБАН, ЖИРКАНЧ, РАСВО, ЯРАМАС, РАЗИЛ, ҚАБИҲ. Одоб-қоидага хилоф, одоб-қоида доирасига сифмайдиған. **Номаъқул**, **нодуруст** сўзларида белги даражаси кучсиз. **Нодуруст** кам қўлланади. **Тубан** кўпроқ китобий услубга хос. **Жирканч**, **расво**, **ярамас** сўзларида белги даражаси кучли. **Разил**, **қабих** китобий, буларда ҳам белги даражаси кучли. **Бўлмағур**, **бемаъни**, **номаъқул**, **нобоп**, **тубан**, **расво**, **ярамас**, **разил** сўзлари одоб-қоидага хилоф хатти-ҳаракат ва қилиққа нисбатан ҳам, шундай хатти-ҳаракат, қилиққа эга бўлган шахсга нисбатан ҳам қўлланади.

Шоазимнинг бўлмағур пичинлариға дуруст жавоб қайтара олмагани яна эсига тушиди, ҳаммасига биратўла боплаб жаноб бермоқчи бўлди (П. Қодиров). **Бе маъни гапни гапирма**, қизим. **Сен ким, улар ким?** (Ойбек.) Шунда мен кеча беихтиёр қилган **номаъқул** ишимнинг қанчалик фожиали эканини биратўла англадим (А. Мухтор). Баҳодир **ножўя** ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўқинар, лекин иш ўтган эди (М. Жамолiddинова). Бир оз жимликдан сўнг Бўри девга [Равшан] гапира бошлади: **Бўри ака**, **замон но бо п**, **деб тунов кун Абдурахмон айтган гаплар қулогим остидан ҳали-ҳали сира нари кетмайди** (С. Кароматов).—Унда ҳали куч бор,— деди Оллонийёз.— **Лекин шу кучни нодуруст** ишларга сарфламаса, яхши бўлар эди... (Х. Сеитов). Бошқа илож қолмагач, она энг **тубан** ва **жирканч** бир «хўнарга» тутинди, дўкондорларга, мулкдорларга, бадавлат одамларга яна-да давлат тилаб, хайрсадақа сўрай бошлади (П. Турсун). Бекнинг тўплаган одамлари аллақандай бир-бирига эл бўлмайдиған, олчоқ одамлар экан, уларнинг **жирканч** қилиқлари, пештахам гаплари Бозорнинг кўнглини айнитар эди (А. Мухтор). Жайдари гўзадай мижғов, **расво** экинни деҳқон боласи билмаса керак («Совет Ўзбекистони»). ...ҳозир унинг назарида оламда энг паст ва **разил** кўринган Мирзақаримбой билан пул юзасидан хиралашини, еқа бўғишини ўзига ор билди (Ойбек). Онамнинг фожиаси учун бу чол эмас, **қабих** дин гуноҳкор эди (А. Ҳасанов).

БЎПТИ, МАЙЛИ, ХУП, ЯХШИ, ДУРУСТ, ТУЗУК, БЎЛАДИ. Таклифга розиликни (қўшилишни) билдиради.

Бўпти, гапирмай қўя қолай. Сенларга гап кор қиладими! (Х. Ғулом.) «**Майли**, кечаси қоронғида келганим маъқул. Тагин одамлар бунни ҳам гап қилиб юришмасин!»—«**Бўпти**» (П. Турсун). Шундоқ бўлгандан кейин, **майли**, хурсандчилигини қилсин. У-бу дейдиған одамнинг оғзига уриш керак. Ким нима деса, мен ҳамма вақт оғзига ураман (А. Қаҳҳор). «Агар мени десаң, мен айтганини айтасан»,— дедим. «**Хўп!**»— деди (П. Турсун). «**Яхши...** Бу кишига ҳам «форма»дан берасан»,— деди ва шошганича чиқиб кетди (П. Турсун). Бизникида иш минг марта

енгил. **Албатта**, **йўқ** **демайсиз**, **дурустми?** (Ойбек.) «Энди бу ёгини ҳеч бўшаштирмаслик керак. Агар иш салгина чатоқлашса, бировларга масхара бўлиб қоламиз»,— деди Элмурод. «**Ту-у к**»,— деди Ғулсум (П. Турсун).

БУШАМОҚ, ТУШМОҚ, ОЛИНМОҚ, ОЗОД ҚИЛИНМОҚ, БЕКОР БЎЛМОҚ. Амал-вазифасидан холи бўлмоқ, амал-вазифасидан четлатилмоқ. **Тушмоқ** амал-вазифадан ўз ихтиёридан ташқари бўшашни билдиради ва бунда «пастлаш» оттенкаси бор. Шунга кўра бир оз салбий бўёққа эга. **Олинмоқ** хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, бошқа(лар) томонидан бўшатирилганликни аниқ таъкидлайди, шунга кўра бу сўзда ҳам салбий бўёқ бор. **Озод қилинмоқ** расмий нутқ, ҳужжатларда қўлланади. **Бекор бўлмоқ** сўзлашув нутқиға хос, кам қўлланади.

Қизлархон охири эр амрига кўниб вазифасидан бўшади («**Муштум**»). Мана энди раисликдан **тушди**, бу орада хотини ўлди-ю, уй бутун файзини йўқотди (Х. Сеитов). Учунчидан, ҳозирдан бошлаб сиз секретарликдан **бекор бўлдингиз** (А. Қаҳҳор). Бўта раисликка яна ўтмаса, мен хижолат бўлиб қоламан. Сабаби унинг раисликдан **бекор бўлишини** ўзим талаб қилган эдим... (Саид Аҳмад.)

БУШАТМОҚ, ОЗОД ҚИЛМОҚ, ҚЎЙИБ ЮБОРМОҚ. Қамоқ, тутқунлик ва ш. к. ҳолатини бекор қилмоқ; озод, эркин ҳолатга чиқармоқ. **Бўшатмоқ** асосан инсонга нисбатан қўлланади. **Озод қилмоқ**, **қўйиб юбормоқ** инсон ва бошқа жониворларга нисбатан қўлланаверади. **Қўйиб юбормоқ** асосан қисқа муддатли тутқун (ушлаб турилган) ҳолатдан бўшатиш маъносига, шунингдек тутқун ҳолатдаги жониворларни озодликка қўйиш маъносига қўлланади.

Ҳоким Маҳкамни қамоқдан **бўшатармиш** дегандан бери менда ҳаловат йўқ (Н. Сафаров). Демак, ҳали бирортасини ҳам **озод этишмайди** (К. Икромов). Ғуломжон шу кўзларга тикилиб **туриб**: «**Қўйворинг**, **у айбдор эмас**»,— деди (М. Исмоилий).

БУШАШМОҚ, ШАЛВИРАМОҚ, ШАЛПАЙМОҚ. Жисмоний ёки руҳий ҳолати заифлашмоқ; хатти-ҳаракати сустлашмоқ. **Шалвирамоқ**, **шалпаймоқ** сўзларида белги даражаси кучли.

Ғуломжон муродига етдим деганда йиқилган одамдай турган ерида **бўшашиб** ўтириб қолди (М. Исмоилий). Мамлакат бизларга ишонсин! Биз **шалвираб** ишни хуржун қилайлик!.. (Уйғун.) **Турсанг-чи**, мунча **шалпаясан!** (Х. Шамс.) У минбардан **шалпайиб** тушиди, боя ўтирган қаторига эмас, орқароққа, панароққа **бориб** ўтирди («**Муштум**»).

В

ВАЗИФА, БУРЧ. Зиммадаги иш (мажбурият). **Вазифа** зиммадаги энг оддий (осон) ва энг масъулиятли, оғир иш маъносида қўлланаверади. **Бурч** эса, одатда, муҳим, масъулиятли вазифани билдиради. Бу сўзда «мажбурият», «бажариши шартлик» белгиси кучли.

Айни вақтда бу вазифа — бир кун, икки кунда битадиган вазифа ҳам эмас. Бу шундай бир бурчки, уни бизнинг авлодимиз ҳам, биздан кейинги авлодлар ҳам бажаради. Агар биз шу умрлик вазифамизни бажарсак, марра бизники (Ҳ. Ғулом).

ВАЗИЯТ, АХВОЛ, ҲОЛАТ, ШАРОИТ, МАНЗАРА. Киши, коллектив, жамият фаолиятининг маълум бир вақтдаги кўриниши (туси). **Вазият** кўпроқ адабий тилга хос бўлиб, оддий сўзлашувда жуда кам қўлланади. Оддий нутқда бу маънода **аҳвол** кенг қўлланади. **Ҳолат** нисбатан кам қўлланади. **Вазият, ҳолат, аҳвол** фаолиятнинг энг оддий (кичик, қисқа) кўринишига нисбатан ҳам, жуда кенг масштабдаги (доирадаги) кўринишига нисбатан ҳам қўллана олади: уйдаги вазият (уйдаги аҳвол), халқаро вазият (халқаро аҳвол) каби. **Шароит** сўзининг маъносида имкон берадиган ёки тўсиқ бўладиган ҳолат оттенкаси бор. **Манзара** бу маънода жуда кам, шунда ҳам бадий ифодада қўлланади.

Чернищев, ҳар қандай вазиятда ўзини тутта биладиган одам ва минг ўлчаб, бир кесадиған раҳбар бўлиши билан бирга моҳир нотиқ ҳам эди (И. Раҳим). ...Лекин бу суҳбат аҳвол билан танишиши учун буларнинг сўзини, фикр-мулоҳазаларини тинглашдан кўра кўпроқ ўзи [Шодиев] гапирди... (А. Қаҳҳор). Ошнарни ҳеч қачон бунақа жиддий бир ҳолатда кўрмаганим учун кулгим қистаб кетди (Ҳ. Назир). Мен қаерга келганимни, қандай шароитда қандай ишлар қилиш кераклигини яхши биламан (А. Қаҳҳор). Умумий шароит имкон берса, капитан ишғол этган пунктни яна узоқ сақлай олишига ишонарди (Ойбек). Урганч шаҳрига илгари фақат туя карвонлари билан етиб борилар эди. Ҳозир бутунлай бошқа манзара («Тошкент оқшоми»).

ВАТАН, МАМЛАКАТ, ЮРТ, ДИЁР, ЭЛ, МУЛК. Киши туғилиб ўсган, ўзи унинг граждани бўлган жой, территория. **Ватан** сўзида граждан, халқ тушунчаси у мансуб бўлган жой тушунчаси билан бирлашган, шунингдек унда жой (территория)нинг граждан, халққа мансублиги, унинг яшаш жойи оттенкаси акс этиб туради. **Мамлакат** кўпроқ адабий нутққа хос бўлиб, унда «яшаш жой» оттенкаси жуда кучсиз, ҳатто йўқ даражада бўлади. Бу сўз умуман бирор халқ ёки халқлар учун умумий (бирлаштирувчи) территорияни билдиради. **Юрт** кўпроқ оддий нутққа хос ва у маълум жой (территория) билан шу жойга мансуб халқни ҳам қўшиб ифодалай

олади. Эл нисбатан эскирган, ҳозир кўпроқ поэтик асарларда учрайди. **Диёр** поэтик услубга хос. Бу сўз умуман маълум бир жой маъносида (маълум бир халққа мансублик тушунчасисиз) ҳам қўлланади.

Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади (Шухрат). Мамлакатимизнинг улғу оиласида тотув яшаётган барча республикалар каби Ўзбекистон ҳам чет эллардаги дўстларимизнинг, айниқса Осиё ва Африка халқларининг эътиборини ўзига тортмоқда («Қизил Ўзбекистон»). Ер тагида қон томиридек Минг томонга таралган қувур. Мамлакатга берган нефтидан Полвонтошда севинч ва ғурур (Е. Мирзо). Ниҳоят Истамбул кўзига тор бўлиб, юртини кўмсай бошлади (М. Исмоилий). Бироқ айни вақтда мен юрт олдида бош кўтариб юролмайман (Ҳ. Ғулом) Яхши қолинг, севган юрту диёрим (Ҳ. Ҳакимзода). Бир юртга боришди. Бу юрт Афғонистон бўлиб чиқди (А. Қаҳҳор). Яшайди Рави, Шаши Улуғ совет элида. Порлар дўстлик қуёши Шод болалар кўнгида (Ю. Ҳамдам). Мулкимизга кирди ёв, эй марди майдонлар, юринг. Зарбамиздан титрасин дашту биёбонлар, юринг (Ҳабибий).

ВАФО, САДОҚАТ, СОДИҚЛИК. Аҳд-паймонда туриш, дўст, яқин киши, коллектив кабиларга муносабатда содиқ туриш. **Садоқат, содиқлик** сўзлари китобий услубга хос.

У [Навоий] ўзи ҳақида... эмас, инсон қалбининг қабиҳлиги, вафо эвазига хоинлик, садоқат эвазига беқадрлик қилиниши ҳақида ўйларди (Л. Батъ). Бунда битилмишдир юртга садоқат, Ёвга нафрат, ғазаб, дўстга мурувват (Уйғун). Бизга ўхшаб қор кечганларнинг номларини олардик тилга. Содиқликка онт ичганларнинг Севгисини жойлардик дилга («Совет Ўзбекистони»).

ВАФОЛИ, ВАФОДОР, СОДИҚ, САДОҚАТЛИ. Аҳд-паймон (ваъда)да қатъий турувчи.

Тилга кирди созимда Бахт куйи, вафоли ёр (Ғайратий). Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизнинг оёқларига бош қўйишига тайёр эди (Ойбек). Ермат улар билан бирга яшаб, бирга ошаб, бирга ишласа-да, уларга тўнг муомила қилиб, ўзини хўжайиннинг содиқ вакили сифатида кўрсатганидан ҳаммага ёт кўринар эди (Ойбек). Ота оғзига сўт қуйиб катта қилган содиқ итлари тумшукларини кўкка чўзиб, ҳазин-ҳазин увлади (С. Анорбоев). Адолат бу аҳил эр-хотиннинг ҳаётини доим ҳавас қилар, уларнинг бир-бирига содиқлиги учун ҳурматлар, ўзининг ҳам ҳаёти ана шундай бўлишини орзу қиларди (С. Зуннунова). Шу ёнғинни кўрганлар билсинларки, Шўронинг садоқатли фарзанди Бўронбек Арслонбек ўғли туҳматга чидолмай ўтда ёнаётир (Ҳ. Ғулом).

ВАЪДА, АҲД, АҲД-ПАЙМОН. Нимадир қилиш-қилмасликка берилган сўз. **Ваъда** гап билан кимнидир ишонтиришни бил-

диради. Аҳд эса ўзгага берилган ишонтиришни сўзини ҳам, ўз-ўзига берилган ишонтириш сўзини ҳам билдира олади. Аҳд-паймон ўзаро бўлган ваъда маъносида қўлланади ва бу сўзда белги даражаси кучлироқ.

...Урмонжонга, Бўтабойга, Канизакка кўпдан-кўп салом айтди ва «Кўйичинор»га шу ҳафта ичи, яъни ваъдасидан бурунроқ боришини айтди (А. Қаҳҳор). Иккинчи кун эрталаб Нури.. маҳалладан бир кампирни топиб, унга бош-оёқ кийим бериши ваъдаси билан зўр фолбинга бошлаб боришни сўради (Ойбек). Ниҳонийга неча аҳду вафолар боғлаган эрди. Дегил, кўп қилмасин аҳдини ёлғон, бир келиб кетсин (Х. Ҳакимзода). Ёзги кузатув, она насиҳати, Адолат табассуми, «Қачон келсангиз ҳам, мен сизники» деган ваъдаси, унга аҳд-паймони, рота жангчилари олдида ичган қасами!... (И. Раҳим.)

ВАЪДАЛАШМОҚ, АҲДЛАШМОҚ, АҲД-ПАЙМОН ҚИЛИШМОҚ, КЕЛИШМОҚ, БИТИШМОҚ. Нимадир қилиш ҳақида бир фикрга келмоқ, сўзни бир жойга қўймоқ. Аҳдлашмоқ сўзида белги даражаси кучлироқ. Аҳд-паймон қилишмоқ асосан ишқ-муҳаббатда ваъдалашишни билдиради. Ваъдалашмоқ, аҳдлашмоқ, аҳд-паймон қилишмоқ сўзларида ўзаро ваъда бериш оттенкаси бор. Келишмоқ, битишмоқ сўзларида эса бу оттенка йўқ.

...туякашлар билан Андижонда бу кунга учрашиш учун ваъдалашган эдим (А. Қодирий). Дам олиш кuni Раҳим Зиёевникида учрашишга аҳдлашдик («Қизил Ўзбекистон»). Улар Эшонбоев Замира билан аҳд-паймон қилибди деб эшитишган, энди бунинг қанчалик ростлигини билишмоқчи бўлишарди (П. Қодиров). Эртасига келишган вақтимизга етиб бордим (Сайёр). Энди ёшлар олдин ўзлари битишиб, совчини кейин юборишади (О. Ёқубов). Қуда бўлиш тўғрисида ...аллақачон енг ичида битишиб қўйган эди (М. Осим).

ВАҚТ, ПАЙТ, ЗАМОН, ФУРСАТ, МАҲАЛ, ЧОҒ, КЕЗ, КЕЗАК, МАВРИД, ПАЛЛА, МУДДАТ, ДАМ, ОН, ЛАҲЗА. Юз берадиган воқеа-ҳодиса ва нарсаларнинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва ҳ. к. билан ўлчанадиган давомийлиги. Вақт сўзи қолганларидан кенг тушунчага эга. Пайт, замон, маҳал, чоғ, кез, кезак, палла, муддат, дам, он, лаҳза сўзлари маълум чегараланган вақтни билдиради. Шунинг учун бу сўзлар ифодаланаётган вақт чегарасини аниқлаб кўрсатувчи сўзлар билан бирга қўлланади: ёз пайти, бир замон, ҳар маҳал, шу он, шу чоғ, ўша кезде, ҳар лаҳза, куз палласи каби. Муддат ўлчанган, белгиланган вақтни билдиради. Замон бирор ҳодиса-воқеа билан характерли бўлган вақт оралигини ҳам билдиради. Лаҳза, он вақтнинг жуда қисқа даражасини билдиради ва кўпроқ китобий услубга хос. Фурсат кўпинча маълум иш учун лозим бўлган, шу ишга белгиланган вақт маъносини билдиради.

Вақт кечга оққан эди. Йўлчи яна бозорга қайтишни истамади (Ойбек). Ушанда ҳам фақат дам олиш пайтларида кунда бир ё икки бўлади. Бошқа вақтларда айтувчи ҳам бўлмайти, эшитувчи ҳам (М. Исмоилий). Мулла Абдурахмон ҳар замон манглай терини артиб олар эди (А. Қодирий). Чақалоқлар оч ва яланғоч, Ер ва сув деб ўтди деҳқонлар. Йиллар оша, асрлар оша ҳукм сурди шундай замонлар (Э. Раҳим). ...бу фурсатдан фойдаланиб, старший сержант жангчиларни аста-секин тепаликка яқинлаштирди (Ойбек). Шу маҳал қизиқчилик билан анча танилиб қолган Мурзин келиб қолди (Шухрат). Сидиқжон бу чоғ қиз боланинг тақдири тўғрисида ўйлар эди (А. Қаҳҳор). Адолат йўқлаб борган кезларида эса гоҳ очилиброқ гаплашар, гоҳида индамай, қовоғини солиб олар, йиғлар эди (С. Зуннунова). Азизов муридизмнинг иллатлари ҳақида гап очмоқчи эди-ю, раиснинг имосини эслади ва унинг раъйига қараб, гапни бошқа мавридга қолдирди (Ш. Тошматов). Оқсой устига тонг зари ёгилган паллада Шербек отхонага кириб келди (С. Анорбоев). Қақирдаги пахтанинг терилиш муддати яқинлашган сари Ғуломжоннинг юраги ўйнар эди (М. Исмоилий). Манглайнинг силаган Ленин қўллари, Истиқбол жангига йўлланган ўзи. Кўп мушкул йўл эди кураш йўллари, Энг оғир дамларда қўллаган ўзи (Шухрат). Шу онда чироқ шарақлаганича бориб шипга урилди-ю, бирданига иккита ўқ чиқди (А. Қаҳҳор). Уғлимга деб ўстир янги бўстонлар, Йилларнинг меҳнатин бажарсин онлар, Уғлим келади деб бўлгин-у хуррам,—Уйингга тўшагил қип-қизил гилам (Уйғун). Сувлар оқар қуйи томонга, Ёш десанг — ёш, чол десанг — кекса, Худди шундай, кунлар замонга, Қуйилади асрий уммонга; Ҳаракатда олам ҳар лаҳза... (М. Шайхзода.)

ВИЖДОН, НОМУС. Ўз хатти-ҳаракати учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳисси. Номус бу маънода жуда кам қўлланади ва унда уят-андиша ҳисси тушунчаси устунроқ бўлади.

«Яна виждондан, ифбатдан даъво юритадилар!» — ёлқинли кўзларида яна ғазаб тошиб деди Искандаро (Ойбек). Виждон билан жиғилдон сув билан ўтдек бир-бирига ёв. Жиғилдон хуруж қилган ерда виждонга йўл йўқ (Уйғун). Низомжон муҳаббат билан номус ўтида қовурилди (Саид Аҳмад).

ВИЖДОНЛИ, НОМУСЛИ, ТУҒРИ, ҲАЛОЛ, СОФ ДИЛ. Виждонан иш кўрувчи, кўнгли-дили тоза. Соф дил — оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди.

Меҳнат интизоми тўла амалга оширилган бўлмаса ҳам, камбағаллар, виждонли ўртаҳол деҳқонлар «ўзимиз қурган ниҳол [колхоз] вояга етсин» деб кучлари борица яхши ишладилар (С. Айний). Нури узоқ ўйлагандан кейин, севиниб энтикди ва ўз

ичида шундай деди: «Ман кўр эканман, камбағал бўлса ҳам кўзи очиқ, номусли йигит экан» (Ойбек). Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб, гул бўласан, Эгри бўлсанг, ўсиб бориб, кул бўласан (Мақол). Колхоз раиси умри етимликда ўтган ҳалол одам бўлса ҳам, узоқни кўролмасди (Ш. Рашидов). Сиз хизр назар қилган, мўғтабар, кишининг ҳақиға хиёнат қилмайдиган, соф дил, ростгўй одамсиз («Муштум»).

ВИЖДОНСИЗ, НОМУССИЗ, БЕНОМУС, НОИНСОФ, ИНСОФСИЗ, МУТТАҲАМ. Виждонан, инсоф билан иш тутмайдиган, виждони йўқ. **Виждонсиз, номуссиз, беномус, ноинсоф, инсофсиз** сўзларининг фарқли хусусияти уларнинг ўзагидан келиб чиқади. **Муттаҳам** сўзида белги даражаси кучли.

Қутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди, «Виждонсиз, иблис»,— деб қўйди (А. Қодирий). ...виждонсиз хотин эса номус қилмай тумонатни бошига тўплаган, бир умр эгри йўлга кирмаган шўрлик отамни шарманда қилган («Муштум»). Нимага сен холангга биз берамиз деган кишига «Тегмайман» дер эмишсан? Қандай бетинг бўлди, номуссиз! (Ҳ. Ҳакимзода.) Аммо Тоҳиржоннинг қасами, рўзгордан қийналганим учун яна қулогини тиккайтирди, беномус (Ойбек). Нима қипмиз, тақсир? Кимни ишдан совутибмиз? Қайси ноинсоф топиб келди сизга бу ёлғон гапни? (М. Исмоилий.) Сўнг чекда хўрланган ва фавқулодда чайқалган юраги билан ихтиёрсиз: «Маккор, инсофсиз!»— деди (А. Қодирий). Раҳматхоннинг овози йигин тепасида янграб кетди: «Муттаҳам бойлар, савдогарлар қаҳатчилик, қийинчиликдан фойдаланиб ҳамёнларини пулга, омборларини ғаллага тўлдирса-ю, минг-минглаб ишчилар, меҳнаткашлар оч-яланғоч ётса...» (П. Турсун).

ВОҚЕА, ҲОДИСА, ГАП, СИНОАТ. Воқеа бўлган (бўлаётган, бўлувчи) нарса. **Ҳодиса** кўпроқ кутилмаганда, тўсатдан бўлган (бўлаётган, бўладиган) воқеа маъносида қўлланади. **Гап** бу маънода оддий сўзлашувга хос. **Синоат** жуда кам қўлланади ва унда «нималиги ноаниқлик, сир эканлик» тушунчаси бор.

Тақсир, оламда гап кўп: Ер юзида бўлган жамъи воқеаларни ҳар кўни газеталар етказиб туради (Ойбек). Овқат устида Хадича хола қишлоқда бўлиб ўтган ҳамма катта-кичик ҳодисалар тўғрисида гапириб берди (А. Қаҳҳор). Мен қайдан билай... У ерда сизларнинг ғалла тўғрисидаги ишларингизни текшириб, қайтиб келсам, шу ҳодиса бўлган экан (С. Айний). Йўлчи чўчиб уйғонган киши каби кўзларини катта очди.— Ман Йўлчи,— йигит тўхтади.— Қачон келдинг! Бу қандай гап? — ҳаяжон билан сўзлади Ермат (Ойбек). Воҳ ажаб, бу не синоат, Ер узун, осмон узун (Э. Воҳидов).

Г

ГАВДА, ЖУССА. Инсон ёки ҳайвон вужудининг бош ва қўл-оёқдан ташқари қисми. **Жусса**, асосан, гавданинг катта ёки кичиклигини таърифлашда («катта», «кичик» каби сўзлар билан бирга) қўлланади.

Салимбой катта гавдаси билан стулни қисирлатиб, йўғон иштдор қўлларини қордай оқ сурп тўшалган столга қўйди (Ойбек). Раззоқ худди дадаси каби жуссаси кичик, чўтир юз, митти, қора кўз йигит бўлишига қарамай, овози жаранглар, сўзлари пишиқ-бийрон эди (Ҳ. Фулом).

ГАВДАЛИ, ЖУССАЛИ, БАРВАСТА, НОРГУЛ, ҚОМАТ-ДОР, БАРЗАНГИ. Гавдаси катта. **Барваста** оддий сўзлашувда жуда кам учрайди. **Норгул** асосан ёш, йигит кишиларга нисбатан қўлланади. **Барзанги** салбий бўёққа эга.

У гавдали, яғриндор ёш йигит эди (Ойбек). ...попукли дўппи кийган, елкасига милтиқ осган жуссали, мўйловдор киши дарвоза ёнидаги эшикни очди (Ш. Тошматов). Уз номини эшитиб тўхтади-ю, қўшинисининг эшиги олдида турган оқ яқтакли новча, барваста одамни кўриб орқасига бурилди (М. Исмоилий). Мен сени эслайман кечаю-кундуз Балки сен ҳам мени этакжаксан ёд. Бўйлари барваста, қошлари қундуз, Нима қилсам, сени айлағумдур шод? (Уйғун.) Ниҳоят дарвозадан кенг елкали, норгул бир йигит чиқди-да, орқасига ўгирилиб, хўрсиниб қўйди (Тўхтабоев). «Салом!»— деб қолдилар қоматдор қизлар, Ерларки, сочлари тақимга тушган (Ойбек). У юртга таниқлик мардларнинг бири, Танги, ўктам, барзанги, девкор (Миртемир).

ГАНГИМОҚ, ДОВДИРАМОҚ, ЭСАНКИРАМОҚ, ГАРАНГИМОҚ, ГАНГРАМОҚ, КАЛОВЛАНМОҚ, МЕНГРОВСИМОҚ, ТАЛМОВСИРАМОҚ, ОБДИРАМОҚ. Бирор нарса таъсирида тўғри фикрлаш, фикр айтиш, тўғри ҳаракат қилиш ҳолатини йўқотмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ. **Эсанкирамоқ, довдирамоқ** сўзларида белги даражаси кучлироқ. **Гарангсимоқ, ганграмоқ, менгровсимоқ, талмовсирамоқ** нисбатан кам қўлланади. **Каловланмоқ** сўзида «фикр айтиш» оттенкаси йўқ. **Обдирамоқ** диалектал.

Совет қуроли ўз кучини кўрсатди... душман гангиб, калавасининг учини йўқотиб қўйди (Н. Сафаров). Турсун опанинг боши гангиб қолди («Муштум»). Муҳаммад Расул ўз ишида кўпгина тажриба орттирган киши бўлгани учун бойларга ҳисоб берганда унчалик довдирамас эди (Ойбек). Нақд ўлим олдида немис эсанкиради, шунинг учун фақат иккита ўқ уза олди, холос (А. Қаҳҳор). У [Сўнагул] ёстиқ тагидан бошини кўтармади. Мен гарангсиз бу ёқ-бу ёққа юрдим (А. Мухтор). Иш қилувни билмай, ўчиб ранги-афти, Ёлғиз қўллик Кўкан аввал

кўп г а н г р а б д и (Ф. Фулом). Наимий бу гурундан тезлаб ўтиб кетмоқчи эди, кейинги гапни эшитиб, боши биров гувала билан ургандай, к а л о в л а н и б қолди (А. Мухтор). Аввал кўз олдим сал қоронғилашиб, бошим ширингина айланиб кетди, м е н г р о в с и б қолдим (А. Мухтор). Вақт... Дастлабки кезларда кишини талмовсиратиб қўйган ҳар қандай оғир мусибат вақт тазйиқи билан унутилиб кетади («Саодат»). Шунинг учун кутмаган ҳол қаршида бир оз обдираб қолди (Ойбек).

ГАПДОН, СУЗАМОЛ, НОТИҚ. Гапга уста, топиб (боплаб) гапирадиган, нутқи ўткир. Гапдон, сўзамол умуман «гапни ўрнига қўядиган, топиб сўзлайдиган» маъносини билдиради. «Нутқи ўткир» маъносида бу сўзлар, айниқса гапдон сўзи, оддий сўзлашувга хос. **Нотиқ** адабий тилга хос ва умуман гап-сўзга усталикни эмас, балки нутқ сўзлашдаги усталикни билдиради.

Шўх, гапдон йигит — Қамбар бир оёғини судратиб босар эди (Ойбек). Гапнинг тингловчи топилган жойда Киши бўлиб қолар шундай сўзамол (Ҳ. Шарипов). Чернишев ҳар қандай вазиятда ўзини тута биладиган одам ва минг ўлчаб, бир кесади-ган раҳбар бўлиши билан бирга моҳир нотиқ ҳам эди (И. Раҳим).

ГАПИРМОҚ, СЎЗЛАМОҚ, СЎЙЛАМОҚ. Гап айтмоқ, сўз айтмоқ. Гапирмоқ сўзи сўзламоқ (сўйламоқ) сўзига нисбатан кенг қўлланади. Сўзламоқ китобий сўз. Сўйламоқ кўпроқ поэзияда қўлланади.

Ҳакимбойвачча уруш хабарларига ҳар вақт қизиққанликдан диққат билан тинглади. Сўнгра ўзи ҳам гапирди (Ойбек). У ҳар вақт шошар, гапирганда, юрганда, ишлаганда бир нимага интилиш, сабрсизлик сезилар эди унда (Ойбек). Уста Олим қўлидаги пиёласини қулт этиб бўшатди-да, устақори билан аччиқлашини сабабини сўзлаб берди (А. Қодирий). У чиройли майин товуш билан сўзларкан, хумор кўзлари билан йигитга қарайди (Ойбек). Сўйла менга, эй мажнунтол, Нечун ҳолинг паришон? (Т. Тўла.) Розимсан, ёнингда қолиб, Тонгга қадар эртак сўйла сам? (Шухрат.)

ГИНА ҚИЛМОҚ, ЁЗГИРМОҚ, УПКЛАМОҚ. Хафалик, норозилик билан нолиб гапирмоқ. Ёзгирмоқ сўзида айбентиш отенкаси ҳам бўлади.

Гина қилиш энди бас, гапни ҳар ёққа бурсанг, Хилма-хил қудуратлар чиқа берар қатма-қат (А. Орипов). «Биламан, ўзинику хўш кўрмаймиз. Ахир, опам эшитса, ёзгирмайдимиз? Унинг ҳурмати йўқми...» (Ҳ. Назир). Бу ерда баъзи ўртоқлар, айниқса ёш муаллимлар, боланинг бебошлигини ота-онасига айтмагансиз, ота-онасидан ёрдам олмагансиз, деб мендан ўпкаладилар (М. Исмоилий).

ГРУППА, ГУРУХ, ТУДА, ТҮП, ТУРКУМ. 1. Шахс ёки нарса-лар йиғиндиси. Группа, гуруҳ сўзлари ҳамма вақт одамга нисбатан

қўлланади. Тўда, тўп сўзлари эса ҳайвонларга, шунингдек жонсиз предметларга нисбатан ҳам қўлланаверади. Туркум кам қўлланади.

Батальон миномётчилари икки группага бўлиниб, шимолий ва жанубий қанотларга ташланди (И. Раҳим). Тўй бекаси — Мирзакаримбойнинг хотини — аёлларни уч гуруҳга айирган эди (Ойбек). Арилар тўдаси ўзини қоп ичига урди (Ҳ. Назир). Аҳмаджон буни фаҳмлаб, кўз қири билан пулемётчилар тўпини кўрсатди (А. Қаҳҳор). У пахтасини келтириб, хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади (М. Исмоилий). Гуллар дудоғидан сўришар қониб, Жавлон уриб ўтар туркум кабу-тар (Миртемир).

2. Мақсади, иши бир хил бўлган кишилар уюшмаси.

Домла, группа миздаги ҳамма студент сиёсий иқтисод фанидан энди беш баҳо оладиган бўлди-да? («Муштум»). Энди маориф учун ташвиқотни, албатта, савдогарларимиз, мулкдорларимиз ўртасида юргизиш керак. Зотан Туркистон ўлкасининг истиқболи бу гуруҳнинг қўлида (Ойбек). Азмиддин турли аксиланқилобий тўдаларни ягона бир ташкилотга уюштирди (Ҳ. Фулом). Мана шу Гаффор кўрбоши тўдасининг ўзи билан уч йил олишдик (Н. Сафаров). Шу-шу бўлди-ю, Сидиқжон яна ўз тўпига қўшилиш, шуларнинг кетидан бориш, колхозга кириш тараддудига тушди (А. Қаҳҳор). Ёвни сен мағриб томон қувганда тўхтатмай мудом, Рўдаполар туркумин эгганда қуршаб қатлиом... Ҳамлада қудратли шерсан, жангда арслон, армиям (Уйғун).

ГУВОҲ, ШОҲИД. Бирор ҳодиса-воқеани ўз кўзи билан кўрган, шуни тасдиқловчи шахс. Шоҳид эскирган.

«Мен ўзим эшитганман! Мана, мана гувоҳ!» — деди қори (П. Турсун). Аммо Мулла Муҳсин алоҳида фикрда қолади: «Тарафайдан бирини сирқатда айбламоқ учун ақалли уч нафар шохид зарур», — дейди (А. Қодирий).

ГУЛ, ЧЕЧАК. Усимликнинг, одатда, оналик ва оталикларини ўраб турган тожибарг (гулбарг)лардан иборат гултож шаклидаги қисми. Гул сўзи жонли тилда ҳам, китоб тилида ҳам кенг қўлланади. Чечак сўзи эскирган, асосан, бадий услубда қўлланади.

Чаманинга гуллар яшнаган, Ардоқлайсан, тўйиб қарайсан (Ғайратий). Ел қаноти гоҳ гулга тегиб, Гоҳ новдалар эгилар эди. Чечакларнинг бошини эгиб, Аста хушқид сепилар эди (Т. Тўла).

ГУЛШАН, ГУЛИСТОН, ГУЛЗОР, ГУЛБОҒ, БҮСТОН, ЧАМАН, ЧАМАНЗОР. 1. Гул билан қопланган, гул экилган майдон.

О, йигит, тонг чоғи уялмай-нетмай Бир ўзинг гулшанда кезмагинг нечун?... У қандай жононки, чаманда ёлғиз Бир ўзинг кезмакка мажбур этибди! Айт унинг номини, ўзи қандай қиз, Шундай бир гулзорни ташлаб кетибди! (Шухрат.) Фарғонанинг атир ҳидли Гулбоғлари ёдимда (Зафар Дийр).

Негадир бугун касалхонанинг олдидаги чаманзор унга бошқача кўриниб кетди (С. Анорбоев). Майдонда ул санам деб душманга бўлдим офат, Бўстони гулга тўлган фасли баҳора айтгин (Уйғун).

2. Гуллаган, яшнаган, обод (жой).

Ҳақиқатан ҳам халқимиз меҳнати билан чўл бағрида гулшандиёр бунёд этиляпти («Совет Ўзбекистони»). Боғда олқишлар санамлар, лолалар, гуллар сени... Сен билан саҳро чаман, чўллар гулистон, армиям (Уйғун). Норинда сув бор экан, Чўллар сувга зор экан. Чўп битмаган биёбон, Сув келса, гулзор экан (Қўшиқ). Меҳнат аҳли қилди обод Фарҳод даштини гулбоғлар, Гулистон бўлди саҳролар, учолмас энди ҳеч зоғлар (Акмал Пўлат). Колхоз боғида гуллар, Ҳар шоҳида булбуллар. Чўлни бўстон қилишга Келди сочи сумбуллар (Қўшиқ). Она-Ватан, сенга чексиз меҳрим бор, Сен тугайли бизлар эркин, бахтиёр. Тинч яшаймиз сенинг парваришингда, Кундан-кунга яшнар бизнинг чаманзор (И. Муслим).

ГУМОН, ДАРГУМОН, НОМАЪЛУМ, НОАНИҚ. Маълум эмас, аниқ бўлмаган.

Энди менинг бунда турмоғим гумон, Қалмоқ элга мен кегармен бул замон (Ф. Йўллош). Абат бир оз эсанкираб қолди ва даргумонроқ қилиб мингирлади (Х. Сеитов). Қизлар нимани ўйлайдилар ва нима тўғрисида маъюсланадилар, бу эса қизларнинг бизга номаълум бўлган ички сирларидир (А. Қодирий).

ГҲР, ҚАБР, МОЗОР, ЛАҲАД. Одам ўлиги қўйиладиган ёки кўмилган ер (жой). Гўр баъзи ҳолларда салбий оттенкада қўлланади. Лаҳад — жуда кам қўлланади. Мозор бу маънода оддий сўзлашувга хос.

Мен йиғламайман! То ўғлимнинг ўрини қучоқлаб, тупроғини юзимга суртмагунимча кўзимдан ёш чиқмайди... (А. Қаҳҳор). Чинорли мозорда хўп меҳрибон, хўп дилкаш одам Бобоқул отанинг қабри бор. Мен тераётган гуллар ўша кишига (С. Анорбоев). Ермат қаёққадир, балки Гулнорнинг мозорига илдам жўнаркан, лаблари муттасил пичирлади: «Нима иш қилдим? Гуноҳми, савобми? Соҳолим оқарганда қўлимни қонга ботирдим» (Ойбек). Ҳе, волимлар ўлсин! Биз турамиз, болам, биз яшаймиз! Золимлар лаҳадга даф бўлсин! (Х. Гулом).

Д

ДАВОЛАМОҚ, ТУЗАТМОҚ. Даво (муолажа) билан касални кетказмоқ. Даволамоқ касални кетказишнинг (тузатишнинг) дори-дармон билан бўладиган усулини билдиради. Тузатмоқ феъли эса, қандай йўл билан бўлишидан қатъи назар, умуман касални кетказиш, дард-касалдан ҳоли қилиш маъносини билдиради.

Товагулни ҳам даволаган эканлар Марьям опам! (Х. Гулом). «Семизроқ бўлсин,— дейди у,— ориқ бўлса, касалингни тузатишга кучи етмайди» («Муштум»). Ибнисинога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан (Ойбек).

ДАЙДИ, САНҚИ. Ишламай, вақтини бемаъни, бефойда ўтказиб кезиб юривчи. Санқи сўзида белги даражаси кучли.

Тайини йўқ дайди, Машҳад бекатларида юриб, майнавозчиликка ўрганиб қолган (А. Мухтор). Қанақа санқи боласан, онанга ёрдамлашиш ўрнига кўчада юрганинг-юрган («Қизил Ўзбекистон»).

ДАЙДИМОҚ, САНҚИМОҚ, САНДИРОҚЛАМОҚ, ТЕНТИРАМОҚ, ЛАҚИЛЛАМОҚ, САЛАНГЛАМОҚ, САКИЛЛАМОҚ. Ҳеч бир нарса қилмай, вақтини беҳуда ўтказиб кезиб юрмоқ. Дайдимоқ, санқимоқ, сакилламоқ асосан одамга, кам даражада ҳайвонга нисбатан қўлланади. Қолганлари фақат одамга нисбатан қўлланади. Санқимоқ, сакилламоқ сўзларида салбий бўёқ кучли.

«У киши дайдиб юришдан бошқа нарсани билмас эканлар»,— деди Карим ака («Муштум»). Ўрмонжон, аввало, Мамарайим афандини танимасди, қолаверса, ҳар қаерларда санқиб юрадиган бебош бола эмасди (М. Исмоилий). «У дайди қайда сандироқлаган экан-а»,— деди Абдулвоҳид ейишда давом этиб (Ойбек). Биз томонларда камбағал-қашишқ кўп. Ҳар томонга тентираб кетгани кўп (П. Турсун). Хўжабековнинг илгариги лавозимидан «ўз аризасига биноан» бўшаб, кейинча «кичикроқ» вазифаларда ишлашга ор қилиб, «каттароқ» иш тополмай, икки йил ишсиз лақиллаб юрганидан, аризабозлик қилиб, ҳамманинг бошини қотирганидан хабари бор (С. Анорбоев). Ота Эргашнинг саланглаб юришидан ор қилиб, қўшнисиси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Ғаниевнинг олдига маслаҳат сўраб кирди («Қизил Ўзбекистон»).

Ора-сира кайфчўғлик қилсам, она билан қиздан дакки еганим-еган (Ойбек). Бу жиҳатдан Адолат баъзи дугоналаридан дашном ҳам еди (И. Раҳим). «Улундай безбет экансан-да, Набиул»,— деб берган дашномига одатдагича масхарабозлик лади.

Ора-сира кайфчўғлик қилсам, она билан қиздан дакки еганим-еган (Ойбек). Бу жиҳатдан Адолат баъзи дугоналаридан дашном ҳам еди (И. Раҳим). «Улундай безбет экансан-да, Набиул»,— деб берган дашномига одатдагича масхарабозлик билан жавоб берди (А. Қаҳҳор).

ДАНГАСА, ЯЛҚОВ, ИШЕҚМАС, ТАНБАЛ, СОЯПАР(ВАР). Ишга бўйни ёр бермайдиган, иш-меҳнатдан қочувчи. Ялқов сўзи дангаса сўзига нисбатан маънони кучсизроқ оттенкада ифодалайди. Ишеқмас сўзида белги даражаси дангаса, ялқов сўз-

ларидагига нисбатан кучлироқ. **Танбал** ҳозирги тилда жуда кам қўлланади.

Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар (Мақол). Афандининг онаси ёшлигидан ялқов бўлиб, ўқийди ҳам, ўйинда ҳам доим ўртоқларидан, ҳатто Афандидан ҳам қолиб юрар эди («Муштум»). Иссиқдан мудраган ва ҳорғин ориқ отининг ялқов қадамига бардош қилиб шаҳардан қайтаётган деҳқон... (Ойбек). У идора ишларини ҳам ўзидай иш ёқмас бекорчи Шамсиевга топшириб қўйган (А. Мухтор). Дала шийпони қуришга бошлиқ қилиб биркитилган киши анча бўшанг ва танбал эди (Ш. Рашидов). Сенга ўхшаган сояпарвар, бўйни йўғонлар ўзини салқинга уриб, жўжаҳўрознинг шўрвасини ичиб ўтирганда, хотинлар терлаб-пишиб кетмон чопган (Саид Аҳмад).

ДАНФИЛЛАМА, ҲАШАМАТЛИ, СЕРҲАШАМ, МУҲТАШАМ. Ҳашами, тузилиш-кўриниши зўр. Ҳашаматли, серҳашам сўзларида белги даражаси кучлироқ. **Данфиллама** уй-жой, иморатга нисбатан қўлланади. Қолган сўзлар уй-жой, бинодан бошқа нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади. **Муҳташам** китобий.

...Олти хонали, тунука томли данфиллама уй қуриб олганига кўп бўлгани йўқ-ку, дарров енгил машинага пулни қаердан топдикин? («Муштум».) Табиий, ҳаммадан Нурининг уйи ҳашаматли, қимматли жиҳозлар билан магазиндай ясатилган: кўрган одамнинг кўзи қамашади (Ойбек). Фосих афанди, мингбоши ва аёнлар садақайрағоч тагидаги супада тузалган ҳашаматли дастурхон атрофига келиб ўтириши (М. Исмоилий). Бухоро областининг «Ромитон» совхозида 700 киши сифадиган серҳашам клуб бор («Муштум»). «Шу серҳашам секция сизники!»— деди Наумов жилмайиб Шабдиновга («Муштум»). *Муҳташам* кошоналар, *Бир ён чаман боғ* (Ғайратий). Чирчиқнинг бугунги қиёфасини таърифлаб бўлмайди, у шу қадар гўзал ва муҳташам бўлиб кетган («Қизил Ўзбекистон»).

ДАРАКСИЗ, БЕДАРАК, ДОМ-ДАРАКСИЗ, БЕДОМ-ДАРАК, НОМ-НИШОНСИЗ, БЕНОМ-НИШОН. Ҳеч қандай дарак (хабар) йўқ ҳолатда. Бу сўзларнинг фарқи хусусияти уларнинг ўзаги билдирган маънодан сезилиб туради.

Шокирбекнинг кеча эрталаб чиққанидан бери дараксиз кетишига ташвишланиб ўтирган уста Олим уни йўлакда кўриши биланоқ сўради... (А. Қодирий). Отам мени Тошкентга олиб бориб, детдомга топширди. Ўзи шу кетганича бе дарак кетди (Ҳожи Ахмар). Ҳамиданингни ўлган-ўлмаганини ҳеч ким билмади. Бир кун холамникига бораман, деб шаҳарга тушди-ю, дом дараксиз кетди (М. Осим). Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг дард-фироқида куйиб, ётиб қолибдилар (А. Қаҳҳор). Шамсиддин Иброҳимовнинг ном-нишонсиз йўқолгани ҳақидаги хабар эртаси кунги маълум бўлди (М. Уринхўжаев). Шу билан Умри беном-нишон йўқолди (А. Қаҳҳор).

ДАРДЛАШМОҚ, ҲАСРАТЛАШМОҚ. Дард-ҳасрат айтишмоқ. **Дардлашмоқ** сўзи дард-аламни ифодаловчи суҳбат, шунингдек дард-алам ифодаламайдиган суҳбат маъносида ҳам қўлланаверади. **Ҳасратлашмоқ** сўзида ҳамма вақт дард-алам бўлади ва бу сўз маънони **дардлашмоқ** сўзига нисбатан кучлироқ оттенкада ифодалайди.

Шундай қилиб, улар ҳаётдан, бахтдан, адабиётдан, сиёсатдан сўзлашдилар, узоқ дардлашдилар («Ўзбекистон маданияти»). Кошки у ҳам Йўлчиға ҳамроҳлик қилган бўлса, у билан дардлашиб, ғамларига шерик бўлиб, овутиб, юпатиб, у билан бирга тепалар, жарлар ошса... (Ойбек). Она-бола туни билан ҳасратлашиб, охири маслаҳатни бир ерга қўядилар. Эрталаб Қутбинисо ўғлига оқ йўл тилаб дуо ўқийди (П. Турсун). Бу фалокатга тўсқинлик қилишдан ожиз бўлган икки овсин шу кайфиятда ҳасратлашар экан, дарвоза ёқдан Нурининг йиғиси эшитилди (Ойбек).

ДАРМОНСИЗ, БЕДАРМОН, МАЖОЛСИЗ, БЕМАЖОЛ, МАДОРСИЗ, БЕМАДОР, ҚУВВАТСИЗ, БЕҚУВВАТ, КАМ-ҚУВВАТ. Куч-қуввати кам, дармони қуриган.

Қиз жуда озгин, юзи саргайган эди. Кўзлари ҳорғин, дармонсиз эди (Ойбек). ...бетоб, дармонсиз Гулнор бу кун ювилиб, офтобда қуриган бир қучоқ ёзлик кийимларни аллақандайдан йиғиштириб келарди (Ойбек). Икки элат ҳорғин, бе дармон судралиб, бир чеккага, қовжираган дарахт остига чордона қуришди-да, ўқчиб кўмир тупуришди (Ойбек). Кўп вақт ўтмасданоқ, Фарида йиқилиб тушадигандай мажолсиз бир аҳволда гандирақлаб қайтиб кирди (П. Қодиров). Гоҳ ўлтириб, гоҳ ётиб бе мажол сўзлар эди ўтмишдан кекса чол (Ҳабибий). Абдулвоҳид Ҳусайн индамади, мадорсиз ҳолда ўрнига базўр ўтирди (Ойбек). Усти-боши йиртилган Сонсиз чорикор, Меҳнат, алам даштида кезар бе мадор (Ғайратий). Бола жуда ёш ёки камқувват, тез чарчайдиган ва яхши эмайидиган бўлса, уни соғиб олинган кўкрак сути билан овқатлантириши лозим (А. Ҳабибев).

ДАРРОВ, ДАРҲОЛ, ТЕЗ, ТЕЗДА(Н), БИРПАСДА, БИРЗУМДА, БИР ЛАҲЗАДА, ЗУМДА, ЛАҲЗАДА. Қисқа вақт ичида тезлик билан. **Дарҳол** сўзида тезлик ва қисқалик даражаси дарров, бирпасда сўзларидагига нисбатан кучлироқ. **Бир зумда, зумда, лаҳзада** сўзларида яна ҳам кучли.

Алим бува билан Ҳасан сўфи дарров пастга қарашди (М. Исмоилий). Ҳозиргина баённомаларни ўқиб бермадимми? Дарров унутдингми? (С. Айний.) Гулнор дарҳол ўрнидан турди, кавшини оёққа олиб, ҳовлига тушди. (Ойбек). Бой тез фаҳмлади-да, «Шундайми, жиян»,— деб кулди (Ойбек). Мажлис... колхоз хўжалигидаги камчиликларни тездан бартараф қилишни Бўтабой акага топширди (А. Қаҳҳор). Қишининг биринчи ярми қуруқ келди. Икки мартагина қор ёғиб, тезда эриб кет-

ди (П. Турсун). Лекин кўп ўтмасдан Кундузнинг кўзи юмилди. Урмон ичи бир пасда қоронғилашиди (Ойбек). Йўлчига қўл учини берди ва бир зумда боғ ичида ғойиб бўлди (Ойбек). Одамлар бир зумда тарқалиб ишга тушиб кетди (А. Қаҳҳор). Гулнор бошини эгиб, чуқур сукутга ботди, бир лаҳзада юзини изтироб қўлкаси қоплади (Ойбек). Уғлининг таниш бу ҳолати зумда опанинг кўнглини ғаш қиладиган бўлиб қолган эди (А. Мухтор) У зумда қайтиб чиқди (А. Убайдуллаев). Навкарлардан бири лаҳзада мажақлаб ташлади (Ойбек).

ДАСТЛАБ, ДАСТАВВАЛ, АВВАЛ, ОЛДИН, БОШЛАБ, АВВАЛИ, АВВАЛБОШИ, АВВАЛО, БОШДА. Биринчи навбатда, биринчи бўлиб. Олдин кўпроқ оддий сўзлашувга хос. Бошлаб, аввали, аввало сўзлари бу маънода кам қўлланади.

Улар дарахт остида, салқинда ўтиришди. Ёрмат нонни ушатиб, дастлаб Йўлчига чой узатди... (Ойбек). Ҳар нима бўлганда ҳам, сув даставвал халққа керак (М. Исмоилий). Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса бировга ур! (Мақол.) Қўрққан олдин мушт кўтарар (Мақол). Аммо иккинчи кун бунини бошлаб Отабек, ундан кейин Ўзбек олим сезди (А. Қодирий). Уртоғиниз Содиқбой мен билан биргалашиб камлик кўрмади, аввали худо, қола берса, мен уни уйлантириб қўйдим (А. Қодирий). Аввалбоши ўзимизнинг колхозчиларга тушунтиришимиз керак (А. Қаҳҳор). Аввало шунини таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни... ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлдик (А. Қаҳҳор). Бошда бу ишга Хўжабеков қарши чиққан бўлса ҳам, правление қўллаб-қувватлаган эди. Шундай экан, бу ишни Шербекнинг ўзбошимчилиги деб ҳисоблаш адолатданми?! (С. Анорбоев.)

ДАФН ЭТМОҚ, КЎММОҚ, ҚЎЙМОҚ. Қабрга жойламоқ. Кўммоқ салбий бўёққа эга. Қўймоқ оддий сўзлашувга хос. Унинг бу маъноси маълум контекстда (ситуацияда) аниқ ифодаланади.

Улар жанг майдонида ўлса, ҳарбий формада дафн этилишини умид этган ёшлар эди (Шуҳрат). Отабек эшикдан чиққанда Содиқни кўмиб келган кишилар қуръон ўқиб тарқалмоқда эдилар (А. Қодирий). Саломатнинг ранги саргайган, гўё энг яқин кишини қабрга қўйиб келаётгандек мотамсаро бир қиёфада эди (Саид Аҳмад).

ДАХМАЗА, ДАРДИСАР, ТИРИКТОВОН. Ортиқча ташвишли (кераксиз) нарса (шахс). Дахмаза, дардисар одам ва нарсаларга нисбатан қўллана олади. Тириктовон фақат одамга нисбатан қўлланади.

У комсомол, касаба ташкилотларидан овлоқроқ юришга ҳаракат қиларди. Уқини халақит беради, дахмаза деб қарарди (С. Анорбоев). «Э ота, нима қиламиз дардисарни»,— деган эди. «Яхши бўлса, ошини ер, ёмон бўлса — бошини»,— деди мўй-

сафид (П. Турсун). Бу тириктовон энди қайси идоранинг бўйинига юк бўлар экан? («Муштум»).

ДЕЯРЛИ, ҚАРИЙБ, ҲИСОБ(И). Бирор миқдор — ўлчов ёки ҳолатга жуда яқин, унга жуда оз қолган даражани билдиради. Қарийб сўзи деярли сўзига нисбатан камроқ қўлланади ва бу сўзда белги даражаси кучлироқ. Қарийб, деярли ўзи боғланган сўздан олдин, ҳисоби эса ўзи боғланган (оид бўлган) сўздан кейин қўлланади.

Дарахтлар пакана, меваси мўл, йирик, лекин ҳозир деярли ҳаммаси кўм-кўк (Ойбек). Бўзчилик бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб (А. Мухтор). Ерларга узала тушиб олган қор энди битган ҳисоб (Ҳ. Шамс). Баъзи корхоналарда бу турдаги рағбатлантириш оз миқдорни ташкил этса, баъзиларида мутлақо йўқ ҳисоби («Совет Ўзбекистони»).

ДОВРУҚ, ДОНГ, ШУҲРАТ, ШОН, НОМ, ОВОЗА. Машҳурлик ҳолати. Шон китобий, яқка сўз ҳолида кам қўлланади. Ном, овоза кўпроқ оддий сўзлашувга хос.

Шерозий қатнашган тўйларнинг доврўғи олисларга кетарди (Ж. Шарипов). Тошкентнинг донг чиқарган ялчилари шўх, жонли қўшиқ — «Олмача аноринга балли, боғу бўстонинга балли»ни куйлаб, гулхан теварагида рақс этардилар (Ойбек). Этакли водийда қумуш тоғ уйган Теримчи Кундузнинг шуҳрати баланд (Ғайратий). Пахтамининг шуҳрати Бутун оламга машҳур, Бахт йўлига бошлаган Партияга ташаккур («Қўшиқ»). Пахта териб ўтар узун кун. Ошиб тўлар унинг плани; Иши бўлар унинг овози Достон бўлар донги ва шони (Ҳ. Олимжон). Фарёд чекиб йиғлаб умрбод, Авлодларинг қул бўлсин, дединг. Саодатинг, шонинг, тарихинг Куйиб бир кафт қул бўлсин, дединг (Уйғун). Эй, Ватаннинг гавҳар ери, Эй, Самарқанд йлкаси!.. Ишинг улғун, номинг, зўр, Тўйинг қутлуғ, коминг зўр (М Шайхзода). Билан халқ титрайди овозасига, Бормоқчи бойларнинг андазасига, Йигитлар билан қочиб юриб Очилбек етди Каримкулнинг дарвозасига (Ф. Йўлдош).

ДОИМ, ДОИМО, ҲАМИША, ҲАММА ВАҚТ, ҲАР ДОИМ, ҲАР МАҲАЛ, ҲАР ВАҚТ, НУҚУЛ, МУДОМ, БИРДАЙ, ЯККАШ, ЯЛАНГ, ҲАДЕБ, УНГКАЙ. Вақт жиҳатдан узлуксиз, истисносиз ҳолда. Доим, доимо, ҳаминша, ҳамма вақт, ҳар доим, ҳар маҳал, ҳар вақт сўзлари «вақт эътибори билан узлуксиз» ҳолатни ҳам, «вақт эътибори билан истисносиз» ҳаракат-ҳолатни ҳам ифодалаш учун қўллана олади: сув доим оқиб туради; доим хушмуомалада бўлади каби. Яккаш, яланг, ҳадеб, ўнгкай сўзларида «узлуксизлик» эмас, «истисносизлик» тушунчаси бор. Нуқул, яланг, яккаш, бирдай, ўнгкай сўзлари кўпроқ оддий сўзлашувга хос. Мудом китобий, кам қўлланади.

Эралининг эшикдан қучоқ очиб киришини, доим кулиб туришини унутиб бўладими? (И. Раҳим.) Сен билан доимо

ёруғ йўлимиз, Сен билан кўкларга етар қўлимиз (Акмал Пўлат). Эшоннинг қорни бешдир, бири ҳамиша бўшдир (Мақол). У-бу деган одамнинг оғзига уриш керак. Ким нима деса, мен ҳам вақт оғзига ураман (А. Қаҳҳор). Ҳар доим кулиб турувчи кўзларига қандайдир ташиши, алам сояси тушди (Ҳ. Назир). Ермат ҳеч нима демади. Ҳар вақт мақтайдиган пичоғини қинидан суғуриб, тарвузни кесди (Ойбек). Мардикорликка нуқул камбағал болаларини рўқач қилишди (Ойбек). ...мана шу хирмон тепанинг тупроғи нуқул гўнг-да, деҳқонлар буни ранг деб атайдилар (А. Қодирий). Келтирган гулни сақла то абад; Яшнаб турсин мени эслатиб мудом (Уйғун). Ёвни сен мағриб томон қувганда тўхтатмай мудом, Рўдаполар туркумин этганда қуршаб қатлиом,... Ҳамлада қудратли шерсан, жангда арслон, армиям (Уйғун). Отинойи бирдай такорларди: «Чаққон-чаққон, тез-тез бўла қол!» (П. Турсун.) Майли дейман ва қилмайман ҳам, ҳаёлимни гулга ўрайман; Ҳар баҳорга чиққанда яккаш Бахтим борми дея сўрайман (Ҳ. Олимжон). Яккаш кулиш, яккаш кулли! Ундан кўра «ўғил-қиз ўстиришга уқувим йўқ»,— деб айтинг! (А. Қодирий.)— Сен менга яланг қоровулмисан, нима ишинг бор... Яланг кўчада ҳам хўжайинлик қиламан дейсанми?! (Ҳ. Назаров.) «Хўп яхши,— деди Холмат ака энди эркин,— нима учун ҳукумат ҳадеб пахта экасан, дейди» (Ҳ. Шамс).

ДОКЛАД, МАЪРУЗА. Кўпчилик олдида бирор мавзуда маълум муддат давомида айтиладиган гап-сўз. **Маъруза** эскирган.

Мудир докладининг охирида битирувчиларни номманом чақириб, «гувоҳнома» тақдим қилди (П. Турсун). Қумри шошиб дейди: «Уртоқжон, Сен клубга қачон борасан? Соат олтилардан кечиксанг, Маърузадан қуруқ қоласан» (Уйғун).

ДОНГДОР, МАШҲУР, НОМДОР. Донг таратган, ном қозонган. **Донгдор, номдор** фақат шахсга нисбатан, **машҳур** эса шахсдан ташқари нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади.

...отаси ва акалари, албатта, Тошкентнинг энг донгдор бойларидан бири билан қуда бўлишларига у [Нури] чуқур ишонган (Ойбек). ...Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чатилмаган лати-фалар суҳбатга «ранг» бериб турар эди (Ойбек). Бу қишлоқ авалдан ашулчилари билан машҳур (Ҳамид Нурий). Қирқ минг уйлик туркман элат ичида бир номдор бой бор эди («Бўтакўз»). Шунча номдор кулоллар нима бўлди-ю, энди улар нима бўлар эди («Эртакдан»).

ДУНЁ, ЖАҲОН, ОЛАМ, КОИНОТ. Бутун борлиқ ёки унинг маълум қисми. **Дунё, жаҳон** сўзлари асосан борлиқнинг Ер билан боғлиқ қисмини билдиради. **Коинот** китебий сўз бўлиб, бутун борлиқни билдиради.

Агар биров менга: «Қолган умрингни дунёни саёҳат қилиб ўтказасанми ё шу супада ўтириб ўтказасанми?»— деса, «...шу супани бера қол»,— дер эдим (А. Қаҳҳор). У киши сўзни айлантриб, «Сиздек бахтли ота жаҳонда йўқ»,— деди (Ойбек). Олим бўлсанг, олам сеники (Мақол). Зотан бу кун борлиқ, коинот Қўшиқ айтар севинчга тўлиб (Уйғун). Совет фани коинот сирларини билиш юзасидан янги катта қадам қўйди («Қизил Ўзбекистон»).

ДУШМАН, ЁВ, ҒАНИМ, АҒЁР, ЁҒИ. Фақат ёмонлик истовчи, қарама-қарши муносабатдаги шахс ёки томон. **Ёв** эскирган, асосан, душманлик муносабатидаги томон маъносини билдиради. **Ғаним** китебий сўз бўлиб, ёмонлик истовчи қарши томон ёки шахсни билдиради. **Ағёр** эскирган, китебий. **Ёғи** фольклорга оид.

Душман рўпарадан ҳужум қилиб, қайта-қайта қаншари ёрила бергандан кейин найранг ишлатмоқчи бўлди (А. Қаҳҳор). **Дўст** ачитиб, **душман** кулдириб гапирди (Мақол). **Ёв** қўрғонини қамал қилиб, унинг қулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшин каби одамлар тоғ этагига тўлиб кетдилар (М. Исмоилий). Аждодларнинг девлар-ла панжалошгани, Келганида **ғанимнинг** қанча лашкари, Паҳлавонлар ёвларни қириб қувгани... Булоқларда қон юқи қилич ювгани (М. Шайхзода). Узоқ ва изтировчи айрилиқда жафо чека-чека севгилиси ёнига олам тўла қувонч билан қайтган ишрлик ошиқ ёрини вафосизликда, **ғаним** хасмида кўриб қандай аҳволга тушса... Фуломжон ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди (М. Исмоилий). Кўзим ғазаб билан ёнар, Богимга кирди **ғаним**... (Ҳ. Фулом). Оромимни бузди **ағёр**, Тинчимни олди маним (Ҳ. Фулом). Очилнинг Йигитлари айлониб Қўйтош тоғини томоша қилди. Жиззах, Янгиқўрғон **ёғининг** остида кўринди (Ф. Йўлдош).

ДУШМАНЛИК, АДОВАТ. Кўролмаслик муносабати, ёмонликка асосланган муносабат. **Душманлик** кенг қўлланади ва унда белги даражаси кучлироқ.

Нури бу оилага тушгач, уч кун ўтар-ўтмас икки қайнона-кундош орасидаги **душманликни** сезди (Ойбек). Девонбегилар авлодига мансуб бўлган Шерназарбой Исломхўжани ич-ичидан ёмон кўрар, авалдан **адовати** бор эди... (Ж. Шарипов).

ДУҚ, ПУПИСА, ТАҲДИД, ДАВАРА, ДАҒДАҒА, СИЁСАТ. Қўрқитиш, чўчитиш хатти-ҳаракати. **Давара, дағдаға, сиёсат** сўзлари гап, сўз билан бўладиган қўрқитиш хатти-ҳаракатини билдиради. **Дўқ, пўписа, таҳдид** эса бошқа йўл билан бўладиган қўрқитиш хатти-ҳаракатига нисбатан ҳам қўллана олади.

Элликбоши қовоғини солиб, бир оз ўйлади, қизнинг иродасини синдириш учун **дўқ, таҳдидни** кучайтиришдан бошқа чора тополмади (Ойбек). Ҳокимнинг боя қилган зугуми хўжа кўрсинга қилинган қуруқ **пўписа** эканини билгани учун зиғирча ҳам кўнгли чўкмади (М. Исмоилий). Бу сафар Нусратилла меҳ-

моннинг кўзига қараб туриб таҳдид билан айтди: «Чиқиб кетинг!» (А. Мухтор.) Бой отга мина туриб яна давара қилди; «Эрталаб албатта чиқ» (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов). Энди «хормал» Энди қалайсан? Дағдағалар, дағволар қани? (Уйғун.) Сиз буларни тутдириб, яхшигина пўлиса, сиёсат қилиб бир-икки кун қамаб қўйинг (С. Айний). Мадумар додхоҳ одатича зуғум билан, сиёсат билан халққа хўмрайиб турарди (М. Исмоилий).

Е

ЕЛКА, КИФТ, УМИЗ. Тананинг бўйиндан қўлгача бўлган қисми.

Қийқириқ бўлиб кетди. Раис дарров ўрнидан турди, бир қўлини орқасига қўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб икки-уч елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишига қарамасдан, беданадай йўғалади (А. Қаҳҳор). Бири Ҳақимнинг чап елкасига, иккинчиси ўнг елкасига қимматбаҳо оғир тўнларни илди (М. Исмоилий). «Самад, дўстиммисан?»— деб сўради. У «Қандай шубҳа бўлиши мумкин!» дегандай қилиб кифтларини қоқди (М. Исмоилий). У менинг ўмизимдан Бир отадай ушлади (Миртемир).

ЕМОҚ, ТАНОВУЛ, ҚИЛМОҚ, ИСТЕЪМОЛ ҚИЛМОҚ, ТОТМОҚ, ОЛМОҚ, ТУШИРМОҚ, УРМОҚ, ҲАМ ҚИЛМОҚ. Организмга таом қабул қилмоқ. **Тановул қилмоқ, истеъмоқ қилмоқ** китобий. **Тотмоқ** оз миқдорда емоқни билдиради. **Олмоқ, туширмоқ, урмоқ** оддий сўзлашувга хос; **туширмоқ, урмоқ** кўп миқдорда ейишни билдиради ва маълум даражада салбий бўёққа эга. **Ҳам қилмоқ** гўдак нутқига оид.

Айниқса палов исидан кўнглим кетади... Аччиқ нарсалар егим келади (А. Қодирий). Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди, уч киши қамти ўтириб манти тановул қилдилар (А. Қодирий). Яқинларда табибларга кўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, хўрак олдидан мовиз истеъмоқ қилинг деб кенгаш бердилар (А. Қодирий). Асал тотганда қайси чаманинг гулидан йиғилганини ҳам билмайсиз (А. Эшон). Бу ернинг одати шунақа... Қани, олиб ўтиринг! (П. Турсун.) Итлар ялоқдаги овқатни бир-биридан қизғаниб талашяпти-ю, мушук келиб овқатни баҳузур туширяпти (М. Исмоилий). Маза қилиб картошкани тушириб турсам... (Сайёр). Аммо уламолар эса, гўё уч кундан бери туз тотмагандай, лазиз овқатларга чигирткалардай ёпирилиб ура кетдилар (Ойбек).

ЕНГМОҚ, ҒАЛАБА ҚИЛМОҚ, ТАСЛИМ ҚИЛМОҚ, МАҒЛУБ ҚИЛМОҚ. Рақибдан устун чиқмоқ, мағлубиятга учратмоқ.

Йўлчи ҳам, Қора Аҳмад ҳам мушт билан бир-бирларини енга олмасликларига ишонч ҳосил қилишди (Ойбек). Мулла Абдураҳмон яна оғиз очолмайди, чунки Сафар бўзчи «китоб сўзи» билан уни енгаб қўйди (А. Қодирий).— Енгинг, Раъно, енгинг!— деди Анвар, — лекин кейинги мисрада бир хато қилдинг (А. Қодирий). Душмани Халиловнинг қўлига тушгани — Зуннуновнинг жангсиз ғалаба қилгани эмасми? (И. Раҳим.) Шу вақтгача ўжар Амунга таслим қилиб бўлмади («Қизил Ўзбекистон»).

ЕТИМ, САҒИР. Отаси ёки онаси ё ҳар иккаласи ўлган бола ёки ёш одам. **Сағир** нисбатан кам қўлланади.

У отадан етим қолиб, меҳрибон онаси қўлида тарбия топди («Қизил Ўзбекистон»). Ота-онам ўлиб, амаким қўлида етим бўлиб қолмаганимда, шундай бўлмас эди («Муштум»). Онани бечорага отангдан иккита сағир билан қолиб кўрган кунлари ҳам етади (А. Қаҳҳор).

ЕТИШМОҚ, ЕТМОҚ, ЭРИШМОҚ, МУЯССАР БУЛМОҚ, МУВАФФАҚ БУЛМОҚ, ВОСИЛ БУЛМОҚ, НОИЛ БУЛМОҚ. Кўзлаган мақсад-ниятни амалга ошмоқ, кўзлаган нарсасига эга бўлмоқ. **Етишмоқ, етмоқ, эришмоқ** мақсад-ниятга нисбатан ҳам ёки шахс-нарсасига нисбатан ҳам қўллана олади. **Муваффақ бўлмоқ** ҳаракат-ҳолатга нисбатан қўлланади, китобий услубга хос. **Восил бўлмоқ, ноил бўлмоқ** эскирган, китобий.

Гулнорга боқаркан, кўкрагини йигитлик ғурури ва жанг, можаро орқасида ёрига етишган ошиқнинг бахти қавартирди (Ойбек). Айланса-да рангим сариқ сомонга Сени чалдим, хор бўлмадим ёмонга, Қариганда етим яхши замонга, Евларимга бўри бўлган дўмбирам (Ҳ. Олимжон). «Покистонда ободон ва фаровон ҳаётга етмоқ учун бирдан-бир чора фақат курашдир»,— деди секин Аҳмад Ҳусайн (Ойбек). «Балли, сиз билан биз қанча яхши жанг қилсак, зафарга ҳам шунча тез эришамиз»,— деди Ҳамроқулов (Ойбек). Октябрнинг абадий ўчмас қўёши балқиб чиқишини кўришга муяссар бўлганимдан гоят бахтлиман (Ойбек). Султонали Анвар билан қизни тутиб беролмаса ҳам, баҳарҳол, хонга яхши кўриниб, Анварнинг ўрнини олишга муваффақ бўлди (А. Қодирий). Бўлар экан унда ҳар нарса, Бўлар экан ҳар мурод ҳосил, Умр бўйи ҳам чеккан одам Бўлар экан мақсадга восил (Ҳ. Олимжон). Ҳатто уч-беш миллионли кичик халқлар ҳам ўз истақларига ноил бўла билди (М. Иброҳимов).

ЕТМОҚ, КИФОЯ ҚИЛМОҚ, БУЛМОҚ. Талаб, норма даражасида бўлмоқ, етарли даражада (ҳолатда) бўлмоқ.

Қўй энди, ўзимнинг қийналаётганим ҳам етади (Н. Сафаров). ...ер зарурларнинг зарури, лекин қашшоқликдан чиқиш

учун ернинг ўзи кифоя қилмайди (А. Қаҳҳор). ...Хури шампанскийдан озгина ичишга мажбур бўлди. Ичиб юрмаган қиз учун шунинг ўзи ҳам кифоя қилди (Ф. Мусажон). Қиз ёки ўғилни мукамал камолот эгаси қилиб етказиш учун биргина яхши исмлар, яхши тилакларнинггина ўзи бўлмайди, ёки оталик ва оналик меҳри билан севишигина кифоя қилмайди («Совет Ўзбекистони»). Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш коммунистик қурилишининг туб масаласидир. Лекин бунга эришиш учун яхши орзулар, чиройли гапларгина кифоя қилмайди («Қизил Ўзбекистон»).

ЕТУК, БАРКАМОЛ, РАСО. Жисмоний, ақлий жиҳатдан камолотга эришган. **Расо** кам қўлланади. **Баркамол** кўпроқ бадий услубга хос.

Йўқса ўзи айни биз қидирган, ҳар тўғрида ҳам етук бир йигит эди (А. Қодирий). Энди у Сулув эл тирикчилигининг хунук фожиаларига кўниккан, аммо қиёфасида табиатнинг бебош ва қудратли чиройини сақлаб қолган етук қиз эди (А. Мухтор). Келажак авлоднинг ҳар томонлама етук киши бўлиб етишувига ўрта мактабда асос қўйилади («Совет Ўзбекистони»). Мен йигитман, сен баркамол қиз, Бўса бердинг сафоли тунда (Уйғун). Эй, ақл дарёси, эй расо одам, Эй даврон келтирган дов елкасида (Миртемир). Бел кучин йилларча пишган чопиқ, Бу қизда бўй — расо, энг етук чоқда... (Ойбек).

ЕЧМОҚ, ҲАЛ ҚИЛМОҚ. Сирини (маъноси, моҳиятини) очмоқ. Кекса Ломоносов зўр умид боғлаб, Ечмаган жумбоқлар бугун бўлди ҳал («Қизил Ўзбекистон»). У ҳар қандай шикоятнамо масалаларни ўз вақтида, аммо мужассам далиллар ёрдамида ҳал қилишга одатланган (Ж. Абдуллахонов).

Ё

ЕДГОРЛИК, ОБИДА. Бирор шахс, воқеа-ҳодисанинг хотира-си учун қурилган, ишланган нарсаси; ўтмишдан қолган, ўтмиш маданиятига оид нарсаси. **Ёдгорлик** сўзи хотира учун тақдим этилган нарсани, эсдаликни ҳам билдиради. **Обида** эскирган, китобий.

Бу альбомда юзлаб этюдлар..., халқ усталари ишлаган ёдгорликларнинг намуналарини кўрасиз («Қизил Ўзбекистон»). Биз шу кунди диққатга сазовор жойларни, тарихий ёдгорликларни бориб кўрдик («Қизил Ўзбекистон»). «Йўқ,— деди Нормат милтиқни кўкрагига босиб,— буни менга партизанларнинг отахони берди. Ёдгорлик» (И. Раҳим). Хисравдек золимини фош этдинг, урдинг, Халқпарвар Фарҳодга обида қурдинг (Х. Расул). Бу муносабат-ла... тарихий асарлар, обидаларнинг аҳамиятини сўзлади (Ойбек).

ЕЗМОҚ, БИТМОҚ. Қоғоз ёки бошқа нарсаси юзига ҳарф, рақам туширмоқ. **Битмоқ** эскирган.

Шу вақтгача Алишер фақат ғазаллар ёзар, баъзан муҳаммаслар битар..., бироқ унга катта асарлар яратиш ҳали узоқ кўтарилиб бориш керак бўлган юксак чўққидай туюларди (А. Батъ). Юртим, сенга шеър битдим бу кун Қиёсингни топмадим асло (А. Орипов).

ЕЗУВЧИ, АДИБ. Бадий асар ёзиш билан шуғулланувчи шахс. **Адиб** китобий услубга хос.

Кўпчилик ишчилар, ёш шоирлар, ёзувчилар прогрессив интеллигентлар эди (Ойбек). Шаҳар ва қишлоқлардаги ўн минглаб китобхонлар сеvimли адиб билан учрашувларни сабрсизлик билан кутмоқдалар («Қизил Ўзбекистон»).

ЕЛҒИЗ, ЯККА, ТАНҲО. Ўзгаларсиз, ўзгалардан холи. **Танҳо** сўзи сўзлашувдан кўра кўпроқ бадий стилга хос. **Якка** ўзгалардан холи, ўзгаларсиз ва миқдор жиҳатдан битта маъносини билдиради. **Елғиз, танҳо** сўзларида ўзгаларсиз, ўзгалардан холи бўлган нарсаси бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Лекин бу бирдан ортиқ шахс ёки нарсаси бир бутун, бир бирлик сифатида қаралади.

Нури онасини елғиз учратиш, уни ийдириш учун эркаланиб, секингина мақсадини айтди (Ойбек). Қозон-товоғини йиғиштириб, якка ўзи боғдаги супада чой ичиб ўтирган Хури хола очик дераза томонга кўз ташлади (С. Анорбоев). Йўлчи Мирзакаримбойнинг дарвозаси олдида танҳо ўтирар эди (Ойбек). Оқшом қучоғида кезишиб танҳо, Бораркан навқирон икки ёш юрак (Ғайратий).

ЕЛҒОНЧИ, АЛДАМЧИ, АЛДОҚЧИ, КАЗЗОБ. Елғон гапирувчи. **Алдамчи** бу маънода кам қўлланади. **Каззоб** эскирган, китобий.

Биз елғончи-ю, сен ростчи бўлдингми? Ҳе сени ростчи қилиб қўйганми... Туш олдимга (М. Исмоилий). Бир алдамчи, ўзинг кашмир бўлмасанг, Мадинадан дарров қандай келасанг?! («Ёдгор») Бойларнинг сўзига сира учини керак эмас. Уларнинг бари алдоқчи, бари юртимизни заҳарлайди (Ойбек). Бари елғон! У уйинг куйгур елғонни чин қиладиган каззоб лаъин экан-да (Ойбек).

ЕМОН, ЯРАМАС, РАСВО, НОБОП, БУЛМАҒУР. Ахлоқи, феъл-атвори бузуқ. **Ярамас, расво** сўзларида белги даражаси кучли. **Емон** отлашиб ҳам қўлланади. Қолган сўзлар эса асосан сифат вазифасида қўлланади.

Яхши ўғил юрт тузар, Емон ўғил юрт бузар (Мақол). Ярамас болаларга қўшилиб қолдими деб қўрқаман. Уч кундан бери йўқ (Р. Файзий). Баъзи бир нобоп болаларнинг ёмон қилиқларини, ота-оналарини хўрлаганликларини кўрсак, ғазаб-ланамиз. Тўғри, Хусния баъзи бўлмағур қизларга ё бебош ўғилларга ўхшаш онасини беҳурмат қилмайди (М. Исмоилий).

ЕМОНЛАШМОҚ, ОҒИРЛАШМОҚ, МУШКУЛЛАШМОҚ. Ёмон (оғир) ҳолга келмоқ, ёмон (оғир) ҳолатга ўтмоқ. **Оғирлашмоқ** бу маънода ёмонлашмоқ сўзига нисбатан кам қўлланади.

Тун ярмига борганда Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди. Дам-бадам ҳушини йўқотиб алаҳлай бошлади (С. Анорбоев). Касалнинг ҳоли оғирлашди. Учинчи кунни уни янги шаҳар болалар касалхонасининг араваси келиб олиб кетди (П. Турсун).

ЕНМОҚ, КУЙМОҚ, УРТАНМОҚ.

1. Ут олмоқ, ўт ичида бўлмоқ. ...Уч олиш мавриди эмас, чунки қишлоқ ёнмоқда, отишма давом этмоқда эди (А. Қаҳҳор). Отанг яхши, онанг яхши, косибман, савдогар бўлсанг уйим куйсин (А. Қодирий).

2. Ҳарорати (иссиғи) ортиқ даражада бўлмоқ.

Элдан бурун отланган сиз эдингиз-ку, мана энди кун ёниб кетди (Ойбек). Уф... кун куйди ми, нима бало (Н. Сафаров).

3. Кучли изтироб чекмоқ.

Кўп хотинлар азада айтиб йиғлагани каби, ёниб фарёд кўтаради (Ойбек). Бу хонлардан куйдик кўп, Беклардан ўртандик хўп (Ҳ. Олимжон).

ЕПМОҚ, БЕКИТМОҚ (БЕРКИТМОҚ). Епиқ (берк) ҳолатга келтирмоқ.

Гулнор стол устидаги меваларни дастурхон билан ёпиб, уйдан чиқди («Қизил Ўзбекистон»). Бола аста ҳовлига кириб, эшикни бекитди-да, атрофига қараб қўйди («Қизил Ўзбекистон»). Аксар кечалари уй эшигини беркитиб, деразаларга парда тутдириб, алла-паллагача пул санайди, бундай вақтда икки қоши ўртасини буриштириб, ўз-ўзига нималарнидир шивирлаб қўяди (Ойбек).

ЕРДАМ, КЎМАК, МАДАД. Моддий ёки маънавий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқлаш. Ердам сўзи кўмак, мадад сўзларига нисбатан кенг тушунчага эга. Кўмак жуда кам қўлланади. Мадад сўзида «қувват, куч» оттенкаси ҳам бор ва у ҳам ёрдам сўзига нисбатан кам қўлланади.

Очилнинг уйдан оладиган ёрдами катта эмас эди, бир чеккаси шунинг учун радиога, газетага хабар ёзиб юрарди (П. Қодиров). Эртасига кексалар бригадаси, кейин қўшини бригададан кетмончилар ҳам ёрдамга келишди (И. Раҳим). Рус ва қардош адабиёт вакиллари бу масалада бизга кўмакка келдилар («Қизил Ўзбекистон»). Аммо бойлар Раҳмонқул қўрбошидан мадад сўради (Ҳ. Фулом). Октябрдан мадад олган Инсон кучли, инсон ҳур (Уйғун).

ЕРДАМЛАШМОҚ, ЕРДАМ ҚИЛМОҚ, КЎМАКЛАШМОҚ, ҚАРАШМОҚ, БОҚИШМОҚ. Моддий ёки маънавий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқламоқ. Ердамлашмоқ кенг тушунчага эга. У моддий жиҳатдан, шунингдек иш-ҳаракат ва ш. к. билан ёрдам кўрсатмоқ маъносида қўлланаверади. Кўмаклашмоқ, қарашмоқ,

боқишмоқ сўзлари, асосан, иш-ҳаракат, хизмат билан ёрдам кўрсатмоқ маъносида қўлланади. Кўмаклашмоқ нисбатан кам қўлланади. Қарашмоқ, боқишмоқ сўзлари кўпроқ оддий сўзлашувга хос.

Ёнимда пулим бўлсайди, ёрдамлашардим. Ҳеч нимамайўқ! (Ойбек.) Зебихон гилдирак ёғочларига оёғини бир-бир қўйиб аравага чиқди. Кейин Адолатнинг қўлидан тортиб, унга ёрдамлашди (С. Зуннунова). Эътибор опа доялик қилганда, Тозагулнинг ёнида кўмаклашиб турди (Ҳ. Фулом). Уста Мўмин ёлғич қўл бир косиб эди. Асрорқул унинг дамини босиб, бўлак ишларга қарашиб, дўконда ётиб юрди (А. Қаҳҳор). Нурининг қайнанаси гоҳ-гоҳ келиб, Гулнорга боқишар ва уни мақтар эди (Ойбек).

ЕРДАМЧИ, КЎМАКДОШ. Ердам (кўмак) берувчи. Кўмакдош кам қўлланади.

Ҳасанали... ўйлар эди: «Бечора! Ердамчинг йўқлигидан умидинг кесилиб, ҳасратингни кимга айтишни билмайдигандирсан! Қайғурма, бегим!» (А. Қодирий). Катталар касб танлашда ёшларга энг яқин кўмакдош ва маслаҳатгўй бўлишлари лозим («Совет Ўзбекистони»). Мен энди тўқисман, мени тарбиялаб ўстирган онам — Ватаним, ҳар бир ишимда кўмакдош онам — қайнанам бор (М. Алиев).

ЕРИШМОҚ, ОЧИЛМОҚ. 1. Еруғ (равшан) ҳолатли бўлмоқ. Қуёш тиглари кўринмаса ҳам, шарқ осмони анча ёришиб, одамлар юзи кўзларга равшан чалина бошлади (М. Исмоилий).

2. Тундлик ҳолати йўқолмоқ, яхши кайфият аломати пайдо бўлмоқ.

Бундан кўнгли бир оз юмшаб, чеҳраси ёришган Хисрав уни бағрига босиб ўпди (М. Иброҳимов). «Зап тоғангиз бор эканда,— деди қиз билан эртасига учрашганда очилиб,— бирам хушмуомала, бирам маданиятли эканлар, лабларидан бол томади» (Шуҳрат).

ЕРУҒ, НУРЛИ, ЧАРОҒОН, ЕРҚИН, МУНАВВАР, ПОРЛОҚ, РАВШАН, НУРАФШОН. Нурга эга, ёруғлик даражаси кучли. Еруғ, равшан сўзларидан бошқаси асосан китобий услуб, поэтик услубда қўлланади.

Дарс вақтида бошланди. Учоқда эски гупчак ловиллаб ёнар, эшиги билан деразалари маҳкам ёпилган ёруғ синфда болалар маза қилиб ўғирлишар эди (М. Исмоилий). Ленин йўли нурли йўл, Айланай қуёшимдан («Қўшиқ»). Қаршимда бинолар қаторма-қатор. Шу уч йил ичида қурилган бари. Ҳар уйда бир қуёш пинҳон сингари Ҳар уйи чароғон, чиройли, гулдор (Шуҳрат). Қачонки болқиди Шарқнинг уфқида Буюк Россиянинг қудрат юлдузи, ҳали ётар эди оғир уйқуда Кўҳна Осиёнинг ёрқин кундузи (М. Шайхзода). Истиқбол уфқини ёритар кўзинг, Сен борки, эллар тинч, мунаввар олам (Шуҳрат). Ленин йўли пор-

лоқ йўл, Ленин йўли деманглар («Қўшиқ»). Қилур бўлсанг менинг қалбимни равшан, Бўлайлик иккимиз ҳамхона, бир кел (Ҳабибий). Қуёндай нурафшон, олмосдай мустаҳкам («Ўқитувчилар газетаси»). Мактаб ҳовлиси ҳам, саҳни ҳам Ильич нурларидан кундузгидек нурафшон («Ўқитувчилар газетаси»).

ЕТСИРАМОҚ, ЕТСИНМОҚ, БЕГОНАСИРАМОҚ. Ёт (бегона) ҳис қилмоқ. Бегонасирамоқ нисбатан кам қўлланади.

Бек унга ётсираб қараб қўйди ва йиғилганларни кабинетига таклиф қилди (Ғ. Ғулом). Бөгчадан келган болалар уйдаги меҳмон болани кўриб, унга бир оз ётсиниб тикилиб туришиди-да, кейин яқинроқ келиб, унинг овқат ейишини томоша қилишиди (И. Раҳим). Бу йиғитнинг тегишгани, отини билгани, айниқса «Сидиқжон акам» деб гапиргани бу ерда бегонасираб ўтирган Сидиқжонга шу қадар хуш ёқдики, қалбига шу қадар иссиқ ва юмшоқ тегидики, она кўкрагини оғзига олган гўдакдай яйраб кетди (А. Қаҳҳор).

ЕҚТИРМОҚ, ХОҲЛАМОҚ, ХУШЛАМОҚ. Таъбига тўғри келмоқ, хуш кўрмоқ.

У, одагди, шўх, енгил, тез бориб етадиган кўйларни ёқтирарди (Шуҳрат). «Хўп, энди иқтисодга ўтайлик,— йиғит ён дафтар билан қаламни қўлига олди.— Қани кўнгуллари нимани хоҳлайди» («Муштум»). Шундан кейин Урмонжон уни хушламайдиган, кўришганда сўзни қисқа қиладиган бўлиб қолди (А. Қаҳҳор).

Ж

ЖАЛА, СЕЛ. Жуда қаттиқ ва тез ёмғир.

Томчилаб турган ёмғир бир пасда жалага айланди («Қизил Ўзбекистон»). Эрта куз жаласи тоғлик жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёмғир суви темир йўлнинг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди (А. Қаҳҳор). Кечаги қаттиқ селдан кейин ҳарқат-ҳарқатдан кўл чиқиб, йўлни узиб қўйибди (Ойдин). Кутилмаган бахтдан селдан сўнги қуёшдай юзларимиз чароғон, дилларимиз шодон эди (М. Исмоилий).

ЖАНЖАЛ, ТҮПОЛОН, ҒАЛВА, МОЖАРО, ҒАВҒО, МАШМАША, ШҮРИШ. Келишмовчиликни ифодаловчи айтишув (хатти-ҳаракат). Шу маънода жанжал, ғалва сўзлари кенг қўлланади. Түполон сўзида белги даражаси кучлироқ. Можаро, ғавғо сўзлари кам қўлланади. Машмаша сўзида белги даражаси кучсизроқ. Шўриш китобий, эскирган.

Жилла ҳар куни жанжал бўлмаганда ҳам, ҳафтада, ўн кунда бир тўполон чиқмаса, албатта, кундошни кундош деб бўлмас (А. Қодирий). У эр хўрлигидан хафа бўлиб юрса Мавлон:

«Нега фироқ қиялсан»,— деб ўшиқиради. Ноилож илжайса, «Нега кўлдини»,— деб ғалва бошлайди... («Муштум»). «Бу деҳқонлар ўндан бир ҳақ бериш учун шунча ғалва кўтарсалар, учдан бир ҳосилнинг ярмини берадиган деҳқонлар жим ўтирадиларми?»— деди мутавалли (С. Айний). Гўё бўлиб ўтган можа ро янгидан бошланиб, энди Абдурасул даъвогар бўладиганга ўхшар эди (П. Турсун). Маҳкамани билмасам, қозихонани билмасам, қаерга бораман? Дадам ювош одам бўлганидан бундай ғавғолардан ҳар вақт қочар эди (Ойбек). У «Мана бўлмасам» деб, район касалхонасига ишга кирди. Аммо биринчи кунидек Зайниддин яна жанжал бошлади. Шу-шу кунун машмаша («Муштум»). Сизлар билан машмаша қилиб юришга тоқатим йўқ (М. Исмоилий). У яна бошқа шўришларни бошлаши мумкин (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

ЖАРИМА, ШТРАФ. Қонун-қоидага хилоф хатти-ҳаракат сабабли солинадиган тўлов, келтирилган зарар эвазига ундириладиган товон.

Майда безорилик... ўн сўмдан ўттиз сўмгача жарима солиш билан жазоланади («Совет Ўзбекистони»). Эшелон келибди. Юкларни эртадан қолдирмай ташиб олмасак, штрафта кирар эмиш (Саид Аҳмад).

ЖАҲЛ, АЧЧИҚ, ҒАЗАБ, ҚАҲР, ЗАРДА. Ножўя (номақбул) хатти-ҳаракатга ёки воқеа-ҳодисага қарши кучли даражада қўзғалган ҳис-туйғу ва шундай ҳис-туйғунинг ифодаси. Ғазаб, қаҳр сўзларида белги даражаси кучли. Зарда ножўя, ёқмайдиган иш, хатти-ҳаракатга жавоб тарзида ифода этилган жаҳлни билдиради.

Бой ва бойваччаларнинг юзлари жаҳлдан буришса ҳам, улар жанжални улғайтирмаслик учун, усталик билан муомила қилишга интиладилар, элликбошига ҳар хил имо ва ишора қиладилар (Ойбек). Пўлат Тўлқинга аччиқ қилиб кетаётгани йўқ-ку («Шарқ юлдузи»). Набиғул Қодирни кўриб ғазабдан тушиди... (А. Қаҳҳор). Пирназар полвон аввалги шаштидан, аввалги қаридан тушган. Чамаси, қаттиқроқ қистаса, қизи, кўёви билан ярашгудек (Р. Раҳмон). «Билмайман»,— деб, қаҳр билан ҳансираб бадбуруш афтини терс ўтирди (Ш. Тошматов). Яёв бутун далани айланиб чиқди. Илгаригидай Ойнахонга на зарда, на киноя ва на аччиқ қиларди (Х. Сеитов).

ЖИЛМАЙМОҚ, КУЛИМСИРАМОҚ, ИЛЖАЙМОҚ, ИРЖАЙМОҚ, ТИРЖАЙМОҚ, ИШШАЙМОҚ, ИРШАЙМОҚ. Овоз чиқармай кўз, лаб ҳаракати билан кулги ифода қилмоқ, мийиғида кулмоқ. Жилмаймоқ ва илжаймоқ сўзлари стилистик жиҳатдан нейтрал ҳисобланади. Иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ сўзлари салбий оттенкага эга. Бу салбий оттенка иржаймоқ сўзига нисбатан тиржаймоқ сўзида, тиржаймоқ сўзига нисбатан ишшаймоқ сўзида, ишшаймоқ сўзига нисбатан иршаймоқ сўзида кучлироқ.

У ҳамиша кулиб, ж и л м а й и б турадиган меҳрибон чехрғни кўрмади (М. Исмоилий). «Келинг, уста Қудрат»,— деди Тешабой ўтирган ерида мулоимгина кулимсираб (М. Исмоилий). Шўхроқ киз, йигитлар и л ж а й и б, бир-бирларига кўз қисиб қўйишади («Муштум»). Фосиқ афанди бўлса кеча мингбоши кагта умидлар билан ювдириб, таратиб, ҳоким кўзига боғлатиб қўйган қора дул-дул устида кўйдирган калладай и р ж а й и б ўтирар эди (М. Исмоилий). Фазлиддин т и р ж а й и б, эғри-буғри тишларининг оқини кўрсатди (Ойбек). Лекин Мурзин ҳайрон қолиб: «У эмас-ку!»— деган эди. комендант: «Адашманг, айнан ўзи»,— деди сурбетларча и ш ш а й и б (Шухрат). Отаевнинг жаҳли чиқиб, пешонаси тириша бошлаган эди, дарахтдан сўз очилгани учун и р ш а й и б қўйди («Муштум»).

ЖИМЛИК, ЖИМЖИТЛИК, СУКУНАТ, СУКУТ. Товушсиз ҳолат. **Жимлик, жимжитлик** сўзлари табиатдаги товушсиз, гагаговурсиз ҳолатни ифодалаш учун ҳам, кишилар ўртасидаги сўзсиз, товушсиз, говурсиз ҳолатни ифодалаш учун ҳам қўлланаверади. **Жимжитлик** маънони **жимлик** сўзига нисбатан бир оз кучайтиради. **Сукунат** асосан китобий. **Сукут** сўзи шахс ёки шахсларнинг сўзсиз, товушсиз ҳолати маъносини билдиради.

Орга бир оз ж и м л и к чўкди. Аммо бу сукунат қиз қалбини тинчитиб ўрнига баттар дуқуллади (Ҳ. Фулом). Бу ҳикояни эшитган командир фикрга чўмиб кетди, мажлисни ж и м ж и т л и к босди (С. Айний). Усмоновнинг жасадини қабрга қўяр эканлар атрофни сукунат босди (Саид Аҳмад). **Жимжит** кечанинг сукунатини бузиб кимнингдир «Хайри!» деб чақирган овози эшитилди (Саид Аҳмад). Бу қайғули хабарни қизига қандай қилиб билдиришни билмаган ота узоқ вақт сукут сақлади (Саид Аҳмад). Аҳмоққа жавоб — сукут (Мақол).

ЖИНГАЛАҚ, ФАТИЛА, ҚУНҒИРОҚ. Халқасимон ёки шунга яқин кўринишли, бурама-бурама шаклли (соч, жун ҳақида).

Олиянинг оппоқ юзига жингалак малла сочлари ҳам, мовий кўзлари ҳам жуда ярашади (Ж. Абдуллахонов). Сочлари **п а т и л а**, кўзлари **хумор**, Кўзларда сачрайди қора, кучли нур. Қулоҳдан тошарди **жингалак сочи**, Мағрур ва кўркамди ҳар қачон боши (Ойбек). У (Қирмизой) энди кўраётгандай, гулга тикилиб яна ҳидлади, кейин чап қулоғининг устига, қўнғир оқ сочига қадади (Р. Азизхўжаев).

ЖИННИ, ТЕЛБА, ДЕВОНА. Ақлдан озган. **Жинни** сўзи бутунлай ақлдан озганликни билдиради. **Телба** сўзида белги даражаси бир оз юмшайди ва унда ижобий муносабат ифодаланади. **Девона** бу маънода кам қўлланади.

Тўғри, камбағалнинг боши ғамдан чиқмайди. Ҳайити ҳам аза, жумаси ҳам аза... Кўнгила тугаверсанг, жинни бўлиб кетасан (Ойбек). У бетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган **бу т е л б а** хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлошига ўхшата олмади

(М. Исмоилий). Қори бирдан иккала қўли билан бошига урди-ю, ҳўнграб, ўзини Урмонжоннинг оёғига ташлади. Урмонжон дарҳол уни ушлаб кўтарди. «Қори ака! Девона бўлдингизми... Бу нимаси!» (А. Қаҳҳор.)

ЖИРКАНМОҚ, ҲАЗАР ҚИЛМОҚ, ЙИРГАНМОҚ. Жирканиш, ҳазар ҳис-туйғуси билан қарамоқ. **Жирканмоқ, ҳазар қилмоқ** кенг тушунчага эга, улар шахс, нарса-ҳодисаларга нисбатан қўлланаверади. **Йирганмоқ** асосан ифлос, нопок нарсаларга нисбатан қўлланади.

Фалончининг хотини бўлиш сизга бахт бўлса бордир, лекин мен бунга бахт деб билмайман, бунақа бахтдан жиркана ман (А. Қаҳҳор). Энди улар Бекни кўрса, яқинига келишга ҳазар қилди (Ҳ. Фулом). ...бойларнинг дарди олтин-у кумуш, мисоли т паишадай ёпишасиз унга, й и р г а н а м а н бойларнинг нафсидан, хасислигидан (Ойбек).

ЖИРКАНЧ, ҚАБИҲ, РАЗИЛ, МАНФУР, ЗАЛИЛ, НАФРАТЛИ. Жирканиш (нафрат) ҳисси қўзғатувчи, одам ҳазар қилдиган. **Қабиҳ, разил, манфур** сўзларида белги даражаси кучли. **Манфур** китобий. **Қабиҳ, разил** сўзлари ҳам оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди.

Бу қонхўрнинг жирканч башарасини эл-юрт кўрсин, тупурсин бунинг бетига! (Ҳ. Фулом.) Бундай қиёфадаги кишилар ўзларининг жирканч ишлари билан... совет ўқитувчиси деган юксак номга иснод келтирадилар, холос. («Қизил Ўзбекистон»). **Фуод афанди танфурушлар гумаштаси бўлиб, қора умрини қора ишлар билан ўтказган қабиҳ бир махлуқ эди (М. Исмоилий).** Ватан қалби — Москвамизга **Разил душман қилмоқда** юрише (М. Икром). Сен райҳоним, **Нигор, қабрингда тинч ёт! Манфур қотилингни қонга булғадим (С. Акбарий).** Лекин писанд қилмаганини кўрсатиб, **Маҳкамга қисқа ва нафратли назар ташлади-да, шошилмай энгашди (П. Қодиров).** Гулзорга тушган чўчкадай **нафратли кўринди у (Ойбек).**

ЖАВРАМОҚ, ВАЙСАМОҚ, ҚАҚИЛЛАМОҚ. Тинмай гапиравермоқ, кераги бўлган-бўлмаган гапларни гапиравермоқ. **Қақилламоқ,** одатда, аёллар, хотин-қизларга нисбатан қўлланади.

Мунча юрагингиз дарё бўлмаса, жаврайвериб жағим толди, ё ҳа, ё йўқ демайсиз («Муштум»). Домла газабидан қалт-қалт титраб яна **вайсади (Ойбек).** Юзи қуриган ёғочдек жиккак **Акмалхўжа бойвачча ёш бўлса ҳам, жуда гапга чечан экан. Эшонни ҳам, қорини ҳам ўз оғзига қаратиб, анчагача қақиллади (П. Турсун).** «Хўп, хўп. Бунча қақилламанг!» — деди ниҳоят раис кулги аралаш (У. Умарбеков).

ЖОЙ, УРИН. 1. Бирор кимса ёки нарса ишғол қилган ёки ишғол этиш мумкин бўлган маълум бир ер.

Илтимос қилиб бормаган жойлари қолмади («Муштум»).

«Азбаройи худо, олмади»,— деди Сафар ва асабийланиб ўрнидан туриб кетди (А. Қодирий).

2. Бирор воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракат бўлган ер.

Низомжон қурилиш бўлаётган жойда машина гуруллаганини эшитган эди (Саид Аҳмад). Отабек тўхтаган ўрин тўрт томондаги иморатлар билан ўбдан қоронғу, шунинг учун дарвозадан чиқувчининг фақат бошидаги оқ салласидан ўзгаси кўзга илинмас эди (А. Қодирий).

3. Етиш ёки ўтириш учун маълум бир нарса тўшалган ер.

Ошнаси Афандининг очлигидан бехатар жойни солиб, уйига кириб кетди («Латифалар»). Келинлар ўрин солиш учун кўзгаллишиди (Ойбек).

ЖОЙЛАШМОҚ, УРНАШМОҚ, УРИНЛАШМОҚ. Жой (ўрин) олмоқ, жой (ўрин)ни банд этмоқ. **Уринашмоқ** кам қўлланади.

Қисм жуда қулай, иссиқ ертўлаларга жойлашиб олган, бу ердаги ҳаёт фронтдан мингларча километр узоқда, мамлакат ичкарасида бўлган ўша лагерь ҳаётидан ҳам осойиштароқ эди (А. Қаҳҳор). Дивизия штабидан анча узоқлашиб, батальон ўрини ашиган жойга етишгач, суҳбат самимий тус олди (Шуҳрат). Агар худо ёрлақаб эшигинида ўринлашиб олсам, у ёғини ўзим билар эдим... (А. Қодирий).

ЖУДА, ҒОЯТ, ҒОЯТДА, БАҒОЯТ, НИҲОЯТДА, БЕНИҲОЯ, АШАДДИЙ, УТАКЕТГАН, ТОЗА, РОСА, ХУП (ХУБ), БИРАМ, ЧУНОН, БЕҚИЕС, МИСЛСИЗ, ОБДАН, УБДАН, ЧАНДОН, ЗАП, КҮП, УТА, УВВАЛО, БИСЁР, ЁМОН, КАМОЛИ, КИРОЙИ, УЛГУ(Н)ДАЙ, УЛАРДАЙ, УЛАРЧА, ҚАТТИҚ. Юқори даражада ортиқ даражада. **Ғоят, ғоятда, ниҳоятда, бениҳоя, роса, тоза** сўзлари маънони яна ҳам кучли оттенкада ифодалайди. **Бениҳоя(т)** нисбатан кам қўлланади. **Ашаддий, ўтакетган** сўзлари сифатий белгига нисбатан қўлланади. Буларда белги даражаси жуда кучли. **Обдан, ўбдан, роса, чунон** сўзлари асосан ҳаракатнинг белгисини билдиради ва буларда ҳаракат даражаси жуда сўзидагидан пастроқ бўлиши ҳам мумкин. **Хўп, роса, бирам, зап** сўзлари бу маънода асосан оддий сўзлашувга хосдир. **Ута** сўзида белги даражаси яна ҳам кучли. Бу сўз оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди. **Уввало** фақат ҳаракатга нисбатан қўлланади. Бу сўзда белги даражаси кучли. Лекин жуда кам қўлланади. **Бисёр** эски, китобий. Шунга кўра ҳозир ёзувда жуда кам қўлланади. **Ёмон** оддий, жонли нутққа хос.

Унинг арслондай кўркам гавдаси... кир яктаги ичидан қавариб турган кенг кўкраги... унга жуда ёқди (Ойбек). Нури кийинишни, безакни севар эди... заргарлар тўқиб чиқарган олтин, қумуш безакларга ғоят ўн эди (Ойбек). У жавоб бергали ҳам кўрқар эди. Унингча, иш жуда нозик, ғоятда кўрқинчли эди (А. Қодирий). Бектемир генералларни урушнинг бутун ҳикматини била-

диган бағоят ҳурматли, азиз одамлар деб тушунарди (Ойбек). Бу иш оғир, ниҳоятда оғир эди (А. Қаҳҳор). Раис Капсанчилар қишлоғининг талабига мувофиқ район ҳукумати водокачкалардан бирини тиклашга қарор қилганини билдирди. Капсанчилар бу хабарни эшитиб бениҳоя хурсанд бўлишди (А. Қаҳҳор). Мирза йигитим ўлгур ашаддий шалоқ-бузуқ йигит экан. Ҳаммасини кейин билдим, кўзим очилди, бефойда!.. (Ойбек). ...Ҳа, мана энди пишган олмадай бўлганда, сен бечора бу ёқда қолиб, Каримовга ўхшаганлар илиб кетиши ҳам мумкин. Узи ўтакетган елим дейишади (П. Турсун). То за хурсанд бўлиб, атрофинида гирдикапалак бўлгандир (Яшин). Аҳмад Хусайн роса очикқан эди (Ойбек). У йигитнинг бекорга нобуд бўлгани кампирга хўп алам қилди (А. Қаҳҳор). Фотима зипиллаб келиб, Элмуродга ёнма-ён бўлди. «Бирам совуқ ҳазил қилади-ей»,— деди норози бир оҳангда (П. Турсун). Ака-ука бир-бирларига чунон ҳам суюниб қолган эдилар-ки, бир-бирлари бўлмаса таом эмас эдилар (Мумтоз Муҳамедов). Йигим-терим ишлари беқийс қизиб кетди («Совет Ўзбекистони»). Иссиқда, совуқда обдан пишган бизнинг йигитни ҳам... кун хийла бетоқат қилган эди (Ойбек). Қум ва лой билан қўлларини ишқалаб, кенг юзлари ва бошларини ўбдан ювдилар (Ойбек). Улар дил боғлагай чандон тиз чўкиш, илтижоларга («Муштум»). У киши мени кўришлари билан:— Э, қадамларига ҳасанот бай, бай, бай, зап улуг иш бўлибди-да, қайси шамол учирди,— дедилар («Муштум»). Ҳар қандай хотин билан ҳам иноқ бўлавермаганининг ўзи ўта диёнатли, покдомон эканининг нишонасидир (А. Қаҳҳор). Қараса, бир пой калиши тушиб қолибди. Қоронғида уввало қидирди, топиб бўлмади (Р. Файзий). Улиб қоласанми, ёмон сусткашсан-да! (Ҳ. Шамс.) Ёмон пулдор одам эди-да, баччагаар бек! (Ҳ. Фулом.) Сидиқжон камоли суюнганидан нима дейишини билмай: «Қуллуқ, Болтабой ака, қуллуқ»,— деди... (А. Қаҳҳор). Энди орада чақиртиканақ бўлишим— кироий номардлик (Ойбек.) У бировларнинг жазоланганини завқ билан гапирадиган Сайфуллани ўлгудек ёмон кўрарди (П. Турсун). Артистликни осон иш деб ўйлар эдим. Уларча мушкул ҳунар экан-да (Яшин). ...Ҳеч нарсани истамас эди, чунки қаттиқ хафа эди (Ойбек).

ЖУЛДУР, УВАДА. Кўп ишлатиш натижасида эскириб, йиртиқ-сиртиқ, дабдала ҳолга келган. **Жулдур** асосан кийим-бошга нисбатан, кам даражада кўрпа-ёстиқ ва бошқа буюмларга нисбатан қўлланади. **Увада** кўпроқ кўрпа-ёстиқ ва бошқа буюмларга нисбатан қўлланади, кийим-бошга нисбатан кам қўлланади. **Ориқ, оёқлари ингичка, кийимлари жулдур** деҳқонлар омон ортида энкайиб, ҳорғин ер ҳайдайдилар (Ойбек). **Увада** паранжиге ўралган аёлларни, усти юпун, яланг оёқ болаларни кўрганда бир кимсани учратгандай узоқ тўхтаб тикилдилар (П. Турсун).

Кундуз кунни у ва дамни кўтариб юришга уялганимдан шанба кунни қоронғилатиб «Беклар беги» мадрасасига кўчиб келдим (М. Муҳаммаджонов).

З

ЗАВҚ, МАРОҚ, ШАВҚ. Зўр қизиқиш, иштиёқ ҳис-туйғуси. **Мароқ, шавқ** кўпроқ бадний услубга хос.

Қора қумғон билан чўпон болани **завқ** билан расмга олди Нодира... (Ойбек). «Офарин, офарин»,— деди Валихон чеҳраси очилиб ва **мароқ** билан Майнага тикилди (Ш. Тошматов). Сувлар шилдираши, қушлар сайраши, Севгидаги оташ, меҳнатдаги **завқ**, Инсонга хос бўлган дўстлик туйғуси, Ижод ҳаяжони, зафардаги **шавқ** (Уйғун).

ЗАВҚЛАНМОҚ, МАРОҚЛАНМОҚ, ШАВҚЛАНМОҚ. Завқ-шавқ ҳиссида бўлмоқ.

Элмурод Тожибойнинг бу қадар содда ва беғубор мулоҳазасидан **завқланиб** кулди (П. Турсун). «Балли, қизим.— Чўлбобо Ферузанинг ёнига келиб, унинг ҳаракатларини **мароқланиб** кўздан кечирди.— Темирни қизигида бос» (Х. Ғулом). ...Уктам жонланиб, **шавқланиб** кетди. Сайрамовнинг фикрларини ўзича шарҳлаб, кенгайтириб гапирди (Ойбек).

ЗАРАР, ЗИЕН, ФУТУР, ТАЛАФОТ. Моддий, жисмоний жиҳатдан бўлган йўқотиш, фойданинг акси. **Футур** деярли ҳамма вақт **етмоқ** феъли билан қўлланади.

Совхоз тамакичиликдан «атиғи» 380 минг сўм **зарар** қилди («Муштум»). Сенинг бир ҳафта ортиқ ишлаганингдан ёки ишлаганингдан менга нима наф-у нима **зарар**? (С. Айний.) Кумуш отасининг олдига қанот ёзган каби югуриб, унинг соқолини силар экан сўради: «Сизга **зарар** бермадиларми, отажон!» (А. Қодирий.) Қилтириқ маҳсумнинг гапига қараганда, дўконларда кечанинг ўзидаёқ 29 минг **зиен** кўрилибди (А. Мухтор). У, бир томондан, Канизакка нима бўлди, кўз-пўзига **зиен** етмадимикин деб ташвиш тортса, иккинчи томондан, унинг ишга чиқмаганидан хурсанд эди (А. Қаҳҳор). ...кибрланиш, камчиликларни сезмаслик умумий ишга **футур** етказди («Қизил Ўзбекистон»). ...душманнинг бу қирғоқда мудофаага ўтиб, қаттиқ туриб олишидан мақсади аскарларини Днепрнинг нариги томонига **талафот** билан ўтказиб олиш экан (А. Тожимуротов).

ЗАҲАР, ОҒУ. Организмни заҳарловчи модда. **Оғу** китобий. **Фуод** афанди... Мени шу аҳволга туширган ўзидай қочиб юрди. Ким билсин, ўзидир, финжонда мой эмас, **заҳар** бергандир (М. Исмоилий). Севувчилар васл оқшомида бахт шаробини ичишса, булар бахтсизлик **оғусини** ичмоқда эдилар (М. Исмоилий).

ЗИД, ХИЛОФ. Қарама-қарши (бирор нарсага) акс ҳолатда. **Зид** умуман мос келмайдиган, қарама-қарши маъносини билдиради. **Хилоф** асосий, қонуний ҳолатга қарши маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам бу сўз кўпроқ китобий услубга хос.

«Сизнинг йўлингиз Ленин йўлига **зид**»,— Ботирали бўйи келмади (Х. Ғулом). Жамиятда... бойларнинг манфаатлари бир-бирига **зид** эканини... тушунтирди (Ойбек). Ҳадеб қонунга **хилоф** иш қилаверсак, охири қалай бўларкин? (Н. Сафаров.)

ЗИЕЛИ, ИНТЕЛЛИГЕНТ. Билим-маърифатли киши.

Илмий текшириш ва медицина муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларда неча минглаб **зиёлилар** ижодий меҳнат билан шуғуланмоқда («Қизил Ўзбекистон»). Мухаррирнинг гоят мутаассиб, прогрессив ёшларнинг ва **зиёлиларнинг** энг зўр душмани эканлигини ҳам яхши биларди (Ойбек). Бир вақтлар камтар бир муаллим, прогрессив **интеллигент** бир неча ёшларни **зиёфатга** таклиф этган эди (Ойбек).

ЗИНҒИЛЛАМОҚ, ЗИПИЛЛАМОҚ, ҒИРИЛЛАМОҚ. Жуда тез юрмоқ. **Зинғилламоқ, зипилламоқ** одамга нисбатан, **ғирилламоқ** эса бошқа нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади.

...Йигит ...текис қилиб мола босиб **қўйилган шудгор** билан шийпон томон **зинғиллаганича** жўнаб кетди (Х. Сеитов). Қобил ака оёғини қўлга олгандек **зинғиллаб** гастроном ёнидаги автомат телефонга борди («Муштум»). «Сиз шу ерда андек ўтириб туринг, опа!»— деди ҳалиги қирра бурун одам ва ўзи тезда ўрнидан туриб, қаёққадир **зипиллаб** кетди (П. Турсун). Ойқиз хола ёрма оши пишай деганда типирчилаб қолди: «Вой, ҳечам туз қолмабди-ку халтада! Оташжон, югур, ёрма пишгунча **ғириллаб** бориб, Али қоровулдан бир истикон туз обке» (Р. Раҳмонов).

ЗИҚ, ТИҒИЗ. Вақт ёки макондаги оралиқ қисқа, сиқик. **Зиқ** кўпроқ вақтга нисбатан, **тиғиз** кўпроқ маконга нисбатан қўлланади.

Умрзоқ ота... иш тиқилинч, вақт **зиқ** эканини фаҳмлаб, ишдан гап очмай **қўя** қолди (Х. Ғулом). Дунёни қила олдиқ мурдорларга **зиқ**, янги ҳаёт гулшанидан изларин қириб (Ғ. Ғулом). Ишчиларнинг аксарияти ерга чўкка тушиб, жуда **тиғиз** ўтирардилар (Ойбек). Вақт **тиғиз**, воқеалар саноқсиз («Қизил Ўзбекистон»).

ЗОРА, ШОЯД, КОШКИ, ҚАНИ (ҚАНИ ЭНДИ, ҚАНИ ЭДИ). Бу сўзлар бирор ишнинг бўлиш-бўлмаслигига, амалга ошиш-ошмаслигига сўзловчининг истак ҳиссини билдиради. **Шояд** кўпроқ китобий услубга хос. **Зора** сўзида истакнинг ўзи ифодаланиб, унинг реал ёки реал эмаслигига муносабат ифодаланмайди. Қолган сўзларда истак билан бирга унинг амалга ошиши эҳтимолдан узоқлиги ёки умуман амалда истакка **зид** ҳолат мавжудлиги кабилар ҳам ифодланади. Бундай ҳолларда улар ўрнида **зора** сўзини қўллаб бўлмайди: **Кошки** маслаҳатга юрса; **қани** шундай бўла қолса каби. **Кошки, қани, қани энди, қани эди** сўзларида истак кучли бўлади.

Бахринисоларникини қарай-чи, зора ўша ерда бўлса (Н. Сафаров). Зора ўглингизнинг артист бўлиш баҳонаси билан мени ҳам томошага олиб борсангиз! (Н. Сафаров.) «Жиндак наҳори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса»,— деди қори йиғламсираб (А. Қаҳҳор). Кошкийди саводим бўлса, дард ва ҳасратларимни, тилок ва истакларимни хатга солиб юборсам (М. Исмоилий). Қани ҳамма хотин ҳам сиздай бўлса (А. Қаҳҳор). Қани ўша кунлар тезроқ кела қолса (Б. Раҳмонов). Қани энди қишлоғимизда шунақа муаллимдан иккита бўлса (А. Қаҳҳор).

ЗОРИҚМОҚ, ЗОР БУЛМОҚ, МУҲТОЖ БУЛМОҚ. Зор-муҳтожлик сезмоқ, зор-муҳтожлик ҳолатида бўлмоқ. **Зориқмоқ, зор бўлмоқ** сўзларида белги даражаси кучли.

Ана ундан кейин сен ҳам ота ё она бўласан, бугун сен қақша-таётган ота-оналаринг сингари сен ҳам болаларингдан иззат-ҳурмат кутасан, зориқиб, муштоқ бўлиб кутасан (М. Исмоилий). Зориққан вақтимизда колхоз қарашган эди, қарзимизни уздик (А. Қаҳҳор). Афанди пулга зориқиб қолган кунлари эди («Латифалар»). Хунарли эр хор бўлмас, Дўст — душманга зор бўлмас (Мақол).

ЗОТДОР, ЗОТЛИ, НАСЛДОР. Зоти яхши, яхши зотнинг белгиларига эга.

Нима қилдинг, дегин. 65 та зотдор сизирни рўйхатдан ўчириб, сводкада кўрсатмай қўя қолдим («Муштум»). Сувонжон кечки пайт сурукни қўнишига ҳайдаб келди. Энди айрим боқилаётган зотли «Рекорд» қўчқорларга бормоқчи бўлиб турганида Арслонга кўзи тушиб қолди (С. Анорбоев). Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозида... сизирларни «арча» усулида соғишга ўтилди, мол озуқа базаси мустаҳкамланди, жайдари сизирлар наслдор буқаларга урчитилиб, зоти яхшиланди («Қизил Ўзбекистон»).

ЗУЛМ, ИСТИБДОД. Узга томонидан бўладиган эзиш. **Истибдод** китобий. Бу сўз ҳоким синф, табақа ёки давлат томонидан бўладиган зулмга нисбатангина қўлланади.

Отабек айтди: «Энди бизнинг Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми ва тadbирсиз идораси остида ётиб жуда тўйди» (А. Қодирий). Унинг истибдоди ўзга шаҳарларда унча сезилмаса ҳам, аммо марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди (А. Қодирий).

И

ИВИМОҚ, БУКМОҚ. Сув (суюқлик) шимган ҳолатли бўлмоқ. — Қаранглар, ҳой, қаранглар! Ким бўлди экан у, а? Тоza ёмғирга ивиди-ку (П. Турсун). Шу кун и ёмғирда тоza иви-

ди м: Устингдан сув қуйсанг, бунчалик бўлмас! (Шухрат.) «Шу жалада боққа келмасангиз ҳам бўларди, Қумрихон опа!» Опанинг бўкиб кетган уст-бошига қараб Юнусалининг юраги ачишди («Қизил Ўзбекистон»).

ИЗЛАМОҚ, ҚИДИРМОҚ, АХТАРМОҚ, ИСТАМОҚ. То-пиш ҳаракатида бўлмоқ. **Истамоқ** шу маънода шевага хос. **Изламоқ, қидирмоқ, ахтармоқ** сўзлари адабий тилда параллел қўллансаларда, шевага муносабатда ўзаро фарқланади. Масалан, фарғона шевасида **изламоқ**, тошкент шевасида **қидирмоқ** сўзи қўлланади.

Шарофат ҳамон шовқин солар, Сидиқжонга отгани нарса и з л а б, у ёқ-бу ёққа югурар, топганини отар эди (А. Қаҳҳор). Ғулломжон бу ўтди куйларни ким учундир айтар, айта туриб кўзлари билан кимнидир и з л а р э д и (М. Исмоилий). Кишилар куч-қувватларини сотишга иш а х т а р и б, е р а х т а р и б, овқат, кийим-кечак а х т а р и б, ўз тугилган ерларидан чиқиб кетардилар (П. Турсун). Йўлчининг айни олов вақти-да, биронта ўз тенги билан бирга бахт қидириб кетдими, хувари! (Ойбек.) Қайтиб келаётиб, беихтиёр бояги қиз қараб турган эшикни кўзлари билан қидирди (П. Турсун). Зар қадрини билади заргар. Кошки заргар бўлса жононим; Зўр машақат бўлса ҳам агар, И с т а б к е л с а м е н и м е х м о н и м (Қ. Мирза).

ИЛТИМОС, ИЛТИЖО, УТИНЧ, ЗОР, ТАВАЛЛО. Бирор истак-мақсаднинг қондирилишини сўраб қилинадиган мурожаат. **Илтижо** сўзида ялиниб-ёлвориш оттенкаси ҳам бор. **Утинч** сўзида кечириниш оттенкаси бор. **Тавалло** эскирган, китобий.

Зухрага вафодор Тоҳир Хоразм шоҳи ва унинг қизи Моҳимнинг илтимосини рад этади. Зухра тақдим қилган гулни зўр меҳр ва қалб ҳарорати билан искайди («Шарқ юлдузи»). Қорининг кўнгиллари шу нарсада чоғ эди. Тўрамнинг илтижолари бажону дил қабул қилинди (Х. Тўхтабоев). Энди тақсир, сиздан ўтинчим шуки, боламни гуноҳидан ўтсангиз (Н. Сафаров). Ахир нима ҳам қила олар эди бечора солдат, зори бор, зўри йўқ (З. Фатхуллин). Ана энди Гўрўғлибек аввали айтган сўзига пушаймон қилиб, сўнг азиз-авлиёлардан кўп зор, тавалло қилиб, фарзанд тилади, бўлмади («Далли»).

ИЛҒОР, ЗАРБДОР, ПЕШҚАДАМ, ЕТАКЧИ, АВАНГАРД, УДАРНИК, КАРВОНБОШИ. Иш-фаолиятда олдинда борувчи. **Авангард, карвонбоши** камроқ ишлатилади ва катта масштабдаги ҳаракат-фаолиятга нисбатан қўлланади.

Илғор бригадаларнинг район слётида райкомнинг секретари отага катта баҳо берди: «Асроркул ота районимизда энг зўр агитатор... Ота шу ерда туриб Берлинга ўт қўяётибди»,— деди (А. Қаҳҳор). «Костя амаки» 1933 йилда зарбдор колхозчиларнинг биринчи съездида иштирок қилган («В. И. Ленин ҳақида хотиралар»). Планларин ўринлатиб қўйганлар, манзилларга ҳали

етмай қоланлар, пешқадамлар, илғорлар... (М. Шайх-зода). СССРдаги тилларнинг тараққиёт йўли шуниси очиқ кўрсатдики, бу ривожланишда рус тили илғор, авангард, етакчидир («Қизил Ўзбекистон»). Узим у дарникман. Ишим йирик, ҳамма нарса тугал, жойида (Уйғун). Тошкент областида республика санатининг карвонбоши корхоналари жойлашган («Қизил Ўзбекистон»).

ИМЗО, ҚУЛ. Киши исми ёки фамилиясининг рамзи бўлган дастхати. Қўл кўпроқ оддий сўзлашувга хос.

Лекин мақола Элмурод қўйган яширин имзо билан эмас, балки Асқаров деган бошқа бир имзо билан босилган эди (П. Турсун). Барча ҳужжатларда Хўжабековнинг қўли (С. Анорбоев).

ИМИЛЛАМОҚ, МИРСИЛАМОҚ, СУДРАЛМОҚ. Сустилик билан ҳаракат қилмоқ. Судралмоқ сўзида «орқада қолиш» оттенкаси бор.

Ҳозир кўриб турибсан-ку, бутун диққат-эътибор йиғим-теримда. Салгина имилласак, терим плани барбод бўлиб, йил бўйи қилган тоат-ибодатимиз ҳавога кетади (Ҳ. Назир). Йиғит ҳам кетгиси келмаганидан у-буни баҳона қилиб имирсилар, дам отнинг юганини тўғрилар, дам айилини тортиб қўяр, зорланар эди (Ойбек). Мели полвон ҳамманинг астойдил кетмон ураётганини кўриб мамнун бўлди. Энг четдаги Мўмин қийиқининг судра лаётганининг гашига тегди (П. Турсун).

ИН, УЯ, ОШЕН. Қуш, ҳайвон кабиларнинг яшаш, болалаш учун қурган жойи. Ошён китобий, жуда кам қўлланади.

Ботирали теракларга ин қураётган қалдирғочларнинг вижир-вижир ҳикоясига очиқ деразадан қулоқ солиб ўтириб, Эъвозхонга қараб жилмайди (Ҳ. Фулом). Энди билсам, гул, шарбат исин Олмас экан фақат ўзига. Қуёш, баҳор, шамол нафасин Ташир экан ўз уясига (Шуҳрат). Қуш уяси бор эди. Ҳам зўр ҳамда тор эди. Дарахтга бир зўр илон Чирмашиб, у ошён Сари заҳар сочарди (Ҳ. Олимжон).

ИНДАМАС, ПИСМИҚ, МИНҒАЙМАС, ДАМДУЗ. Жуда кам гапирадиган, гап-сўзга жуда кам аралашадиган. Писмиқ, минғаймас сўзларида салбий белги кучлироқ. Дамдуз сўзида «гап — сир айтмаслик, ичимдагини топ» оттенкаси бор.

«Уни [Мустафони] нима етилтирди-ю, нимадан ўзгарди бу инда мас? Қайқдан кун чиқди?» — деб ўйлади Сафо ва рўпарасига ўтирди (И. Раҳим). Болани урсанг эти, сўксанг бети қотади. Бу хил муомала болани писмиқ қилиб, ичимдагини топ дейдиган қилиб қўяди (М. Исмоилий). Зайнаб эгачисининг аксича ўз яқинларидан «писмиқ» деб исм олган, онаси бўлса аччиғи чиққанда «минғаймас ўлгур» деб уни қарғар эди. (А. Қодирий). Ўзига зеб берган, дамдуз раҳбар кишиларни ўзидан бездириб қўяди («Совет Ўзбекистони»).

ИНДАМАСЛИК, ЧУРҚ ЭТМАСЛИК, МИҚ ЭТМАСЛИК. Ҳеч нарса демаслик, бирор оғиз ҳам эътироз билдирмаслик.

Ҳозир-чи, ҳозир ҳамма ўзини ундан Норбойдан олиб қочади, гапига жавоб бермайди... Уришиб сиёсат қилса ҳам, индамайди, ялинса ҳам, чурқ этмайди (Х. Сеитов). Ҳожи миқ этмай ўтира бергач, Қамбар шарбатдор ўзининг хипча товуши билан қушбегининг гапини кучлаб тушиди (А. Қодирий). Малика-хон индамади. «Тавба, ўз эри ҳақида гапирса ҳам, уялади-я, яна миқ этмайди» — дердим мен (У. Охунов).

ИНОҚ, АҲИЛ, ҚАДРДОН, ТОТУВ, ИТТИФОҚ, ҚАЛИН, АПОҚ-ЧАПОҚ. Харақтери бир-бирига маъқул ва ўзаро яхши муносабатда. Аҳил сўзида белги даражаси иноқ сўзидагига нисбатан кучли. Қадрдон сўзида белги даражаси аҳил сўзидагига нисбатан ҳам кучли. Тотув сўзида белги даражаси иноқ сўзидагига нисбатан кучсизроқ. Иттифоқ бу маънода кам қўлланади. Қалин, апоқ-чапоқ оддий сўзлашувга хос.

Шундан кейин тез-тез кирадиган бўлди. Мен ҳам ундан хабар олиб турадиган бўлдим. Қисқаси, хийла иноқ бўлиб қолдик (А. Қаҳҳор). ...деҳқон колхозга кириб, аҳил бўлиб ишлагандагина пешонаси очилади... (А. Қаҳҳор). «Кўрсангиз, биларсиз, мен минан жуда қадрдон-да, тақсир! — деди яна ва маҳдумга илтифот қилмай ичкарига юрий берди (А. Қодирий). Бундан ташқари, у тотув ва соғлом ишчи оиласида ўсиб, кўп ёрқин дамларни бошдан кечирган, шунинг учун қиёфаси нурга сероб эди (П. Қодиров). Кўнгиллари доим ёш бўлсин. Ўзаро дўст, иттифоқ, ҳамдам, Оилага биздек бош бўлсин! (Ҳ. Фулом.) У асли дадамнинг қалин ўртоғи бўлган (А. Мухтор). Апоқ-чапоқ, оғиз-бурун ўпишасиз, қурилишни барбод берасиз... — унинг оҳангида давом этарди Раҳмонқулов (А. Мухтор).

ИНОҚЛАШМОҚ, АҲИЛЛАШМОҚ, ТОТУВЛАШМОҚ, ҚАДРДОНЛАШМОҚ, ИТТИФОҚЛАШМОҚ, ҚАЛИНЛАШМОҚ. Иноқ (аҳил, қадрдон, тотув, иттифоқ) муносабатга ўтмоқ, иноклик муносабатида бўлмоқ.

Полвон бу ерда бошқа шаҳар-қишлоқлардан келган кишилар билан танишди ва улар билан иноқлашиб кетди (Ж. Шарипов). Биз Холмат ака билан аҳиллашиб қолдик («Қизил Ўзбекистон»). Энди у улар билан ишлайди, улар билан тотувлашарди («Қизил Ўзбекистон»). Уктам техника фанлари доктори Урмонов билан қадрдонлашиб қолди (Ойбек). Октябрь революциясидан кейин мамлакатимиздаги барча миллатлар ўзаро иттифоқлашиб кетдилар («Қизил Ўзбекистон»). Солдатлар йўл-йўлакай бир-бири билан жуда қалинлашиб кетди (З. Фатхуллин).

ИНҚИРОЗ, ТАНАЗЗУЛ. Тугаш, тамом бўлиш (охир бўлиш). Суюм оғанинг бу ерга [Яккатутга] келиши бойнинг назарида

колхоз ҳаракатининг инқирози бўлиб кўринди... (Н. Фозилов). Империалистларнинг «совуқ уруш» сиёсати албатта инқирозга юз тутади («Қизил Ўзбекистон»). Халқаро коммунистик ҳаракат империализмнинг таназзулга юз тутаётганлигини... яхши билади («Қизил Ўзбекистон»).

ИСИМОҚ, ҚИЗИМОҚ. Кўп иссиқликка эга бўлмоқ, ҳарорати кўтарилмоқ.

Нури, гўё ўзи-ўзига дегандек, секингина деди: «Жуда исиб кетдим» (Ойбек). Йўлчи кун исимасдан бир неча юз хом ғишт қўйиб олиш учун ошиқарди (Ойбек). Кундан-кун ҳаво қизиди. Тўрт томони баланд уй-айвонлар билан ўралган ҳовлида нафас бўғила бошлади (Ойбек).

ИСТАК, ХОҲИШ, ОРЗУ, ҲАВАС, ИШТИЁҚ, ҲАФСАЛА, МАЙЛ, РАЪЙ, КҮНГИЛ, АРМОН, РАҒБАТ, ТИЛАК. Бирор нарса қилишга, бирор нарсага эришишга бўлган ички интилиш, ички ҳиссиёт. Орзу кўпинча муҳимроқ нарсага эришишга бўлган истакни билдиради. Ҳавас сўзида истак маъносига қўшимча равишда «қизиқиш» оттенкаси ҳам бор. Иштиёқ сўзи истакни жуда кучли оттенкада ифодалайди. Майл, раъй, кўнгил, рағбат, талаб, тилак сўзлари бу маънода кам қўлланади.

Жоду кўзларни яна бир кўриш, ҳеч бўлмаганда, у кўзлар эгасининг кимлигини билиш истаги билан юраги тепарди (М. Исмоилий). Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара (Мақол). Утган йили меҳнат кунига ярим килога етар-етмас бугдой, 23 тийиндан пул олган капсанчилар бу йилги даромадни кўриб, бутун орзулари ушалгандай бўлди (А. Қаҳҳор). Булар кеча боғчадан Келган эркатой фарзанд. Аъло ўқиш ҳаваси Юрак меҳрига пайванд (Ю. Ҳамдам). «Жоним билан»,— деди ҳаяжон ичида Элмурод ва қувониб, бояги ажойиб хатларни яна бир кўриш иштиёқида аланглади (П. Турсун). Кайфи чоғ ўтирган Хусайн жон-дилдан иштиёқ билдирди (А. Батъ). Э, нямасини айтасиз, бунинг учун ҳавас, ҳафса ла керак («Муштум»). Етим болаларни ўқитишга унинг майли бўлмаса ҳам, бормай иложи йўқ экан (П. Турсун). Ҳатто менинг сизга майлим борлигини билиб, атайлаб шундай дедимикин деган хаёлга ҳам бордим (Сайёр). Бу ишга қадам қўймасдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан ўтиш, раъйингизни билишга тўғри келди (Ойбек). Канизак зийрак жувон, хусусан сенга келганда яна ҳам зийракроқ — буни пайқайди, пайқаганидан кейин кўнглингизга қараб иш тутади (А. Қаҳҳор). Кремлнинг садоси — Ернинг армони Тинчлик! (М. Шайхзода.) Кўзимиз йўлда, келинг бўлса агар Чаманим сайри учун рағбатингиз (Ҳабибий). Иккинчи қаторда ўтирган Замира кўпчиликнинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас кўйлагининг ранги юзига ургандай қип-қизариб кетди (П. Қодиров). Хотиримда, баъзан дам олар чоғи, Тилак, орзулардан сўйлашар эдик (Уйғун).

Келдингиз узоқдан, батраklar, чўпонлар! Мақсадингиз буюк, тилаklar порлоқ (Ойбек).

ИСТАМОҚ, ХОҲЛАМОҚ, ТУСАМОҚ, ОРЗУЛАМОҚ, ОРЗУ ҚИЛМОҚ, ТИЛАМОҚ, ИХТИЁР ҚИЛМОҚ, СОҒИНМОҚ. Талаб-истак ҳис этмоқ. Шу маънода **истамоқ, хоҳламоқ** сўзлари кенг қўлланади. **Тусамоқ** сўзи деярли ҳамма вақт «кўнгил» сўзи билан қўлланади. **Орзуламоқ, орзу қилмоқ** сўзида белги даражаси кучли. **Тиламоқ, ихтиёр қилмоқ** кам қўлланади. **Соғинмоқ** бу маъносидан кам қўлланади. Кимгадир бирор нарсани исташни билдиради.

Улар ҳасратларини тўкиб, кулфатларини айтиб, кўнгиллариини ёзишни истадилар (Ҳ. Ғулом). Пул билан оёғига кишан ур. Шундай қилсанг, хоҳлаган шартингга кўнаверади (Ойбек). Келганингга хурсандман. Кўнглинг тузаган вақтда эшагингга мин. бошини шу ёққа буравер (Ойбек). Уғлининг орзу-ҳавасини кўрди, кўриш бўлса, орзулагандан ҳам ортиқ (А. Қодирий). «Фотима,— деб сўз бошлади,— келажак бахт йўлини сиз билан бирга босмоқни орзу қиламан» (П. Турсун). У [Азизбек] ортиқча ўнғайсизланди ва тилартиламас: «Шундоқ»,— деди (А. Қодирий). Кеч кириб, Навоий отда сайр қиладиган пайт бўлганди. Аксари вақт Мусабек амирни кузатиб борарди, аммо бугун Навоий ёлғиз чиқишни ихтиёр қилди (А. Батъ). «Сатранжда менга ютқазётганингиздан қайғурмасангиз ҳам бўлади: бу йўлнинг камини илк ёшлиқдан ихтиёр этгандим.»— деди Навоий Ҳилолийга (А. Батъ). Демак, тошкентлик йилит унинг Ойнисанинг ҳаёти, тақдири, келажаги ҳақида ўйлапти. Тошкентлик тоғ қизига фақат яхшилик соғиняпти (Ҳ. Ғулом).

ИСТИҚБОЛ, КЕЛАЖАК. Келгусидаги ҳаёт, келгусига оид ҳаёт.

Асардаги кишилар... суви йўқ, кам ҳосил, тошлоқ жойдан кўчиб, истиқболи порлоқ бўз ерларни обод қилишга отланган («Қизил Ўзбекистон»). Эринг сени ташлаб қўйди, сен чурқ этмадинг, истиқболнинг тўғрисида ўйламадинг (А. Қодирий). Уртоқ Аҳмедов бу қишлоқнинг тарихини, кейинги бир йил ичида қилинган ишларни, «Қўйчинор»нинг келажакини гапириб берди (А. Қаҳҳор).

ИФЛОС, ИСҚИРТ, ИРКИТ, ИСЛИҚИ, ИҚНА, ИВИРСИҚ, НОПОК. Софлиги (поклиги) кетган, тозанинг акси. **Ифлос** кенг тушунчага эга бўлиб, ҳар қандай тоза бўлмаган нарса, ҳолатга нисбатан қўлланаверади. **Исқирт, иркит** сўзлари нарса, одам ва унинг кийим-бошига нисбатан қўлланади. **Ислиқи** асосан кийим-бошга нисбатан, **иқна** одамга нисбатан қўлланади. **Ивирсик** жойга нисбатан қўлланади.

Шимолдан жанубга тўғри чўзилган бу кенг кўчанинг ўртасига тош ётқизилган бўлса ҳам, чеккалари Қорабулоқ кўчалари

сингари ўйдим-чуқур, чанг, и ф л о с эди (М. Исмоилий). Тўхта-син ориқ, и ф л о с бир кучукбаччани кўтариб ҳаммадан кейин чиқди (Ойбек). Бозорда юрган халқ — фуқаро ҳам кир, юпун, и с қ и р т (Ойбек). Тайёр жой турганда и р к и т жойда ётиши нима ҳожат (Ҳ. Шамс). И р к и т мушукчани кўтариб юрибди, вий-й! Узиям и р к и т экан (С. Анорбоев). Увада, и с л и қ и тўн, чилвир белбоғининг хумориси тутгандир (А. Қаҳҳор). Йўлчи и в и р с и қ дўконхонада ёлғиз қоларкан, ўзини, Унсинни боқиши учун эртадан бошлаб бирон ишга уриниши зарурлигини ўйлади (Ойбек). Тўғри айтибсиз, Азимжон. Лекин ўша ердан қайтганимдан бери, бир н о п о к нарсани босиб олган одамдай, дилим гаши (А. Мухтор).

ИХЛОСМАНД, ИШҚИБОЗ, ШИНАВАНДА, ҲАВАСКОР, МУХЛИС. Чин юракдан ихлос қўйган, ихлос (ҳавас билан берилган).

Шу кунни пойтахтимиздаги қатор китоб магазинларида республиканинг таниқли шоир ва адиблари адабиёт ихлосмандларининг меҳмони бўлиб, ...автографлар ҳада қилдилар... шеърят и ш қ и б о з л а р и кекса ғазалхон Ҳабибийни ўртага олишган, шоир ўз истеъдодининг мухлисларига аранг автограф ёзиб улгурипти («Ўзбекистон маданияти»). Сени овчиликка и ш қ и б о з деб эшитган эдик (Ҳ. Назир).— Ҳақиқатан ҳам китоб ш и н а в а н д а с и экансиз, ҳаммасини ўқиб чиққандирсиз! («Муштум».) Ҳар бир меҳнаткаш ҳ а в а с к о р боғбон бўлиши лозим («Қизил Ўзбекистон»).

ИХТИЁР, ИЗМ, МАЙЛ. Хоҳиш-истак эрки. Изм кам қўлланади.

Эндиги и х т и ё р манда, у келгунча бир яхши жойга унашайин-да, келгандан сўнг тўйни ҳам жўнатиб юборайлик! (А. Қодирий.) Қийиқ кўзлари синовчан назар билан Бобоқулга тикилди. Бобоқул эса бошини экканча қимирламай ўтирарди. Махсум унинг қиёфасидан «и з м и м сизда, пирим» деган маънони уқди (С. Анорбоев). «Битта киши айтди. Нега қасам ичмасиз, ҳар кимнинг майли ўзида»,— деди Шарофат ва лабини буриб четга қаради (А. Қаҳҳор).

ИЧКИЛИКБОЗ, АРОҚХҲҲҲ, ПИЕНИСТА. Ичкиликка берилган, доим ичиб юрадиган. Пиёниста оддий сўзлашувга хос.

Коммунистик жамият қураётган совет кишилари орасида социалистик мулкка ҳалол муносабатда бўлмовчилар, ўз шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўювчилар, совет қонунчилигини бузувчилар, и ч к и л и к б о з л а р, безорилар, порахўр ва чайқовчиларга ўрин йўқ ва бундай шахслар бўлмаслиги керак («Совет Ўзбекистони»). Жамолбой стаканни оғзига ағдариб, яна сўзида давом этди. «Ўзи ҳам мендан багтар ароқхўрга ўхшайди; оти нима у тожикнинг, Умар Баҳромми?... Ҳа, жиндай

янгилишибман» (Ойбек), [Жезмўйлов] Тупроққўрғоннинг энг жондил, пиёниста, ...бебош бир ориқ офиқ ери эди (А. Мухтор). **ИЧМОҚ, КҲҲҲҲ, ТОРТМОҚ, ОТМОҚ, НҲҲ ЭТМОҚ.** Спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ. **Тортмоқ, отмоқ** оддий сўзлашувга хос. **НҲҲ этмоқ** эскирган, китобий.

«Бир нима деяйми» — «Вой, ҳали индамадан и ч м о қ ч и м и с и з? (А. Қаҳҳор.) Дубов сувдондаги ароқни диққат билан учта кружкага қуйди-да, тантана билан кў т а р д и (Ойбек). Ҳар эҳтимолга қарши Маҳмуднинг адресини ёзиб олиб қолди. Кейин бир ўзига ўхшаган ўртоғи билан кунни бўйи роса тортди (А. Убайдулла). Тўйдан тўйга чопиб Сатторжон отар, «Иш бошлаш учун» деб яримта отар («Муштум»). Амаки, улғу мақсад учун бир пиёладан узум шаробидан н ҲҲ э т с а к (Ҳ. Фулом).

ИШ, ЮМУШ. Бирор мақсадда қилинадиган фаолият, ҳаракат. Иш кенг тушунчага эга бўлиб, кишининг машғулотини ва унинг натижаси маъносини билдиради. **Юмуш** асосан жонли сўзлашувда ва катта ёшдаги кишилар тилида қўлланади, шунда ҳам асосан шахсий иш ва уй ишларига нисбатан қўлланади.

И ш ишгаҳа очар, дангаса и ш д а н қочар (Мақол). У косиблар, камбағаллар, соатсозлар, кулоллар билан суҳбат қилар, сулҳдан, ҳаётдан, и ш д а н, сўзлар эди (Ойбек). Олимларимизнинг бу соҳада қилган и ш л а р и диққатга сазовордир («Қизил Ўзбекистон»). Эътибор опа уй ю му ш л а р и билан банд бўлади: нон ёлади, ўғир янади (Ҳ. Фулом). Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз и ш и, ю му ш и билан машғул (Ҳ. Фулом).

ИШКАЛ, ЧАТОҚ. Иш-ҳаракатнинг нормал давом этишига тўсиқ бўладиган ҳолат, тўғрилиги (нормаллиги) бузилган ҳолат.

Чол Ҳамиджонга гўё ҳозир синчиклаб қараб олмаса, кейин бирон и ш к а л и чиқиб қоладигандек бошдан-оёқ разм солди (Х. Тўхтабоев). Унинг ғазабидан Умар чолнинг ҳам кўнглига гулгула тушиб қолди, бир и ш к а л чиқмасин деб эшик томон бир оз чекинди ҳам (Х. Сеитов). Тинчиди, чамаси, қилмас оҳу вой, Сўнгида бирор чиқмаса ч а т о қ и (Шуҳрат).

ИШЛАМОҚ, МЕҲНАТ ҚИЛМОҚ, ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ. Иш-меҳнат билан машғул бўлмоқ. **Хизмат қилмоқ** бу маънода кам қўлланади.

[Фазлиддин] Кексалар каби салмоқдор бир оҳанг билан сўзга тушди: «Бир вақтлар бизда бир отахон и ш л а д и. Ғариб, фақир мўйсафид эди. Кўп йил и ш л а д и. У олтин одам эди» (Ойбек). Йўлчи ўз ҳамқурлари билан бирга тонг шабадасида ишга тушар, қуёш тик келганда овқатланиб, то қоронғулик тушгунча яна меҳнат қилар эди (Ойбек). Яна у [Гулнор] билан очиқча сўзлашув керак. Йигит ўйлай-ўйлай Шоқосимнинг х и з м а т қ и л а д и г а н жойини, жувозкашникини маъқул кўрди (Ойбек).

ИШЧАН, ХАРАКАТЧАН, СЕРХАРАКАТ, ГАЙРАТЛИ, СЕРГАЙРАТ, ТИРИШҚОҚ, УРИНЧОҚ. Гайрат билан, киришиб ишлайдиган, киришиб-берилиб ҳаракат қилувчи, дангаса-ялқовнинг акси. **Гайратли, сергайрат** ва **тиришқоқ** сўзларида белги даражаси кучлироқ.

Ишчан, жуда-жуда ишчан одам. Колхознинг бутун ҳисобкитоб ишларини шу эплаб турибди (А. Қаҳҳор). Муҳиддинқори Ёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди (Т. Обидов). Баланд бўйли, бақувват, серҳаракат йигитча ўзининг бундан кейин асосий иши халқни кулдириш эканини аста-секин ҳис эта бошлайди (Т. Обидов). Бир-биридан гайратли, чаққон, Бир-биридан ўзишар ҳар чоқ (Э. Раҳим). Рўпарадаги кўркам уйлардан яхши кийинган, ранглари тоза, сергайрат ва илдам аёллар қўлларида идишлари билан қозон бошига қатнаб турибдилар (П. Турсун). Унинг зеҳни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланарди (П. Қодиров). Чарчасини билмайди, жуда уринчоқ йигит («Қизил Ўзбекистон»).

Й

ЙИҚИЛМОҚ, ҚУЛАМОҚ, АҒАНАМОҚ, (АҒНАМОҚ), АҒДАРИЛМОҚ. Тўғри таянч ҳолатини йўқотиб, бошқа ҳолатда ерга тушмоқ. **Йиқилмоқ** асосан одам ва жонли нарсаларга нисбатан қўлланади. **Қуламоқ** асосан жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланади. **Ағнамоқ (ағнамоқ), ағдарилмоқ** сўзлари маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди.

Одамлар орасидан чиқиб, дарё томонга югуриб кетаётган кимдир қоқилиб йиқилди (А. Қаҳҳор). Бу кўчада қулаган ва қулай деб турган деворлар, паст-баланд ва қийишқ уйлар орасида ржа билан солинган чиройли оқ иморатлар учрар эди (А. Қаҳҳор). Шофёр нима бўлганига тушунолмай, шундай тез бурилдики, машина ағнаб кетаёзди («Муштум»). Мингбоши Матқовулнинг қовуғига бир тепди, у ағдарилди (М. Исмоилий).

ЙИҒИН, МАЪРАКА, ЙИҒИЛИШ, МАЖЛИС. Бирор маслаҳат, муҳокама, тўй-ҳашам ёки бошқа муносабат билан бўладиган тўпланиш ҳолати. **Йиғин, йиғилиш** умуман ҳар қандай муносабат билан бўладиган тўпланиш ҳолати маъносида қўлланаверади. **Маърака** асосан бирор нарсани нишонлаш учун бўладиган йиғин маъносини билдиради ва каттароқ (кўп одам иштирокидаги) йиғинга нисбатан қўлланади. **Мажлис** умуман йиғилиш маъносида жуда кам қўлланади. Бу сўз бирор нарсанинг муҳокамасига бағишланган расмий йиғилиш маъносини билдиради.

Бу кимнинг ҳовлиси, нима йиғин? Ёмонлик қилган тўртбеш ёмон одам бор шу мажлисда (Ф. Йўлдош). Сен билан қизийди маърака ва тўй, Сен билан ҳамиса дилларда кўклам! (Шухрат.) У бўлса, қандай йиғилиш бўлмасин, нуқул мактабда юз бераётган камчиликлардан гапирди («Муштум»).

ЙИҒМОҚ, ТУПЛАМОҚ, ТУДАЛАМОҚ, ЖАМЛАМОҚ, ЖАМҒАРМОҚ, ЙИҒНАМОҚ. Тўп (тўда) ҳолга келтирмоқ. **Йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ** шахс ва бошқа нарсаларга нисбатан қўлланади. **Тудаламоқ** нарса-предметларга нисбатан қўлланади. **Жамламоқ** бу маънода кам қўлланади.

Уларнинг ҳар бир йиғинига, ҳар бир ҳангамасига «онабош» бўлувчи Тўхтасин ўртоқларини йиғди, уларга ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди (Ойбек). Разведка маълумотларига кўра душман Орёл ва Белгород районларига ўн етти танк дивизияси, учта моторлаштирилган ва ўн саккизта пиёда аскар дивизияси тўплаган... эди (А. Қаҳҳор). Тоғда очилган лола, Териб тўдалай дейман... (Қўшиқ.) «Талабларингиз ўринли,— деди қушбеги,— аммо хасмингизни бу мажлисга ҳозирлаш учун вақтимиз оздир ва лекин букун уни қўлга олармиз ва бириси кун бешовингизни бир ерга жамлаб, ўз ҳукмимизни берармиз!» (А. Қодиров.) Қиш учун ем-хашакни мўл-кўл жамғариб қўйиш чорва маҳсулотини кўпайтиришининг энг муҳим омилдир («Қизил Ўзбекистон»). Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириб, уларнинг ўзидан кучлар йиғиб, босмачиларга қарши отлантинлар! (Н. Сафаров.)

ЙУЛАТМОҚ, КЕЛТИРМОҚ, ЯҚИНЛАШТИРМОҚ. Яқинига (олдига) келишга қўймоқ.

Борингки ҳеч кимни ёнига йўлатмади («Летиқалар»). Мен ҳеч вақт партада қийшайиб ўтирмайман. Ифлос болаларни ҳеч ёнимга келтирмайман (Уйғун). Киселёв бу асарда «немец йиртқичларини Украина ерига яқинлаштирмасликка ваъда беради («Қизил Ўзбекистон»).

ЙУЛИҚМОҚ, УЧРАМОҚ, ДУЧОР БУЛМОҚ, ГИРИФТОР БУЛМОҚ, МУБТАЛО БУЛМОҚ. Ёмон нарса таъсирида бўлмоқ, ёмон нарсага дуч келмоқ. **Йулиқмоқ, учрамоқ, дучор бўлмоқ** сўзларида ёмон нарса «таъсирида бўлиш» тушунчасидан кўра унга «дуч келиш» тушунчаси асосий ўринда бўлади. **Гирифтор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ** сўзларида эса «таъсирида бўлиш» тушунчаси устунроқ. Шу сабабли бу сўзларда белги даражаси кучлироқ бўлади.

Содиқ қулингиз арслонсифат Шерназарбой тухмат балосига дучор бўлиб, зиндонда сарғайиб ётибди [деди қозикалон хонга] (Ж. Шарипов). Нурмат кўрсатди, бўлди гуноҳкор, Армонман ёмонга бўлди гирифтор (Ф. Йўлдош). Холаси кўнглига келган гапни айтолмай чайнаиб ўтирганда хаёли Тўтиқизнинг дугонасида — муштумдеклигидан минг балога гирифтор бўлган бахти қаро Тўфада эди (М. Исмоилий). «Чамамда, ўртоқ

Хўжабеков «фош қилиш» касалига мубтало бўлган кўринадди».— деди райком вакили кинояли кулиб (С. Анорбоев).

ИУЛОВЧИ, ИУЛЧИ, УТКИНЧИ. Иўлда ўтиб борувчи, йўлда кетаётган одам.

Ана шу сабабдан бу ерга қатнайдиغان автобус, трамвай ва троллейбусларда йўловчилар кўп бўларди («Совет Ўзбекистонига»). Кейин учиб кетар йўлчи қушлар ҳам, Кейин сўлиб қолар лола япроғи (Миртемир). Ҳорғин йўлчи мудраб ичиб чой, Чўзилади мезбон ҳам аста (А. Орипов). Кеч кириб қолган бўлса ҳам, одам одамни таний олар, ўткинчиларнинг кимлигини билиб бўлар эди (Ойдин).

К

КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ, УХШАШ, МИСОЛ(И), БАМИСОЛИ, МИСЛИ, ДЕГАНДЕК. Бу сўзлар ўхшатиш, қиёслашни билдиради. **Янглиғ** поэтик нутққа хос. **Мисли, мисоли** оддий сўзлашувда кам қўлланади. **Дегандек** асосан ҳаракат номи билдирувчи сўз ёки сўз бирикмалари билан қўлланади (лекин шулар билан ҳам жуда кам даражада).

Ерматнинг эшиги ҳар вақтдаги каби ёпиқ (Ойбек). Ҳасаналини ажабсиздирган ҳолат ҳам бекнинг шунинг сингарии хаёл ичида барчани унутиб қўйиши ва бошқа ишларга эътибор ва парвосизлиги эди (А. Қодирий). Юракларинг титрамасин баргянглиғ, Ёз қушлари бутоқларга қўнди, қиз... (Миртемир). Меҳнатга нур мисол сингиб кетасан, Эгачинг момиққа тўлади тез-тез (Зулфия). Қўлтиқлаб олибсан бир қутлуғ китоб, Китобки, бахтининг баёни унда. Йўлингни ёритар мисоли офтоб, Мисоли бир офтоб чарақлар кунда! (Шухрат.) «Ақл ва маданият, ҳақ ва адолат бамисоли офтоб, уни тўсиш ва йўқотиш мумкин эмас»,— деди Мирза чўпонга (А. Ҳакимов). Хонлар панжасида тилкаланди юрт, Эл қонин сўрдилар беклар мисли қурт (М. Шайхзода). Хўжабеков баъзи бир «кўл қўйиш» дегандек ишларни тугатиб, тўппа-тўғри касалхонага борди (С. Анорбоев).

КАЙФИЯТ, КАЙФ, АВЗО. Руҳий ҳолат. **Кайфият, кайф** кўпинча руҳий ҳолатни ижобий белги билан ифодалашда қўлланади: кайфи чоғ, кайфияти дуруст каби. **Авзо**, аксинча, асосан руҳий ҳолатни салбий белги билан ифодалашда қўлланади ва белгини кучлироқ оттенкада ифодалайди. Шунингдек бу сўзда ташқи кўриниш ҳам ифодаланади: авзойи бузуқ каби.

Бобоқул ота йўлингнинг кайфиятини сезди чамаси, ўзини беғамликка солди (С. Анорбоев). Тозагул дугонасининг қалбида...

кайфиятида бугун юз берган ўзгаришни сўрашга ботина олмади (Ҳ. Ғулом). «Кайфим чоғ. Сизни кўриб, яна кўпроқ чоғ бўлди»,— Нури дадиллик билан сўзлади ва ноз қилиб кулди (Ойбек). Холмурод эшоннинг авзойи ёмонлигини кўрди (П. Турсун).

КАЙФЛИ, ҲУЗУРЛИ, НАШЪАЛИ, САФОЛИ, ГАШТЛИ. Баҳр-дилни очадиган, ҳузур-кайф бағишлайдиган. **Нашъали, сафоли** бадний услубга хос.

Урдак, ғознинг кайфли ери кўл бўлсин, Икковининг умрларинг мўл бўлсин («Эрвали ва Шерали»). Узоқ вақт жанг оловларида уйқусиз хатарли кунларни ўтказган бу йигит учун сой бўйлари янада нашъали ва оромбахш туюлар эди (Саид Аҳмад). Мен йигитман, сен баркамол қиз, Бўса бердинг сафоли тунда (Уйғун).

КАЛТА, ҚИСҚА, КЎТОҲ. Узунлиги нормал жиҳатдан кам, узуннинг акси. **Калта** асосан конкрет нарсаларга, кам даражада абстракт нарсаларга нисбатан қўлланади. **Қисқа**, аксинча, асосан абстракт нарсаларга, жуда кам даражада конкрет нарсаларга нисбатан қўлланади. **Кўтоҳ** якка ҳолда жуда кам қўлланади. Кўпинча калта сўзи билан жуфт сўз сифатида қўлланади.

Мастон калта, аммо йўгон икки ўрим сочини бошига ўрадида, худди сув кечишга чоғланаётгандай, оёғидаги пишиқ ағдарма этикни кўздан кечирди (А. Қаҳҳор). Вокзал майдонига яқин кўчаларда трамвайларнинг овози эшитилмоқда. Троллейбуслар, синил машиналар калта-калта сигнал бериб ўтмоқда (И. Раҳим). Абдишукур...— қисқа мўйловининг икки учини ингичка бураб, бурнининг катакларига еткизган, замонасига нисбатан қисқароқ камзул кийган ўттиз беш ёшли, ориққина киши (Ойбек).

КАМ, ОЗ. Миқдори кўп бўлмаган, кўпнинг акси. **Кам** сўзи, кўпинча миқдор бирор даражага қиёс қилинганда шу даражага етмаслик, шу даражадан пастлик маъносини билдиради. Шу маънода оз сўзи ҳам қўлланади. Лекин **оз** сўзи қиёс қилинмаган ҳолатда, умуман кўп бўлмаган миқдор маъносини ҳам билдиради. Ҳаракатнинг миқдор жиҳатдан кўп эмаслигини ифодалашда асосан кам сўзи қўлланади.

Унинг звеноси 70 центнердан ошса ошадик, кам бўлмайди («Муштум»). Иброҳимовнинг қизил чойхонада ўтказадиган агрономия машғулотига Сидиқжон қатнашиб турса ҳам, уйига кам кирар эди (А. Қаҳҳор). Мен асли Қўқонга келган эдим, аммо Марғилонда отам танишларидан биттасида озроқ оласимиз бўлиб, шу кишига учрашиб кетайин деб Марғилонга ўтган эдим (А. Қодирий). Оз смак — тани соғлиқ, оз демак — ҳикматга борлиқ (Мақол).

КАМАЙМОҚ, ОЗАЙМОҚ. Кам (оз) ҳолга келмоқ. Аммо замон ўтган сайин унинг хизматида муҳтож кишилар ва ва шу билан бирга даромад ҳам камая берди (А. Қаҳҳор).

Кўчиб келган заводларга қизларни юбордик, кучимиз озаёиб қолди (И. Раҳим).

КАМБАҒАЛ, ҚАШШОҚ, БЕЧОРА, ФАҚИР, ЙҶҚСИЛ, ГАДО, БЕЧОРАҲОЛ, МИСКИН. Турмуш, яшаш учун зарур бўлган нарсаларга етарли даражада эга бўлмаган, бойнинг акси. **Қашшоқ** сўзида белги даражаси кучли. **Фақир** оддий сўзлашувда кам қўлланади. Бу сўзда белги даражаси **камбағал** сўзидагига нисбатан кучлироқ. **Бечора** бу маънода кам қўлланади. **Йўқсил** эскирган, сўзлашув тилида қўлланмайди, **китобий** тилда ҳам кам қўлланади.

Уқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Фуломжон ота-оналар билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ овқат қилдириб бериб турди (М. Исмоилий). Бой кийса, «Қутлуг бўлсин!», камбағал кийса, «Қайдан олдинг?» Қизиқ экансан, оёғидагини ечиб берадимиз, бу ердагилар ҳаммаси гадойдан нон тилайдиган қашшоқлар (Ойбек). Энди тақсирим, давлатни ҳам кўрганман, ишқилиб сизнинг қанотингиз остида бўлсак бўлади-да. Узи мўмин-мусулмон бўлса, бечора бўлса ҳам, майли (Ҳ. Ҳакимзода). Фақир халқнинг фарзандлари алифбега зор (Ойбек). Менинг етти пуштим йўқсил ўтган (Н. Сафаров). Аммо бойман, гадо эмасман, Ҳаёт менга кўрсатди ҳиммат (Уйғун). «Мен домланинг олдига бориб, бирон бечора ҳол одамга хуфия равишда иримини қилиб қўя қолишни сўрадим»,— деди чол (А. Муҳиддин). ...тўти қушининг болаларидек бир-бирига зор, интизор бўлиб, бир-бирига етишолмай хору зор бўлиб юрган мискинлар оҳига нечук қулоқ солмас экан? (М. Исмоилий.) Сиз золим феълингизни ташлабсиз, мискинлар вақтин хушлабсиз, бу гапингиз менга ҳам хуш келади («Эрли ва Шерали»).

КАМБАҒАЛЛИК, КАМБАҒАЛЧИЛИК, МУҲТОЖЛИК, ЙҶҚЧИЛИК, ФАҚИРЛИК, ҚАШШОҚЛИК, БЕЧОРАЧИЛИК, ГАДОЛИК, МИСКИНЛИК. Тирикчилик, яшаш учун зарур нарсаларнинг етишмаслиги. **Қашшоқлик, муҳтожлик** сўзларида белги даражаси кучли. **Фақирлик** оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди. **Бечорачилик** умуман кам қўлланади.

У ё ўз-ўзини ўлдирарди, ё хизматкор йигит билан бир юртга қочиб, камбағалликда нон гадоий бўлиб яшарди (Ойбек). Аҳволи танг. Камбағалчилик... Яна бунинг устига хотиндан айрилди (Ойбек). Шу ерда ишлайдиган одамлардан бири йўқчилик важдан бир кун бола-чақаси билан отининг терисидан шўрва қилиб ичибди (А. Қаҳҳор). «Сени аканг боқолмай, тақачига топширган экан,— деди Эргаш,— мени ўз отам қашшоқликдан бир бойга топширди. Мен чеккан азобни ҳеч сўраманлар!» (П. Турсун.) Зўр бериб ишлаб, оиламизни боқшига ёрдамлашган бўлсам ҳам, лекин муҳтожликдан қутула олмадик (Е. Раҳимов). Биз коллектив хўжалик орқали

фақирликдан, нодонликдан қутуламиз! (А. Қодирий.) Большевиклар партиясидан Абдурасула бойлар зулмидан, дарбадарликдан, бечорачиликдан, азилишдан чинакам қутулиши йўлини, чинакам бахт йўлини кўрсатади (П. Турсун). Бу элда юпунлик, очлик, гадолик, Қарзорлик, бузуқлик деган нарса йўқ (Ғ. Фулом). Урта деҳқонларнинг ҳам ярмидан кўпроги камбағаллар сингари муҳтожлик ва мискинликда яшар эди («Ленинизм масалалари»).

КАМЧИЛ, ТАНҚИС, ТАХЧИЛ, КАМОБ. Кам топиладиган, талаб қилинганидан оз, етишмайдиган, **Танқис** фақат талабдаги миқдордан, керакли миқдордан кам маъносида қўлланади. **Камчил**, шу маъно билан бирга, умуман нормадаги миқдордан кам маъносида ҳам қўлланади.

Сув ҳозирги кунда танқис, ҳарна олдинроқ келгани яхши (Ойбек). Баъзи магазинларнинг сотувчилари камчил мол келиб қолса, дарров чайқовчилар билан тил бириктирадидлар-да, кўтарасига пуллаб қўя қоладилар («Қизил Ўзбекистон»). Трамвайда йўловчилар камчил, лекин ўтирадиган жойларнинг ҳаммаси банд («Таниш башаралар»). ...бу ерда узум тахчил бўлса ҳам, лекин гўшт билан қимиз сероб эди (М. Муҳаммаджонов). Шу йили айниқса қиш қуруқ келиб, сув камоб бўлган, пахта ҳосили хавф остида қолган, колхозчиларнинг ташвиши ортиб кетган (Ҳ. Назир).

КАНИКУЛ, ТАЪТИЛ. Уқув юртларида машғулотлар тўхтаб, дам олиш учун ажратиладиган вақт. **Таътил** эскирган.

Мен бу ишни қишқи каникул вақтида тезлатмоқчи бўлган эдим («В. И. Ленин ҳақида хотиралар»). Ун кунлик таътил нашгалари ҳам, янги йил шодликлари, арча байрами ҳам [Тўланинг] кўзига кўринмайди (М. Исмоилий).

КАР, ГАРАНГ. Эшитиш қобилиятига эга бўлмаган ёки яхши эшитмайдиган. Шу маънода кар сўзи кенг қўлланади.

Ҳа, менга нима бўпти, эшитмай қулоғим карми?! (Ойдин.) Кўр тутганини қўймас, кар— эшитганини (Мақол). ...хулди гаранг одамга гапирётгандай, шангиллаб сўзларди («Муштум»).

КАРРА, БАРАВАР, МАРТА, ҲИССА, БОР, ЧАНДОН. Саноқ сонлар билан бирга қўлланиб, шу миқдор даражасида қайтарилганликни билдиради.

Фан иши деб Ер атрофини Олтиш карра айланиб чиқди (Уйғун). Уз сўзли ўзбекнинг ваъдаси битта, Минг карра минг тонна пахта жобажо (Ғ. Фулом). Князь сув пулини уч барабар ошириб юборипти. Капсанчилар фулу кўтаришган экан, князь «Шаҳардан саллот қақираман» деб босипти (А. Қаҳҳор). Бундай яшайдан жаҳаннам азоби минг марта енгил (Ойбек). Сидиқжон ҳам, худди бирон жойдан улгуржи пул кутиб турган-у шу пул келиши биланоқ унинг пулини бир неча ҳисса кўпай-

тириб берадиган ва бунни кампир ҳам яхши биладигандай, ҳеч тортинмасдан олиб чўнгагига солди (А. Қаҳҳор). Аминни сайлаганидан минг бор хурсандман. Лекин болаларимизнинг қамалиб қолгани ёмон бўлди (И. Султонов). Жўрабой отанинг командир йиғитга эътиқоди ўн чандон ошди (Ҳ. Фулом).

КАСАЛ, БЕТОБ, НОТОБ, БЕМОР, НОСОҒ, ХАСТА, ОҒРИҚ. Организмнинг нормал фаолияти бузилган, соғнинг акси. **Касал** кенг тушунчага эга. У одамга, ҳайвон ёки бошқа жониворларга, ҳатто жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам қўлланаверади. Бу сўз «организм фаолиятининг вақтинча бузилган»лигини ифодалаш учун ҳам, шунингдек, умуман, «соғнинг акси» маъносига ҳам қўлланаверади. **Бетоб, нотоб, бемор, хаста** одамга нисбатангина қўлланади. **Бетоб, нотоб** сўзлари «вақтинча деб тасаввур қилинадиган касал» маъносини билдиради. **Нотоб** кам қўлланади. **Бемор** сўзида ижобий муносабат ифодаланади. Бу сўз оддий сўзлашувга нисбатан ёзувда кўп қўлланади. **Хаста** нисбатан эскирган. **Носоғ** жуда кам қўлланади. **Оғриқ** сўзи ҳам бу маънода кам қўлланади.

Нигора қабулхонада бирпас ўтириб, нафасини ростлади. Кейин эгинга оқ халат кийди, термометр билан эшитиш трубкасини чўнгагига солиб, касаллар олдига кетди (С. Анорбоев). Шу вақтда Гулсумбиби бетоб, иштаҳасиз қизи учун... ўз декчасида тайёрланган бир коса серқатиқ хўрда ошни авайлаб кўтариб эшикдан кириб келди (Ойбек). Бой ота, бу ерда андак англашилмовчилик борга ўхшайди. Мени аввало инимиз Салимжон чақиртирган эдилар, ўзларидан сўрасалар бўлади. Ҳам худо берган бир ўғил, бир қизим бор. Уларни нотоб деб эшитдим (Ойбек). Шифосиз касалга ҳар бир дору дармон ҳам заҳардек амал қилар экан... Шифоли касал бўлса-чи, сув ҳам дорудек амал қилиб, бемор тузалаверар экан (Ойбек). Аҳмад Хусайини ётқизди.., лекин бу фақир ҳужрада хаста ётган дўстини тарк этгиси келмай, қайта-қайта тўхтаб хайрлашди (Ойбек). Ноз этмади таннозим, бир боқди, сўраб ҳолим, Бу расм ила одатдир, носоғини соғ этар (Ҳабибий). Улар оғриқнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши (Мақол). «Оғриқнинг тузалгиси келса, эмчи ўз оёғи билан келур»,— деганларидек, Отабекнинг Марғилонда бўлиш хабарини эшитиб, хон билан мен жуда қувоншидик (А. Қодирий).

КАСАЛ БЎЛМОҚ, КАСАЛЛАНМОҚ, БЕТОБ БЎЛМОҚ, БЕТОБЛАНМОҚ, ОҒРИМОҚ. Касаллик (дард) таъсирида бўлмоқ, носоғлом ҳолатда бўлмоқ, соғломлигини йўқотмоқ. **Касал бўлмоқ, касалланмоқ, оғримоқ** одам ва бошқа жониворларга нисбатан қўлланаверади. **Бетоб бўлмоқ, бетобланмоқ** одамга нисбатан қўлланади. **Оғримоқ** кўпроқ оддий сўзлашувга хос.

Нима, мен дунёга жинчиноқ кўтаргани-ю, бақа ўлдиргани келганманми? Касал бўлиб қолсам, нима бўлади? (А. Қаҳҳор.) Қани энди, у гўзадаги ўргимчаккана бўлса-ю, олтингурут сепиб

қуриб ташласанг, қўй касалландими, бўғзига пичоқ тортовришади («Муштум»). Шакар бетобланиб, икки ойча касалхонада ётди (Ҳ. Назир). «Онам бетоб бўлиб қолувди, рўзғорга қарашдим».— деди аста (П. Турсун). Бирдан Зеби хола оғриб қолди-ю. Ўша ётганча ўрнидан турмади... (Ҳ. Назир).

КАСАЛМАНД, ДАРДЧИЛ, ДАРДМАНД. Касаллик (дард) таъсирида қолган, тез-тез касалланувчи.

Йўқчилик жонимга тегди... Эримнинг касалманд бўлиб қолганига мана бир йил бўлиб қолди (С. Зуннунова). Не-не умидлар билан олинган ер, болалар ёш ва Анзираг холанинг ўзи дардчил бўлгани учун, экувсиз қолиб, қўриққа қўшилиб кетди (А. Қаҳҳор). Марғилонга келганимизга йигирма беш кун, бир ойлар чамаси фурсат ўтди. Шундан бери Отабек дардманд (А. Қодирий).

КАСБ, ҲУНАР, КАСБ-КОР, ИШ. Иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган асосий тури. **Иш** бу маънода оддий сўзлашувга хос.

Ишни ташкил этиш одамларда касбга қизғин муҳаббат уйғотди («Қизил Ўзбекистон»). «Касбим тўқувчилик, Шокирбек»,— деди уй эгаси (А. Қодирий). Отасининг ҳунарини ўрганиб олган бу йиғитча учун қишлоқда иш кўп эди (Саид Аҳмад). Ўзбек типроғида... яшайдиган тирик жонки бор, касб-кори қандай бўлишидан қатъи назар, у аввало пахтакордир! (Ҳ. Фулом.) «Кўёвинг нима иш қилади?»— «У киши ҳам тракторчи эдилар. Ҳозир фронтда» (А. Қаҳҳор).

КАСР, КАСОФАТ, ЖАТ. Ўзганинг сабаби (айби) билан бўладиган ёмон оқибат. **Жат** ҳамма вақт эғалик ва келишик қўшимчаси билан қўлланади.

Бир бебош синфдошнинг касри ҳаммага тегди (М. Исмоилий). «Булар бежо бўлди, буларнинг касофатига бизлар ўлиб кетмасак шу-да»,— деб куйилади (Ф. Йўлдош). «Ҳамма бахтсизликлар хат-саводдиларнинг касофатидан»,— тобора жаҳли чиқиб гапирарди мешкоб (К. Икромов). Сенинг жатингга қовун билан тарвуз паттачининг қўлида қолиб кетди (Ҳ. Фулом). «Мансурбек отасининг ўчини олиш учун ҳаммага ёпишиб кўрпиги,— деди Юнусжон.— Кўп одамлар ўшанинг жатидан қамалди» (Ҳ. Нуъмон).

КАТТА, УЛУҒ, БУЮК, ЗҶР, АЗИМ, АЗАМАТ, УЛҚАН, БАҲАЙБАТ, ҲАЙБАТЛИ, ЙИРИК, ГИГАНТ. Одатдагидан ҳажм-ўлчови ортиқ, кичикнинг акси. **Катта** кенг тушунчага эга. У конкрет, шунингдек, абстракт тушунчаларга нисбатан қўлланаверади. **Улуғ, буюк, зўр, азим, азамат, улкан** сўзларининг ҳаммасида белги даражаси нисбатан кучли. Шунинг учун ҳам булар деярли ҳамма вақт ҳажм-ўлчови анча катта бўлган нарсаларга нисбатан қўлланади. **Улуғ** кам қўлланади. **Буюк** конкрет предметларга нисбатан кам қўлланади. **Азим, азамат** асосан конкрет нарсаларга

нисбатан қўлланади, лекин қўлланиш доираси жуда чегарали. **Баҳайбат**, **ҳайбатли** сўзларининг маъноси уларнинг ўзагидан ҳам англашилиб туради. **Улкан** эскирган. **Йирик** бу маънода жуда кам қўлланади. **Гигант** китобий. Асосан қурилишга, жойга нисбатан қўлланади, белги даражаси жуда кучли.

«Бизникидақа кичкина, ғарибона эмас, катта, чиройли, ясадоқ уй экан»,— деди Ҳожиди хола (М. Исмоилий). «Тўғри, чин севги — катта бахт. Чуқур сев, бахтиёр бўл, дўстим»,— деди хайланан Муҳаммад Жамол (Ойбек). «Мендан тўрт-беш ёш улурроқ бир биродаримиз бор эди. Уйланган эди. Кўп доно йигит эди. Гапирса, ҳаммамиз оғзига тикилар эдик»,— деди чол (П. Турсун). Менинг совғам — миллион-миллион элларнинг бахти Менинг совғам — буюк шаҳар, кўркам қишлоқлар (Ғайратий). Айниқса бу кашф ҳарбий истеҳкомда қўлланилса, зўр фойда келтиришини алоҳида таъкидлади (Шухрат). Трактор шай, фурсат ғанимат. Бел боғлаган зўр ишга ўзи (Ғайратий). Баланд қад кўтарган азим тоғларнинг Чўққисига альпинист интилганидек... (Ю. Ҳамдам). Ана кекса қайрағоч, унинг тунука том устига энгашган азамат шохи қуриб қолибди (Саид Аҳмад). Гишлари олтиндай оқ сарғиш улкан бинонинг кенг зинапойлари ва баланд пештоқлари олдида одамлар кичик-кичик кўринади. Гавҳар бу одамларга кўз тикиб турарди (П. Қодиров). Йўлчининг зарбаси остида тўнкалар яланғочлана, ўзининг қўпол, баҳайбат гавдасини кўрсата бошлайди (Ойбек). Олисда ҳайбатли тоғлар зўр, дангал. Кўк мовий туманда эсар шамоллар («Қизил Ўзбекистон»). Унинг арслондай кўркам гавдаси, кенг пешанаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик кўзлари... унга ёқди (Ойбек). Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона сингари шаҳарларда... гигант корхоналар бунёд этиляпти («Қизил Ўзбекистон»).

КЕЙИН, **СЎНГ**, **СЎНГРА**, **ИННАЙКЕЙИН**, **БАЪДАЗ**. Воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатлар қаторида бошқасидан орқада (навбатда), аввалнинг акси. **Сўнг**, **сўнгра** ўзбек адабий тили таянч шеваларида қўлланмайди. **Иннайкейин** оддий нутққа хос. **Баъдаз** эскирган, китобий.

Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин, каттакон бир гурскеттини келтириб, пичок тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди (М. Исмоилий). Унга ўн беш ёшимдан бошлаб аввал шоғирд, кейин халфа, сўнг мустақил уста сифатида то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашга тўғри келгани учун, унинг елкаси букур каби ортиқча туртиб чиққан эди (Ойбек). Нури шошиб мақсадини англади. Сўнгра ўз кампирига суқилиб, фолбин орқасидан уйга кирди (Ойбек). **Иннайкейин** уй ясаб, қум лойдан ййнашади — шовқин солади (Миртемир). **Авал таом, баъдаз** калом (Мақол). **Баъдаз** унинг устидаги шубҳам бир оз зойил бўлиб, кўнгил кўтардим (А. Қодирий).

КЕККАЙГАН, **ГЕРДАЙГАН**, **КЕРИЛГАН**, **ДИМОҒДОР**, **КАЛОНДИМОҒ**, **КЕРИК**, **МАНМАН**, **ТАКАББУР**. Ўзига ортиқ даражада баҳо бериб, доим гурур, димоғ билан юрадиган.

Колхозчилар кеккайган раис Элбой Қорабоевнинг адабини берди («Қизил Ўзбекистон»). Бойвачча кўчада, халқ орасида қандай бўлса, уй ичида ҳам шундай гердайган, зугумли эди (Ойбек). Мақтанганинг уйига бор, керилганинг тўйига бор (Мақол). Мен баъзи кишиларга ажабланаман, сал иш қилди-ми, дарров димоғдор бўлиб кетади... (Шухрат). Кенжага дастлаб муомаласи дағалроқ, ўзи калондимоғ кўринган бу киши суҳбат охирида ғоят таъби нозик бир шинаванда бўлиб чиқди (Ҳ. Назир). ...уй тўридан мағрур кузатиб турган керик Бекойимга оқсоч хотиннинг такаббурлиги ёқмади (М. Исмоилий). Камтарга эгил, манманга керил (Мақол). **Манманга** — завол, Камтарга — камол (Мақол). Салимбойваччага, яхши ва юришли бўлса ҳам, кўримсизроқ бир от қолгани учун ачиқланиб, бир-биридан такаббур, бир-биридан кеккайган бойваччаларнинг олдида бу отда боришни ўзига эп кўрмай, дам жўнашга қарор қилар, дам яна айнир эди (Ойбек).

КЕКСА, **ҚАРИ**. Кўп йил яшаган, организмнинг фаолияти заифлашиш даврига ўтган, ёшнинг акси. **Қари** кўп ҳолларда салбий оттенка билан қўлланади. Шунинг учун қари тулки, қари қиз каби ибораларда қари сўзи ўрнида кекса сўзини қўллаб бўлмайд.

Илк саҳардан то кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида, қуёш энди тиг ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш икки отлиқ чиқиб келаверди (М. Исмоилий). Шундай ёрқин, шундай ойдин замони ҳам бўлармикан бу жафокаш кекса дунёнинг (М. Исмоилий). Қандай ва қайси томондан қочди қари тулки? (С. Айний.) Аммо қари ҳам, ёш ҳам, унинг олдида одоб сақлаётгандек, аскияга ортиқ оғиз очмади (М. Исмоилий).

КЕКСАЙМОҚ, **ҚАРИМОҚ**, **ҚАРТАЙМОҚ**. Қари (кекса) ҳолга ўтмоқ.

Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлган бир отага кеккайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улур мукофотдир (А. Қодирий). Ҳар кун эртанинг бу кундан яхши бўлиши умиди билан киши қариганини ҳам билмай қолар экан (А. Қаҳҳор). Шайх Абдуллоҳ анча қартайиб қолган бўлиб, соқоли оппоқ оқарган, қўллари қалтирарди (Л. Бать).

КЕЛИШГАН, **ХУШБИЧИМ**, **ХУШҚОМАТ**, **БЕЖИРИМ**, **КЕТВОРГАН**, **ЛОБАР**, **ТАМТАМ**. Қадди-қомати (бичими) чиройли. **Бежирим** бу маънода кам қўлланади. **Кетворган** оддий сўзлашувга хос ва унда белги даражаси кучли. **Лобар**, **тамтам** асосан йигит, қизларга нисбатан «ёқимлилик» оттенкаси билан қўлланади.

Зиёдилла, соқолининг оқига қарамай, йигитлардек кўринарди: у хушбичим ва келишган одам эди (К. Икромов). У 40—45 ёшлар чамасидаги қорачадан келган хушқомат, қаламқош бир хотин эди (Ғ. Ғулом). «Бунингиз шахзодаларга муносиб,— деди Ойша хола секингина Санам отинга ўйрилиб.— Онасига тортиди. Билмайсизми ахир, онаси раҳматлик ҳам жуда хушқомат жувон эди-да» (Ш. Тошматов). Унинг ҳусни-жамолини кўрсангиз, ҳавасингиз келади, қомат ҳам кетворган («Муштум») У ниятига етди. Қишлоқнинг тамтам қизига ўлланяпти (Саид Аҳмад). Эй, кечалари уйқусиз, ёр хаёлида кашита тиккан ва кетмон чопган, дарс ўқиган ва ўқ қуйган тамтам қизлар! Кулинг, қувонинг! (Миртемир.)

КЕЛИШМОҚ, БИТИШМОҚ. Узаро бирор битимга (қарорга) келмоқ **Битишмоқ** кам қўлланади.

...ҳоким билан Тешабой... сув лозим бўлган ерларга сув чиқариш, янги ерлар очиш, пахта майдонларини иложи борича кенгайтириш тўғрисида ўзаро келишиб олган ва бу сертомир ҳаракатни Қорабулоқдан бошлаган эдилар (М. Исмоилий). Шунинг учун хотини ва қизидан сўраб ўтирмай, бир кун дўконидан эркак совчилар билан битишиб ҳам келди... (А. Қодирий).

КЕРАК, ЛОЗИМ, ЗАРУР, ДАРКОР. Талаб-эҳтиёж бор. **Даркор** асосан катта ёшдагилар нутқида ва буларда ҳам кам даражада қўлланади. **Зарур** сўзида белги даражаси кучли.

...Аҳмаджон ўзининг пулемёти билан уларни сўл томондан ҳимоя қилиши керак эди (А. Қаҳҳор). «Сувни уч-тўрт қаҳирим юқоридан икки ёғига чим босиб кўтариб келиш лозим бўлади»,— деди Алим бува (М. Исмоилий). Пулингиз борми? Аҳмаджон акамга яна уч минг сўм зарур бўлиб қолибди (А. Қаҳҳор). Бунинг учун ҳар бир картанинг конкрет тупроқ шароитини билган ҳолда ўғит нормаларини белгилаш даркор («Қизил Ўзбекистон»).

КЕРАКЛИ, ЗАРУР, ЗАРУРИЙ. Керак бўладиган, кераги бор. **Зарур** сўзида кераклилик даражаси кучлироқ. **Зарурий** белгини яна ҳам кучли даражада ифодалайди. Бу сўз асосан китобий тилга хос.

Керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Олдида ётган керакли асбобларни тез топа олмас, кўвани қидирган қўли ширач қосага ботар эди (Ойбек). Севтисиз юрган дугоналари кўзига галати, ҳаётнинг энг зарур ва олижаноб нарсасидан маҳрум кишилардек бўлиб кўринарди (Шухрат). Илм кўп, умр оз, зарурини ўқи («Оталар сўзи»). Шундай қилиб, икки орадаги муносабатда инженер қиз туфайли пайдо бўлган ёки юзага чиққан янги нарса кун сайин тўлароқ мазмун касб этар, ҳар иккаласи учун ҳам табиий, зарурий тусга кириб борар, лекин ҳеч бири бу тўғрида очик гапирмас эди (А. Қаҳҳор).

КЕРИЛМОҚ, КЕККАЙМОҚ, ГЕРДАЙМОҚ. Ўзини гурурли ҳолда тутмоқ, ўзини ўзгадан юқори ҳис қилмоқ ва гавдани шу гурурга мос ҳолда тутмоқ. **Керилмоқ** сўзи асосан гурурли ҳолда ўзини ўзгадан юқори тутмоқ маъносида қўлланади. Бунда гавдани шу гурурга мос ҳолда тутиш бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу сўз гурурсиз, фақат гавдани фоз тутиш маъносида деярли қўлланмайди. **Гердаймоқ, кеккаймоқ** сўзлари ўзини гурурли (юқори) ҳис қилмоқ ва гавдани шу гурурга мос ҳолда тутмоқ маъносида, шунингдек, ҳеч қандай гурурсиз (ўзини ўзгадан юқори ҳис қилмай), умуман гавдани фоз тутган ҳолда бўлмоқ маъносида қўлланаверади. **Гердаймоқ, кеккаймоқ** сўзларида белги даражаси кучлироқ.

Мақтанганинг уйига бор, керилганинг тўйига бор (Мақол). Мадаминни мен ҳам сўқдим; қонун билан ҳисоблашмасанг, минг керил—обрўйинг бир пул, дедим (П. Турсун). Бобоҳўжа домла муридлик вазифасига ўтгандан бери кеккайиб, юриш-туриши, ҳатто гапирishi ҳам бўлакча, қоровул айганча, димоғидан эшакқурт ёғадиган бўлиб кетган эди (П. Турсун). Баланд бўйли,.. кеккайиброқ юрадиган бу чиройли, қоратўри йигит ўша Фотимага ошиқ бўлиб юрган бўйдоқ ўқитувчи Каримов эди (П. Турсун). Илмим баланд инженерман деб гердаймас экан, қора ишдан сира ҳазар қилмас экан (Ойбек). У янги, «ҳаваскор» ўспирин аравакаш каби, гердайиб, ежасини қийишқ қилиб ўтирди (Ойбек).

КЕСАТИҚ, КИНОЯ, ИСТЕҲЗО, ПИЧИНГ. Камситиш, масхаралашни ярим яширин равишда ифодаловчи гап-сўз, хатти-ҳаракат. **Кесатиқ** сўзида масхаралаш оттенкаси киноя сўзига нисбатан кучлироқ. **Киноя** сўзи **кесатиқ** сўзига нисбатан китобий бўлиб, термин сифатида ҳам қўлланади **Истеҳзо** китобий.

Унинг дам бошига, дам оёғига қаради. **Пичинг** ва **кесатиқлар** билан масхаралай бошлади (П. Турсун). «Қойилмиз,— деди Марҳамат Раҳимага киноя билан.— Сени овчиликка шиқибоз деб эшитган эдик. Чумчуқ қайратиш, хўроз уриштириш ҳам овчиликка кираркан-да» (Ҳ. Назир). «Балки бегингизнинг тамаълари хон қизидадир»,— деди истеҳзо билан Ҳомид (А. Қодирий). Буларнинг кулгисидаги истеҳзони қози домла тушунди шекилли: «Хўш»,— деб сўради (М. Исмоилий). «Наҳотки яхши лекция ўқиси мафкураси бузук одамларнинг қўлидан келса!» деган пичингни ҳам Маҳкам биринчи марта Зийнотуллаевдан эшитган эди (П. Қодиров).

КЕСМОҚ, ҚИРҚМОҚ, ЧОПМОҚ. Тиг билан (тиг солиб) бўлакча ажратмоқ, парча-парча ҳолга келтирмоқ. **Кесмоқ, қирқмоқ** асосан тигни босиб туриб олд ва орқа томонга ҳаракатлантириш йўли билан бўлакча ажратишни, узишни билдиради. **Чопмоқ** сўзи эса зарб билан кесиб маъносини билдиради.

«Яхши. Раҳмат Чой бор?»— деди Асқар полвон, ҳам қўнжи-

дан ўзининг қадрдон йўллоши — ўткир пичоғини олди-да, нонни кесаверди (Ойбек). [Йўлчи] Жодиди беда қирқар экан, Ёрмат келди (Ойбек). Трактор кесилган катта дарахларнинг тўнкасига занжир боғлаб тортар, арра, болта кўтарган одамлар буларни кесиб-қирқиб араваларга юклашар эди (А. Қаҳҳор).

КЕТ, ЖУНА, ТУР, ЙУҚОЛ, РАВ. Ҳайдаш, қувишни билдиради (асосан одамга нисбатан). **Тур** бу маънода яқка сўз ҳолида кам қўлланади. Асосан йўқол сўзи билан бирга ишлатилади. **Йўқол** сўзида таъкид, дўқ кучли. **Рав** кам қўлланади ва унда таъкид, салбий муносабат кучсиз.

— *Ҳа, аблаҳ, ёлғончи, муттаҳам!.. Кет бу ердан, кўзимга кўринмай йўқол!* (П. Турсун.) Кимда гумонинг бўлса, уни кўздан қочирма, изига туш! *Жўна, эртага келасан...* (Ойбек). *Чу, нари тур, арзандам, тагингни тозалаб қўйяй энди* (Ойбек).

КЕТМОҚ, ЖУНАМОҚ, РАВОНА БУЛМОҚ. Турган ерни тарк этиб, бирор томонга йўл олмоқ. **Равона бўлмоқ** кам қўлланади.

Кетайлик бу эшикдан, **Бўлсак** ҳам гадо (Ғайратий). **Урмонжон**, таъби хира бўлди-ю, отланиб районга жўнади (А. Қаҳҳор). **Орзукул...** орқасига ўгирилди-да, уйи томон **равона бўлди** (Х. Сеитов). **Маргарита...** Собиржоннинг **Нина Георгиевна** билан тушган сурати ва сўнги мактубини олди-да, ишдан отпусқа сўраб, Тошкентга қараб **равона бўлди** («Тошкент ҳақиқати»).

КЕЧА, КЕЧАСИ, ТУН, ОҚШОМ. Сутканинг кун ботишдан кун чиққунча кечқурундан эрталабгача бўлган қисми. **Тун** сўзи **кеча** сўзига нисбатан кам қўлланади. **Тун** сўзида қоронғилик оттенкаси кучли бўлади. Шунинг учун ойдин кеча, ёруғ кеча каби бирикмаларда **кеча** сўзи ўрнида **тун** сўзини қўллаш мумкин эмас.

Кеча жимжит эди, ҳамма уйқуда, мен шеър ёзардим уйқудан кечиб (Уйғун). Ойдин кеча. Бўтабой Бақақуруллоқдан чиқиб, Қўшчинорга юқоридан — катта йўлдан кетди. **Ҳаво соф, салқин** (А. Қаҳҳор). «*Шу иш қулай экан, — деди... Йўлчи... — Лоақал кечалари тинч бўламан-ку...*» (Ойбек). **Тургенев** отделениеси бугун кечаси билан блиндажда дам олиши керак (И. Раҳим). «*Яқин танишлар ё ҳамшаҳарлар учраб қолар деган умид билан ҳожихонанинг бир ҳужрасида кунларимиз ташиши билан, тунларимиз қайғу билан ўтар эди,*» — деди **Ҳожини хола** (М. Исмоилий). **Тун ўтди**, тонг отди. **Эрталабки** нонушгандан сўнг дўстлар ясанишиб, бирин-кетин ҳовлига чиқдилар (П. Турсун). **Самарқанднинг** шухрати, **Обрўйи**, **Ҳурмати**, **Қадри**, **Меҳри**, **Мақоми**, **Кундузи** ва **оқшоми** (М. Шайхзода).

КЕЧИКМОҚ, ХАЁЛЛАМОҚ, УЗОҚЛАМОҚ. Келиши белгиланган вақтидан, муддатидан кейинламоқ. **Узоқламоқ** кам қўлланади.

Йигитлар кечикса, ош ланж бўлиб қолмасин деб, солмади (Х. Ғулом). «*Ҳозир чақираман, тақсир!*» — деди **Махсум** ва ташқарига чиқиб, анча хаёллаб қолди («Муштум»). **Не сабабдан** узоқлади, **йигитлар?** **Жаллотим** **Ҳасанхон** тушди эсима («Далли»).

КЕЧИРИМ, УЗР, АФВ. Кечириш илтимоси, ўтиниш илтимоси. **Кечирим**, **узр** сўзлари бирор гуноҳ-айбни кечириш илтимоси маъносида ҳам, шунингдек, умуман кечириш маъносида ҳам қўлланади. **Афв** асосан гуноҳ-айбни кечириш илтимоси маъносида қўлланади, шу маънода ҳам жуда кам қўлланади.

Мабодо вожатийнинг қўлига тушса, тониб туриб олар, муғом-бирлик билан «*Билмабман, энди қилмайман,*» — деб **кечирим** сўрашга тили бурро эди (Х. Назир). **Кечирим** сўрамай суҳбатни бўлиш... бошқаларга нисбатан ҳам ҳурматсизлик бўлади («Қизил Ўзбекистон»). **Бўтабой** буни кўриб, **Урмонжон** олдида қилмишидан қаттиқ хижолат тортди, унга **узр** айтишни кам билдиб, бирон иш билан ўзини оқлашни кўнглига туғиб қўйди (А. Қаҳҳор). **Минг марта узр...** **Зарур** иш туғиб қолди (К. Яшин). **Сиздан** бу улуг гуноҳим учун **афв** сўраб ҳайдалган йўлнингиз — **Отабек Юсуфбек** **Ҳожини** ўғли (А. Қодирий).

КИЙИМ, УСТ-БОШ, КИЙИМ-КЕЧАК, КИЙИМ-БОШ, ЛИБОС, ЭНГИЛ, ЭНГИЛ-БОШ, ЭГИН. Умуман кийиладиган нарса. **Кийим** сўзи кийиладиган нарсаларнинг яқка (алоҳида) сига нисбатан ҳам, умумлашган ҳолатига (бош-оёқ кийимга) нисбатан ҳам қўлланаверади. **Уст-бош**, **кийим-бош**, **энгил-бош** кийимни умумлаштириб ифодалайди. **Либос** кўпроқ китобий услубга хос.

Йўлчи куннинг иссиғида кетмон ташларкан, фикри-хаёли бояғи деҳқонда бўлди: ...қип-яланғоч болалар, **кийим** қани деса, нимани кўрсатади? (Ойбек.) **Уст-боши** юпун йигитлар, чоллар қулоқларини рўмол билан боғлаб олиб кетмон уришди, тупроқ кўчиришди... (А. Қаҳҳор). **Арава-арава кийим-кечак** келтирилиб, ҳамма болаларга бир сидра янги ички ва устки **кийим-бош** берилди (П. Турсун). **Ундан** элга шоҳи тўн, **Либос** буюртсам арзир (С. Акбарий). **Қудрат** ўрнидан туриб, **энгил-бошини** қоқди, **теварагига** тўйиб-тўйиб боқди (М. Исмоилий). **Тонг** бўзариб қолди, **шоирлик** шу-да, **Рохат** қилолмадим **эгинимни** ечиб (Уйғун).

КИМСАСИЗ, БЕКИМСА, ЕЛҒИЗ, БЕКАС, СУҚҚАБОШ, ҒАРИБ. Ҳеч кими йўқ. **Бекимса**, **бекас** кам қўлланади. **Суққабош** салбий бўёққа эга. **Ғариб** сўзида аҳвол-шароитининг яхши эмаслиги оттенкаси ҳам бўлади.

Ен қўшинининг уйидан **кимсасиз** кампирнинг секин-секин **йигиси** эшитилар эди (Ойбек). **Ҳеч** ёдинга келурму, дебки шаҳрида **Хўқанд**, **Бир ғариб**, **бекас** тағойи **хоксорим** бор эди (**Муқимий**). **Шунинг** учун бўлса керак, бу **сўққабош** чол ўзининг ёлғизлигини ҳеч сезмасди (Х. Назир).

КИРИШ, МУҚАДДИМА. Асар, нутқ, гапнинг асосийдан олдинги (бошланиш) қисми.

Кейин қисқа кириш сўзи қилиб, масалани бутун вазияти билан батафсил таништирди (Ж. Абдуллахонов). Тўлаган ҳам қисқача муқаддимадан кейин бригадасининг правлениега берган рапортини ўқиб бериши керак эди... (А. Қаҳҳор). А. Богданов жанобларининг баёни, унинг ўзи ҳам муқаддимада тўппа-тўғри ўз китобини «конспект» деб атаганидек, ҳақиқатан ҳам ниҳоят даражада қисқа (В. И. Ленин).

КИРМОҚ, ЖОЙЛАШМОҚ, УРНАШМОҚ. Иш-хизмат, ўқиш ёки бирор жойга қабул қилинмоқ.

...паспортим йўқлигидан ишга киролмай юрибман («Тошкент ҳақиқати»). Буларнинг кўплари мактабга домла воситаси билан жойлашган эди (П. Турсун).

КИФОЯ, ЕТАРЛИ, ЕТАДИ, БУЛАДИ, БУЛДИ, БАС. Қаноатлантирарли даражада. Етарли, етади, бўлди, бас сўзлари кесим вазифасида бўлгандагина кифоя сўзи унинг синоними сифатида қўллана олади.

Биз сизларнинг ўқиганингизни кўриб юрсак ҳам, кифоя (П. Турсун). Бир оғиз айтсанг, шунинг ўзи етарли, ҳаммасини тўғрилайди («Муштум»). Бир юз ўн беш сўм саксон тийин берсанг, бўлади. Ҳисоблик дўст айрилмас (А. Қаҳҳор). Лекин сен: «Бечора ивигандир!»— деб кўнглингдан ўтказган бўлсанг мени, бас! (Шуҳрат.) Мен Ленинни кўрганларни кўрганман... Бу саодат умр бўйи менга бас! (М. Шайхзода.)

КУЙ, ТАРОНА. Музыка асари сифатида бирлашган овоз ва товушлар. Тарона китобий, жуда кам қўлланади.

Дутор уфори куйини чалиб, чилдирма ҳам нозик йўл билан унга қўшила борди (А. Қодирий). Сизга бу тарона-куйим армуғон (М. Шайхзода).

КУЛГИ, ХАНДА. Киши ўз хурсандлиги, завқини ифодалашда чиқадиган узук-узук овоз. Ханда кўпроқ поэтик услубда қўлланади.

Шу чоқ узокдан чинни пиёла жарангидай кулги эшитилди-ю, тезда жимиди (И. Раҳим). Бу сўздан сўнг уй ичини кучли бир кулги товуши қоплади (А. Қодирий). Кўз ёшинг-ку кўп нафис, ўзвал. Табассум-чи, бамисоли газал, Билки, ханданг йиғингдан афзал! (М. Шайхзода.) Балли, булбул гўзалликнинг нашъали хонандаси, Қизлар унч тинглаганда лабида завқ хандаси (М. Шайхзода).

КУТМОҚ, ПОЙЛАМОҚ. Мўлжалланган нарсанинг амалга ошишини, келишини, учрашини умид қилган ҳолда бирор жойда турмоқ, бирор жойда бўлмоқ. Шу маънода кутмоқ сўзи кенг қўлланади. Кўлинг ўлиб кетай бағрингдан, Сафда азиз дўстларим кутар (Ғайратий). Муҳаррам, Элмурод келиб қолар деб, нонушадан кейин анча пойлаб ўтирди (Шуҳрат).

КУЧ, ҚУВВАТ, МАДОР, МАЖОЛ, ДАРМОН. Ҳаракат-фаолиятга олиб келувчи жисмоний қобилият. Куч кенг тушунчага эга бўлиб, жонли ва жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам қўлланаверади. Қувват асосан жонли, кам даражада жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланади. Мадор, дармон сўзлари асосан одамга ва кам даражада бошқа жонли нарсаларга нисбатан қўлланади. Мадор, дармон сўзлари куч-қувватнинг кўпинча нормал ҳолатдан пастигини ифодалашда қўлланади. Мажол сўзлашув стилига хос.

Сенинг номинг этди бизни тетик, ҳушёр, Сенинг номинг бизга берди куч, мадор (Ғайратий). Социализм кучлари қудратлидир, бу кучлар кун сайин ўсмоқда («Қизил Узбекистон»). Қаридим, иш қилишга қолмади қувват (Ғайратий). Кўча бетига баъзи аёлларнинг эса тикка туришга мадори қолмай, йўл четига чўққаяр ва ўтириб, йиғлай бошларди (П. Турсун). Агар кучим, қувватим етса, одамларнинг жон олғувчи таъналарига яна чидаш берар эдим, лекин мажолим қолмади (М. Исмоилий). Назокат ўз уйига яқин, қўшинларникига келиб қолганини билгач, яна ҳам дадил бўлди, оёғига дармон кирди (А. Мухтор). Маърашга дармони етмаган бувоқлар ҳозир одамга тутқич бермайди (А. Қаҳҳор).

КУЧАЙМОҚ, ЗУРАЙМОҚ. Кучли даражага ўтмоқ. Зўраймоқ сўзида белги даражаси кучли.

Ниҳоят, бир-бирига талпинган, бир-бирини қўмсаган икки мажруҳ дил юзма-юз қолди. Қолди-ю, дукури яна кучайди, нафаслар оғирлаша борди (М. Исмоилий). Шамол зўрайиб, дарахтларни силкитган сари, барглари осмонга пириллатиб учирган сари, биз севинамиз (Ойбек).

КУЧЛИ, БАҚУВВАТ, ЗАБАРДАСТ. Куч-қуввати нормал даражадан ортиқ (юқори), кучсизнинг акси. Кучли кенг тушунчага эга. Бу сўз жонли-жонсиз нарсаларга, шунингдек абстракт нарсаларга нисбатан ҳам қўлланаверади. Бақувват маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди ва асосан жонли нарсаларга нисбатан қўлланади. Бу сўз кексаларга ёки касалларга нисбатан қўлланганда куч-қувватнинг ортиқлигини эмас, балки нормал даражасини (умуман кучсиз, мадорсиз эмаслигини) билдириши мумкин. Бунда унинг ўрнида кучли сўзини қўллаб бўлмайди. Забардаст сўзида белги даражаси яна ҳам кучли.

Мутал кучли эди, аммо Отабек ундан ҳам кучли эди (А. Қодирий). Кучли шамол кўтарилиб, боғчадаги ҳар нарсани тўрт тарафга бука бошлади (А. Қодирий). Бир замонлар Нориндан мусофир бўлиб келиб, энди Қамишкапада эл бўлиб кетган бу дўнг пешана, бақувват, барваста йигит завқ ва шавқ билан машқ қилмоқда эди (П. Турсун). Оломоннинг ичидан кир қалпоқли, яланг оёк, бақувват чол чиқди (Ойбек).

КУЧСИЗ, БЕҚУВВАТ, КАМҚУВВАТ, ЗАИФ, НИМЖОН, ОЖИЗ. Куч, қуввати оз, етарли эмас, жисмоний қобилияти паст.

Кучсиз, беқувват сўзлари куч-қувватнинг нормал ҳолатдан пастлигини билдиради. **Заиф, нимжон, ожиз** сўзларида куч-қувват даражаси **кучсиз, беқувват** сўзларидагига нисбатан ҳам паст бўлади.

Ҳукуматга чап бериб, кучсиз хўжаликларнинг баданига зулукдай ёпишиб олган мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак (А. Қаҳҳор). Ғулом ака ел келса, йиқиладиган беқувват хўжалик эди (А. Қаҳҳор). ...камқувватроқ ерларга қўшимча 8—10 тонна маҳаллий ўғит солинади («Еш ленинчи»). Бу билан ҳосилга путур етказилади, заиф ғўзалардаги шона ва гуллар тўкилиб кетади («Қизил Ўзбекистон»). Юришга мадорсиз, нимжон қариялар набираларини ёнларига ўтказиб араваларда келган эдилар (П. Турсун). Бой Лаълининг кўкраги-дан итариб юбориб, яна Қумрига ёпишганда, темирдек қўл унинг ёқасидан ушлаб... ожиз гавдасини икки буклаб қўя қолди (Ҳ. Ғулом).

КУЧСИЗЛАНМОҚ, ЗАИФЛАШМОҚ. Кучсиз, заиф ҳолга келмоқ.

Угли Тоҳиржон сил касалидан ўлгандан кейин Шокир отанинг бели яна кўпроқ букилган, кўзлари йиғи билан яна кўпроқ кучсизланган эди (Ойбек). Фирдавсий бу ажойиб асарини тамомлаган вақтда ўз ички қарама-қаршиликларини натижасида заифлашган сомонийлар давлати қорахонийлар ва газнавийлар ҳужумига бардош беролмай емирилган эди («Қизил Ўзбекистон»).

КҮК, ЗАНГОР (ЗАНГОРИ), МОВИЙ, ҲАВО РАНГ. Тиниқ ҳаво (осмон) рангига мос келувчи ранг. **Кўк** кенг тушунчага эга бўлиб, кўк от, кўк кўз каби оқ ёки қорага яқин бўлган кўк ранглари ҳам билдиради. **Зангор (зангори)** ҳаво рангига ўхшаш рангни билдиради. **Мовий** сўзи шу рангни билдиради ва бадний услубда сув, ҳаво ва кўзга нисбатан қўлланади.

Ҳозиргина ишга келган Оролов стол ёнида кўк муқовалик делони титиб ўтирарди (Ҳ. Ғулом). Қамчи кўк от билан саман тоғни етаклаб, дарё томонга кетди (Ҳ. Ғулом). **Зангор** бахмал камзулчаси остидан атлас кўйлак кийиб, қайрилма қошларига қалин ўсма қўйган (Ш. Рашидов). Қуёш, тоза ҳаво, кенг, тиниқ зангори осмон кўзларни беихтиёр тортади (Ойбек). Энди Дусянинг ҳам уйқуси ўчиб кетди, мовий кўзларини чироқдай очиб, Саодатга қараб ётди (Н. Сафаров). Уйна, чайқал, мовий денгизим, Қирғоқларинг нурга бурканган (Х. Салоҳ). У ҳовлида ўйнаб юрган ва «дада» деб ҳар ёқдан югуришган болаларга назар солмай, тўғри ўз уйига, янги, кўркем, ичлари ҳаво ранг бўёқ билан бўялган ва ҳар хил қимматли буюмлар, асбоблар билан ясагилган уйга кирди (Ойбек).

КҮКАРМОҚ, БҮЗАРМОҚ, ГЕЗАРМОҚ. Табiiй рангини йўқотиб, оқ-кўкиш рангга кирмоқ (асосан киши тана аъзоларига

нисбатан ишлатилади). **Бўзармоқ** сўзида белги даражаси **кўкармоқ** сўзидагига нисбатан кучли. **Гезармоқ** маънони **бўзармоқ** сўзига нисбатан кучли даражада ифодамайди.

Кечқурун жажоот жом бўлганида, газабдан кўкариб кетган кампир етти пуштидан қолган уч бойлам васиқани кўтариб ўртага урди (А. Қаҳҳор). «Менда гуноҳ йўқ!.. Шоҳидим бор!»— Ғуломжон хириллаб, ранги ўчиб, бўзариб гапирди (М. Исмоилий). Элмурод катта саллалли, новча, қирра бурун одамни кўрдимию, тўсатдан бир сесканиб тушди ва ичини совуқ ялаб гезариб кетди (П. Турсун). Турдиматнинг нафаси ичига тушиб, ютиниб-ютиниб гезариб турарди (И. Раҳим).

КҮКЛАМОҚ, КҮКАРМОҚ. Кўк (барг ёки ўт) чиқармоқ. Шу маънода **кўкламоқ** сўзи кенг қўлланади. **Кўкармоқ** бу маънода фақат барг чиқарувчи нарсаларга нисбатангина қўлланади.

Меваги дарахт ва узум кўчатлари қанча эрта ўтқазилса, шунчалик яхши тутади, бир текис кўклайди («Қизил Ўзбекистон»). Эрта кўклам. Далалар кўклаб қолган... («Қизил Ўзбекистон»). Баҳор келди, дарахтлар кўкарди.

КҮКРАК, КҮКС, БАҒИР, СИЙНА, ТУШ, УМРОВ. Тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми. **Кўкрак, кўкс** сўзлари қолганларига нисбатан кенг қўлланади. **Бағир** маълум сўзлар (масалан, босмоқ, бермоқ сўзлари) билангина қўлланади. **Сийна** китобий, поэтик стилга хос.

Ойқиз бир минутча эрининг кўкрагига бошини қўйиб, кечирганини билдирадиган маънода тикилди... (Ш. Рашидов). Ғуломжон ўнг қўлини кўксига қўйиб туриб таъзим қилди (М. Исмоилий). Таажжубланиб, яна кўчага, қор босган томларга... қаради, бешикка бағрини бериб ўйга толди (Ҳ. Ғулом). Учоқ бошида Учқунни сийнасига босиб ўтирган Адлат бўйнидан қучоқлаб олган Тўлқиннинг бошидан силади-да: «Бувинг келсалар, кўзимиз устига, Тўлқинжон!»— деб жилмайди (Ҳ. Ғулом). Кейинги вақтда гавдаси бир оз тўлишиб, тўшига бурмали кўйлак тор келиб қолган (А. Мухтор). Майлига, сен каби қонга белонсам, Уқлардан ғалвирак бўлса бу тўшим! (Шухрат.) Тасмадек бўйинини эгиб, қамишдай оёқларини кериб, хуш ёққанидан жимгина турган кўк айғирнинг бахмалдек ялтироқ ўмровини қашлаётган Тўламат мўйлов уни узоқдан кўриб дарвозага юрди (С. Анорбоев).

КҮНИКМОҚ, УРГАНМОҚ, ОДАТЛАНМОҚ, ОДАТ КИЛМОҚ. Кўникма (одат) ҳосил қилмоқ. **Одатланмоқ** бу маънода кам қўлланади.

Камбағаллик ҳамма вақт ҳамма одамнинг жонига теккан нарса. Лекин одамзод жонига теккан нарсадан қутулиш йўлини билмаса, осмон йироқ, ер қаттиқ бўлади, унга кўникади, шунчалик кўникадики, бу нарса жонига текканини ҳам пайқамай

кўяди (А. Қаҳҳор). Муротали узоқ йўлларга ўрганиб, кўни-киб кетган, чунки у икки йил бурун баланд тоғларнинг нариги томонида бўлган лалми ерларга тез-тез қатнади (Ш. Рашидов). Кетмон тутишга одатланган дағал қўллар игна ушлашга, қатим тортишга келишмагандан диққати ошган Охун бир кўзини қисиб, тикишда давом этаркан, товўши шангиллайди (Ойбек). Яхшиси, ўзиндан катталар гапиришиб ўтирганда уни тинглашга одатланма (А. Тожимуродов). Ешлигингда одат қилсанг, Қаригунча кўникасан. Қариганингда одат қилсанг, Кўникунча кўмиласан (Мақол).

КҮНМОҚ, УНАМОҚ, РОЗИ БҮЛМОҚ, ЮРМОҚ. Бирор талаб, илтимос, шартга розилик билдирмоқ.

«Юринг мен билан бирга, далил кўрсатаман». Кундузой ҳам кўнди, иккиси биргалашиб чиқиб кетишди (Ойдин). Узингиз олиб кирмасангиз, менинг айтганимга кўнмаяпти (П. Турсун). Мулла Икром, «қийиқ» одам бўлганиданми ёки касби шуни лозим кўрганиданми, мурасага унамади (Ойбек). Мен биламан, қиз боланинг араз-нози бўлади, Юрагида ардоқлаган ноёб сози бўлади, Авваллари куйдиради, севса рози бўлади (Е. Мирзо). Яхши маслаҳатга ҳамма ҳам юради (А. Қаҳҳор).

КУП, АНЧА, ТАЛАЙ, СОНСИЗ, САНОҚСИЗ, БЕҲИСОБ, МУЛ, СЕРОБ, БЕАДАД, БИСЕР. Катта миқдорли, керагидан ортиқ, ознинг акси. **Кўп** сўзи кенг тушунчага эга. У предметга хос миқдорнинг катталигини ифодалаш учун ҳам, ҳаракатнинг сон жиҳатдан катталигини ифодалаш учун ҳам қўлланади. **Анча**, **талай**, **мўл**, **сероб** сўзлари нарсанинг сон ва миқдор жиҳатдан кўплиги маъносида қўлланади. **Анча** сўзи англатган миқдор кўп сўзи англатган миқдорга нисбатан камроқ бўлади. **Сонсиз**, **саноқсиз** фақат нарсага нисбатан қўлланади ва белгини жуда кучли даражада ифодалайди. **Мўл**, **сероб** сўзлари нарса миқдорининг кўплиги маъносида қўлланади, вақтга нисбатан қўлланмайди. **Мўл**, **сероб** сўзларида «тўкин»лик оттенкаси бор. Ададсиз эскирган, китобий.

Кўп бўлса — кетар, **оз** бўлса — етар. (Мақол.) Кўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар (Мақол). Қисир сизир кўп маъвоар (Мақол). Бунақа шарт элликбошига албатта хуш ёқади-да! Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа сотиб олибди (А. Қаҳҳор). Латифжон Уктамни дарров ўзига яқин кўриб... бугунги ўйиннинг натижаси ва ҳоказо ҳақида талай нарсани гапириб ташлади (Ойбек). Овулдан чиқар кун кечаси далага чиқиб, икковимиз талай вақтгача қучоқлашиб ўтирдик (Ойбек). Нурининг ҳовлисидаги гилослар гуллаган. Уларнинг оппоқ кўркам гуллари қуёш нурида жуда нафис товланар, сонсиз арилар ва баҳор кўнғизлари гуллар орасида учушиб, ажиб мусиқа тарқатарди (Ойбек). Кўкни қоплаб олган саноқсиз юлдузлар қозонга ёпишган учқунлардек йилтираб турибди (И. Раҳим). 1925 йили

ер ислоҳоти вақтида ер тақсимловчи комиссия олдида юриб, Ола-хўжа махсум, Мадаминов каби қишлоқ бойларининг беҳисоб ерларини камбағалларга, батракларга бўлдириб беради (П. Турсун). Деҳқон осмонга қараб яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб мўл маҳсулидан суюнади (М. Исмоилий). Фронтдаги жангчиларга совға юбориш керак. Мева сероб (И. Раҳим). Елчоннинг далалари Ҳар нарсага мўл, сероб (Ғайратий). Кўп ўқи-ди, дўстлар, илми топти, Илмдан беадад билимни топти. (Э. Жуманбулбул.) «Аҳвол гоят мушкул, чалкаш воқеалар бисёр, тақсир», — дейди домла (Ойбек).

КУПАЙМОҚ, СЕРОБЛАШМОҚ. Миқдоран кўп (сероб) даражага етмоқ. **Кўпаймоқ** кенг тушунчага эга ва кўп қўлланади. Бу сўз соннинг, миқдорнинг, шунингдек масофанинг, вақтнинг кўп бўлиши маъносида қўлланаверади. **Сероблашмоқ** асосан миқдорнинг кўп бўлиши маъносида қўлланади.

Ёмғир билан ер кўқарар, Тинчлик бўлса, эл кўпаяр (Мақол). Майли, мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди. Ушонда ҳамманинг егани олдида, емагани кетида бўлиб қолади (А. Қаҳҳор). Юрганнинг йўли кўпаяр, Утирганнинг йўли кўпаяр (Мақол).

КУПИНЧА, АКСАР. Кўп вақтлар, кўпчилик ҳолларда. **Аксар** кам қўлланади. **Аксар** сўзи бу маънода «вақт» сўзи билан бирга ҳам қўлланади.

Ҳамма ҳар ёққа кетиб, Элмурод кўпинча мактабда ёлғиз қолар ва бундай вақтда дарвоза олдидаги кичкина уйда турадиган мактаб қоровули Ғани акага газета ўқиб берарди (П. Турсун). Аммо Отабек билан бирор тўғрида сўзлашмакчи бўлса, уни аксар меҳмонхонага чақириб ёки чақиртириб оладир (А. Қодирий). «Фотиҳа»дан сўнг ҳар икки томон айниш, тараддуд ҳуқуқидан кўпинча маҳрум бўлади. Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар музокара ва мураса йўли билан ҳал қилинади (Ойбек).

КУПЧИЛИК, АКСАР, АКСАРИЯТ. Маълум миқдорнинг катта қисми, кўп қисми, асосий қисми. **Аксар**, **аксарият** кам қўлланади.

Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади (Шуҳрат). ...аксар қиш кечалари маҳалладаги бекорчилардан бир нечаси тўпланиб, «Аҳмад занжи», «Рустам достон» каби жангномаларни биронта саводли одамга ўқитиб тинглашар эди (Ойбек). Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб, Мустафо Содиқни олқишладилар (Ойбек).

КҮР, БАСИР, СҮҚИР, ОЖИЗ. Кўриш қобилияти йўқ, кўриш қобилиятидан маҳрум. **Басир** жуда кам қўлланади. Сўзлашув тилида кўпинча салбий оттенка билан ҳақорат учун қўлланади. **Сүқир** эскирган.

Не ажаб, кўриниш одати шу, ҳассаси билан ерни чўқилаб билиб, кейин қадам ташлайди (М. Исмоилий). Биламан, сен менга асирсан, Дили пора, кўзи басирсан. Чин кўнгилдан йиғласа, сўқ и р кўздан ёш чиқар (Мақол).

КУРИНИШ, ТУС, ҚИЁФА, АВЗО, ВАЖОҲАТ, СИЕХ, ТУРҚ. Кўзга ташланувчи ташқи ифода. **Кўриниш** одамга, ҳайвонга, шунингдек жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланаверади. Бу жиҳатдан **тус** сўзи **кўриниш** сўзига жуда яқин, лекин нисбатан кам қўлланади. **Қиёфа** кўпроқ китобий услубга хос. **Авзо, важоҳат, турқ** асосан одамга, жуда кам даражада бошқа нарсаларга нисбатан қўлланади. **Важоҳат** сўзида «дабдабалилик» оттенкаси бор. **Турқ** салбий бўёққа эга. **Сиеҳ** жуда кам қўлланади.

Кундошининг кўриниши баёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан... Бундай одамдан албатта ҳазар керак! (А. Қодирий.) Зайнабнинг туси шу чоққача кўрилмаган равишда ўзгариб кетди (А. Қодирий). Отни тойчалигида кўрган-у, от бўлгач кўрса, танимагандек. Эшон ҳам ўн йил ичида ўсиб, униб, тамом бошқа қиёфага кирган йигитни таний олмади (П. Турсун). Шаҳарнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди («Қизил Ўзбекистон»). Сафаров иккаласининг авзойини кўриб, бирон дилсиёҳлик рўй берганини сезди-ю, беихтиёр оёқ учида юриб бориб диванга ўтирди (А. Қаҳҳор). Унинг ва жоҳати шу қадар даҳшатли эдики, шокосадай-шокосадай чақчайган кўзлари қинидан отилиб чиқиб, мени тешиб юборгудай эди («Муштум»). Бошда сочинг гўё похол — бир уюм, «стиляга» дерлар сиеҳинг сенинг («Муштум»). Саодат — Лаълининг нусхаси: турқи ҳам, туси ҳам Лаълининг худди ўзи (Ҳ. Фулом). Дўнг пешананинг бирор фирибгарлик қиладиган турқи йўқ, боя гапираётганда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай (Шухрат).

Л

ЛАВОЗИМ, МАНСАБ, АМАЛ, ҲУРИН. Масъул вазифа. **Мансаб** сўзи, айниқса амал сўзи салбий оттенка билан қўлланади. **Ҳурин** оддий сўзлашувга хос.

Ликвидаторларни эгаллаб турган лавозимларидан тушириш шiori остида биз большевиклар уларни яккалаб қўйдик («В. И. Ленин ҳақида хотиралар»). Сиз ўз мансабингизни суиистеъмол қилиб, олти гектар ердаги гўзага трактор солиб юборибсиз (И. Раҳим). ...Мадолим амалидан фойдаланиб, идоранинг самосвал машинасини ўзиники қилиб олган («Муштум»). Халқ иши бўлгандан кейин ўрининг катта, кичига бўлмас экан, Эргашбой (А. Мухтор).

ЛАПАШАНГ, ЛАВАНД (ЛАВАНГ), ЭПАШАНГ, БУШАНГ, ЛАНДАВУР, НОШУД, СЎТАК, БУШ-БАЕВ, ЛАТ-ТА. Иш-ҳаракатни нормал бажариш, уддалаш қобилияти йўқ, эпчилнинг акси. **Бўшанг** сўзида салбий оттенка кучсиз. **Лаванд, ландавур** сўзларида анқовлик, меровлик оттенкаси бор. **Ландавур, ношуд, сўтак** сўзларида салбий оттенка кучли.

...сўзга чечан, ишга лапашанг, икки юзламачи, ваъдабоз; уларни кўргани кўзим йўқ («Муштум»). Лапашангроқ эди, йўлакда тушириб қўйибди... (А. Мухтор). Шарафли меҳнат ила бўлди боғ ададсиз чўл, Боқ энди ибрат ила, бўлма кўп лаванду гўл (Ҳабибий). Аҳамияти гоят катта бўлган электростанциялар 1940 йилда ўз ишларини яхшилашга муваффақ бўлдилар, лекин техника ходимларининг эпашанглиги ва техникадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаганлиги натижасида электростанцияларда... камчиликлар рўй бермоқда («Қизил Ўзбекистон»). ...кишиларни чинакам уюштира билмайдиган бўшанг ходимлар қолоқ хўжаликларга бош бўлиб турибди («Қизил Ўзбекистон»). «Ландавур, ношудсан, амалингдан яхши фойдалана олмабсан!» — деб ёзибсан («Муштум»). Сирқаси сув кўлармас бизнинг раис Мирхолиқ, Ишда ношуд, унум йўқ, ҳар кун қовоғи солиқ (Акмал Пўлат). Тавба, кечагина сўлакайини эпломмай юрган сўтоқ бола ҳам шунчалик ўзгариб кетадими! («Муштум»). Умар ога! Узингиз ҳам ўлгудек бўшбаёв одамсиз-да, у билан ўзим гаплашганимда, аллақачон кўндирардим (Х. Сеитов). Бизнинг еримизга ёққан ёмғир бошқа ерларга ҳам ёққан, албатта! Бошқа нарсалардан қидириш бекор: Айб ўзимизда, ўзимиз латат!.. (Уйғун.)

ЛАҚМА, ГҲЛ. Ҳар нарсага лақиллайдиган, осон алданувчи. **Гўл** сўзи маънони кучайтириброқ ифодалайди.

Бозорда турли-туман одамлар учрайди. Улар орасида содда, лақмалари ҳам бўлади («Муштум»). Гўл эканман, энди кўзим очилди. Унинг ширин сўзларига учибман (Н. Сафаров). Лақма бўлмасам, Йўлчининг қамоқхонада чиришини истаган одамлардан уни қутқаришни умид қилармидим? (Ойбек.)

ЛЕКИН, БИРОҚ, АММО, ИЛЛО. Бу сўзлар мазмунан аввалгисига зид фикр-тушунчанинг бошланишини билдиради. **Илло** жуда кам қўлланади.

Кўча ифлос, лекин сув қалин сепилган; ҳар ёққа тарвақайлаб ўсган бесўнақай, қари толларнинг кўланкаси қуюқ (Ойбек). Яна кули кўтарилди. Музокара бошланди. Биринчи бўлиб сўзга Рўзимат деган ёшгина, лекин бўлиқ бир йигит чиқди (А. Қаҳҳор). Петъканинг мўлжалига кўра, бедом-дарак кетган бу немис кетидан бошқаси келиши керак эди. Бироқ булар кечгача пойлоши ҳамки, ҳеч ким кўринмади (А. Қаҳҳор). Урмонжон пичоқни олиб, столнинг устига ташлади ва қорини турғизмоқчи бўлди. Бироқ қори ўзини ёнбошига ташлаб, бошини стола турсиллатиб

урди ва яна урмоқчи бўлган эди, Урмонжон тутиб қолди (А. Қаҳҳор). Салимжон, бу иш жуда қийин. А м м о бажараман. Шу билан бирга сизга ҳам бир шарт қўяман (Ойбек). Қўрбоши қаттиқ жеркиб полвонни гапдан тўхтатмоқчи бўлди. А м м с полвон давом этди (А. Қаҳҳор). Боринги, ҳафтада чой-чақангизни ҳам бериб турай, и л л о бошқа пул важидан узр (Ғ. Ғулом).

ЛОҒИҚ, МУНОСИБ, МУВОФИҚ, БОП, МОС, МОНАНД, МАҚБУЛ, МУСТАҲИҚ. Тўғри келадиган, қандайи талаб қилинса, худди шундай. Мувофиқ бу маънода кам қўлланади, боп маънони кучли оттенкада ифодалайди.

Сирдарёда юрибди Сол ҳам қайиқ, ёр-ёр. Қишлоғингизда борми Бизга л о й и қ ёр-ёр. («Ёр-ёр»дан). Тўғри, сиз касаллангиз, лекин сизга л о й и қ бир иш топдим (Шухрат). Узимга м у н о с и б йигитга тегиб, бечорачилик билан бўлса ҳам, тинч кўнгул билан умр кечирини истар эдим (Ойбек). Ғуломжон ўзини босган даҳшатни ифодалаш учун бундан м у в о ф и қ сўз топа олмади. (М. Исмоилий). Текин ҳунар ахтаргунча, ўзинга б о п ҳунар топ (Мақол). «Замонга м о с гап гапиришга ўрганиш керак»,— деди бир мўйсафид («Муштум»). Унинг [Музаффарбекнинг] даъволаридан ўлиб бўлдим. Ўиловини бир оз тортиброқ қўйиш керак бўлади. Бунинг учун сиздан кўра мақбулроқ кимса йўқ (Л. Батъ). Мусулмончиликда ҳам ўғирлик ишларни кўра била туриб фош қилмаслик катта гуноҳ ҳисобланади, у одам охиратда ўғри билан баробар жазога мустаҳиқ бўлади (А. Тожимуродов).

М

МАЗАЛИ, ЛАЗЗАТЛИ, ЛАЗИЗ, ХУШТАЪМ, ШИРИН, ТОТЛИ, ТАЪМЛИ, ХУШХҲҲР. Мазаси (таъми) ёқимли, ёқимли таъм (маза)га эга. Лаззатли, лазиз сўзларида белги даражаси кучли. Хуштаъм сўзи маза (таъм)нинг яхшилиги билан бирга, ёқимли ҳидга эгалик оттенкасини ҳам билдиради. Ширин сўзи асосан шираси бор нарсаларга нисбатан, кам даражада бошқа егулик нарсаларга нисбатан қўлланади. Тотли, таъмли сўзлари кам қўлланади. Хушхўр сўзида «мазалилик» билан бирга «иштаҳа билан ейиладиган»лик оттенкаси бор. Бу сўз кўпинча ана шу маънода, яъни «иштаҳа билан ейиладиган», «ейимли» деган маънода қўлланади.

Комиссар овқатнинг сифатини суриштира кетди: «Таъми қалай?» — «М а з а л и» (И. Раҳим). Меҳмонлар л а з з а т л и таомларни хўп ейишди. Ёғ, ўшитнинг мазасига маза қўиладиган, овқатни хуштаъм қиладиган нарса, сабзавот ва картошжадир («Қизил Ўзбекистон»). Уктам совуқ, хуштаъм чойни қулт-

қулт ютиб, қўли билан лабларини артди (Ойбек). Келиноингиз қўй ёғига ош қилган экан, бирам ш и р и н бўлибдики, энди нарёғи йўқ (С. Анорбоев). Шовла жуда тотли туюлди, ошпазни мақтадилар (Ойбек). Бу Амударёнинг таъмли балиғи, Балиқнинг лаққаси, ўбдон ёғлиғи! (Миртемир.) Қаймоқ хўп хушхўр нарса-да («Муштум»). Зиёфат турли л а з и з таомлар, хушхўр мевалар, шарбатларга бой (Ойбек).

МАОШ, ОЙЛИК, МОЯНА. Идора-ташкilot томонидан ҳар ойда бериб туриладиган пул, иш ҳақи. Ойлик сўзи иш ҳақининг бир ойга хос қисмини ҳам, шунингдек умуман иш ҳақи маъносини ҳам билдиради. Маош, мояна сўзлари умуман иш ҳақи маъносини билдиради. Масалан, «уч ойлик моюнаси», «уч ойлик маоши» дейилади, лекин «уч ойлик ойлиғи» дейилмайди. Оддий сўзлашувда ойлик, мояна сўзлари кўп қўлланади.

Оқсой касалхонасида айтгани айтган, дегани деган. Иззат-обрўси ҳам, м а о ш и ҳам ошди (С. Анорбоев). Рамазон қори бу гапларни кўнгулдан кечираркан, совет ҳукумати бераётган ойлик ва имкониятлардан бир пасда маҳрум бўлиб қолиш хавфини ўйлаб, кўз олди қоронғилашди (П. Турсун). Одамларнинг миясини заҳарловчи шу сафсатабоз амир Абдулаҳаддан м о я н а олиб турар экан (М. Муҳаммаджонов).

МАРД, ТАНТИ, ҲИММАТЛИ, ЭР. Одамийлик характери кучли. Мард сўзида «ўз айтганидан қайтмаслик», «ҳимматлилик» тушунчалари бор. Танти сўзида «ўз айтганидан қайтмаслик» тушунчаси деярли йўқ даражада. Эр сўзи кам қўлланади.

Лениндек мўғтабар, доно, асллар Устирдинг, сендадир эрларнинг эри. Доҳийлар, олимлар, мардларнинг ери. Улсам айрилмасман қучоқларингдан (Уйғун). Биз учарлар танти халқ бўламиз. Дўст учун бир жон эмас, ўн жон бўлса берамиз (Шухрат).

Қайси бир ҳимматли, олижаноб бола участкамизга кўчат экиб қўйибди. Офарин, минг офарин! (М. Исмоилий.)

МАРТА, КАРРА, БОР, ГАЛ, НАВБАТ, ДАФЪА, ҚАЙТА, ТОПҚИР, ҚУР, ЙУЛ, ҚАТЛА, ҚАТ, САФАР. Сонлар ва миқдор билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, такрор, қайтарилишни билдиради. Булар сонлар билан деярли ҳар вақт қўллана олади. Лекин бошқа сўзлар билан ҳаммаси ҳам қўлланавермайди. Масалан, марта, топқир сўзлари ҳар сўзи билан қўлланимайди.

У [Мирзакаримбой] токчадан чўтни олиб, миясини ишғол этган «ҳисоб-китоб»ни бир-икки марта чўтга ағдаргандан сўнг, кўзойнак тақиб, «Чоҳор дарвеш»ни варақлаб кўздан кечира бошлади (Ойбек). [Гулнор] сўнг ўрнидан туриб, шийпоннинг бор томонга қараган панжарасига суялди, бир неча марта кучли ўқчиди, ўқчиркан, ички аъзолари ҳалқумига текилиб келгандай бўлди (Ойбек). Эсимдадир тунда бедор Разведкада юрганам.

Эсимдадир кундо беш бор Атакага кирганим (Шухрат). Ишонман, гапларинг тўғри, Рост гапирдинг умрингда бир гал (Уйғун). Аҳмад Хусайн билан Искандаро Анвар Муроднинг катта коммерсант, парламент аъзоси, танилган давлат арбоби ва хийла прогрессив, халқпарварроқ эканлиги ҳақида бир неча дафъа эшитган ва бузунги мусохабадан ўзлари ҳам бунга англади (Ойбек). ... бу биринчи дафъа бўлаётган жанжал эмас (Х. Тўхтабоев). Элмурод кечалари физика кабинетига ўтириб, ҳар жумлани неча қайта ўйлаб, ҳар ёзганини кун сайин яна бошдан кўчириб, республика газетасига мақола тайёрлади (П. Турсун). Алишер Ҳиротдан келган хабарни бир неча топқир диққат билан ўқиб чиқди (Л. Батъ). ...Жаниш ўрнидан туриб олди ва душманнинг башарасига кетма-кет уч-тўрт топқир калла урди... (Ҳ. Шамс). «Тамара қалъаси» дейиш яхшимас, у парча тош йўниб кўрганми бир қур! (Шухрат). Ҳамон олдинга ошиқаётган чол эшагининг жиловидан тортиб, бир қур кетига, ашула айтиб масрур бўлаётган жувонга қараси келди (Ш. Тошматов). Неча йўл меҳру муҳаббатдан дам урдинг, ўйлагил... (Ҳабибий). Билмам, не гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл (Ҳамза). Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман (Муқимий). Кунда ош пиширмаймиз, ҳафтада бир ёки икки қатла ош пишириб... (С. Айний). Нега, кўнглим, бўлдинг бетоқат? «Тинчлан»,— дедим сенга неча қат (Миртемир).

МАСЛАҲАТ, КЕНГАШ, МАШВАРАТ. Бирор ишни қандай қилиш, нима қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳаза. **Машварат** эскирган, китобий.

Урдага ариза билан мурожаат қиладирган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эди (А. Қодирий). Шундай қилиб, сизнинг олдингизга маслаҳатга келувдик. Бошимиз қотиб қолди (М. Исмоилий). Болаларнинг кенгаши билан икки бўёни кўтариб, шом пайтида мирзонинг уйига бордим (А. Қодирий). Ҳамма бебаҳра илму маърифатдан, Кишиликка муносиб машваратдан (Ҳабибий).

МАСЛАҲАТЛАШМОҚ, MASЛАҲАТ ҚИЛМОҚ, КЕНГАШМОҚ, АҚЛЛАШМОҚ, МАШВАРАТ ҚИЛМОҚ. Фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаб муҳокама юритмоқ. **Ақллашмоқ** оддий сўзлашувга хос.

Бу масалани ярим кечагача кўп маслаҳатлашиб, ниҳоят, ҳалиги мен айтган фикрга келишди (Ойбек). Мана шунинг учун Мирзо кунларнинг бирида кампири билан маслаҳат қилиб, бошқа кун ўтадиганроқ шаҳарга кўчиш режасини тузди... (А. Қаҳҳор). Бир неча кундан кейин дамбадан манфаатдор бўлган колхозларнинг вакиллари кенгашиб, амалий тадбирлар белгилашди (А. Қаҳҳор). У қадимгидай Норбой билан... ақллашмайди ган бўлиб қолди (Х. Сеитов). Тошхўжа аҳли саллоҳлар билан... машварат қилди (Чустий).

МАСЛАҲАТЛИ, КЕНГАШЛИ. Маслаҳат (кенгаш) талаб қиладиган, маслаҳат (кенгаш) билан бўлган. **Маслаҳатли** сўзи кўпроқ «маслаҳат талаб қиладиган, маслаҳат билан бўладиган» маъносига, **кенгашли** сўзи эса кўпроқ «кенгаш билан бўлган» маъносига қўлланади.

Колхозда бирор маслаҳатли иш чиқиб қолгундай бўлса, раис энг олдин Шербекка одам югуртиради (С. Анорбоев). Кенгашли тўн тор келмас (Мақол). Кенгашли тўй тарқамас (Мақол).

МАСЛАҲАТЧИ, MASЛАҲАТГУЙ, КЕНГАШЧИ. Маслаҳат (кенгаш) берувчи. **Маслаҳатчи, маслаҳатгуй** адабий тил ва оддий сўзлашувда кенг қўлланади. **Кенгашчи** нисбатан кам қўлланади.

Агроном... деҳқоннинг энг яқин маслаҳатчиси, муаллими, агрономия фанининг тарғиботчиси, янгиликни сезувчи ва уни кенг оммалаштирувчидир («Қизил Ўзбекистон»). Агитатор, пропагандист — колхозчиларнинг энг яқин маслаҳатгуйи («Қизил Ўзбекистон»). Абдишукурни баъзилар «закунчи» дейди, баъзилар «дахрий» дейди. Ҳозирги кунда Жамолбойнинг приказчиси, дўсти ва кенгашчиси (Ойбек).

MASХАРА, MAZAX. Камситувчи, ҳақоратловчи хатти-ҳаракат, гап.

[Йўлчи] Масхара ва киноянинг захрини кўзларида ёндириб Мирзакаримбойга қичқирди: «Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товуқ!» (Ойбек.) Фотима масхара ва мазахларга чидай олмайди, титраб кетди (П. Турсун). Бировни иккинчи бир одам олдида ҳар хил мазах гаплар билан камситиш унинг энг яхши кўрган одатларидан эди (П. Турсун).

MASХАРАЛАМОҚ, MASХАРА ҚИЛМОҚ, MAZAXЛАМОҚ, MAZAX ҚИЛМОҚ, МАЙНА ҚИЛМОҚ, КАЛАКА ҚИЛМОҚ. Камситиш, кулиш (ҳақоратлаш) хатти-ҳаракати қилмоқ. **Мазахламоқ** жуда кам қўлланади. Бу сўзда белги даражаси кучлироқ.

Элмурод қотиб-қотиб кулди. Воқеанинг қизиқ бўлганлиги учун эмас, балки одамларнинг жаҳолатни шундай ўткир масхаралайди ган хангома тўқиганларидан қойил бўлиб кулди (П. Турсун). Бу гапингни бошқа жойда гапириб, мени юрт олдида масхара қилиб қўйма, болам! (П. Турсун.) Агар шу зайлда юра берса, одамлар унинг устидан кулмайдиларми? Тожбойнинг талтайганини мазахлаганларидек, унинг ҳам овга берилганини мазахламайдиларми? (П. Турсун.) Хуллас, кўз олдидаги ҳамма одам ҳам унга душман, уларнинг Норбойга айтган ҳар қандай сўзлари уни мазах қилиш бўлиб туюларди (Х. Сеитов). Энди у кўкрагида йиғилиб қолган дардларини очиб, Ойнахонни мазах қилиб кула бошлади (Х. Сеитов). Ойгул бўлса мақтанчоқ кампири яна бир оз майна қилиш ниятида

(Б. Кербобоев). Уғлининг иши билан қизиқмаган бу онанинг асли мақсадини англаган Ойгул уни бир оз калака қилмоқчи бўлди (Б. Кербобоев).

МАШҒУЛ, БАНД, ОВОРА, АНДАРМОН. Бирор иш-юмушни берилиб бажариш ҳолатида. **Андармон** асосан бўл феъли билан, шунда ҳам кам қўлланади. Бу сўз асосий бўлмаган нарса билан овора бўлиш маъносида қўлланади.

Мирзо ака ва бир группа агитаторлар «Жанговар варақа» ёзиши билан машғул («Тошкент ҳақиқати»). **Олтин аср дерлар ас-рини, Улкаси бор баҳорга монанд.** Бу ўлкада етишган насл Янги дунё қуриши билан банд (Уйғун). Бу ерда Араббой эшик тирқишидан эшитилаётган гапларни бошқаларга етказиши билан овора эди (П. Турсун). **Ҳалиги бола иккаламиз йиқилган-сурунган эшаклар билан андармон бўлибмиз-ку,** бир нарсдан беҳабар қолибмиз (П. Қодиров). **Ишқилиб, барака топкур ўртоқларининг шовқин-сурони билан андармон бўлса,** бас (А. Мухтор).

МАЪЛУМ, АЁН, ОШКОР (ОШКОРА), АНИҚ, Шахс(лар) га билинган ҳолатда. **Аён** сўзлашув тилида кам қўлланади. **Ошкор (ошкора)** кўпинча қилмоқ, бўлмоқ феъллари билан қўлланади.

Ҳакимбойвачча ёлғиз қоларкан, унинг маълум ва чала маълум кирдикорларини бир-бир хотирдан кечирди, унинг эпчиллигига қойил бўлди (Ойбек). **Феълим сенга аён.** Чакана ишни ёмон кўраман (Ойбек). **Зебо Муҳаррамга қараб мамнун кулиб қўйди,** шундай йигитнинг ёри эканидан фахрланаётгани кўзидан, чимирилган қошларидан ошкор эди (Шухрат). **Анна Ивановна Элмуродни севиб қолганига иқрор эди-ю,** ошкор қилишга журъат этолмасди (Шухрат). **«Бора-бора қорним дўппайиб, иккиқатлигим ошкор бўлди»,— деди Ҳожи хола** (М. Исмоилий). **Ўз нодонлигини ҳамма вақт кибирлик билан беркитишга уринадиган Тожибой ҳозир астар-авраси билан ошкора ва очик эди** (П. Турсун). **У [Нури] истеҳзо билан илжайди,** синовчи кўзлари билан қизга узоқ тикилиб турди. **Гулнорнинг ранги ўчган, лаблари титроқ.** **Гулнордаги бу ўзгариш уни қизиқтирди.** **Қизнинг юрагидаги сирларни бутунлай ошкора қилишни истади** (Ойбек). **Гарчи муддао кун каби ошкора бўлган бўлса ҳам,** нима учундир қутидор яна ўзини тағофилга солиб сўради (А. Қодирий). **Бироқ Тўпанисо ҳеч қаерда, ҳеч бир дугонасининг уйида йўқ эди.** **Унинг жаҳл устида районга кетганлиги аниқ бўлиб қолди** (А. Қаҳҳор).

МАЪЛУМ БУЛМОҚ, БИЛИНМОҚ, АНИҚЛАНМОҚ, АЁН БУЛМОҚ. Очик-ошкор ҳолатли бўлмоқ. **Аниқланмоқ** сўзида шахс (киши) томонидан очик-ошкор қилиниши ифодаланади. **Бошқа сўзларда эса очик-ошкор бўлиш шахс-кишининг иштирокисиз ҳам бўлаверади** (билиниш ўз-ўзидан ёки бошқа йўл билан бўлиши мумкин). **Аён бўлмоқ** кўпроқ ёзма нутққа, китобий нутққа хос.

Бедовнинг тулпори, йигит шунқори Катта тўйда маълум бўлиб қолади («Далл»). **Меҳмонлар жуда чарчаган эди.** **Бу ҳорғинлик богдан чиқилгандан кейин айниқса билинди** (А. Қаҳҳор). **Аниқланишича, биз таъриф қилмоқчи бўлган кишининг лақаби шундай— Товуқ домла экан** («Муштум»). **Полициячида менинг тўғримда бошқа далил йўқлиги аён бўлди** (М. Мирҳодиев).

МАЪНО, МАЗМУН. Ақл, фикр билан тушуниладиган мантикий мундарижа, сўз, бирикма, гап ёки бошқа белги билан ифодаланган ички мундарижа. **Маъно** сўзи асосан оддий мундарижа (мазмун) маъносида қўлланади. **Мазмун,** аксинча, маънонинг мураккаб ҳолатларига нисбатан қўлланади. Масалан, сўзнинг маъноси дейилади, сўзнинг мазмуни дейилмайди. Оддий сўзлашувда маъно сўзи кўп қўлланади.

Унсин қошини чимириб ялт этиб Гулнорга қаради, лекин сўнги жумланинг маъносини нечундир сўрамади (Ойбек). **Бўтабой бу йўталнинг маъносига дарров тушунди,** ранги оқариб, йўтални эшитмаган ва Тўлаганни кўрмаган бўлиб деразадан ташқарига қаради (А. Қаҳҳор). **Аҳмад Ҳусайн бу сўзларни баланд шоирона сўзлар каби тушуниб,** уларнинг мазмунига унчалик эътибор бермади (Ойбек). **Қудрат... ерлик халқ ишчилари орасида революцион варақалар мазмунини ўз тилида тушунтириб юрди** (М. Исмоилий).

МАҚСАД, НИЯТ, МУДДАО, МУРОД. Бирор нарсага эришиш, етишиш истак-ихтиёри. **Мурод** асосан «етмоқ», «ҳосил бўлмоқ» феъллари билан қўлланади.

Унинг мақсади Гулнор қутисига қандай нарсалар бор, дасис яширинча қандай қимматбаҳо буюмлар келтирилганини билиш эди (Ойбек). **Мен сизларнинг ниятингизни биламан сизлар ишни тезроқ бошламоқчисиз** («Қизил Ўзбекистон»). ...**У бу иш Олахўжанинг фикри билан бўлганини англайди.** **Олахўжа уни эшигига ёрдам сўраб келадиган бир аҳволга солиб қўймоқчи экан.** **Бироқ умуддасига етолмайди.** **Абдурасул яна қайтиб унинг қўлига тушмайди** (П. Турсун). **Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига мендан чуқурроқ ботгандирсиз.** **Энди ёлғиз муродим— сизни бир кўрмоқ,** сиз билан икки оғиз сўзлашмоқдир (Ойбек).

МАҒРУРЛАНМОҚ, ҒУРУРЛАНМОҚ, КИБРЛАНМОҚ, ҲАВОЛАНМОҚ. Ғурурли кайфиятга берилмоқ. **Ҳаволанмоқ** сўзида салбий бўёқ кучли.

Кимдир отган ўқининг қирувчи самолётга теккани билан мағрурланади. **Кимдир бомба парчаси тешиб ўтган шинелини ҳаммага кўрсатади** (Шухрат). **Элмурод янги мактаб биноси кишлоқ тарихида нақодар улғу иш эканини,** бу улғу ишга озми-кўпми ўз меҳнати синганини ўйлаб ўзидан-ўзи ғурурланди (П. Турсун). **Рихсибой ака кейинги пайтда жуда кибрланиб кетди**

(Р. Файзий). ...қари одамни муштумдай бола олдида ҳақорат қилганингиз, болангизни ҳақ одам олдида ноҳақлик билан ҳимоя этганингиз яхшими? Болангиз бундан ҳаволанмайди ми? (М. Исмоилий.)

МАҲАЛЛИЙ, ЕРЛИК. Узи яшаётган жой (ер)га мансуб, шу ер (жой)га қарашли.

...бу пастак тоғ, Федченко музлик тоғларининг тармоқларидан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан Музлоқ тоғ деб аталарди (М. Исмоилий). Раҳматхоннинг овози йиғин тепасида янги раб кетди: «Биз ерлик меҳнаткаш ишчи-деҳқонлар большевиклар партиясининг қарорини қувватлаймиз» (П. Турсун).

МЕРОСХУР, ВОРИС. Меросга эга бўлувчи, меросга ҳақли шахс. **Ворис** китобий, ҳозирги адабий тилда кам қўлланади.

Уч-тўрт йил ишлаганимдан кейин хўжайиним, умри қисқа экан, ўлди. Мол-мулки ёш болаларига қолди. Уртада меросхўрлар кўпайди (Ойбек). Олимхоннинг «фазилатлари» саноксиз: ...қай томон обрўлироқ бўлса, порани кўпроқ берса, уни мудофаа қилади. Ерли-сувли пулдор одам вафот қилса, унинг ворисларини бир-бири билан жиққа-мушт қилади (Ойбек).

МЕҲМОН, ҚУНОҚ. Йўқлаб келган шахс, ўзганинг уйи (жойи)да вақтинча бўлувчи шахс. **Қуноқ** жуда кам қўлланади.

Зиёфат самимият билан чақирилганликдан дастурхон қадрли меҳмонга махсус турланган эди (А. Қодирий). Печак гулдек бўлиб эрига чирмашганини кўрармиз, ҳали худо кўрсатса: бор, ўйнаб-кулиб меҳмонларингни кут (А. Қодирий). Айтмаган қўноқ — йўнмаган таёқ (Мақол). «Опа, сиз паловга уннанг. Тоза, сен Эъвозхонни болалари билан олиб кел, қўноқ бўлиб кетсин» (Ҳ. Фулом).

МОЗОР, ҚАБРИСТОН, ГҮРИСТОН, МОЗОРИСТОН. Улиқлар кўмиладиган жой. **Қабристон** бир оз ижобий оттенкага эга. **Гўристон**, аксинча, бир оз салбий оттенкага эга.

Қишлоқ олдида пайдо бўлган ўртоқлар мазорига жафокаш кампирнинг ҳам жасади қўйилди (И. Раҳим). Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узоқроқдан қуръон товуши эшитилар эди (А. Қодирий). Сидиқжоннинг кўзига... ўзининг бемор ётгани, ўлгани, фақат бўйра солинган ва усти очик тобутда тўрт киши кўтаоиб ғариб гўристонга олиб кетаётгани кўриниб кетди (А. Қаҳҳор). Нурини нақ мазористонда ёлғиз қолган каби бир ваҳима босди (Ойбек).

МУБОЛАҒА, ЛОФ, МАҲОВАТ. Ортиқча таъриф-тавсиф, ҳақиқий ҳолатни орттириб, бўрттириб кўрсатувчи таъриф-тавсиф, ваҳимадор ифода. **Маҳоват** нисбатан эскирган. **Муболага** адабий тилга хос бўлиб, оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди.

Ўзбекистон ССРда энг йирик ҳисобланган Навоий комбинатининг учинчи навбатини тиклаш ва ишга туширишда бутун мамлакат корхоналарининг коллективлари қатнашиди десак, муболага

бўлмайди («Совет Ўзбекистони»). Офарин, Раъно, лекин бировнинг устида ортиқчароқ муболага қилибсан! (А. Қодирий.) Лоф эмас, айтиб қўя қолай, бошқа колхоз раислари пахта териш машинаси механик-ҳайдовчилари билан чой ичса, мен улар билан ош ейман («Муштум»). «Ростми? Пича лофи бўлса керак»,— деди Йўлчи (Ойбек). Қоғозбозликда кўп иш бўлди ҳуржун, Ачиндим, ҳарна дедим лоф эмас, чин (Ҳабибий). Ут ичида? Бу маҳоват дир дейман? (Н. Сафаров.)

МУВОФИҚ, БИНОАН, БУЙИЧА, КҮРА, АСОСАН. Нимагадир мос ҳолда, амал қилган, асосланган ҳолда.

Ҳукуматлараро битимларга мувофиқ чет давлатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш учун маблағлар ажратиш бюджетда кўзда тутилган («Қизил Ўзбекистон»). У Бўронбекнинг уйига жойлашиб олиб, Азизий билан Азмиддиннинг топширувида мувофиқ улар раҳбарлигидаги аксилинқилобий ташилот номидан иш кўрган (Ҳ. Фулом). «Э, ахир жондан айрилмоқ қийиндир»,— деди ва одатига кўра бир мисол билан ҳаммани қойил қилмоқчи бўлди (П. Турсун). Аҳмаджон «Эй пари дилдор»ни, ундан кейин рота комсомол ташилотчиси Петёка Уховнинг илтимосига кўра, у билан буриқда «Галя тўғрисида қўшиқ»ни айтиб берди (А. Қаҳҳор). ЎзССР Сув хўжалик министрлигининг 2 апрель 1956 йилда чиқарган буйруғига асосан суд жавобгарлигига тортилиши керак эди («Муштум»). Шундай қилиб, амакиси «Қизи борнинг нози бор» деган таомилга биноан унчамунча ноз ҳам қилиб қўяр эди-ю... (П. Турсун). Тўғри, бир кун юмилганда кўз, Дўстлар эълон қилар: Сўлди, деб. Ва табиий қонун бўйича Туғилди, яшади, ўлди, деб (Уйғун).

МУЖИМОҚ, ҒАЖИМОҚ, КЕМИРМОҚ. Тиш билан нарса-нинг бирор томонидан ёки томонини чайнамоқ. **Мужимок** одамга нисбатан ҳам, ҳайвонга нисбатан ҳам қўлланаверади **Ғажимок** ҳайвонга нисбатан қўлланади. Одамга нисбатан қўлланганда, ҳурматсизлик ифодаланади. **Кемирмоқ** асосан кемирувчи ҳайвонларга нисбатан, кам даражада бошқа ҳайвонларга нисбатан қўлланади.

...бурчакдаги тоқчада қаттиқ нон мужиб ўтирувчи сичқонни кўрсатиб ўтилмаса, бу уйда бошқа жонли зот ҳам кўринмас (А. Қодирий). Нафасини ичига олиб секин қайрилиб қаради. Бир олапар элик қадамча нарида алланарсани ғажир эди (М. Исмоилий). Бирининг юзи ярмини сичқон кемирган, бирининг юзи тег чармга ёпишиб келган (Ойбек).

МУЗЛАМОҚ, ТҮНГМОҚ, ЯХЛАМОҚ. 1. Музли (яхли) ҳолга айланмоқ.

Совуқдан кенг далалар, ўрмонлар карахт, Тўнга бошлаган сувлар, кўллар, ботқоқлар (Уйғун).

2. Қаттиқ совуқ таъсирида бўлмоқ, қаттиқ совуқ ўтиб қақшамоқ. Бу маънода яхламоқ жуда кам ва асосан оддий сўзлашувда қўлланади.

МУЛЧИЛИК, МУЛ-КЎЛЧИЛИК, СЕРОБЧИЛИК, СЕРОБ-ГАРЧИЛИК, КЕНГЧИЛИК, ТУКИНЧИЛИК, МАЪМУРЧИЛИК. Мўл-тукин ҳолат, танқисликнинг акси. **Тукинчилик** озиқ-овқатга (ейиладиган, ичиладиган нарсаларга) нисбатан қўлланади. **Кенгчилик** оддий сўзлашувга хос. **Маъмурчилик** бу маънода кам қўлланади.

Биз коммунистик мўлчиликнинг мана шу ...косасини хозир ўз меҳнагимизнинг маҳсулотлари билан тўлдира бошладик («Қизил Ўзбекистон»). Химия мўл-кўлчилик ва маъмурчилик манбаидир («Тошкент ҳақиқати»). Куз соз келса, нишонадир тўқчиликдан, Маъмурчилик, серобчилик, мўлчиликдан («Қизил Ўзбекистон») Тинчлик бўлса, серобчилик бўлади, тукин-сочин бўлади («Қизил Ўзбекистон»). «...кеничилик бўлсин, болам, танқисликни кўрсатмасин».— деди Рихси буви набирасига («Ленин учқуни»). Биз Тошкентдаги Госпиталь бозорига жуда эрта келдик. Чинакам маъмурчиликни, мўл-кўлчиликни, тўкинчиликни шу ерда кўриш мумкин («Қизил Ўзбекистон»). Шунинг натижасида аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари тобора мўл-кўл қондирилмоқда, маъмурчилик бўлмоқда («Қизил Ўзбекистон»).

Н

НАВБАТ, ГАЛ, СИРА. Нарса, ҳодиса кабиларда кетма-кетлик тартибдаги маълум ўрин, кетма-кетлик тартибининг маълум қисми. **Сира** бу маънода жуда кам ва фақат учинчи шахс эгалик аффиксини олган ҳолда қўлланади.

Бу комсомоллар навбат билан ҳар куни кечқурун келиб чойхўрларни янги китоблар билан таништирар, газета, журналлар ўқиб беришар эди (А. Қаҳҳор). Йўлчи гали билан меҳмонларнинг отларини дарахтларга ҳам, деворга қоқилган махсус темир қоziқларга қантариб боғлади (Ойбек). Дейман келгач сираси:— Тут боғлар шоираси! (М. Шайхзода.)

НАВБАТДАГИ, ГАЛДАГИ, ЭНДИГИ. Навбати келган, бажарилиш (қилиниш) гали келган.

А. Тўраевнинг иш кабинетига тунлари чироқ ўчмаса, асло таажжубланманг. Чунки у навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўряпти («Совет Ўзбекистони»). Бизнинг галдаги суҳбатимиз етти йилликнинг биринчи йилида пахта етиштиришда... (А. Раҳмат).

НАЙРАНГБОЗ, ЛУТТИБОЗ. Найрангга, алдам-қалдамга уста, кўз бўямачилик, найранг билан шугулланувчи шахс. **Луттибоз** сўзида салбий оттенка кучли.

Бироқ найрангбоз Абдуваҳоб Ҳурихон Саттарова билан ҳам силлиққина турмуш қилиб кета қолмади («Муштум»). Бу

соҳада катта ғалаба қозонган лўттибоз чет эл молларини олиб-сотиш ишларини қизитиб юборади («Муштум»).

НАРХ, БАҲО, ҚИЙМАТ. Бирор нарсанинг пул билан ўлча-надиган арзон-қимматлик белгиси. **Қиймат** бу маънода жуда кам қўлланади. *Ибодилла катта-кичик тароқларнинг нархларини бирма-бир айтди (Ҳ. Фулом). Бунақа шарт эликбошига, албатта, хуш ёқади-да! Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олибди (А. Қаҳҳор). Бинокорлик ишларининг қиймати анча ошиб кетмоқда («Қизил Ўзбекистон»).*

НАРХЛАМОҚ, БАҲОЛАМОҚ. Нарх (баҳо) қўймоқ.

Буларнинг ҳаммасини арзон-арзон нархлаб, ўзига ўтказиб олди («Қизил Ўзбекистон»). Дадаси қазо қилганда Махсумнинг отасидан қарз кўтариб кўмбди. Эчкисини, ерини баҳолаб, қарзига ўтказибди (С. Анорбоев).

НАСИҲАТ, УГИТ, ПАНД, Тушунтириш, кўрсатиш йўли билан бирор нарсани қилиш-қилмасликка даъват. **Панд** ва **ўгит** сўзлари насиҳат сўзига нисбатан жуда кам қўлланади. **Панд** сўзи шу маънода асосан **насиҳат** ёки **ўгит** сўзи билан жуфт сўз ҳолида қўлланади.

Гулнор чиқса, айт, тушунтир, насиҳат қил. Бу ишлар сендан лозим (Ойбек). Онадир муборак, чексиз муқаддас Онанинг ўгити ҳеч бекор кетмас (Х. Расул). Бир нечалар айтар панду насиҳат: «Шердай бўп ишланглар, келган жамоат» (Фозил Йўлдош). Ажралдилар, Чол-кампир қаргандилар: «Сатқайи сенга берган панду ўгит» («Муштум»).

НАТИЖА, ОҚИБАТ, ЯКУН. Воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатдан келиб чиққан нарса. **Яқун** бу маънода жуда кам қўлланади.

Орада бир-икки оғиз ўтди. Бунинг натижаси шу бўлдики, Тўлаганининг қаншарига мушт тушди, стол ағанаб кетди (А. Қаҳҳор). Бу урушда қайси давлатлар иштирок қилганини ва урушининг оқибатини сўзлади (Ойбек). Немисларнинг бунчалик бамайлихотир келаётганини кўриб, Аҳмаджоннинг юраги орзиқиб кетди: Наинки кеча куни бўйи ва кечаси билан бўлган жангнинг яқуни шу бўлса (А. Қаҳҳор).

НАФАС, ДАМ, ТИН. Упкага олинадиган ва ундан чиқариладиган ҳаво. **Нафас** кенг қўлланади. **Дам** сўзи дами қайтмоқ, дами ичига тушмоқ каби санокли бирикмалар таркибидагина қўлланади. **Тин** фақат олмоқ сўзи билан бирга қўлланади.

Яна юрак ўйнаб, нафас бўғзига тиқилди (М. Исмоилий). Қизча... болалар билан тоза қувалашиб ўйнаган бўлса керак, нафасини ололмай антикар, лекин вақти чоғ эди (П. Турсун). Шоли топилиб, сир очилгандан кейин дами ичига тушиб кетган Ойшабону яна тилга кирди (Ҳ. Фулом). Қори ўзини у ёққа-бу ёққа отиб, бошини столга урмоқчи бўлди ва ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган бир дарддан бутун вужуди қақшаб, тин ололмаётгандай хириллади (А. Қаҳҳор).

НАШР ЭТМОҚ, БОСМОҚ, ЧОП ЭТМОҚ. Нашр йўли билан чиқармоқ. **Чоп этмоқ** кам қўлланади.

Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси муносабати билан кўп нусхада нашр этилган «Ўзбек халқ мақоллари» тўплами китобхонлар диққатини жалб этди («Қизил Ўзбекистон»). Шеригимдан Бекнинг таърифини эшитиб: «Шу гапларни ва бу ерда ўтган можарони Қумрихонга айтиб беринг, ҳикоя қилиб ёзсин, албатта босиб чиқарамиз»,— деди (А. Қаҳҳор). Нашриёт китобни 45 минг нусхада чоп этди («Тошкент оқшоми»).

НАҚАДАР, НЕЧОҒЛИК, ҚАНЧАЛИК, БУНЧАЛАР. Бу сўзлар ҳаракат-ҳолат, белгини кучайтиради, юқори (ортиқ) даражада эканини билдиради. **Нақадар** кўпроқ китобий услубга хос. **Нақадар, нечоғлик** сўзлари кўпинча даражанинг нормал ҳолатдан юқори эканлигини кўрсатади. **Нақадар** белги, миқдор, шунингдек, ҳаракат даражасига нисбатан ҳам қўлланаверади: **нақадар гўзал, нақадар кўп, нақадар соғинмоқ** каби. **Нечоғлик** асосан ҳаракатнинг тезлик даражаси, иш-ҳаракатга моҳирлик даражасига нисбатан қўлланади: **нечоғлик уста, нечоғлик эҳтиёт бўлмоқ** каби. **Қанчалик** белги, миқдор, шунингдек ҳаракатнинг тезлиги даражасига нисбатан қўлланаверади. Лекин унда ҳаракатнинг нормал ҳолатдан юқорилик оттенкаси йўқ.

Бу кунларда Сидиқжон **нақадар** хурсанд бўлса, Канизак шу қадар хафа ва унинг хафалигига «районда колхозни уриб чиққан газета» сабаб эди (А. Қаҳҳор). Ёлғизлик **нақадар** ёмон. Бу одамнинг ҳеч кими ва ҳеч нарсаси йўқ экан (П. Турсун). Аканг, жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит... Урис амалдорларига **нечоғлик** таъзим бажо қилсанг, шунча яхши (Ойбек). Нархнаво ҳар кунни том бўйи сакраб турибди. Оёқни **нечоғлик** тиранг (Ойбек). Душман **қанчалик** гангитилса, унинг ўт очиш нуқталари қанча кўп емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунчалик муқаррар бўлади (А. Қаҳҳор). Мусанинг фикрлари **қанчалик** ақлли, **қанчалик** самимий бўлса ҳам, унинг ҳолига **қанчалик** куюнса ҳам, ҳозир, худди шу тобда, унинг «ярасига» тегмаслик керак эди (П. Турсун). Ҳамиша сеники юрагим, шеърим. Қучоғингда яшаш **бунчалар** ширин. (М. Бобоев.)

НОАНИҚ, ДУДМОЛ, НОМАЪЛУМ, НОТАЙИН, ТАЙИНСИЗ, МУЖМАЛ, БЕЛГИСИЗ, МУҲМАЛ, МУБҲАМ. Аниқликка эга эмас, нималиги аниқ ифодаланмаган. **Дудмол** сўзи ноаниқ сўзига нисбатан кам қўлланади. **Нотайин** сўзи кўп ҳолларда салбий оттенка билан қўлланади. **Мужмал** кам сўзлар доирасида қўлланади ва бунда салбий оттенка яна ҳам кучлироқ бўлади: **мужмал гап, мужмал жавоб** каби. **Муҳмал** жуда кам қўлланади. **Мубҳам** китобий, кам қўлланади.

Грейдернинг ёрдамга куч сўраб берган телеграмма, радиogramмаларига турлича **ноаниқ** жавоблар келди (И. Раҳим). Ҳасан

сўфи бу поналарни ким буюрганани, кимнинг сўзи билан қилаётганини сўраган эди, Қудрат дудмолгина қилиб жавоб берди (М. Исмоилий). Ҳовлидаги кекса тугга чироқ шуъласи тушиб, унда **нотайин** бир кўланка кезар, ичкаридан «ширт-ширт» этган товуш эшитилар эди (А. Қаҳҳор). Аммо бу адреси **тайинсиз** келинга ҳам юрак чопмай турибди («Муштум»). ...гап сўрасам, «Тишим оғриб қолди, у-бу» деб **мужмал** жавоб берди (А. Қаҳҳор). Энди билсам, кетар эмишсан, Мени ташлаб **белгисиз** ёққа (Уйғун). Мухторхон унинг худдлигини ҳам, бехуддлигини ҳам билиб бўлмайдиган аллақандай **муҳмал** юзига таажжубланиб қаради (Ҳ. Гулом). Ҳаёт билан ўз руҳи орасида аллақандай **мубҳам** бир оҳангсизлик сезганидан эди (Ойбек).

НОВЧА, НАЙНОВ, ДАРОЗ, УЗУН. Бўйи баланд, баланд бўйли. **Найнов, дароз** салбий оттенкага эга. **Узун** маълум контекст доирасида шу маънода қўлланади.

Ғани Мардонов кетиб қолгач, унинг ўрнига тайинланган, энг майда болалардан тортиб кекса муаллимларгача «ота» деб атайдиган **новча** ва қотма чол қоровул келар эди (П. Турсун). Аҳмад Ҳусайн ҳар иккисини бир вақтлар кўрган эди. Инглиз укки кўз, карнай бурун, кампир даҳан, қилтириқ бўйин, **найннов** эди (Ойбек). Кувё томондан ориқ, **дароз**, чайир бир хотин бел боғлади (Ойбек). Саодат кампир **узун**, ёшига қарамай, ҳали эгилмаган... ҳаракатларидан шижоатли ва чаққон экани билинган эркаксимон хотин эди (Ойбек).

НОИЛОЖ, НОЧОР, ЧОР-НОЧОР, ИЛОЖСИЗ. Ўз эркига қарама-қарши ҳолда, чорасизликдан. **Иложсиз** сўзида мажбурийлик оттенкаси кучлироқ.

Бошпанасиз, нажотсиз етим ўғил ва қизлар бировларнинг зулми ва исканжасига, хўрлашига **ноилож** чидар, яшамоқ учун бундан ўзга чоралари йўқ эди (П. Турсун). Лекин сув отилиб чиқмади. Қош қорайиб қолган, улар **ночор** шийпонга қайтишди (И. Раҳим). Норбой жаҳлидан тушди, Ҳайитбойнинг қисташи билан ўрнига **чор-ночор** ўтирди (Х. Сеитов). У аҳоли яшайдиган қай бир пунктни, қай бир шаҳарчани мўлжаллаб, унга тўғри йўл бошламасин, бир оздан кейин **иложсиз** тўхтарди (Ойбек).

НОЛА, НОЛИШ, ОҲ, ФИҒОН, ФАРЕД, ЗОР, ДОД, АФҒОН. Ғам-алам ифода этувчи аянчли овоз (товуш). **Нола** бошқаларига нисбатан кўп қўлланади. **Оҳ, фиғон, афғон** сўзларида белги даражаси **нола**, **дод** сўзидагига нисбатан кучлироқ. **Фарёд** сўзида белги даражаси яна ҳам кучли. **Дод** бу маънода нисбатан кам қўлланади. **Афғон** китобий.

Карвон борар. О... карвонбоши куйлаб борар бир мунгли **нола** (Т. Тўла). Кампирнинг **нолишин** эшитиб, халойиқ, ҳамма бирдан Очилга ўлим тилади (Ф. Йўллош). Зулм, тахтга қарши исён Шарқ кўксига қайнаб тошди, Ҳар ёқ ёнгин, лоладек

қон, Мазлумларнинг оҳи ошди (Ғайратий). Йиғлаб ўтди авлод-авлодлар, Кўкка етди фиғону додлар (Э. Раҳим). Сон-саноксиз номуслар Қилинди барбод. Кулбалардан оқарди Алам-ли фарёд (Ғайратий). Чирқираб йиғлаётган ҳалиги боланинг зорига яна икки боланинг фарёди қўшилди (М. Исмоилий). Сиз бўлсангиз, болангизнинг додини, оҳини эшитиб чидаб туролмасдингиз (М. Исмоилий). Кўкка чиқар ёрим деб афғонларим, Айрилиққа тушгандир ёронларим («Равшан»).

НОЛИМОҚ, ШИКОЯТЛАНМОҚ, ШИКОЯТ ҚИЛМОҚ, ЗОРЛАНМОҚ, ҲАСРАТ ҚИЛМОҚ. Нолиш билан, шикоят билан гапирмоқ.

Анзират хола келиб, яна қизи, кўёви тўғрисида гапирди; Мадрайимга юборган хати ҳақида гапириб, яна ўзининг ёмон қариганидан, анчайин нарсаларга фаҳми етмайдиган бўлиб қолганидан **нолиди** (А. Қаҳҳор). Гулсумбиби ёлғиз қоларкан, ўзининг «тош пешанасидан», бахти қаролигидан **шикоятланиб**, дам эрини, дам бойни қарғаб, дам худога ёлвориб ўтирарди (Ойбек). Сидиқжоннинг нияти... тақдирдан **шикоят қилиб** Урмонжонга зор-зор йиғлаш, ўшанинг қаноти остида ўз тўпига яна қўшилиш учун тинмай, ишдан ишни фарқ қилмай, жон-дили билан меҳнат қилиш эди (А. Қаҳҳор). «Қўлига пул тушса, тамом қилади. Оилам бор, бола-чақам бор демайди,— дея зорланди аёл.— Бундай эр билан тургунча, дунёдан эрсиз ўтган минг марта яхши!» (П. Турсун.) [Али] ўзининг бахтсизлигидан, топганини орттиролмай, шу кунгача уйланомай келишидан **ҳасрат қилиб** кетди (А. Қодирий).

НОЛИШ, ШИКОЯТ, ҲАСРАТ. Мамнун эмаслик, норозилик ифодаси. Бунда мамнун эмаслик, норозилик маъносига зорланиш отенкаси ҳам қўшилади.

Нолиш билан иш битмас, мард номардга тиз чўкмас (Мақол). Шундай қаттиқ кунлар тушиб бошига, Фалак титраб йўқларнинг **нолишига** (Эргаш Жуманбулбул). «Камбағалчилик йўсин!» Хотин бу гапни **шикоят тарзида** айтди (А. Қаҳҳор). Заъфарон юзида ажинлар. **Ҳасрат** тўла кўзларига боқ! (Уйғун.) Норбойнинг юраги жиз этиб кетди. Ранги бўзариб, юзини **ҳасрат** аломати қоплади, лекин индамай ерга қараб ўтираверди (Х. Сеитов).

НОЛОЙИҚ, НОМУНОСИБ. Муносиб келмайдиган, келишмайдиган (хатти-ҳаракат, иш ҳақида).

Ниҳоятда бой ўлканинг ҳукмдори бўлмиш Султенинги ўз мартабасига **нолоийқ** бундай ғалати ишлар билан шуғулланганини ким эшитибди тарихда! (Л. Батъ.) Бу йиғит, «Ҳеч ким ҳам билмайди» дейиш ўрнига, афт-бошига **номуносиб** бир тарзда тўнлик қилиб... (А. Қаҳҳор). ...бу ерда мукофотлар кўпинча **номуносиб** кишиларга берилган («Совет Ўзбекистони»).

НОМ, ОТ, ИСМ. Шахс ёки нарсая-предметларга қўйиладиган

атама. **Ном** шахс, шунингдек нарсая-ҳодисаларга нисбатан қўлланаверади. Лекин жонли сўзлашувда жуда кам қўлланади. **От** асо-сан шахс ва жонли нарсаларга нисбатан қўлланади. **Жонсиз** нарсаларга нисбатан жуда кам қўлланади. **Исм** шахсга нисбатангина қўлланади.

Дастурхон устида қариялар бир қашшоқнинг боласига **ном** тополмай, кўп маслаҳатлашдилар, охири: «Нияти холис, мурод-мақсадли Элмурод бўлсин! Элмурод!...» деган қарорга келдилар (П. Турсун). Улар ҳар ерда ишчи **номи**ни, ўз касбининг қад-рини ерга туширмайдилар («Тошкент оқшоми»). «Сизнинг нима дардингиз бор?» Мирраҳимов бирданига учта дарднинг **номи**ни айтди (А. Қаҳҳор). Асрорқул фарзанд кўрди. Уста Мўмин, раҳматлик, хаг билар эди, китоб кўриб, боланинг **оти**ни Ёдгор қўйди (А. Қаҳҳор). Биладан, Қосимжон бойваччанинг итлари... Бунинг **оти** Тўрткўз эмас, Арслон (А. Қаҳҳор). Мана шу бойларнинг ерларини экадиган деҳқонларни капсанчилар дейилар эди. Қишлоқнинг **оти** ҳам шундан чиққан (А. Қаҳҳор). Ҳар вақт ўртоқларини бирор хушхабар билан суюнтириб юрадиган бу ёқим-той боланинг **исми** Кўзибой (Х. Назир).

НОМИГА, ЙУЛИГА, ИРИМИГА. Астойдил эмас, йўли учун.

Қилт этган шамол йўқ, ҳатто **номига**, Саратон қирма-қир кезиб юради (Шухрат). ...«мулла мир Ашир, ҳолига ярашир» дегандай, **иримига** тўй қилиб, боламизни жуфтлаб олдик,— деди кампир (А. Муҳиддин).

НОМУСЛИ, ҲАЁЛИ, ОРИЯТЛИ, АНДИШАЛИ, ИБОЛИ. Номуси (ҳаёси, ибоси) бор. **Иболи** жуда ҳам кам қўлланади.

Бу содда, самимий, **номусли**, қишлоқи қизнинг сўзларини охиригача эшитишга бардош қилмай, тезроқ қочишга уринаркан, қиз унинг қўлларини оҳистагина ушлади... (Ойбек). Қиз болада, **ҳаёли**, **андишали**... («Муштум»). Кимсаной бўлганда, ҳозир бригада бўлар эди. Ғайратлик, **ориятли** жувон эди (А. Қаҳҳор). Ашурмирзанинг катта опаси кўп **андишали** хотин эди (М. Исмоилий). Тортинма, батга **иболиги** келмайди, **иболиги** эшикда совчи кутиб, остонага тикилиб ўтиради (А. Мухтор).

НОТИНЧ, БЕТИНЧ, БЕЗОВТА, БЕСАРАНЖОМ, АЛҒОВ-ДАЛҒОВ, ТЎС-ТЎПОЛОН. Тинчи-осойиши бузилган. **Нотинч, бетинч, безовта, бесаранжом** инсон ва бошқа нарсаларга нисбатан қўллана олади. **Алғов-далгов, тўс-тўполон** умумий тарздаги нарсаларга нисбатан қўлланади.

«Бегим, қишлоқ **нотинч** бўп қолди». — деди у, извош дала йўлидан чайқалиб бораркан, йў суриб ўтирган бўлисга қайрилиб қараб (Х. Ғулом). Трамвай ҳа деганда келавермади. Валико тез-тез соатига қараб, **бетинч** бўла бошлади («Қизил Ўзбекистон»). Қўрбоши ака, неча йилдан бери замона **безовта**. Рўзгор-

нинг шартни кетиб парти қолган (И. Султон). Кумуш кўзини очиб, б е с а р а н ж о м у н г а [Ҳожига] назар ташлади ва таниб кўзгалмоқчи бўлди (А. Қодирий). Мингбоши шошиб бориб меҳмонхона айвонига чиқди-да, ҳар вақт аризачиларни сўраб, айбдорларни тергов қиладиган ерига келиб ўтирди. Юраги бесаранжом эди (М. Исмоилий). «Юртни алғов-далғов қилган кишини ҳар қанча хўрласа ҳам, оэ»,— Навоийнинг унга [Едгорга] берган жавоби шу бўлди холос (А. Батъ). У [уста] Валижоннинг дили тўст-ўст-ўст бўлаётганини сизди (О. Ёқубов).

НОХУШ, КҮНГИЛСИЗ, ЕҚИМСИЗ. Хуш келмайдиган, кўнгилни (таъбни) хира қиладиган.

[Шофёр С. Абдуллаев] Ун йиллик иш фаолиятида бирорта ҳам аварияга, нохуш воқеага йўл қўйгани йўқ («Совет Ўзбекистони»). Баъзи жойларда юз берган бепарволик ва масъулиятсизлик бу йилги киши даврида кўнгилисиз аҳволларнинг рўй беришига олиб келди («Қизил Ўзбекистон»). Тўрвасига солиб нонини, Таёгини судраб, кўнгилисиз Пода ҳайдаб қирга кетарди, Майса гиламларга етарди (Уйғун). ...Элмурод бу гапларни айтди-ю, қизариб кетди. Чунки гаплари ўзига жуда қуруқ ва ёқимсиз эшитилди (П. Турсун).

НОҚУЛАЙ, УНҒАЙСИЗ, НОВОП. Қулайликка эга эмас, бирор нарсага мослик-мувофиқлиги яхши эмас. Бу мослик-мувофиқликнинг нормал даражага нисбатан ёмонлиги конкрет нарсаларда, шунингдек кишининг руҳий ҳолатида бўлиши мумкин. Унғайсиз нисбатан кам қўлланади.

Бектемир ноқулай ерда узала тушиб ётар ва тинмасдан отар эди (Ойбек). «Ҳозир мен сизнинг олдингида шундай бир ноқулай аҳволдаманки, гўё сизга янги танишдай. Гўё биз биримизни кам биладигандай. Ҳолбуки сиз мени мактабга келган кунимдан биласиз»,— деди Элмурод (П. Турсун). Орада ётсирашга ўхшаш бир ҳол бор, нима учундир бир сўзлаб, икки тўхтар эдилар. Бу унғайсиз ҳолатдан чиқиш ва сўзни сўзга улаб юбориш учун Раҳмат тиришгандек кўринар эди (А. Қодирий). Аммо жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, ғарби Бўз сув ва Кўкча ариғи билан ўралган бурун каби бу тепа кўрғонсиз ҳам душманнинг ҳужумига унғайсиз эди (А. Қодирий). Лекин айрим қишлоқ кутубхоналари нобоп ва кўримсиз хоналарга жойлашган («Қизил Ўзбекистон»).

НУР, ШУЪЛА, ЕҒДУ, ЗИЕ. Еруғлик манбаидан (ёритувчи предметдан) чиқувчи ёруғ чизиқ. Нур сўзи шуъла сўзига нисбатан кенгроқ қўлланади. Еғду китобий. Зие эскирган, китобий. Бу сўзлар «ёруғлик» маъносини ҳам билдиради.

Кўёшининг биринчи нурлари билан аҳоли кўчага чиқди (Шуҳрат). Ойли тунда оқдилар узоқ, Шуъла сочди ранг-баранг чироқ (Ғайратий). Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва

том тунукаларига аёвсиз тўқар, булбул эса ҳамон тинмай сайрар эди (П. Турсун). Тонг ёришгани, дунёга нур тўллани учун қувонаётгандек, осмонда тўрғайлар ҳамду сано ўқийдилар, кундузни олқишлайдилар (М. Исмоилий). Ҳовлидаги кекса тутга чироқ шуъласи тушиб, унда нотаниш бир кўланка кезар, ичкаридан «ширт-ширт» этган товуш эшитилар эди (А. Қаҳҳор). Ҳолида Қори келяптилармикан, деб ҳовлига қараган эди, сўриток тагида ой ёғдусида Адолатни кўрди (И. Раҳим). Улар мазмун эмади, Ильич—Чироқлари тўккан зиёдан (Ҳ. Салоҳ).

НУҚСОН, АЙБ, НУҚС, ҚУСУР, КАМЧИЛИК, ИЛЛАТ. Нормалликни бузувчи белги. Нуқс, қусур жуда кам қўлланади. Камчилик сўзида белги даражаси жуда кучсиз.

Иккинчидан, бир хизматкорнинг қизига ўйланишни, қиз қанча чиройли бўлмасин, ўз гурури, ўз обрўи учун катта нуқсон деб билган эди (Ойбек). Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошка илмий тадқиқот институтининг механизация бўлими ходимлари СН-45 маркали картошка экадиган машинанинг уруғ ташлайдиган қисмини ўзгартиришиди ва шу туфайли юқорида айтилган нуқсонлар йўқотилди («Фан ва турмуш»). Хўп, энди мен сизга битта айбингизни айтиб берай (А. Қаҳҳор). Ниҳоят у зерикди, кўзгуга ўзини ундай қилиб солди, бундай қилиб солди ва «хуснида ҳеч қандай нуқс йўқлиги»га қаноат ҳосил қилди шекилли, кўзгунини қайтиб жойига қўйди («Таниш башаралар»). Ҳаммамизда ҳам қусур, айб бор,— деди Ҳасанжон махсум («Муштум»). Ҳар тўқисда бир айб дегандай, унча-мунча камчиликларимиз бор («Муштум»). Ичи қоралик, ёлғончилик, бошқаларни кўролмаслик, иккиюзламачилик, берган ваъданинг устидан чиқмаслик, гап ташиш, манманлик, бировни камситиш ё масхаралаш, киши қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, иллат ҳисобланади («Уқитувчилар газетаси»).

О

ОБРУ, ЭЪТИБОР, НУФУЗ. Узга томонидан бўлган ҳурмат, яхши муносабат ҳис-сезгиси. Нуфуз китобий.

Барака топсин аканг! Обрўси бундан ҳам зиёда бўлсин! (Ҳ. Ғулом.) Навоий ўзининг мардонавор таклифи билан султон ва барча навкарлар олдида зўр эътибор қозонганини Музаффар англаган эди (А. Батъ). Бирининг кўзларида Шарқнинг нуфузи, Иккинчисин юзлари очиқ, Хушчақчақ (М. Шайхзода). Сарой парвоначиси Мажидиддин Султон Ҳусайн билан тез-тез ёлғиз суҳбатлашиш имконига эга бўлиб, бу суҳбатлардан у ўзининг аввалги нуфуз-эътиборини тиклаш чун фойдаланарди (А. Батъ).

ОВОЗ, ТОВУШ, УН, САДО, САС, НИДО, САЗО. Эшитиш сезгисини уйғотувчи, эшитиш органлари орқали қабул қилинувчи, эшитилувчи нарса. **Овоз** асосан одам ва жонли нарсалар товушини ифодалаш учун қўлланади. **Товуш** одам ва бошқа жонли нарсалар овозини, шунингдек жонсиз предметларнинг урилиши, ишқаланиши ва бошқа ҳолатидан пайдо бўлган овозни ифодалаш учун ҳам қўлланаверади. **Ун** фақат одам овозини билдиради ва **овоз** сўзига нисбатан жуда кам қўлланади. **Садо** жонли ва жонсиз нарсаларнинг товушини билдиради, лекин **товуш** сўзига нисбатан кам қўлланади. **Сас** диалектал сўз бўлиб, бадий адабиётларда, айниқса поэзияда киши овози маъносида қўлланади. **Нидо** китобий. **Сазо** жуда кам қўлланади.

«Қалайсан, ука?»— биров келиб туртди **Йўлчини**. **Йўлчи** бу кишининг юзини кўрмасданоқ **овозидан** таниди (**Ойбек**). **Отабек** **товуш** эгасини таниди. Бу мажнун **Зайнаб** эди (**А. Қодирий**). Гоҳ чапда, гоҳ ўнгда қулоқларни тешувчи чинқироқ **товушлар** билан чигирткалар чириллашади (**М. Исмоилий**). **Даҳлиз** остида бир дуркум оёқ **товушлари** эшитилиб, кўрбоши кўринди (**А. Қодирий**). **Мишаб** беҳол боланинг ўнг қулоғини чўзма камалакдай чўзиб кетди. Бола аввал ун чиқармай чидашга ҳаракат қилди (**М. Исмоилий**). «Мана, мажлис очиқ. Ким гапиради?» Ҳеч кимдан **садо** чиқмади (**А. Қаҳҳор**). **Батальон**нинг ўнг қанотидан келаётган оркестр **садосини** эшитгач, **Юрвев Черницовга** савол назари билан қараб қўйди (**И. Раҳим**). **Ватанда** янграса **Халима саси**, **Гулзорда** булбулнинг келар ҳаваси («Хат»). **Давра** қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ **нидоларини** тасвирлашга тил кифоя қилмайди (**Ойбек**). **Орзунг** бор куйлашга, лекин қалбингдан **Тарқалар** бир маънос ва ғамгин **сазо**, **Қўйнинг**да бир қучоқ оқ ва нафис гул. Лекин руҳинг тўла мотам ва азо (**Ҳ. Олимжон**).

ОВОРА, САРСОН, САРГАРДОН. Бирор мақсад йўлида, бирор нарса илинжида кезиш, тентираш ҳолатида. Шу маънони **сарсон** сўзи **овора** сўзига нисбатан, **саргардон** сўзи **сарсон** сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди.

Ўз ёрини топмасдан **овора** экан мендек (**Фурқат**). Бир йилдан бери **Сарвихон** аянинг ҳажрида **сарсонман** («Муштум»). **Неча** йилдан бери шу иш кетида **саргардон** («Қизил Ўзбекистон»).

ОВУНМОҚ, ЮПАНМОҚ. 1. Йиғидан тўхтамоқ. **Юпанмоқ** нисбатан кам қўлланади.

Она ўғлининг сўзи билан **овунди**. Кўз ёшларини артди (**П. Турсун**). Хотин йиғлағудай бўлиб ташиқарига чиқди, яна кирди... Қани энди бу товушинг ўчгур бола **юпанса** (**А. Қаҳҳор**).

2. Бирор нарса-сабаб таъсири билан ўзини тинчитмоқ, дард-аламни унутмоқ.

Элмурод бу одамлар орасида бир оз **овунди** (**П. Турсун**).

Қандай қилиб берай сенга тасалло? Англадим: йўқ экан сўзимнинг кучи. Балки **юпанарсан**, ёнса ганим ё **Қонга** беланганда **найзамнинг** учу (**Уйғун**). Ҳозир ҳам шу фикр билан **юпаниб** ўғлининг ғалати аҳволига чиройлироқ тус беришга уриниб, ўз ишлари билан **овора** бўлди (**А. Мухтор**).

ОВУНЧОҚ, ЮПАНЧ(ИҚ), ЭРМАК. Кишини овунтирадиган, юпатадиган нарса, иш, кимса. **Овунчоқ** асосан шахсга (ёш болаларга) нисбатан қўлланади. **Эрмак** кўпроқ нарсаларга нисбатан қўлланади.

Онанг шунда очар кенг қучоқ, Гўё кўкка етгандек боши. Сенсан унга доим **овунчоқ**, Сен — онангнинг кичик йўлдоши (**И. Муслим**). Менинг **овунчоғим** бўлди қизғалдоқ. Даста-даста териб келтирар эдим, **Ҳам** ўйин, ҳам **юпанч**, ҳам **дилга** алдоқ (**Миртемир**). **Албатта**, **деҳқончилик** иши тўхтаган бундай кунларда ўқиш ҳар қандай **эрмакдан** яхши эди (**П. Турсун**). **Назокатнинг** бирдан-бир машғулоту ва **эрмаги** дутор эди (**Ш. Рашидов**).

ОВҚАТ, ТАОМ, ОЗИҚ, ТОМОҚ, ХУРАК, ЕМИШ, НЕЪМАТ. Одам, ҳайвон ва умуман жониворлар истеъмол қиладиган қуюқ ёки суоқ егулик. **Овқат** одам ёки ҳайвонлар қабул қиладиган егулик нарсани билдиради. **Таом** фақат одамлар ейдиган овқатни ифодалаш учун қўлланади ва **овқат** сўзига нисбатан бир оз бадий оттенкага эга. **Озиқ** одам ва бошқа жониворлар, ҳатто ўсимликлар қабул қиладиган овқат маъносини ҳам билдиради. **Овқат** ва **таом** сўзлари асосан ейиш учун тайёр ҳолатдаги нарсани билдирса, **озиқ** умуман овқатланиш учун лозим бўлган тайёр ёки хом ҳолатдаги нарсани билдиради. **Хўрак**, **емиш** жуда кам қўлланади. **Неъмат** бадий оттенкага эга.

Анчадан кейин онаси косаларга **овқат** сузди, **Ҳаёт** уларни ичкарига таший бошлади (**М. Исмоилий**). **Меҳмонлар** лаззатли **таомларни** хўп ейишди, ичишди (**П. Турсун**). Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик **озиқ** ол (**Мақол**). **Дейди** макка-жўхори **Соқолини** тутамлаб: «Энг серҳосил **озиқман** **Ҳамчорванг**, ҳам **ўзингга**» (**С. Абдулла**). **Тажрибакорларнинг**: «**Шохлаган** гўза қўшимча кўсақларни етиштириш учун ердан етарли **озиқ** ололмайди»,— деган даъвоси пуч, чунки гўза ололмаса, биз берамиз (**А. Қаҳҳор**). **Тушлик** ош вақти бўлдими, нима **томоқ** қилсамикин? (**А. Қодирий**). **Улганим** яхши эмасми, ҳам сизни ҳалигидай муштлаб, яна **томоғингизни** есам (**Саид Аҳмад**). «**Ёқмайдиган** хўрак бергансиз!»— «**Ёқмайдиган** ҳеч нарса егани йўқ» (**А. Қодирий**). **Қовжираб** қолган майсалар **орасидан** хўрак тополмаган сизир шикоятимиз маъраб қўяди (**Саид Аҳмад**). «**Емиш** олиб келдим,— деди **Баҳри** кўрқа-писа,— **шавла** билан **нон**» (**Ҳ. Гулом**). **Ишчи** иш қилар, **У** яхши билар: **Маҳсули** фақат **Эл** учун **неъмат** (**М. Шайхзода**).

ОДАМ, ОДАМЗОД, КИШИ, ИНСОН, КИМСА, БАШАР. Фикрлаш, сўзлаш, қурол ясаш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлган жонли. **Одам**, **инсон** сўзлари фикрлаш, сўзлаш, қурол ясаш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлган жоннинг умумий номи маъносида ҳам қўлланади. **Одам** боласи, **инсон** боласи (ҳайвон боласи эмас). **Киши**, **кимса**, **башар** сўзлари бу маънода қўлланмайди. **Инсон** ижобий кўтаринкилик оттенкасига эга. **Кимса** жуда кам қўлланади. **Башар** поэтик услубга хос.

Одам анча қалинлашди, хитоблар, қарғишлар, аёл йиғилари кумайди (Ойбек). Нега ёш тўқасан, мағрур одамзод, Нега жаранламас созларда наво? (Миртемир.) Бу кунларда Отабекка энг яқин турган киши Ҳасанали ота эди (А. Қодирий). Эғтибордан четда турган бир инсон — Худойқул оғизларда қизгин гап бўлди (П. Турсун). Қисқаси, илгаридан оддий бир тенгдошдек бўлиб келган бир қиз энди Элмурод учун сирли бир кимсага айланиб борар эди (П. Турсун). Қизил байроқ балчиқларда булганмай, У башарнинг виждонидай покиза (М. Шайхзода).

ОДАМГАРЧИЛИК, ИНСОНГАРЧИЛИК. 1. Киши(лар)га самимий, яхшилик истаб қилинадиган муносабат, инсонга хос тартиб-қоида билан бўладиган муносабат.

Менинг ҳамма қилаётган одамгарчиликларим фақат сенинг учун, сенинг бошингни аяганим учун! (А. Қодирий.) Ҳазили нимаси! Одамгарчилигини бўлса шу йигирма олти сўмни ҳам олмас эдинг, мени ўзини олиб келгансан (А. Қаҳҳор).

2. Инсоний қиёфа.

— Мухаббат! — деб такрорлади Ҳасанали. — Шу йигирма беш кунлик бир муддатнинг ичида у [Отабек] бутунлай одамгарчиликдан чиқаяёди (А. Қодирий).

ОДАТ, РАСМ, ТАОМИЛ, УДУМ, УРФ, АНЪАНА. Умум томонидан қабул қилинган ва амал қилинадиган хатти-ҳаракат ва ахлоқдаги тартиб-қоида. **Таомил**, **удум**, **урф** кам қўлланади. **Таомил** сўзида «амал қилинадиган тартиб-қоида» тушунчаси ҳамма вақт акс этади. **Анъана** бажарилиши одат тусига кирган ҳаракат (иш)га нисбатан қўлланади.

Кўёв аҳли раста олифта бойваччалар орасида, одадга мувофиқ ўзини яшириб данғиллама дарвоза томон юрди (Ойбек). Унинг онаси, жамоанинг қадимги расмига мувофиқ, камбағал қариялардан бир нечасини чақириб, олдиларига бир лаган ош қўйди (П. Турсун). Элтаомилда кексалар ҳаминша маслаҳат беришар, ёшлар эса маслаҳат меваларини теришар эди (М. Исмоилий). Тошкентликда бағоят қадим Яшаб келар эзгу бир удум: Учрашганда биринчи сўроқ — «Тинчликми?» — деб ҳол суриштирмоқ (М. Шайхзода). Ўзбек халқининг яхши удуми бор: — қаерни макон қилса, ўша ерга яхши ният билан кўчат экади («Қизил Ўзбекистон»). Биз кўпинча ажойиб, кўрилмаган, ҳалигача урф бўлмаган ранго-ранг гулларни дасталаганда ...«қайси боғда бит-

ган-у, боғбони ким?» — деб суриштириб ўтирмаймиз («Қизил Ўзбекистон»). Байрам юртда қадим бир анъанадир, Лекин қора кундан қалб ҳамон чўгли... (Миртемир.) Мазкур районда лекциялар ўқиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш анъанага айланган («Тошкент оқиоми»).

ОДАТЛАНМОҚ, ОДАТ ҚИЛМОҚ, УРГАНМОҚ. Бирор ишга (нарсга) ўрганиш, одат пайдо қилмоқ.

У, одамлар билан гаплашган сайин чечанлашиб, шаҳарлилардай мулоийм гапиришга одатланди (П. Турсун). Ешлигинда одат қилсанг Қаригунча кўникасан. Қариганда одат қилсанг Кўниккунча кўмиласан («Мақоллар»). Улмас ҳеч шикоят қилиб ўрганган бола эмас (А. Қаҳҳор).

ОДОБЛИ (АДАБЛИ), БОАДАБ, АХЛОҚЛИ. Хулқ-одоби яхши. **Боадаб** асосан катта ёшдагилар нутқида учрайди. **Ахлоқли** кўпроқ ёзма нутққа хос.

Жуда маданиятли, одобли қиз экан, Бошқаси бўлса, шу гапинга табиатингни номозиом қилиб юборарди (Шухрат). Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди (Ойбек). Акаси муносиб, ахлоқли, одобли, ору номусли йигит бўлса, бу қиз ҳам унинг тенги, муносиби эди («Муштум»).

ОЗГИНА, БИР ОЗ, ОЗ-МОЗ, ПИЧА, САЛ, ХИЁЛ, ЖИНДЕК (ЖИНДАЙ, ЖИНДАК), ҚИТДАЙ, ЖИЧЧА, АНДАК, ЧИЗИ. Нарса, вақт, масофа, ҳаракат-ҳолатнинг миқдор-даражаси жуда оз, оз миқдорда. **Озгина**, **пича** нарсага, вақтга, шунингдек масофага нисбатан қўлланаверади. **Сал** асосан вақтнинг ва ҳаракат-ҳолатнинг даражасига нисбатан қўлланади. Миқдорнинг жуда озлигини ифодалаш учун кам қўлланади. **Хиёл** оттенкаси ва қўлланиши билан **сал** сўзига жуда яқин. **Жиндек**, **қитдай**, **жичча** асосан миқдор ва даражага нисбатан қўлланади ва буларда миқдор, даража **пича** сўзидагига нисбатан ҳам кам бўлади. **Андак** асосан вақт ва ҳаракат-ҳолатнинг даражасига нисбатан қўлланади. Бу сўз ҳозирги сўзлашувда жуда кам қўлланади.

Озгина пул харажатласак, бир ҳафтагача декчамиз биқирлайди (Ойбек). **Озгина** юриб, яна тўхтатишга мажбур бўлди (Ойбек). Ҳовлининг кун ботар томонидаги харобаликдан озгина берида бўлган бояги йўлакка тираб солинган икки даричалик бир уй... (А. Қодирий.) «Яхши-яхши» Фулом аканинг ташаббуси билан астойдил қизиқа бошлаганидан Ҳошим хабар топган ва бир оз хавотирга тушаётган эди (Ж. Абдуллахонов). Бобо-хўжа домланинг ранги бир оз бўзарди (П. Турсун). «Мен дадангизни оз-моз биламан, — деди Ойқиз. — Олтинсойга яқинда келдинглар шекилли?» (Ш. Рашидов.) Елкаси устига қўйган оғир юклар остида [Йўлчи] терлаб-пишиб, минг азоб билан топган пулига йўлда Унсин учун атиги иккитагина юпқа, вазнсиз нон, оз-моз узум ола билди (Ойбек). Уша юкинган пичасини

бизга ҳам юклар қўй, ўғлим (И. Раҳим). Сидиқжон пича ўтири-ди-ю, энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида Урмонжон келиб қолди (А. Қаҳҳор). Ҳожи хола дутор торини пича бўшайди: узилиб кетиши мумкин эди (М. Исмоилий). Онаси унинг бутун ҳаракатини таъқиб қилиб турарди... Сал кеч қолса, чироқ ўчирмай кутиб ўтиради (Шухрат). Ойқиз салгина илжайди (Ш. Рашидов). Тўтибу паранжисини олиб, уйга кириб кетди. Хиёл ўтмай эзилган, кирроқ бир қоғозни кўтариб чиқди (С. Зуннунова). Ғуломжон ҳам ўтирган ерида хиёл қўзғалиб кулмсиради (М. Исмоилий). Уқишдан чиқиб, барг кесишга борамиз. Жиндай қуртимиз бор (А. Қаҳҳор). Сизлар ҳам активга қатнашинлар. Районимиз аҳволи билан жиндек бўлса ҳам танишиб оласизлар (Саид Аҳмад). Гулсумбиби уйда қитдай ўтин, қитдай кўмир йўқлигини сўзлади (Ойбек). Ғайратни қитдай сусайтирманг (Ойбек). Уртоқ Рўзиев, жиччагина илтимосимиз бор эди (Саид Аҳмад). Қани, марҳамат. Мана шу ерда андак ўтириб турсалар, мен ҳозир хизматларига тайёрда («Муштум»). Ишни андак сусайтириш билан йил бўйи қилинган тайёргарликка путур етказилади («Қизил Ўзбекистон»). «Бойларимиз чизи ёрдамда бўлсалар, яъни мактабларнинг ҳолидан огоҳ бўлиб турсалар, биз Туркистон мусулмонлари тез кунда маданият оламига ўзимизни танитган бўлар эдик»,— деди Абдишукур (Ойбек).

ОЗМОҚ, ОРИҚЛАМОҚ, ОЗҒИНЛАМОҚ. Озгин (ориқ) ҳолга келмоқ. **Озмоқ** асосан одамга нисбатан, **ориқламоқ** асосан ҳайвонларга нисбатан қўлланади. **Озғинламоқ** кам қўлланади.

Гулнор сўзларкан, Йўлчи унинг юзидан кўз узмади. Қиз жуда озган, юзи саргайган эди (Ойбек). Бу қиш ёгингарлик оз бўлди, баҳорда бўлса, гўё сира ёмғир ёрмади, чўлда ўт оз бўлди, бўлгани ҳам қуриб кетди. Шунинг учун қўйлар ориқлаб қолди (С. Айний). Бурунги тўлалиги кетиб, озғинлаган ва лекин бу озғинлик унинг ҳуснига камчилик бермай, билъақс юқорилатган (А. Қодирий)

ОЗОД, ЭРКИН, ХУР, САРБАСТ. Уз эркин, ҳуқуқига эга ҳолда. **Хур** бадий услубга хос. **Сарбаст** эскирган, китобий.

«Тўғриси,— деди Қулмурод,— биз озод қулларнинг авлоди бўлса ҳам, ҳолимиз сотиб олинган ва қулликда умр кечирган отабобларимизнинг ҳолларидан фарқ қилмайди» (С. Айний). Келди уларга эркин яшамоқ, Чин маъносида берилди ҳуқуқ (Ғайратий). Яшиган эл тилларда дoston, Қутлуғ номи хур Ўзбекистон (М. Шайхзода). Булутларга етди юксалган хур бош, Сен меҳрибон она, бахтимизга ёр (Ойбек). Подшоҳнинг никоҳида бўлган хотинлари посбонлар билан унча ҳисоблашмай, кўпинча уларни қўлга олиб, сарбаст яшайдилар (Ойбек).

ОИЛА, ХОНАДОН, УЙ, РЎЗҒОР. Эр-хотин, бола-чақа, шунингдек буларга тегишли одамлардан иборат кишилар коллек-

тиви. **Рўзгор** оила ва унинг учун зарур бўлган нарсалар маъносида қўлланади. **Оила, рўзгор** кўчма маънода коллективга нисбатан ҳам қўлланади.

Мен ўн олтига роса тўлмаган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим (Ойбек). Азизим... Сиз санъаткорлар оиласига қабул қилиндингиз («Муштум»). Қобил карвоннинг қамоққа олиниши Абдураҳмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди (Ҳ. Ғулом). Ота ва оналарининг ҳузурда жилла ошиб-тошмасга ҳам, улар йўқ вақтда қиз ўзини «уй боши» ҳисоблар... эди (Ойбек). Бу уйда икки хотин олиш бир расм бўлиб қолган экан (Ойбек). Қулоч ёзиб коллектив рўзгор, Чўлларнинг юзини тўсмоқда (Уйғун).

ОЛДИДА, ҲУЗУРИДА, ЕНИДА, ҚОШИДА. Шахс ёки нарсага яқин ўрин. Бунда ўрин конкрет ҳам, абстракт ҳам бўлади. Бу сўзлар эгалик аффикси олиб, макон келишкларидан бири формасида ишлатилади. **Қошида** китобий услубга хос.

Рамазон қори мудир олдида жуда бўйлашиб чиқди (П. Турсун). Баъзан ғоят соғиниб сени. Сурагингни оҳиста қучсам, Дилни қоплар ширин бир орзу. Қуш бўлсам-у, ёнингга учсам! Қуш бўлсам-у, ахтариб топсам, Ҳузурингда қолсам бир нафас (Уйғун). Ёвни енгиб, ел каби қошингга югурсам эди (Ойбек).

ОЛДИНГА, ИЛГАРИ, ОЛГА. Олд томонга. **Илгари** бу маънода камроқ қўлланади. **Олга** кўпроқ ёзма нутқга хос.

Ўзига ўхшаган ўртоқларининг ўсишлари, олдинга интилишлари йўлда тўсқинлик қилмоқчи бўлган бир куч борлигини сизди (П. Турсун). Улган, ярадор бўлганларга қарамай, кўзголончилар катта сурон билан илгари отилиб, «тошбўрон»ни кучайтиради (Ойбек). Бу яқин ўртада воҳа йўқ. Олга босиш ҳар ҳолда орқага қайтишдан хатарли эмас (А. Қаҳҳор).

ОЛИФТА, ФАСОН (ПОСОН), БАШАНГ, ПЎРИМ (ФОРУМ), САТАНГ. Кийим ва безакка зўр берувчи, ўзига зеб берган ҳолатли. **Башанг** сўзида белги даражаси кучли. **Пўрим** оддий сўзлашувга хос. **Сатанг** салбий бўёққа эга.

У [Кимё] серзарда, сержаҳл, олифта. Олифта кийинишни ўлғудай яхши кўради («Қизил Ўзбекистон»). Бу Назо фасон бизга тинчлик берадими йўқми? [деди Зеби] (Саид Аҳмад.) [Солижон] этигининг милкига, Гарду ғубор юқтирмас, Олифта, посон деманг, Уқиш-меҳнатда тинмас (Қ. Муҳаммадий). Замира ҳаяжондан хиёл нўноқлашган қадамлар билан ичкари кирар экан, Очил унинг томошага отлангандай башанг кийиниб чиққанини сизди (П. Қодиров). Яллалар кўп, ранго-ранг, Яллачилар шўх, башанг. Аммо мен ўзим шоир, Уз-ўзимга бастакор, Қўйлайман бахтга доир, Бўлмасам ҳам устакор (М. Шайхзода). Бир неча норғил йигитлар хипчадан келган, қуш сураг, форум, қора соқол-мўйловли, хитой жунунидан бешмат камзул кийган қирқ

беш ёшлардаги бир кишини судраб чиқар эди (Ғ. Ғулом). Э, бе-бош бола, сочи калта, думи юлуқ бир с а т а н г г а уйланиб олибсан-у, онанг беҳабар... (Ш. Саъдулла.)

ОЛОВ, УТ, ОТАШ. Предметнинг аланга ҳосил қилиб ёнаётган ҳолати. Ўзбек шеваларининг баъзиларида олов сўзи, баъзиларида ўт сўзи кенг қўлланади. Адабий тилда иккаласи тенг қўлланаверади. Лекин маълум бирикмалар таркибида ўт сўзи ўрнида олов сўзини ва, аксинча, олов сўзи ўрнида ўт сўзини қўллаб бўлмайди. (Ўт қўймоқ. Уруш оловини ёқувчилар каби). Оташ ҳозирги тилда жуда кам қўлланади.

Бек чўнтагидан тугурт олиб чақди, бироқ Комил чирс этиб ёнган оловни пуф этиб ўчирди (Ҳ. Ғулом). Бузуқ уйнинг даричасидан нариги қатордаги айвон ва ундаги ўчоқда ёниб турган ўт кўринди (А. Қодирий). Суянган тоғ — Москва бор, керак бардош, Пўлат, ахир, тобланмайди кўрмай оташ (Е. Мирзо).

ОРИҚ, ОЗҒИН, ҚИЛТИРИҚ, ДИРДОВ, ИПИЛТИРИҚ, РАМАҚИЖОН, ЛОҒАР. Гўшт-ёғи нормал даражадан кам, семизнинг акси. Ориқ одам, жонивор ва бошқа нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади (ориқ одам, ориқ мол, ориқ гўшт). Озғин асосан одамга нисбатан қўлланади. Дирдов асосан ҳайвонларга нисбатан қўлланади. Лоғар эскирган. Қилтириқ, дирдов, ипилтириқ, рамақижон сўзларида белги даражаси кучли.

Қовурга суяклари саналиб турган ориқ бузоқнинг оғзида бир тутам хашак бор эди («Муштум»). Қапада, шолча устидан солинган кўрпачада Содиқ амин чўзилиб ётар, уни ўн олти-ўн етти ёшлардаги захил, озғин бир бола уқалар эди (М. Исмоилий). Уртага қилтириқ бир бола чиқади ва ҳавода чир айланаиб, думбалоқ ошиб сакраб, ҳаммага таъзим қилади (Т. Обидов). 350—400 сўмдан сотиб олинган дирдов қоракўл қўйларни 650—700 сўмдан деб кўрсатилиб, шундан ҳам бухгалтер Ислом бир нималик бўлиб олди («Муштум»). Бир амаллаб омон қолган рамақижон моллар эса мўлжалдаги маҳсулотни бермай хуноб қилди («Муштум»).

ОРТИҚ, ОШИҚ, ЗИЁД(А). Бирор миқдордан, белгиланган миқдордан кўп. Ошиқ сўзи кам қўлланади. Зиёд сўзи ошиқ сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Менинг тахминимча, бой ўлчаб берган ер икки танобдан ортиқ эди (С. Айний). Баъзи бировлар қассоб бу билан ҳар бир сўйилган молнинг қулоғидан тортиб туёғигача ошиқ баҳо билан пуллайдиган эпчил одамгина қассоблик қила олади демоқчи бўлганини англаб, индамай жилмайиб қўя қолишди (П. Турсун). Авазхон йўл тортди, йўл тортса ҳам, ҳаддан зиёд мўл тортди. («Низор ва Замон»).

ОРТМОҚ, ЮКЛАМОҚ, БОСМОҚ, ЖОЙЛАМОҚ. Транспорт воситасига кўп миқдорда ва тартибли олмоқ, ўрнаштирмоқ, қўймоқ. Адабий тилда фақат ортмоқ сўзи шахс ва нарсаларга нис-

батан қўлланади. Қолганлари эса нарса-предметларга нисбатан қўлланади. Оддий сўзлашувда эса юклагоқ, босмоқ, жойлагоқ сўзлари шахсга нисбатан ҳам қўлланаверади.

«Дўконингни аравага ортиб кетаман, чорвогингни сотдираман»дан бошқа гапни билмай қолди (А. Мухтор). Юк ортиб, отни қамчинлаб, зудлаб қайтаркан, Хадрага келганда у бирдан отни тўхтатди... (Ойбек.) Шу ерда аравага шох юклаган Абдусамадқори дарров йўргалаб чиқиб, жувонни гапга солди (А. Қаҳҳор). Бир қозоқда минг боғ бедамиз бор эди, қайтишда ундан бир арава босиб келдим (Ойбек). Бир кун Толик дадаси Белосипед сарасин Олиб келди атайлаб, Машинасига жойлаб (Қ. Муҳаммадий). Домла, кунни бўйи елиб-югуриб ҳолдан тойганига қарамай, иккита оғир чамадонни машинага ўзи олиб чиқди ва багажникка ўз қўли билан жойлади (А. Қаҳҳор).

ОРҚА, КЕЙИН, КЕТ, ОРТ. Ҳаракат-ҳолат, тартиб кетмакетлигида унинг тугаш томони, тугаш пункти.

Нега районимиз ҳамон орқада?! Негга рўйхатнинг охирида-миз?! (Уйғун.) Меҳнатни яхшилаб уюштирмадик, Шунинг учун район ҳаммадан кейин (Уйғун). Ротанинг кети вагондан тушмасданоқ саф бўлиш ҳақида команда берилди (А. Қаҳҳор). Раҳимдан тагин ҳафсаласи пир бўлган Қўзибой шийпонга етгунча бир марта ҳам кети га қарамади (Ҳ. Назир). Топшириқни ижро этмай, ҳар кунни, қўли ортда, гердайиб роз юради («Муштум»). Кўзларингдан томчи ёш томса, Розимасман муҳаббатимдан. Хомиш қолсанг, ҳатто ортимдан, Армон бўлур кейин ҳамини (Шухрат).

ОСМОН, КҮК, САМО, ФАЛАК, ГАРДУН. Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турувчи ҳаво қатлами. Осмон кенг қўлланади. Кўк, фалак сўзлашув тилида жуда кам қўлланади. Само китобий, поэтик услубга хос. Гардун эскирган, китобий.

Тонг отди Тепаликларнинг қор босган оппоқ чўққиси, ўрмондаги дарахтларнинг учи қизарди, узоқ жилгадан кўтарилиб, осмонга таралган қоп-қора тутуннинг бир чеккаси жигар ранг тусга кирди (А. Қаҳҳор). Мартнинг охириги кунлари, Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти (А. Қаҳҳор). Кеча. Электр нури Юсакка ошар. Само қизи — юлдузлар Кулиб қарашар (Ғайратий). Норматнинг назарида, кўкнинг бир парчаси ерга қулаб тушган-у, ундаги булутлар яна фалакка кўтарилди учун интилмоқда (И. Раҳим). Йиқил устима, эй гардун, йиқил тез! Йиқил, бошимни янч! Гавдамни бос, эз! (Уйғун, И. Султон.)

ОСОҢ, ЕНГИЛ, УНҒАЙ. Қилиш, тушуниш, ўрганиш учун содда (оддий), қийиннинг акси. Енгил бу маънода осон сўзига нисбатан кам қўлланади. Унғай кўпроқ сўзлашув тилига хос.

Ширини маҳмадонага раҳматлар айтиб, ўз уйига қайтган, шундай осон тадбирга ўзининг ақли етмагани учун ўзини таъна

ҳам қилган (С. Айний). Ишининг енгил кўчишига севинган она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди ва орзули тўйни тез бошлаш учун ўғлини Марғилон кетмакка қистай бошлади (А. Қодирий). Бегонанинг қонига қўл уриб, ярасига малҳам бўлиши, унинг азоб чекаётган юз-кўзига қараш ўнғай ишми! (Шухрат.)

ОСТ, ТАГ, ТУБ. Нарса-предметнинг қуйи, устга қарама-қарши томони.

Улар дарахт остида салқинда ўтиришди (Ойбек). Раёно Анварнинг ияги остига сўл чаккасини қўйиб, четга қаради... (А. Қодирий). Девор тагида катта сизир бошвогини ерга ёйиб бемалол кавш қайтариб ётарди. Унинг қўнғир туклари ойдинда олтинланиб ялтирарди (Ойбек). Боғнинг этак томони чуқур жарлик. Унинг тубида... бир тегирмонча сув қишин-ёзин тўхтамай оқиб ётади (М. Осим).

ОТЛАНМОҚ, ҚУЗҒАЛМОҚ, КЎТАРИЛМОҚ, ОЕҚЛАНМОҚ. Бирор иш-нарсани қилиш ҳаракатига киришмоқ, шунга шайланмоқ. Отланмоқ яқка шахс ёки жуда кўпчиликка нисбатан қўлланаверади. Қолган сўзлар асосан кўп миқдордаги шахсларга нисбатан қўлланади.

Сафарга отланаётган киши ўртоғига деди: «Ун минут ичида чамадонимни ҳозирлашим, билет заказ қилишим, овқатланишим керак» («Муштум»). Унинг бу галги Марғилон йўлига қўзғалиши ортиқча бир оғирлик билан, иккиланиш билан ўралган эди (А. Қодирий). Тўлқинланмоқда сизда Кўз ёшлар сели. Қўзғалмоқда куч олиб Камбағал эли (Ғайратий). Барча коммунистлар, комсомоллар, касаба союз аъзолари курашга кўтарилашлар, биз ифлосларнинг ҳаммасини тугатамиз («Ёш Ленинчи»). Камбағал батраклар биз томонда, ҳозир ҳамма уларга қарши оёқланган (Н. Сафаров).

ОТМОҚ, УЛОҚТИРМОҚ, ИРҒИТМОҚ, ИТҚИТМОҚ. Силташ, куч билан ҳаволатиб бирон жой ёки томонга ташламоқ. Улоқтирмоқ маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди. Ирғитмоқ бу маънода отмоқ ва улоқтирмоқ сўзига нисбатан кам қўлланади, шунингдек улоқтирмоқ сўзига нисбатан маънони кучсиз оттенкада ифодалайди. Итқитмоқ кўпроқ диалектал ҳисобланади.

Тантибойвачча кўрпачага бемалол ўтириб, дўпписини бир чеккага отди (Ойбек). Орқамга қайтдим-да, туфлигимдаги бир пой қалишни ҳам ечиб, томдан ошириб, ҳовлига улоқтирдим («Муштум»). Вагонларга ирғитилган гулдасталарнинг кўпи ерга тушди ва уларни териб олган болалар яна вагонлар орқасидан югуришди (И. Раҳим). Бир куни Аҳмаджон эшиқдан кирди-ю, папкасини ҳовлининг ўртасига итқитиб: «Мақтабингизга энди сира бормаيمان, хоҳласангиз ўзингиз боринг...» — деди дадасига қараб (С. Кароматов).

ОХИР, СЎНГ, КЕТ, ОЕҚ, ОДОҚ (АДОҚ), НИҲОЯ, ПИРОВАРД, ИНТИҲО. Тугаш чегараси (нуқтаси). Одоқ (адоқ) кам қўлланади. Интиҳо эскирган, китобий.

Кўчага чиқсам, «Пахтакор» стадионига кетаётган одамларнинг охири кўринмайди («Ўзбекистон маданияти»). Модомики, қуёшга тақлид қилибсанми, сўнги га еткис. Висол боғи анқитсин-у ҳид, Ҳаёт берсин менга ўзгал қиз (Уйғун). Комила Уктамни дастлаб катта боққа олиб кирди. Кети кўринмаган мевали дарахтлар қатори таажжубланурлик ўзгал эди (Ойбек). Отабек киши орқасидан кетди, олдинма-кейин сўзламасдангина кўчанинг оёғига қараб борар эдилар (А. Қодирий). Бу ҳол бир дақиқа чамаси давом этгандан кейин, бир оз ажралишган кўйи уйнинг оёғига юриб бердилар ва тизза-батизза ўтирдилар (А. Қодирий). Гапимизнинг адоғида шуни айтаминки, ҳозирча Владимир Александрович Малоков янги уйга кўчирилганича йўқ («Муштум»). Енгиллик қилма! Тўхта, гапнинг адоғиниям эшит (Ҳ. Шамс). Ҳозир фабрика қурилиши ниҳоясига етай деб қолди («Тошкент ҳақиқати»). Кўриб турибсизки, султон ҳазратлари сизнинг иззат-нафсингизга қаттиқ тегадиган бирор иш қилаётганлари йўқ, сиз билан биз ўртамингиздаги музокараларнинг ниҳоясини кутмоқдалар (А. Батъ). «Пахтачилик» китобидан Бир бор эмас. Ён бор олдим. Кўрсатилмай катталарга Пирова рди доғда қолдим! («Муштум») ... айбдорларнинг кўзидан оққан қалбаки ёшдан бармоғидаги тирноққача — ҳамма-ҳаммасини ибгидосидан интиҳосига ча яхши билади (Ҳ. Гулом).

ОХИРГИ, СЎНГГИ, КЕЙИНГИ. Нарса, ҳодиса, ҳаракат сирасининг охирида турувчи. Кейинги сўзи бу маънода кўпинча энг сўзи билан қўлланади.

Эргашев жангиларга хитоб қилди: «Дўстларим, охириги нафасгача! Чекиниши йўқ!» (Н. Сафаров.) Энг кейинги видолашиши куни етди (А. Қодирий). Касал киши сўнги нафасига қадар тузалишга умид қилади, тузалишига ишонмаса-да, ишонгуси келади (Ойбек).

ОЧКЎЗ, БАДНАФС, ОЧОФАТ, СУҚ, СУҚ(А) ТОЙ. Нафси ёмон, нафси бузук, иложи борича кўп еб-ичишга интилувчи. Очкўз кенг тушунчага эга ва кенг қўлланади. Баднафс асосан катта ёшдаги одамлар нутқида қўлланади. Очофат сўзида белги даражаси кучли. Суқ, суқатой сўзлари «ўзганинг нарсасига (овқатига) нисбатан очкўз» маъносини билдиради.

Камбағалнинг қизи очкўз, молпараст бўлмасдан иложи йўқ (Ойбек). Баднафс домла ис чиққан жойдан қолмайди («Муштум»). Аммо яқка ўзи катта бир бригада аъзоларининг ҳақини еб кетадиган очофатни топиш қийин, дейишарди («Муштум»). Суқ тўймас, ўғри боймас (Мақол).

ОШИҚ, ХУШТОР. Кимгадир нисбатан ишқ, севги майли бөр; ишқ-севги майлига эга. Ошиқ фақат одамга нисбатан ишқ-севги

майлига эга маъносида қўлланади. **Хуштор** бошқа нарсаларга нисбатан ҳам қўлланади.

Йўлчи Гулнорга боқаркан, кўкрагини йигитлик ғурури ва жанг, можаро орқасида ёрига етишган ошиқнинг бахти қавартирди (Ойбек). **Канизакни сен, Зиёдхонни Болтабой...** қисқаси, ҳамма эрлар хотинларини, ҳамма ошиқлар маъшуқаларини шу хилда қизганишса, бу хотин-қизларнинг ҳаммаси бири эрининг, бири хушторининг кўнглига қараб иш тутса, нималар бўлар эди (А. Қаҳҳор). «Кимдан олдингиз?» «Бозордан эмас, пулга зориқиб ноилож сотган бир одамдан... Бунинг хуштори кўп экан» (А. Қаҳҳор).

ОҒИР, ВАЗМИН, ЗИЛДЕК, ЗИЛ, ЗИЛ-ЗАМБИЛ, ЗАЛВАРЛИ. Катта оғирликка эга, енгилнинг акси. **Вазмин** сўзи оғир сўзига нисбатан кам қўлланади. **Зил (зилдек)** сўзида белги даражаси кучли. **Залварли** асосан асбоб, қуролга нисбатан қўлланади.

Домла кунни бўйи елиб-югуриб ҳолдан тойганига қарамай, иккита оғир чамадонни машинага ўзи олиб чиқди... (А. Қаҳҳор.) **Ёғоч, пўлат, ғиштлар** уйибсан, **Ҳа**, тушундим, юкинг кўп **вазмин** (Е. Мирзо). **Очилнинг** бу гапларидан кейин юк бирдан **зилдай** оғирлашиб кетди. **У алланечук зўриқиб, майишиб** **Очилнинг** гапига яраша сўз қидирди, лекин топа олмади (П. Қодиров). **Шофёр зил гавдасини** бир тебратиб қўйиб, яна гапга тушди («Муштум»). **Эвоҳ, қандай зил юк бўйинида, Сени асраб тўрт йил қўйинида...** (Миртемир.) **Орага зил-замбил жимлик чўкди** (А. Мухтор). **Аммо ота залварли таёгини қорға ниқтаб** босиб бардам қадам ташларди (С. Анорбоев).

П

ПАЙҚАМОҚ, СЕЗМОҚ, ФАҲМЛАМОҚ. Бирор нарсадан огоҳ бўлмоқ. **Фаҳмламоқ** бу маънода кам қўлланади.

Жўрахон қизишиб юрагидагини жуда очиқ, кескин айтиб қўйганини **пайқади**, буларга ётиғи билан тушунтириб гапириш кераклигини **сезди** (А. Мухтор). **Лекин у кўз қири билан яширинча** тикилиб-тикилиб қўяётганини **Йўлчи фаҳмлади...** (Ойбек).

ПАРВАРИШ, ТАРБИЯ, ҚАРОВ. Устириш, асраш, вояга етказиш мақсадида қилинадиган ҳаракат. **Парвариш, қаров** кўпроқ инсондан бошқа нарсаларга нисбатан, **тарбия** эса кўпроқ инсонга нисбатан қўлланади.

Парваришини топмаса, **чопқир** от ҳам оёқдан қолар (Мақол). **Кўзим олдида ўсдинг-у, Қўлимда парвариш топдинг, Шунинг-чун айтаманки Ифтихорла: «Ифтихоримсан!»** (Т. Тўла.) **Қиз ўн олти ёшгача бу оилада, музика муаллими бўлган камбағал** амакиннинг **тарбиясида ўсади** (Ойбек). **Абдурахмон ёш бола**

экан, отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди (А. Қодирий). **Экинни ўз вақтида** культивация қилиб..., **унга қаровни кун сайин** яхшиламоқдамиз («Совет Ўзбекистони»).

ПАРВАРИШЛАМОҚ, ПАРВАРИШ ҚИЛМОҚ, ТАРБИЯЛАМОҚ, ТАРБИЯ ҚИЛМОҚ, ҚАРАМОҚ, БОҚМОҚ. Устириш, вояга етказиш, асраш ҳаракатини қилмоқ.

...**ўрмонларнинг гуркираб ўсиши учун** биз уларни **парвариш** лашимиз, авайлаб асрашимиз керак («Совет Ўзбекистони»). **«Кўчатни ўтқазишади-ю, парвариш қилиш ҳақида** бош қотиришмайди»,— деди суҳбатнинг бошланишига сабабчи бўлган мўйсафид («Муштум»). **Ватан ўз болаларини онадан сфзал парвариш қилади** (Ойбек). **Тупроқни чақалоқдай тарбияласанг, асил тортади, дур беради; ўз ҳолига** ташлаб қўйсанг, **ботқоққа** айланиб, сени ютади (Ҳ. Фулом). **Ун бир ёшли Темир, тўққиз ёшли Қобил** ва Анварларни **тарбия қилиш** оғирлиги **Нодиранинг** устига тушди (А. Қодирий). **«Ўзимнинг боламдек тарбия қиламан»,—** деб тилхат беринг (И. Раҳим). **Дарахтзорларга яхшилаб қарасаккина, биз уларнинг умрини узайтирган бўламиз** («Совет Ўзбекистони»). **Боғни боқсанг, боғ бўлар, ботмон-дахсар ёғ бўлар** (Мақол).

ПАРВОНА, ГИРДИКАПАЛАК. Айланиб (ўргилиб) атрофида бўлиш ҳаракат-ҳолати. **Гирдикапалак** сўзи умуман айланиб атрофида кетмасликни (атрофида айланишни) билдиради. **Парвона** сўзи эса қараш, парваришлаш, суюш ва шу каби муносабат билан атрофида бўлишни билдиради.

Бригада пахтакорлари ҳар туп ғўза атрофида алоҳида-алоҳида парвона бўлдилар («Ўзбекистон маданияти»). **Уйноқи, хушчақчақ, парвона** еллар, **Бир нафас жим бўлинг, қулоқ солингиз** (Уйғун). **Дадаларимизнинг орқасидан гирдикапалак бўлиб, қўлларимизни қамиш кесиб, бармоқларимиз тилим-тилим бўлгани эсингиздами?** (Н. Сафаров.)

ПЕШИН, ТУШ. Кундузнинг ўртаси, кундузнинг ярми ўтган пайт.

Биз,— деди Сафарқул,— эрта тонгдан иш бошлаб, пешингача ишлаймиз» (С. Айний). **Чўпон Нурмон Тангиров тушдан кейин қўйларни** яйловга ҳайдаётган эди... («Муштум»).

ПЕШАНА, МАНГЛАЙ. Бошнинг соч билан қош оралиғидаги қисми. **Манглай** бадий адабиётда кўп қўлланади. **Лекин ҳозирги ўзбек тили учун манглай эмас, балки пешана** адабий ҳисобланади.

Замоннинг бошида эски дўппи, пешанаси кўзигача туширилиб танғилган (М. Исмоилий). **Манглайини рўмолча билан боғлаб, яланғоч ҳолда кетмон ураётган Йўлчи билан ёнма-ён ишловчи Алиохун кенг, қаҳво ранг юзидан терларини артиб...** деди... (Ойбек).

ПИЕДА, ЯЕВ. Уз оёғи билан (кишининг юриш ҳаракати ҳақида). Яёв сўзлашув тилига хос.

Азон паллада бутун Қорабулоқ тоққа жўнади. Кимлар отда, кимлар пиеда ҳой-ҳув солиб борарди (М. Исмоилий). Емон отда юргунча яёв юрган яхшироқ (Мақол).

ПУЛ, АҚЧА, МУЛЛАЖИРИНГ, ЯКАН. Олди-сотди муомаласида қиймат (нарх) ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги. Ақча оддий нутқда ва жуда кам қўлланади. Муллажиринг оддий муомалада пулни ифодалайди. Якан сўзида жаргонлик хусусияти устун.

Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Тийин ҳам пул, юз минг сўм ҳам пул (Ойбек). Бу — ўзини кўрсатган азамат насл, Турмуш шотисига чиқиб юқори! Бу — олдин ақчага сотилганларнинг Жамият олдида оқлаган ори (Уйғун). «Уйланиш вақти-я, лекин муллажиринг қургур йўқ», — деди Абдулвоҳид пиёлани бўшатиб (Ойбек). Сен билан биз бадавий одамлармиз, қаерда яканни мўлроқ топининг иложи бўлса, ўша ёққа аспни суравериш керак (Ж. Абдуллахонов).

ПУХТА, ПИШИҚ, МУСТАҲҚАМ, МАҲҚАМ, ЧИДАМЛИ. Бузилиш, йиртилиш кабиларга чидамлик даражаси юқори, омонатнинг акси. Пухта, пишиқ нарсаларнинг бузилиш, йиртилиш, узилишга чидамлик даражаси юқори деган маънода кенг қўлланади. Мустаҳқам асосан бузилишга чидамлик даражаси юқори деган маънода қўлланади. Маҳқам бу маънода кам қўлланади.

Кийими қўпол, лекин янги ва пухта эди (Ойбек). Болтабой кечки овқатдан кейин келди. У, жуда катта ишни битириб келгандай оғзи қулоғида бўлиб, қилинган тўғон қанчалик пишиқ бўлиши ва ҳоказолар тўғрисида гапирарди (А. Қаҳҳор). Уч-тўрт километрга чўзилган тепалик ҳарбий-инженерлик санъати билан узоқ йиллар давомида қурилган мустаҳқам қалъага ўхшарди (И. Раҳим). Шу қонунки, дўстлигимиз иродамиздек маҳқам, Компартиямиз бизга мангу яратган уни (Э. Раҳим). «Мен ҳайронманки, — деди колхознинг сўзга чиққан хўжалик мудири, — халқ силлиқ ва чидамли сурп, чит ва сатинларни олмай, қўпол ва дағал бўз ва қалами орқасидан югуради» (С. Айний).

ПУШАЙМОН, АФСУС, АЧИНИШ, АТТАНГ, УКИНЧ, ТААССУФ, НАДОМАТ. Бирор қилмиш ёки юз берган иш-ҳодиса учун руҳий эзилиш ҳисси. Таассуф, надомат китобий.

Кимки ёшлик чоғида бир касб эгаллаш истамас, Сўнги умр афсусидан юз минг пушаймон келтирар (С. Абдулла). Аттани, аттанг, қўлим деб қолган нақдина жаннатдан ажралдим... Хайр, майли энди, афсуснинг фойдаси йўқ (Ғ. Ғулом). Аввалига баланд келиб, эрига сўз бермай турган Меҳринисонинг бағри эзилди, кўзларидан ўкинч ёшлари, дард-алам ёшларини рўмолининг учига тўкканича жим ўтирарди (Р. Файзий). «Газетани ҳамма ўқиб чиқдимиз?» — деб сўради Турсунбой таассуф

билан (Х. Сеитов). «Жонивор, сен ўзинг қопсан-да, бая эккан толлардан!» — деди чол, надомат билан бош чайқаб (Ғ. Ғулом). Нури опанинг беғараз ҳасрати Тўлага надоматдай эшитилди (М. Исмоилий).

Р

РАВШАНЛАШМОҚ, ОЙДИНЛАШМОҚ. Равшан ҳолга келмоқ, ифодаси ёрқин ҳолга келмоқ. Ойдинлашмоқ сўзида белги даражаси кучли.

Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди (Ойбек). Терговда масола яна ҳам ойдинлашди (О. Ёқубов).

РАНГ, ТУС. Еруғлик тони. Ранг сўзи тус сўзига нисбатан кенг қўлланади.

Урик, олма, шафтолиларнинг кўркам гўлдасталари... қуёшда турли ранг ванур билан порлайди (Ойбек). Гулнорнинг кўзлари даҳшатли равишда ёниб, юзи, лаблари кўкимтир тусга кирган эди (Ойбек).

РАШКЧИ, КУНЧИ. Яхши кўрган кишини бировдан қизғаниш хусусияти кучли.

Кийим танлашда, соч турмаклашда дидсиз, аммо тили бийрон, жанжалкаш, ўта рашкчи, қадам ташлашиданоқ тажанглиги билиниб турадиган аёл (С. Кароматов). Мажидиддин кунчи эрлардан бўлса ҳам, хизматчи келтирган хабар уни қувонтирди (Ойбек).

РАҚИБ, ҲАРИФ, МУХОЛИФ. Мусобақада (кураш мусобақаси, ўйин мусобақаси ва ҳоказо) енгиш, ютиб чиқиш учун ҳаракат қилувчи шахс ёки томон. Ҳариф эскирган, жуда кам қўлланади. Мухолиф эскирган, китобий.

У ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб отган, лекин рақиб тикка тушиб, ўзини ёнбошга олиб отган кишининг аҳволига тушиб қолди (А. Қаҳҳор). Ёш бўлса-да, курашининг кўп қалтис ҳунарларини отасидан ўрганиб олган. Мана ҳозир ҳам ҳарифининг белини ушлатиб қўйгандан отасининг таълими эсига тушди (М. Исмоилий). Ленин сўзга чиққан пайтларида мухолифларини изза қилиш учун кўпинча рус халқ мақолларидан фойдаланар эди («Қизил Ўзбекистон»).

РАҲМАТ, ТАШАККУР, ҚУЛЛУҚ. Миннатдорчилик, мамнуният билдиради.

Абдураҳмон Маҳдумга раҳмат айтди ва кетиш учун қўзғалди (А. Қодирий). Келинлар... Раҳмат! Одамга одам қувват бўлади, минг раҳмат! Акромжон, курси қўйиб беринг! (А. Қаҳҳор.) Кумуш мудраган кўйи Зайнабга ташаккур айтиб тўрдаги бурчакка ўтириб олди (А. Қодирий). Халқнинг идрок

кўзи, виждони — Партияга минг-минг т а ш а к к у р! (Е. Мирзо.)
«Кўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазини бўлсин...» —
«Қ у л л у қ қ у ш б е г и» (А. Қодирий).

РАҲМСИЗ, БЕРАҲМ, ШАФҚАТСИЗ, ҚАҲРЛИ, ЗОЛИМ. Раҳм-шафқати йўқ, қаҳри қаттиқ. **Қаҳрли** сўзида белги даражаси кучли. **Шафқатсиз** сўзида белги даражаси қаҳрли сўзига нисбатан кучлироқ. **Золим** сўзида белги даражаси яна ҳам кучли.

Билъакс, сиз ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, **раҳм-сиз** бир жаллод, уятсиз бир йигит (А. Қодирий). ...**Бераҳм** бой, тоқайгача хун-бийрон йиғлагасан, бу тўкилган ёшлар, қусилган қонлар, бу тўрт деворлардан кўтарилган бу оҳу-зорлар сени ёқандан тутмай қўймас (Х. Ҳакимзода). Бундай **қаҳрли** одмдан меҳр-шафқат кутиш бефойда («Муштум»). Ким у, нима у севги билан масъуд, севги билан хушнуд дилларни **шафқатсиз** нимталаган, қон тизғитиб тимдалаган? (М. Исмоилий.) «Мунча **золимсиз**, Бўронбек, ахир мен инсонман!...». Бекнинг асабийлиги ниҳоясига етди ва у Лаълини сочидан бураб, теракзорга судраб кетди (Х. Фулом).

РИВОЖ, ТАРАҚҚИЙ, ТАРАҚҚИЁТ, РАВНАҚ. (Бирор насада) камолот томон ўсиш, юксалиш ҳолати. **Ривож** кенг қўлланади. **Тараққий, тараққийёт, равнақ** маънони **ривож** сўзига нисбатан кучлироқ даражада ифодалайди. **Тараққий** мустақил ҳолда кам қўлланади. У кўпинча **топмоқ, этмоқ** феъллари билан бирга қўлланади: **тараққий** топмоқ, **тараққий** этмоқ каби. **Тараққийёт** сўзида ҳаракат белгиси кучлироқ бўлиб, кўпинча «ривожланиш» маъносига қўлланади. **Равнақ** китобий.

Бу йғит тез эриб, ўсимликнинг **ривожини** тезлаштиради («Тошкент ҳақиқати»). Хўжайин бўлгандан кейин киши йўз хўжалигининг кам-кўсти, унинг **ривожини** тўғрисида йўлайди, жон куйдиради... (А. Қаҳҳор.) Агар биз жаҳду-жадал қилиб бу жаҳолат ботқоғидан қутулмасак, **тараққий** йўлини тутмасак... биз муслмонларнинг муқаддас ерларимизни ҳам христианлар босиб оладилар (Ойбек). Абдуллаев қаерда, ким бўлиб ишлагасин, техника **тараққийётини** йўлида фидокорлик билан иш олиб борди («Қизил Ўзбекистон»). Украина совет адабиётига чин юракдан ижодий юксалиш ва **равнақ** тилаймиз! («Қизил Ўзбекистон».)

РИВОЖЛАНМОҚ, ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚ, УСМОҚ, ЮКСАЛМОҚ. Ривож, тараққийёт томон йўналмоқ.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари беш йиллик муваффақиятларини чуқур кўрсатиб бериши, бунинг учун иқтисодий, маданий ва социал **ривожланиш** борасида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ва ёйишнинг таъсирчан формаларини топиши лозим («Совет Ўзбекистони»). Фан ва техника, саноат шу даражада тез **тараққий** этяптики, уни товуш эмас, ёруғлик тезлиги билангина қиёслаш мумкин («Қизил Ўзбекистон».)

Чунки, барча фанлар қатори, медицина фани ҳам ўсишда, юксалишда («Тошкент бинокори»). ...Саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаётимизнинг кўп қиррали ҳамма соҳаларида катта ўсиш, юксалиш билан якунланди («Совет Ўзбекистони»). Совхоз экономикасининг йил сайин ўсиб бораётгани ишчиларга катта моддий шароитлар яратиб бермоқда («Совет Ўзбекистони»). Завод юксалишининг ойдин йўлига чиқиб олди («Совет Ўзбекистони».)

РОСТ, ТУҒРИ, ЧИН, ҲАҚ, ҲАҚҚОНИЙ, ОЧИҚ. Ёлғон-яшиғи йўқ, ҳақиқатга мос. **Рост**, **тўғри** бошқаларига нисбатан кенг қўлланади. **Ҳаққоний** кўпроқ китобий услубга хос. **Ҳақ, очик** сўзлари деярли ҳамма вақт гап сўзи билан қўлланади.

Болани ишга буюр, кетидан ўзинг югур, деганлари **рост** экан («Муштум»). «Кучер аҳли ҳам ҳар хил хизматкор аҳли каби тирикликда уйқуга қонадим, ука?!» — «Сўзингиз **тўғри!**» (Ойбек.) Киши ёлғончиликда бўлса машҳур, **Сўзин** ёлғон дегай эл, бўлса ҳам **чин** (Ҳабибий). «Болдан ҳам бола ширин» деган гап бор. **Ҳақ** гап бу («Муштум»). **Матбуотда** халқ ҳаёти ва қишлоқ аҳолига доир **ҳаққоний** бир сўз ҳам йўқ (Ойбек). Мен сизга **очиғини** айттайми? (П. Турсун.)

РОСТГУЙ, ҲАҚГУЙ, ҲАҚИҚАТГУЙ, РОСТЧИ. Рост гапирувчи, ёлғон-яшиқ сўзламайдиган. **Ҳақгуй, ҳақиқатгуй** оддий сўзлашувда кам қўлланади. **Ростчи** жонли сўзлашувга хос.

Совет матбуоти энг **ростгуй**, энг халқчил матбуотдир («Совет Ўзбекистони»). [20 йиллар] Тилининг ифодаси сифатида **ҳақгуй**, **қўрқмас**, **кулдириб йиғлатадиган**, **йиғлатиб кулдирадиган** «Муштум» туғилди («Муштум»). Аввалги оқ кўнғил, **ҳақиқатгуй**, камтар Камолдан асар ҳам қолмабди! («Шарқ юлдузи»). Эр Таргин — бу халқ ичидан чиққан баҳодир, **ҳақиқатгуй**, хон зулмига қарши омонсиз курашувчи мард йигит (Х. Носирова). Ҳе, сени **ростчи** қилиб қўйганми... (М. Исмоилий).

РОСТДАН, ЧИНДАН, ҲАҚИҚАТАН, ДАРҲАҚИҚАТ. Ҳақиқий ҳолатда, рости билан, ёлғонданнинг акси. **Чиндан** сўзи ростдан сўзига қараганда кам қўлланади. **Ҳақиқатан, дарҳақиқат** сўзлари оддий сўзлашувда **чиндан** сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Ростдан ҳам шундай. Ўзбекистонимизнинг қайси шаҳарига, қишлоғига борманг... ажойиб бинокорларимизнинг дидига, маҳоратига таҳсин этасиз («Қизил Ўзбекистон»). **Йўлчи чиндан** ҳам най чалишини билар эди ва яхши чалар эди (Ойбек). **Ҳақиқатан** шундай гап чиқарганми ёки шу билан ўзининг юрагини менга очган ва садоқат кўрсатган бўлиб, **Канизак** тўғрисидаги гаплар бошқалардан чиққанлигини исбот қилмоқчимиз? (А. Қаҳҳор.) **Кампир** ўғлига **дарҳақиқат** шу мазмунда хат ёздириб юбор-

ган, лекин унинг бу тўғрида район ҳукуматларига хат ёзишини сира ҳаёлига келтирмаган эди, гангиб қолди (А. Қаҳҳор).

РОҲАТ, ҲУЗУР, МАЗА, ЛАЗЗАТ, САФО. Юқори даражадаги қаноат ҳисси, киши вужудининг яйраши. **Ҳузур** нисбатан кам қўлланади. **Маза** кўпроқ сўзлашув тилига хос. **Фароғат** бадний стилга хос бўлиб, фақат ҳаётдаги (турмушдаги) роҳат маъносида қўлланади.

Тўғтиё қилсам муқаддас тупроғингни, не ажаб, Уйласам, роҳат топар ҳар лаҳза жоним, ассалом (Ҳабибий). Зайнаб билан жанжаллашининг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалган, қайин отамнинг қаришида ўтириб насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур (А. Қодирий). Мунчалик мазани топа олмайди уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам (Ғ. Ғулом). Соҳилларни айланиб, Утирамиз оқиомлар, Кеч лавзати га қониб, Роҳат қилади танлар (Т. Тўла). Улар қишин-ёзин меҳнат қилиб, Оқибатда кўрганлар жафо. Билмаганлар нима эрур бахт, Билмаганлар нимадир сафо (Уйғун).

РОҲАТЛАНМОҚ, РОҲАТ ҚИЛМОҚ, ҲУЗУРЛАНМОҚ, ҲУЗУР ҚИЛМОҚ, МАЗА ҚИЛМОҚ, ЛАЗЗАТЛАНМОҚ, ЛАЗЗАТ ҚИЛМОҚ. Роҳатда бўлмоқ, роҳат (ҳузур) ҳиссини туймоқ.

Соҳилларни айланиб, Утирамиз оқиомлар. Кеч лавзати га қониб Роҳатланади танлар (Т. Тўла). Утирганлар ажойиб овоз билан айтилган лирик ашулани роҳат қилиб тинглайдилар (Т. Обидов). ...Хушбўй ва ширин Тошкент меваларини маза қилиб едик (М. Муҳамедов). Суягигача мой: эрта норинхўрлар маза қилади-да (Ойбек). «Энди шеърни қўйсак-да, бир оз мусиқа тинглаб лавзатлансак»,— деди ниҳоят Навоий (А. Батъ).

РУХСАТ, ИЖОЗАТ, РОЗИЛИК, ЖАВОБ, ИЗН. Бирор нарса қилиш учун олинувчи ёки берилувчи ҳуқуқ. **Ижозат** кўпроқ ёзма нутқда қўлланади. **Изн** сўзи руҳсат, ижозат сўзларига нисбатан эскирган.

Гангир-гунгир суҳбат билан палов еб, Абдишукур кетишга руҳсат сўради (Ойбек). Ғуломжон жўраларига айтиб, Содиқ аминдан ижозат олди-да, Эрбўта билан қишлоққа жўнади (М. Исмоилий). Бондарь минг бир ҳунар билан жувоннинг розилигини олиб, «Ун минутга ижозат этасиз!»— деганича чиқиб жўнади (Шуҳрат). Онахон ўзининг гапига илҳақ бўлиб турган хотинларнинг кўзларига бир сидра қараб чиқди-да, гўё улардан нимагадир розилик олгандай, чеккада чўққайиб ўтирган Анзиратгагина қараб гапирди (А. Мухтор). «Нима бўлганда ҳам Кумушга жавоб йўқ!.. Сизларга жавоб берсам-да, Кумушга йўқ» (А. Қодирий). Фақат у менинг воситамда тўғри бошлаш учун сиздан изн олгани келган эди (А. Қодирий).

С

САБАБ, ВАЖ, БАҲОНА, БОИС. Бирор нарса, ҳодиса ёки ҳаракатнинг рўй беришини тақозо этувчи нарса, ҳодиса, уни келтириб чиқарувчи воқеа, нарса, асос. Важ ҳақиқий сабаб маъноси билан бирга бирор нарса, ҳодисани оқлаш учун кўрсатиладиган сохта сабаб маъносида ҳам қўлланади. **Баҳона** ҳақиқий бўлмаган, тўқилган сабаб маъносини билдиради. **Боис** китобий.

Сидиқжон унинг сўлиброқ юрганини пайқадим-ю, пайт топиб сабабини сўради (А. Қаҳҳор). Нега ўқимагансиз деёлмайман, лекин нега, нима учун ўқимаётисиз дейишим мумкин. Бунга нима ва ж кўрсатасиз? (А. Қаҳҳор.) Кап-катта бўлиб шунга ҳам ва ж тополмайсанми? Дадам ишдан кеч келди, ойим бетоб ётибди, дегин! (А. Қаҳҳор.) Лекин бу тўғрида қурган ҳар режа, ўйлаб тўқилган ҳар баҳона биринчи қарашда жуда аниқ ва тўғри-ҳаққоний кўринса-да, ақли сиғдирганча чуқурроқ ўйларкан, пучга чиқаверди (Ойбек). Якун қилдим: кўз ёшларга Икки боис бор экан асли (Уйғун).

САБАБЛИ, САБАБДАН, ТУФАЙЛИ(ДАН), НАТИЖАСИДА, ОҚИБАТИДА, ОРҚАСИДА, Сабаби билан, сабаб бўлгани ҳолда.

Шу сабабли Юрьевнинг батальони Ильичёвқадан келиб, бутун кун ва кечаси билан тепаликни мудофаага тайёрлади (И. Раҳим). «Ҳақиқатда, бизда косов ҳам йўқ,— деди Шодимнинг сўзини қувватлаб Шукур,— ойда-йилда ўчоғимиз олов кўрмаганлиги сабабли бизга косов ҳам керак бўлмаган» (С. Айний). Ундан қачон қайтади, қайтиб келадими, йўқми— билмаймиз. Шу сабабдан шошидик (Ойбек). Бу хушбахтлик менга хўжайинларимнинг тут ейишга ҳавас қилганлари туфайли юз берди (С. Айний). Бу бечора ота-оналарнинг қашшоқлиги туфайли ўнгарилиб ололмади, ахири дунёдан ўтди (П. Турсун). Якка хўжаликларнинг бу хилдаги қийиқлиги, колхоздан чиқиш тўғрисида ариза берганларнинг хархашаси натижасида юзга келган аҳвол колхозчиларнинг кўпига таъсир қилмай қолмади (А. Қаҳҳор). Колхоз ва совхозларнинг агрономлари ерни ўғитлаб чуқур ҳайдашга чинакамига бош қотирмаяптилар. Шунинг оқибатида бир қатор хўжаликларда... ер жуда-жуда саз ҳайдалмоқда («Тошкент ҳақиқати»). Қоратой оғир меҳнат орқасида чуқур чизилган пешана чизиқларини силаб, маслаҳат берди (Ойбек).

САБАБЧИ, САБАБКОР, АЙБДОР. Иш, ҳодиса, нарсанинг юз беришига (бўлишига) сабаб бўлувчи шахс, нарса. **Айбдор** асосан номаъқул, айб (гуноҳ) бўладиган иш-ҳодисанинг сабабчиси маъносида қўлланади.

«Фарзан борми?»— «Бор. Уғлим бор. Отни ўрганишга шу

бола са ба б чи бўлган» (А. Қаҳҳор). Уларми барига са ба б кор инсон, Йўқ, йўлмас! Улиши ҳақиқатга зид! (Шухрат.) Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз, қадрдон. Ахир мен сизни огоҳлантирган эдим-ку! (К. Икромов.)

САБИЛ (САВИЛ), ОРДОНА, ЗОРМАНДА, БАЙТАЛМОН, ЭГАСИЗ. Асли эҳаси, қаровчиси йўқ маъносини англатади, ҳозир эса салбий муносабат ифодалаш учун қўлланади.

...«Бу этик нуқул кетга қараб йўл босган демоқчимисиз?» — «Топдингиз. Шунинг учун ҳам кўзимга совуқ кўриниб қолганда са ба и л» (Яшин). Ҳа, о р д о н а, мени айтганларим у ёқда қолиб, ўзингизни дардингизда юрган экансиз-да!.. (Ҳ. Назир.) Лекин буларнинг ҳаммаси нима учун? Ҳаммаси бир зорманда шағал учун бўлганига алам қилади (А. Мухтор). Мен ҳам пули зорманда қолгурни сандиқдан олдим-у бериб юбордим... (Х. Сеитов.) «Ягир ёстигингизни ерга қўйинг.— деди Холнисо [Бўрихўжага] — Байталмонни мунча қучоқлайсиз» (Мирмуҳсин.)

САВОЛ, СҮРОҚ. Жавоб, тушунтириш талаб этувчи мувожаат. Жонли сўзлашувда асосан сўроқ сўзи қўлланади. Уқиш-ўқитишда, китобий тилда савол сўзи кўп қўлланади.

[Отабек] ...устанинг Тошкент тўғриларида берган саволлари га «шундай», «ҳа», «йўқ», «албатта» каби қисқа жавоблар билан қариш турар эди (А. Қодирий). У ҳозир хотинининг «Қаёққа бординг» сўроғини кутар ва шу сўроқни берса, гап эшитиб бўлса ҳам, шу ташвишдан қутулишни хоҳларди (А. Қаҳҳор).

САДАҚА, ЭҲСОН, ҲАЙР, ҲАДЯ, НАЗР. Зор-муҳтожларга, тиланчиларга бериладиган нарса, пул. Назр диний тушунча (эътиқод) билан атаб бериладиган нарсани билдиради. Эҳсон нисбатан кам қўлланади.

Эски шолчалар билан ўзига кичкина дўконча қилиб олган қари аттор са да қа га қўл чўзган гадойни ҳақоратлаб, паранжили жувонларга кўз қисади (Ш. Тошматов). Юзини соқол босиб кетган қаландар эҳсонни тезда кашкулга жойлаб, қора панжаларини ёйиб узоқ дуо қилди (А. Мухтор). Чунки бу одам шу ўртанинг эшонларидан бўлиб, гадойдан хайр кутиш маъносиз эди (А. Қодирий). Лекин агар касал соғайса, бунини эшоннинг «шарофати»дан деб билдилар ва унга қайта-қайта ҳадя бердилар (С. Айний). Толеим қурсин, деб ёндим, куйдим. Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга на з р атадим (Ойбек).

САҚРАМОҚ, ҲАТЛАМОҚ, ИРҒИМОҚ. Таянч жойдан бошқа жойга (юқорига, пастга ёки бошқа томонга) отилмоқ, оёқ билан тушишни мўлжаллаган ҳолда отилмоқ. Ирғимоқ кам қўлланади.

Томдан-томга са к ра б, тўй бўлаётган кўчага ёндошган кўчага келиб бўғот лабида жимгина ўтиришди (Ойбек). Сергей отдан са к ра б тушиб, чолга қўл узатди (Ҳ. Гулом). У и рғ и б

чуқурдан чиқди-да, ўлиб ётган немиснинг автоматини олиб бута-зорга эмаклади... (А. Қаҳҳор.) Аҳмаджон энгашган немиснинг калласига белжурак билан битта урди-ю, устидан и рғ и б ўтиб, иккинчисини бўғиб олди (А. Қаҳҳор).

САЛОМЛАШМОҚ, СҮРАШМОҚ, КҮРИШМОҚ, ОМОНЛАШМОҚ, САЛОМ-АЛИК ҚИЛИШМОҚ. Учрашув табригини сўз билан, бирор ҳаракат билан ифодаламоқ. Салом-алик қилишмоқ, саломлашмоқ, сўрашмоқ сўзлари сўз орқали салом-алик қилишни ифодалайди. Бунда бошқа ҳаракат ҳам бўлиши мумкин (масалан, қўл ушлашиш, қучоқлашиш каби). Кўришмоқ — асосан қўл ҳаракати — қўл ушлашиш, қучоқлашиш йўли билан саломлашни билдиради. Омонлашмоқ асосан катта ёшдагилар ўртасидаги муомалада ва нисбатан кам қўлланади.

Кейин ётган ерида Гуломжон билан саломлашди (М. Исмоилий.) Узбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб қучоқлаша кетдилар (А. Қодирий). Кумуш, қаллиғинг келди-я, чиқиб с ў р а ш и ш н и ҳам билмайсан (А. Қодирий). Стол атрофида гаплашиб ўтирган Нуриддин ака билан секретарь эшикни зарб билан очиб кирган кишига қўл бериб с ў р а ш д и - д а, бир бирига қараб қўйди (С. Анорбоев). Эргаш у билан қучоқлашиб кўришмоқчи бўлган эди. Нормат унинг белидан маҳкам қучоқлади-да, даст кўтариб, уни айвон супасига чиқариб қўйди (И. Раҳим). «Э. Норжон ака, сизмисиз, сира танимайдиган бўлиб кетибсиз-а... соғ-саломат бормисиз... Бир кўришга зор бўлиб юрувдим-а ўзим...» — деди Элмурод ва челақларини ерга қўйди-да, бориб омонлашди (П. Турсун). ...Чўпонлар билан йўл-йўлакай са л о м - а л и к қ и л и ш и б, мислсиз нозиклиги ва зариф-гўзаллиги билан ҳаммани мафтун ва лол қилган Қўй қалъага етдик (М. Иброҳимов).

САНОҚЛИ, ҲИСОБЛИ, УЛЧОВЛИ. Сон-ҳисоби кўзга кўриниб турган, жуда оз миқдорда.

Наҳотки ёшлиги ўтди бир пасда, Наҳотки ҳаёти қолмиш са н о қ л и к (Шухрат).

САРАЛАМОҚ, САРХИЛЛАМОҚ, ХИЛЛАМОҚ, САЙЛАМОҚ, ТАҢЛАМОҚ, ТЕРМОҚ. Сара (сархил)га ажратмоқ. Энг яхши (сара) сини айирмоқ. Сараламоқ, сайламоқ, хилламоқ, танламоқ, термоқ одам ва нарса-предметларга нисбатан қўлланаверади. Сархилламоқ нарсаларга нисбатан қўлланади. Танламоқ, термоқ сўзларида ҳаракатнинг субъект манфаатига йўналиши оттенкаси бор.

Бизлармиз боққа кирган, Гулни саралаб терган (Қўшиқ). Пишиб, товланиб турган узумдан сархиллаб бир челақ узди («Еш ленинчи»). «Чавандозлар Ҳасанни қувмоқчи бўлди. Отаси ўлган, мол-дунё кўп қолган бойларнинг болалари қаерда номи чиққан отларни хиллаб чиқди («Бўтакўз»). Бир дон қаламчадан ундирдилар атайлаб. Мирзачўлда, ўссин деб, Кўчат асилини

сайлаб (Қ. Муҳаммадий). Узидай сарасини танлаб ичади, қўлига тушганни бизга ўхшаб ичиб кетавермайди (Шухрат).

САРАНЖОМ, САРИШТА, ОРАСТА, ТАРТИБЛИ, БА-ТАРТИБ. Уз ўрнида, тартиб билан жойлашган. **Саришта** сўзи якка ҳолда саранжом сўзига нисбаган кам қўлланади. **Ораста** сўзи **саришта** сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Ҳамма нарса ўз ерида, саранжом эди (М. Исмоилий). **Гуломжон уй таровати ва саранжомига ҳаваси келиб ўтирди** (М. Исмоилий). **Қизи бор уй доим саришта** (Мақол). **Хотиннинг сариштаси**—одамнинг фариштаси (Мақол). **Қатор ўнта хона. Пўлат каравотлар. Оппоқ пар ёстиқ. Чойшаблар. Ҳаммаёқ ораста** («Қизил Ўзбекистон»). **Уйнинг батартиблиги, саришта-саранжомлиги киши кайфиятига... ижобий таъсир этади** («Тошкент оқшоми»).

САРФЛАМОҚ, САРФ ҚИЛМОҚ, ХАРАЖАТЛАМОҚ, ХАРАЖАТ ҚИЛМОҚ, ХАРЖЛАМОҚ, ХАРЖ ҚИЛМОҚ, ЧИҚИМ ҚИЛМОҚ. Талаб-эҳтиёж, бирор нарса олиш учун пул кетказмоқ. **Сарфламоқ, сарф қилмоқ** кенг тушунчага эга, у ҳар қандай сарфни ифодалаш учун қўллана олади. **Харажатламоқ, харажат қилмоқ, харжламоқ, харж қилмоқ** асосан талаб-эҳтиёж (ейиш-ичиш, кийим-кечак ва шу кабилар) учун бўладиган сарф учун қўлланади. **Чиқим қилмоқ** сўзида «ёндан кетмоқ» оттенкаси доим сезилиб туради.

Пулни беҳуда сарфламанг... Ёлғиз беданага ҳам дон керак, ҳам сув (П. Турсун). **Ўз ёнларидан сарф қилиш учун ақчалари йўқ** (А. Қодирий). **Ҳар бир этик учун бир сўмлик масалиқ-материал ҳам сарф қиладилар** (С. Айний). **Озгина пул харажатласак, бир ҳафтагача декчамиз биқирлайди** (Ойбек). **Раҳмат, юзга кир, ували-жували бўл, ўғлим. Менга пул берма, пешана тери билан топган пулингни ўзинга харажат қил** (Ойбек). **«Номаҳрам кишилар қўлингдан ушлаб, Дод, қароқчи, дейсан кўзингни ёшлаб, Бойлар сени олди пулини харжлаб, Жон ака, йўл бўлсин бизларни ташлаб?»— деди Нурали онасига** («Зулфиқор билан Авазхон»). **«Мен ўз яроғимни,— деди йигитлардан бири,— бирон ёмон кунимда сотиб харж қиламан деб ўйлаган эдим»** (С. Айний). **Одамлар шифо излаб, бир неча минг километр йўл босиб, қанча чиқим қилиб, Кавказга— Моцеста сувига тушгани боришади** («Совет Ўзбекистони»).

САССИҚ, БАДБУЙ, ҚЎЛАНСА. Ёқимсиз ҳидга эга, «хушбўй»нинг акси. **Бадбўй** кам қўлланади. **Қўланса** сўзида (кўнгил айнитадиган, димоққа ёмон урадиган) оттенкаси ҳам бўлади.

У гўё қоронғи, сассиқ зиндондан ёрқин, тоза кўклам ҳавосига чиққандай бўлди... (Ойбек.) **Қуртхона ҳавоси бўғиқ, кишининг нафаси қайтар, қандайдир баadbўй ҳид келар эди** (Н. Са-

фаров). **...тутаб куюётган от эти ва терисининг қўланса ҳиди-дан унинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди** (Ҳ. Гулом).

САФ, ҚАТОР. 1. Шахс ёки предметларнинг бирор чизиқда ёнма-ён, кетма-кет жойлашган ҳолати.

Жангчилар бирпасда сафга чизилдилар (Ойбек). **Бек, қарда мажлис бўлса, қолмайди; борганида ҳам атайлаб ҳаммалан кеч боради-да, ўртадан тантанали ўтиб олдинги қаторга ўтиради** (А. Қаҳҳор).

2. Белги-хусусиятида, ишида умумийлик бўлган шахслар дистриб, таркиби.

Бу мақсадни тўғри амалга оширишим учун мени Ленин комсомоли сафига қабул қилишингни сўрайман! (П. Турсун.) **Шундай қилиб, бинокорлик бригадаси колхознинг бошқа хўжалик тармоқларидаги энг сара ва муҳим бригадалар қаторига кириб қолди** (А. Қаҳҳор).

САХИЙ, ҲИММАТЛИ, САХОВАТЛИ, ҲОТАМ, ТАНТИ. Бировдан нарса аямайдиган, қўли очиқ; қизганчиқ ва бахилнинг акси. **Саховатли** кам қўлланади. **Ҳотам** белгини кучли даражада ифодалайди. **Танти** сўзида «мардлик» оттенкаси бор.

Мирзо кўп сахий табиат кўринади. Қачон келсангиз, «Зиёфатимиз тайёр, эшон почча»,— дейди (А. Қодирий). **Пул берган ўртоқларини қучоқлаб ўпкиси келди, улар шу топда дунёда энг ҳимматли, энг қадрдон, энг меҳрибон одамлар бўлиб туюлди** (Ойбек). **Абдишукур олдин йўталиб олиб, қироат билан ўқиди: «Ҳамиятли, саховатли, тараққийпарвар бойларимиздан тошкентлик мулла Ҳакимбойвачча Мирзакаримбой ўғиллари «Оина»га ўн сўм иона буюрмишлар»** (Ойбек). **Катталикни билмас бир яхши одам, сахийликда йўлда қолибди хотам** (Ф. Йўлдош). **Бу ердагилар эса ўзларини танти, балки хотамтой, деб ҳисоблар эдилар...** (Ойбек.)

САХИЙЛИК, САХОВАТ. Қўли очиқлик. **Саховат** кам қўлланади.

Эртага қиёмат деса, ишониш мумкин эди-ю, лекин ўлгудай, қаттиқлиги, хасислиги билан донг чиқарган Болта кўпасининг ўғлидан бундай сахийлик келишига ишониш мумкин эмасди (М. Исмоилий). **Манфаатдорга саховат кўрсатиб, ширин забон, Фойдаси тегмас оғайниларга синмас битта нон** («Муштум»).

СЕВГИ, МУҲАББАТ, ИШҚ. Бирор шахс ёки нарсага кучли даражадаги мойиллик (боғланиш, берилиш) ҳис-сезгиси. **Муҳаббат** сўзида белги даражаси **севги** сўзидагига нисбатан кучли. **Ишқ** сўзида **муҳаббат** сўзидагига нисбатан кучли.

«Йўқ, сира хавотир бўлманг,— деди Элмурод ва самимий такрорлади— мен севгини ва севишганларни ҳурматлайман» (П. Турсун). **Глуков бошини чайқади: «Ватанга севгини ўлгунча ўз юрагида ташидим, бу севгини кўксига сақлаб абадий ухласин!»— деди** (Ойбек). **Қулай пайт келса, илҳоми қайнаб, қиз-**

нинг кўзларига тикилганича гапларни тизиб ташлар, лекин қалбида мавж урган муҳаббат тўлқинининг очиқ ифодасини тополмас эди (П. Турсун). ...ёнида дил розини ўқий бошлаган Мажнунига ишқ тўла, майл тўла кўзлар билан чарақлаб қаради (М. Исмоилий). Ватан ишқи, янги давр талабини ёқлайман, Фан-техника билан борлиқ тўлиб-тошиб турганда (Ғайратий).

СЕВГИЛИ, МАҲБУБА, ЕР, НИГОР, ДИЛДОР. Кўнгила берилган (севилган) киши. **Нигор** нисбатан эскирган, поэтик нутққа хос. **Маҳбуба, дилдор** сўзлари кўпроқ бадиий нутққа хос.

Бозорқул ҳам ўтовга югуриб кириб келади, севгилисини кўриб кўздан саросима қочади (А. Мухтор). Узи ёзган муҳаббатга оид шеърлари ва Анварга берган ҳалигидек жавоблари билан чин бир маҳбуба ва маъшуқа бўлиб кўринса ҳам, лекин кейинги гапларга ҳануз ошна эмас... эди (А. Қодирий). Йигит маҳбубасининг нозик қўлларидан тутиб, ўзига тортарди (С. Анорбоев). «Салом!» деб қолдилар қоматдор қизлар Ерларки сочлари тақимга тушган (Ойбек). Тугарга бир дами суҳбат асиру нотавон бирла, Дарғ тутмай нигорим бўлса имкон бир келиб кетсун (Ҳамза).

СЕВИНМОҚ, СУЮНМОҚ, ҚУВОНМОҚ, ҚУВНАМОҚ, ШОДЛАНМОҚ. Севинч (қувонч, шодлик) ҳис этмоқ, севинч (шодлик, қувонч) ҳолатида бўлмоқ. **Шодланмоқ** жуда кам қўлланади.

У [Гулнор] дунёда энг қимматли, энг нодир буюмни топган каби ҳадсиз севинди (Ойбек). Ғуломжон тўғри супага борди. Суюнганидан оғзи қулоғига етиб куларди (М. Исмоилий). У [аммаси] катта фалокат даф бўлганидан қувониб энтиккан бир товуш билан: «Шарофат, қизим, тур!.. Отанг гуноҳиндан ўтди!»— деб шивирлади (А. Қаҳҳор). Пешвоз чиқиб, мабодо қиздан — Фабрикада ёнган юлдуздан Касбин сўрсам, тортмас хижолат. Айтиб берар қувнаб шу соат (Е. Мирзо). Аксинча, ҳар кунинг минг яшаб қувнаб, Сен қилган ишларни ўйлайман, ўғлим (Ғайратий). Кумуш бу гапга ажабланиб, тўғриси шодланади (А. Қодирий).

СЕЗГИ, ҲИС, ТУЙҒУ. 1. Сезиш, ҳис этиш қобилияти.

Менинг мушоҳадамга қараганда, уларда, масалан, бадиий сезги анча ўсган (Ойбек). Сен чал бугун ялпи ҳаёт куйини, Бутун сезги, ҳиссим билан тинглайин (Ғайратий). Бу дўстлик... фикрлари, ҳислари, истаклари, юраклари яқин бўлган ва буларнинг маъносини кўзлар билан, ички туйғу билан тўлган шахсларнинг ўртоқлиги эди (Ойбек).

2. Ички ҳиссиёт, кишининг ички дунёсида ўзгага бўлган муносабат.

Шу тўрттагина сўзда унинг Ольга Петровнага бўлган бутун севгиси, сезгиси ифода этилган эди (М. Исмоилий). Абдулвоҳид оғир хаёллар, изтиробли ҳислар тўла бир оз айланди

(Ойбек). Бу ғазаб одамларнинг кўнгидаги домлага бўлган ҳурмат ва муҳаббат туйғусини чирита бошлади (А. Қаҳҳор).

СЕЗГИР, ЗИЙРАК, ТУЙҒУН, ҲУШЁР, СЕРГАК, ТИЙРАК. Тез сезиш-фаҳмлаш қобилиятига эга, сезиш-фаҳмлаш қобилияти кучли. **Зийрак, туйғун, сезгир** сўзларида «тез фаҳмлаш» қирраси ҳам, «тез сезиш» томони ҳам акс эта олади. **Ҳушёр, сергак, тийрак** сўзларида «тез сезиш» тушунчаси устун. **Зийрак** сўзи одамга нисбатан қўлланганда оддий сезиш эмас, балки ақл, фаҳм билан сезишнинг кучлилиги таъкидланади. **Туйғун** фақат одамга нисбатан, асосан, кичик ёшдагиларга нисбатан қўлланади.

Аҳмад Ҳусайн воқеани яширишини истамади. Бари бир унинг сезгир дадаси мана ҳозир келиб, бутун сирни очишга уни мажбур этади (Ойбек). Сигир сезгир ҳайвон. Меҳрибончилигини сезса, сенга ўрганиб қолса, сугини аямайди («Қизил Ўзбекистон»). Бундан чиқдики, бизнинг одамларимиз бефаҳм кишилар эмас, балки зийрак шогирдлар экан («Қизил Ўзбекистон»).

Кийиклар жуда зийрак бўлади. Уларга сал шарпа кифоя (Ш. Тошматов). Абдусалом деган битта ўғил уканг бор эди, юмюмалоқ, пухта-пишиқ, туйғунгина бола эди (Ойбек). Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди (Ойбек). Лекин «Четан»нинг бўлтакбошилари соғлом, чертилиб олинган ҳушёр йигитлар (А. Қодирий). Ҳушёр солдатга ўхшаб кўринувди... Ҳар ҳолда бу яхши хабар эмас,— деди Юрьев қаламини ўйнатиб (И. Раҳим). ...мана бу дарё бўйига, тўқай ичига, Наманган йўлига сергак болалардан қўйинлар (К. Яшин). Кичик командирлар ҳар ёққа серташвиш югуришиб, кейин жангчиларга сергак туришини таъкидладилар (Ойбек). Тийрак боланинг кўзи чўпонликда пишди, қўйчивонлик сирларини ўрганди («Совет Ўзбекистони»).

СЕЗМОҚ, ТУЙМОҚ, ҲИС ЭТМОҚ. Ҳис-сезги воситасида тасаввур қилмоқ. **Туймоқ** нисбатан кам қўлланади.

Башорат кўнглининг бу бурчагида синглисига жиндак ҳасад қатраси сезди (А. Мухтор). Йўлчи қоронғи тунда боради экан, бутун ғариблигини, юрагидаги қайғу гирдобининг бутун оғирлигини яна чуқурроқ туйди (Ойбек). Ҳа, Абдулим Тўраев ҳар бир машғулотга пропагандистлик масъулиятини чуқур ҳис этиб пухта тайёрларлик кўради («Совет Ўзбекистони»).

СЕКИН, АСТА, ОҲИСТА, СУСТ. Нормал даражадан паст тезликда, тезнинг акси. **Аста** сўзида тезлик даражаси **секин** сўзидагига нисбатан сал пастроқ бўлади. **Суст** «секин» маъносини кучлироқ даражада ифодалайди, салбий оттенкада қўлланади.

Матқовул ака **секин** келиб, чеккадаги одамлари ёнида тўхтади (М. Исмоилий). Сўраб-сўраб Маккани топанлар. Оёқ бутун, аста жилаверамиз (Ойбек). **Шоҳиста** оҳиста қадам ташлаб

уйга қирар экан, эшикни секингина ёпди (М. Алиев). Чойхоначи эллик ёшларда бўлган юмалоқ, гирдигум одам, ҳаракати жуда суст, қарашлари ялқов (Ойбек).

СЕКИНЛА(Ш)МОҚ, СУСАЙМОҚ, СУСТАЛАШМОҚ, ПАСАЙМОҚ, ҚАЙТМОҚ. Секин (суст) ҳолатга келмоқ. **Секинлашмоқ, сусаймоқ** сўзлари ҳаракат-ҳолатнинг нормал тезликдан пасайиши, шунингдек ҳаракат-ҳолатнинг кучи ёки бошқа бирор белгисининг нормал ҳолатдан камайиши (кучсизланиши) маъносида қўлланаверади. **Пасаймоқ** ҳаракат-ҳолатнинг кучи ёки бошқа бирор белгисининг (тезликнинг эмас) нормал ҳолатдан камайиши (кучсизланиши) маъносида қўлланади.

Кўчанинг бурилишида яна бир оз унинг [Отабекнинг] одимлари секинлашса ҳам, лекин олдинлашини қўймай бораверди (А. Қодирий). Поезд секинлаб, гоҳ тўхтаб, гоҳ жадаллаб қор босган бепоён саҳродан борар эди... (А. Қаҳҳор.) Борган сари қадамлари сусайиб, орқага қарагиси, қайтгиси келаверди (М. Исмоилий). Узоқдан Манзурага кўзи тушгач, негадир одимлари сустлашди (Х. Тўхтабоев). Йигитлар кулиб шундай жавоб беришибди: «Ҳали қорнимиз оч эди. Зиёфатга бориб, кўп едик, кўп ичдик. Қорнимиз тўйиб, овозимиз пасайди» (Ойбек). ...мактабда таълим-тарбия иши, ўқувчиларнинг ўзлаштириши, даволат сусайиб, пасайиб кетди («Муштум»). Кеч кириб, қуёшнинг тафти қайтганда вагон-ремонт заводининг ёшлари... саҳна ясадилар (А. Мухтор).

СИРТ, ТАШ(ТИШ). Ташқи, сиртқи томон. **Таш** ҳозирги ўзбек тилида жуда кам қўлланади.

Мол оласи сиртида, одам оласи ичида (Мақол). Ичимда «Тилинг бошингни есин!»— десам ҳам, ташимда ҳурмат билан кутар эдим (М. Исмоилий). Уйга кирган ҳаётбахш жило «Тишга боқ»,— деб қилгандай хитоб. Кўтарилиб дарчадан боқдим, Оғушига олди офтоб (Зулфия). Симдан биров сўзлар хотиржам бурро... Тишдачи, қорбўрон, қаҳратон совуқ, Залнинг қовургасин титратар гўё, Кабина эшигин чертиб урар дўқ (М. Бобоев).

СИРҒАНМОҚ, СИРПАНМОҚ, ТИРҒАНМОҚ, ТОЙМОҚ. (Сирғанчиқ, силлиқ жойда) оёқни таянч ҳолатда тутолмай, бирор томонга сурилмоқ.

Матчон тўра... Пашишоб дарвозасига қараб кетди, отларнинг оёғи баъзан сирғаниб кетар, шалоп-шалоп лой босарди (Ж. Шарипов). Қиш кечаси. Совуқ. Ер ойнадай. Боёқиш эначи сирпаниб, неча ерда йиқилди, ҳарсиллаб, нафаси бўғилиб, ахир етиб борди (Ойбек). Тирғаниб лой сачратиб югурган Гулнор, ўз эшигида бир нафас тўхтаб, кечинмаларини онадан яширишга уринмасин, буни эплай олмаган эди (Ойбек). Кўча ва томлар қордан оқара бошлаган. У сирпаниб, тойиб хизматкорхонага жўнади (Ойбек).

СИРҒАНЧИҚ, СИРПАНЧИҚ, ТИРҒАНЧИҚ, ТОЙҒОҚ, ТОЙҒАНОҚ. Оёқ қўйса, сирганиб кетадиган. **Тойғаноқ** сўзида белги даражаси кучлироқ.

Ҳали замон сирғанчиқ ер селлиб, майса ҳиди ел билан димоққа урадиган бўлиб қолди («Қаҳрамоннома»). У ҳозиргина ўртоғи Хадичанинг уйдан чиқиб, кўчада ҳеч ким бўлмагандан ва сирпанчиқ лойда юриш қийинлигидан юзини очиб, кўзларини ерга тикиб келар экан, қаршида келаётган Йўлчига юзма-юз тўқнашган эди (Ойбек). Болалар тирғанчиқ кўчаларда турганиб борар эдилар («Қизил Ўзбекистон»). Кўча музлаб, қатқалоқ ва тойғоқ ҳосил бўлибди (И. Раҳим). Йўллар тойғоқ, тўрт туюқнинг тақаси йўқ, Қози хасис, аравакаш чақаси йўқ (С. Абдулла). Йўл жуда тойғаноқ бўлганидан отларнинг юриши қийинлашиб борар эди («Қизил Ўзбекистон»).

СОВҒА, ҲАДЯ, ТОРТИҚ, ТУҲФА, АРМУҒОН, ИНЪОМ. Ҳурмат, сийлаш белгиси (ифодаси) сифатида тақдим этилган нарса. **Ҳадя** сўзи умуман тақдим этилган нарсани билдириб, унда ҳурмат, сийлаш оттенкаси бўлмаслиги мумкин. **Совға** тақдим этилган энг арзимас (кичик) нарсани, шунингдек қимматбаҳо нарсани ифодалаш учун ҳам қўлланаверади. **Тортиқ** асосан муҳимроқ совғаларни ифодалаш учун қўлланади. **Туҳфа, армуғон** — китобий.

Совғани жуда катта қилиб юборибсиз-ку. Божангиз қўй совға қилиб келган эканми? (А. Қаҳҳор.) Биз ўзимизнинг бу келишимизда Сизнинг учун дунёга арзигулик бир ўғил ҳадя этганимиздек, иншоолло, қайтишимизда ҳам Отабек учун мужассам ифпат бўлган бир рафиқа туҳфа қилармиз (А. Қодирий). Улуғ байрамни муносиб меҳнат тортиқлари билан нишонлашда республикамизнинг колхозчи-деҳқонлари ҳам ишчилар синфидан ўртак олмоқдалар («Қизил Ўзбекистон»). «Ажойиб ташаббус, улуг байрамга лойиқ совға. Нишонлашга арзигудек туҳфа»,— деди бош инженер (Н. Сафаров). Уч ўғлондир Андижон, Наманган-у, Фарғона, Юртга айлар армуғон миллион тонна дурдона (Е. Мирзо).

СОДДА, ОДДИЙ, ЖУН, ИБТИДОИЙ. Тузлиши, қурилиши мураккаб эмас. **Содда** сўзи **оддий** сўзига нисбатан кенг қўлланади. **Жўн** кам қўлланади.

Шаҳарнинг аксарият қисми бўлган камбағал касиблар бу масала устида бир хилдaroқ фикр қилиб «ким бўлса ҳам, инсофлик бўлсин, нима дединг-а, Мамарайим» каби содда жумла билан ўз орзуларининг нимада эканини гавдалантирар эдилар (А. Қодирий). Норматнинг назарида, бу ерда оддий қуроолларга эга бўлган партизанларгина эмас, мунтазам қисмларнинг бўлинмалари атака марраларида буйруқ кутиб турганга ўхшади (И. Раҳим). Бу дунёнинг ишларини жуда ҳам жўн билманг... (Х. Ғулом.) Аввал Маҳкамга Очилнинг фикри жуда ибтидоий туюлган

эди... (П. Қодиров.) Мулла Шоҳнинг адабиёт билан машғулотги жуда содда ва ибтидоий эди... (С. Айний.)

СОДИҚ, САДОҚАТЛИ, ВАФОДОР, ФИДОКОР. Уз муносабати, аҳди, вафосида маҳкам турувчи, вафога, садоқатга эга. **Вафодор** асосан севги муносабатида вафо, садоқатга эгалликни ифода далаш учун қўлланади. **Содиқ, садоқатли, фидокор** умуман шахс ёки нарсага нисбатан содиқлик ҳиссига эгалликни билдиради.

Ниҳоят Азизбек ҳам ёнидаги 40—50 содиқ кишилари билан қочиб, ўрдага қамалишга мажбур бўлди (А. Қодирий). **Шу ёнғинни кўрганлар билсинларки, Шўронинг садоқатли фарзанди Бўронбек Арслонбек ўғли туҳматга чидалмай, ўтда ёнаётир** (Ҳ. Ғулом). **Хатига қараганда жуда вафодор қизга ўхшайди** (И. Раҳим). **Халқни севиб, унга бўлиб фидокор, Қонли жанг** да бўлдингиз қурбон (П. Турсун).

СОЗ, ЧОЛҒУ. Умуман музика асбоби.

Дилбар қизнинг қилиғи, нози яхши, Сўзнинг ози, машишоқнинг сози яхши (Е. Мирзо). **Машишоқлар чолғуларини қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинлик катта ўйин ҳаваси эмас, ширин, майин ҳужрабазм ҳаваси оқа кетди** (М. Исмоилий).

СОЗАНДА, ЧОЛҒУЧИ, МАШШОҚ, МУЗИКАЧИ, МУЗИКАНТ. Касби чолғу чалиш бўлган шахс. **Машшоқ** нисбатан эскирган бўлиб, халқ чолғу асбобларини чалувчи кишиларга нисбатангина қўлланади.

Улар индамай ўтиришиб чой ичишар ва бу ернинг бирдан-бир созандаси **Мели** полвоннинг дуторини эшитар эдилар (П. Турсун). **Чолғучининг рубоби Йиғлади, чекди фарёд** (Ғайратий). **Барот** полвон «Додхоҳ келибди шекилли» деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, ғижжак, най, доира кўтариб келаётган машшоқларга кўзи тушиди (М. Исмоилий). **Шу ёш музикачи томошабинларнинг салобати босиб кўйни бузмоқда** (И. Раҳим). Саҳнанинг барқут пардасига юқоридан прожекторлар, пастдан рамка нур сочар, дирижёр пульти ҳали бўш турао, лекин музикантлар чуқуридан битта-яримта созланаётган асбобларнинг товушлари чиқар эди (П. Қодиров).

СОЛИШТИРМОҚ, ТАҚҚОСЛАМОҚ, ҚИЁСЛАМОҚ, ҚИЁС ҚИЛМОҚ, ЧОҒИШТИРМОҚ. Узаро ўхшаш ва фарқли томонлари жиҳатидан бир-бирига нисбат бермоқ. Сўзлашув тилида **қиёсламоқ, таққосламоқ** сўзларига нисбатан **солиштирмоқ** сўзн кенг қўлланади.

Кумушбиби қўлида иккинчи бир мактуб кўтарганича уйдан чиқди-да, шам ёнида икки хатни бир-бирисига солиштириб кўрди (А. Қодирий). **Агар Октябрь революциясидан олдинги манзарани ҳозирги аҳвол билан таққослаб қарасак, бу ҳар биримизда ҳаққоний фахрланиш туйғуларини уйғотади** («Қизил Узбекистон»). **Турк тилларини бир-бирлари билан қиёслаб ўрганиш яхши натижалар беради** («Қизил Узбекистон»). **Полвон**

бир пиёла чойни ичар экан, отаси билан Пирнафас акани бир-бирига чоғиштирди (Ж. Шарипов). **Қиёс қилгим келур баҳорга сизни** (Тўлқин). **Уттиз беш йил! Нима дегани? Учдан бири асрнинг яъни.. Минг йилларга қилинса қиёс — Океанда бир тўлқин, холос** (М. Шайхзода).

СОН, МИҚДОР, ҲИСОБ, САНОҚ, АДАД. Предметларнинг санаб ўлчанадиган белгиси. **Адад** эскирган. **Саноқ** сўзи етмоқ, йўқ каби маълум сўзлар доирасида қўлланади.

Келаётган аёлларнинг сони йўқ (Ойбек). **Умуман мамлакатда маҳсулдор чорва молларининг сони кўпайди** («Қизил Узбекистон»). **Текиришида қатнашган кишилар ғўза тупларининг сони, шохларининг миқдори, ҳосилнинг ҳажмини аниқлаб... чиқдилар** (И. Раҳим). **Уша йилларда Тошкентда шунақа ҳам жинни кўп эдики, санаб саноғига етолмайсиз** (Ғ. Ғулом). **Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган улугвор ишларни санаб саноғига етиш қийин** («Тошкент оқишми»). **Қўйиқчиларнинг адади борган сари ортди** (Ойбек). «...куйиб-ёниб, ўрганиб юрган ошиқимизнинг адади сони йўқ»,— деди Седона (Э. Жуманбулбул).

СОНСИЗ, САНОҚСИЗ, СОН-САНОҚСИЗ, БЕСАНОҚ, БЕҲИСОБ, ҲИСОБСИЗ, БЕАДАД, АДАДСИЗ. Сон-саноғига етиб бўлмайдиган. **Беадад, ададсиз** эскирган. **Бесаноқ** кам қўлланади.

Якка кифтлаб ўтасан киши, Кўчаларда сонсиз оломон (Э. Раҳим). «**Неча марта ўқидинг?**»— сўради Асқар полвон. «**Саноқсиз**»,— деб жавоб берди Дубов, пичанга ёнбошлаб (Ойбек). **Тагсиз осмонда сочилиб ётган саноқсиз юлдузлар гузарнинг тўрт ерига ёқиб қўйилган кунжара машъални эрмак қилаётгандек живирлашади** (М. Исмоилий). **Кўр қори халфамизга Тушиб зарба бесаноқ, Сўнг унинг елкасида Тоб бермай синди таёқ** (Ойбек). **Ҳайдар ота шу ўй билан тегирмон бошига етганини билмай қолди. Соё бўйида беҳисоб дарахтлар орасига кўмилган тегирмон гувиллар эди** (А. Қаҳҳор). **Пахта чаноқлари қалин ва яшил барглари орасидан беҳисоб юлдузлардек чарақлаб, мўралаб турибди** (И. Раҳим). «**Бундай ҳодисалар ҳисобсиз**»,— деди Азмидин сўзида давом этиб (Ҳ. Ғулом). **Раёно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпинча ҳисобсиз саволлар билан уни кўмиб ташларди** (А. Қодирий). **Улди остонанида беадад ҳайвон. Сен жанг майдонида соҳиби қирон** (Миртемир). **Тоғ ёқалаб булар кетиб боради, Чарчаганда жойли ерда кўнади, Ададсиздир бойларининг йилқиси, Ҳар ким ўз молдан хабар олади** («Фольклор»).

СОП, ДАСТА, БАНД. Қўл асбоб-қуролларининг тутқич (қўл билан ушлайдиган) қисми. **Кетмон** сопи, кетмон дастаси; қамчи сопи, қамчи дастаси.

Бўронбек қамчининг сопи билан Ибодиллами кўкрагидан итариб Ойшабонунинг уйига кирди (Ҳ. Ғулом). **Самандаров отлан-**

ди, қамчи дастаси билан канал томонни кўрсатиб, Болтабойга бир нималар деди-ю, жўнаб кетди (А. Қаҳҳор).

СОТМОҚ, ПУЛЛАМОҚ, ПУЛ ҚИЛМОҚ. Пулга айирбош қилмоқ. Пулламоқ сўзи сотмоқ сўзига нисбатан кам қўлланади.

Пул ташлаб кетмагани учун қақир-қуқурини сотиб харжладим (Ойбек). Холмат онаси йигирган ипдан кечалари пешма-пеш бўз тўқиб, эрталаб бозорга олиб борар, гоҳ пуллаб, гоҳ нонга алишар ва гоҳ каппонда юриб мардикорлик ҳам қиларди (И. Раҳим). Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, пул қилишга тиришар эди (Ойбек).

СОТҚИН, ХОИН, ХИЕНАТКОР, ҒАДДОР, МУРТАД. Ўз томонига, тўдасига нисбатан хиёнат қилган, ўзга томонга сотилган. Сотқин маънони хоин сўзига нисбатан кучлироқ оттенкада ифодалайди.

Бу ҳам Уолл-Стритнинг Лисинманчи сотқинлар, Қўли билан бажарилган Навбатдаги ваҳшати (Уйғун). «Уруш» деганда бизнинг қулоғимизга гўмбирлаган говушлар киради-ю, кўзимизга қон кўринади; бирон қўрқоқ милтигини ташлаб қочди деган хабарни эшитсак, «хоин» деймиз-қўямиз. Лекин бу хоинни жанг майдонида ярадор бўлиб ётган ёки олға интилиб, шу пайтда шеригининг ёрдамига муҳтож бўлган жангчининг кўзи билан кўрмаймиз (А. Қаҳҳор). ...хиёнаткорнинг дўсти бўлиб танилган Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида турадур (А. Қодирий). Нариги ҳужрада бир шум доғули... Илондай тўлғаниб шу кун у ғаддор. Шоир таомига қўшиб оғуни, Қулай фурсат кутиб ётарди бедор... (М. Бобоев). Ғазаб билан чайқалди дарё Қирғоқлардан тошиб чиқди сув: «Йўламасин ёнингга муртад. Бор, тўлқиним, касофатни қув!» (Уйғун.)

СОЯ, КЎЛАНКА, КЎЛКА, КЎЛАГА. Нурга тўсиқ бўлиб турган предметнинг акси ва унинг акси тушиб турган жой. Соя сўзи кўланка, кўлка сўзларига нисбатан кенг қўлланади. Кўланка, кўлка кўпроқ бадний асарларда қўлланади.

Янтоқлар қорайиб чақмоқ тошлар ойдинда ярқираб турибди. Унг томон кўкаламзор, ғўза дуҳобадек қалин тўшалиб ётибди. Ой шуъласида дарахтлар сояси вазмин-вазмин қимирламоқда (И. Раҳим). Ойдин кечада бионинг кўланкаси да туриб гаплашаётган икки киши бир-бирига алланарсани маъқуллар... эди («Муштум»). Ермат билан Гулсумбиби Гулнорнинг қабрига боришди. Олиб келинган ош-нонни ва шам пулини гўрковга топшириб, «Шайх Зайниддин бобо»даги гўристонда, катта тут дарахти кўлкасида дўппайган янги қабрни қучиб, тупроқларига юзларини суртиб, соатларча йиглаб, кўзлари шишгандан, тинкалари қуригандан сўнг қайтишди (Ойбек). Чойли пиёлаларни ғўза кўлагасига қўйиб нос чекишадилар (А. Қодирий).

СОҚОВ, ТИЛСИЗ, ГУНГ, ГУНГАЛАК. Сўзлаш қобилиятига эга эмас. Гунг сўзи соқов сўзига нисбатан кам қўлланади. Гунгалак оддий сўзлашувга хос.

Ҳайдар азалдан гапдон бўлса ҳам, шу чоғ шу ерда ҳаяжонидан соқов эди (И. Раҳим). Йўлчи тилсиз каби ғайришуурий равишда бошини чайқади ва аввалги вазиятда қотди (Ойбек). «Синглим менга қараб-қараб қўйди,— деди Ҳамдам ака.— «Бу қанақа гунг хотин экан» деб ўйлагандирсиз-а, синглим» (С. Зуннунова). Куёв поччам сўзламайди. Гунгалакми ёр-ёр («Ёр-ёр»дан).

СОҚЧИ, ҚОРОВУЛ, ПОСБОН, ҚЎРИҚЧИ. Қўриқлаб ҳимоя қилувчи шахс. Посбон китобий, асосан мамлакатни, унинг чегарасини қўриқловчи маъносини билдиради.

Йигирма учта қизил соқчи бир юз саксон босмачига қарши саҳаргача отишибди (А. Қаҳҳор). Қонга-қон! Жонга-жон! Бермаймиш омон. Одамхўрлар бўлар ер билан яқсон, Чунки партиядир сенга посбон (Уйғун). Эй юрти фаровон, халқи бадавлат, Бахт қўриқчилари, эй қадрдонлар (Уйғун).

СОҒАЙМОҚ, ТУЗАЛМОҚ. Касалдан, жароҳатдан қутулмоқ, соғлом ҳолатга келмоқ.

Усмонжон акасини уйга олиб келди. Лекин Одилжон шу касалланганча соғайиб кетмади (С. Зуннунова). Старший лейтенант Нестеренко соғайиб, яна жанговар сафига қайтди (Н. Сафаров). Жўраҳон касалидан тузалиб, шу кунларда Азим тажанли ҳоли-жонига қўймаётган эмиш (М. Исмоилий).

СОҒЛИҚ, САЛОМАТЛИК, СИҲАТ, ТОБ. Организм аъзоларининг нормал (тўғри) ишлаб туриш ҳолати. Соғлиқ кенг қўлланади. Саломатлик, сиҳат фақат одамга нисбатан қўлланади. Сиҳат сўзи соғлиқ, саломатлик сўзларига нисбатан кам қўлланади.

Албатта Юсуфбек ҳожига бу ваъдаларнинг ҳеч аҳамияти йўқ, фақат у ўғлининг соғлиғини билса...— унинг учун дунёларча мартаба ва ҳурмат эди (А. Қодирий). Кумуш опаннинг саломатлиги ҳаммадан ҳам менга керакдир (А. Қодирий). Уктамга қараб деди Комила: «Кечиринг, яна бир парчагина хат ёзаман. Аяжонимга». [Уктам] «Бемалол ёзаверинг. Кампирнинг сиҳати қалай?» (Ойбек.) «Ота, тобингиз жойидами?» — деб сўради йигит ташвишланиб (М. Исмоилий).

СУБУТ, БУРД, ТАЙИН. Сўз-ваъда, тутган ишда муқимлик, шунда қатъийлик хусусияти.

Бугун ҳам дараги йўқ. Қиморбознинг субути бўлмас экан деб қўйдим (Ҳ. Назир). Ким билади... сўнги вақтларда Бузилгандир, бурди кетгандир... (Уйғун). Йўқ, тайини йўқроқ бола экан, бир кунни қарасам, бошқа бир қиз билан ивирсиб юрибди (У. Назаров).

СУРАТ, РАСМ. Шахс, нарсаларнинг қалам, бўёқ билан ёки бошқа усул билан ифода этилган акси, тасвири. Ҳозирги вақтда

расм ва сурат сўзлари адабий тилда, шунингдек жонли сўзлашувда юқоридаги маънода аралаш қўлланаверади.

Тўрт қиррали кўмир қалам, Қордай қоғоз қўлимда. Шовқин тўла кенг даланинг Суратини чизаман (Т. Тўла). Тонг саҳар салқинида Пахта тергим келади. Ленин отам расмини Кунда кўргим келади («Қўшиқ»).

СУҒУРМОҚ, ЧИҚАРМОҚ. Суқилган (жойланган) ўрнидан ташқарига тортмоқ. **Чиқармоқ** бу маънода асосан оддий сўзлашувда қўлланади.

Ана қаранг, нок, олма осадиган михларимнинг ҳаммасини суғуриб олибди (Ойдин). Қудрат олдинга тушди, миршаб қиличини суғурди (М. Исмоилий). Бектемир дўнгликнинг орқасига сурилиб борди. Қўлини авайлаб енидан чиқарди (Ойбек).

СУҲБАТЛАШМОҚ, СУҲБАТ ҚИЛМОҚ, ҲАСРАТЛАШМОҚ, ОТАМЛАШМОҚ, ҲАНГАМАЛАШМОҚ, ГУРУНГЛАШМОҚ, ГУРУНГ ҚИЛМОҚ. Гап-суҳбатда бўлмоқ. **Ҳангамалашмоқ, гурунглашмоқ** сўзлари одатда бирдан ортиқ киши ўртасида бемалол, роҳатланиб ўтириб бўладиган суҳбатлашишни билдиради. **Отамлашмоқ** кўпроқ оддий сўзлашувга хос бўлиб, одатда эзилиб (эзилиб) ўтириб бўладиган давомли суҳбатни билдиради. **Ҳасратлашмоқ**да оддий суҳбат эмас, балки дард-ҳасрат айтишиш ҳам бўлади.

Врач Кравцова тортинмай суҳбатлашарди (Шуҳрат). Унинг юзига яна табассум ёйилди, Йўлчи билан суҳбатлашиб ётди (Ойбек). У косиблар, камбағаллар, соатсозлар, кулоллар билан суҳбат қилар, сулҳдан, ҳаётдан, ишдан сўзлар эди (Ойбек). ...Райҳон билан Ханифа этакроқдаги кўрпачада ёнма-ён ҳасратлашиб ўтиришарди (Ҳ. Фулом). Идорада Холмамат деган чол бор экан, бир оз отамлашдик. Аммо ифвонинг кони бўлса керак, роса кўпирди (Ҳ. Фулом). «Студентлик йилларини эслаб бир отамлашамиз» деб дилидан ўтказди («Тошкент оқшоми»). Қорикомил Бўдана қишлоқлик Мурод деган билан келиб, буларнинг суҳбатида бўлиб, афандиларнинг келганидан кўнгли тўлиб, хангамалашиб ўтирди (Ф. Йўлдош). «Қуёшга терс бир ҳужрада тўрт киши ғуж бўлиб одатдагича гурунглашиб ўтиришар эди (Ойбек). Даштдан — ҳамма ёқдан: ...ҳар қайси олисроқ элдан келган меҳмонлар Мулла Ҳаким [Абди Ҳаким] суднинг меҳмонхонасида гурунги қилиб ўтирган экан (Ф. Йўлдош).

Т

ТАБРИК, ҚУТЛОВ, МУБОРАКБОД. Бирор муносабат билан эслаб, яхши тилак, хайрихоҳлик билдириб айтиладиган, йўланадиган мурожаат.

Меҳмонлар билан вакилларнинг қизғин табриклари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми туғади (П. Турсун). Тўй деганда кўз олдимизга омавий шодлик, қўшиқ, музика, ўйин билан дўстлар хизмати, ёру қариндошлар қутлови, кексалар олқиши келади (М. Алави). Ҳар томондан у кишининг уйларига Тошкент шаҳрининг казо-казолари келиб муборакбод қилдилар (М. Муҳаммаджонов).

ТАБРИКЛАМОҚ, ТАБРИК ҚИЛМОҚ, ҚУТЛАМОҚ, МУБОРАКБОД ҚИЛМОҚ. Табрик билан мурожаат қилмоқ.

Институтни битирганимда биринчи бўлиб табриклаган, қўлимни қаттиқ сиққан эди (Шуҳрат). Табрик қиламан, ўртоқ. Газетада кўрдим-у, ҳамма ишни ташлаб ёнингга югура қолибман (Ж. Абдуллахонов). Қутлаймиз янги йил, янги бахт билан! (Уйғун.) Кўча-кўйда одамлар хушхабар билан бир-бирларини қутлардилар (Л. Батъ). Дастлаб Исломхўжа, сўнгра уламо ва умаролар, барча аёнлар муборакбод қилдилар (Ж. Шарипов).

ТАЙЁР, МУҲАЙЁ, ШАЙ, ТАХТ, ҲОЗИР. Ишлатиш, фойдаланиш ёки бошқа нарса учун нақд ҳолатда. **Тайёр** кенгроқ тушунчага эга. **Муҳайё** кўпроқ ёзув стилига хос. **Шай** тайёр маъносини кучли оттенкада ифодалайди. У бирор нарсага ҳар жиҳатдан мос ҳолда тайёр эканликни билдиради. **Тахт** сўзи бу маънода кўпроқ жонли сўзлашувда қўлланади ва маънони тайёр сўзига нисбатан бир оз кучли оттенкада ифодалайди. **Ҳозир** бу маънода жуда кам қўлланади.

«Насибахон. ошни тезроқ есак, чойни шошмасдан ичиб, поездга чиқсак дейман-да». «Ая, ҳаммаси тайёр, ўчоққа ўт ёқиб юборинг» (А. Қаҳҳор). Ош тайёр. Ичкарида дастурхон солиглик, ҳамма нарса муҳайё (Уйғун). Андронов билан Мадрайим бошдан-оёқ жангга шай ҳолда капитаннинг сўзига қулоқ солиб туришарди (Мумтоз Муҳамедов). РТСда қанча пахта териш машинаси бор, қанчаси теримга тахт? («Муштум») Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир (Мақол).

ТАЙЁРГАРЛИК, ТАЙЁРЛИК, ҲОЗИРЛИК, ТАРАДДУД, ТАДОРИК. Тайёр бўлиш, тайёр ҳолга келтириш хатти-ҳаракати. **Тараддуд** нисбатан кам қўлланади. **Тадорик** китобий.

Бунинг учун ҳозирдан тайёргарлик кўриш, пахта майдонларини ўбдон текислаш лозим («Ўзбекистон маданияти»). Бутун мамлакат КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига қизғин тайёргарлик кўрмоқда («Тошкент ҳақиқати»). У ҳам анча тайёргарлик кўрган, бугунги оғишда бир иш кўрсатмоқчи (Шуҳрат). Трестда шу кунларда яна кўпгина бригадалар хўжалик ҳисоби билан ишлашга ўтишга ҳозирлик кўрмоқда («Тошкент ҳақиқати»). Далаларда терим тараддуди. РТС қўраларида зангори комбайнлар карвон-карвон бўлиб туришибди (А. Мухтор). Кадр танлаш... келгуси йил ҳосили учун

бошланган курашга ҳозирдан бошчилик қилади, кўклам экиш кампаниясига пухга тарадду д кўрилишини таъминлайди («Қизил Ўзбекистон»). Чол тўй тадоригини ҳам кўриб қўйган эди (Саид Аҳмад).

ТАЙЕРЛАМОҚ, ҲОЗИРЛАМОҚ, ШАЙЛАМОҚ. Тайёр (шай) ҳолга келтирмоқ. **Тайёрламоқ** «ҳозирламоқ» сўзига нисбатан кенг қўлланади. **Шайламоқ** маълум сўзлар доирасидагина қўлланади ва маънони кучли оттенкада ифодалайди.

Гулнор ҳамма нарсани бир зумда тайёрлаб, دادасига кўрсатди (Ойбек). Мен сизга жой ҳозирлаб қўйганман (М. Иброҳимов). Биз коммунистик партия раҳбарлигида беш йиллик планларни муваффақиятли бажардик. Бу билан етти йиллик планни амалга оширишга мустаҳкам замин ҳозирладик («Қизил Ўзбекистон»). Уғитларни шайлаб кўклам экишга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганлар («Муштум»).

ТАЙЁРЛАНМОҚ, ҲОЗИРЛАНМОҚ, ШАЙЛАНМОҚ, ОТЛАНМОҚ. Узини тайёр ҳолга келтирмоқ, бирор нарса қилишга тайёргарлик кўрмоқ. **Отланмоқ** асосан бирор жойга бориш, юриш учун тайёрланиш маъносида қўлланади.

Йўлчи... уни эркалаб бошини, елкасини силади: «Жоним, ичкари кириб тайёрлан. Чақирганда чиқасан, кетамиз...» (Ойбек). Бугун мактаб ўзининг биринчи катта тўйига, тўнғич ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаётир (П. Турсун). Ҳоким ясовулни чақириб, йўлга ҳозирланишини буюрди (М. Исмоилий). «Ана шу ишга ҳозирланиш керак»,— деди Ҳайит амин... (С. Айний.) Шунда бизнинг бутун халқ Зўр курашга шайланди (Зафар Дийр). Сиз келмасдан олдин мен бир ерга отланиб турган эдим (М. Исмоилий).

ТАКРОРЛАМОҚ, ҚАЙТАРМОҚ. Айни бир ишни ёки ҳаракатни яна қилмоқ, айни бир сўзни, гапни бир неча марта, қайтадан айтмоқ.

Табелчи ҳам, худди жўрттага қилгандай, унинг номини ё тутилиб айтар, ёки чатоқ ўқиб, яна такрорлар эди (А. Қаҳҳор). Новикова унинг тезда жавоб бермаганига чиндан ҳам эътибор қилмаган эди, кейин унинг ўзгариб кетган авзойини кўриб таажжубланди ва саволини қайтарди (А. Қаҳҳор).

ТАМОМЛАМОҚ, ТАМОМ ҚИЛМОҚ, ТУГАТМОҚ, СОП ҚИЛМОҚ, СОПЛАМОҚ, БИТИРМОҚ, АДО ҚИЛМОҚ, ЙЎҚОТМОҚ, ЙЎҚ ҚИЛМОҚ, ҚУРИТМОҚ. Тамом (йўқ), соп ҳолатга келтирмоқ. **Тамомламоқ, тамом қилмоқ, тугатмоқ, битирмоқ** феъллари бор ҳолдаги нарса ёки ҳаракатни ишлатиб, сарфлаб охирига етказиш маъносида қўлланаверади. **Адо қилмоқ** ҳаракат-ишнинг охирига етказиш маъносида жуда кам қўлланади. **Йўқотмоқ, йўқ қилмоқ** оддий сўзлашувда асосан сарф-харажат билан охирига етказиш маъносида қўлланади. **Қуритмоқ** бу маънода оддий сўзлашувга хос ва унда белги даражаси кучли.

Ҳовлидаги икир-чикир ишларни тамомлагач, айвоннинг олдида ўтириб тузатинди, тузатинар экан, йўлакдан юриб келмакда бўлган оёқ товушини эшитиб, юраги нима учундир ошиқиниб, шопириниб кетди (А. Қодирий). Аҳмедов капсанчиларни колхоз тузишга чақириб сўзини тамом қилди (А. Қаҳҳор). Мадамин салкам бир лаган ошни бир неча олишда тугатди ва ёғлиқ лагани бармоғи билан сидириб, худди ювиб артилгандай топ-тоза қилиб ялади (П. Турсун). Амин бобо гапни соб қилди лар-ку (С. Айний). От қўй беклар тўплаб-тўплаб, Душманларни чиқинг соблаб («Далли»). Қизнинг ота-онаси, қариндош-уруғининг таърифини айтиб битиролмайди лар (П. Турсун). Уларнинг бизга кўрсатаётган меҳрибонликларини, ғамхўрликларини хатда ёзиб битириш қийин (А. Мухтор). Бошлаб Тошкентдан қипчоқ боласини йўқотиш учун Азизбек ва отанг бошлиқ исёнга тайёрландилар (А. Қодирий). Айланай ҳукуматдан — Босмачини қуртиди («Қўшиқ»).

ТАРЖИМА ҚИЛМОҚ, АҒДАРМОҚ. Бирор тилда айтилган ёки ёзилган фикр (мазмун)ни бошқа бир тил материали билан бермоқ. **Ағдармоқ** маълум контекст (ситуация) доирасидагина бу маънони аниқ ифодалай олади.

«Конферансье» офицернинг жавобини таржима қилди (А. Қаҳҳор). Исёнчи Тараснинг ўланларини Ағдариб тураркан ўзбек нутқига, Украин чўлларини кўламларини Пайванд қилган эдим Шарқнинг уфқига (М. Шайхзода).

ТАРЖИМОН, ТИЛМОЧ. Таржима иши билан шуғулланувчи шахс. **Тилмоч** — эскирган.

Меҳмонлар инглиз тилида савол берар, бунга таржимон рус тилига, колхоз раиси эса ўзбек тилига таржима қиларди («Муштум»). Ҳоким гап нима тўғрисида кетаётганлигини тилмочдан сўраб, Тешабойга кулиб қўйди, тарғил кўзларида ғалати бир сирнинг ўти чақнади (М. Исмоилий).

ТАРЗДА, ҲОЛДА, ХИЛДА, ҚАБИЛДА, ЙЎСИНДА, РАВИШДА, СУРАТДА, ТАҲЛИТДА, ТАРИҚА. Бирор усул билан, бирор кўринишда.

«Абдусамат ака, мен ҳам комсомол бўламан»,— деди гапни бир оз ноқулай тарзда ўзига буриб (А. Мухтор). У [Йўлчи] кўлдан буён қўлига ойна олмаган бўлса-да, юзи қай ҳолда эканини яхши билар эди (Ойбек). Ақли бор одам «Фақир киши панада» қабилда ўзини бир четга олиб, ишини ўхшатиб юраверади (В. Гофуров). ...баъзан бирор ўртоғиникига бир зум бориб келман деб, دادасидан, акасидан яширин ўзини кўчага отар ва Ҳусайн билан шу йўсин учрашар... (Ойбек.) Ниҳоят, [Мирзакаримбой] орқасини ёстиқдан узиб, муҳим савдо иши билан шуғулланган каби, жиддий равишда гапириб кетди... (Ойбек.) Давлатёр таърифлагандек, «ҳақини танимаган» бу бечора шу равишда ҳаёт кечирар эди (П. Турсун). Совет Иттифоқи Коммунистик

партияси Марказий Комитети ўз ишлари тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам суратда ахборот бериб туради («КПСС Устави»). Билагида кучи, белида қуввати бор ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда! Биз масалани ана шу тахлитда қўйдик («Қизил Ўзбекистон»). Шу тахлит китоб қўлдан-қўлга ўтиб борди (М. Исмоилий). Майса-гилам йўлларида экан поёндоз. Шу тахлитда ўтиб борган Неча қишу ёз (Шуҳрат). ...эндиликда химияни, қишлоқ хўжалигини, энгил саноатни ривожлантиришга катта маблағлар сарфлаш ва шу тариқа халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмоқ учун озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиб қолганлиги совет кишиларини қувонтирмоқда («Тошкент оқшоми»).

ТАСАЛЛИ, ТАСКИН, ЮПАНЧ. Юпатувчи, тинчлантирувчи ҳис-туйғу. **Тасалли**, таскин деярли ҳамма вақт бермоқ, топмоқ феъллари билан бирга қўлланади. Тасалли бермоқ, таскин бермоқ — юпатмоқ, тинчлантирмоқ. Тасалли топмоқ, таскин топмоқ — юпанмоқ, тинчланмоқ. **Юпанч** бу маънода кам қўлланади.

У минут сайин юрагини кемириб кетаётган бу дардни ҳеч кимга айтолмас, лекин айтиб... бирон оғиз бўлса ҳам тасалли берадиган гап эшитгиси келар эди (А. Қаҳҳор). Йигит шеър ёзиб, ўзини бир япроққа, қизни бир томчига ўхшатиб, кўнгли унча-мунча тасалли топади (П. Қодиров). «Ҳадеб куя берманг, айланай Эъвозхон», — Тозагул унга таскин берди (Ҳ. Фулом). Қаюмовнинг кўнгли таскин топди шекилли, беихтиёр ашулани ванг қилиб юборди («Муштум»). Саломат Бўтабойни кўрди-ю, неча йиллаб қалбига юпанч, хаёлларига йўлдош бўлиб келган йигитдан юз ўғирди (Саид Аҳмад).

ТАХМИН, ТУСМОЛ, ЧАМА, ФАРАЗ. Қатъий (аниқ) бўлмаган фикр. **Тусмол** сўзи тахмин сўзига нисбатан жуда кам қўлланади. **Чама** ҳамма вақт эгалик қўшимчаси олган ҳолда қўлланади. **Фараз** кўпроқ китобий тилга хос.

Иброҳимовнинг мушоҳадасига кўра, Абдусамадқорининг сўнги кунлардаги қадам олиши Урмонжоннинг ҳар иккала тахминини ҳам тўғри эканлигини аниқ кўрсатиб турар эди (А. Қаҳҳор). Зуҳра қиз тусмол билан мени кимгадир ўхшатиб, сўнг пушаймон егани эсимда! (Н. Сафаров.) Комил ҳар қандай фаразларни мулоҳаза қилиб кўриб, эҳтиёти шарт чораларни ўртага ташлади (Ҳ. Фулом).

ТАШВИШ, САВДО, ТАРАДДУД, ҒАМ, ҚАЙҒУ, ШҮР, ШҮРИШ. Кўзланган мақсад, иш йўлидаги безовталиқ хатти-ҳаракати, ўй-фикри. **Шўр**, шўриш бу маънода жуда кам қўлланади.

Сен борсан, гўдаклар осуда ухлар, Сен борсан, қайлиқлар тўй ташвишида. Сен борсан, дарёлар бевақт чайқалмас, Файзи бор ўлканинг баҳор, қишида (Шуҳрат). Қизиқ, қон босимим пайиб кетиб, уни даволатиш ташвишида эдим, уйга телефон туширдим-у, касалдан қутулдим («Муштум»). Ошиқлигин бизлар

ҳам хўп биламиз, Туҳмат савдосидин бағри ярамиз («Эрали ва Шерали»). Бир йил бўлди, бизлар келган бу ерга, На савдо, билмарам, Булғор шаҳарга («Эрали ва Шерали»). Суҳбатдошларнинг хурсандчилиги, ташвиш, тараддудинининг гувоҳиди («Қизил Ўзбекистон»). Қушибеги Отабекнинг бу гапларидан яхшигина тараддудга тушган эди... (А. Қодирий.) Ойимхон опа айвонга чиқди, ниманингдир тараддудида эди (П. Турсун). Нурзода... баҳорда Олланиёз билан далага чиқиб экин экишди... кузда қишга ўтин-чўп ғамида тўнтак кавлади, қамиш ўрди (Х. Сеитов). Деҳқон келаси кузда оладиган ҳосилнинг ғамини шу куздан кўради (М. Исмоилий). «Барака топсин, юрт ғамида юрибди», — Умрзоқ ота соқолини тутамлаб, ўйчан гапирди (Ҳ. Фулом). У йилнинг тўрт фаслида, фаслларнинг ҳар бир кунда осмонни, булутни кузатиб боради, чунки у ўз отарининг қайғусини чекади («Қизил Ўзбекистон»). Ҳозир, уларнинг кўнглидаги нарса овқат қайғуси эмас, отани топиш қайғуси эди (П. Турсун). Дарёнинг бул юзида қолиб, ул юзидаги ёримга етолмай қақшаган бадбахт ошиқ шўри бошимда (М. Исмоилий). «Мени бирон машинада тезда Тошкентга жўнатиш! Бу қизингиз тушкур бир шўришни бошлаганга ўхшайди», — деди Нафисахон Пўлатжон акага (Мирмуҳсин). Эрталабдан бери бошига тушган шўришларни бир-бир ўйлаб, дунёда шу бугунгичалик абгор бўлмаганлигини эслади (М. Исмоилий).

ТАШВИШЛАНМОҚ, ТАШВИШ ҚИЛМОҚ, ҚАЙҒУРМОҚ, ҚАЙҒУЛАНМОҚ, ҒАМ ҚИЛМОҚ. Ташвиш, қайғу сезгисини туймоқ. **Қайғурмоқ** сўзида белги даражаси кучли. **Қайғуланмоқ** кам қўлланади.

Шокирбекнинг кеча эрталаб чиққанидан бери дараксиз кетишига ташвишланиб ўтирган уста Олим уни йўлакда кўриши биланоқ сўради: «Эй-й-й, баракалла сизга, Шокирбек, қайғуларда қолиб кетдингиз! Жуда ҳам ташвишландим-да ўзим...» (А. Қодирий.) Унчалик ташвиш қиладиган гап йўқ. Уч молимизни брак қилишибди («Муштум»). Ердамчинг йўқлигидан умидинг кесилиб, ҳасратингни кимга айтишни билмайдигандирсан! Қайғурма, бегим! Ҳасанали отанг бу тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади... (А. Қодирий.) «Қўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазиб бўлсин, жойсиз қайғуланмангиз, ҳожил!» (А. Қодирий.) Қорабулоқликлар гўё олдинда тоғ тешиш мушукули йўқдек қовун сайлига кетаётгандек, ғам қилмай... боради (М. Исмоилий).

ТАШЛАМОҚ, ҚУЙМОҚ, ҲИҒИШТИРМОҚ. Бирор ишни қилишдан тийилмоқ.

Евузликни, зўрликни касб қилган жаноб, Сен шунинг доимо хотирингда тут! Бош суқсанг юртимга, бўласан хароб, Яхшиси бу йўлни ташла, қўй, унут! (Шуҳрат.) Тўла шунча шармандаликдан кейин ҳам шумлигини қўймади (М. Исмоилий). Отаси

ўлганига ўн беш йил бўлиб қолди. Шундан буён ҳар қанақа ишни йиғиштирган (Ойбек).

ТАШНА, ЧАНҚОҚ, СУВСОҚ. Сув талаб, сув ичиш майлига эга. **Ташна** асосан одамга нисбатан қўлланади. **Чанқоқ** сўзи одам, бошқа жониворлар, шунингдек жонсиз нарсаларнинг сув талаб ҳолатига нисбатан қўлланаверади.

Одамлар қатра сувга ташна бўлиб тоғ қазисалар, Ғуломжон ҳам сувга ташна жон, ҳам ёр ҳажрида дили қон эди (М. Исмоилий). Чанқоқ ғўзаларни сувга қондириб олгач, Адолат шона ташлаб, гул тўкиб юборган ғўзаларни тирилтириш пайига тушди (И. Раҳим). Оч ва сув соқ ўлди не-не болалар, Панжалар ёпишди тўғри ёқага (Миртемир).

ТАЪМ, МАЗА, ТОТ. Нарса-предметларнинг таъм-маза билиш органларига таъсиридан уйғонадиган сезги. **Тот** сўзи бу маънода кам қўлланади.

Қовунни саҳарда узсангиз, муздек туради, муздек қовунни есангиз, таъмига таъм, мазасига маза қўшилади (Ш. Рашидов). Беҳи пишмай мазаси ҳеч тотилмайди. Бу замонда қизлар пулга сотилмайди («Муштум»). Дуторнинг шўх саси ҳам, Дўстлар қаҳ-қаҳаси ҳам,.. Картошканинг тотти ҳам, Яширин севги хати ҳам Шу хонада ёзилар (Мирмуҳсин).

ТАЪНА, ЕЗҒИРИҚ, МАЛОМАТ. Камситиш ифодаси, камситувчи баҳо, камситувчи айблаш. **Маломат** кўпроқ китобий услубга хос.

Сидиқжон қайнарасидан бу хилдаги таъналарни кўп эшитган, лекин сира гап қайтармаган эди (А. Қаҳҳор). Мен эмас, одамларнинг маломати, катта бувининг жаҳолати ташлади сени ўтга, болам! (М. Исмоилий.)

ТАҚДИР, ҚИСМАТ, ЕЗМИШ, ПЕШАНА, НАСИБ(А), КЎРГИЛИК. Диний тушунчага кўра, кишининг гўё олдиндан (илоҳ томонидан) белгилаб қўйилган ҳаёт йўли, ундаги воқеа-ҳодисалар.

...Шу билан бирга газетхонларнинг ўз тақдирларида рўй берган ўзгаришлар ҳақидаги хатлари ҳам қўшиб босилди («Совет Ўзбекистони»). Ҳар бирининг қаддига тоғ ҳам чўкди, мана унинг қисмати! Қайси гуноҳ учун бу тақдир? (Ойбек.) Е бошинг эгдими ҳасрат, алам, роз? Е ерга йиғлайсан ўз қисматиңдан? (Шухрат.) Булар тақдирга тан берганлар, ўзининг ўлиги ҳам шу биёбонда қолиб кетганини бўйнига олиб қўйганлар эди. Лекин ёзмишга бўйин эгмай, нимадир кутиб кўзига уйқу келмаган, кўнгида исён ўти сўнмаганлар ҳам бор эди (А. Мухтор). Ҳақлигимни билмади-ку, синди дор, Мен найлайин шулар пешанамда бор! («Эрали ва Шерали».) Кўксингни чок этгил, айлагил фарёд. Сенинг пешанангга ёзилгани шу (Уйғун). Бу аянчли қисмат Чор Россиясидаги барча халқларнинг Урта Осиё халқларининг,.. ҳам насибаси эди («Совет Ўзбекистони»).

Шундай бўлди сенга кўргилик, қолиб кетдинг ўрмонларда хор (Уйғун). Бу савдони кўргин тақдир — шўриндан, Борган билан ҳеч иш келмас қўлингдан («Эрали ва Шерали»).

ТАҚСИМЛАМОҚ, БУЛМОҚ. Маълум улуш (миқдор) билан ажратмоқ.

Элмурод батальон командири Данильченкодан участка олгач, ёзводларни тақсимлаб, тезда окоп қазига буюрди (Шухрат). [Элмурод] ўз олдида турган нарсаларни бирма-бир узатди: «Мана бўр, дафтар, қалам, «Алифбе». Ҳаммасига бўлиб беринг!» — деди (П. Турсун).

ТЕБРАНМОҚ, ЧАЙҚАЛМОҚ, ЛАПАНГЛАМОҚ, ИРҒАЛМОҚ, СОЛЛОНМОҚ. Икки ён томонга бир текис ҳаракатда бўлмоқ. **Ирғалмоқ, соллонмоқ** кўпроқ диалектал сўз ҳисобланади.

Машина шаршара кўпригидан ўтиб, катта шағал йўлга тушгач, ўнқир-чўнқир жойларда тебрана бошлади (И. Раҳим). Мадамин хўжа эса бошини солинтириб, мумдек эриб ўтиради. Фақат озғин гавдаси ашулага монанд чайқалади (М. Исмоилий). Тонг ели йўнагач, қанотин ёзиб, Тебраниб, чайқалиб очилди гуллар (Уйғун). Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқмол ёлли тўриқ отни миниб, неча кундан бери уйқудан қолган эмасми, мункиб, қалқиб, минган оти йўлдан чиқиб, тенгсалиб, терваниб, бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан («Муродхон»). Соқит оғочларнинг зумрад шохлари Кумуш сув устида турар соллона (Уйғун). Зулукхон амиркон кавушини асфальт йўлда ғижирлатиб босиб, шийпон томонга соллониб юриб келди (Ҳ. Ғулом).

ТЕЗ, ИЛДАМ, ЖАДАЛ, ШИТОБ, ШАХТ, ЗУД. Нормал ҳолатдан юқори темп (суръат) билан (ҳаракат ҳақида). **Тез** кенг тушунчага эга, жуда кенг қўлланади. **Илдам** асосан юриш ва қўл ҳаракатига нисбатан қўлланади. **Жадал** сўзи **тез** сўзига нисбатан кам қўлланади, маънони **тез**, **илдам** сўзларига нисбатан кучли даражада ифодалайди. **Шитоб** оддий сўзлашувда кам қўлланади. **Шахт** кам қўлланади.

Пахтани тез терайлик, Шакархондай бўлайлик. Ҳаммани қойил қилиб, Ленин орден олайлик («Қўшиқ»). Назира Мирзакамолиддин ўрнидан қўзғалгунча, илдам юриб келиб, унга қўл узатди (Саид Аҳмад). Мавлон ака бойнинг сўзларига ортиқ қулоқ солмай, катта йўл томонга жадал юриб кетди (Ҳ. Ғулом). У аллақачон турган, столда шитоб билан бир нима ёзмоқда эди (А. Қаҳҳор). Самолёт нам ҳавонг кесиб шахт учиб бормоқда (Саид Аҳмад). Деҳқонбойни ер тагидан бўлса, топинг, ўлдириңг?! Кейин зуд бу қишлоқдан чиқиб кетинг, бўлмаса ишингиз чаппа бўлади. Уралиб қоласиз... (К. Яшин.)

ТЕЗЛА(Ш)МОҚ, ЖАДАЛЛА(Ш)МОҚ, ИЛДАМЛАШМОҚ. Тез (жадал) суръатга ўтмоқ. **Жадалла(ш)моқ** қаънони куч-

ли даражада ифодалайди. Илдамлашмоқ оёқ ва қўл ҳаракатига нисбатан қўлланади.

Раҳимберди жавоб бермади. Фақат нафас олиши тезлашди (Х. Тўхтабоев). Машина жўнади-ю, тезлаб дўнғроқ кўприкдан ўтишда багажникнинг қопқоғи бир кўтарилди-да, бояги иккала чамадон отилиб чиқди (А. Қаҳҳор). Шарофат болани олиб дарвозадан кириб кетгач, Сидиқжоннинг юраги «жиз» этди, кўзига келган ёшини тез-тез киприк қоқиб ютди-да, секин бурилиб анча ергача бошини қуйи солгани ҳолда битта-битта қадам ташлаб борди, кейин жадаллади (А. Қаҳҳор). Иш суръати тобора жадаллашмоқда (Ш. Рашидов). Қишлоқ кўчаси товонларини куйдиргандек, жангчиларнинг одимлари ўз-ўзидан илдамлашди (Ойбек).

ТЕКИНХҲҮР, ТЕКИНТОМОҚ, БАЛОХҲҮР, ҲАРОМХҲҮР, ҲАРОМТОМОҚ, ПАРАЗИТ. Меҳнат қилмай кун кечирувчи, бошқалар ҳисобига яшовчи.

— Йўқ, онаси, кичиклигидан ишга ўргатайлик, йўқса катта бўлганда бўйни ишга ёр бермай қолади. Ҳа, қип-қизил текинхўр бўлади, муттаҳам бўлади (М. Исмоилий). Жамият учун зарари нақд, ҳатто вақт-соати келганда хавфли бўлган бу текинтомоқлар билан кескинроқ курашгани нима халал беради (А. Қаҳҳор). «Йўқ, мен емайман, буни ҳам балохўрларга бер, ўзлари есин»,— деди Ҳайдар (С. Айний). Қорабулоққа қайтиб келганига уч йил бўлибдики, ана шу давр ичида камбағаллар тарафини олиб, қишлоқ балохўрлари билан олишмаган кунини билмайди (М. Исмоилий). Манноп Яхшини кўролмайдди, ёмонга иноқ, дўст. Очиқ-ёруғ разилликдан эса тап тортмайди, мунофиқлик қон-қонига сингиб кетган, унга харомхўрлик билан яшаш азалдан роҳат (Ш. Абдуллахонов). ...Усимликлардан баъзиларининг яшил барглари бўлмайди ва улар ўзи ўрашиб олган дарахт ширасида овқатланади. Бундай ўсимликлар паразит ўсимликлар деб аталади («География»).

ТЕМА, МАВЗУ. Бадий асар, илмий текшириш иши, суҳбат учун танланган объект. Мавзу нисбатан кам қўлланади.

Машғулотларда ўрганиладиган теманинг тингловчилар онгига чуқур сингиши, тушунарли, қизиқарли ва таъсирчан бўлиши учун астойдил интилади («Совет Ўзбекистони»). Шоир таъёрларидаги каби дostonларида ҳам ўзгаллик ва муҳаббат, табиат ва инсон, инқилоб ва кишилар тақдири, садоқат ва бурч мавзулари қаламга олинган («Тошкент оқшоми»). Тингловчилардан мазкур мавзуда бериб қолиниши эҳтимоли бўлган саволларни ҳам, унга бериладиган жавобларни ҳам ўйлаб қўйди («Совет Ўзбекистони»). Социалистик ўзгаришлар тажрибаси — конференция мавзуси («Совет Ўзбекистони»).

ТЕНГ, БАРАВАР (БАРОБАР). Ҳажм, миқдор, эвазлик ва бошқа жиҳатидан ўзаро муносиб, мос, бир хилда.

Пешананга бахт битган экан, болам. Бўйи бўйинга тенг, қоши-кўзи сурма қўйгандек қоп-қора (П. Турсун). Одамлар «дин-шариат» деб, «урф-одат» деб алданиб келдилар. Лекин бунинг асл маъноси қонхўрлик билан баравар ваҳшиёна зулм эканини тушунмай келдилар (П. Турсун). Утган йил эккан гули Буқун бўйи баробар (Ю. Ҳамдам). Беш қўл баробар эмас (Мақол).

ТЕНГДОШ, ТЕНГҚҲҮР, ҲАМҚҲҮР, ТЕНГ, ТЕНГ-ТУШ. Тугилган йили бир хил, бир вақтда тугилиб-ўсган. Жонли сўзлашувда тенгқур сўзи кўпроқ қўлланади. Ҳамқур кам қўлланади.

Қудрат бўлса ўзидан бир синф паст ва бўйи елкасидан келадиган Кўзибой билан худди тенгдошдай чиқишиб қолган эди (Ҳ. Назир). Қурбон ота гўристонни кўчириш ҳақида ўз тенгқурларини йиғиб ишни қачон ва қандай бошлаш тўғрисида маслаҳат қилди (А. Қаҳҳор). Йўлчи ўз ҳамқурларини билан бирга тонг шабадасида ишга тушар, қуёш тик келганда овқатланиб, то қоронғилик тушгунча яна меҳнат қилар эди (Ойбек). Ўз қишлоғида, ўз тенглари орасида ҳар номаъқулчиликни қилса ўтаверади. Бу ер шаҳри азим, бу ер Тошкент (Ойбек). Моҳидил тенг-тушлари ичида довураклиги билан ажралиб туради (Ш. Абдуллахонов).

ТЕНТАК, ТЕЛБА, ДЕВОНА, САВДОЙИ, ЖИННИСАНҒИ, ЭСВОС. Фикрлаш қобилияти нормал даражада бўлмаган, ақли норасо.

Қандай аҳмоқ. Қандай тентак, девона Дея олсин Бу қурилиш, бу ўсиш — Ҳамирдан қил сугургандай беозор. Бемашаққат, осойишта бир иш деб?! (Уйғун.) Унинг [Олахўжанинг] галдираклаши ва йиғламсираган башараси йўлда ҳамёнини тушуриб қўйиб, кейин қидиришга тушган телба одамни эслатар эди (П. Турсун). ...Зухраҳон акадан ажралди. Бу дардни қизнинг онаси Фотимабону кўтара олмади. У савдойи бўлаёзди (Н. Ёқубов). Мирҳайдарзах зиндон этини сўриб, қуруқ суяк мушукдек бўлиб қолган саррожга тикилар, унинг ақли ўтмаслашиб, ўйлайвериб савдойи бўлиб қолганини аллақачон пайқаган эди (Мирмуҳсин). ... диванга чиқиб, кўзларини лўқ қилиб, чўнқайиб ўтириб олади. Худди жиннисанғилардай ўзи билан ўзи гўнғир-гўнғир гаплашади (С. Анорбоев).

ТЕРГАМОҚ, КУТМОҚ. Хатти-ҳаракатини назорат билан суриштириб, текшириб турмоқ. Иккала сўз ҳам бу маънода асосан ёшларга нисбатан қўлланади.

Қани Адолат энди уни тегаб кўрсин-чи, Бозоровнинг номини эшитиши билан дами ичига тушиб кетади (И. Раҳим).

ТЕРМИЛМОҚ, ТИКИЛМОҚ, ТУНМОҚ. Кўз олмаслик, кўз узмаслик. Термилмоқ сўзида умидворлик, ҳавас билан қараб туриш оттенкаси бор.

У аввал ҳокимга, кейин ҳимоя талаб қилаётгандек Тешабойга термилиб: «Шаҳаргача мен миниб борсам, илло яёвман»,—

деди (М. Исмоилий). Шунинг учун ҳам у бутун оламни унутиб, гўзаларга шунча суқ ва ҳавас билан термилар эдики, ҳатто Ойқизнинг орқада қолганини ҳам сезмади (Ш. Рашидов). Шокир ота кўз ойнаси орасидан ўғлига тикилиб, унинг сўзидан норози эканини билдирди (Ойбек). Бунда ҳаёт — илҳом онлари Қаламингдан тўкилган гавҳар. Гул бўйини олганда шамол Рашкка тўлиб тўнгану кўзлар (Зулфия). Қалдирғоч қошларидан, Тўниб қарашларидан Ҳаёт сочилар эди, Гуллар очилар эди (Х. Олимжон).

ТЕТИК, БАРДАМ. Куч-қувватга эга, куч-қувватини йўқотмаган ҳолатда. Иккала сўз ҳам, айниқса бардам сўзи кексаларга ёки касалларга нисбатан қўлланади.

У кишининг ёшлари анча улғайган бўлса ҳам, лекин ҳали жуда тетиклар (Ойбек). Шундан бир неча кун кейин доктор келганда Элмурод ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қилди (П. Турсун). Менинг суюгим шу ишда қотган. Отхонани менга бер, бир амаллаб эларман. Отбоқаринг бардам, бошқа ишга қўй (И. Раҳим).

ТИЛАНЧИ, САДАҚАЧИ, ГАДО(Й), ДЕВОНА. Хайр-садақа билан кун кўрувчи шахс. Девона шу маънода асосан сўзлашув тилида қўлланади.

Симхоев заводидан юрса ниҳоятти бир чақирим йўл юргандир, лекин учраган тиланчиларнинг сони босган қадамидан ортиқдай кўриниб кетди (М. Исмоилий). Ғуломжон гадоённинг бўш, очик қўлига бир нарса ташлаш учун чўнтақларини кавлай бошлади (М. Исмоилий). Девона ҳам хуржунини бир марта йўқотади (П. Турсун).

ТИЛКАЛАМОҚ, ТИЛКА-ТИЛКА ҚИЛМОҚ, ТИЛКА-ПОРА ҚИЛМОҚ, БУРДАЛАМОҚ, БУРДА-БУРДА ҚИЛМОҚ, ПОРАЛАМОҚ, ПОРА-ПОРА ҚИЛМОҚ. Майда-майда гарчаларга бўлиб ташламоқ.

Қоп-қора осмонни чақмоқ тилкалаб ўтди... (А. Мухтор.) Босмачилар ҳимоясиз жувон мурдасини ваҳшийларча тилка-тилка қилиб, қузғунларга ташлаб кетдилар (А. Мухтор). Осмон бағрида аҳён-аҳён ип торган олов ранг чизиқлар зулматни тилка-пора қилар, осмон эса-тўс-тўполон ичига шўнғиб борарди (Ж. Абдуллахонов). Агарда ўз ҳолига қўйиб берилса, аламзада қишлоқ аҳолиси қўлга тушган босмачиларни бурдалаб ташларди (Ғайратий). «Ит боқувчи олимлар» итларни одамларни қопишга ва ўз қурбонларини бурда-бурда қилиб ташлашга ўргатганлар («Қизил Ўзбекистон»). «У [Миронов] мард ва дов юрак одам эди, лекин бу ўлим юрагини шунча поралаган эдики, сldимда ўзини йиғидан зўр-базўр тутиб турар эди»,— деди Ҳалима (Х. Носирова). «Аврора»дан отилган замбарак зулмат ва кулфат салтанатини баҳордаги чақмоқдай поралади («Саодат»). Балки Ҳаёт ҳам унга ташнадир? У ҳам Ғуломжонни кўргиси келиб, юрагини пора-пора қилган аламларини бўлгиси келиб ўтирдандир (М. Исмоилий).

ТИНЧ, ЖИМ, ЖИМЖИТ, ТЕК, СОКИН, ОСУДА. Ҳаракатсиз ёки товушсиз ҳолат. Тинч сўзи ҳаракатсиз, товушсиз ҳолат маъносини билдириш билан бирга, умуман, тўполонсиз, ғала-ғовурсиз маъносини ҳам билдиради. Бунда ҳаракат, товуш бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу нормал ҳолат ҳисобланади. Жим сўзи асосан товушсиз ҳолатга ва кам даражада ҳаракатсиз ҳолатга нисбатан қўлланади. Жимжит фақат товушсиз ҳолатга нисбатан қўлланади ва жим сўзига нисбатан маънони кучайтириброқ ифодалайди. Тек сўзлашув стилига хос бўлиб, жонли нарсаларга нисбатан қўлланади. Сокин китобий сўз бўлиб, асосан товушсиз ҳолат маъносини билдиради ва кўпроқ жим ҳолатни ифодалаш учун қўлланади.

Кўринишда ҳамма ёқ тинч. Чойхонада беданалар сайрайди (Ойбек). Каминанинг бирдан-бир орзуси Хуросонни тинч ва осойишта кўрмоқдир (Л. Батъ). Ота-бола анчагина жим борди. Уртага оғир сукунат тушди (М. Исмоилий). Энди Ғуломжон тирлик нишонасини билдирмай жим ўтириши, ишининг кетишини чидам билан кутиши керак (М. Исмоилий). Зумрад кўзларини қоронғи бўшлиққа тикканича қимирламай ўтирарди. Кеча жим-жит. Фақат сувнинг шилдираши эшитилади (С. Зуннунова). Чолнинг товуши ўзгарди, ўпкаси тўлди шекилли, бирпас тек қолиб, кейин гапирди (А. Қаҳҳор). Мен ҳам, албатта, тек турмай, кучим етганча қимирлаб тураман. Қурт тутамиз (А. Қаҳҳор). Атроф сув қуйгандек сокин (Шуҳрат). Бутун шаҳар халқи сокин уйқуда, Ором олмоқдасан сен ҳам осуда (Х. Расул).

ТИНЧИМОҚ, ЖИМИМОҚ, ЖИМ БЎЛМОҚ. Гап-сўздан, шовқин-сурон, ғала-ғовур қилишдан тўхтамоқ.

Зал тинчиди. Оркестр давом этди (А. Қаҳҳор). Аёнлар супада, одамлар ерда ўтириб, ғала-ғовур тинчигандан кейин ҳоким одатдагича тилмоч орқали халқни огоҳлантирди (М. Исмоилий). Синф раҳбари гап бошлаши билан синф сув қуйгандек жимиди (М. Исмоилий). Ҳамма жимигандан кейин: «Энди «пир этди» ўйинини бошлаймиз»,— деди (М. Исмоилий) «Уртоқлар!» — деди Собиржон. Ҳамма жим бўлди (А. Қаҳҳор).

ТИРИК, ҲАЁТ, БАРҲАЁТ. Яшаб турган ҳолатда. Барҳаёт кўпроқ бадий нутқда, поэтик нутқда қўлланади.

Алхамдулилло, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам (Ойбек). Деҳқон ер билан тирик (Н. Сафаров). Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда, Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам (Зулфия). Туғилиш бор, аммо ўлим йўқ сенга, Сен улуг инсонсан, барҳаёт, нодир (Уйғун). Йўқ, асло!.. Гулбоғлар, хиёбонларда Сени мудом кўрар жаҳон барҳаёт (Миртемир).

ТИТКИЛАМОҚ, ТИТМОҚ, КАВЛАМОҚ, КАВЛАШТИРМОҚ. Топиш, қидириш ҳаракатида нималарнидир жойидан у ёқ-бу ёққа қўзгатмоқ.

«Шунгайм-ми?» — дедим ичимда ва қидиришга арзимаса ҳам

шу қизни хурсанд қилиш учун икки қўлим билан тупроқни титкилашга тушдим (Ойдин). Баъзан хаёл бошлаб кетади, хотирамни изғиб, титади (Ойбек). Ҳамиджон чўнтагини кавлаштирди (Х. Тўхтабоев).

ТИТРАМОҚ, ҚАЛТИРАМОҚ, ҚАЛТ-ҚАЛТ ҚИЛМОҚ, ДИЛДИРАМОҚ (ДИЙДИРАМОҚ) ДИР-ДИР ҚИЛМОҚ. Титроқ, қалтироқ ҳолатида бўлмоқ. Титрамоқ жонли ва жонсиз нарсаларнинг титроқ ҳолатда бўлишини ифодалаш учун қўллана беради. Қалтирамоқ асосан одамга нисбатан қўлланади ва маънони титрамоқ сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди. Дилдирамоқ, дийдирамоқ совуқ таъсирида бўладиган титраш маъносида қўлланади.

Гулнор эса титрайди, қандай жавоб беришни билмай, бошқа гапга чалғитади (Ойбек). Ой нури мавжланиб титрайди. Баргларга қиради ширин тил (Ойбек). Боғнинг қуёш томонида бир чизикда саф тортиган баланд, адл тераклар... Улар ҳар вақт майин титрайди (Ойбек). Ранги қум ўчган, изтиробдан қалтираган одамлар ўз харобалари олдида тишларини қисиб жим уйма-нардилар (Ойбек). Бобоқул отага ўзининг ташвиши етмагандай буниси ортиқча бўлиб тушди. Қўйлар кеча эрталаб охириги тутам хашакни еб бўлишган. Ушандан бери оғизларига чўп теккани йўқ. Очлик ва совуқдан қалт-қалт қилар эди (С. Анорбоев). Ғариб, сокин бир оқшом... Эгни юпун одамлар дилдираб, бошларини икки елкалари орасига сиқиб чопадилар (Ойбек). Отхонада дийдираб, кунжара ушатиб қўйларга беради (Ойдин).

ТИТРОҚ, ҚАЛТИРОҚ. Титраш, қалтираш ҳаракатли ҳолат. Қалтироқ маънони титроқ сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди.

Сувонжон қиз бола баданининг шу қадар ҳароратли бўлишини илк бор ҳис этиши эди. Бирданига ичидан титроқ турди (С. Анорбоев). Мингбошининг қовоғидан қор ёға бошлади. Бунни кўриб Соли Совуқни қалтироқ босди (М. Исмоилий).

ТИҚМОҚ, СУҚМОҚ. Бир нарсани иккинчи бир нарсанинг ичига қисман ёки яхлитлигича киритмоқ. Суқмоқ кам қўлланади.

У...бир қўлида эзилган папкани ўйнаб, иккинчи қўлини шим киссасига тикиб, ...узоқ вақт ўйланиб ётди (Ойбек). Лекин пулни жуда мақтаб юбордим, шошма, ерда ҳам хосият кўп. Ер туғади. Ерга чўпни тикиб қўйсанг, кўкариб, қулочга сиғмас дарахт пайдо бўлади (Ойбек). У, одам йўқлигидан мамнун бўлди-ю, Назоқатхон ўтирадиган хонага бошини суқди (Ш. Рашидов). Муҳаммад Жамол ўрнидан турди, калтагина шимининг чўнтақларига қўлларини суқиб, дераза томон юрди (Ойбек).

ТОЗА, ОЗОДА, ПОК, ПОКИЗА, СОФ, МУСАФФО, БЕГУБОР, ҒУБОРСИЗ. Ифлосликдан, гард-ғубордан холи. Тоза жуда кенг қўлланади. Озода сўзида белги даражаси кучлироқ. Пок нисбатан кам қўлланади. Покиза маънони бир оз кучлироқ оттен-

када ифодалайди. Соф, мусаффо шу маънода китобий ҳисобланади ва иккаласи ҳам кўпинча ҳавога нисбатан қўлланади. Мусаффо маънони кучли оттенкада ифодалайди.

Йўлчи қўялари билан атрофни сайр этаркан, рўбарўдаги қўрғон — ичкари ҳовли эшигидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар чувиллашиб чиқишди. Буларнинг кийимлари тоза ва янги эди (Ойбек). Озода, ёруғ синф, Тувакда хилма-хил гуллар (Ю. Ҳамдам). Партияга қалбдан ташаккур, Йўлимиз пок унинг туфайли (Е. Мирзо). Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг пок иезеллари баданни чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради (Шухрат). Тонг ели соф ҳаво билан бирга эшик олдидаги ёш терак, тол япроқларининг шилдираган ва «Шўхсой»нинг шовиллаган овозини келтирмоқда (Ҳ. Назир). Яқингинада шувалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо (С. Анорбоев).

ТОМОН, ТАРАФ, ЕН, ЕҚ. Бирор йўналишдаги жой (макон), шунингдек бирор жой, маконга йўналишнинг ўзи. Ен шу маънода кам қўлланади.

Шофёр машинани тўй бўлаётган томонга ҳайдаб, хиргойи қилиб кетди («Муштум»). Ҳар тарафга қараб йўл олдиқ (Е. Мирзо). Сидиқжон ялт этиб хотинига қаради: «Нима дединг?» Ажрим қилиб кетинг? «Мен бирон ёққа кетаётганим йўқ эдику... Кетинг демоқчи бўлсанг, тўғриси айтга бер» (А. Қаҳҳор).

ТОМЧИ, ҚАТРА. Суюқликнинг юмалоқ шаклдаги кичик зарраси. Томчи сўзи қатра сўзига нисбатан кенг қўлланади.

Ёмғир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди (П. Турсун). Шунинг учун у ҳар гал уйда ё айвонда чўққайиб, истар-истамас йиғлай берар, яъни дастрўмолини юзига тутиб, кўзидан қатра ёш чиқмаса ҳам, онасининг шаънига булбулдай айтиб «йиғлар» эди (Ойбек).

ТОПШИРИҚ, ВАЗИФА. Бажарилиши юклатилган иш.

Бугун келган ҳамма хат-хабарларни ўқиб бўлиб, ҳар қайсисига яраша топшириқлар бергач, Навоий боққа чиқди-да, соясалқин бир шийпончага кирди (А. Батъ). Уқитувчи мактабда боланинг дарс вақтидаги ишини бевосита кузатиб бориш, ўтилган темаларни мунтазам равишда сўраб туриш ва уйга берилган топшириқларни бажарган-бажармаганлигини текшириб туриш билангина назоратни амалга оширади («Уқитувчилар газетаси»). Эртаси кунни Элмурод ўз шогирдларига вазифа бериб қўйди-да, аёлларнинг ўқишини кўришга келди (П. Турсун).

ТОРТИНМОҚ, ҚИМТИНМОҚ, ИЙМАНМОҚ. Уялиш ёки бошқа андиша билан ўзини тутиб (тортиб) турмоқ. Қимтинмоқ уялиш, андиша билан маълум бир моментда бетламай туришни билдиради.

Тўла жавоб қилмоқчи эди, лекин шу вақтгача ўзида ҳеч қўрилмаган ғалати бир тортиниш тилини тутиб қолди (М. Исмоилий). Одам дунёга бир марта келади. Шундай бўлгандан кейин,

у, бу деб қимтини б ўтирмаслик керак (Х. Сеитов). «Тўла шу ерда, мана, ҳурматли муаллим», деди Таманно, Тўлани болалар орқасида ий м а н и б турган еридан олдинга тортиб (М. Исмоилий).

ТОРТМОҚ, ЖАЛБ ҚИЛМОҚ. Диққат-эътиборни, ички интилишни ўз томонига йўналтирмоқ. Жалб қилмоқ оддий сўзлашувда жуда кам қўлланади. «Тирикман, отавер!»— деди Филатов ва ўзини тетик кўрсатиш, шу билан Аҳмаджоннинг диққатини ўзига т о р т м а с л и к учун завдасини бир оз кўтарди, пулемёт лентасини силкитиб кўйди (А. Қаҳҳор). Норбой ой ёруғида ўзига ж а л б э т а ё т г а н бу қалби пок меҳнаткаш, мушфиқ аёлга бошдан-оёқ раэм солди (Х. Сеитов).

ТУЗМОҚ, ТАШКИЛ ЭТМОҚ, БАРПО ЭТМОҚ, ОЧМОҚ. Юзага келтирмоқ.

Ўзимга ўхшаган кекса-карвонлардан звено т у з с а м м и к и н деб ўйладим («Саодат»). Касалхонадан чиққанидан сўнг доктор бир кун маҳаллада ўзи т а ш к и л э т г а н худосизлар тўғрагининг машғулотига олиб борди (А. Қаҳҳор). Диалектик материализм коммунистик партиянинг дунёқараши, коммунистик жамият б а р п о э т у в ч и ишчи ҳам деҳқонларнинг, барча халқларнинг ўткир назарий қуролидир (И. Мўминов). Соё бўйида самбит тол, Савлатинга қойилман. Мактаб о ч и б ўқитган Давлатинга қойилман («Кўшиқ»).

ТУР, ХИЛ, НАВ, ТОИФА. Умумий белгилари билан бирлашган нарса-предметларнинг группаси, разряди. Тур кенг қўлланади. Хил кўпроқ сўзлашув стилига хос. Нав ўсимликка нисбатангина қўлланади.

Ҳайвонот боғидаги ҳайвонларнинг т у р и ҳам, сони ҳам кўп («Муштум»). Гитлерчилар қуролнинг ҳамма турини ишга солиб, бизнинг марраларимизга яқинлашиб қолди. Аҳвол жиддийлашди (Н. Сафаров). Мичурин жуда кўп тажрибалар қилди. Меванинг жуда кўп янги х и л л а р и н и топди («Қизил Ўзбекистон»). Олтин куз тугамоқда, боғбонлар ширин-шакар меваларнинг кеч пишар н а в л а р и ҳосилини йиғиштириб олмоқдалар («Қизил Ўзбекистон»). Мажидиддин битта бармогингизни узатсангиз, бутун қўлингизни узиб олишдан ҳам қайтмайдиган кишилар т о и ф а с и д а н эди (Л. Бать). Ишқилиб, бу ерда ҳар т о и ф а одамлар... кела беради (П. Турсун). Ҳозирги вақтда СССРда товуш жўжаларни бир суткалик бўлганида жинсга ажратиб усули ўзлаштирилган ва кенг ёйилмоқда («Ўзбекистон паррандачилари учун справочник»).

ТУРЛИ, ҲАР ХИЛ, ҲАР ТУРЛИ, ХИЛМА-ХИЛ, ТУРЛИ-ТУМАН, АНВО(ЙИ). Бир неча турли, тур (хил) жиҳатдан ранг-баранг. Турли кенг тушунчага эга. Анво(йи) эскирган.

Зиёфат т у р л и лазиз таомлар, хушхўр мевалар, шарбатларга бой (Ойбек). Энди биз-ку ўтдик, болаларимиз ҳам биздай бўлмасин денг. Бунинг учун болаларга ҳ а р хил адабиётлардан

ўқитиш керак (А. Қаҳҳор). Маҳдумнинг оғзидан ҳ а р т у р л и такаллуфлар чиқса ҳам, унинг нима учун ариза ёздирганини сўрамади (А. Қодирий). Черницов мазали ҳид таратиб турган х и л м а - х и л овқатларни кўрган: «Бу Великанинг иши»,— деди (И. Раҳим). Унинг ичидан бир-иккита ички ва ташқи кийим билан бир оқ сочиқдан бошқа т у р л и - т у м а н китоблар бор эди (П. Турсун). Минг а н в о гуллар ичидан ёр кўзини эслатувчи нарисни узиб олди (М. Исмоилий). Отаси буюрдик, филҳол а н в о й и лазиз таомлардан пиширгайлар (А. Қаҳҳор).

ТУРМУШ, ҲАЁТ, ТИРИКЧИЛИК. Кун кечириш шароит-ҳолати. Турмуш кенг тушунчага эга, у кун кечириш, яшаш билан боғлиқ бўлган барча шарт-шароит, ҳолатларни ўз ичига олади. Ҳаёт бу маънода нисбатан кам қўлланади. Тирикчилик асосан ейиш-ичиш, таъминот билан боғлиқ бўлган шароит-ҳолатни билдиради.

Областимиз колхозчилари йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириб яхши даромад олмоқдалар. Уларнинг т у р м у ш фаровонлиги ортиб борапти («Тошкент ҳақиқати»). Ўзимнинг т у р м у ш и м хақида гапириб берсам майлими? (Ш. Рашидов.) Яхши ишласак, ўз т у р м у ш и м и з фаровон, юрт обод бўлади (Ойбек). Баъзи жойларда исрофгарчилик одатга айланиб бормоқда, ҳаёт учун энг азиз ва мўътабар бўлган нон қадрланмай, исроф қилинмоқда («Муштум»). Уй-рўзгоримга нима бўпти. Керакли нарсалар бор, т и р и к ч и л и к ўтгапти («Муштум»).

ТУСМОЛЛАМОҚ, ТУСМОЛ ҚИЛМОҚ, ЧАМАЛАМОҚ, ЧАМА ҚИЛМОҚ, ТАХМИНЛАМОҚ, ТАХМИН ҚИЛМОҚ. Тахминий равишда белгиламоқ, тусмол билан белгиламоқ. Тусмолламоқ, тусмол қилмоқ асосан бирор нарса, жой ёки белгини тахминий белгилаш маъносига қўлланади. Чамаламоқ, тахминламоқ асосан миқдор, масофа, оғирлик ва шу кабиларга нисбатан қўлланади.

...ундан кейин афти-башарасини ўқтириб эдим, т у с м о л л а б биттасининг отини ёзди, чоғи (А. Қодирий). «Инсон ўзи билмаган, лекин т у с м о л қилиб юрган бутун орзуларига етишадими-ю, бахтли бўлмайдимиди?!»— деди Уктам (У. Умарбеков). Тўғри, Барчиной, яшашининг чиройи салмоқдор меҳнатда»,— деди Уктам ва тошнинг оғирлигини тўғри ч а м а л а ё т г а н д а й, қимирлатиб кўрди (Ойбек). ...вилоятнинг амини буғдойни икки таноб т а х м и н л а г а н, яна нега дод дейсанг (С. Айний.) Дарвоқе, чавандозлар Мавлон ака т а х м и н қилган кишилар бўлиб чиқди (Х. Ғуллом). «Булар,— деди бой,— ўттиз таноб та х м и н қ и л г а н, ўзимнинг тахминимга кўра қирқ таноб чиқса керак» (С. Айний). «Бозорга сабзи-пиёзми ё картошка олиб келиб, бола-чақаларига кийим-кечак қилиб кетаётган деҳқон бўлса керак»,— деб та х м и н қ и л д и (С. Анорбоев).

ТУТАШ, ПАЙВАСТА. Улашган (бирикиб кетган) ҳолатда.

Туташ кенг қўлланади. **Пайваста** асосан қошга нисбатан қўлланади ва кўпинча ижобий муносабатни ифодалайди.

Отлар бир-бирига туташ икки дала орасидаги эгатга келиб тўхташди (М. Исмоилий). Комила бурилди... қошлари туташ, оқ шойи шим, енги тирсақкача ҳаво ранг юпқа кўйлак кийган ўспиринга нимадир деди ва Уктам томонга аста одим отди (Ойбек). ...Анор юзли, қора соч, Камон қошлар пайваста (Ғайратий).

ТУТМОҚ, УШЛАМОҚ. 1. (Қочқиндаги ёки ўзича эркин ҳаракатдаги нарсани) қўлга туширмоқ, қўлга илинтирмоқ.

«Тут, ушла ифлосларни!» Деган ваҳший ҳайқириқ Пост атрофини тутди, Фурсат келган эди зиқ (Ғайратий) Келин деб бошқа аёлларни чимчилайдилар. Улар чимчиловчиларни қарғайдилар. Ушлаб олсалар, урадилар... (Ойбек.)

2. Бирор нарсани бармоқлари, панжаси орасига олиб қисмоқ. Бу маънода ушламоқ сўзи кенг қўлланади.

Барно қўлига узун чўпни тутиб, картага боққанча турибди (Х. Назир). Бир қўли билан деразанинг дастасини ушлади. Кўз олди қорайиб, бутун ичини, борлигини оғриқ-алам сиқиб олди (Ойбек).

ТУТУН, ДУД. Бирор нарсанинг ёниши ёки куйишидан ҳавога ажралиб чиқадиган зарралар ва газсимон маҳсулотлар мажмуи. Дуд кам қўлланади.

...Мен келсам, мана бу сабил мўридан шамол тошқўмир тутунини қайтариб, бутун уй тутунга тўлган экан (А. Қаҳҳор). Рўпарадан деразадан қуйилаётган офтоб ёғдуларида лахта-лахта тамаки дуди сузиб юрарди (П. Қодиров).

ТУШКУНЛИК, ТАНАЗЗУЛ. Тараққиёт даражасида орқага қайтиш, пасайиш. **Таназзул** китобий. **Тушкунлик** сўзи якка шахснинг руҳий, ахлоқий ёки бошқа жиҳатдан пасайиши, сусайишини билдириш учун ҳам қўлланади.

Социалистик экономика капиталистик экономика учун характерли бўлган тушкунлик, кризислар нималигини билмай, тўхтовсиз юксалиш йўлидан бормоқда («Қизил Ўзбекистон»). Шокир гапнинг бошқа томонга бурилиб кетишидан қувонди, унинг юзидан ва руҳидан аввали мағлубият таъсири билан пайдо бўлган тушкунлик йўқола ёзди (С. Айний). Утмишда хароба, чанқоқ бўлиб келган Бешкент қишлоғи таназзулдан тараққиётга юз ўғирди («Қизил Ўзбекистон»).

ТУШУНМОҚ, АНГЛАМОҚ, УҚМОҚ, ФАҲМЛАМОҚ, БИЛМОҚ. Фикрнинг ёки бошқа нарсанинг маъносига, моҳиятига етмоқ. Тушунмоқ кенг тушунчага эга. Англамоқ сўзи тушунмоқ сўзига нисбатан кам қўлланади. Уқмоқ, фаҳмламоқ, билмоқ сўзлари англамоқ сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Қутидорнинг сизга нима учун қизини бериб кувё қилганига ҳам яхши тушунамиз! (А. Қодирий). У бу ерга олдин сув қуйиб, ер юмишгандан сўнг кавлаш кераклигини англасса ҳам,

вақтни ўтказмаслик учун метин жойни кавлай берди (Ойбек). Уртоқ Сафаров айтган гапларни уқиб олди (А. Қаҳҳор). Қурбон ота яна чой келтирди ва Сидиқжоннинг афтидан суҳбатнинг мазмунини фаҳмлади-да, Урмонжоннинг ёнига чўкка тушиб: «Урмонжон... бола бечорага бир ёрдам қилгин, ўтган гапга савот»,— деди (А. Қаҳҳор). Набиғул икки гапнинг бирида «Албатта, мен бунга яхши билмайман» дейишидан Қодир «Шуларнинг ёмон эканлигини энди билган бўлса, бундан кейин ўзини тиядиган ўхшайди»,— деб ўйлади (А. Қаҳҳор).

ТУҒИЛМОҚ, ПАЙДО БУЛМОҚ. Юзага келмоқ, вужудга келмоқ.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан биргаликда туғилган интернационализм... («Ўзбекистон маданияти»). Йилларимиз, кунларимиз шундай сермазмунки, ҳар дақиқа бир янгилик туғилиб туради («Совет Ўзбекистони»). Бир кун у Муса билан домланинг қилиқлари тўғрисида гаплашиб ўтириб, кейинги кунларда пайдо бўлган мулоҳазасини айтди (П. Турсун). Шундай қилиб, икки орадаги муносабатда инженер қиз туфайли пайдо бўлган ёки юзага чиққан янги нарсани кун сайин тўлароқ мазмун касб этар эди (А. Қаҳҳор).

ТУҲМАТ, БУҲТОН. Нотўғри қўйилган айб, ноҳақ қоралаш; ёлғон, тўқима айбнома. **Бўхтон** маънони кучли оттенкада ифодалайди, лекин оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди.

Ман уни севаман. Бу рост. Қолган гапларнинг бари ёлғон, бари туҳмат! (Ойбек.) Оломон қувган ўғри оломонга қўшилиб, «Ушла, ушла!»— деб қочгандай, Умри қишлоғимизнинг кўрки бўлган хотин-қизлар ҳақида ҳар хил бўхтонлар тарқатар эди (А. Қаҳҳор).

ТУПЛАНМОҚ, ТУДАЛАНМОҚ, УЮЛМОҚ, ДЕВАЛАНМОҚ. Тўп(тўда) ҳолга келмоқ. **Деваланмоқ** — диалектал.

Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинади, томошабин (Ойбек). Ҳовлининг ўрта ерида паканагина баликтут ўсиб, остига кул ва бошқа ахлатлар тўпланган эди (А. Қодирий). Қизлар дарахтлар тағига тўдаланиб, шивир-шивир гаплаша бошладилар. Хирмонда алоҳида-алоҳида тўкилган пахталар деваланиб ётар эди (М. Исмоилий).

ТУСАТДАН, ТУСИНДАН, ҚУҚҚИСДАН, БЕХОСДАН, БИРДАН, БИРДАНИГА, ДАБДУРУСТДАН, НОГАҲОН, КУТИЛМАГАНДА, БАНОГОҲ, ИТТИФОҚО, ДАФЪАТАН, ИЛКИСДАН, ТУЙҚУСДАН, ТУЮҚСИНДАН, ФАВҚУЛОДДА, ЛОП ЭТИБ. Кутилмаган, хаёлга келмаган бир вақтда. Бу сўзлар, асосан, ўзаро қўлланиш доирасининг кенг ёки торлиги билан фарқланади. **Дафъатан, баногоҳ** эскирган, китобий. **Илкисдан, туйқусдан, туюқсиндан** — диалектал.

Шу пайт тўсатдан кўча эшиги очилди-ю, Зуннунхўжа ҳалослаганича кириб келди (А. Қаҳҳор). Тўсиндан шамол

ноғора базм суронини етказди (Ойбек). Ғўзалар тўрт элик кўтарилиб, дала бўйлаб кўм-кўк чизиқлар кўзни қувонтирганда, бир вақт тўсиндан ҳаво айниди (Ойбек). Сирдарё район партия ташкилотининг секретари ўртоқ Каримовнинг қўққисдан келиши оғир ўйга толиб ўтирган колхоз раҳбарларининг чехрасини сал очди («Муштум»). Бир кун мен уйда сал тобим қочиб ётган эдим, бехосдан Умри кириб келди (А. Қаҳҳор) Булар шағал тўкиган катта йўлдан бурилиб, ён бағирдаги сўқмоққа чиққанларида жала яна ҳам шиддатлироқ ёғиб, сўнг бирдан тинди (А. Қаҳҳор). Тавҳидий бирдан ига ўзини орқага ташлаб, Мирза Баҳромга қаттиқ урилди, иккови ҳам йиқилди (А. Қаҳҳор). Районда бу ёқда турсин, областга донғи кетган қашқа сизир дабдурустан оғриб қолди (С. Анорбоев). Оқсоқол сўзини тугата олмади, ногаҳон келиб тушган ўткир болта Шодмонбойнинг бошини баравар икки бўлди (А. Қодирий). Элмурод билан доим хушмуомала бўлган қори кутилмаганда бирдан хўмрайиб, кўзларининг пахтасини чиқарди (П. Турсун). Низомнинг калласига кутилмаганда бир йў келди (Саид Аҳмад). Баногоҳ Саид Жалолхоннинг кўзи қаршидан от қўйиб келаётган мулла Шамсуддинга тушди (А. Қаҳҳор). Иттифоқо Ражабов билан Алимовнинг ораси бузилди («Муштум»). Елиб-югуриб кетаётган тўриқ дафъатан тумшугини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади (С. Анорбоев). Шунда Очилбек айтди: «Илкисдан босиб борсак, элнинг ақли шошиб, бола-чақа сесканиб, кўрқиб юрмасин».— дедик (Ф. Йўлдош). Жаллодларга илкисдан дучор бўлди, Зор-зор йиғлашди, майдон ичинда («Далли»). Туюқсиндан бу йўлиқди, Йўлиққан ери қўриқди... Олтмиш аскар от қўйган сўнг Босмачилар жуда кўрқди (Ф. Йўлдош). Бек уни кўрди-ю, бошида фавқулодда бир режа туғилди (Ҳ. Ғуллом). Бу фактларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш қийин, лекин бари фавқулодда гапларки, одамнинг ишонгиси келади (А. Мухтор) Лоп этиб Қудратнинг эсига эрталабки воқеа тушди (Ҳ. Назир).

ТУСИҚ, ҒОВ, ТУСҚИНЛИК, ҚАРШИЛИК, ТУҒАНОҚ. Монелик қилувчи, йўл қўймовчи нарса, ҳолат.

Агар кўнғил кўнғилга тушса, Шу ўзи бас, йўқдир ҳеч тўсиқ (Уйғун). Музлардан истехком қурди табиат. Йўлларда ғов бўлиб турди табиат (Уйғун). «Ҳа-ҳа-ҳа! Қаттиқ кулди Хўжабеков.— Билган эдим, билган эдим шундай дейишингизни! Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршилиги га учрайди. Бу қонуний» (С. Анорбоев). Бегона ўт ҳосил душмани, машина теримига тўғаноқ («Қизил Ўзбекистон»).

ТУХТОВСИЗ, ТИНИМСИЗ, БЕТИНИМ, МУТТАСИЛ, УЗЛУКСИЗ, БОСИМ, СУРУНКАСИГА, ПАЙДАР-ПАЙ, КЕТМА-КЕТ. Тинмаган, тўхтамаган ҳолда. **Тинимсиз** сўзида белги даражаси кучлироқ. **Муттасил, узлуксиз** сўзлари узоқроқ

давом этувчи ҳаракатга нисбатан қўлланади. **Босим** бу маънода камроқ қўлланади.

Шунда уч кун тўхтовсиз отишдик. Фашистнинг қолган-қутганини ҳам талай ерга элтиб қўйдик (Ойдин). Энди-чи, энди кўчаларимизда автомобиллар тинимсиз қатнайди («Қизил Ўзбекистон»). Емғир бетиним эғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди (П. Турсун). Уч кеча-кундуз муттасил ёққан лайлак қор кунни кеча босилди. Уйлар, молхоналар қор тагида кўмилиб, теп-текис бўлиб кетди (С. Анорбоев). «Е худо, ўзинг асра» — деди сизир соғаётган отинийи. У эрталабдан бери шу нарсани узлуксиз такрорлар эди (П. Турсун). Каравот оёғи томонидаги кирза этигини бир четга олиб кўяр экан, ўзича «Бугун сен ҳам дам ол, икки ҳафтадан бери босим кум кечавериб чарчагандирсан».— деди ва хром этигини кийди Элмурод (Шухрат). Агар яқин орада ҳаво очилмай, сурункасига эма ёмғир ёғиб берса, нима қиламиз? (Н. Сафаров.) Мен бахтиёр бўлардим ғоят, Бирор ишни буюрсанг менга. Сен ёв билан отишган дамда, Уқ ташийин пайдар-пай сенга (Уйғун).

ТУҒРИСИ, РОСТИ, СИРАСИ, ОЧИҒИ, НАФСИЛАМР. Ёлғон-яшиқсиз, қандай бўлса, шундайлигича.

Лекин, тўғриси ни айтсам, от ўйини анча қизиқ (Ойбек). ...Отангиз Тошкентда экан вақтида мен бу ишни очмоққа оғирсинган, тўғриси, уялган эдим... (А. Қодирий.) Ҳайитбой билан унинг ҳеч вақт жини чиқишган эмас, сирасини айтганда, ҳатто кўнғилида унга аллақандай адоват бор (Х. Сейтов). Менга бари бир, мен Каримовнинг холаваччам ё бўласи эмасман, лекин нафсиламрини гапириш керак (Ҳ. Шамс). Афсуски, беморни бир оз умидсизликка туширган бўлса-да, лекин очигини айтган ўша врачнинг гапи тўғри («Фан ва турмуш»).

У

УЗОҚ, ОЛИС, ИРОҚ, ЙИРОҚ. Масофаси (оралиғи) катта, яқиннинг акси. **Узоқ** вақтга нисбатан ҳам, маконга нисбатан ҳам қўлланаверади. **Олис, йироқ, ироқ** фақат маконга нисбатан қўлланади. **Ироқ, йироқ** кам қўлланади.

Узоқ йўлдан бениҳоя чарчаб келгандай оёқ устида зўрга турар, юзи янги касалдан тургандай сўлгин ва оқарган бўлиб, чироғнинг хира шуъласида кўрқинчли кўринар эди (А. Қаҳҳор). Узоқ кеча, қийналар юрак, Тўғномаман бўлиб беором (Ғайратий). Шаҳар ҳам ҳали олис, тонг ҳали ёришмаган (М. Исмоилий). «Ироқ»ни ироқдаги ёрига эшитилсин деб куйлар эди (М. Исмоилий). **Йироқ** экан даласи, **Уйнаб** келяр боласи. **Ишлаб** турса онаси, **Боқиб** берар ясласи («Қўшиқ»дан).

УЙҒОҚ, УЙҚУСИЗ, БЕДОР. Ухламаган ҳолатда. **Бедор** сўзи **уйғоқ** сўзига нисбатан кам қўлланади.

У бутун диққатини тўплаб қулоқ солди-да, кампирнинг уйқу-дами, уйғоқми эканини пайқамади (Ойбек). Бирор одам унга узоқроқ қараб қолса борми, ҳадиксираб, кечаларни уйқусиз ҳадиксираб ўтказарди (С. Анорбоев). Ҳамма роҳат уйқуда. Фақат касалхонадаги бир бемор, унинг тепасида турган Нигора ва ташқарида якка қолган Шербеккина бедор эдилар (С. Анорбоев).

УМР, ҲАЁТ. Кишининг туғилгандан то вафот этгунча ўтадиган яшаш вақти. Ҳаёт бу маънода оддий нутқда жуда кам қўлланади.

Мен беш-ўнга новдани ушлаб, Нозикка тикилдим, Нозик менга... Мен умрда ҳеч қайтарилмас ҳислар оғушидаман («Тошкент ҳақиқати»). Ким куяди, ким ёнади, бўлмай сўроғи, Қурбон бўлиб сонсиз элнинг битган ҳаёти (Ҳабибий).

УМУМИЙ, МУШТАРАК. Барчасига бирдек хос, барчаси учун бир хил алоқадор. **Муштарақ** нисбатан эскирган, асосан ёзма нутқда қўлланиб туради.

Тўтиқиз билан Дилшодада чиндан ҳам ўйшашилик, умумий жозиба бор эди (М. Исмоилий). Кўп миллатли оиламиз, Ниятимиз муштарақ. Битта байроқ остидамиз. Уни жондан севарақ (Шўхрат).

УНУМЛИ, САМАРАЛИ, БАРАКАЛИ. Яхши натижални. Самарали кўпроқ китобий услубга хос.

Раис амалидан унумли фойдаланиб, колхозда иккита, Урганч шаҳрида битта қулинг ўргилсин участкани қуриб қўйган дўстнинг нечук ландовур бўлсин («Муштум»). Меҳнат учун қилмаса ғайрат киши, Бўлмас унумли унинг қилган иши («Муштум»). Минглаб хотин-қизлар саноат корхоналарида... ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида самарали меҳнат қилаётирлар («Совет Узбекистони»). Биз хўжалик ҳисобини бундан буён ҳам кенг жорий қилиб борамиз. Бу эса коллективимиз иш натижаларининг янада баракали бўлишига шубҳасиз ёрдам беради («Тошкент ҳақиқати»).

УРИНМОҚ, ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚ, ИНТИЛМОҚ, ТИРИШМОҚ, УННАМОҚ. Бажариш, эришиш иштиёқида иш қилмоқ, ҳаракатда бўлмоқ. **Интилмоқ** кўзланган бирор мақсад томон бўладиган ҳаракатни, ўшанинг йўли (пайи)даги ҳаракатни билдиради. **Тиришмоқ** сўзида белги даражаси кучлироқ. **Уннамоқ** асосан конкрет тарздаги хатти-ҳаракатга нисбатан қўлланади.

Ёш болаларда тақлидчилик хусусияти кучли бўлганлигидан улар ҳамма нарсада худди ота-оналарига ўйшашига уринадилар («Уқитувчилар газетаси»). Бундай жойда одам беихтиёр ўзини сипо тутушига, сўзларигагина эмас, товушига ҳам расмий тус беришига урина бошлайди (А. Мухтор). Моҳидил шунча

ҳаракат қилиб станциянинг номини ўқиёлмади (Ж. Абдуллахонов). Мен ўша севгига лойиқ бўлишга интилдим (Ҳ. Ғулом). Демак, укаларингни ҳам аълочи қилишга тиришишинг, яъни уларга ёрдам беришинг керак (М. Исмоилий). Эртадан кеч уннаб, тер тўкиб, Юз энкайиб, белини букиб (Миртемир).

УРИШМОҚ, ОЛИШМОҚ, ЕҚАЛАШМОҚ, СОЛИШМОҚ, МУШТЛАШМОҚ, СУҚИШМОҚ, ТАШАШМОҚ. Келишмовчилик билан бир-бирини урмоқ, бир-бирини калтакламоқ. **Уришмоқ, олишмоқ** бир-бирини урмоқ, калтакламоқ маъносини ҳам, шунингдек оғзаки (даҳанаки) «жанг» маъносини ҳам билдиради. **Еқалашмоқ, солишмоқ, муштлашмоқ, сўқишмоқ** фақат бир-бирини урмоқ, калтакламоқ маъносини билдиради. **Еқалашмоқ, муштлашмоқ** маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди. **Солишмоқ, сўқишмоқ, ташашмоқ** сўзлашув тилига хос.

Бизнинг ўғил кўп яхши-да: биров билан уришмайди... (А. Қаҳҳор.) «Қаллиғи тўғрисида сўз очган эдим, мен билан уришди», — деди Офтоб оймага (А. Қодирий). Чунки рақиб билан дилдорнинг уйи орқасида танҳо олишмоқ, ёр оёғи остида қонли тупроққа қоришмоқ — унинг [Отабек] учун жуда лаззатли ва шоирона туюла бошлаган эди (А. Қодирий). Шу йўсин Зайнаб билан уятсизча кўп олишдик, бу ит-мушукликдан биз зерикмасак-да, кўёвингизни жонидан тўйдираёздик (А. Қодирий). Бу ер шундай ғужанак жойки, баъзан болалар бир-бирларининг гўшларини егудек еқалашсалар ҳам, ҳеч ким билмайди (Ойдин). У қоида, усул ва тартибга риоя қилмасдан девдек солишарди (Ойбек). Уртарақда айтишиб ўтирган икки бола тўсатдан бир-бири билан муштлаша кетди (Ҳ. Ғулом). Бўйин патларини гардиш қилиб патир-путур ташашаётган икки хўрознинг атрофини йигирма-ўттиз киши доира шаклида ўраб олган эди («Муштум»).

УРМОҚ, КАЛТАКЛАМОҚ, ДУППОСЛАМОҚ, САВАМОҚ, САВАЛАМОҚ, СОЛМОҚ, ТУШИРМОҚ, СУҚМОҚ, ПУПИЛЛАТМОҚ. Қўл, калтак ва ш. к. билан зарба бермоқ. **Калтакламоқ, дўппосламоқ, савамоқ, саваламоқ** сўзларида уриш бирдан ортиқ, кўп марта бўлади. Бу сўзлар, айниқса **саваламоқ** ва **дўппосламоқ** сўзлари маънони **урмоқ** сўзига нисбатан кучли даражада ифодалайди. **Дўппосламоқ** асосан одамга нисбатан қўлланади. **Савамоқ, саваламоқ** — калтак, қамчин каби нарсалар билан уриш маъносини билдиради. **Солмоқ, туширмоқ** сўзларида белги даражаси кучлироқ. **Сўқмоқ** ҳозирги ўзбек адабий тилида деярли қўлланмайди. Сўзлашув тилида ҳам жуда кам қўлланади. **Пўпилаатмоқ** оддий нутққа хос.

Аҳмоқни урма, сўкма — ишга сол (Мақол). Келиноийи уй ўртасида тургани ҳолда йиғлаб ўтирган Фотимани овутди «Худога минг шуқур қилинг, яхшики калтакламади. Худо ўзи инсоф берди» (П. Турсун). Қудрат ўзидан катта бўласини тағига босиб

олиб роса дўппослади (М. Исмоилий). Бироқ отлиқлар хиёл ўтмай ишчиларни босиб, янчиб, дарралар билан савамоққа киришдилар (Ойбек). Мадамин талвасада қолди. Қани энди, илгариги замон бўлиб, унда ҳуқуқ бўлса-ю, бу келгиндини қамчи билан савалаб, этик билан тепса. Нима қилсинки, ноилож... (П. Турсун.) Хушмўйлов йигит қулочкаш қилиб офицернинг калласига солмоқчи эди, Аҳмаджон қўлини тутди (А. Қаҳҳор). Шарофат олдида турган чойнак билан унинг башарасига туширди (А. Қаҳҳор). Яшиндек сўққан унинг [Отабекнинг] бу сўзларидан қушбеги аранг ўзини тўхтатди: «Демак, ўша сўзларингизни исбот қилиш учун ҳужжатингиз йўқ?» (А. Қодирий).

УРУШ, ЖАНГ, МУҲОРАБА, ҲАРБ. Душман томонлар ўртасидаги ҳарбий ҳаракат, олишув (кураш). **Жанг** икки томон ўртасидаги олишув маъноси билан бирга, шу томонларнинг қисмлари ўртасидаги олишув (кураш) маъносида ҳам қўлланади. **Муҳораба, ҳарб** эскирган.

Аҳмаджон урушнинг дастлабки йилларида «Душман куйдирди» деган хабарларни эшитса, душман бўлгандан кейин ўлдиради, куйдиради-да деб ўйлар эди (А. Қаҳҳор). Қаҳрамон бўлишни орзу қилган киши жангда қаҳрамонлик кўрсатишдан илгарироқ ўлиб қолишдан қўрқади (А. Қаҳҳор). Желабухи қишлоғи учун бўлган жангда душман беш мартаба қариш агака қилиб, ниҳоят хийлагина катта гуруҳи қуршовда қоладиган бўлди (А. Қаҳҳор). «Эшитишимга қараганда,— дейди Бўриев,— бу фалокатни ўртоқ Обид кетмон бундан ўн саккиз йил илгари рус-герман фронтда, жаҳонгирлар муҳорабасида орттирган» (А. Қодирий). Жаҳон кўз тутди бу қудратли ҳарбга, Ғалаба билан биз борардик Ғарбга («Совет Ўзбекистони»).

УСТА, МОҲИР, МАҲОРАТЛИ, ОМИЛ(КОР), МИРИШКОР, ФАРАНГ. Ўз касб-ҳунарини яхши эгаллаган, уни нозик томонларигача билувчи. **Уста** жуда кенг қўлланади. **Моҳир, маҳоратли** сўзлари уста сўзига нисбатан кам қўлланади, лекин маънони уста сўзига нисбатан кучлироқ даража билан ифодалайди. **Фаранг** якка ҳолда жуда ҳам кам қўлланади.

...унинг бу ғайрати ўзи учун ҳалокат билан натижаланиб, Уста Мўминжон исмли бир милтиқ устасининг отган ўқи билан кўкрагидан яраланиб йиқилди (А. Қодирий). Опа, Шер акам яхши ишлади, у моҳир сўвчи бўлиб олди (О. Ёқубов). Меҳнатда маҳоратли, садоқатли, баҳодир, Арбоби ҳунар, олимга деҳқонларимиз бор (Ҳабибий). «Бирлашган» колхозда пахтага омилок орамлар кўп (А. Қаҳҳор). **Омилокор!** Бундай юксак баҳо ўз касбига чинакам ихлос қўйиб, меҳнатда жасорат кўрсатган кишиларгагина берилади («Совет Ўзбекистони»). Республикамизда анорзор боғлар, ундан мўл ҳосил олаётган миришкор боғбонлар жуда кўп («Қизил Ўзбекистон»). Қовунини тушириб оламан шу ерда. Анов ерда уста Тошпўлат бор, биларсиз. Арава

ишида фаранг! (Ойбек.) Бибихонимнинг илтимос ва илтижолари ўз ишига фаранг, қўли гул йигитга таъсир қилмади (М. Қориёв).

УЧМОҚ, ПАРВОЗ ҚИЛМОҚ. Қанот ёки бошқа нарса воситасида осмонга кўтарилмоқ, ҳавода ҳаракатда бўлмоқ. **Парвоз қилмоқ** асосан бадний ифодада қўлланади.

Қув-қув билан учади, Ғоз-ғоз билан кўчади (Мақол). Она бургут шикастланган болаларининг олдида бир оз парвона бўлиб туради-да, кейин зарб билан осмонга парвоз қилади («Тошкент ҳақиқати»).

УЧРАШМОҚ, ЙЎЛИҚМОҚ, МУЛОҚОТ ЭТМОҚ. Бирор мақсад билан ҳузурда бўлмоқ, рўбарў бўлмоқ. Мулоқот этмоқ эскирган. **Йўлиқмоқ** бу маънода нисбатан кам қўлланади.

«Келса, унга айт, албатта, менга учрашсин!»— деди-да, совуқдан увушган баданини танчага тиқиб ётди (Ойбек). «Ҳаракат қилинг, маориф муассасаларига йўлиқинг, ялининг»,— деди Искандаро (Ойбек). «Эртага барвақт,— онанинг қўлига адрес ёзилган бир парча қоғоз тутқазди, шу адресга бориб мулоқот этсин» (Ойбек).

УЯЛМОҚ I, ИЙМАНМОҚ, АНДИША ҚИЛМОҚ, НОМУС ҚИЛМОҚ, ОРЛАНМОҚ, ОР ҚИЛМОҚ. Уят (андиша) ҳис-сезгисини туймоқ. **Уялмоқ** кенг тушунчага эга ва кенг қўлланади. **Ийманмоқ** сўзида белги даражаси кучсиз. **Андиша қилмоқ** сўзида маълум даражада «юз-хотир» муносабати бўлади. **Номус қилмоқ** сўзида белги даражаси кучли. **Орланмоқ** жуда кам қўлланади. **Ор қилмоқ** сўзи бу маънода қўлланганда «муносиб кўрмаслик» оттенкаси бўлади.

«Дилор, ўртоғинг қаерга тушган?» Дилора ҳам бўйига етиб қолган киз эди, бўласига тик жавоб қилишдан уялди ми, гўзалар ичидан туриб: «Уйда».— деди (М. Исмоилий). Башорат ийманиб ерга қаради, этагиниғижимлади (А. Мухтор). «Шунча томоша қилганинг етар, энди бора қол»,— дейишга андиша қилувдим... (Ҳ. Назир.) ...виждонсиз хотин эса, номус қилмай, тумонатни бошига тўплаган... («Муштум».) Билмагани сўраб ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим (Мақол). Хўжабеговнинг илгариги лавозимида «ўз аризасига биноан» бўшаб, кейинча «кичикроқ» вазибаларда ишлашга ор қилиб, «каттароқ» иш тополмай икки йил ишсиз лақиллаб юрганидан, аризабозлик қилиб ҳаммининг бошини қотирганидан хабари бор (С. Анорбоев).

УЯЛМОҚ II, ИЗЗА БЎЛМОҚ. Уялиш (изза) ҳис-сезгисини туймоқ, уятга қолмоқ. **Изза бўлмоқ** сўзида белги даражаси кучли. Сатторқул чиқиб, «Ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз»,— деб аравани қуруқ олиб қоча берган эди, Охунбоев: «Қисир сизир кўп маърайди»,— дедилар. Бирам кулли бўлди, Сатторқул бирам уялди (А. Қаҳҳор). Аланг-жаланг қилиб Холиқвой, Шошиб-

пишиб ўрнидан турди. *И з з а б ў л и б ў з а ҳволига, Уйга қараб дарров югурди (Уйғун).*

УЯТ, НОМУС, ШАРМ, ҲАЁ, ОР, ОРИЯТ, АНДИША, ИБО, ИСНОД. Изза ҳисси, хижолатлик (уялиш) ҳисси. Уят кенгроқ тушунчага эга. **Шарм, ор, ҳаё** сўзлари якка ҳолда кам қўлланади. **Шарм, ҳаё** сўзлари кўпинча жуфт сўз ҳолида (**шарм-ҳаё**) қўлланади. **Ор** сўзи ҳам кўпинча **номус** сўзи билан жуфт сўз ҳолида (**ор-номус**) қўлланади. Шунингдек, **ор** сўзи кўпинча **қилмоқ, келмоқ** сўзлари билан бирга қўлланади. **Ибо** кам қўлланади. **Андиша** бу маънода кам қўлланади.

Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас (Мақол). **Ҳаё** **беномусда бўлмайди! Ҳаёсизда номус бўлмайди!** (**Ҳ. Ҳакимзода.**) *Кўкдаги ой, «Ҳой, шарми йўқлар!»* дегандай, шомдан бери кўкдан кетмаган бир парча булут остига уялиб ўзини олди (**Шухрат**). **Бетимдан ҳаё** пардасини йиртиб бўлса ҳам, қозига бораман, йўл сўрайман... (**М. Исмоилий.**) **Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир (Мақол).** **Номуси, орияти бор йигитлар Ёри деб туққанидан айриларми?** («Муштум».) **Сидиқжон, дейман, одам деганга андиша, юз-хотир деган нарса ҳамма вақт керак. Мен сизга ўй бердим, жой бердим...** (**А. Қаҳҳор.**) **Агар Ҳаётнинг тилини қизлик ибоси боғлаб қўйган бўлмаса, юрагида қайнаган ҳисларни уйғотган сабабларни... айтиб берар эди (М. Исмоилий).** **Бобиллама... бригадамизни иснодга қолдирясан («Қизил Ўзбекистон»).**

УЯТСИЗ, БЕНОМУС, НОМУССИЗ, БЕҲАЁ, ҲАЁСИЗ, БЕТСИЗ, ЮЗСИЗ, ОРСИЗ, АНДИШАСИЗ, ШАРМАНДА, ШАРМСИЗ, БЕШАРМ, БЕИБО, ИБОСИЗ, БЕТАВФИҚ. Уяти (номуси, ҳаёси...) йўқ. **Беномус (номуссиз), бетсиз, юзсиз** сўзларида белги даражаси кучлироқ. **Беҳаё (ҳаёсиз)** маънони яна ҳам кучлироқ оттенкада ифодалайди. **Шармсиз, орсиз** сўзлари жуда кам қўлланади. **Андишасиз, орсиз** сўзлари маънони кучсизроқ оттенкада ифодалайди. **Беибо (ибосиз)** — эскирган.

Нима деганинг бу, уятсиз! **Отага бундоқ гапиришни ким ўргатди сенга?** (**И. Раҳим.**) **Елгон! Нури ўзи бузуқ. Мен унга ҳеч нима деган эмасман, ойижон, ақлим боо, номусим бор. Нуридай бетайин, беномус эмасман (Ойбек).** **Нимага сен холанга биз берамиз деган кишига тегмайман дер эмишсан. Қандай бетинг бўлди, номуссиз!** (**Ҳ. Ҳакимзода.**) **Ору номус билмаган беҳаё юзинга туф («Муштум»).** **Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ (Мақол).** **Агар «ёрдам» қўлимни чўзсам, — деди «с у р б е т» кувим, — ўрнингиздан туролмай қоласиз («Муштум»).** **Шу билан нафсларинг ором оладими, қандай бетсиз одамсанлар! (Ойбек.)** **Эрим, деб онангдан кечасанми, юзсиз!** (**А. Қодирий.**) **Жонон қизлар, кўнгиб берманг номардларга, Аҳди ёлгон, орсиз, қуруқ савлатларга (Акмал Пўлат).** **«Яхшиликимизни унутди, тўнғиз!», «Ози бир ой ўтмасданми, андиша а-**

сиз!» деган сўзлар эшитила бошлади (**А. Қодирий**). **«Вой ўлма-сам, шарманда!»** **Эътибор опа доқа рўмолининг учи билан юзини яширди (Ҳ. Ғулом).** **Шармсиздир юзлари, Ошга тўймас кўзлари (Ҳ. Ҳакимзода).** **Шундай бешарм, беҳаё қизни боқиб катта қилгунча, кучук боласини боқсам бўлмас эканми! (М. Исмоилий.)** **Эркакни кўра туриб юзини беркитмаганига мулла Норқўзининг гаши келди ва шундай беибо хотиннинг ичкарига — фаришталар олдига киришини хоҳламади (А. Қаҳҳор).** **Мастурабону Боряга кўлини пахса қилди: «Ҳой, бетавфиқ, менга қара...» (А. Муқимов.)** **Қаёқдан ҳам илашди бу «сур» деди ўзича Акбарали («Қизил Ўзбекистон»).**

Ф

ФАРЗАНД, БОЛА, ЗУРЕД (ЗИРРИЕТ), ТИРНОҚ. Эр-хотиннинг (эр ёки хотиннинг) ўзидан дунёга келган зот. **Зуред** кўпроқ фольклор асарларида қўлланади. **Тирноқ** кўпинча фарзандсизлик ҳолатини ифодалашда, оддий нутқда қўлланади.

Фарзанд, ўғилми, қизми бари бир, ота-онанинг юраги бўлар экан (Ойбек). **Шундайки, Нодира икки болалик бўлган эди (А. Қодирий).** **Бобонг сени кўрса, сизмас териға, Улсам, зурриетим қолар жаҳонда (Миртемир).** **Шунча тоат-ибодатдан кейин Тозагулни зуред кўрмаслиги мумкинми? (Ҳ. Ғулом.)** **Қизим, неварагинам! Собиримдан қолган тирноқ... — Сокинабуви Маргаритани қуёшдек илиқ бағрига босди («Тошкент ҳақиқати»).**

ФАРОСАТЛИ, ЗЕҲЛИ, ДИДЛИ, ЗАКОВАТЛИ, ЗУККО, ЗАКИЙ, ЗОЛ. Зеҳн-фаросати яхши. **Зукко, закий** нисбатан эскирган. **Заковатли** ёзма нутқда учрайди. **Зол, заковатли** ақл-фаросати жуда кучли бўлган, асосан катта ёшдаги кишиларга нисбатан қўлланади.

«Ҳайдар — зеҳни ўткир, фаросатли йигит, уни куёв қилсам, ўзимга дастёри бежиннат орттирган бўлман», — деб ўйлади Абдуҷабборхўжа (М. Осим). **Фарҳод ёш болалик вақтиданоқ ақлли, идрокли, зеҳнли, қобилиятли эди («Ватан адабиёти»).** **Дидли ва талабчан газетахонларимиз редакцияларнинг ижодий коллективлари зиммасига катта мажбуриятлар юкламақдалар («Қизил Ўзбекистон»).** **Бу халқ тожик халқи жуда кўп чинакам заковатли зотларни етиштириб берган («Совет Ўзбекистони»).** **Заковатли озод халқимнинг Жигарбанди юксакка учиб, Эл қудратин қилди намойиш, Юлдузларнинг белидан қучиб (Қ. Ҳикмат).** **Порлоқ даҳонга ҳам бир мос изладим, Не-не зукколар ҳам фақат бир соя (Миртемир).** **Лекин кўп ақлли хотин-да. Энди хат масаласи бўлса барибир, у зол хотин бир алдандими, энди ҳушёрроқ бўлади (Ҳамза).**

ФАРҚ, АЙИРМА, ТАФОВУТ. Узаро ўхшамайдиган, бир-бирида топилмайдиган белги-хусусият, томон. **Айирма** бу маънода жуда кам қўлланади. **Тафовут** асосан китобий услубда қўлланади.

Орамиздаги фарқ шуки, мен нима учун шу ишни қилаётганимни биламан, аммо сизлар билмайсизлар (А. Қаҳҳор). Бир хил шароитда ишланиб, бир хил шароитда эжилган ва турпогининг табиати бир хил бўлган икки ер турлича бўлмайди. Буларнинг орасида қандайдир бир айирма бор (С. Айний). Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб, социалистик қишлоқларимиз шаҳар тусини олаётган бир пайтда аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш айниқса муҳимдир («Қизил Ўзбекистон»).

ФАҚАТ, ЕЛГИЗ, БИРГИНА, ТАНҲО, ХОЛОС. Бу сўзлар чеклаш-чегаралашни билдиради. **Танҳо** кўпроқ бадний услубга хос. **Якка** бу маънода маълум бирикмалар доирасидагина қўлланади.

Ун маҳал китоб сўрасам, ҳар куни кириб, барно, Таълими жамолинга бу фақат баҳонадир (М. Бобоев). Бу азобларни билар Елғиз мену танҳо қалам (Э. Воҳидов). Ҳали яна кўрсатурсиз Совет кучини, Фашист тотди кучимизнинг елғиз учини (Ойбек). Бу биргина менга эмас, қишлоқдаги ҳамма меҳнаткашларга маълум (Ҳ. Ғулом). Улар бу даромадни, томорқа ва чорва молларидан ташқари, биргина меҳнатнинг орқасидан топмоқда («Совет Ўзбекистони»). Тошхўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас: боқиб қўйилган ўн бешта оддан уни фақат иккитасигина кўтара олар эди холос (А. Қаҳҳор).

ФАҲМ, ФАРОСАТ, ДИД, ТАМИЗ, УҚУВ, ЗЕҲН, ИДРОК. Кишининг тўғри мулоҳаза юритиш, тўғри хулоса чиқара олиш, бирор нарсанинг моҳиятига тушуна олиш қобилияти. **Фаҳм** сўзи маъно жиҳатдан баъзи ўринларда ақл сўзига яқинроқ туради. **Дид** сўзи бирор нарсадаги гўзалликни, нафисликни, унинг яхши ёмон томонини ажрата олиш қобилиятини ҳам билдиради. **Тамиз** сўзи ҳозирги адабий тилда жуда сийрак қўлланади. У асосан, тамизи йўқ, тамизи етмайди каби салбий тушунчаларни ифодалашда қўлланади.

Мадрайимга юборган хати ҳақида гапириб, яъни ўзининг ёмон қариганидан, анчайин нарсаларга фаҳми етмайдиган бўлиб қолганидан нолиди (А. Қаҳҳор). Шунақа пайтларда ота-буваларимиз ҳам, ўзимиз ҳам ақл билан, фаросат билан иш битириб келганмиз (М. Исмоилий). Сут-қаймоққа тўғралган жимжимадор патир кулчалар, совимаган тандир сомсалар... ҳаммаси фаросат, дид билан қўйилган (С. Анорбоев). Тамизу ақлу идрок — бу учов мендин юз ўғурди, Кетиб борур учовлон бир-бирининг қўлин ушлаб. Маҳмуда уқуви зўрлиги, саводлилиги ва уддабурролиги туфайли ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштириб олади («Еш ленинчи»). Отабек ўзининг очиқ кўзи, ўткир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан мудҳиш фалокатли манзаралар кўрар

эди (А. Қодирий). Нимага десанг, зеҳнинг ўткир, ўқиган ё эшитган нарсанинг дарров илиб оласан. Ҳушёрсан, Самад (М. Исмоилий). «Идрокки яхши, тиришқоқ бола экан», — дерди мастер қувониб («Совет Ўзбекистони»).

ФАҲРЛАНМОҚ, ФАҲР ЭТМОҚ, ҒУРУРЛАНМОҚ, МАҒРУРЛАНМОҚ. Ўзини фахрли (ғурурли) тутмоқ, фахрли (мағрур) кайфиятда бўлмоқ. **Фахр этмоқ** кам қўлланади.

Бутун республикамизга доврўқ солган... пахта усталари билан ҳақли равишда фахрланамиз («Қизил Ўзбекистон»). Карам қилди нигорим, кўкка етди фахр этиб бошим. «Бутун дунёни қойил қилаётган Қизил Армия яшасин!» — деди мағрурланиб Дехқонбой (Н. Сафаров). Сизлар бизнинг мевамизсизлар, бизнинг ҳаётга отган томиримиз. Биз сизлар билан ғурурланамиз, чироқларим (П. Турсун). Ҳамро опа буларни кўриб, Шакархондан хурсанд бўлди: «Онасининг қизи-да», — деб мағрурланиб қўйди (Ойдин).

ФОЙДА, НАФ, МАНФААТ, ҲАЁН. Бирор нарсадан келадиган яхши натижа, яхши оқибат, зарар (зиён)нинг акси. **Фойда** кенг тушунчага эга ва кенг қўлланади. **Наф, манфаат** китобий. **Ҳаён** эскирган.

«Умримда бормаган жойимга қанақа қилиб бораман. Менинг боришимдан нима фойда?» — «Фойда бўлмаса, зиён ҳам йўқ-ку» (А. Қаҳҳор). «Шунақа бўлади-да, нимагаки сув эски ариқдан ҳам пастроқдан чиқади, чиққани билан, бизга нафи йўқ», — деди Хасан сўфи (М. Исмоилий). Бу ишиндан сенга йўқдир манфаат (Фозил Йўллош). Дарҳақиқат, Жуман писмиқни олинг — Соли совуққа уринг, Соли сувуқни олинг-у, Жуман писмиққа уринг — ҳаён ҳам кўрмайсиз, зиён ҳам (М. Исмоилий).

Х

ХАБАР, ДАРАК. Нарса-ҳодисадан огоҳ этувчи маълумот. **Хабар** кенг тушунчага эга ва кенг қўлланади.

Нури қатъий жазм қилган куни қайноасидан Фазлиддиннинг Москвага кетиш хабарини эшитди (Ойбек). Бандилар бир-бирлари билан дардлашмоқда эканлар, очилган қамоқхона эшиги қайтиб ёпилган бўлса ҳам, на жаллоддан, на бошқа кишидан ҳеч бир дарак бўлмаган эди (С. Айний).

ХАБАРДОР, ОГОҲ, БОҲАБАР, ВОҚИФ. Бирор нарса-ҳодисадан хабари бор. **Огоҳ** сўзи хабардор сўзига нисбатан жуда кам қўлланади. **Боҳабар** сўзи огоҳ сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади. **Воқиф** китобий.

Сидиқжон Канизакни ҳаммадан, айниқса ўзидан қизганиб юрганини Иброҳимов сезар, лекин бундан Урмонжон хабардор

эканини билмас эди (А. Қаҳҳор). Уликлар — тирик, улар ҳар қадамнингиздан оғоҳ (Ойбек). Ҳозир кўчага чиқиб, ақ-бақдан бохабар бўлиб тур (Саид Аҳмад). Қувончим партиям шавкатли, доно мамлакатпарвар, ҳамиша воқиф эл аҳволидин, бир меҳрибон раҳбар (Ҳабибий).

ХАБАРЛАМОҚ, ДАРАКЛАМОҚ. Хабар (дарак) бермоқ, хабардор қилмоқ. Даракламоқ кам қўлланади.

«Бу ёқдагиларни менга топширинг, бир соатда хабарлаб чиқаман»,— деди Қўзибой, ўзининг йўрға «Оқтой»ига ишониб (Ҳ. Назир). Даракламаган жойим қолмади. Бир ёқда онаси «Боламини топ!» деб ҳар кунни уйда еган-ичганимни ичимга туширмайди (Ойдин).

ХАВФ, ХАТАР, ТАҲЛИКА. Бахтсизлик, офат, фалокат келтириш имконияти бор ҳолат ёки нарса, шундан қўрқиш ҳисси. **Хавф** кенгроқ тушунчага эга. **Хатар** кўпроқ табиатдан бўладиган ёки сафар-саёҳатдаги фалокат келтирувчи ҳолат маъносини билдиради ва маънони **хавф** сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалади. **Таҳлика** асосан ёв, душман томонидан бўладиган хавф ва шундан қўрқиш ҳисси маъносини билдиради.

Ҳокимнинг келишида қишлоқ учунгина эмас, ўзи учун ҳам хавф борлигини била туриб, кеча солдатларга: «Отманлар!»— деб хитоб қилиш каби қалтис журъатдан ҳам қайтмади (М. Исмоилий). «Сенинг давронинг хайру баракали бир замон экан, сенинг йўлбошчилигинг билан қилинган оқин ва чопқинларимизнинг бириси ҳам хатарга учрамаган... эди»,— деди Абдураҳмон (С. Айний). Ватанни офат таҳликага солганда, қари-қартанлар ҳам сўнги кучларини билакка йиғиб, меҳнатда фидокорлик кўрсатдилар (Ойбек).

ХАВФЛИ, ХАВОТИРЛИ, ХАТАРЛИ, ҚЎРҚИНЧЛИ, ТАҲЛИКАЛИ. Хавфи (хатари, қўрқинчи, таҳликаси) бор. **Хавотирли** сўзида белги даражаси кучсизроқ. **Хатарли** сўзида белги даражаси кучли. **Қўрқинчли** бу маънода кам қўлланади. **Таҳликали** китобий.

Қоратой Йўлчининг елкасига қўлини қўйди, бу маҳаллада туриш унга хавфли эканини, ҳозирча шаҳарнинг четроғида яшаи лозимлигини айтди (Ойбек). ...ҳозир ўрмон жуда хавотирли, ундан кейин, қишда бўтакўз гуллар нима қилсин? («Қизил Ўзбекистон»). Замбилнинг остига яшириниш жуда хавфли эса-да, аммо ўтиришининг мақсадига қонмай кетиш ундан ҳам хатарли эди (А. Қодирий). 119-тепаликнинг самолёт орқали мунтазам қисмлар билан алоқа боғлаши айниқса Грейдерга қўрқинчли бўлиб туюлди (И. Раҳим). Хотин-қизлар ва ёш болаларни ишга олиб чиқиш бундай таҳликали вақтда яна ҳам қўрқинчлироқ эди (С. Айний).

ХАЙРЛАШМОҚ, ХУШЛАШМОҚ, ВИДОЛАШМОҚ, ХАЙР-МАЪЗУР ҚИЛМОҚ, ХАЙР-ХУШ ҚИЛМОҚ. Куза-

тиб қолишда, айрилиқ олдида бир-бирига тилак-истак сўзларини айтмоқ. **Хўшланимоқ** нисбатан кам қўлланади. **Видолашмоқ** қайта кўришмаслик мазмунидаги «хайрлашмоқ»ни билдиради.

Қурбон ота билан хайрлашиб жўналгандан кейин Сидиқжон хийла ергача, худди тўсатдан уйғонгандай, гаранг бир аҳволда борди (А. Қаҳҳор). Елғиз қолма, деб аллақердан бир кампирни топиб келди. Хўшлашиб ўзи жўнади-кетди (Ойбек). Жангчилар... милтиқдан бир йўла ўт очиб, Сариқов билан сўнги дафъа видолашдилар (Н. Сафаров).

ХАЛҚ, ХАЛОЙИҚ, ЭЛ, УЛУС, МАРДУМ. Бирор давлат, мамлакат, юртда яшовчи (шу давлат, мамлакат, юртга мансуб) аҳоли. **Эл** сўзи **халқ** сўзига нисбатан жуда кам қўлланади. **Улус**, **мардум** китобий, эскирган. **Халойиқ** асосан маълум бир жойнинг одамлари, маълум жойда тўпланган одамлар маъносига қўлланади.

Камар бойлаб белинга, Хизмат қилгин элинга, Халқимиз бўлса рози, Онанг миндан-минг рози («Қўшиқ»дан). Маслаҳат Абдурасулнинг халойиққа нима дейиши лозимлиги устида бўлди (П. Турсун). Менга нега гапирасан, халойиққа гапир! (А. Қаҳҳор.) Улуғ Октябрнинг шонли қирқ йили Тарихлар яратган арафасида Устодин йўқлайди Советлар эли Ҳар соат, ҳар варақ ғалабасида (Ғ. Ғулом). Ўзбек деб аталган озодалуснинг Отахон шоири, қадрли устод (Ғ. Ғулом). ...яна биз Тошкент мардумлари бу тўғрида ҳақиқат томонида собит қадам бўлмоққа тил беришурмиз (А. Қодирий).

ХАСИС, БАХИЛ, ПИШИҚ, ҚУРУМСОҚ, ЗИҚНА, НОКАС, НОКАСТА, ҚИЗҒАНЧИҚ, ҚОҚВОШ, МУМСИҚ, УЛАРМОН, ҲАРИС, ҚАТТИҚ, ДУҚОЛ. Сарф-харажатга ҳаддан ташқари феъли тор. **Бахил**, **қоқвош**, **нокаста**, **нокас** ўзга учун бўладиган сарф-харажатга пишиқ маъносини билдиради. **Хасис**, **зйқна**, **қурумсоқ**, **мумсиқ** сўзлари ўзи учун, шунингдек, ўзга учун бўладиган сарф-харажатга ҳаддан ташқари пишиқ маъносига қўлланаверади. **Мумсиқ** нисбатан кам қўлланади.

Гар оғиз очсанг хасис, номардга, Менда йўқ деб, тумтайиб бор-бор деган (Ҳабибий). Патирдан қил чиқмас Бахилдан пул чиқмас (Мақол). [Йўлчи] Кейин ўз аҳволига, қишлоқдаги оиласига қайғирди: «Кузда тоғамдан пул олиб юбораман-да, Лекин қариндошларимиз ўлгундай пишиқ одамларга ўхшайди, ғирромлик қилишмаса майли-я» (Ойбек). Биздек фақир ўқитувчилар эски-туски бостирмаларда минг хил азоблар билан бола ўқитар эдик. **Хасис**, **қурумсоқ**, **инсофсиз** бойлар... ҳолимиздан хабар олмасдилар (М. Муҳаммаджонов). Малик Раҳимовни бир тийиннинг устида тиш синдирадиган **зиқна** одам деб бўлмайди («Муштум»). **Нокасдан** қарз бўлма; **Ҳам** йўлда қистайди, **ҳам** гўрда (Мақол). Бўлма қаттиқ, ҳеч **нокаста**. Топганингни келтир аста («Муштум»). Қўзибой эса, новда келтиришда кечикиб мақтов.

эшитолмагани учун Раҳим қизғанчиқдан яна бир марта гижиниб қўйди (Х. Назир). Мен анови қоқвош билан ҳисоблашиб чиқай... («Муштум»). Нафас ва Мулламуҳаммад умуман бежо, ҳарис, улугпараст, ўзларини жуда ёмон тутяпти (А. Ҳақимов). Оғзига кучи етмаганлар Хушёрхоннинг қариндош-уруғларига «Зориққанов — лапашанг йигит, удабурон бўлганда, салкам бир ойдан бери артель эшигида ивирсиб қолмасди. Узи ҳам ўлгудек қаттиқ бўлса керак»,— дейишибди (Ғайратий). «Бу хирси дунё дўқолда, бўлмаса шу болаларни уч кун, тўрт кун меҳмон қилсанг, шунга эр қилсанг...»,— деб Оққиз ҳам яхши кўриб қолди (Э. Жуманбулбул).

ХАТ, МАКТУБ, НОМА. Текст тузиб, хабар бериш, фикр олишини мақсадида бирор шахс ёки жойга юбориладиган қоғоз. **Мактуб** китобий. **Нома** эскирган, китобий.

Чой қоғозга ёзилиб, тўрт букланган хатни бой очди. Токчадан кўзойнакни олиб тақди, қоғозни деразага мойил тутиб кўз югуртирди... (Ойбек). **Мактубнинг** бош томонини ўқиганда Ҳомиднинг юзида кўрилган шодлик ўзгаришлари хатнинг охири билан негадир булгангандек ва шодлик ўрнини чуқур бир мулоҳаза олгандек бўлди (А. Қодирий). Бу нома эртаси кун хонга юбориладиган бўлиб, бунга махсус киши белгиланди (А. Қодирий).

ХИЗМАТКОР, ХИЗМАТЧИ, МАЛАЙ. Ўзга киши хизматини қилиб кун кўрувчи, ўзга хизматига кирган шахс. **Малай** сўзи оддий сўзлашувда салбий бўёқни кучли даражада ифодалайди, кўпинча ёш жиҳатдан кичик бўлган хизматчига нисбатан қўлланади.

Хизматкорлар ҳар кун давлатимга давлат қўшади (Ойбек). **Хизматкор** ёлғиз ўзини боқади, бир тийин ҳам тугуши қийин (Ойбек). Уйда **хизматчи** овқат қўйган экан, санъаткорнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмади: икки пиёла чой ичди, холос (А. Қаҳҳор). **Хушрўй хизматчини** ўчоқ боши юмушларига буюриб, чойни ўзи қўйди (А. Қодирий). «Сизнинг болаларингиз мадрасада ўқиб, давлатингизда ўйнаб юрган вақтида, мен сизнинг эшигингизда малай эдим»,— деди Элмурод (П. Турсун).

ХИЛВАТ, ОВЛОҚ, ПАНА. Одамлар (эл) эътибор-назаридан узоқ (холи) жой. **Хилват**, **овлоқ** назар-эътибордан холи ва узоқ жой маъносида қўлланади. Қолган сўзларда умуман назар-эътибордан холилик ифодаланади. Буларда «узоқлик» тушунчаси йўқ.

Кеч кирган сари хувиллаб, худди «ютаман» деяётгандай бу хилватда унинг ёлғиз ўзи ётарди (Х. Сеитов). «Худди шундай, шоҳим!— деди парвоначи.— Лекин овлоқ бўлса, айтаман» (А. Батъ). Кимсан биринчи учрашув овлоқроқ ерда бўлса деб хаёл қилган эди (А. Мухтор). Авжи пишиқчилик вақти. Ислом касби-кори номаълум бўлган Эргаш Бердиев исмли кимса билан панада шивирлашиб, гапни бир жойга қўяди («Муштум»).

ХИРА, ХИРАХАНДОН, ШИЛҚИМ, ЕПИШҚОҚ, ЕЛИМ, СУЛЛОҲ. Кишига ёқмайдиган даражада тегиб-тегишаверадиган; рад этса (ҳайдаса) ҳам, қайтмай тегаверади. **Шилқим** сўзида белги даражаси кучлироқ. **Елим** оддий нутққа хос ва бунда ҳам белги даражаси кучли. **Суллоҳ** бу маънода кам қўлланади ва белги даражаси бу сўзда яна ҳам кучли.

Низомиддинов ҳозир табиати одам хоҳламаганидан бу «бетамиз, хира» одам кетармикин, деган ниятда ёлғондан эснади (Саид Аҳмад). ...сен Ашур билан ўчакишма, Унга қўшилиб кул. **Билдинг**. **Мушукларни** қийнаб, товукларга тош отиб ўйнайдиган **хирахандон** болалар бўлади (П. Қодиров). ...у [комиссар аёл] ҳаддидан ошмоқчи бўлган бир шилқим матросни шартта отиб ташлади («Қизил Ўзбекистон»). **Машина** қумтепа ёнидан ўтаётганда ўзини ерга отиб, тиззасигача қумга ботди. У ўзини ростлаб олгунча бўлмай бояги шилқим яна пайдо бўлди («Шарқ юлдузи»). ...қора қош, серпан, ёпишқоқ бир йигит профессор Салимхон Обидийнинг ҳамма ишлари билан қизиқсиниб, унга қовушмаган саволлар бергани... Обидийни газаблантириб, тезда думи тугилишига олиб келди (Мирмуҳсин). **Текин** пул бериб дўппосласангиз ҳам, гинг демай туриб берадиган **елим** даллолларимиз қўй сотгандан 3—5 сўмдан, бузоқ-сигир сотганлардан эса 5—10 сўмдан қоқиб олишди («Тошкент ҳақиқати»). **Ис** чиқарган ерда ҳозир мисли шайтон ҳамтабақ, Қанча сўксанг, шунча шилқим, турфа суллоҳ баччагар (Муқимий).

ХОМУШ, МАЪЮС. Хафа ва паришон ҳолатли. **Маъюс** сўзида белги даражаси бир оз кучлироқ.

Адолат аввал йиғига зўр берди. Кейин **хомуш**, ўйчан бўлиб қолди (С. Зуннунова). **Замира** ҳали ҳам девор зиҳидаги креслода ўтирибди, кўзлари бир нуқтага тикилган... унинг қиёфаси ҳозир **Очилла** беозор ва маъюс кўринади (П. Қодиров).

ХОМУШЛАНМОҚ, МАЪЮСЛАНМОҚ. Хафа ва паришон ҳолатли бўлмоқ. **Хомушланмоқ** кенг қўлланади.

Фақат бир оздан кейин **Анорхон** алланечук **хомушланиб**, уҳ тортиди, бошини эгди (Ойбек). **Кумушининг** маъюсланиб қилган сукутидан кейин **Ўзбек** ойим мундоғ изоҳ бериб чиқди (А. Қодирий).

ХОНАСИ, УРНИ, ВАҚТИ, ПАЙТИ, ФУРСАТИ, КЕЗИ. Бажарилиш, амалга ошириш учун қулай (мақбул) дам.

«Энди бориб Олахўжадан ўч оладиган хонаси келди, ака»,— деди Давлатёр ва унга қишлоқда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, колхоз ҳақида ҳикоя қилди (П. Турсун). **Ҳозир** рутубатнинг хонаси эмас. **Ҳозир** ҳар туп гўза ҳарорат талаб... («Қизил Ўзбекистон»). **Келинлар**, ҳазилнинг вақти бор. **Чоршанбанинг** маслаҳатини тўғриланглар. **Ҳаммадан** бу фарз ҳам қарз (Ҳамза). «Ҳа, колхозчиларга билимдон бухгалтердан то лочин лётчиккача кадр тайёрлаш пайти келди»,— деди Уктам (Ойбек). **Кези** кел-

ганда шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли сартарошлик хизмати комбинати тармоқларида ҳали ҳамма ишлар яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди («Тошкент ҳақиқати»). Ҳозир ишоннинг (ўжарликнинг) ўрни эмаслигини ҳарчанд уқтирмақчи бўлдим, кўнмади (А. Қодирий).

ХОТИН, РАФИҚА, ЕСТИҚДОШ, АЁЛ, ОИЛА. Эрининг никоҳидаги аёл, умр йўлдоши. Естиқдош умр йўлдоши бўлган эр маъносида ҳам қўлланади. Рафиқа кўпроқ китобий услубга хос. Аёл, оила бу маънода оддий сўзлашувга хос.

У аввал акамнинг хотини эди. Акам, ҳали айтганим, Саид-аброр юзбошининг хизматкори эди (А. Қаҳҳор). Юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси — Офтоб ойим (А. Қодирий). Маманиёзнинг естиқдоши ўлиб кетиб, Бир ўғилча қолган экан бўйи етиб (Ғ. Ғулом). Ҳой, қизим Каромат, дарров битта этак келтир, мана раис боламнинг аёли ҳам ёрдамга чиқибди («Тошкент ҳақиқати»). У Зумрадхон мендан оилам бор-йўқлигини сўрамаган, мен ҳам индамаган эдим («Муштум»).

ХУДБИН, ЭГОИСТ. Уз шахсий манфаатини кўзловчи, устун қўювчи. Худбин салбий бўёқни кучлироқ даражада ифодалайди.

Демак, сен ёлғиз шуҳратпараст эмас, худбинсан ҳам, ҳамма касофат мана шунда (Шуҳрат). «Эгоистлар — ёмон одамлар, — деди у, — фақат ўзим бўлай дейишади. Узларинигина, ўз ҳаётларининг ҳузур-ҳаловатинигина ўйлашади» (П. Турсун).

ХУДДИ, АЙНАН, АЙНИ, РОСА, НАҚ, ҚОҚ, БААЙНИ. Жуда аниқ даражада. Қоқ ўрин ва пайтга нисбатан қўлланади. Қолган сўзлар белгига нисбатан ҳам қўлланаверади.

Ешлар маориф бўлимига худди мўлжалланган вақтда, соат 11 да етиб келдилар (П. Турсун). Қизил Армия унинг энг камидан 330 минг кишидан иборат сараланган группасини худди ўзи айтгандай ҳеч қаерга силжитмади, ҳаммасини асир олди (А. Қаҳҳор). Қиш фаслида қор кўп ёғди, ҳаво совуқ келди. Бу деҳқоннинг бахти, албатта. Шунга қарамай экинзорларга яхоб суви беришни қизгин давом эттириш керак. Биз айнан шундай қиялпмиз («Қизил Ўзбекистон»). Айни пайти, Темирни қизигида босинг, Қамчивой! (Ҳ. Ғулом.) Кундалик ҳаётда қўй каби ювош ва мулоим бўлган, хатарли дамларда эса йўлбарсга айланадиган одамлар борлиги афсона эмас, нақл эмас, айни ҳақиқатдир (М. Иброҳимов). Арча байрамга борадиган болалар соат роса ўн бир яримда мактабга йиғилишди (М. Исмоилий). Соат миллари р о п а р о с а 12 ни кўрсатиб туради («Совет Ўзбекистони»). Мен сенинг рақсингда ёниқ тилакнинг, Умидвор бир қизнинг нақ ўзин кўрдим! (Шуҳрат.) Трест бошлиғи шунчаки маслаҳатлашиб олиш тариқасида ўтказмақчи бўлган кичкина йиғин нақ уч ярим соат вақтни эгаллайди деб ўйламаган эди (Ж. Абдуллахонов).

Ховузнинг қоқ ўртасида қиррали тошлар устига чиқиб турган бир тимсоҳ оғзидан ҳамма ёққа сув пуркаб туради (Мирмуҳсин). Боқу оқишлари — боғу соҳилга Гўзаллигин ёзган баайни баҳор; Унда ёшлик каби қайнаш, эҳтирос, Севги мактубидай дилбар, беозор (М. Бобоев).

ХУЛҚ, АХЛОҚ, АДАБ (ОДОБ). Муомала, қилиқ ва хатти-ҳаракатлар мажмуи (бирлиги).

Қодир анча юмшарган эди. Набиғул ярамас хулқлари бор эканини бўйнига олиш билан Қодирни яна ҳам юмшатди (А. Қаҳҳор). Бузибон ёш болалар Феъли ила ахлоқини Ҳаммасин маҳв қилиб, Бошини қоппон қиладир (Ҳ. Ҳакимзода). Илму ҳунарнинг ҳамма равнақи — хулқу адаб, Нафрат этиб эл қочар, сўзни шакар қилмаса (Ҳабибий). Унинг одобида, унинг хулқида, Инсоний камолат мавжуд, барқарор (Уйғун).

ХУНОБ, ДИҚҚАТ. Хафа ва куянган, сиқилган кайфиятли.

Узи диққат, хуноб, лекин тез-тез хаёлга кетарди (Ойбек).

ХУНОБ БУЛМОҚ, БУҒИЛМОҚ, ДИҚҚАТ БУЛМОҚ. Хафа ва куянган, сиқилган кайфиятда бўлмоқ. Бўғилмоқ сўзида белги даражаси кучли.

Бўтабойдан хлопкомдан келган хатни қўлига олиб нима ёзилганини билолмай хуноб бўлиб турган эди, Низомиддинов келиб қолди (Саид Аҳмад). Рус тилини билмаганим учун роса бўғилдим (Ғайратий). Нафисахон ўзидан-ўзи бўғилиб, диққат бўларди (Мирмуҳсин).

ХУНУК, БАДБАШАРА, БАДБУРУШ, БАДҚОВОҚ, ТАСҚАРА, БЕДАВО, ТАЪВИЯ, БЕУХШОВ, БЕСУНАҚАЙ, СОВУҚ, БАДСУРАТ, НАДОМАТ. Кўриниши ёқимсиз, чиройлининг акси. Хунук кенгроқ тушунчага эга. У ҳар қандай ёқимсиз кўринишга нисбатан қўлланаверади. Бадбуруш, бадбашара, бадқовоқ сўзлари фақат башара (юз) га нисбатан қўлланади ва маънони хунук сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди. Тасқара, бедаво сўзлари умуман «ёқимсиз кўриниш» маъносида қўлланади ва маънони хунук сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди. Таъвия асосан сўзлашув тилига хос.

Элмурод эшоннинг хунук башарасини кўз олдига келтириб: «Оббо муттаҳам-эй!» — деди (П. Турсун). Болаларнинг назарида қорининг ҳар бир ҳаракати... чўзиб-чўзиб гапириши ҳам, гапирганда бир қошини дам-бадам кўтариб, кўзларини сузиб қўйиши ҳам — ҳаммаси хунук эди (П. Турсун). Фазлиддин, албатта,

бадашара эмас... Лекин муддатидан илари туғилиб ўсган одамлар каби, унинг гавдасида нимадир етишмайди (Ойбек). Сўнгра даккам-дуккам ифлос тишларини яширган оғзини катта очиб эснади, гўё унинг бутун бадбуруш юзини оғиз қоплади (Ойбек). Кимки, оёғи толиб, сал орқада қолса, тулки телпак кийган, бадаво оқ кўрбоши бешотар қўндоғи билан унинг курагига туртиб, пештаҳам сўзлар билан сўкади (Ҳ. Ғулом). Асал-

биби учун Аширмат бу гал жуда ёқимсиз, тасқара бир одам бўлиб кўринди (Ойбек). Эрим қиморбоз, чўтир, бедаво бўлса ҳам, ёмон эмасди (М. Исмоилий). Ҳарорати ошиб, алаҳлаб беҳол. У ерда ётарди таъвия, чўтир (Ҳ. Ғулом). Лекин қиз бир кўрганда жис этиб, жигар-бағриндан оладиган чиройли эмас, совуқроқ, бунинг устига чиллак оёқ (Шухрат). Бир бало, бир офат, бадсурат — хунук, Оғзидан очилган қора бир тўйнуқ (Миртемир).

ХУРСАНД, ХУШВАҚТ, ШОД, ХУРРАМ, ХУШНУД, МАСРУР, САРАФРОЗ. Севинч-қувонч ҳолатида, кайфи чоғ. **Шод** жонли сўзлашувда хурсанд сўзига нисбатан жуда кам қўлланади. **Хуррам, хушнуд** китобий. **Хуррам** якка сўз ҳолида жуда ҳам кам қўлланади. У асосан **шод** сўзи билан жуфт сўз ҳолида (**шод-хуррам**) қўлланади.

Еш заминдор билан баҳслашиб, халқ ғояларини, манфаатларини ҳимоя қилгани учун ўзи хурсанд эди (Ойбек). Гулнор очилган тоқларни ишқомга кўтариб, тол пўстлоғи билан маҳкамлаб боғлайди. Унинг кўнгли шод, кўксига ҳасрат эмас, ёрқин умидлар ёнади (Ойбек). Унинг юзида ҳеч қандай малол аломати кўринмас, аксинча, ҳар кунгидан хуррамроқ эди (А. Қаҳҳор). Бу сув қишлоқнинг бутун дард-фалокатини, бутун қашшоқлигини ювиб кетаётгандай ҳамма шод-хуррам, ҳамма аҳил, орада ўтган паст-баланд гаплар унутилган эди (А. Қаҳҳор). Нон бўк-тириб, баҳузур еб-ичиб олган ўштли шўрва унинг жонини киргизган, рангидан ниҳоят хушнуд ва бахтли экани кўриниб турарди (П. Турсун). Тонг нурлари ювар экан Юзини мағрур, Қиз ўсаркан ташвиш нима — Билмасдан, масрур (Шухрат). У ширакайф, ширин умидларнинг сафоси билан масрур эди (Ш. Тошмагов). Сенга бор меҳримни бердим, лоззоримсан, Ватан, Гулшаним, боғим, сарафроз рўзгоримсан, Ватан (Уйғун).

ХУРСАНДЛИК, СЕВИНЧ, ҚУВОНЧ, ШОДЛИК, СУРУР, ФАРАҲ, БЕҲБУДЛИК. Кайфи чоғлик ҳисси, хафаликнинг акси. **Хурсандлик** сўзлашув тилида ҳам, китобий тилда ҳам кенг қўлланади. **Севинч, қувонч** бир оз бадийлик оттенкасига эга. Бу сўзлар **хурсандлик** сўзига нисбатан маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди. **Шодлик** шу маънони **қувонч, севинч** сўзига нисбатан ҳам кучлироқ оттенкада ифодалайди. **Сурур** эскирган, поэтик стилга хос. **Фараҳ** эскирган, китобий.

«Хозир бўлса фақат Назарбой ижарасида бўлган вақф ерларимиздан 50000 танга унаётир... Бу жуда яхши», — деб хурсандлик изҳор қилди (С. Айний). Мана энди дил тўла севинч, Пешвоз чиқдим сени кутгани (Уйғун). Фельетон босилиб чиққан кун Элмурод учун катта тантана бўлди. Лекин у қувончинини ичида сақлади (П. Турсун). Бирдан Пирматовнинг юраги шодликдан гупиллаб уриб кетди... («Муштум».) Муҳаббат гавҳардир, усиз кўз бенур, Муҳаббат ҳаётдир, бағишлар сурур,

Муҳаббат — бахт, орзу, лавзат, куч, гурур, Зухрадек пок тутган — бўлғуси машхур (Е. Мирзо). Тақсир, бу мумийи асил фоний дунёмининг аламларини ёзади, озор чеккан кўнгиллари-мизга фараҳ бағишлайди (Ҳ. Ғулом). Ғамгин бўлмай, доим беҳбудлик бўлсин («Нигор ва Замон»).

ХУШБУЙ, ХИДЛИ, МУАТТАР. Ёқимли ҳидга эга, ҳиди ёқимли. **Хидли** бу маънода маълум предметларнинг ҳидига нисбатангина қўлланади. Масалан, «хушбўй ичимлик» дейилади, лекин «хидли ичимлик» дейилмайди. **Муаттар** китобий.

Меҳнат-у ғайрат-ла ўзал боғимга Яхши ният билан кўчат экканман. Шояд шу меҳнатим кўшилган чоғда Яна хушбўй ҳидга бурканса чаман (Ғайратий). Олимхон элликбошининг кўнгилида-гдай зиёфат: ...нодир таом, нодир мевалар, аччиқ хушбўй чой, донгдор бойвачча билан суҳбат! (Ойбек.) Стол устидоги гулдонга ранг-баранг хидли гуллар солиб қўйилганди («Қизил Ўзбекистон»). Жовдираб турган кўзларини кўриб, ноилож рўмолчани ҳидладим. На атир, на бошқа бирор муаттар ҳид бор (М. Зайниддинова).

ХУШОМАДГУЙ, ЛАГАНБАРДОР, ЛАББАЙГУЙ, ТИЛ-ЕҒЛАМА, ЯЛТОҚ. Хушомад қилувчи, ўз мақсади йўлида бирор шахсга нисбатан ўзини жуда паст олиб, унинг хатти-ҳаракати, хусусиятини сунъий равишда юқори кўтарувчи. **Лаганбардор** шу маънони **хушомадгуй** сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди.

Афанди қозиликка сайланган кундан бошлаб хушомадгуй кўпайиб кетди («Латифа»). Хасис ўлган отнинг тақасини истар, Лаганбардор бошлиқ кўнглини истар («Муштум»). Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи монополияларнинг ва уларга лаббайгуй ҳукуматларининг зўравонлигига қарши ўзининг жанговар чиқишларини кучайтирмоқда («Совет Ўзбекистони»). Мажиддиннинг кўзида кучли саросима очиқ сезилса ҳам, у тилёғламаликни яхши бажарди (Ойбек).

ХУШОМАДГУЙЛИК, ХУШОМАД, ЛАГАНБАРДОРЛИК, ЛАББАЙГУЙЛИК, ЯЛТОҚЛИК. Тамағирлик билан қилинадиган иззат-икром, яхши кўриниш (ёқиш) хатти-ҳаракати.

Камолхонов тараддуланиб қолди: қаймоқдан, масалан, бир қошиқ олсак, хушомадгуйликка кирмасмикин? (А. Қаҳҳор.) Уларнинг хушомад жуда оддий, ҳатто табиий бир нарса бўлиб кўринарди (О. Ёқубов). Бутун санъатини ишга солиб, раисга лаганбардорлик қилиб ўтирибди (Х. Тўхтабоев). Тун-кун золим ҳокимларга ялтоқлик қилиб юришдан бошқа ишни билмайсан (С. Айний).

ХУШРУЙ, ИСТАРАЛИ, ИССИҚ. Юз кўриниши ёқимли, ўзига тортувчан.

У менга шу аҳволда ҳам бошқа эркакларнинг ҳаммасидан хушрўй кўринарди (Ҳ. Ғулом). Ишқомда туғилиб, чайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшидаёқ

эгаллаб, санъат даражасига кўтарган эди (А. Мухтор). Унинг ҳозирги қиёфаси сержант Сорокиннинг кўзига яна ҳам и с с и қ ва янада ёқимлироқ бўлиб кўринди (З. Фатхуллин).

ХУШХАБАР, МУЖДА. Кишини қувонтирувчи яхши хабар. Мужда китобий, поэтик услубга хос.

Бир кун афандига хушхабар етди: Шаҳарнинг қозиси ақлдан озибди (Латифа). Мужда келди ёрдан дедим-да, Гулдастанга аста қўйдим лаб (Уйғун).

Ч

ЧАЙНАМОҚ, КАВШАМОҚ. Оғизда эзиб майдаламоқ. Кавшамоқ асосан ҳайвонларга нисбатан қўлланади. Одамга нисбатан қўлланганда ҳурматсизлик ифодаланади.

Қози домла, хушбўй бозор нонни чайнаб туриб мингбошини қузатар эди (М. Исмоилий). У ерда отлар қасир-қусур беда кавшар эди (М. Исмоилий). Бакдан сал берироқда, деразага сунган ҳолда Сайфулла нон кавшаб турарди (П. Турсун).

ЧАЙҚОВЧИ, ОЛИБСОТАР. Чайқов иши билан (қонунсиз олди-сотди билан) шуғулланувчи шахс.

Коммунистик жамият қураётган совет кишилари орасида шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўювчилар, совет қонунчилигини бузувчилар, ичкиликбозлар, безорилар, порахўр ва чайқовчиларга ўрин йўқ ва бундай шахслар бўлмаслиги керак («Қизил Ўзбекистон»). [Зиёдов] ўйлаб-ўйлаб, олиб-сотарларга баъзи-баъзи камёб моллардан узатиб, фойдасини арра қилиш йўлига ўтди («Муштум»).

ЧАККИ, НОЎРИН, ЎРИНСИЗ, НОМАЪҚУЛ, НОЖУЯ. Ўринли эмас, маъқул эмас (хатти-ҳаракат тўғрисида).

Чакки эмас?! Бундақанги ишни биз чакки деймиз. Айтақолинг, Авлиёота — қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а (Ойбек). «Сеники маъқул», — демакка бизнинг тилимиз келмас, «Бу сўзинг ноўрин», — десак, ўлдирмай қўймас («Едгор»). ...бордию колхознинг бирон раҳбари бирон иш қилмоқчи бўлди-да, бу ишнинг номаъқуллигини, бундан колхозга фойда бўлмаслигини фақат сиз билдингиз, шу нарса кўпчиликнинг ўртасига ташланганда, мажлисга қўйилганда нима қиласиз, гапиришни билмайман деб индамай ўтира берасизми? (А. Қаҳҳор.) Кирманг. Сиз унинг эрини билмайсиз. Но жўя гапириб, кўнглингизни хира қилади (А. Мухтор). Халилов унинг жавобидан ўринсиз таъна қилганини тушунди-ю, лекин айтганини бўйшаптирадиган бирор илова қилмади (И. Раҳим).

ЧАЛҒИТМОҚ, АЛАХСИТМОҚ, АЙЛАНТИРМОҚ. Диққат-эътиборини бошқа ёққа бурмоқ. Айлантirmoқ бу маънода оддий сўзлашувга хос.

«— У сизга аниқ айтмадимиз?» — Айтмади, сўрасам, гапни бошқа тарафга чалғитди (А. Қодирий). Умидни хаёлидан қувиб юбориш иложини қилолмас, қийналар, ўзини у ёқ-бу ёққа алаҳситар, аммо ҳеч иложи йўқ эди... (Мирмуҳсин). Нима демоқчисан! Гапни кўп айлантirmасдан, очиғини айтиб қўя қол! (О. Ёқубов.)

ЧАМАСИ, ЧАМАМДА, НАЗАРИМДА, АФТИДАН, ЧОҒИ, ЧОҒИМДА, БИЛИШИМЧА, МАЗМУНИ, ШЕКИЛЛИ, НАЗДИМДА, ОББАҲОЛАМ. Бу сўзлар бирор нарса ҳодиса ҳақидаги мулоҳазанинг тахминий эканини билдиради.

Даладан икки чақиримлар чамаси олисда бир машина келётганига Ойнахоннинг кўзи тушди (Х. Сеитов). Олдин саломлашайлик, чамамда, бугун кўришмадик шекилли (Х. Сеитов). Назаримда яшил ғўзалар Бой келинга ўхшайди... Бугун — Назар солдим ҳар бир шохиди — Ҳар қўлида ўнтадан тугун (Уйғун). Афтидан, улар эндигина заводдан чиққан бўлса керак... (И. Раҳим.) Унда битиладиган фикрлар аввалдан ўйлаб қўйилган чоғи, хатти тезда тамомлади («Ўқитувчилар газетаси»). Ҳозир битта чой ичдилар-у чиқиб кетдилар. Чоғимда, бугун Сойгузарда жужур бўлсалар керак (Саид Аҳмад). Олдин айт-чи, — товоқ-қошиғини бир четга суриб деди кампир, — нимага шошасан? Бу ишга билишимча, ҳозир жазм қилдинг (Ойбек). Адаштирдинг, мазмуни, бизни бир йўли (Уйғун). Онасиникига кетди шекилли (Х. Тўхтабоев). У бўлганда менинг бу ўйларимни маъқуллармиди... Йўқ, наздимда, маъқулламасди (А. Мухтор).

ЧАНГ, ГАРД, ҒУБОР, ТЎЗОН. Қаттиқ жисмларнинг ҳавога кўтариладиган ёки нарса-предметлар юзасига ўтирадиган жуда майда, кукунсимон зарралари. Чанг жуда кенг қўлланади. Гард, аксинча, жуда кам қўлланади. Ғубор сўзида чанг ҳолатнинг даражаси кучсизроқ бўлади. Тўзон сўзида белги даражаси кучли. Бу сўз асосан ҳавога кўтарилган кучли чангни билдиради.

Складингизда 700 минг сўмликдан кўпроқ консерва... топширилмасдан чанг босиб турибди («Муштум»). У ерда қаҳрамонлар, қайнаган жанг, Тутиб осмонни тўплар зарбидан чанг (Ҳабибий). Уларнинг юзлари исвагарддан таниб бўлмас ҳолга келганди (Ойбек). Букун кун бўлади равшан ва бедор, Ғубор йўқдир зарра ҳавода (Х. Олимжон).

ЧАНҚАМОҚ, СУВСАМОҚ, ЧУЛЛАМОҚ, ТАШНА БУЛМОҚ. Сув талаб бўлмоқ. Сувсамоқ, чулламоқ айрим шеваларга хос бўлиб, ёзувда жуда кам қўлланади.

Адолат кечалари ухламай, сувчилар ёнида юрди. У чанқаб, қовжираб турган ҳар бир ғўзага қараб ачинар ва тунги сувни шимириб тириляётган ҳар бир ғўзани кўриб қувонарди (И. Раҳим). Бухоро шаҳрига борганда, тарихий ёдгорликларни кўравериб сувсадим («Муштум»). Сувни шимирди чўллаб, Қанотла-

рини ҳўллаб (Ҳ. Олимжон). Ғуломжон бирдан ташна бўлганини, муздаккина сув ичгиси келганини сўзди (М. Исмоилий).

ЧАНҚОВ, ТАШНАЛИК. Организмининг сув, чой ва нарсга талабли ҳолати.

Бироқ чанқовни томчи билан қондириб бўлмайди (Ойбек). Кўзининг оқу-қораси бўлган — Отабекнинг ҳоли нима кечди, қоронғи зиндонларда, рутубатлик зах ер остларида очликдан, ташналикдан, совуқликдан азиз кўкрагини ерга бериб жон бердимикин? (А. Қодирий.)

ЧАП, СУЛ. Киши танасининг юрак жойлашган томони (юракка яқин бўлган қўл томони). Сўл ўзбек таянч шеваларида қўлланмайди.

Унинг чап қўли томонида бир ўйнинг орқа девори бир бўйра эни кесиб туширилган бўлиб, қорайиб кўринар эди (А. Қодирий). Қиз бедапоядан ўтиб, сўл ёқдаги дарахтлар орасида ғойиб бўлганч, Йўлчи энгил, лекин юракнинг ичидан келган бир хўрсиниш билан яна ишга тушди (Ойбек).

ЧАПАК, ҚАРСАК. Қўлнинг панжа ва кафт қисмини бир-бирига уриш ва шу уришдан чиқадиган товуш (табриклаш, олқишлаш, ёқлаш ифодаси). Қарсак маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди. Шунинг учун ҳам «гулдурос қарсақлар», «давомли қарсақлар» каби бирикмаларда ҳамма вақт қарсак сўзи қўлланади.

Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди (А. Қаҳҳор). Уйинчи чўнтақлари, дурра тағлари ҳавдорга тўлиб даврдан чиққанда, одамлар уввос тортиб, чапаклар, қарсақлар билан, оҳ-войлар, қичқириқлар билан яна сўрадилар (М. Исмоилий).

ЧАРЧАМОҚ, ХОРИМОҚ, ТОЛМОҚ, ТОЛИҚМОҚ. Чарчоқ ҳолга келмоқ. Хоримоқ сўзи чарчamoқ сўзига нисбатан кам қўлланади ва маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди. Толмоқ, толиқмоқ кўпинча киши организмнинг маълум қисмларига нисбатан қўлланади (қўли толмоқ, кўзи толмоқ каби).

Бугун кунни билан тоғ қазиб, қаттиқ чарчаган эди (М. Исмоилий). Ермат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлғудай ҳоригани учун ҳамма отларга Йўлчи қаради (Ойбек). Шариллаб ёғайган ёмғир таъсир қилдими ёки доғлайвериб толдими, ҳар қалай, Лаъли ниҳоят жимиб қолди (Ҳ. Ғулом). Кимки оёғи толиб, сал орқада қолса, тулки телпак кийган бадқовоқ кўрбоши бешотар қўндоғи билан унинг курагига туртиб, пештахам сўзлар билан сўқади (Ҳ. Ғулом). Унинг толиққани, руҳан қийнала-қийнала тунлари яхши ухлай олмагани ранги-рўйидан кўриниб турарди (Шуҳрат).

ЧАРЧОҚ I, ХОРҒИНЛИК, ХОРДИҚ. Чарчаш (ҳориш) ҳолати. Хорғинлик сўзида белги даражаси кучли. Хордиқ «чиқмоқ», «тарқамоқ» каби уч-тўрт сўз билан бирга қўлланади.

Болалар ҳали тоғнинг ажойиботларини кўриб тўймаган, чарчоқ унутилган, баъзиларининг қирра тошлар тилган оёқларида оғриқ билинмай қолган эди (Ҳ. Назир). Меҳмонлар жуда чарчаган эди. Бу ҳорғинлик боғдан чиқилгандан кейин айниқса билинди... (А. Қаҳҳор.) Мулоим, дилнавоз садолар унинг бутун томирларидан ҳордиғини суғургандай бўлди (Ойбек).

ЧАРЧОҚ II, ХОРҒИН. Чарчаган ҳолатли.

Капитан Александров чарчоқ кўзларини осмондан узмай снаряд овозига қулоқ бериб турарди (Мумтоз Муҳамедов). Нигора Шербекка боқаркан, бутун вужудини чарчоқлик эзиб юбораётгандек туюлди. Негадир унга Шербек ҳам ҳорғин кўринди (С. Анорбоев).

ЧАТОҚ, ИШКАЛ, ХУРЖУН, ЕМОН, РАСВО, ПАЧАВА. Номақбул ҳолатли, ҳол-аҳволи хуш келмайдиган (иш, мақсаднинг ҳолати ҳақида).

«Шундай қилиб, бу йил ҳам иш хуржун — қизараман денг»,— деди киноя билан Уктам (Ойбек). «Ишқилиб, халфанинг даъвосини ёлғонга чиқаришга ҳаракат қилди. Қарасам, иш расво. Бўлар иш бўлиб, катта жанжалга айланди. Ўзимни босдим»,— деди чол (П. Турсун). Мадамин отдан тушмай Олахўжага: «Иш пачава»,— деб шивирлади (П. Турсун).

ЧАҚИРМОҚ, ЧОРЛАМОҚ. Овоз (товуш) ёки имо-ишора билан ўзи томон яқинлашишга таклиф қилмоқ, ундамоқ. Чорламоқ кам қўлланади.

Моҳлар ойм Нигор келини ўз ёнига чақириб: «Куювлик учун Анвардан яхшироқ йигитни тополмассиз»,— деди (А. Қодирий). Гўё бешов ботир йиғиб эсу хуш, Чорлардм: «Кел тезроқ, азиз ҳамшира!» (Ҳ. Пўлат.) Карнайчилар мачит томига чиқиб олиб, яна одамларни чорлар, энди кун тиғидан қорайиб гузар саҳни одамга тўлиб борар эди (М. Исмоилий).

ЧАҚҚОН, ЭПЧИЛ, ЧЕЧАН, АБЖИР, ЧАПДАСТ. Тез ҳаракат қилиш ҳадисига эга. Булардан чаққон, эпчил сўзлари жуда кенг қўлланади. Абжир сўзида чайирлик, кучлилик оттенкаси ҳам бор. Чапдаст, чечан сўзларида усталик, моҳирлик оттенкаси бор.

У — ўрта бўйли... чаққон, серҳаракат йигит (Ойбек). Ширқираб арқоғни тишлаб ўтган ул моки билан Уйнаган эпчил қўл-у, моҳир кўз-у қошларга боқ (Ҳабибий). Отамдан ёши катта бўлса ҳам, лекин ўзи абжир, гўлабир киши эди (М. Исмоилий). ...Зокир ота Сидиқжонни бир оз гўза чоптириб кўрди-ю, чопиққа ниҳоятда чечан эканини кўриб, «Отанга раҳмат»,— деди (А. Қаҳҳор). Пахта терган теримчи қиз-йигит ҳам Бир-биридан чапдаст, эпчил, жонсарак (Ҳабибий).

ЧЕГАРА, ЧЕК, ҲАД, ПОЕН. Тугаш нуқтаси, охирловчи нуқта.

Гарчанд гектар-гектар кенг майдонларни Терим машиналар

кезади тинмай, Гарчанд машхур, номдор там-там чеварлар рекордлар қўяди чегара билмай... (Зулфия). Доноликнинг чеки йўқ (Мақол). Унинг мўъжизасин йўқ сира чеки, Кимё — эл бойлиги, беадаги қувват («Қизил Узбекистон»). Поёнини кўз илғамас, овоз қучмас мовий денгиз буғун ажаб осойишта (С. Азимов). Едгор ҳам хурсанд, хурсандлигининг поёни йўқ (С. Айний).

ЧЕКСИЗ, БЕҲАД, БЕНИҲОЯ, БИЛОНИҲОЯ. Чегараси йўқ, ҳаддан ташқари даражада.

Улар инсонпарвар рус аёли билан учрашганларидан ниҳоят руҳландилар. Чеқсииз миннатдор бўлдилар (П. Турсун). Биз областимизнинг Ленин ордени билан мукофотлангани ҳақидаги хушхабардан чеқсииз хурсанд бўлиб, келгуси йилда 55 центнердан хирмон кўтариш учун тараддудни бошлаб юбордик («Қизил Узбекистон»). Дили пора, юзлари сўлгин, Кўзларида беҳад ҳаяжон. Кезиб чиқди қишлоқни буткул. Ерда ётар ўликлар ҳамон (Уйғун). Инглиз айниқса беҳад эзди бизни, дарё-дарё оқизди қонимизни (Ойбек). «Қоя! — дедим. — Ҳой мағрур қоя! Юрагинга албат қўл солғум! Хазинанг-ку мўл, бениҳоя, Барини олғум» (Миртемир). Қўлларимни чўзгандим сенга, Сен сўзимга қилиб риоя, Кумуш бердинг бир ҳовуч менга, Мен севиндим билониҳоя (Уйғун).

ЧИДАМ, БАРДОШ, ТОҚАТ, ТОБ, ТЎЗИМ, ТАҲАММУЛ, МАТОНАТ. Чидамлилик қобилияти, дош бериш қурб-қуввати. Бардош сўзлашув тилига нисбатан ёзув тилида кўп қўлланади. **Тоб, тўзим** сўзлари бу маънода жуда кам қўлланади. **Таҳаммул** эскирган, китобий.

Кимдан олдинг сўнмайдиған меҳр-оташни, она? Кимдан олдинг пўлатда йўқ чидам, бардошни, она? (Е. Мирзо.) Одамларнинг салобати унинг қайғусидан устун келдими ёки яшамоқнинг мустаҳкам қонун кулфатни бардош билан енгишга уни ўргата бошладими, негадир энди у йиғламас эди (П. Турсун). Индамай ўтиришга тоқатим қолмади, аста-секин йўлакка чиқдим (Ойдин). Отанга берма азоб, Азобга қолмаган тоб (Ҳ. Олимжон). Охирига қадар куттишга куч ва тўзим сезмади ўзида (Ойбек). Ҳар қандай ташқи душман унинг ерига босиб кирса... у Ҳусайн Бойқаро қайғурмас, ёлғиз ғазабланар ҳам таҳаммул ва сабот билан сафар чораларини кўрар эди (Ойбек). Қудратли руҳ, матонат лозим Ювиш учун ҳижрон доғини (Уйғун).

ЧИДАМЛИ, БАРДОШЛИ, ТОҚАТЛИ, ТЎЗИМЛИ, МАТОНАТЛИ. Чидами (бардоши, тоқати, тўзими) бор. Чидамли ҳаммага, ҳатто жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам қўлланаверади. Бошқалари асосан одамга нисбатан қўлланади. **Тўзимли** жуда кам қўлланади.

Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, эгни юпун бўлганидан... газдасининг бужмайганини сезди (Ойбек). Биринчиси чидамли, аммо жуни дағал (С. Анорбоев). ... — халқ силлиқ ва чидамли

суря, чит ва сатинларни олмай, қўпол ва дағал бўз ва қалами орқасидан югуради (С. Айний). Ҳожи ака дарда бу қадар бардошли аёлдан ҳам кўра бунчалик вафодор эрки кўришга иштиёқманд бўлиб қолди-ю, халатнинг белбоғини маҳкам боғлаб, шиппагини кийди (А. Қаҳҳор). Тоқатлига тоғлар эгар бошини, Тоқатсизнинг бировлар ер бошини (Мақол). Тоғлар соясида қумурсқасимон, Довул қанотида учган хас каби бўлса ҳамки, аммо тўзимли инсон. Ҳамма даҳшатлардан зўрроқдир қалби (С. Акбарий). Темир иродали, жасоратли, сабот ва матонатли коммунист. Ботир партизан, айни замонда жанговар бир ўртоқ эди (Н. Сафаров).

ЧИДАМОҚ, КЎТАРМОҚ, БАРДОШ ҚИЛМОҚ, ТОҚАТ ҚИЛМОҚ. Бирор кўнгилсиз, оғир иш-ҳаракатнинг давом этишига йўл қўйиб бермоқ, унинг тугагини сабр билан кутмоқ.

Барига чидадинг, етди бардошинг, Бу хислат мақтовга арзир, албатта. О, мамнун бўларди умр йўлдошинг Шунчалик бардошли бўлсайдинг, эркам, Бахтиёр ўз шахсий ҳаётингда ҳам! (Шухрат.) Кумушбиби учун дунёга сигмаслик бир шодликни кўргувчи кўзларига ишона олмаслик бир бахтнинг бу гал кўтариб бўлмайдиган бир қайғу, чидаб бўлмайдиган бир ҳасрат бўлиб боришини у яхши тушунар эди (А. Қодирий). Энди у Софья бу икки мусибатни биратўла қандай кўтарарди? (А. Мухтор.) «Бардош қил, дўстим, хафа бўлганинг билан, йиғлаган билан бўлмайди», — деди Ҳайдар ота (А. Қаҳҳор). Бу ҳол зараркуналларнинг ер четларидаги бегона ўт қолдиқларига, дарахтларнинг атрофларига кўплаб уя қўйишига сабаб бўлмақда. Бунга эндиликда тоқат қилиб бўлмайди («Қизил Узбекистон»).

ЧИРОЙЛИ, ГЎЗАЛ, ҲУСНДОР, ҲУСНЛИ, ХУШРУЙ, КЎҲЛИК, КЎРКАМ, БАРНО, СУЛУВ, ЗЕБО, ЛАТОФАТЛИ, СОҲИБЖАМОЛ. Ҳусни одатдагидан ортиқ, хунукнинг акси. **Чиройли** стилистик жиҳатдан нейтрал. Бу сўз одамга, бошқа жонли нарсаларга, шунингдек, жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам қўлланаверади. **Гўзал** одамга ва жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланади. Бу сўзда белги даражаси кучли. **Ҳусндор, ҳуснли** сўзлари нисбатан кам қўлланади. **Хушрўй, кўҳлик** фақат одамга нисбатан қўлланади ва «ёқимлилик» оттенкаси бор. **Барно, сулув, зебо** сўзлари ҳам одамга нисбатан қўлланади. **Сулув** — кам қўлланади. **Зебо** китобий. **Кўркам** асосан жонсиз нарсаларга, кам даражада одамга нисбатан қўлланади.

Чиройли саман отнинг жоловини тутиб, эгасини қўлатиқлаб ерга туширди (Ойбек). «Узиям пошналарнинг новчаси экан», — деди Уктам қизнинг чиройли оёқларига кўз ташлаб (Ойбек). Унсин... қўллари иш тикаркан, кўзларидан оққан қайноқ томчилар қуюлиб, унинг гўзал юзини куйдиради (Ойбек). Шунчаки чиройлими? — деди Элмурод ўйламай ва кўз олди жимирлашди.

Бундай гўзалнинг қанақа бўлишини тасаввур қилолмади (П. Турсун). Уйдан Урмонжоннинг хотини — тўлагина, хийла ҳусндор жувон чиқиб, Сидиқжон билан кўришди-да, қайғиб бир лаган тут билан нон олиб чиқди... (А. Қаҳҳор.) Бош яланг, яланг оёқ, кўйлаги йиртиқ хотиннинг юзига изтироб шундай чанг солган эдики, йигитлар уни Мишанинг онаси кечаги кўркама, ҳуснли аёл эканини баъёр фарқ қилдилар (Ойбек). У отасининг ёрдамчиси хушрўй йигит Раҳимберган маҳрамни севиб қолган, аммо бунга ҳеч қачон, ҳеч кимга изҳор қилмаган эди (Ж. Шарипов). Сиз қанчалик кўҳлик, қанчалик... гўзал эканингизни ўзингиз ҳам билмайсиз, Саодат (О. Еқубов). Ана ўшандан кейин кўчада учраган бағно қизларга ўз кўзим билан эмас, ўғлимнинг кўзи билан қарайдиган бўлиб қолдим («Муштум»). Бирам сулув, бирам ойжамол, Лаб устида жажжигина хол,— Онасининг ўзи бўлибди (Х. Ғулом). Кўклам қизи юз очди, муссаффо безанибдур, Эғнида яшил жомаси, зебо безанибдур (Ҳабибий). Ҳаёт ҳар қачонидан кўра кўркама ва ёрқин эди, дунёда айрилиқ, қайғу, алам, уруш, қон, изтироб йўқ эди (Шухрат). Турғун унинг ҳуснини зимдан томоша қиларди. Уша кунни Саодат бурунгидан ҳам латофатли кўринди унга (О. Еқубов). Анҳор ёқасига чиққандим ёлғиз, Учради йўлимда соҳибжамол қиз (Шотурсун Ғуломов).— О, шундай соҳибжамол қиз чой таклиф қилар эмишу, қандай номард рад этармиш (Х. Сеитов).

ЧИРОЙЛИЛАШМОҚ, ГУЗАЛЛАШМОҚ, КЎРКАМЛАШМОҚ. Чиройли (гўзал, кўркама) ҳолга ўтмоқ, чиройли тусга (кўринишга) кирмоқ. **Чиройлилашмоқ** кенг қўлланади. **Гўзаллашмоқ** сўзида белги даражаси кучли. **Кўркамлашмоқ** асосан табиатга нисбатан қўлланади.

Чирчиқ шаҳри йил сайин янгидан-янги маданий оқартиш муассасалари билан гўзаллашмоқда («Қизил Ўзбекистон»). Кеч кирди, электр чироқлари ёнди. Колхоз қишлоғи кундузгидан ҳам кўркамлашиб, кўча колхозчи ёшлар билан гавжум бўлди (Н. Фозилов).

ЧИҚИМ, САРФ, ХАРАЖАТ, ХАРЖ. Бирор нарса учун ишлатиладиган, шу нарса эвазига бериладиган пул (сумма).

Шартнома мазмунига қараганда, сизнинг гарданингизга тушадиган бир кўп чиқимларни мен ўз зиммамга олдим (Ойбек). Энди Шоабдуфаттоҳ Хўжаевнинг сарфини ҳам кўтарайлик! Ўзинг чақирдинг, ўзинг буюрдинг... Тўлайбер, ахир бир кунни тагин директор бўлиб қолар... (А. Қаҳҳор.) Тошкентга келишининг ўзи бўлмайди, йўл харажати, бола-чақага совғасалом деган нарсалар ҳам бўлади... (Ойбек.) Йўл харажи тўп-лаш мақсадида Паркент қишлоғидаги Мулла Сайдахмадхўжа деган танишимникига чиқиб кетдим (М. Муҳаммаджонов).

ЧОЛ, КЕКСА, ҚАРИЯ, ҚАРИ, МУЙСАФИД, ОҚСОҚОЛ, БОБОЙ. Қариллик даврини яшаётган эркак. **Муйсафид** ижобий

муносабат бўёғига эга. **Оқсоқол** одатда маслаҳат, йўл-йўриқ берувчи кекса кишига нисбатан қўлланади. **Бобой** оддий нутқда бир оз ҳурмат ёки, аксинча, менсимаслик муносабатида қўлланади. **Кекса, қари** ёш жиҳатдан, куч-қувват жиҳатдан шу даражадаги аёлга нисбатан ҳам қўлланади.

Чол унга қарайман деб кўлидаги чойнакни тушириб юборди. Чойнак синди (А. Қаҳҳор). **Норматни** военкоматга элтиб кўйган шофёр ҳам кунни кеча Адолатларнинг ҳовлиси олдидан охириги марта сигнал бериб ўтди, у ҳам машинаси билан фронтга жўнади. Қишлоқда кексалар, хотинлар ва ўсмирларгина қолди (И. Раҳим). **Афсуски**, уларнинг аксарияти мендек бир қарияни кўрмагандек бўлиб индамай ўтиб кетишаверарди («Совет Ўзбекистони»). **Қари** билганини пари билмас (Мақол). Эй, нуруний ва донишманд оталарим, эй пок зурриятининг истиқболини невараларининг ёрқин пешоналарида ўқиган мўйсафидлар! Кулинг, қувонинг! (Миртемир.) ...ҳосилнинг бунақа пастлашига ёшлар билан бир қаторда биз қариялар, оқсоқоллар ҳам айбдоримиз. Бунга кекса бир деҳқон сифатида... мен ҳам айбдорман (Ҳамид Нурий). «Салом!»— деб қолдилар оқ соч оналар. Сиздадир эрта-кеч бобойлар ёди (Ойбек).

ЧОПҚИР, ЧОПАҒОН, ЮГУРУК, УЧҚУР. Тез чопадиган, чопиш тезлиги кучли. **Чопагон** кўпроқ сўзлашув тилида қўлланади. Бу сўзда белги даражаси бир оз кучсиз. **Учқир** сўзида белги даражаси жуда кучли.

Жуда чопқир отлар экан, велосипедни етказмайди-я! (И. Раҳим.) Сизга бу таронам — куйим армуғон. **Наср** — оғир қадам, назм — **чопагон** (Мақсуд Шайхзода). **Югурук** отларда бир қарич ёшдан Тоғлар, чўллар ошган бир одам бугун Шу нуқтада қотсин — фарқи йўқ тошдан! Ҳаракат ва замон бундаги туғун (Ойбек). **Дарвоқе**, бу учқур чавандозлар меҳнатидан баҳра олмаган киши бормикин! («Қизил Ўзбекистон».)

ЧОРА, ИЛОЖ, ТАДБИР, ИМКОН, ЙЎЛ, ЭП (ЭВ), АМАЛ. **Имкон** йўли (йўриғи). Шу маънода **тадбир** сўзига нисбатан **чора** кўп қўлланади. **Амал** жуда кам қўлланади.

Командир сойдан кечиб ўтишини буюрди. Бундан бошқа **чора** ҳам йўқ эди. Ротанинг ярмидан кўпи кечиб ўтди (А. Қаҳҳор). **Элмурод** Гулсум билан жуда кўп гаплашиши келар, лекин ҳеч иложини тополмас эди (П. Турсун). **Ғуломжон** ўзига ҳеч алоқаси бўлмаган бу таънадан... қутулиш тадбири ни излаб турганда ғўра қиз янги таъна, янги ўпка билан йигит юрагини тирнади (М. Исмоилий). ...ҳозир тўппа-тўғри жўнаш учун ҳеч қандай имкон йўқ: Гулнор ҳориган, кийимни йўқ (Ойбек). **Мамат** ўз-ўзига ...Сен бир иш қил, шу қизни йўлга солиб кўр. Агар сенга ён берса, қутқазини йўлини қил (Ҳамза). **Эрон** шохининг аскарлари Сирдарё остидаги қум доналаридан ҳам кўп, уларни жангга чорлаб енгиш маҳол. Аммо уларни қириб ташлаш учун

бир йўл бор. Кулоқ солинг... (М. Осим). Айвонда ўртанча синглим кичик укамни овитиб ўтирган экан. Унинг ёнидан ҳужрага киришининг эвини тополмадим (Ғ. Ғулом). Улмасликнинг яна қандай амали бор (П. Турсун).

ЧУНКИ, НЕГАКИ, САБАБ(КИ), ЗЕРО(КИ). Бу сўзлар боғловчи бўлиб, сабаб маъносини билдиради. Зероки кам қўлланади. Йўлчининг кўнгли қувонч билан тўла эди, чунки ёри ўз ёнида (Ойбек). «Нимага яхшилигини ҳам биламан. Негачки бугун сиз уйдасиз...» — шу сўз билан пинакка кетди (А. Мухтор). Петроградда, Тошкентда, Қўқонда урушлар бўлиб, «оқ аминлар» аминлигидан тушгандан кейин ҳам Асрорқул Ултармага боролмай юрди, сабабки бу қишлоқ босмачиларнинг уяси бўлиб қолган эди (А. Қаҳҳор). Ишқ давоси авом йўлаганча васл эмас — ҳажрдир. Зеро васл ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир (А. Қодирий). «Мен Кумуш!» — деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложни қолмади. Зероки дунёдаги энг яқин кишини унга «Кет!» амрини берган эди (А. Қодирий).

ЧУҚУР, ТЕРАН. Чуқурлиги бошқаларга нисбатан ортиқ (тўғри ва кўчма маънода). **Теран** китобий тилга хос бўлиб, маънони чуқур сўзига нисбатан кучли оттенкада ифодалайди.

Ун минут қадар йўл юрилгач, бир томони чуқур жарлик кўчада Ермат бирдан отни тўхтатди (Ойбек). У қишлоққа кетаётган ғариб йигитни тасаввур қилади мағрур боши букилган, кўзларида чуқур ҳасрат (Ойбек). Алиқул қанчаки ҳис-туйғуси бўлса, юрагининг энг теран жойларига яшириш йўлини ҳам яхши биларди (Ш. Рашидов). Бир пахтадан мўл ҳосил олмоқ чун Теран йўллар билан кузатар чигит (Х. Расул).

ЧУКМОҚ, БОТМОҚ, ҒАРҚ БЎЛМОҚ. Сув остига кетмоқ, сув қаърига кирмоқ. **Чукмоқ** энг кичик нарсалардан тортиб ҳар қандай катта нарсаларнинг шундай ҳаракатига нисбатан қўлланаверади. **Ботмоқ** нисбатан катта ҳажмдаги нарсаларга ва шунда ҳам **чукмоқ** сўзига нисбатан кам қўлланади. **Ғарқ бўлмоқ** асосан катта ҳажмдаги нарсаларга нисбатан қўлланади.

Паром — қайиққа бир снаряд келиб тегди. **Паром чўка бошладди** (Н. Сафаров). «...бизнинг Эгамберди ўтда куймас, сувда чўкмас йигитча», — деди Уктам (Ойбек). Севги дарёсида тош бўлиб Хусусий мулк, тенгсизлик ётди. Қанча ошиқ урилиб тошга, хароб бўлди, дарёга ботди (Уйғун). ...бир чол герман урушидан бурун бўлган тошқинда ...капсанчилардан саккиз киши ғарқ бўлиб ўлганини ҳикоя қилди (А. Қаҳҳор).

ЧУЛОҚ, ОҚСОҚ, ЛАНГ. Бирор оёғи калта ёки касал, чўлоқланидиган. **Чўлоқ** кенг қўлланади, шунингдек у қўлга нисбатан ҳам қўлланади. **Оқсоқ** сўзида белги даражаси (чўлоқлик, чўлоқланиш даражаси) кучсизроқ. Бу сўз, кўпинча, ижобий муносабатда қўлланади. **Ланг** эскирган.

...Тўғри, ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдан тез учади, ҳайрон-

ман (Ойбек). Бу автомобиль райондан, шаҳардан тез-тез келиб турадиган автомобилларга сира ўхшамагани учун оқсоқ қоровул ундан кўзини олмай, қўлтиқ таёгини тўқиллатганича, зинадан тушди-ю... (А. Қаҳҳор.)

ЧУЛОҚЛАНМОҚ, ОҚСАМОҚ. Чўлоқ (майиб) оёғи сабабли дефектли қадам ташламоқ. **Оқсамоқ** кўпинча чўлоқланишнинг пастроқ даражасини билдиради.

[Қамбар] **Чўлоқланиб** оғилхонага югурди. Қоронғида тимискилаб, бир ҳовуч қийни олиб, косада эзиб, шийпонга учди (Ойбек). Бизнинг туямиз оқсаб, карвондан орқада қола бошлади (М. Исмоилий).

ЧУНТАК, КИССА, КАРМОН, ҲАМЁН. Кийимнинг пул, рўмолча солиб қўйиладиган бўлмаси.

Қайрилиб қараса, Холдор илжайганча имлаб унинг чўнтагини кўрсатяпти (А. Мухтор). Йигит унга [ойнага] боқиб, мўйловини чимириб, сартарошга раҳмат айтди. Жўра киссасини ковлади, сартарошнинг ҳақини бериб жўнатди. Кейин Йўлчиға нон қўйди, самовар қумғондан бир оз совиган чой дамлади (Ойбек). Ўзин чақа ҳамманинг кармониға тупуриб, бойларнинг ҳаммаёниға ўзини уради. У ер иссиқроқ, бежавотирроқмикан дейман (Ойбек). Йўқ, ота, бу пул [иона пули] бировнинг кармониға тушмайди. Ҳозир қоғоз, босмаҳона ва ҳоказо харажатлар учун пул етишмайди. Чунки «Ойна» тарқалади. Зиён қилиши ҳам мумкин (Ойбек). Юларди олтинни гарданингиздан Муштумзўр ёбекнинг очкўз ҳаммаёни (Ойбек).

Ш

ШАЛЛАҚИ, МАНЖАЛАҚИ. Уриш-жанжал қилиш характери кучли (аёллар ҳақида). **Шаллақи** сўзида бетсизлик, ҳаёсизлик оттенкаси ҳам бор. Шунга кўра маънони **манжалақи** сўзига нисбатан кучли даражада ифодалайди.

Вой, Марасул ака-ей, ўлмаган жонингиз! Бу шаллақи билан қанақа умр қилиб келаётибсиз? (А. Қаҳҳор.) **Отам Юсуф-хўжа домлани танийсизлар.** Яқинда бир манжалақи аёл туҳмат қилиб, уни беобрў қилди («Муштум»).

ШАМОЛ, ШАБАДА, ЕЛ, САБО. Ҳаво оқимининг горизонтал йўналишдаги ҳаракати. **Шамол** сўзи шабада, ел, сабо сўзларига нисбатан кенг қўлланади. **Шабада** асосан кучсиз эсувчи шамолни билдиради. **Ел** кам қўлланади. **Сабо** поэтик услубга хос.

«Бу ерларда ҳеч ким кўринмайди-ку», — дегани ҳолда шамол суриб келтириб, деворнинг ярмисигача босган қум устига сийрилиб тушди ва қум хомасига қараб йўналди (С. Айний). Тун тинчлигини бузиб қандайдир катта қуш учиб ўтди. Унинг кўринмас кучли қанотларидан чайқалган салқин шабада Нигоранинг

юзларига урилди (С. Анорбоев). Ҳаво булут, аччиқ ел тўрт томонга югурар, онда-сонда қор учқунларини қулаб зириқтирар эди (А. Қодирий). Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун (Х. Ҳакимзода).

ШАПАЛОҚ, ШАПАТИ, ТАРСАКИ. Қўлнинг кафт, панжа қисми билан туширилган зарб.

Шералининг юзига шапалоқ тортиб юбормоқчи бўлди (М. Муҳамедов). Бирдан сир ошкор бўлиб, [Тўла] отасидан шапати еди-ю, оғир тош елкасидан қулагандек бўлди (М. Исмоилий). Отаси... Тўланинг ўнг бетига бир тарсаки урди... Карима опа: «Вой қўлингиз синсин-ей!» деди-ю эрига, Тўланинг шапатида қизарган бетидан чўпиллатиб ўпа бошлади (М. Исмоилий). Тўрам ўзларини йўқотиб қўйдиларми ёки шундай қилишни аввалдан ўйлаб қўйган эканларми, хиёл эгилдилар-да, Қорининг семиз юзларига «бисмилло» деб тарсаки тортиб юбордилар (Х. Тўхтабоев).

ШИКОЯТ, АРЗ, ДОД, АРЗ-ДОД. Оғзаки ёки ёзма тарзда ифодаланган норозилик. Шу маънода арз сўзи шикоят сўзига нисбатан эскирган ҳисобланади. Шикоят кенгроқ тушунчага эга бўлиб, умуман бирор нарсадан норозиликни билдиради.

Гап вақфкор деҳқонлардан таёқ еб келган ижарадор Назирбойнинг шикояти устида эди (С. Айний). ...сизнинг хушбахтлигингизни булар шўрапуштлик қилиб, «Озуқа маъмурлари бизнинг ғалламизни зўр билан босиб олдилар»,— деб менга арз учун келдилар (С. Айний). Аканг айлансин, Содиқжон, энди додингни худога айт (Н. Сафаров). Ҳаёт нури бўлиб кирдинг хонамга, Ақлим, қалбим курашларда пишиқдинг, Курашларки, донги кетди оламга, Меҳнат аҳлин арзи-додин эшитдинг! (Шухрат.)

ШОВҚИН, ШОВҚИН-СУРОН, СУРОН, ШОВ-ШУВ, ҒОВУР, ҒАЛА-ҒОВИР, ҒОВҒА, ҚИЙ-ЧУВ, ДОД-ВОЙ, АЙЮ-ХАННОС. Нотинчлик, безовталиқ ифодаловчи баланд, кучли овоз, товушлар.

Қўнишдан анча узоқда Кўксой шовқин соларди (С. Анорбоев). Ялли шовқин билан тортишмачоқ бошланди! Қиз томондан губчақдай юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди (Ойбек). Унинг оёқ яланг, ярим яланғоч шўх болалари бир-бирини от қилиб миниб, кишнашиб, эски на-матларнинг чангини буруқтириб, ҳар кунги каби шовқин-сурон билан ўйнашар эди (Ойбек). Алжирда, Африкада— Овозликка жон қурбон!.. Овозлик жаллодлари Кўтариб баъзан сурон (М. Бобоев). Бу кучли чув ва шов-шув орасида... даҳшат нидолари дангал эшитилар эди (М. Исмоилий). Бош бухгалтер қўл кўтариб, ғовурни босди (Саид Аҳмад). Узим ҳам қишлоқда турулмасдим, шаҳар одамиман, оломоннинг ғала-ғовурини яхши кўраман (К. Икромов). ҒовҒа кўтарманг, дадам

хафа бўлади, ётиғи билан иш қилинг (Ойбек). Тўй соҳиби Мир-вакаримбой ҳам меҳмонхонадан чиққан эмас. Лекин кўчада қатнов, қий-чув боран сари кўпаймоқда (Ойбек). «Дод-войнинг кераги йўқ,— деди қатғий эликбоши,— бу сирни дилинганга туғ» (Ойбек). Қоронғи уйда ур-йиқит, тўполон, муштлашиш, отишма, дод-вой бошланди (Х. Ғулом). «Бир нафас аю ханнос солиб йиғлагандан кейин мен ҳам тўхтадим, бой ҳам тўхтади»,— деди Шум бола (Ғ. Ғулом).

ШОЛ, ФАЛАЖ. Киши танасидаги бирор аъзо ёки бирор қисмнинг сезиш, ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотиши, жонсиз бўлиб қолиши.

Кампиринг ишга ярамайди, оёқ-қўли шол («Қизил Узбекистон»). Бирок ҳосилнинг тўртдан учини, барибир, заминдор Ризоиддинхон юлқиб олишини ўйлаганда, унинг қўллари гўё фалаждай қимирламай қоларди... (Ойбек).

ШОШИЛИНЧ, ҚИСТАЛАНГ, ОШИҒИЧ, ТИҒИЗ, ТАНГ, ЗИҚ. Шошишни, тез ҳаракат қилишни талаб этувчи. Қисталанг асосан оддий сўзлашувга хос бўлиб, шошиланч сўзига нисбатан кам қўлланади. Маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди. Ошиғич, тиғиз бу маънода қисталанг сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Иши жуда ҳам шошилинч эмас, нонуштадан кейин чақириб берса ҳам, кечикмаслигини айтиб, йўлдан қолдиргани учун узр сўради (Шухрат). Бировда қисталанг иши бор каби Юксакдан пастларга боқиб келасан (Шухрат). Нигора ойим ошиғич ҳозирликлар орқасидан чопиб юрар, бешикда ётиб зериккан Масъуд қичқириб йиғлар эди (А. Қодирий). Мана ҳозир, ишнинг тиғиз бўлишига қарамай, вақт топа олган директор Янги боққа келиш билан қизга бўлган битмас-туғанмас севги-садоқатини яна бир бор исбот қилди (Ш. Рашидов). «Узинг ҳеч нима ёздингми? Бошқалардан қисташни хўб биласан-а»,— «Вақт танг, даламда иш тиғиз» (Ойбек). Ҳамон отишма овози эшитилиб турар, вақт ғоят зиқ эди. Майна маузер ўқи билан қари жосуннинг миясини кўпорди (Ш. Тошматов).

ШОШМОҚ, ШОШИЛМОҚ, ОШИҚМОҚ. Бирор иш-ҳаракатни, мақсадни амалга ошириш учун тез ҳаракат қилмоқ ёки унинг амалга ошишини сабрсизлик билан кутмоқ. Ошиқмоқ сўзида ҳаракатдаги тезлик, кутишдаги сабрсизлик оттенкаси шошмоқ, шошилмоқ сўзидагига нисбатан кучлироқ бўлади.

Шербек эгар қошидан сумкасини олди-да, сунъий қочирши пунктига қараб юрди. У гармонли сиворотканинг кучини синаб кўришга шошарди (С. Анорбоев). Жонфигон катта бир ҳақиқатни очишга шошилгандай, уйдан югуриб чиқди (А. Қаҳҳор). Чой ичишиб ўтириб, Раъно дадасининг нега бунча кечикканидан шикоят қилди. Қудратнинг ўзи ҳам дадасини ошиқиб кутаётган эди (Х. Назир).

ШУБҲА, ГУМОН, ИШОНЧСИЗЛИК, ИШТИБОҲ. Ишончсиз қараш. Иштибоҳ эскирган, китобий.

Мирзакаримбой шубҳа билан боқиб сўради: «Келинг, кимни йўқлаб келдингиз бу ерга?» (Ойбек.) Аммо Мавлон аканинг кўнгли тинчимади, уни аллақандай шубҳалар тимдалай бошлади (Ҳ. Ғулом). Балки хат олмасдан анчадан буён, Қалбингни босгандир минг турли гумон (Уйғун). «Қўлимга нақд тегадими»,— сўради Пўлат ака ишончсизлик билан.. («Муштум».) Кўпчиликка айтадиган гап эмас ўзи. Майли, иштибоҳ қолмасин сизларда, айтаман (И. Раҳим).

ШУБҲАЛАНМОҚ, ШУБҲА ҚИЛМОҚ, ГУМОНСИРАМОҚ, ГУМОН ҚИЛМОҚ. Шубҳа (гумон) билан қарамоқ. Гумон қилмоқ нисбатан кам қўлланади.

Йигитлар, кейинчалик келган ҳалиги мўйсафид ҳам, уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асқар ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди (А. Қаҳҳор). Аммо бу маслаҳатнинг Ҳожи акамизга ҳам маъқул тушмоғига шубҳа қилмаймиз (А. Қодирий). ...муттаҳам Ҳайитбойнинг сўзига кириб эл-юртга шарманда бўлган Умар ҳар кимдан ҳам гумон қилаве радиган бўлиб қолган эди (Х. Сеитов).

Э

ЭВАЗИГА, ҲИСОБИГА, БАДАЛИГА. Бу сўзлар бирор нарса, ҳаракат билан, шунини йўқ қилиш, сарфлаш билан бўлишни билдиради.

Усадиган бутун саноат маҳсулотининг 70% идан кўпроғи шу манба эвазига қўлга киритилади. Кредитлар бюджет ресурслари ҳамда корхона, ташкилотлар ва аҳолининг жалб қилинадиган маблағлари ҳисобига кўпайтирилади («Қизил Ўзбекистон»). Ҳўш, Қобил карвон нима топди, шунча хизмати бадалига? (Ҳ. Ғулом.)

ЭГА, ХУЖАЙИН, ХУЖА, СОҲИБ. Фойдаланиш, сарфлаш ва бошқа ҳуқуқи ўз қўлида бўлган (ҳуқуқига эга) шахс; нарса-предмет қарашли бўлган шахс. Хўжа, соҳиб нисбатан эскирган. Хўжайин бу маънода жуда кам қўлланади.

Уй эгаси, кўҳнабисот бой, дам ўтмай ҳаммасини ҳозир қилди. Табиб ҳаммасини бир-бир кечирди-да, ўйланиб қолди (А. Қаҳҳор). Мамлакатнинг хўжайини ким? Ишчи? Яна ким? Деҳқон? Ишчи ким? Мен, Турғенев! Деҳқон ким? Назармат, Эмин! (И. Раҳим.) Қўриқ ва бўз ерларни очиш учун келган азаматлар бўрон кезиб юрган поёнсиз чўлнинг бирдан-бир хўжайини бўлиб қола бердилар (Ш. Рашидов). Бари малай-мардикор, Отда ўтар хўжаси (Миртемир). Дала ва кўкни пахта тугтудай, Худди қор ёққандай далага! Шуларнинг барига Узимиз хўжа! (Ҳ. Олимжон.) Унинг кашфиётчиси... фан кандидати деган ил-

мий унвон соҳиб и Норхўжа Хўжаевич Мақсудовдир («Ўзбекистон маданияти»). Қўй энди, хотин, бунча бақирасан? Соҳиб и хонадон менми ё сенми? (Х. Сеитов.)

ЭЗГУЛИК, ЭГИЛИК, ЯХШИЛИК. Хайрли иш. Жонли сўзлашувда эгиллик кенгроқ қўлланади.

Эзгуликнинг (эгиликнинг) кечи йўқ (Мақол). Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, бола-чақасининг эгилигини кўрсатсин (А. Қодирий). Халқ яхшиликка қўзғалса, олам гулистон бўлгучи эди (Ойдин).

ЭЗМА, ЭЗМАЧУРУК, МИЖҒОВ, ЛАТТАЧАЙНАР, МАҒЗАВА. Фойдали-фойдасиз, майда гапларни жуда кўп гапирадиган, шундай гаплар билан жонга тегадиган сергап. Латтачайнар, мағзава оддий нутққа хос.

Нури ўрнидан қўзғалмасдан совуққина сўрашди. Эзма Ерматнинг баъзи саволларига «ҳа», «йўқ» деб жавоб берди (Ойбек). [Хури] Тагин ҳаммаси қаёқдаги эзмачуруклар! Бурун Ширинхон билан Шакархонларни чақириб, жиндек дутор-сутор қилиб яйраб олардик, энди ундан ҳам айрилдиқ (О. Ёқубов). «Мен, ўзинг ҳам биларсан, гапнинг пўскалланини айтишни яхши кўраман, опанга ўхшаб мижғов эмасман!»— деди Улмас опа Санамга (Ш. Холмирзаев).

ЭКМОҚ, ЎТҚАЗМОҚ, ТИКМОҚ. Илдизи билан ерга қадаб жойламоқ (ниҳол ҳақида). Тикмоқ оддий нутққа хос, кам қўлланади.

Қурбон ота кўзига бўйроқ кўринган ҳар бир одамни ишга солиб, ҳашарга чақириб, ёзи бинонинг олди ва атрофига гуллар экди, катта-кичик супалар қилди (А. Қаҳҳор). Бири ариқ қазар, ер ҳайдар, Бири гул ўтқазар боғига (Ҳ. Олимжон). Шу қўллардир далада, чўлда Ниҳол тиккан, пахта ундирган, «Гулла, юртим!»— дея кўнгулдан, Янги боғлар, йўлларни қурган (М. Бобоев).

ЭПЛАМОҚ, УДДАЛАМОҚ. Бирор иш, топшириқни бажара олмоқ, қила олмоқ.

«Аввали шуки,— деди Бўтабой,— уни звено бошлиғи қилиш тўғрисида ҳеч қанақа гап бўлгани йўқ. Лекин звено бошлиғи бўлса, эплайдди, арзийди!» (А. Қаҳҳор.) Маҳкам «Уддалай олмасам, айб қилмайсизлар-да» деб узр сўраётгандек ўнғайсизланиб кулимсирар ва тезислари олдида очиқ турган бўлса ҳам, залла бевосита қараб тутилиб-тутилиб гапирар эди (П. Қодиров).

ЭРТА, БАРВАҚТ, ВАҚТЛИ (ВАХЛИ). Мўлжалланган (кутилган) вақтдан, одатдаги вақтдан илгари. Эрта кенгроқ тушунчага эга ва кенг қўлланади.

Эшон болалари эрта ётиб, кеч турар— уйқуга қонар, Элмурод эса кеч ётиб, эрта турар— уйқуга ҳеч қонмас эди (П. Турсун). Ерқин кўклам кунларининг бирида Утап жамоадан уйига одатдагидан барвақт қайтиб, эртаси кун мактаб очилишини

хабар қилди (Ҳ. Фулом). Шакархон эрталаб вақт ли туриб, ювинди, сочини иккита қилиб ўрди (Ойдин). Вой боламей, ва х-ли келадиган кунинг ҳам бўлар экан (Саид Аҳмад).

ЭСДАЛИК, ЕДГОР, ХОТИРА. Эслаш, ёдга олиш, хотирлаш учун қолдирилган, берилган нарса. Ёдгор сўзи кўпроқ эслаш, хотирлаш учун қолдирилган шахс ёки буюм-нарса маъносини билдиради ва бунда кўпинча бу нарсани қолдирган шахс йўқ ёки ўлган бўлади. Эсдалик, хотира сўзлари умуман шахс ёки воқеа-ҳодисаларни хотирлаш, эслаш учун қолдирилган нарса маъносини билдиради.

Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски узукни айлантириб гапирди (Ойбек). Агарда қайтмасам, шу мenden ёдгор (Ҳ. Олимжон). Меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим этилди («Қизил Ўзбекистон»). Улар меҳмонлар дафтарида эсдалик хати ёздилар («Қизил Ўзбекистон»). Ботир: [Ярим диққати Дилбарга қаратилган ҳолда] Салом! [Китобни узатиб] Мендан сизга хотира (Н. Сафаров).

ЭСЛАМОҚ, ХОТИРЛАМОҚ, ЕДЛАМОҚ, ЕД ЭТМОҚ, ЙУҚЛАМОҚ. Эсга олмоқ, эсга келтирмоқ, хотирада қайта тикламоқ. Ёдламоқ бу маънода кам қўлланади. Хотирламоқ жонли сўзлашувга нисбатан ёзув тилида кўп қўлланади. Эсламоқ ёзув тилида ҳам, сўзлашув тилида ҳам кенг қўлланади.

Сидиқжон қайнатаси Зуннунхўжанинг «Сиз менинг ҳам куйёмим, ҳам ўғлимсиз» деганини эслаб, кулиб қўйди (А. Қаҳҳор). Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа, чунки Кумушини кўрган сайин уста Олим фожиасини хотирлар эди (А. Қодирий). Йўлчи ҳозир қоронғида танҳо ўгириб, Гулнорнинг — яқинда кўрган қизнинг — кўзларида ёнган табассум билан ўз юрагини маст этган бир кунни ёдлар эди (Ойбек). Сергей! Сени ҳурматлади азиз Ватан, Бутун дунё сени ёд этди (Уйғун). Биз уларни йўқласак, улар бизни эслайдилар (Н. Сафаров).

ЭШИТМОҚ, ТИНГЛАМОҚ. Товушни (овозни) қулоқ (эшитиш органи) билан қабул қилмоқ. Эшитмоқ кенг қўлланади. Тингламоқ «диққат-эйтибор билан эшитмоқ» маъносида қўлланади. Эшитмоқ ҳаракатида диққат-эйтибор бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Бу сўзларга Қосим чўнг Тебратиб қалин лабин, Диққат билан эшитди Қодир охун талабин (Ғайратий). Қишлоқи ишит супа лабида бошини қуйи солиб ўтирар... экан, кўчада бирдан отларнинг дуқурини эшитди, сакраб туриб, дарвозага югурди (Ойбек). Ҳамма «Бой нима шартлар қўяркин» деб жон қулоғи билан тинглаб турди (М. Исмоилий). Сен чал бугун ялпи ҳаёт куйини, Бутун сези, ҳиссим билан тинглайин (Ғайратий).

ЭҲТИЁЖ, ТАЛАБ, МУҲТОЖЛИК, ЗАРУРАТ, ЗАРУРИЯТ, ҲОЖАТ, ЗОРЛИК. Зарурийлик, талаб этилганлик ҳола-

ти. Эҳтиёж ва талаб сўзлари кенг қўлланади. Зарурат, зарурият китобий. Ҳожат бу маънода жуда кам қўлланади. Бу сўз деярли ҳамма вақт бор ёки йўқ сўзлари билан бирга қўлланади.

...эндиликда ошиқлар учун қочишга эҳтиёж йўқлигини уқдириш керак (П. Турсун). Бироқ Кумушбибининг: «Мен энди эр қилиб бўлдим. Бундан сўнг эрга эҳтиёжим йўқ!»— деган қатъий жавобига улар узоқ қулоқ солиб турмадилар (А. Қодирий). ...ўзидек кишиларга ҳозир ҳамма ерда муҳтожлик зўрлигига қатъий ишонган Рамазон қори ўз талабининг дарров бажарилишини кутар эди (П. Турсун). Учга арава қолган. Талаб кўп. Чоллар: Биз чолмиз, кам қувватмиз, бизга бер»,— дейди (И. Раҳим). Эрга-кеч гузарни обод қилиб турадиган одамлар, бир зарурат билан кооперативга югуриб келиб-кетмасалар, энди уйларида чикмас эдилар (П. Турсун). Бу иш картошка этиштиришдаги барча жараёнларни тўла механизациялаштириш заруратини келтириб чиқаради («Фан ва турмуш»). Ана борди-ю мен зарурият юзасидан илтимос қилдим. У баччагар хўп дейдими? (Ойбек.) Сўзни чўзмоққа ҳожат йўқ (А. Қодирий). Ҳасан сўфи билан Алим бува... ўз дардларига тушунгучи дардманд, ҳожатларини англашувчи ҳожатманд излардилар (М. Исмоилий). Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнгилда тўла, аммо бу дамда бир парча чапатида зорлик қандай мусибат (Ойбек).

Ю

ЮБОРМОҚ, ЖУНАТМОҚ, ЙУЛЛАМОҚ. Маълум узоқликдаги ерга томон йўл юргизмоқ, ҳаракат қилдирмоқ. Шу маънода юбормоқ сўзи кенг қўлланади. Йўлламоқ жуда кам қўлланади.

Тонг ёришганда Урмонжоннинг хотини Сидиқжонни уйғотиб, унга Урмонжон киши юборганлигини айтди (А. Қаҳҳор). Қизим, неча хат жўнатдинг? Ҳа, бир юз иккита хат юбордик (А. Қаҳҳор). Маҳкамадаги қоғозлар ташқари чиқарилиб, ўтда ёндирилди... Бу воқеаларни эшитган Илолининг ҳокими хонга чопар йўллади (Ж. Шарипов).

ЮВОШ, МУМИН, ҚОБИЛ, РОҒИШ. Шўхлик қилмайдиган, «тўполончи»нинг акси. Ювош шахсга, шунингдек ҳайвонларга нисбатан қўлланаверади. Мўмин, қобил фақат одамга нисбатан қўлланади. Роғиш сўзида «гапга юрадиган», «айтганга кўнадиганлик» оттенкаси бор.

Дадам жуда ювош, ширин сўз чол эди, бозорда кичкина дўкони бўлиб, эрталаб кетиб, кеч қайтарди (Ойбек). У эски қора гимнастёрка устидан бир ёнига фотоаппарат, иккинчи ёнига сумка тақиб, ювош тўриқ байталнинг жиловини олифталик билан силкитиб борарди (П. Қодиров). «Қўяверинг, ман ўзим топаман,—

севинчдан юзлари ёниб, гапирди Нури.— дадамда бир малай бор. Нимасини суриштирасиз, мўмин, маъқул йигит. Улақолай ёлгон гапиреам» (Ойбек). Умриндан барака топкурлар, кўп қобил болалар-да! (А. Қаҳҳор.) «...боланинг уволи тутсин ўша сариқ Потmani. Битта боланинг тирноғига зор одамлар бор. Бу хотин шундоқ роийиш болани оч ташлаб қўйибди. Эшикдан киришданоқ пайқовдим...»— деди қўшни хотин (Мирмуҳсин).

ЮГУРМОҚ, ЧОПМОҚ. Оёқ ҳаракати билан кучли тезликда бирор томонга йўналмоқ. (Бу ҳаракатда бир оёқ ерга тушгунча, иккинчи оёқ ердан узилади.) **Чопмоқ** кўпроқ сўзлашув тилига хос.

...Райимбек додхоҳ қилич яланглаб сипоҳлар олдида оломонга қараб югурди (А. Қодирий). Шарофат гаранг ҳолда аввал отасига, сўнгра онасига қаради; булардан бирон садо чиқмагач, оёқ яланг ва бош яланг, Сидиқжоннинг кетидан чопди (А. Қаҳҳор).

ЮЗ, БЕТ, АФТ, БАШАРА, ЧЕХРА, ЖАМОЛ, ДИЙДОР, ОРАЗ, УЗОР, РУХСОР. Киши бошининг олд қисми, олд томони. **Бет** сўзи маъноси, қўлланиши билан **юз** сўзига жуда яқин бўлиб, **юз** сўзига нисбатан сал салбий оттенкага эга. **Афт** сўзи **бет** сўзига нисбатан салбий оттенкага эга. **Башара** сўзида салбий оттенка **афт** сўзидагига нисбатан ҳам кучли. **Чеҳра** ижобий оттенкага эга. **Жамол** сўзида ижобий оттенка чеҳра сўзидагига нисбатан ҳам кучли бўлиб, бу сўз асосан поэтик стилига хос. **Жамол** сўзи «хусн», «чирой» маъносига ҳам қўлланади. **Дийдор** сўзи **кўришмоқ, тўймоқ** каби бир-икки сўз билангина қўлланади. **Узор, ораз, рухсор** эскирган, китобий.

Унинг ҳаминша нақш олмадек қизариб турадиган юмалоқ юзлари оқариб кетган эди (Ш. Рашидов). Убетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади (М. Исмоилий). Шербекнинг кўзига Хўжабековнинг афтидан наҳс томаётгандек жирканч бўлиб кўриниб кетди (С. Анорбоев). У, бир кўнгли, бориб, муттаҳам қозининг тумшугига тушургиси ё ифлос башарасига тупургиси келди (М. Исмоилий). Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб, Мулла Норқўзига ўхталди: «Ху ўл, турқинг қурсин!» (А. Қаҳҳор.) Онам деганимда оқсоч, жафокаш, Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён (Ғ. Ғулом). Меҳнат билан тўлар камлик — камоли, Меҳнат билан ёруғ дилбар жамоли (Фозил Йўлдош ўғли). Сен маърифат, ободликнинг ёрқин тимсоли, Кундан кунга яшнамоқда кўркинг, жамолиниг (Ғайратий). Эсон-омон юртга қайтайлик, бола-чақа, ёр-оғайниларнинг дийдорини кўрайлик, деб яхши тилак қилсаларингчи (Ойбек). Оразингни, эй маҳваш, боғаро намоён қил (Муқимий). Кўнглида гўё нигори келади, ҳаётбахш узори уни бахтиёр қилади (М. Исмоилий). Мунча латифу мунча соз, лола узорини кўринг... (Ҳабибий). Бахту иқболнинг

қўёши чеҳра очди, сочди нур, Гуллатиб суҳбатни, яшнаб лола рухсор ўлтирур (Ҳабибий).

ЮМШАМОҚ, БУШАШМОҚ, МУЛОЙИМЛАШМОҚ. Юмшоқ (мулойим) ҳолга келмоқ. (Тўғри ва кўчма маънода). **Мулойимлашмоқ** тўғри маънога нисбатан кўчма маънода кўп қўлланади.

У бу ерга олдин сўв қўйиб, ер юмшагандан сўнг кавлаш кераклигини англаса ҳам, вақтни йўқотмаслик ва тоғанинг амридан чиқмаслик учун метин жойни кавлайверди (Ойбек). Шу инграш Сидиқжоннинг қулоғига эшитилиб кетди-ю, тўсатдан кўнгли юмшади (А. Қаҳҳор). Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган (П. Қодиров). «Туринг қизим,— эликбошининг товуши бирдан мулойимлашди,— ота-онанинг бошини букманг» (Ойбек).

ЮМШОҚ, БУШ, МУЛОЙИМ. Осон эзиладиган, қаттиқнинг акси (Тўғри ва кўчма маънода). Шу маънода **юмшоқ** сўзи кенг қўлланади. **Мулойим** сўзида «ёқимлилик» оттенкаси бор. **Юмшоқ** сўзи «ёқимлилик» оттенкаси билан ҳам, бу оттенкаси ҳам қўлланаверади.

Энди пахтазор унга яна ҳам оқроқ, яна ҳам юмшоқроқ кўринар, назарида, дунё янгидан-янги маъноларга тўлиб борар эди (М. Исмоилий). Ана шундан кейин Ғуломжон шаҳарга тушиб, тўғри ҳокимга учради. У ҳам мингбошидай юмшоқ муомала қилди (М. Исмоилий). Нормат юзига тегаётган мулойим қўлни сезди (И. Раҳим). Мулойим, дилнавоз садолар унинг бутун томирларидан ҳордиғини суғургандай бўлди (Ойбек).

ЮРАК, ҚАЛБ, ДИЛ, КҮНГИЛ, СИЙНА, КҮКРАК. Кишининг ҳис-сезгиси, кайфияти, руҳи, кечинмаларининг символик маркази. **Қалб** китобий. **Сийна** поэтик стилга хос. **Сийна, кўкрак** шу маънода жуда кам қўлланади.

Уша кундан бошлаб унинг юрагида алақандай янги, ёқимли, ва жўшқин бир ҳис-туйғу пайдо бўлган (Шухрат). Бу йигитнинг тегшигани, отини билгани, айниқса «Сидиқжон акам» деб гапиргани Сидиқжонга шу қадар ҳуш ёқдики, қалбига шу қадар иссиқ ва юмшоқ тегдики, она кўкрагини оғзига олган йўдакдай яйраб кетди (А. Қаҳҳор). Хат ҳам юборган Неру Катта совғаси билан, Дилдан салом ёзган у Дўстлик ҳаваси билан (Ю. Ҳамдам). Унсин Гулнорни бутун кўнгли билан севар, Гулнорнинг хаёли ёлғиз Йўлчида эканини... яхши билар эди (Ойбек). Ҳар ёнда булоқлар Оқмоқда шарақлаб... Ҳар сийнада шодлик Тошмоқда тилаклар (Ҳ. Олимжон). Қонларингга тўлқин солади Бу дамларнинг буюк шовқини, кўкрагингга йигиб олдингми Гигант қурилишининг завқини (Уйғун).

ЮҚОРИ, ЮКСАК, ОЛИЙ, АЪЛО. Баҳоланиш жиҳатидан биринчи даражали «паст»нинг акси. **Юксак** кўпроқ китобий стилга хос.

ГРЭС қурилиши ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи Велиуллаевдай сунчиғим борлиги учун мен ҳам юқори парвоз қилпман («Муштум»). Яна юк сакка чиқиб, Жон кўзи-ла қарасанг, Унда-бунда кўринган Нуқталарни санасанг (Ғайратий). ...пахта етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятни муваффақият билан бажаргани учун областимиз Ленин ордени билан мукофотланди. Бу олий мукофот дилларни қувончга тўлдирди («Қизил Ўзбекистон»). Мутахассисларга маълумки, мол тўшида қиймабон юшоқ олий нав гўшт фақат 14 процентни ташкил қилади («Тошкент ҳақиқати»). У [Кумуш] титрар эди, кўкарар эди, тўлғанар эди... ҳозирги энг кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни ҳиссиётнинг аъло ифодаси бўлган ёш билан тўкар эди (А. Қодирий). Ҳар ишда энг аъло тутдинг ўзингни, Кечалар чироқдек ёнди кўзларинг, Ярқирар китоблар узра юзларинг, Ҳар ишда энг аъло тутдинг ўзингни (Т. Тўла).

Я

ЯКУНЛАМОҚ, ЯКУН ҚИЛМОҚ, НАТИЖАЛАМОҚ, САРҲИСОБ ЭТМОҚ. Бирор натижа билан тугатмоқ.

Ҳисоблайди бетиним, Чўтига сиғмас иши, Янги йил келгунча Яқунламоқ ташвиши, Бу — менинг Ватаним (Т. Тўла). Ер қазишда рақамлар ҳар кун Юзлар билан яқун қилинар («Ўзб. тили дарслиғи»). Бу мақсад ҳозирги музокараларни, жанжалли масалаларнинг ҳаммасини асосан ҳал қилмай, қуруқ гаплар билан четлаб қолдириш билан натижалашга уринишдан иборат («Қизил Ўзбекистон»). Республикамиз меҳнаткашлари бутун совет халқи қатори ўтган беш йилликдаги ишларини сарҳисоб этиб, янги улкан вазифаларни бажаришга киришдилар («Совет Ўзбекистони»).

ЯЛИНМОҚ, ЕЛВОРМОҚ. Қаттиқ ўтиниб, ўзини хокисор тутиб илтимос қилмоқ. **Елвормоқ** маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди.

Унсин, майли, сўранг, ялининг. Сиз ялинасиш, аммо акангиз ялинмайди, булардан ўч олади (Ойбек). «Қочайлиг-у, бироқ мани тирик ўлдирманг»,— деди бек Комилга елвориб (Х. Ғулом).

ЯНА, ТАҒИН, ҚАЙТА, БОШҚА, БУЛАК, ЭНДИ, БОЗ. Такрор марта. **Тагин** кўпроқ оддий сўзлашувга хос. **Боз** жуда кам, шеърин асарларда учрайди.

[Отабек] Шундан сўнг бинога яна бир кўз ташлагач, майдоннинг кун ботарига юриб, ўн беш одимлаб, ҳалиги жойдан йироқлашди (А. Қодирий). Кичкина эшикча ёнига етганда (йигит) тагин ҳалигидек орқасига қараб қўйди (А. Қодирий). Эшон бир кўзини

қисиб туриб қайта сўради: «Нима, болаларни урмайсан, сўкмайсан ҳам дейдиларми?» (П. Турсун.) Қодир бошқа ичмаслик шарти билан иккинчи пиёланинг ярминч ичшига рози бўлди (А. Қаҳҳор). На куй яратди, на бошқага имкон, бир кун минбарда боз ўдағайлади. Ҳамма бирдан деди: «Сен ўзинг ёмон!» Минбар, ансамблдан қувиб ҳайдади... (М. Бобоев.)

ЯНГЛИШ, ХАТО, НОТУҒРИ, ЧАТОҚ, АДАШ, ҒАЛАТ. Ҳақиқий (тўғри) ҳолатга мос келмайдиган, тўғрининг акси. **Чатоқ, адаш, ғалат** сўзлари бу маънода кам қўлланади.

Нега ўз фикрингни айтмайсан? Янглиш чиқишидан кўрқасанми? (А. Қаҳҳор.) Жўрттага хато ўқиб, ўзинг кулдирдинг (А. Қодирий). Менинг гапимни нотўғри тушунма демоқчиман. Табелчи ҳам, худди жўрттага қилгандай, унинг номини ё тутулиб айтар, ёки чатоқ ўқиб, яна такрорлар эди (А. Қаҳҳор). Хат бу ерга адаш тушиб қолибди («Қизил Ўзбекистон»). Балки саҳарларда нола қиларсан. Фақат шубҳанг ғалат, кейин биларсан. Хати келмаса ҳам, ўзи келади. Ёнингга қайтадан кўзи келади (Уйғун).

ЯНГЛИШМОҚ, ХАТО ҚИЛМОҚ, АДАШМОҚ. Хатога йўл қўймоқ. Хатога кетмоқ. **Янглишмоқ** фикр-мулоҳаза, хатти-ҳаркат кабиларда хато қилмоқ маъносида қўлланади.

...баримиз Ҳожининг олдида бориб, «Маслаҳатингизни мувофиқ кўрдик, биз янглишган эканмиз»,— деймиз (А. Қодирий). Болани мактабга бериб, унинг бундан кейинги ўқишида қилинадиган ҳамкорлик ва масъулият энди бизнинг бўйнимиздан соқит бўлди деб ўйлайдиган ота-оналар жуда катта хато қилдилар («Ўқитувчилар газетаси»). Яхшини мақтасанг, ярашур, ёмонни мақтаган адашур (Мақол).

ЯРА, ЖАРОҲАТ. Тери ёки шиллиқ парда сиртида йиринглаб ёхуд яллиглаб турган жой, шунингдек, тана тўқималари ёки ички органларнинг қурол-яроғ ва б. нарсалар таъсирида зарарланиши. **Жароҳат** китобий.

«Бу билан ярангни дарров боғлатишинг керак эди,— деди унга,— бу латталарни сизларга дастрўмол қилиш учун эмас, шундай вақтларда ярани дарров боғлатиш учун берилган» (Шухрат). Ғуломжон сўнги зарбанинг оғир жароҳатидан узоқ вақтларгача тузала олмай юрди (М. Исмоилий).

ЯРАЛАМОҚ, ЖАРОҲАТЛАМОҚ. Яра ҳосил қилмоқ (ярадор қилмоқ). **Жароҳатламоқ** жуда кам қўлланади.

Бу галги ўқ Ботиралининг ўнг қулогини яра лаб кетди (Х. Ғулом). Ҳамма иш жойида, лекин бир нарсанига кўнгилининг ичгичка ерини жароҳатлайди (А. Қодирий).

ЯРАЛИ, ЯРАДОР, ЖАРОҲАТЛИ, МАЖРУҲ. Жароҳатланган, жароҳати бор. **Жароҳатли, мажруҳ** китобий. **Мажруҳ** жуда кам қўлланади.

Пўлатов ярали қўлини боғлатди-да, хайрлашиб чиқиб кетди («Қизил Ўзбекистон»). Кампир Мирзаевни яна ўпди, яра-

дор оёғини силади (А. Қаҳҳор). Унинг жароҳатли бадани қимирлаган сари зирқираб оғрир эди («Қизил Ўзбекистон»). Баҳор ҳол Арслоннинг бўғзидан сиқиб, вазиятини бир зарра ҳам ўзгартирмайди, мажруҳ қўлининг кафтига йиғилиб уйшган қонини мижиқлаб ерга оқизади... (А. Қодирий.)

ЯРАЛМОҚ, ПАЙДО БЎЛМОҚ, БИНО БЎЛМОҚ, БУНЁД БЎЛМОҚ, ТУҒИЛМОҚ. Юзага келмоқ, вужудга келмоқ. Яралмоқ кенг тушунчага эга, у одам ва бошқа нарсаларга нисбатан қўлланаверади. **Пайдо бўлмоқ, бино бўлмоқ, бунёд бўлмоқ** асосан нарсаларга нисбатан қўлланади, лекин жуда кам қўлланади. **Туғилмоқ** асосан одам ва бошқа жонли нарсаларга нисбатан, адабий нутқда эса мавҳум нарсаларга нисбатан қўлланади.

Сухбат қураб эдик қўшиқдан, создан, Яралажак яхши дoston ҳақида (Миртемир). Гулгун ҳаётимиз гултожи сизлар, Сизлардан яралган ҳаётнинг ўзи (Тўлқин). Одамзод шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам, пайқамайди, лекин йўқ нарса аста-секин пайдо бўлса, пайқайди (А. Қаҳҳор). Гарчи Бағдод фарзандига ўхшамайди, ўзга жойлардан келган ўхшайди. Бино бўлган жойини сўраганим йўқ... («Эрали ва Шерали».) Фабрикалар, заводлар бўлди бунёд, Кучга тўлди турли-туман саноат (Ҳабибий).

ЯРАМАС, ИФЛОС, РАЗИЛ, НОБОП, БАДКИРДОР, АБЛАҲ, НОМАРД, БАДКОР, ОЛЧОҚ, ПАСТКАШ. Хатти-ҳаракати, хулқ-атвори тубан, қоралашга лойиқ. **Бадкирдор, олчоқ, бадкор** китобий тилда ва кам даражада учрайди.

Эҳ, сен ярамаслар! [Полиция икки маҳбусни ҳайдаб келади] («Қизил Ўзбекистон»). Паранжи-чочвонимни кўриб, бошқа хотин деб гумон қилдингми, ифлос! («Муштум».) У заррин кийимли разил ва олчоқ Жаллодлар қон томган қўллари ила Ҳар бир одамнингга қўйдилар тузоқ, Қалбингга санчдилар минг заҳар игна! (Ойбек.) — Йўқ, у бола кўп нобоп чиқди, шариятга шак келтирадур... (М. Исмоилий.) Қамалга олди ёв, аблаҳ бадкирдор, Майли, мажақлансин ёвуз ва ғаддор (Миртемир). Жудо бўлмас эдилар улар, Бадкирдорлар жудо этдилар (Ҳ. Олимжон). Аблаҳ одам экансан! (А. Қодирий.) «Сен аблаҳ! Кўзингни олайтирма!» — Бойваччанинг тумшугига келиб қичқирди Йўлчи (Ойбек). Ортиқ бино қўйдим ёр, деб ўзимга, Кулчи эркин ўйқу бермай, кўзимга, Номард экан чалди, боғлаб қўлларим, Қиё боқмай кўз ёш томган юзимга (Ҳ. Ҳакимзода). Қўзганг зўр бўронлар бадкор ёв томон, Чоғидир! Зарба ур ур жадалроқ! (Миртемир.) Бекнинг тўплаган одамлари алақандай бир-бирига эл бўлмайдиган олчоқ одамлар экан... (А. Мухтор.) Ботирали хахолаб кулиб юборди: — Аммо, келини роса боглабдида бойни... — Абдурахмонбой чиндан ҳам пасткаш (Ҳ. Ғулом).

ЯРАШМОҚ, КЕЛИШМОҚ, КЕТМОҚ. Чиройлилиқ ва мослик жиҳатдан яхши ўринлашмоқ, кўриниш ва бичими жуда мос,

хуш кўринишли бўлмоқ. **Келишмоқ** кам қўлланади. **Кетмоқ** оддий сўзлашувга хос.

Дўстларининг жилмайган юзлари, уларнинг янги, ярашган уст-бошлари унинг ҳеч қачон ҳаёлига келмаган бир фикрни шивирлаётгандек бўлди... (П. Турсун). Аммо бу икки ўрим соч қирқ кокилга қараганда жуда ҳам ўзига (Кумушга) келишиб тушиб, унга яна бир қайта улугворлик ва олийлик бағишладилар (А. Қодирий). Шундай кетиптики, ловиллайди-я, ловиллайди! (Яшин.)

ЯРОҚЛИ, ЛАЁҚАТЛИ, ҚОБИЛИЯТЛИ. Ярайдиган, лаёқати (қобилияти) бор (Иш-меҳнат ҳақида). **Яроқли** бу маънода сўзлашув тилида ҳам, ёзув тилида ҳам кенг қўлланади. **Лаёқатли, қобилиятли** асосан ёзув тилида қўлланади.

Эртасига ишга яроқли олтмиш тўрт аёлдан фақат йигирма бир киши далага чиқди (Саид Аҳмад). Бу усулнинг жорий қилиниши меҳнатга лаёқатли ҳар бир ишловчи ҳисобига пахта етиштиришни кескин кўпайтиришининг асоси бўлади («Қизил Ўзбекистон»). Меҳнатга қобилиятли кишилардан бир гуруҳга тузилиб, қурилишга ёрдамга юборилди («Қизил Ўзбекистон»).

ЯХШИ, ДУРУСТ, ТУЗУК, БИНОЙИ, БИНОЙИДЕК, ЖОЙИДА, СОЗ, НОЗАНДАЙ (НОППА-НОЗАНДАЙ), (НОППА-НОЗИН), БОП, БОПТА, АЖАБТОВУР, АВЛО, ПОШШАХОН, ҚОЙИЛ, ҚОЙИЛМАҚОМ. Белги-хусусиятлари ижобий, талаб қилинган даражага яқин ёки ундан юқори, ёмоннинг акси. **Яхши** кенг қўлланади ва ижобий белги-хусусиятти нормал даражада билдиради. **Дуруст, тузук** сўзларида белги даражаси кучсиз. **Бинойи (бинойидек)** сўзида ҳам белги даражаси **яхши** сўзидагига нисбатан кучсиз. Бу сўз кўпроқ хотин-қизлар тилида қўлланади. **Жойида** сўзи яхши сўзига нисбатан камроқ қўлланади. **Соз** сўзида белги даражаси кучли. **Нозандай** оддий сўзлашув тилига хос бўлиб, жуда кам, асосан хотин-қизлар тилида қўлланади. Бу сўзда белги даражаси **яхши** сўзидагига нисбатан кучсиз. **Пошшахон, қойилмақом** оддий сўзлашувга хос. Бунда белги даражаси кучли.

Йўқ, Урмонжон ака, зерикканимиз йўқ. Уртоқ Иброҳимов жуда яхши агроном эканлар, чақчақлашиб ўтирдик (А. Қаҳҳор). Мен пул берай, шу атрофдан оз-моз дуруст, оёққа илинадиган бир нарса топиб беринг (Ойбек). Қани энди ўшанда ҳам одамлар билан тузук муомала қилса, қовоғидан қор ёғиб, кўрганга заҳрини сочади («Муштум»). Эски шаҳарда каттакон ошхона, пиён бозорда бинойи дўкон... ҳар кунни улфатчилик (А. Қаҳҳор). Биз планни ўйласак, сиз сифат дейсиз. Сифати бинойидек («Муштум»). «Ҳаммаси жойида! — Меҳмонхонага кўз югуртиб деди Гуландом — Ҳайронман, шу қадар бош билан шунча нарсани йиғдингизми?» Гуландом киноя билан кулди, Йўлчи ҳам беихтиёр кулиб юборди (Ойбек). Иш жуда соз бошланди, энди

охиригача силлиқ кетсин. Бунинг учун биринчи галда дадиллик керак (Ойбек). Муҳими шуки, иш қилиняпти, ноппа-нозандай қилиняпти (А. Мухтор). У [Карима опа] кўпроқ Тўладан қувонар, Тўланинг ноппа-нозик бўлиб қолганини кўриб суқланарди (М. Исмоилий). Жумлалари турар текис, Зумда варақ чиқар эгиз. Газета, журнал, китоб Текстлари ўқишга боп (Қ. Муҳаммадий). Хўп, ойинг билан магазинга чиқинлар-да, етмаганини қўшиб, битта бопта костюм олинлар, бўйига муносиб бўлсин (М. Исмоилий). «Бугун ажабтовуртинч ва саяқон кун бўлди-да»,— деди ниҳоят чол, китобдан бошини кўтариб (А. Батъ). Қишда туғилган икки қўзисининг баданига сув югуриб, ажабтовур бўлиб қолган (Х. Сеитов). Кимки махлуқ, хизматига камар Жуст эгар, яхшироқ ушалса бели. Қўл қовуш-тиргучи бу авлодур ки, онинг чиқса эни, синса али. (А. Батъ).— Элмурод ҳам йигитларнинг पोшиахони-да! Майли, иккови қовушсин (Шухрат). Бу йил мактаб учун қойилмақом янги бино қуриб берсак, нима дейсизлар? («Совет Узбекистони».)

ЯШАМОҚ, ТУРМОҚ, ИСТИҚОМАТ ҚИЛМОҚ. Хаёт кечирмоқ, умрини ўтказмоқ. Турмоқ шу маънода оддий сўзлашувда кўп қўлланади. **Истиқомат қилмоқ** китобий.

Биз яшаётган Охунбобоев номли колхознинг Киров участкаси ҳам кейинги йиллар ичида анча ўзгариб кетди («Тошкент ҳақиқати»). Бундан чиқадики, ё Шўро туриши керак, ё босмачилар туриши керак. Албатта, Шўро яшайди (Х. Фулом). Яна бир қувончлиси шундаки, совхозимиз ишчилари деҳқондорнинг қулай, яшаш эҳтиёжларини ҳисобга олиб қурилган, томорқали ва бир қаватли уйларда истиқомат қилишди («Совет Узбекистони».)

ЯШИРИН(ЧА), БЕКИТИҚЧА (БЕКИТИҚЧИ), МАХФИЙ, ПИНХОН, ХУФИЯ, ЗИМДАН, УҒРИНЧА, НИХОН. Киши билмас, ўзга билмайдиган, «очиқ-ошкор»нинг акси. **Яширин** кенгроқ тушунчага эга. **Махфий** асосан ёзув тилида ва ўқимишли кишилар тилида қўлланиб, «сирли», «сир тутилган» оттенкасига эга. **Пинхон** сўзи бадий стилга хос. **Хуфия** жуда кам қўлланади. **Бекитиқчи** жонли сўзлашувга хос.

Назирқул бундай яширин суҳбатларга кўп марта соқчилик қилган (Саид Аҳмад). Лекин мақола Элмурод қўйган яширинимзо билан эмас, балки Асқаров деган бошқа бир имзо билан босилган эди (П. Турсун). Техронда бирмунча ўзига келган ва буни ҳис қилган чол бир кун Хисровдан бекитиқча Малик-маданийни чақиртирди (М. Иброҳимов). ...қизинг феъл-атвори-ни, юриш-туришини очиқ ва бекитиқчи равишда узоқ таъқиб этди (Ойбек). Мен супада бўлман, фурсат топиб ёнимга чиқ, сенга айтатурган махфий бир сўзим бор (М. Қодирий). Шундай бўлса ҳам, ўзининг пинхон севгисини фош қилишга ботин-

мади (Шухрат). Раҳматулла бу ерда бирмунча вақт хуфия савдогарчилик қилиб юрганидан кейин шаҳар маориф бўлимига инспектор бўлиб кирди (А. Қаҳҳор). «Меҳмонингиз эрталаб қалъага, ҳузуримга келсинлар,— деди Валихон овозини пасайтириб— уларни Лангарга юбораман. Исёнчиларни зимдан билиб келишлари керак» (Ш. Тошматов). Муҳаббат кўнгили ичра эрдни ҳон, Бўлиб анга ҳар дам тилим таржимон (Ҳабибий). Умуман, Абулбарака ичкиликни ёмон кўрмас эди. То Парижга ўқишга кетгунича отасининг таъқибида бўлиб, ичса ҳам, ўғринча қилиб юрди (Шухрат).

ЯШИРМОҚ, БЕКИТМОҚ (БЕРКИТМОҚ). Яширин ҳолга олмақ, кўздан холи қилмоқ.

Йўлчи учун келтирилган тугунчак ёдига тушди. Уни паранжига ўраб, тахмоннинг бурчагига яшириб қўйган эди (Ойбек). Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтагига солиб қўйди ва медални кўриб.... уни шимининг чўнтагига бекитди (И. Раҳим). Бир қўшини хотинга яширин тиктирдим. Ҳозир бирор жойга беркитинг, катта ерга борганда киярсиз (Ойбек).

Ў

УЖАР, ҚАЙСАР, ҚИЙИҚ, ТИХИР, БАТТОЛ, АКС, САРКАШ, КАЖБАҲС, ТЕРС, ГОЖ. Тўғри йўл-йўриққа (маслаҳатга) юрмайдиган, ўзиникини тўғри деб туриб оладиган, зид иш қилишга мойил. **Қийиқ**, **акс** сўзлари нисбатан кам қўлланади. **Баттол** сўзида белги даражаси кучли. **Саркаш**, **кажбаҳс** сўзлари жуда кам қўлланади.

Саидалимхон ўжар бола, айтганини қилмасдан қўймайди (Ойдин). Бундан буён ишни бизлар дўндирамиз, Қайсарларни сўзимизга кўндирамиз («Муштум»). У қийиқ одам бўлганидан, ҳар қандай бўлмасин, бирон эътироз устида ўйларди (Ойбек). «Ўтуда тихир одам. Унга гап уқтириши осон эмас»,— деди партком — («Қизил Узбекистон»). Қачон қуюласан, ўжарлигинг қачон қолади?! Ужар бўлганда ҳам бориб турганисан. Бекорга «баттол» деб лақаб қўйилган эмас (Б. Раҳмонов). Сенинг режанг билан саркаш дарёлар Иродамиз олдида эгди бошини (Ғайратий). Дарвеш Ҳожи ҳеч кимнинг фикри билан келишолмайдиган ўжар, кажбаҳс эди (Ойбек). [Отадан] фақат мулкдорлар, зўравонлар, аслида терс одамлар дакки еб кетишар эди («Совет Узбекистони»). Акаси Аъзамжон гождроқ эди (Саид Аҳмад).

УЗБОШИМЧА, БЕБОШ. Ҳеч кимга бўйсунмайдиган, ҳеч ким билан ҳисоблашмай, кўнглига келган ишни қиладиган.

Ота-онасиз қолганинга шундай ўзбошимча, беодоб

бўлиб кетдингми ҳали? (П. Турсун.) Аминмизким, султонимиз бу бебошни бир оз тийиб кўюрлар (А. Батъ). ...фақат шумлик учунгина тугилгандек кўринган шундай бебош, шум болани ширин муомала билан ахийри тузатиб олдилар (М. Исмоилий).

УЙИН, РАҚС. Санъатнинг музика жўрлигида қўл, оёқ, гавда ҳаракати билан ижро этиладиган тури, шунинг ижроси.

Кўпчилик йигитлар ўртасида оқ кофталик, қора юбкалик, қомати ихчам Фотима ҳозир ўйинга тушиб кетадигандай қувониб турар эди (П. Турсун). Унинг рақсларида қуш энгиллиги, Шаббода шўхлиги, гулнинг нози бор (Уйғун).

УЙНАМОҚ, РАҚС ЭТМОҚ. Рақс ижро этмоқ, ўйинга тушмоқ. Рақс этмоқ китобий услубга хос.

Хонимбиби қизларга қистатиб ўтирмай, ўрнидан сакраб турди-да, ўйнаб ҳам кетди (А. Қодирий). Тошкентнинг донг чиқарган яллагилари шўх, жонли кўшиқ — «Олмача аноринга балли, бог-у бўстонинга балли»ни куйлаб, гулхан теварагида рақс этадилар (Ойбек).

ЎЛИК, МУРДА, ЖАСАД. Жонсиз тана. Ўлик одамга нисбатан ҳам, бошқа ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланаверади. Мурда, жасад фақат одамга нисбатан қўлланади. Мурда кўпинча, салбий муносабатда қўлланади. Жасад, аксинча, нейтрал ёки ижобий муносабатни ифодалайди.

Кампир додлаганича бориб, ўглининг ўлиги устига ўзини ташлади (А. Қаҳҳор). Полизларда немисларнинг ўлиги, мажақланган тўплари, пулемётлари ётар эди (А. Қаҳҳор). Мурдани кўмишдан бурун ҳужжатларни ахтариб, унинг кийимларини катта диққат билан қайта-қайта тимискиланди (Ойбек). Усмоновнинг жасадини қабрга кўяр эканлар, атрофни оғир сукунат босди (Саид Аҳмад).

ЎЛИМ, ВАФОТ, ҚАЗО. Организм фаолиятининг (ҳаётнинг) тугаши. Қазо жуда кам ва асосан «етмоқ» феъли билан қўлланади. Оддий сўзлашувда вафот сўзига нисбатан ўлим сўзи кўпроқ қўлланади.

«Гумондор борми?»— деди уста. «Гумондор-ку йўқ, аммо бечоранинг ўлими жуда қизиқ кунга тўғри келди» (А. Қодирий). Гулнор, қиз Унсин билан гаплашганда, унинг қишлоғи, уй-жой, тирикчиликлари, онаси, у бечора хотиннинг вафоти ва шунинг сингари нарсалар тўғрисида сўз очар эди (Ойбек). Юксал, пўлат қушим, юксал, лочиним! Юксал — минглаб ёвнинг етсин қазо-си! Юксал қуёш каби, юксал ой каби, Сен билан безалсин юртнинг фазоси! (Уйғун.) Она «қазойим етиб оламдан ўтсам, болам ўз қўли билан қабрга кўяди» деб умид қиларди (Саид Аҳмад).

ЎЛМОҚ, ВАФОТ ЭТМОҚ, ҚАЗО ҚИЛМОҚ, НОБУД БУЛМОҚ, ҚУРБОН БУЛМОҚ, ҲАЛОК БУЛМОҚ, ҚУЛАМОҚ, УЗИЛМОҚ. Яшашдан тўхтамоқ. Қазо қилмоқ оддий сўз-

лашувда, асосан катта ёшдаги кишиларга нисбатан ва вафот этиш вақтларида, уни бошқаларга хабар қилишда қўлланади. **Нобуд бўлмоқ** оддий сўзлашувда асосан гўдакларга нисбатан қўлланади. **Қурбон бўлмоқ, ҳалок бўлмоқ** жанг, кураш ва ш. к. ҳодисалардаги ўлимни ифодалайди. **Қуламоқ** оддий нутқда қўлланади, салбий бўёққа эга. **Узилмоқ** «жон чиқиш» пайтини ифодалашда қўлланади.

Уста Олим ҳам [Отабекка] ўзининг ўлган Саодати тўғрисидаги ипидан-игнасиғача бўлган хотираларини такрор-такрор ҳикоя қилиб, ҳикояси охирида: «Пешанамга сиғмади-да, ўлди!»— деб кўяр эди (А. Қодирий). Мирзакаримбой ҳикоя қила бошлади, яъни опасидан икки ёш қиз етим қолгани, улардан Хушрўйбиби ўз тарбиясида қолиб, унинг сингиси Ойимбибини Мирзакаримбой ўзи тарбия қилиб, нақ эрга бериш олдида вафот этгани, ва ҳоказони сўзлади (Ойбек). [Қўшчи бобонинг] Тенгдошларидан кўплари қазо қилиб, уч-тўрт қария бир-бирларига жуда суюнишиб қолишган эди (Мирмуҳсин). Қарасам, Ғаффоржон нобуд бўлганлиги тўғрисида унинг номига келган қора лат. Бунга ишонимимни ҳам билмай, ишонмаслигимни ҳам билмай, «Қалбаки эмасми, ўзинг қилганинг йўқми?»— деб сўрадим (А. Қаҳҳор). Йигит ўлди. У — қаҳрамон; у, мард инсон, бўлди қурбон! (Миртемир.) Натижада етти ўзбек жангчиси ва маҳаллий аҳолидан бир киши қурбон бўлди («Совет Ўзбекистони»). Зокирнинг отаси бир йил олдин ҳалок бўлган, акаси ҳали фронтда, ойиси рўзгорларидаги буюмлардан сотиб тирикчилик тебратар эди (П. Қодиров). ...Чол [Мирзакаримбой] қуламай турибди. Қулаган кун уларнинг ёқасини бўғаман, меросимни даъво қиламан! (Ойбек.) Энди оворагарчиликнинг фойдаси йўқ... Дафнга тайёргарлик кўра беринглар. Жуда нари борса эртагача, бўлмаса шу бугун кечаси узилади (П. Турсун). ...шу бугун тонгда, қуёш энди тиг уриб, қушлар чуғурлай бошлаган дамда, опаси билан қарийб бир вақтда узилади (М. Исмоилий).

ЎПИЧ, БУСА, МУЧЧИ. Севиш, эркалаш ифодаси сифатида лаб тегизиш. Бўса ва муччи фақат одамга нисбатан қўлланади. Бўса бадий стигага хос. Муччи асосан фольклорда ва ўзбек тилининг айрим шеваларида қўлланади.

Хотин унинг ҳаракатидан «Ўпич бер» деган маънони англади-да: «Ўпичми? Ҳеч бўлмаса шунинг тўғри айта қолсангиз, нима бўлар экан!»— деди (А. Қаҳҳор). Иссиқ қучоқ, ўтли бўсадан Томирингда жўш урганда қон, ... (Уйғун). Жоним қурбон қошинг билан кўзингдан, Бир муччи бер, болам, нариги юзингдан («Авазхон»).

УРАЛМОҚ, БУРКАНМОҚ. Ётган ҳолда устини (ўзини) бирор нарса билан яхшилаб ёпмоқ. **Бурканмоқ** маънони кучлироқ оттенкада ифодалайди.

Ғам, кўрқув титроғи билан эзилган Гулнор кўрпага ўралаб ўйлади: «Нега кеча қочмадим!» (Ойбек.) Намозиомдан кейин,

уйқуси келмаса-да, Гулнор ўринга кирди, кўрпага буркани б
пиқ-пиқ йиғлади (Ойбек).

УРАМОҚ, ЧИРМАМОҚ. Атрофини айлана ҳолатда ёпмоқ.
Урамоқ сўзи атрофини бир марта, шунингдек бирдан ортиқ марта
ўрашни ҳам ифодалайверади. **Чирмамоқ** сўзида белги даражаси
кучли. Бунда атрофини ўраш бирдан ортиқ бўлади ва объектни
сиқиб ўраш оттенкаси ҳам бўлади.

[Азизбек] Бошига оқ шойидан салла ўраб, оёқларини кумуш
узанига тираган, сийрак қошли, чўққи соқол, бугдой рангли,
қирқ беш, эллик ёшлар чамалик бир киши эди (А. Қодирий). Баъ-
зилари эса оёқларини чурук латталар билан ўраганлар.
Совуқдан кўкарган лой, кир бармоқлари чуруклар орасидан мўра-
лаб туради (Ойбек). Аҳмад Хусайн менинг бошимга бир бутун
саллани чирмаб қўйибсан-ку, ўз яранга бепарволик қиласан...
(Ойбек). ...ҳамма ёғи алвон, шиор, кўм-кўк барг ва гуллар билан
чирмаб ташланган (А. Мухтор).

УРИНБОСАР, МУОВИН. Раҳбарлик лавозимида асосий
(бош) раҳбардан қуйидаги (кейинги), бош раҳбар йўғида унинг
вазифасини бажариш ваколатига эга бўлган шахс.

Сизни ўзимга ўринбосар қилиб олганимда умидим катта
эди, муғахассис, ишнинг кўзини билади деб ўйлагандим (С. Анор-
боев). «Ҳа, айтгандай, менинг муовиним камтарлик қилиб, бир
нарсани айтмай кетди»,— деди Хўжабеков (С. Анорбоев).

УРИНЛИ, ЖУЯЛИ, МАЪҚУЛ, ЖОИЗ. Маъқул ва рухсат
этиладиган, мақсад, одат-қонда талабига мос келадиган.

Аслида уни домла деб аташ ҳам ўринли эмас («Муштум»).
Низомжон ўйлаб қараса, дарҳақиқат, бу жўяли гап экан (Саид
Аҳмад). Мадумарнинг телбаларча бақирғи олдида бу мулоҳаза
жўялироқ туюлди (А. Мухтор). Лекин элликбоши Йўлчининг
изига қоровул, ҳатто миршаб туширганлигидан хабардор бўлган ва
бу кунларда уринишининг фойдасизлигини яхши билган Қоратой
Йўлчининг тадбирларини маъқул кўрмади (Ойбек). Назаримда,
шоирлар ўз таржимаи ҳолларини ёзмасликлари жоиз («Тошкент
ҳақиқати»). Шунинг учун ипаклик кийиб далага чиқиш, қиммат-
баҳо либосни офтобда жизгинак қилиш жоиз бўлмаса керак
(«Муштум»).

ЎРНАК, НАМУНА, ИБРАТ, УЛГИ. Тақлид қилиш, ўрга-
нишга лойиқ яхши, иш-фаолият, ахлоқ-одоб. Улги диалектал.

...Жаббор Ҳакимов. Малик Файзуллаев каби ўқиш ва практика
машгулотларида ўз тенгдошларига ўрнак кўрсатаётган студент-
лар сўзга чиқиб, горькийликлар ташаббусига жавобан Тошкент ва
Сирдарё области хўжаликларига бориб меҳнат қилиш истагини
билдиришди («Ёш ленинчи»). Пахта етиштиришни кўпайтиришда,
ҳосилдорликни йилдан-йилга оширишда намуна кўрсатаётган
Хоразм областининг Ленин ордени билан мукофотланганлиги
бутун республика пахтакорларининг қувончига қувонч қўшиди

(«Қизил Ўзбекистон»). Энди ҳаммага ибрат, ёшларга маслаҳат-
гўй, меҳрибон, коммунист аёл пешқадамлар пешқадами («Муш-
тум»). Олмалиқлик ёшлар Аъзамовлар оиласига ҳавас қилишади.
Чунки улар ўқишда, спортда бошқаларга ибрат («Совет Ўз-
бекистони»). Уйига борсангиз, тиккан нарсаларига оғзингиз очи-
либ қолади. Учар қушдан улги оладиган чевар экан (М. Алавия).
«Бу ҳужжатларнинг ҳаммасини матбуотда эълон қилиш керак, ҳам
ёшларимизга улги бўлади, ҳам бу иғволарга яхши бир зарба
бўлади»,— деди Ражабов (О. Ёқубов).

ЎРТОҚ, ДҮСТ, ОҒАЙНИ, ОШНА, ЖҮРА, УЛФАТ, БИРОДАР, ҲАМДАМ, ДУГОНА, ТОМИР, ЧҮПҚОТ. Қараш-
лари, фаолияти ва ш.к. томонлари билан ўзаро яқин бўлган шахс;
дўстлик, ўртоқлик муносабатидаги шахс. Дўст сўзида ўртоқлик
муносабатидаги яқинлик яна ҳам кучлироқ бўлади. Ошна, оғайни
ёзув тилига нисбатан сўзлашув тилида кўпроқ қўлланади. Жўра,
биродар, улфат сўзлари ўртоқ, ошна, оғайни сўзларига нисбатан
кам қўлланади. Ҳамдам эскирган. Дугона хотин-қизлар ўртоқлиги,
дўстлигини ифодалаш учунгина қўлланади. Томир — жуда кам
қўлланади.

Нури алоҳида хонада ўз ўртоқлари — обрўли оилалар-
нинг қизлари билан ўлтирар эди (Ойбек). «Биз сеникига меҳмон
бўлиб келдик. Бу киши дўстим Жондор вагончи»,— деди Тан-
тибойвачча (Ойбек). Биз шу ердаги оғайнилар билан кенга-
шиб, бир гапга тўхтаб қўйдик (А. Қодирий). Бу шаҳарда таниш-
билишининг йўқлиги Мирзаевга шу бугун билинди. Биронта ош-
наси бўлса, шафтоли сайилига айтмасмиди (А. Қаҳҳор). Биз
томонларда камбағал-қашшоқ кўп. Ҳар томонга тентираб кетгани
ҳам кўп. Биз ҳам бир жўра ми з билан нима иш бўлса қиламиз
деб Тошкентга келган эдик (П. Турсун). ...тўйхонанинг эгаси ора-
ларидан қил ўтмайдиган қадрдон улфати: Тўламат ўғил тўйи
қилганда у ҳам бел боғлаб, хизматини аямаган. Бунинг устига
тўёнларини айтмайсизми! (С. Анорбоев.) «Мендан тўрт-беш ёш
улуғроқ бир биродаримиз бор эди. Кўп доно йиғит эди.
Гапирса, ҳаммамиз оғзига тикилар эдик»,— деди чол (П. Турсун).
Омон бўлсин ўн бешта тендош — Бир томир-у бир қалб, бир-
сийна. Рус халқила биродар, ҳамдам, Украина, жон Украина
(С. Акбарий). Дилора дугонаси билан узоқ гаплашмади, жуда
бўлса бир чойнак чой ичарлик вақт ўтгандир (М. Исмоилий).
Икки ўртада сўз бергандик, томири миз... деб, Зуваласи айрим
битта хамирмиз деб (Ғ. Ғулом). Шундаям сизга, эски чўпқот,
эски қадрдон (М. Исмоилий). Сир яшираркансан, чўпқот бўл-
майсан... (А. Мухтор.)

УСМОҚ, УЛҒАЙМОҚ, КАТТА БҮЛМОҚ. Ёш ва жисмоний
жиҳатдан катта ҳолатга ўтмоқ, каттайиш томон ривожланмоқ.

Сафингда улғайдим, чиниқдим, ўсдим, Сафингда бўлмоқ-
лик улғу ифтихор (Шуҳрат). Сен орамизда ўсдинг, катта

бўлди. Энди ҳаётингдаги бутун қувончлар олдинда («Тошкент бинокори»). ...*Жўра улғайибди, зап танги ўғлон, Дениз тағларида қилар саёҳат (Миртемир). Утган беш йил ичида совхозимиз ҳар томонлама ўсди, улғайди («Совет Ўзбекистони»).*

УТКИР, КЕСКИР. Яхши кесадиған тигли. **Кескир** кам қўлланади.

Уткир, қонсираған ханжарини белига осиб, ойболтасини кўтарған жаллод қушбегининг ҳукмига мунтазир эди (*А. Қодирий*). «*Игитлар ҳавас билан томоша қиладиған кескир, қора пўлатдан ясалған, суяк сопли пичоқ — мана шу,*»— деди *Бобоқул... (С. Анорбоев.)*

УТМИШ, КЕЧМИШ, МОЗИЙ. Утган (орқада қолған) ҳаёт. **Мозий** эскирган, китобий.

Мана энди *Абдурасул Элмуродга* бу ўтмиш хангомаларини гапириб бериб, охирида: «*Бизнинг орамизда шундай гаплар ўтган,*»— деб қўйди (*П. Турсун*). *Кечмишни* кўрганлар демас афсона, *Утмиш* — қалин китоб, *сарлавҳаси қон (Миртемир)*. Агар душман ўзи *Таслим* бўлмаса, *Ўзи, ёвуз кечмишига* кулмаса,... (*Ҳ. Олимжон*.) Бу қўшиқ *кечмишнинг* бир афсонаси, *Бобом сўйлаб берган келиб хонаси (Миртемир)*. *Шошма*, она дарё, *шошма мунча ҳам, Сен ҳам тушун мозиё ва бугун надир (Миртемир)*.

УХШАШ, МОНАНД. Кўриниши, тўзлиши жиҳати бир хил. **Монанд** бу маънода китобий тилдагина қўлланади.

Бизнинг Марғилонда бир қиз бор... шундоқ кўхликки, бу ўртада унинг ўхшаш и бўлмас, деб ўйлайман! (*А. Қодирий*.) *Ўзбек билан тожик халқининг куйи ҳам бир-бирига монанд («Қизил Ўзбекистон»).*

УЧ, ҚАСОС, ҚАСД, ИНТИҚОМ, АЛАМ. Ҳақорат (хафа) қилинганлик учун алам олиш мақсадида онгли равишда (атайлаб) қилинадиған ёмонлик. **Қасос** маънони кучли даражада ифодалайди. **Қасд** нисбатан камроқ қўлланади. **Интиқом** эскирган, китобий.

Йўлчи кўчада бойнинг приказчигидан... ҳамма воқеани, яъни *Гулнорнинг вафоти, Ермат уни Салимбойвачча заҳарлаган* деб, қизининг ўчини олиб, бундан уч-тўрт кун бурун, бойваччани ўлдириб, ўзи ғойиб бўлганини, *бу кун қаердадир ушланганини эшитган эди (Ойбек)*. Бу *мудҳиш хабар ёш-қарининг юрагида ғазаб ва қасос алангасини ёндириб юборди (Н. Сафаров)*. Биз бечораларда нима қасдинг бор эди, шунчалик шарманда қилдинг?! (*М. Исмоилий*.) Бу одамларнинг... бири ҳақоратга қаршинтиқом қўлини кўтармай, ҳамширалик қўлини чўзган, бири оналик меҳр-муҳаббати билан бошини силаган (*А. Қаҳҳор*). *Мунча серпичинг бўлиб кетибсиз. Менда аламингиз борми? (Шухрат.)*

УЧМОҚ, СЎНМОҚ. Ениш ёки нур тарқатишдан тўхтамоқ. **Сўнмоқ** кам қўлланади. Сўзлашув тилида эса деярли қўлланмайди.

...лампочкалар бир мартагина чақнади-ю, ўчди. Шундан буён

миқ этмайди («*Муштум*»). *Мойи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди (Саид Аҳмад)*.

ЎҚИТУВЧИ, ПЕДАГОГ, МУАЛЛИМ, ДОМЛА, АФАНДИ. Ўқитиш, таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи шахс, ўқитиш касбининг ағаси. **Педагог** ўқитувчи ва тарбияловчи шахс маъносини билдиради. **Ўқитувчи** шу маънода ҳам, шунингдек фақат ўқитиш ишини бажарувчи шахс маъносида ҳам қўлланади. **Муаллим** нисбатан эскирган. **Афанди** — эски.

Раҳматилланинг ўрнига келган ёш ўқитувчи Салим Собиров район ва шаҳардаги ёр-дўстларининг ёрдами билан кичикроқ бир кутубхона, қизил бурчак ташкил қилди ва мактаб комсомолларидан бир неча кишини қизил бурчакка навбатчи қилиб қўйди (А. Қаҳҳор). У ўз ишини жону дилдан севган педагог эди («*В. И. Ленин ҳақида хотиралар*»). Улар бошларини кўтариб, суюкли муаллимни табассум билан қаршиладилар (*Ойбек*). Янги усул мактабнинг яхшилиги, болаларнинг тоза, ёруғ хонада ўтириб ўқишлиги, ёш домланинг хушмуомалалиги, яна кўп фазилати ва хислатлари мачит имоми Асад қорининг эски усул мактабига ҳам етиб борди (*М. Исмоилий*). *Элмурод... унинг «муаллим ўзимизники», ...Афандининг тупроғи шу ердан олинган! деганини эслади (П. Турсун).*

Қ

ҚАДАМ, ОДИМ. Оёқ билан олдга, орқага ёки ёнга бир марта қилинган ҳаракат. **Одим** кам қўлланади.

«*Хайрият, хайрият, Абдурасул!* — деди *Олахўжа* охири бошини кўтариб.— *Сенинг ҳам қадаминг биз томонга тушар кун бор экан. Нечук худо ёрлақади!» (П. Турсун.)* *Дарвозадан ўн беш одиллар нарида шийпонга ўхшаш тўрт тарафи очиқ бир бинода дарвоза беклари гулхан солиб, чилим чекиб ўтирадилар (А. Қодирий).*

ҚАЗ(И)МОҚ, КОВЛАМОҚ. Тупроқ, тош ва шу кабиларни олиб чуқур ҳосил қилмоқ.

Меҳнат завқи тутар ўлкани, Саҳар кетар чўпон тоғига, Бири ариқ қазир, ер ҳайдар, Бири гул ўтқазар боғига (Ҳ. Олимжон). Аммо унинг қалби гоҳ-гоҳ бошқа қиз эди билан тўлиб-тошар эди: *у Йўлчи қўшининг олов селида чўмилиб тўнка ковлар экан, учраган камбағал қиз, узоқдан унга қайрилиб боқиб, соф, содда, самимий табассум бахш этган ўзал қиз!.. (Ойбек.)*

ҚАЙНАМОҚ, ЖУШМОҚ, ЕНМОҚ. Кучли завқ-эҳтиросда бўлмоқ.

Ойшахон қайнаб, гапдан-гап тўғдириб боради (Аббос Муҳиддин). *Кузатиб қоламан севинчдан жўшиб ва «Оқ йўл!»*

тилайман, азизим, сенга! (Шухрат.) «Кўча боги»дан завқ олгач, «Гиря»ни тинглайсиз. Ҳофиз жўшиб куйлайди («Совет Ўзбекистони»). Вали ака Ғуломжоннинг ёниб куйлашига, кўзларининг ғўзалар ичида нигорон бўлашига ҳайрон бўлади (М. Исмоилий).

ҚАЙНОҚ, ЖУШҚИН, ҚИЗҒИН. Қайнаб-жўшган ҳолатли.

Қайноқ ҳисларини бўшатиш учун Полизчи тўқийди рангбаранг ҳикоя (Ойбек). ...муздек шабадамдан баҳра олай десанг, жўшқин ҳаёт қучоғига кирай десанг... бағримга кел, дейди навбаҳор («Тошкент ҳақиқати»). Колхоз устахонасида ҳам ишқин («Тошкент ҳақиқати»).

ҚАЛБАКИ, СОХТА, ЯСАМА, СУНЪИЙ, ЁЛҒОНДАКАМ, ҒАЙРИ ТАБИЙИ, БОТИЛ. Ҳақиқий эмас. Қалбаки, сохта кенгроқ тушунчага эга ва асосан адабий стилига хос. Оддий сўзлашувда кам қўлланади. Ясама, ёлғондакам сўзлари эса, аксинча, оддий сўзлашувда кўп қўлланади. Ясама, сунъий, ёлғондакам сўзлари асосан одамдаги хатти-ҳаракатга нисбатан қўлланади.

Пул қарз олиб, еб кетиш, қалбаки ҳужжатлар ясаш, соддадил одамларнинг ҳовли-жойларини ўзига қаратиш сингари ҳаром ишларнинг пири эди (Ойбек). Элмурод: «Менинг севган қизим борлигини айт, шунда мендан совийди»,— дейди. Йўқ! Бу — сохта метод (Шухрат). Бўронбекнинг кесак ранг юзида ясама кули йилтиради (Ҳ. Ғулом). Кўзларидаги киноя, лабидаги сунъий илжайиш билан Йўлчига қўл учини берди ва бир зумда боғ ичида ғойиб бўлди (Ойбек). У Мамажоннинг савол назари билан қараб турганини кўриб, ёлғондакам илжайди («Муштум»). Шу чоқ эшик очилиб, кимнингдир ғайри табиий «ҳаҳа-ўхў!» деб йўталган товуши эшитилди-ю, Тўлаган кириб келди (А. Қаҳҳор). «Айтиб кел у фикри ботилни?» — деди у, шиддат билан Асад қорига (М. Исмоилий.)

ҚАЛИН, ЗИЧ, ТИҒИЗ. Кўп ва бир-бирига яқин жойлашган, «сийрак»нинг акси.

Иккинчи кун илар шаҳардан жуда узоқлашиб кетишган эди. Улар фақат кечга яқин қалин ўрмон билан ўралган кичкинагина бир қишлоққа етишиб келди (А. Раҳмат). Бирдан қарағайларнинг қалин ва зич сафи ёрилиб, икки томонга ажралиб кетди (Мумтоз Муҳамедов). Ораси анча очик қоши ҳам, тиғиз ва калга киприклари ҳам ўша мулоийм мўйлардан тизилган эди... (П. Қодиров.)

ҚАЛТИС, НОЗИК. Хушёрлик ва эҳтиёткорлик талаб этувчи.

Гап кўп, кечқурун гаплашамиз... Сен ҳозир Зокировнинг қошига югур. Унга ёрдамлаш. Лекин эҳтиёт бўл, қалтис жойлар кўп (Ойбек). Мушкул ва қалтис масала, ўйлаш керак (Ойбек). У жавоб бергали ҳам қўрқар эди. Унингча иш жуда нозик, ғоятда қўрқинчли эди (А. Қодирий). Шундай нозик пайтда ва шундай масъулиятли жойда сени қувватлаб гапириш — мардлик эмасми? (И. Раҳим.)

ҚАЛЪА, ҚУРҒОН. Мудофаа иншоотлари, истеҳкомлар қурилган жой.

Бизнинг халқимиз... Ўз Ватанини қудратли индустриал-колхоз давлатига, социализмнинг ёв киролмас қалъасига айлантирди («Қизил Ўзбекистон»). Ёв қўрғонини қамал қилиб, унинг кулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшин каби, одамлар тоғ этагига тўлиб кетдилар (М. Исмоилий).

ҚАМАЛ, ҚУРШОВ, МУҲОСАРА. Қамаб-ўраб олинган ҳолат. Муҳосара эски, китобий.

Ленинградни душман қамалидан қутқаришга тайёрлик бошланган («Қизил Ўзбекистон»). Агар фашист қисмлари Чайка дарёсига чиққан бўлса, биз қуршовда қолган бўламиз. Душманни қуршов билан қўрқитиш — фашистларнинг энг севган тактикаси (И. Раҳим). ...ҳануз Тошкент Қўқон сипоҳлари томонидан муҳосара ҳолатида эканлиги тўғрисида хабарлар келиб турмоқда эди (А. Қодирий).

ҚАРАМ, ТОБЕ. Ўзганинг ҳукмида, ўзганинг эрк-ихтиёрида. Оддий сўзлашувда тобе сўзи жуда кам қўлланади.

«Кет энди, юмушингдан қолма, сан ҳам бировга қарам одамсан».— Йўлчига миннатдорлик билан термулиб орқага қайрилди Шоқосим (Ойбек). Мустамлака ва қарам мамлакатларнинг барча мазлум халқлари озод бўлсинлар («Қизил Ўзбекистон»). Мингоши бошлиқ олдида ўзини йўқотиб қўйган тобедай заиф товуш билан: «Тешган маъқул бўлармикан»,— деб сўраган эди, Тешабой жеркиб ташлади (М. Исмоилий).

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК, ЗИДЛИК, НИЗО, КЕЛИШМОВЧИЛИК, ИХТИЛОФ, НИФОҚ. Ўзаро келишмайдиган, бир-бирига акс муносабатли ҳолат. Низо китобий ва у катта мансаб, даражадаги шахс ёки томонлар ўртасидаги келишмовчиликни ифодалайди. Ихтилоф, нифоқ китобий, кам қўлланади.

Коммунистик жамиятнинг юқори фазасида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарам-қаршилик йўқ бўлиб кетади (К. Маркс). Икки орадан зидлик топиб бош оғритиб юганига... ҳайрон бўлдик («Муштум»). 1447 йилдан кейин Хуросонда феодал ҳукмдорларнинг ўзаро низолари... кучаяди («Ватан адабиёти»). ...биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучимиз билан... бартараф қиладиган бўлиб қолдик (А. Қаҳҳор). Мен шахзода Бадиуззамонга урушнинг фалокатини... англадим. Бинобарин, ихтилоф тугади (Уйғун, И. Султон). Дарҳақиқат, амирлик рутбасини қабул қилсам, баъзи улғ зотларнинг кўнгли ранжур. Орада беҳуда сўз кўпаюр. Дўстлик ўрнига нифоқ вуждга келур (Ойбек).

ҚАРАМОҚ, БОҚМОҚ. Бирор нарса ёки томонга кўз ташламоқ, назар ташламоқ. Боқмоқ кам қўлланади.

Йўлчи мўл-мўл тер тўкиб ҳеч қачққа қарамай ишлай берди

(Ойбек). Қаро кечалари Зухрога боқиб, Излардим ишқ тўла ишқ қарашингни (Т. Тўла).

ҚАРАШ, БОҚИШ, НИГОҲ, НАЗАР. Кўз ташлаш, кўз йўналиши. **Нигоҳ** поэтик услубга хос.

Йўли сўзини битиргач, Абдишукур илжайди, синовчи бир қараш билан унга тикилди (Ойбек). У эса Отабекнинг бу қарашиданга маънони сезган эди (А. Қодирий). Хотин ҳам ичкарига киргач, Офтоб ойим эшикни қия беклади-да, қайғули бир боқиб билан хотинга қаради (А. Қодирий). Мана Баҳодир истаган одамни кўриб қолди. У секин ёнверига назар ташлади. Йўқ, шубҳасиз бу боқиб унга тегишли эди (М. Жалолiddинова). Ясан келинчақдай ҳар бир дарахтни севаман! Нигоҳим уза слмайман (Зулфия). Чойзорингда кезар эди сенинг назаринг, Пахтазорим турар эди кўзим ўнгида (Шухрат). Грузия сарвиси янглиғ Қадди расо, ўткир назари (М. Бобоев).

ҚАРИНДОШ, УРУҒ, АВЛОД, ТУҒИШГАН, ЖИГАР, ЖИГАРБАНД, ЖИГАРГУША, ХЕШ. Туққан-туғишганлик муносабатидаги шахс ёки шахслар. Шу маънода қариндош сўзи кенг қўлланади. **Уруғ**, айниқса авлод сўзи кам қўлланади.

Қадр билмас қариндошдан қадр билган ёт яхши (Мақол). Мирзакаримбой... ўйлаб қолди: «Уз уругингни ишлатиш ҳаммадан роҳат. Алдайсан, яхши гапирасан. Юраверади» (Ойбек). Унинг мақтаб тилга оладиган бирдан-бир пушти-паноҳи шу Тўра-хўжабой эди. Фисқи-фужур уяси бўлган бу оила ҳаммани қораласа ҳам, ўз авлоди бўлган ана шу катта бойга асло тил теккизмас эди (П. Турсун). «Бу одамхўрларни қозига бериб, бечора гўдакнинг хунини олиш керак»,— деди. Аноргул йиғили товуши билан: «Қови сизнинг туғишганингизмиди!»— деди (Ойдин). Мадамин буни кутмаган бўлса керак, шовқин солди: «Хизматкорим эмас! Худойқул менинг ўз жигарим, аммадан қолган сағир» (П. Турсун). Ҳақиқатан ҳам унинг катта-катта тимқора кўзлари... сув остида жигарбанди Фатхияни қидирарди («Қизил Узбекистон»). Набирасининг очиқ чехрасига... боқаркан, жигаргўшаси, кўзининг оқ-қораси фарзанди Собир сиймоси худди тирилик келгандай бутун салобати билан гавдаланиб кетди («Тошкент ҳақиқати»). Тоғу тошдан ошиб келдим, Совға олиб шошиб келдим. Совға — қопда, азиз хешлар, Ҳаммаси ҳам тўрту бешлар! (М. Исмоилий.)

ҚАРОР, АЗМ, ЖАЗМ. Бирор ишни бажариш ҳақида чиқарилган ҳукм, интилош.

У воқеани очиб солишга қарор қилди: — Зебо, азизим, қизимсан, сенинг шодлигини менинг шодлигим (Шухрат). Ё қуёшнинг ёруғ манзили — Осмонингми очган ҳуснингни? Ё тоғларнинг чирой, азмими Мағрур қилиб безаган сени? (М. Бобоев.) «Кўпчилиكنинг жазмини оқсоқол ҳам бир эшитиб қўйганда бўлар эди»,— деди Элмурод (П. Турсун).

ҚАСАМ, ОНТ, ҚАСАМЕД. Маълум шартларни тан олувчи (маълум шартлар айтиб) ўз-ўзига берилган қатъий ваъда. **Қасам** ва **онт** сўзлари (айниқса, **онт** сўзи) асосан «ичмоқ» сўзи билан бирга қўлланади. **Қасамед** кўпчилик олдидан тантанали қасам маъносини билдиради. Бу сўз асосан **этмоқ**, **қилмоқ** феъллари билан бирга қўлланади.

Шу келганида: «Энди қимор ўйнасам, онам хотиним бўлсин!»— деб қасам ичди,— деди Ҳожи хола (М. Исмоилий). Лекин, магазинга боргач, қасамни ҳам, қўрқинчли махлуқни ҳам унутдик... («Муштум»). Очилиш у ёқда турсун, очиқ хотинларнинг юзини ҳам кўрмайман, деб онт ичганман (А. Қаҳҳор). Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйинингга олсанг, онт билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин! (А. Қодирий.) Черницовнинг сўнги сўзи жангчиларнинг қасамеди бўлиб жаранглади (И. Раҳим). Олимжон ва Ойқиз гўзаларни бўрон зарбидан сақлаймиз, деб қасамед қилган экан, уларни шармандаи-шармисор қилиш мумкинми, ахир (Ш. Рашидов).

ҚАТТИҚ, ЗАРАНГ, МЕТИН, ТОШ. Майдалаб, парчалаб бўлмайдиган, қотиб кетган.

Отанг билан бир бўлиб Боғда меҳнат қилардинг, Қўлда кичик кетмонинг, Қаттиқ ерни тилардинг (Зафар Дийр). Гўристонга олиб бордилар, Оёғидан судрашиб аранг. Куйиб-пишиб кавладилар гўр, Ер ёрилмас, ўлгудай заранг (Уйғун). Ишон, синглим, бизнинг дўстлик метинди! Тошлар эриб, денгиз қуриб кетса ҳам. Қилг этмасдан турар мангу мустаҳкам! Бу юраклар истагидир, ўтидир!! (Шухрат.) Хаҳ, шум такалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қурутни берсам, олмайсизлар, шу тош қурутни талашасизлар. Мана, кўрдингларми, қаттиқ — тишларингни ушатади (Ойбек).

ҚАЧОНГАЧА, ТОКАЙ(ГАЧА). Қай вақтгача. **Қачонгача** сўзи оз вақтга нисбатан ҳам, кўп вақтга нисбатан ҳам қўлланаверди. **Токай(гача)** сўзи кўп вақтга нисбатан қўлланади ва бирор ҳаракатнинг давомидан норозилик оттенкасини ҳам ифодалайди.

Турма! Бу дунё турмадан яхшими?.. Ҳамма ёқ қоронғи, ҳамма ёқдан заҳар ёғилади. Қачонгача заҳар ичаман?! (Ойбек.) Ахир, токай илмингизни хор қилиб масжидда ётасиз... (А. Қодирий.) Биродарлар, ўйлаб қаранглар, шу ҳам тирикчиликми? Ахир, бу бир зиндон эмасми? Токайгача қон ютамиз, токайгача ерга чўккалаймиз? (Ойбек.)

ҚАҚШАМОҚ, ЗИРҚИРАМОҚ. Ич-ичидан алам бермоқ (оёқ, қўл каби аъзоларга нисбатан, шунда ҳам кўпинча **оғримоқ** сўзи билан бирга қўлланади).

Оллонийез сал оқсоқланиб юрарди. Болалигида от тепиб, чап оёгини синдирган эди. Шундан бери ҳавони булут босса, ўша оёғи қақшаб оғрир эди (Х. Сеитов). Бектемиров бу тепкиларнинг

варбидан танаси қанчалик зирқираб оғримасин, ўзини тутиб, тишини тишига қўйиб чидади (Саид Аҳмад).

ҚИЗИЛ, ҚИРМИЗИ, ОЛ. Қон ранги, қон рангига мос келувчи ранг. **Ол** китобий, жуда кам қўлланади. **Қирмизи** бадийлик отенкасига эга.

Тахтадан қўполгина қилиб ясалган узун столга қизил алвон ёзилган (Ҳ. Ғулом). Қирмизи юзингда зафарнинг акси, Наслимга берилган тухфасан олий (Уйғун). Хушёр, оғоҳ, наъра солди, Асло тинган йўқ. Қўлига ол байроқ олди. Шашти синган йўқ (Миртемир).

ҚИЗИҚ, ҒАЛАТИ, АЖОЙИБ, АЛОМАТ, АНТИҚА, АЖАБ, АЖИБ, АЛЛАМБАЛО. Кишини ажаблантирадиган, ҳайратда қолдирадиган. Белги даражаси қизиқ сўзига нисбатан ажайиб сўзида кучли, ажайиб сўзига нисбатан аломат сўзида кучли, антиқа сўзида аломат сўзидагига нисбатан ҳам кучли. **Ажаб**, айниқса ажиб сўзи жуда кам қўлланади.

Шундай ўсимликлар борки, уларнинг ўсиши, тараққиёти жуда қизиқ («Уқитувчилар газетаси»). Бу гап болаларга ғалати туюлиб, ўйлатиб қўйди (Ҳ. Назир). Одамни очдан ҳам ўлдирмайдиган, қашшоқликдан ҳам чиқармайдиган бу касб ҳақида халқ аломат гаплар тўқиган (А. Мухтор). «Шу воқеани ўша ёзувчига гапириб беринг. Жуда антиқа ҳикоя чиқади»,— деди партком Назирага (Саид Аҳмад). «Ажаб замона экан!— бошини чайқаб гапирди Мирзакаримбой,— ҳар хил гаплар чиқади: мажмуа, жарийда... Фойдаси борми?! Тавба!» (Ойбек.) Яланғоч дарахтлар майда юлдузчалар билан ёнган қора, ажиб, чиройли кўлкалар ташлайди (Ойбек). Тони қадамни секинлатиб, беихтиёр, зерикаётган одамдай алламбало бир куйни ҳуштак қилиб чала бошлади (Ҳ. Ғулом).

ҚИЗИҚМОҚ I, ҲАВАСЛАНМОҚ, ҲАВАС ҚИЛМОҚ. Эришиш (етишиш, ўрганиш ва ҳоказо) истагига эга бўлмоқ. **Ҳавасланмоқ** нисбатан кам қўлланади.

Бир кунда саксон, юзга етказиб каклик отиш ҳеч гап эмас эди. Эшмон жуда ҳавасланиб тикилиб қолди (Ш. Ғуломов). Мен ёшлигимда боксёрликни яши кўрардим. Ҳавас қилиб тўғаракка кирдим (И. Раҳим). Онанг айлансин, Марасул, хотининг ёш, кимда нима кўрса, ҳавас қилади (А. Қаҳҳор).

ҚИЗИҚМОҚ II, УЧМОҚ. Аҳамиятсиз бир нарсанинг таъсирига берилмоқ, шундай нарса олдида ўзини тийиб ололмаслик. **Учмоқ** кўпроқ салбий бўёқ билан қўлланади ва унда белги даражаси кучлироқ.

Сенинг пойқадамингга сочмоқ учун зарларим йўқ! Лекин жоним бор, жоним! Бойнинг молу мулкига қизиқиб... (Ҳамза). Дарвоқе, Райхоннинг нимасига уча қолдим? (Ж. Абдуллахонов.)

ҚИЗГИН, АВЖИДА. Суръати жуда жадал, энг юқори даражада.

Уқувчилар бригадасида иш қизгин (Р. Азизхўжаев). Иккинчи қаватда плита тўсиқларни ўрнатиш ва гишт териш авжида («Тошкент оқишони»).

ҚИЙИН, МУШКУЛ, МАҲОЛ, ОҒИР, МАШАҚҚАТЛИ, СЕРМАШАҚҚАТ, АМРИ МАҲОЛ, ДУШВОР. Қийинчилик билан амалга ошадиган, машаққат туғдирувчи, «осон»нинг акси. **Мушкул** қийинни кучлироқ оттенкада ифодалайди. **Маҳол** маънони яна ҳам кучли оттенкада ифодалайди. **Машаққатли, сермашаққат** қийинликни маҳол сўзига нисбатан ҳам кучли оттенкада ифодалайди. **Душвор** эскирган, китобий.

У замонларда, ўғлим, бизга ўхшаган одамларнинг тўрт танга орттириши қийин эди (А. Қаҳҳор). Касалнинг келиши осон, кетиши қийин (Мақол). Йўлчи ёлғиз қоларкан, ўзи учун мушкул масалани, яъни хўжайин олдига кириб, ундан пул талаб қилишни ўйлади (Ойбек). Қиз иккови бир-бирини ўлғудай яши кўргандан кейин айириш маҳол! (Ҳ. Ҳакимзода.) Булар азоб чекмоқда эдилар. Булар шу оғир, шу мушкул дамларида далда берувчи, йўл кўрсатувчига муҳтож эдилар. (М. Исмоилий.) Сен, Чернизов, шуларни айт жангчиларга! Машаққатли, аммо муқаррар ғалабадан гапир! (И. Раҳим.) Улар ўша сермашаққат йилларда совуқларга, кўпинча очликка ҳам бардош бериб... мамлакатни ғалла билан узлуксиз таъминлаб турдилар («Қизил Ўзбекистон»). Келса гадоёй ногаҳ агар, Бир нон чиқиши душвор экан (Муқимий). Агар узун қўнжли резинка этик киймаса, бу кўчадан юриш амри маҳол («Муштум»).

ҚИЙИНЛАШМОҚ, ОҒИРЛАШМОҚ, МУШКУЛЛАШМОҚ. Қийин (оғир) ҳолга келмоқ. **Оғирлашмоқ** сўзида белги даражаси кучли.

Қуюқ туман тушиб, машиналарнинг юриши қийинлашди («Қизил Ўзбекистон»). «Бойларнинг чақиғи билан Йўлчининг иши оғирлашди»,— деди Шокир ота (Ойбек). Ҳосилни ёгингарчилик бошлангунча йиғиб-териш олмасак... Қора совуқ тушгандан кейин иш янада мушкуллашди («Қизил Ўзбекистон»).

ҚИЙИНЧИЛИК, МАШАҚҚАТ, ОҒИРЧИЛИК, ҚАТТИҚЧИЛИК, РИЕЗАТ, ЗАҲМАТ. Кишини қийновчи ҳолат. **Машаққат** сўзида азоб, қийноқ оттенкаси ҳам бор, шунга кўра маънони кучли оттенкада ифодалайди. **Қаттиқчилик** моддий қийинчилик маъносини билдиради.

Улар очликни, қийинчиликни, машаққатларни пем қилиб, бизни кўрқитмоқчи бўлдилар (Ҳ. Ғулом). Сафаров бу масала ва шуда учраётган бошқа қийинчиликлар тўғрисида гаплашиб, йўл-йўриқ олиш учун районга бормоқчи бўлиб турганда райкомнинг иккинчи секретари Шодиев келиб қолди (А. Қаҳҳор). О, эсиз умрим ёзи, қора машаққатда, қора кулда